


САЙФИДДИН ЖАЛИЛОВ

# БОБУР ВА ЮЛИЙ ЦЕЗАР



САЙФИДДИН ЖАЛИЛОВ

**БОБИР**  
**ВА**  
**ЮЛИЙ ЦЕЗАР**  
*(Қиёсий ҳаётнома)*

*Заҳриддин Муҳаммад Бобир  
таваллудининг 520 йиллигига бағишланади*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2001

**Сўз боши муаллифи**  
**ЗОКИРЖОН МАШРАБОВ,**  
*Бобир номи Халқаро жамғарма раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор*

**Масъул муҳаррирлар**  
**МАҲКАМ МАҲМУД,**  
*филология фанлари номзоди, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби*  
**ЗОКИРЖОН ҚУТИБОЕВ,**  
*тарих фанлари доктори*

**Тақризчилар**  
**БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ,** *академик,*

**ИБРОҲИМЖОН АЛИМОВ,**  
*тарих фанлари доктори, профессор,*  
*республикада хизмат кўрсатган фан арбоби*

Китоб Бобир номи  
халқ жамғармаси  
ҳомийлигида нашр этилди.

ISBN 5-633-01293-3

© Сайфиддин Жалилов. «Бобир ва Юлий Цезар».  
«Янги аср авлоди», 2001

## СЎЗ БОШИ

Узоқ тарих силсиласидаги улуғ инсонларнинг ўтмишида туганган ўрни ва эгаллаган мавқеи ҳақида фикр юритиши ҳамма замонларда ҳам мураккаб кечган. Зеро, инсоният тарихида жамиятда ўзининг яшаш тарзи, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кўрсатган фаолияти билан ёрқин из қолдирган сиймоларнинг шахсияти, умр йўллари, инсоний қиёфаси ва фазилатлари ҳақида апрофлича сўз юритиши ҳар қандай муаллифдан чуқур илмий мушоҳада ва салоҳиятни, кенг ва терең тафаккур эгаси бўлишни, шу билан бирга холисликни талаб этади. Айниқса, башарият ўтмишида залворли ўрин эгаллаган Гай Юлий Цезар ҳамда буюк Заҳририддин Муҳаммад Бобир каби тарихда чуқур из қолдирган шахслар ҳаётига жамият тараққиётининг ҳозирги чўққисидан туриб баҳо бериши, уларнинг маънавий қиёфасини тасвирлаши учун кўплаб ишончли манбаларга, замондошларининг хотираларига мурожаат этили зарур ҳисобланади.

Буюк Рим лашкарбошиси, Римдаги қадимий демократик республика тузумини империя тузумига айлантириб якка ҳукмронлик тартибини ўрнатган, бошиқа таъсирли консуллар, сенаторлар ва халқ фикрини эътиборга олмай, жуда катта салтанатга фақат якка ўзи ҳокимлик қилишига уринган Юлий Цезар ҳақидаги энг ишончли манбалардан бири юнон тарихчиси Плутарх (46-120)нинг кўп жилдли машҳур «Қиёсий ҳаётномалар» асаридир. Афлотун академиясининг шоғирди бўлмиш Плутарх ўз асарида юнонистонлик ва румолик давлат арбобларининг сиёсий фаолияти ва инсоний фазилатлари, шу билан бирга, шахсий иллатларини ҳам ҳаққоний ва холисона тасвирлайди. Юнонистон ва Рим давлатларининг адабиёт ва фалсафаси, сиёсий ҳаёти, маданият тарихи билан шуғуланувчи барча уламолар неча асрлардан буён Плутархнинг мана шу нодир асарига албатта мурожаат қиладилар.

Гўзал Фарғона водийсида дунёга келиб, «чархи кажрафтор»нинг тўсиқларини собитлик ва машаққат билан енгган, Ҳинд дийёрида, бутун жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллаган «Буюк Бобирийлар салтанати»га асос солган Заҳририддин Муҳаммад Бобир ҳақида жисдий асар ёзиши учун, аввало, «Бобирнома», қолаверса унинг ҳақидаги ўнлаб бадийий, илмий, тарихий манбаларга

таяниш лозим бўлади. Шоҳ, саркарда, олим, шоир ва улуғ мутафаккир Бобир ҳақида ҳолисона сўз юритиш ҳамма даврларда ҳам ўта масъулиятли иш ҳисобланиб келган.

Миллий гоя ва маънавиятимиз асрлар давомида буюк даҳоларимиз томонидан изчиллик билан яратилиб келинмоқда.

Жумладан, Заҳриддин Муҳаммад Бобир Мирзонинг қомусий асарини бўлиши «Бобирнома»да, шунингдек «Рисолаи Волидия», «Мубаййин» ва бошқа шеърини девонларида Ватан ва унга муҳаббат, одамийлик ва дўстлик, диний эътиқод ва сиёсат, тил ва ахлоқ каби миллий мафкурамизнинг турли йўналишларига оид гоялар асосий ўрин эгаллаган.

Бобир камтарин ва халқларвар инсон, билимдон олим, хассос шоир, саркарда ва адолатли шоҳ-ҳукмдор сифатида нафақат Осиё халқлари, балки эндиликда бутун жаҳонда тан олинган буюк даҳолардандир. Шу боис, барча қитъаларда Бобир асарлари жаҳонгаишта бўлиб кезиб юрибди. Унинг ҳақида яратилган Рашибрук Уильямснинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Ҳарольд Лэмбнинг «Бобир-йўлбарс», Анна Флора Стильнинг «Тоғ кийган дарвеш», Абрахам Эратнинг «Буюк Бобирийлар», Вильям Эрскиннинг «Бобир давридаги Ҳиндистон тарихи», Э. Холденнинг «Гулбадан» ва бошқа Оврўпо тилларида ёзилган илмий, бадиий асарлар мустақиллигимиз туфайли бизга етиб келди ва эндиликда ўзбекчалаштирилиб китобхон-муштарийларга ҳавола қилинган.

Юқорида номлари келтирилган ва бошқа асарларда буюк Бобиршоҳнинг дунё халқлари орасида тутган ўрнига, олижаноб инсоний хислатларига ҳаққоний баҳолар берилган. Оврўпо ва Америка олимларининг тан олишларича, «Бобирнинг тарихдаги ўрни ўтмишдаги шахзодалар орасида энг юқори мақтовга сазовордир». Ва яна: «Бобирнома» - бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир.

Бобир Мирзонинг бу асарини ва унинг шахсий, олижаноб инсоний хислатларини тарихда ўтган бошқа бирор кимсага қийс-лаш, ўта мураккаб ва масъулиятли ишдир.

Андижон ва Тошкент илмий-маданӣ муҳитида етмиган, тарих илмининг жонкуярларидан бири, бобиришунос Сайфиддин Жалилов ҳам «Бобир ва Юлий Цезар» асарини ёзиш учун Плу-

тархнинг ўша машҳур «Қиёсий ҳаётномалар»идан илҳомланган. Муаллиф ушбу асарида бири Ғарбдан, бири Шарқдан чиққан бу икки буюк шахснинг болалиги, тарбия топган оилавий муҳити, ёшлиги, таълим ва таҳсил йиллари, давлат ишларидаги, сиёсий соҳадаги дастлабки қадамлари, лашкарбошилик истеъдоди, қўл остидаги беклар-у, амирлар ва жангчиларга муносабати, шунингдек ижодий фаолиятлари ҳақида қиёсий мулоҳазалар юритганда тарихда яратилган ишончли манбалар мазмунига асосланади ва бу икки шахс ҳаётини қиёслаб, уларнинг тарих олдидagi ўчмас излари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади.

Бобир номидаги Халқаро хайрия жамғарма раёсатининг аъзоси, Бобир илмий экспедициясининг қатнашчиси, таниб-тангчмас олим Сайфиiddин Жалилов ўз асарлари ва илмий ҳамда илмий-оммабон мақолалари билан республикада кўпчилиكنинг назар-эътиборига аллақачон тушган. Мана, 40 йилдирки, бу олим Андижонда киндик қони томган буюк инсон Заҳриддин Муҳаммад Бобир ҳаёти ва ижоди билан шугулланиб келмоқда. У Бобир ҳақида бир неча ўнлаб мақолаларидан ташқари «Бобир ва Андижон», «Бобирнинг Фаргона давлати» китобларини ёзиб нашир этган.

Сайфиiddин Жалиловнинг «Бобир ва Юлий Цезар» номли янги асари улар ҳаётидаги барча муҳим ва қизиқарли тафсилотларни ўз ичига олганлиги, равои ва жозибали ёзилгани ва жонли ҳикоя услуби билан китобхонанинг диққат-эътиборини оҳанрабодек ўзига тортади.

Китобхон кўз ўнгида Бобир ва Юлий Цезардек буюк зотларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаёти, табиати, инсоний фазилатлари яққол кўзга ташланади. Тарихдан маълумки, агар Сулла, Помпей, Юлий Цезар, Антоний, Октавиан кабилар машҳур Рим республикаси империяга айланаётган даврда фаолият кўрсатган бўлсалар, Бобир улуг Соҳибқирон Амир Темура асос солган буюк империяси янқирозга юз тутган, бу салтанатни сақлаб қолишнинг сира иложи топилмаётган машаққатли даврда яшаб ўтди. Муаллифнинг ушбу китоби икки буюк давлат арбобининг ҳокимиятини қўлга киритишдан мақсади, бу йўлдаги курашлари, ҳарбий маҳорати, дипломатияси, сиёсатчилиги, шунингдек, оилавий ҳаёти, дўстларга ва рақибларга муносабати ва, энг муҳими, тарихий шахс сифатидаги фазилатлари қиёсий таҳлил этилган ижодий уринишлардандир.

*Шунга қарамай, бу ерда тарихий, сиёсий, ахлоқий, маънавий жиҳатлардан муҳим аҳамият касб этувчи қатор муаммолар ўртага ташланиб, қаҳрамонлар ҳаётидаги воқеалар асосида уларнинг ечими тўғри кўрсатиб берилган.*

*Бобир ўз мавқеига нисбатан адолатпарварлик, раъиятпарварликда юксак погоналарга кўтарилган киши эди. Тўғри, Юлий Цезар ҳам, Бобир ҳам ҳокимият учун курашларда, қонли тўқнашувларда ўз даври тақозосига кўра шафқатсизлик қилганлар. Аммо, бу хусусда Бобирга нисбатан Юлий Цезарнинг раҳмсизлиги, қасоскорлиги тарихдан аён, китоб матнида бу мазмун алоҳида мисоллар билан кўрсатилган. Ҳокимиятни Бобирдан тортиб олиш учун исён кўтарган холаваччаси-Хон Мирзодан қасос олиш учун уни ўлимга ҳукм қилмагани, исёнчиларнинг гоёвий бошлиғи бўлмиш ўз бувиси Шохбегимга тасалли бериб, тун бўйи ухламагани ва бувисини ноқулай вазиятдан чиқаришга урингани, чарчаганлиги баҳонаси билан унинг тиззасига бошини қўйиб, дам олиш учун ёнбошлагани ҳақидаги ва бошқа кўплаб далиллар Бобир шахсини кузатувчи китобхонни албатта ҳайратга солади, Цезарга нисбатан одамийлик фазилатлари юксак эканини кўрсатади.*

*Бобир ҳаётида бундай инсонпарварлик намуналари жуда кўп учрайди. Шу ўринда инглиз олими Эдуард Холденнинг Бобир ҳақидаги ушбу сўзларини эслатиб ўтиши жоиздир: «У (Бобир) олижанобликда инсонда қандай хислатлар бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган».*

*Китоб муаллифи Бобир билан Юлий Цезарнинг ўз оила аъзоларига ва бошқа аёлларга муносабатларида катта фарқ борлигини мисоллар билан кўрсатади. Бу соҳада Бобир аёлларга қанчалар иззат-ҳурмат, назокат билан қараса ва пок ниятли бўлса, Юлий Цезар ўз яқинлари, ҳатто сафдошларининг аёллари ва қизлари билан махфий алоқалар ўрнатиб, шармандали ишлар билан шуғуллангани манбалардан олинган мисоллар билан кўрсатилган. Ҳатто унинг қўлинидаги жангчилари ҳам ўз қўмондонининг хотинбоз эканидан кулиб, бу ҳақда ҳазил ашуулалар тўқиганлиги асардан маълум бўлади.*

*Эътироф этишимиз керакки, бири антик дунёдан, яна бири ўрта асрлардан-икки дунё, икки иқлим одами, икки тарихий шахс,*

шкки император, шкки саркардани қиёсий ўрганишининг ўзи анча мушкул ишдир. Умуман тарихни асл манбалар асосида холистик билан ўрганиш Ўзбекистонда мустақиллик туфайли қўлга кири-тилган эркинлик ва берилган катта ижодий имкониятдир. Кўҳна тарих уммонидан олиб уларнинг ҳар бирини ўз даври манзараси билан кўрсатиш ва ўзаро қиёслаб бериш, бу шахслар фаолияти-дан китобхон учун зарур бўлган таълимий хулосалар чиқариш учун муаллиф анча хизмат қилган. Одатда, бир хил муҳит-ша-роитда, бир даврда яшаб ижод қилган ёки фаолият кўрсатган кишиларнинг муқоясасида ҳам уларнинг ютуқ ва камчиликларига баҳо бериш осон кечавермайди. Муаллиф бу оғир вазифанинг уд-дасидан чиқишига ҳаракат қилган.

Шу билан бирга оғир юкни баланд тортишида муаллифнинг «қий-налиб қолган» жойлари ҳам ишда сезилиб турибди. Чунончи, агар масала тарих мезони билан ўлчанадиган бўлса биринчидан, бу шкки шахснинг ўзаро боғлиқлиги нимада? Бобир-ку жсаҳон тарихи саҳ-насида нисбатан энди чиқиб бораётти, Цезар эса саҳнанинг тўри қисмида ўтирибди. Нега энди Бобир бошқа бирон шахсга, маса-лан, Александр Македонскийга, Маҳмуд Ғазнавийга, Шайбоний-хонга ёки Исмоил Сафавийга эмас, айнан Цезарга қиёс қилинади? деган савол туғилиши мумкин. Э.Холдендан ўзга ҳам Бобирни Це-зарга қиёслаганлар ёки унинг муқоясасига таянганлар борми, бун-да улар қайси муштаракликни назарда тутадилар? Муқоясада тарих фанининг умумий ўлчовларига таянмадими ёки миллий (миллатаравий), замонавий ўлчовлар голиб келадими? Асар дебоча-сида муаллиф масаланинг бу жиҳатларини ёритган албатта. Аммо янада аниқроқ ва кенгроқ тушунтириб берса бизнингча яхши бўларди ва ишнинг салмоғи янада ортар эди.

Бундан ташқари, матннинг бобдан бобга ўтиши жойларида ва муқаддима билан хотима қисмларида баъзан такрорлашлар учрайди. Бу жузъий камчиликларни муаллиф самимият билан қабул қилиб ишни қайтадан кўриб чиқди.

Хулоса қилиб айтганда, бизнингча мазкур қиёсий ҳаётнома ўзбек китобхонига Бобир сиймосини янада яқинлаштиради ва шу орқали бу буюк шахснинг тарихда қилган мардона ишлари ва юксак инсоний фазилатларини жсаҳон аҳлига намоян қилиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

*Сайфиддин Жалиловнинг бу китоби илмий услубда ёзилган бўлса ҳам, худди бадиий асардек, роман каби равои ўқилади. Унда Бобир ҳаётининг энг машаққатли давлари ва оғир ҳолатлари тасвирини ўқиганда китобхон қалби тўлқинланиб, ўзи ҳаяжонга тушади. Муаллифнинг Бобир халқаро илмий экспедицияси ишла-рида фаол қатнашгани, Заҳириддин Муҳаммад Бобир саргардон кезган, жанг қилган жойларнинг табиий манзараларини, музей ва кутубхоналарда бўлиб, ўз кўзи билан кўргани, зиёрат қилган-лиги китобдаги воқеалар тасвирининг жонли ва равишан чиқиши-га ёрдам берган.*

*Сайфиддин Жалиловнинг ушбу янги асаридан тарих ихтисос-лиги бўйича ўқиётган бакалавр талабалар ва магистрлар учун Ўзбекистон тарихи ҳамда қадимги дунё тарихидан эътиборли қўлланма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.*

*Ўйлаётганимиз, заҳматқани муаллифнинг ушбу китоби буюк ва-тандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳаётининг очилма-ган қирраларини ёритиб, ўқувчиларнинг китоб жавонларидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди.*

**ЗОКИРЖОН МАШРАБОВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият  
ҳодими, профессор**

*Мен тарихнинг қоронгу бурчаклари ва  
тор кўчаларидаги чанг-ғуборларни супу-  
риб, уни ўз ҳолича тўлиқ акс этти-  
ришни хоҳлайман, токи бўлган воқеа-  
лар яширин қолмасин.*

*Абул Фазл Байҳақий*

## МУАЛЛИФДАН

Тарихчи ўз нигоҳини синчковлик билан узоқ ўтмиш қаърига йўналтирса, турли хил воқеа, ҳодисаларга, ҳаётлари ҳозирги авлодларни ҳам бефарқ қолдирмайдиган ажойиб шахсларга дуч келади. Тарихчи нигоҳига дуч келган бу кечмиш воқеа, ҳодисалар, табиат ато қилган нодир қобилиятлар соҳиби сифатида хотираларда муҳрланиб қолган ва «буюк» деб баҳоланган шахслар қиёфасига жаҳон тараққиётининг ҳозир эгаллаб турган юксак «тепалиги»дан туриб нигоҳ ташланса — таҳлил қилинса, кутилмаган янги умумлашма — хулосалар чиқади ва бу хулосалар давр ҳақиқатини ҳам чуқурроқ англашга, асримизда кечган ва кечаётган оламшумул воқеаларнинг асл моҳиятларини янада теранроқ англаб олишга ёрдам беради. Ана шундай буюклик мақомига эришган тарихий шахслардан бири Ғарбда ўтган Гай Юлий Цезар бўлса, яна бири Шарқда ўтган буюк аждодларимиздан бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобирдир.

Албатта, Юлий Цезарнинг тарихдаги ўрнини, Рим давлатининг шаън-шавкатини юксакка кўтарганини, буюк хизматларини биз ҳам, бошқа биров ҳам камайтира олмайди. Буюк саркарда, адолатли подшоҳ, серқирра олим ва даҳо шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг туркий давлатчилик тарихидаги буюк хизматлари бизда ва хорижда доимо эътиборда бўлса-да, аммо унинг шахсияти, жаҳон тарихида тутган ўрни ҳали Юлий Цезарчалик старли тадқиқ этилмаган ва қадрини топмаган, деб ўйлаймиз.

Миллий Истиқлолимизга ҳамдлар бўлсинки, атиги бир неча йил ичида минг йиллик кўҳна тарихимиз тилга кира бошлади, она юртимиз тарихини, буюк аждодларимиз сиймоларини изчиллик билан тадқиқ этишга имкон яратилди.

Ўтмишни, узоқ тарихий даврларни эслаш инсон руҳиятининг асосий хусусиятларидандир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислон Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган асаридан шундай деб ёзади: «Одамзот борки, авлод-аждоди, Ватанининг тарихини билишни истайди. Ўзликни анг лаш тарихни билишдан бошланади»<sup>1</sup>. Айниқса тараққиёт маълум тарихий даврга етганда, хусусан, сиз билан биз яшаётган аср тугалланиб, кириб келаётган учинчи минг йиллик бўсағасида узоқ ўтмишга нигоҳ солсангиз ажиб манзараларни кўрасиз.

Гай Юлий Цезар... Милоддан олдинги йил ҳисобидаги энг сўнгги аср фарзандларидан бўлмиш бу давлат арбоби, ҳарбий саркарда ва қалам аҳлининг исми тарих варақларида муҳрланиб қолган. Мана икки минг йилдирки, Цезар хотирасини деярли барча ўтган инсонлар сақлайди ва номи оғиздан тушмайди.

Бу ҳам майлиху-я, йил ҳисобимиздаги ўн икки ойнинг бири июл ҳам ва Русияда 1918 йилгача ишлатилиб келинган Юлий календари ҳам унинг номи билан боғлиқ. Яна «подшоҳ» ўриси тилида «Царь» дейилса, у ҳам Цезар номидан олинган. Олмонча «Кайзер» (император), ҳатто Ҳиндистондан бизга ўтиб қолган «қайсар» (Рум қайсари) ҳам ўша Цезар исмидандир. Шом ва Миср араблари унинг шарафига қурилган шаҳарни ўз лаҳжасида «Шайзор» деб атайдилар.

Хўш, у қайси фазилатлари, давлат арбоби сифатида қайси қутлуғ ишлари билан саркарда сифатида умуминсоният манфатларига мос келадиган қайси ҳарбий юриши-ю, қайси одилона урушлари билан, ва ниҳоят, қалам аҳли сифатида жаҳон маънавияти хазинасига қўшган қайси ва қандай улушлари билан инсоният тарихида муҳрланиб қолган?

Муаллиф бундай номи ўчмас тарихий шахслардан Юлий Цезарга ўзаро қиёслаш учун Бобирни таялаб олди. Жаҳонга машҳур бўлган Цезар ўн йиллаб орзу қилган сиёсий мақсадлари эндигина амалга ошганда ўз қадрдон «дўсти» ва шогирди Брут ва унинг тарафдорлари томонидан намоёншкорона ўлдирилди. Бу қутилимаган воқеадан 43 йил ўтгач, инсоният тарихининг янги минг йиллик сарҳисоби бошланди.

Муаллиф узоқ йиллар олий ўқув юртида қадимги дунё тарихидан маърузалар ўқиганда Бобир ва Цезарни хаёлан бир-бири-

<sup>1</sup> И.А. Каримов. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т., «Шарҳ», 1998, 3-5 бетлар

га таққослар эди. Мана энди ниҳоят ёзма равишда таққосланмоқда. Юқоридаги саволларга янгидан жавоб топиш учун узоқ ўтмишга жиддийроқ нигоҳ ташлаб, тарихнинг икки минг йиллик қатламига давримиз ақл машъали билан ёритилса, шунингдек мавжуд тарихий манбалар синчковлик билан қайта ўқилганида кутилмаган янги ҳақиқатлар очилмоқда.

Муаллиф олий ўқув юртида қадимшуносликдан дарс берганида антик дунёдаги кўп машҳур шахслар ҳаётини ўрганди. Бу суратлар галереяси ичида Юлий Цезар сиймоси алоҳида ажралиб турарди.

Ўша буюк инсонлар қаторидаги иккинчи шахс-биз эндиликда чуқурроқ билишга эҳтиёж сезаётган ўз юртдошимиз, ажойиб инсон Заҳириддин Муҳаммад Бобирдир. Тўғриси айтганда Бобир ҳақидаги тасаввурларимиз яқин йилларгача ҳам кемтик эди, бу буюк шахс ҳақида фикрларимиз бир томонлама, ҳатто сохта ҳам эди. Сидқидиллик билан эътироф этиш лозимки, бобиршуносликда Фарб дунёси олимлари ўзини Бобир авлодлари деб санаган олимлардан ўзиб кетган. Сўнгги 150 йил ичида овруполик олим ва адиблардан В. Эрскин, М. Эдуард, Лейн Пуул, Ф. Гренард, Х. Вамбери, Ф.А. Стил, Б. Гаскони, Ж. Пол Роу (ва ҳ.к.) лар Бобиримиз ҳақида жиддий илмий тадқиқотлар олиб бордилар ёки бадиий асарлар ёздилар. Яқинда Фарб бобиршунослари қаторига япон олими Комацу ҳам қўшилди (Афсуски, В. Эрскиндан олинган парчадан ташқари улардан бирортаси ўзбек тилига таржима қилинган эмас). Тан олишимиз керак — бизнинг бобиршуносларимиз Фарб олимлари қилган ишни ҳали қилолганлари йўқ. «Бобирнома»нинг жаҳон нашрлари тадқиқотчиси, иқтидорли олим Нейматуллоҳ Отажон хулосаси ҳам ана шундай.

Мана, элимиз мустақилликка, юртимиз истиқлолга эришгач, шукр қилайлик, тарихимизни чуқур ўрганишга кенг имконият яратилди. Муаллиф озми-кўпми бобиршунослик билан шуғулланиб, кейинги фаолияти давомида бу ҳақда баҳоли қудрат илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Мустақиллик билан бирга Бобир киндик қони тўкилган Андижон шаҳрида ажойиб бир ташаббус бошланди: Андижон фарзанди Зокиржон Машрабовнинг<sup>1</sup> саъй-ҳаракатлари билан Бобир номли халқаро хайрия жамғарма ташкил топди. Бир йилдан сўнг

<sup>1</sup> Зокиржон Машрабов - Бобир номли Халқаро хайрия жамғармаси раиси. Учинчи қаҳриққ Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.

Ўша тиниб-тинчимас инсон бошчилигида Бобир номли халқаро илмий экспедиция ташкил қилинди. Муаллиф Бобир номли халқаро илмий экспедицияда икки марта қатнашиб, Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда бўлди ва Бобирга бўлган самимий муносабатлар, унинг ҳақидаги ширин хотиралар, хориждаги илмий тадқиқот ишлари ҳақида янги маълумотлар олди. Кейинги йиллари ҳам Бобир халқаро экспедицияси ўнлаб Шарқ мамлакатларида бўлди ва янги маълумотлар тўплаб келди. Экспедиция яна давом этажак.

Бизнинг бу илмий сафарларимиз, изланишларимиз ва бошқа бобиршуносларнинг ҳам унумли ишлари натижасида Бобирнинг нурли сиймоси йилдан йилга янада равшанлашиб бормоқда. Бунинг оқибатида муаллиф — Бобир ўша буюк Цезар билан бўйлаша оладиган инсондир, деган қатъий хулосага келди.

Биз мазкур илмий тадқиқотимизда Цезар-у, Бобирдек икки буюк саркардани асло бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи эмасмиз. Бу икки улуғ зотнинг ижтимоий ва шахсий, маънавий ва маънавий ҳаётидаги барча муҳим тафсилотларни холисона таққослаб кўриш учун биз топган умумий нуқталар ҳам, тафовутлар ҳам оз эмас, буларнинг барчасини илмий, тарихий ҳолислик билан кўрсатишга интиламиз. Бизнинг бу воқеаларни қандай баҳолашимиздан қатъи назар, Цезар-Цезарлигича ва Бобир-Бобирлигича қолади. Аммо, бу ишимизда биз икки улуғ зотнинг ҳаёти ва тақдиридаги нозик ва ибратли нуқталарни топиб тасвирлаш — умуман жаҳон тарихига, хусусан, бу улуғ зотлар тақдирига миллионлаб одамларнинг қизиқишини янада оширади ва тарихий ҳақиқат янада равшанлашади деб умид қиламиз.

Тўғри, Бобир билан Цезар ораси бир-биридан узоқ — 1550 йилга тенг. Бунинг устига улар фаолият кўрсатган минтақалар ҳам бир-биридан олисда: бири Фарбда машҳур, бири эса Шарқда - Осиёда.

Агар даври ҳисобга олинмаса Бобирни қадимда ўтган бошқа буюк шахслар-саркардалар билан қиёслаш мумкин эмасмикин? - деган савол туғилиши мумкин. Умуман қадимги дунёда ўтган буюк саркардалар ва давлат арбобларидан иккитаси машҳурлар ичида ҳам машҳурдир: бири э.ав. IV асрда ўтган македониялик Искандар бўлса, яна бири ундан салкам 300 йил кейин ўтган

Юлий Цезардир. Бобирни Искандар (Александр Македонский)-га таққослай олмаймиз, боиси, у буюк саркарда ва давлат арбоби бўлиши билан бирга фақат истилочилик ишлари билан шуғурат топди. Ижод аҳлидан ҳам эмас. Искандар Шарқу Фарбни бирлаштириш учун курашиб чексиз ва бепоён империя ташкил қилди. Аммо унинг империяси ягона иқтисодий заминга асосланмаган ва ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида турган халқлар ва қабилаларнинг мажбурий бирлашмаси эди. Шунинг учун ҳам Искандар вафотидан сўнг (э.ав. 323) кўп ўтмай империяси парчаланиб кетди.

Шунинг учун ҳам биз Бобир тенгдошини антик дунёдан қидирдик ва ниҳоят Юлий Цезарни танладик. Қиёсан олиб қаралганда иккови ҳам давлат арбоби, иккови ҳам ҳарбий саркарда, иккови ҳам, гарчи моҳиятан фарқ қилса-да, ўз даврида буюк ишларга қўл урган ва тарихда ўчмас ном қолдирганлар. Иккови ҳам ижодий иш билан шуғулланиб, қалам тебратган. Демак, улар фаолиятининг мазмунида, ҳам давлат арбоби сифатида, ҳам ҳарбий саркарда, ҳам «аҳли қалам» сифатида бир-бирларига ўхшашлиги бор.

Бунинг устига ёшлари ҳам бир-бирларидан унчалик кўп фарқ қилмайди: Цезар 56 ёшда ўлди (тўғрироғи ўлдирилди), Бобир эса 48 ёшда ўлди (тўғрироғи, пок ният билан ўзини ўлимга тутиб берди).

Биз Бобир билан Цезар шахси ва фаолиятини бир-бирига таққослаб ўрганишга қўл урар эканмиз, бунга икки омил туртки бўлди. Биринчи омил-ХІХ аср инглиз тадқиқотчиси, бобиршунос олим Эдуард Холден фикридир. У Бобирнинг барча хислатларини ўрганиб, уни ҳарбий қўмондон, давлат бошлиғи ва «адабиётчи сифатида Цезар билан бир қаторда туришга» арзийдиган шахс деб ҳисоблайди. Яна у ёзади: «Бобирнинг характери Цезарнинг характерига нисбатан севишга арзийдиган характердир» («Бобирнома», Тошкент, 1960, Кириш сўз, 51-бет). Бошқа бир инглиз олими «агар даври ҳисобга олинмаса Бобир ўрта аср Шарқининг Юлий Цезаридир» деган эди. Таниқли рус шарқшунос археологи С.П. Толстов эса: «Заҳириддин Бобир - Шарқдаги Уйғонип даврининг энг атоқли сиёсий ва маданий арбобларидан биридир» - деб ёзади.

Иккинчи омил — буюк юнон адабиётчи ва тарихчиси Плутархнинг (мелодий 46-120й.) қиёсий ҳаётномалар яратиш усули бўлди ва биз ўз тажрибамизда биринчи марта шу усулдан фойдаландик.

Тўғри, ҳозиргача Бобирга нисбатан Цезар жаҳонга машҳурроқ шахс. Унинг қилган ишлари ҳам кўпроқ ва ҳарбий жиҳатдан салмоқли. Аммо, бизнингча, Цезарнинг ортиқча машҳурлигига сабаб яна шуки, Бобир дунёга келган даврда ҳам Цезар 1500 йилдан буён номи тарих тазкираларида ёзилиб келинарди ва хотираларда сақланарди. Яна бир нарсага эътиборни қаратмоқ лозимки, Цезарнинг ҳокимият учун кураш йўли жуда узоқ, аммо ҳокимияти жуда қисқа бўлди. Бобирга эса, ҳокимият мерос қолган эди. У буюклар қаторига ҳам кейин кўшилди. Шундай бўлса ҳам, жаҳон тарихи унинг буюклигини тан олди ва даврлар ўтиши билан номи машҳурлашиб бормоқда.

Муаллиф шунга аминки, агарда машҳур Макиавелли кўп асрлардан буён сиёсий арбобларнинг «Маслаҳат китоби» бўлиб қолган «Хукмдор» номли машҳур асарини ёзишдан олдин Бобирнинг кимлигини билганида эди, албатта унинг подшоҳлик, саркардалиқ фаолиятдан жаҳонни хабардор қилган бўлур эди.

Муаллиф ушбу ишга қўл уриш олдида қадимги юнон адабиётчи ва тарихчиси, ўз даврининг ҳар томонлама энг маърифатли зотларидан бўлмиш Плутархнинг юқорида тилга олинган жаҳонга машҳур «Қиёсий ҳаётномалар» асарини диққат билан қайта мутолаа қилишига тўғри келди<sup>1</sup>. Плутарх тарихнинг биографиявий жанрига асос солган буюк юнон олими ва ёзувчисидир. Қадимда тарих ёзиш адабиётдан ажралмаган ҳолда эди. Шунинг учун тарих асарларида бадий ифодага катта эътибор берилган. Плутархнинг ушбу асари барча давр тарихчилари учун энг қимматли манба ҳисобланади. Бу ажойиб олим ушбу асарида антик дунёнинг машҳур кишиларидан Юнонистонда ўтганларидан 23 тасини ва римликлардан 23 тасини танлаб олиб, уларнинг биографик кечмишларини бир-бирларига таққослаган ҳолда 23 жуфт «Қиёсий таржимаи ҳол» яратганки, уларнинг ҳар бири тугалланган, мукамал тарихий ва бадий асар ҳисобланади. Плутарх

<sup>1</sup> Плутарх. Избранные жизнеописания, в двух томах. Москва, «Правда», 1987.

танлаб олган кишилар биографиясида қаҳрамон ҳаёти унинг туғилишидан бошлаб то ўлимигача қамраб олинган. Бу машҳур шахслар ҳаётининг ҳар бир даври улар бошидан кечирган айрим муҳим воқеалар ва шахсий феъллари мисолида ёритилган.

Бироқ Плутарх ёзадики, яхшилик уруғини рўёбга чиқариш ва уни асосий фазилатларга айлантириш кўпинча одамнинг ўзига боғлиқ. Плутарх қиёсий ўрганган айрим тарихий шахсларнинг кўнгилсиз ишларга қўл ургани сабабини улар фаолиятида юксак ахлоқий сифатларнинг устун келолмаслигида деб билади.

Биз Цезар ва Бобирни танлаб, улар фаолиятини қиёсий ўргана эканмиз, Плутархнинг хулосалари нақадар тўғри эканлигига амин бўламиз. Плутархнинг қиёсий ҳаётномалари даврий тартибда эмас. Тарихий шахсларни жуфтлаштиришда муаллиф улар яшаган даврга эмас, балки сиёсий фаолиятларининг муштараклик томонларига эътиборни қаратади.

Шу жиҳатдан биз ҳам Цезар ва Бобир фаолиятини қиёсий ўганишда улар яшаган даврлар масофасига эмас, балки хатти-ҳаракатларининг бир-бирига ўхшашлик ва бир-биридан фарқ қилган томонларига эътибор бердик.

Плутарх ўз асарида македониялик Искандар (Александр) билан Юлий Цезар ҳаётини қиёслаб ёзади. Биографияда уларнинг табиати, феъли билан хатти-ҳаракатлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини ақс эттиради ва шунга эътиборни қаратади.<sup>1</sup>

Плутарх таъкидлайдики: «Биз тарих эмас, балки таржимаи ҳол ёзамиз. Инсоннинг яхшилиги ва фазилати ёки ёмонлиги ва хатоси ҳар доим ҳам фақат шонли фаолиятларидагина кўрина-вермайди, балки кўпинча арзимас бир ҳолат, бирон сўзи ёки ҳазили унинг феълини ўн минглаб одамлар ўлимига сабаб бўлган жангларга ва катта армияга қўмондонлик қилишига қараганда ҳам яхшироқ очиб беради».<sup>2</sup>

Бошқа бир қадимги йирик Рим тарихчиси Корнелий Тацит (милодий 55-120 йй.) агар ўз асарларида тарих қонуниятларини изласа, Плутарх — инсон руҳи ва кайфиятининг қонуниятларини

---

<sup>1</sup> Словарь Античности, М., «Прогресс», 1989, 439-бет.

<sup>2</sup> Плутарх, Избранные жизнеописания, Том 2, М., «Правда», 1987, 361-362-бетлар.

ахтаради. Плутарх фикрича, қадимги йўлбошчиларнинг ибратли фаолияти, яхши феъли ҳамда камчилиги-ю, ёмон одатлари ҳам барча замонлар учун ўрнак ва сабоқ бўлиб қолади. Унинг қиёсий биографиялари шу жиҳатдан қимматли ва аҳамиятлидир. Бу-асар муаллифига жаҳон миқёсида шуҳрат келтирди.

Плутархдан бошқа қадимги дунё тарихчи олимлари ҳам Юлий Цезар ҳақида озми-кўпми ёзганлар. Масалан, қадимги Рим тарихчиларидан Саллюстий Крисп (милоддан олдинги 86-35 й.), Тит Ливий (милоддан олдинги 59-12 й.), Корнелий Тацитлар ҳам бирон тарихий воқеа ёки ҳарбий юришлар тафсилоти муносабати билан Цезар номини тилга олиб ўтадилар.<sup>1</sup> Лекин Плутархдан бошқа муаллифлар Цезар фаолиятини, гарчи қисқа сатрларда ёритсалар ҳам унинг шахсини ва бизни қизиқтирган масала — яъни инсоний жиҳатдан унинг қиёфасини тасвирлаб бермаганлар. Бу жиҳатдан бошқа бир Рим тарихчиси — Гай Светоний Транквилл бошқалардан анча фарқ қилади (милодий 70-140 йй.). У Цезардан бошлаб деярли 200 йил ичида ўтган 12 та Рим императорлари ҳаётига бағишланган қимматли асар ёзган.<sup>2</sup>

Гарчи Транквилл Цезар давридан анча кейин яшаган бўлса ҳам архив ҳужжатлари ва хотиралардан фойдаланиб, Юлий Цезарнинг ташқи қиёфасию, юриш-туришларидан бошлаб, Рим тарихидаги йирик воқеаларда унинг иштироки ва қисматини ҳам тасвирлайди. Гай Светоний Цезар номи билан аталган барча императорларнинг феъли, йирик ҳарбий ва сиёсий воқеалардаги иштирокини тасвирлар экан, воқеанинг моҳиятини тушунтириб беришга, умумлаштиришга эътибор қилмайди, балки ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлган ва бошқаларда учрамайдиган одатлари ва ҳаракатларига диққатни жалб қилади. Шу жиҳатдан унинг асари ҳозиргача ҳам ўқимишли асарлардан ҳисобланади.<sup>3</sup> Масалан, Цезарнинг севги саргузаштлари ҳақидаги икир-чикирлар Галлиядек бир

---

<sup>1</sup> Қаранг: Историки античности, М., «Правда», 1989.

<sup>2</sup> Гай Светоний Транквилл, Жизнь двенадцати Цезарей, М., «Художественная литература», 1990.

<sup>3</sup> М.Л. Гаспаров. Светоний и его книга. Ўша жойда, 230-бет. Цезар ҳақида қадимги Рим тарихига оид биз фойдаланган бошқа адабиётлар номлари ишнинг асосий матнида ва иқтибосларда келтирилгани сабаб ўқувчи диққатини толиқтирмаслик учун бу ерда уларни санаб ўтмадик.

мамлакатнинг бўйсундирилишига қараганда батафсилроқ ёзилган. Зеро, бу «севги икир-чикирлари»да унинг фельи-ю, руҳий ҳолати кўпроқ намоён бўлади. Шунинг учунмикан, Фарб тарихчиларидан бири Цезарнинг бу соҳадаги эркатойлигини назарда тутиб у «Дон Жуан шухратини қозонган эди» — деб ёзади. (Майкл Харт, Сто великих людей, М., «Вече», 1998, 352-бет. Иш давомида буларга эътибор қаратилган).

Аммо Светоний Транквилл учун Юлий Цезар буюк инсон ва шу билан бирга фожасий қаҳрамон. Шунинг учун ҳам китобда унинг ҳақидаги боб «Илоҳий Цезар» деб аталиб, бу номда ўшандай кинояомуз икки маъно ётади.

Тўғриси айтганда, аёлларга нисбатан «севги икир-чикирлари» Бобирда ҳам бўлган (унинг канизақлар - ғумо, гунчачиларга муносабатини эслайлик). Аммо Бобир ва Цезарнинг бу масаладаги шахсий феллари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бобирнинг эса, умуман аёлларга муносабати ҳар қандай мақтовга сазовордир. Қолаверса, бу масалада манбаларда Бобир шаънига бирон танқидий фикр учрамайди.

Цезар ва унинг номи билан боғлиқ воқеалар ҳақида манбалар ва нашр этилган асарлар ҳисобсиз даражада лекин, Бобир ва унинг даврига бағишланган адабиёт ҳам кейинги йиллари анчагина кўпайди. Юқорида тилга олинган Бобир номли халқаро экспедиция натижаларига бағишланган бадий-публицистик асарлар нашр этилди. Улар ичида салоҳиятли адибимиз, 1992 йилги экспедиция иштирокчиси Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» китоби алоҳида ўрин эгаллайди (Тошкент, 1996).

Жамғарманинг, хусусан, 1993 йилги халқаро илмий сафарини анча мазмунли кечди (Бунда муаллиф ҳам иштирок этган эди).

Жамғарма раиси барча экспедициялар ташкилотчиси Зокиржон Машрабов ҳамсафаримиз — журналист олим Собиржон Шокаримов билан ҳаммуаллифликда ёзга «Асрларни бўйлаган Бобир» номли сафарномаси ҳам (1992) дастлабки икки экспедиция хулосаларига бағишланади. Ҳамсафаримиз, ёзувчи Қамчибек Кенжа «Ҳинд сориға» номли «Сафарнома» ёзиб китобхонларга ҳадя этди (2000 й). Бу асарлар бадий бобиршуносликка муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Муаллифнинг Халқаро сафарларга

бағишланиб ёзилган матбуот мақолаларидан ҳам имкон борича фойдаландик.

Иш Бобир номли Андижон Давлат Университети қошидаги «Ўзбекистон тарихини ўқитиш услубий маркази»да бажарилди. Ишни тугаллашда қулай шароит яратиб берилгани ва қимматли маслаҳатлари учун университет раҳбарияти ва унинг ректори профессор, Беруний мукофоти совриндори С.З.Зайнобиддинов номини алоҳида таъкидлашни муаллиф ўз бурчи деб билади.

Ишнинг қўлёмаси билан танишиб ёзма равишда ҳолисона ўз мулоҳазаларини билдирган тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Бўрибой Аҳмедов ва тарих фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Алимовга, масъул муҳаррир, Халқаро Яссавий мукофоти совриндори Маҳкам Маҳмуд ва тарих фанлари доктори Зокиржон Қутибоевга, шунингдек қўлёмани ўқиб қимматли маслаҳатлари билан ёрдам берган филология фанлари докторлари Ҳасан Қудратиллаев ва Нёзматуллоҳ Отажонларга муаллиф ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.

Китоб нашрига ҳомийлик ва ҳайрихоҳлик қилган Бобир номли Халқаро хайрия жамғармаси ва унинг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Зокиржон Машрабов номини муаллиф алоҳида мамнуният билан тилга олади.

## «БУЮК МЎҒУЛЛАР» ЭМАС, БУЮК БОБИРИЙЛАР САЛТАНАТИ

Мавзу баҳсимизга киришишдан олдин Ҳиндистонда Бобир асос солган империянинг «Буюк мўғуллар империяси» номи билан машҳурлашиб кетишига ўз муносабатимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Бизда «ғалати машҳур» деб аталадиган ифодали ибора бор. Ўз вақтида эътибор берилмаган ва тарихан нотўғри, асли ҳақиқатга зид тушунча ёки нарсанинг асл негизига дахлдор маъносини нотўғри ифода қилиб оғиздан-оғизга, китобдан-китобга кўчиб ўтиб кенг тарқалиб кетган ғалат номни ёки ғалат тушунчани ўтмишдошларимиз «ғалати машҳур» деб атаганлар. Ҳиндистонда Заҳириддин

Муҳаммад Бобир асос солган бобирийлар салтанатини «Буюк мўғуллар империяси» деб аталиб кетиши ҳам ўша «ғалати машҳур»лардандир. Агар тарихга чуқурроқ назар ташласак ҳақиқат ўз-ўзидан ойдинлашиб қолади.

Маълумки, мўғуллар Чингизхон раҳнамолигидаги ҳали мусулмон бўлмаган кўчманчи халқлар эди. Улар аёвсиз ҳужум бошлаб Ўрта Осиёдаги мусулмон туркий халқлар ерларини босиб олдилар.

Чингизхон вафотидан сўнг унинг катта империяси ўғиллари ўртасида ўзаро тақсимланди. Кавказ тоғлари этакларидан то Ҳиндикуш тоғи ёнбағирларигача чўзилган катта қисми ўғли Чигатойга тегди ва у «Чигатой улуси» номини олди. Улуснинг жануби-ғарбий томонини, яъни кейинча Мовароуннаҳр деб аталиб кетган қисмини Чигатой давлати деб, халқларини эса «чигатойлар» деб аташ урф бўлди. Ваҳоланки, «Чигатой давлати» номи остида Туркистон ва Хуросон тушунилган. Шимоли-шарқ томонда қолган халқлар ўзларини «мўғуллар» деб, ўлкасини эса «Мўғулистон» деб атадилар. Кейинча «Чигатойлар» маҳаллий халқларга қўшилиб мусулмонлашиб кетдилар. (Ҳозирги даврга келиб «Чигатой» номи ҳам, тилшуносларнинг ҳамон «Чигатой тили» атамасини қўллашлари ҳам мунозара талаб тушунчадир, бунини ҳам тузатиш фурсати келди).

Бобир ва бобирийларнинг ота томондан асл насл-насаби эса Мовароуннаҳр томондаги, кейинча ўзбек номини олган соф туркий қавмлардан экани тарихдан маълум. Бобир Ҳиндистонга келганида унинг жанубида мустақил мусулмон туркий князликлари мавжуд эди (Чингизхон армияси таъқибидан қутулиб келиб қолган туркий қавмлар давлати). Умуман Ҳиндистонда Бобир лашкарлари-ю, давлатини «мўғуллар» деб аташмаган. Бобирдан кейин ижод қилган қизи Гулбаданбегим ҳам ёки набираси Акбаршоҳ замонидagi тарихчилар ҳам унинг давлатини «Буюк мўғуллар» деб атамаганлар. Ўша даврдаёқ «Туркий давлат» деган тушунча бор эди.

Бобир эса, гарчи она томондан мўғул хонига авлод бўлса ҳам умуман мўғулларни ёқтирмасди. Тўғри, ҳарбий жиҳатдан танг қолган кезлари мўғул аскарлари ёрдамига суянар ва уларни мададга чақирарди. Аммо «Бобирнома»да мўғуллардан шикоят,

уларга қарши ёзилган сатрлар кўп учрайди. Мана ўшандай ши-  
коятлардан бири:

«Мўғул черикиким, кўмакка келиб эди, урушқа ҳеч тоқатла-  
ри йўқ эди. Урушмоқни қўюб, бизнинг элни-ўқ талаб, оттин ту-  
шира кириштиллар. Бир бу эмас, ҳамипша бадбахт мўғулнинг ода-  
ти ушмундоқтур. Босса ҳам ўлжа олур, бостурса ҳам ўз элини  
талаб тушуриб ўлжа олур». Ва яна: «Якка-яримни талаб тушур-  
гучи, яланғочлағучи тамоm бу шум мўғул эди».

Биргина бу эмас: «Бобирнома»нинг В. Эрскин таржимасида  
(Лондон, 1921 й.) Бобирнинг мўғуллар ҳақидаги фикрини тас-  
диқлаш маъносида қуйидаги тўртлик келтирилган (туркчасидан  
эркин таржима):<sup>1</sup>

«(Гарчи) мўғул малақдан тарқалса ҳам нақ разолат,  
Мўғул исми гарчи олтин-ла ёзилса ҳам ёмонлик келтиради.  
Мўғулдан ҳатто бир донни ҳам ола кўрма,  
Унинг уруғидан етилган ҳосил ҳам хосиятсиздир».

(Бобир таржималарининг тадқиқотчиси Нёъматилло Отажон-  
нинг текширишича, мўғуллар ҳақидаги «Бобирнома»да келти-  
рилган айрим таърифлар инглизча таржимада келтирилмаган.  
Аммо, таржима тадқиқотчилари фикрича, Эрскин бу тўртликни  
«Бобирнома»нинг ушбу тадқиқотчиларига номаълум бирон тур-  
кий-форсий нусхаларидан олган бўлиши мумкин (Қаранг: Фай-  
булла ас-Салом ва Нёъматуллоҳ Отажон, Жаҳонгашта «Бобур-  
нома», Тошкент, 1996, 116-бет).

Яна Ҳиндистонга қайтайлик: Шоҳ Бобирнинг бешинчи авло-  
ди Аврангзёб Оламгир замонида ҳам (1659-1707) ҳинд рожалари  
унинг давлатини «туркийлар давлати» деб аташган.

«Мўғул» калимасини истёъмолга киритиб Бобирийларга қарши  
ишлатганлар кўпинча узоқ вақт Бобирга ва унинг ўғли Ҳумоюн ҳам-  
да набираси Акбарга бўйсунмаган Жанубий князликлар эди. Улар-  
нинг кўрсатган қаршиликлари ҳақида китоб ёзган тарихчи Фаршга  
Бобир давлатига эҳтиром билдириш билан бирга уни «мўғул» деб  
атаб, давлатига нисбатан «туркий» сўзини қўлмаган. Бу-худдики,

<sup>1</sup> Қаранг: Vekayi (Babur'un hatirati). Туркча нашри, Й. Ҳикмат Бююрнинг  
кириш сўзи ва темурийлар ҳақидаги мақоласи билан. Анқара, 1987, 13-бет.

<sup>2</sup> «Бобирнома», Тошкент, 1960, 145-бет. Бундан кейинги иқтибослар ҳам  
«Бобирнома»нинг ушбу нашридан келтирилади.

Усмонли турк тарихчиларининг Туркияни забт этган Соҳибқирон Темурга аламзадаликдан «татар» («татари бадкирдор»), сафавийларга эса «қизил бош» сифатини беришига ўхшайди.

Бобир ва унинг авлодига нисбатан «мўғул» сифати кенг қўлланадиган ва ёйилиб кетишига XVI-XVII асрларда ҳинд қирғоқларида ўрнашиб Гоа шаҳрини эгаллаган португалияликлар ҳам сабаб бўлди. Улар Ҳиндистон жанубидаги ўша йиллари бобирийларга бўйсунмаган князликлар билан савдо алоқалари ўрнатиб, айрим маҳаллий ёзма адабиётларда ишлатган «мўғуллар» номи ҳақидаги гапларни Оврўпога ёйди. Йиллар ўтиши билан бу калима оврўполиклар хотирасига ўрнашиб Ҳиндистон ҳақида улар ёзган янги асарларга кўчди ва китобий сўз тарзида яна Ҳиндистонга қайтиб келди.

Кейинги асрларда Ҳиндистонни ўз мустамлакасига айлангирган Англия олимлари мамлакатда нураб бораётган Буюк бобирийлар салтанати тарихи билан чуқурроқ шуғулландилар-у, ammo Бобир асос солган давлатни «Буюк мўғуллар империяси» деб атадилар. Айтилганлардан хулоса шуки, «мўғул» оти Бобирга ва «Буюк мўғуллар империяси» атамаси Бобирийлар салтанатига мутлақо ёпишмайди.

Атоқли тарихшуносимиз академик Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашларича, аслида «Буюк мўғуллар» деган ибора Чингизхон ва ундан кейинги нккита мўғул қоон (хон)ларигагина тааллуқлидир, бобирийларга эса бунинг мутлақо алоқаси йўқ. Таниқли шарқшунос В.В. Бартольд ҳам аллақачон Оврўпога тарқалиб кетган «Буюк мўғуллар» иборасининг хато эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

«Оврўполик,-деб ёзади у,-Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда вабираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб Бобир салтанати учун «Буюк мўғуллар» деган ном тўқидилар». Бартольд ёзишча, бу ибора аста-секин инглиз тилидаги китобларга кўчди ва юқорида айтилганидек, Ҳиндистонга ҳам тарқалди.

Бизнинг ҳисобимизча, мана, икки юз йилдирки, ушбу империя асосчисини «мўғул» деб, империясини эса «Мўғуллар империяси» деб атаб келинмоқда.

Ҳиндистон Британия тасарруфига ўтганидан юз йилча кейин Русия ҳам Ўрта Осиёни босиб олди. Бироқ кўшни Ҳиндистонда

асос тошган «Мўғуллар империяси» масаласида рус олимлари мустақил шуғулланмадилар. В.В.Бартольднинг юқорида келтирилган илмий хулосаларига ҳам амал қилмасдан, инглиз олимлари кетидан бориб, улар асарларидаги тайёр хулосаларни қабул қилиб қўя қолдилар. Шу тарзда «Империя великих моголов» деган русча атама пайдо бўлди ва рус адабиёти билан бирга бутун Ўрта Осиёга ҳам тарқалиб кетди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган ва Шўро даврида давом этган гоёвий мутелик даврида ҳам ўлкамизда бу «ғалати машҳур» хатони тузатиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади.

1943 йили Ўзбекистонда Фанлар Академияси ташкил қилиниб, - тан олиш керак, - урушдан кейин илмий ишларда жонланиш пайдо бўлди. Аммо фанда илмий замини ўта чегараланган марксча-ленинча услубият ҳукм суриб, ўша гоёвий мутелик кайфиятидан қутулолмадик ва рус олимлари кўрсатмаларидан нарига ўтолмадик, - ўтмишимизни чуқурроқ ўрганишга имкон берилмади. Фақат айрим шижоатли олимларимизгина ташаббус кўрсатиб бу борада бироз дадил қадам ташладилар.

Жумладан, академик марҳум Иброҳим Мўминов ташаббуси билан 1958 йили Андижонда Заҳрирдин Муҳаммад Бобир таваллудининг 475 йиллиги нишонланиб Академиянинг уч қувлик илмий анжумани уюштирилди. Ушбу сатрлар муаллифи тарихга ҳавасманд ёш ўқитувчи сифатида ўша анжуманда музокарага қатнашиб «Буюк мўғуллар империяси» «Бобирийлар салтанати» номи билан аталиши лозим, - деган масалани ўртага ташлаган эди. Аммо уйғонган фикр «бу масалани махсус кўриб чиқадиган вақт келар» деган мазмундаги жавобдан нарига ўтмади.

Бироқ 60-йилларнинг охири ва 70-йиллар бошида марказнинг сиқуви остида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаёт кескинлашди. Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» рисоласи чоп этилгач, Иттифоқ миқёсидаги «Вопросы истории» журнали саҳифасида И. Мўминов «тарихни сохталаштириш»да айбланди. Иттифоқ қолиб ўзимизда ҳам бу мўътабар инсонга тош отувчилар топилди. Шу баҳона тарихий мавзуга ёндашишда яна қўрқув-ҳайиқиш пайдо бўлди.

Шукрлар бўлсинким, мана, орзу қилган Истиқлолга ҳам эришдик. Умуман ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлгани

каби фикр-тафаккуримизда ҳам мустақиллик, янги ғояларни ўртага ташлашга интилиш-шижоат пайдо бўлди.

Ниҳоят, мавзу баҳсимиз бўлмиш «Буюк мўғуллар» ибораси масаласида ҳам матбуотда эзгу маъно касб этувчи янги гап-таклифлар ўртага ташланди: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1993 йил 12 феврал сонисида иқтидорли адабиётшунос олим Иброҳим Фафуровнинг «Бобирийлар мўғуллар эмаслар» деган чоққина мақоласи эълон қилинди. Қисқа, аммо мазмунли ушбу мақола тегишли илмий доирада жонланиш бошлаб берди. Муаллиф Бобирнинг «Мўғул» аталиб кетиши Оврўпода ва Ҳиндистонда «урф бўлиб кетган тарихий англашилмовчиликдан биттаси» - деб жуда тўғри баҳо берди.

Ушбу мақола муносабати билан Бобирийлар салтанати номини аслига тўғрилаб аташ фурсати аллақачон келгани ҳақида мақолага акс-садо тарзида ўша ҳафтаномада яхши фикрлар билдирилди.

Айрим оврўполик бобиршунослар ҳам бу жиддий масалага эътиборни қарата бошлади. Француз ёзувчиси Флора Анна Стил «Бобирхон» романининг кириш сўзида оврўполиклар Бобиршоҳ сулоласини «Буюк мўғуллар» деб хато айтиб келаётганини таъкидлайди.

Биз Бобир номи халқаро илмий сафар чоғида Покистон ва Ҳиндистон илмий доираларида ўтказган суҳбатларимизда ҳам олимлар диққатини Бобир империяси номини тўғри аташ масаласига жалб қилдик.

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ташкил қилинган «Буюк мўғуллар жамияти» раисаси, Бобирнинг сўнгги авлодларидан бўлмиш Лайло Уммахони Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов номига ҳат йўллаган (Биз сафар чоғида бу хоним оиласида меҳмон бўлган эдик).

Хатда ёзишча, бундан буён ушбу жамият номи «Бобирийлар тарихини ўрганувчи маданий академия» - деб аталадиган бўлибди. («Ўзбекистон овози», II-XI, 1993).

Демак, масалага ёндашишда янги босқич бошланди. Бунда Бобир номи халқаро илмий экспедициянинг хизмати ҳам эътиборга лойиқдир.

---

<sup>1</sup> С. Жалилов - Йўқ, бобирийлар мўғуллар эмас. «ЎзАС», 26-III, 1993.  
Ф. Сулаймонова - «Ғалати машҳур» тушунча. «ЎзАС», 16-IV, 1993.  
И. Ҳошимов - Бобирийлар тарихий уммон, «ЎзАС», 14-V, 1993.

Бироқ Оврўпо олами, ёзувчи Анна Стил эътирозига қарамай, аслига тўғри бўлган бу номни ҳалигача «ҳазм қилолгани» йўқ. Баъзи ҳинд олимлари ҳам бундан мустасно эмас экан. 2000 йил май ойининг охирида Самарқанд шаҳрида «Бобир ва бобирийларнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришдаги мавқеи» мавзuida халқаро илмий анжуман ўтказилди. Унда қатнашган ҳинд олимларидан проф. Ватин Де «ексия мажлисида қилган ўз маърузасида «Буюк мўғуллар империяси» номини ишлатган эди, анжуман иштирокчиларида норозилик аломатлари пайдо бўлди. Ҳинд олими қайта сўз олиб, бу эски иборани ихтиёрсиз ишлатиб юборганига таассуф билдирди ва раислик қилувчи академик Б. Валихўжаевдан уэр сўради.

Демак, ҳақ жойига қарор топмоқда, хатолар тузатилмоқда. Эндиги вазифа - бу «ғалати машҳур»нинг Оврўпо илмий оламидаги томирини ҳам қирққшдан иборатдир.

## ЮЛИЙ ЦЕЗАР НАСАБИ, ТУФИЛИШИ ВА ЕШИЛИГИ

Биз муқаддимада Юлий Цезар ҳақида қўйган деярли барча саволларимизга унинг ҳаёти ва у бошлиқ бўлган Рим давлатининг тақдири тўла жавоб беради. Яна алоҳида таъкидлаб ўтмоқ ҳам жонзки, Юлий Цезар — тарихий арбоблар орасида энг машхурларидан биридир.

Тарих унинг ҳақидаги турли ва ажиб маълумотларни бизнинг замонларгача олиб келди. Цезар замондошлари қолдирган хабар-хотиралар, қадимги тарихчилар ёзган, гоҳида бири-бирига ўхшамаган тафсилотлар ва таржимаи ҳоллар, унинг ташқи қиёфаси, руҳий ҳолатини яхши ифодалайдиган катта-кичик турли ҳайкаллар ана шулар жумласидандир. Ана шундай хотиралардан бири - Цезарнинг авлод-аждоди ҳақида афсоналашиб кетган эртақнамо оғзаки нақл бўлиб, у пайдо бўлганидан минг йил ўтгач Цезар замонида, яъни э.ав. I асрда китобийлаштирилди. Афсонага ҳақиқат туси берилишига сабаб эса Рим императорларининг биринчи сулоласи Юлий Цезардан бошланганидир. Халқ оғзаки нақлига ҳақиқат тусини бериш Цезар хоҳиши билан бўлди. Мақсад - унинг насаби ва келиб чиқишини илоҳийлаштириш эди.

Китобга кўчган ушбу оғзаки нақл мазмуни қуйидагича:

Афсоналарда айтилишича, Римдаги Юлий уруғига мансуб эркаклар қадимги Троя<sup>1</sup> шаҳри қаҳрамони бўлмиш Эней ўғиллари деб саналарди. «Илиада» достонида куйланишича, юнонлар билан бўлган урушда шаҳарга ўт қўйилиб, бутунлай вайрон қилинган. Троя қаҳрамони Эней қирғин-барот урушларда омон қолиб, бўлғуси Италияга асос солган. Афсоналарда айтилишича, гўзаллик ва муҳаббат маъбудаси бўлмиш Афродита (римликларда-Венера) Энейнинг онаси эмиш.

Афсонага кўра, Эней қартайиб қолган отаси Анхис ва онаси Афродитани (яъни Венерани) елкасида опичлаб ва Юл (Асканий Юл) исмли гўдак ўғлини қўлида етаклаб, Троя шаҳри-

---

<sup>1</sup> Троя - Кичик Осиёнинг Ўрта Ер денгизи қирғоғидаги қадимий шаҳар. Германия археологларининг аниқлашларича, шаҳарга э.ав. III минг йилда асос солинган. Шаҳар Илиада достонида тилга олинган.

<sup>2</sup> Словарь античности. М. 1989. 66-бет.

ни ташлаб чиққан. У бўлғуси Италия томон юрар экан, йўлда кўп машаққатларни, бир қанча ваҳший ҳайвонлар ҳужумини енгиб ўтган. Жуда кўп азоб-уқубатларни бошдан кечириб, эсон-омон Италияга етиб келган. Афсоналарда ўша Эней Юлий уруғининг асосчиси деб ҳисобланади. Кейинчалик унинг ботирлиги ва мардлиги тўғрисида халқ оғзаки ижодида шеърлар, ҳикоялар тўқилган. Буюк Рим шоири Вергилий унинг кечмишларига бағишлаб ёзган «Энеида» дostonи дунё адабиёти дурдоналаридан саналади.

Э.ав. 100 йили 12 июлда ёки кейинча унинг шарафига «июл» деб аталиб кетган квинтилий ойининг ўн иккинчи куни Римда мана шу Юлий уруғидан саналган бир оила ўғил фарзанд кўрди ва унга Юлий Цезар деб ном қўйдилар. Ўшанда она томонидан катта отаси Рим консули эди. Аммо ўзининг отаси ҳеч ким эмас эди. Фақат у бадавлат оиллага куёв бўлгани сабаблигина номи тилга олинарди, холос. «Цезар» исмининг маъноси ҳам қизиқ: аслида қадимги пунийлар (Карфаген) тилида бу ном «фил» дегани экан. Шимолий Африкада жойлашган кучли Карфаген давлати билан Рим ўртасида э.ав. II асрда бўлиб ўтган давомли урушда (тарихда «Пунийлар уруши» дейилади) Юлий уруғидан қатнашганлардан бири жангда филни ўлдирган. Ўшанда жангчига «Цезар» лақаби берилган ва кейинча бу исмга айланиб кетган.<sup>1</sup>

Цезарнинг онадан туғилиши ҳам анча қийин кечган. Бола кўндаланг келиб қолганидан она қорнини ёриб олганлар. (Операциянинг бу усули ҳозиргача медицинада «Кесарево сечение» деб аталади).

Цезар 8 ёшга тўлганда бадавлат оиллага куёв бўлмиш ота давлатнинг преторлик лавозимига сайланган.<sup>2</sup> Гўдаклигида Цезар нинжонгина бола эди. Аммо инжиқлиги, ўжарлиги ва худбинлиги билан ўртоқларидан ажралиб турарди. Мактабда саводи чиққач, уйда кўп ўқитишган. Ўзининг афсонавий аж-

---

<sup>1</sup> Номнинг ёзилиши аслида «Сассар» тарзида, аммо «Кесар» деб талаффуз қилинган. Сўнгги лотинча ўқишда «Цезар», немисчада «Кайзер» тарзида айтилиб ва ёзилиб кетган.

<sup>2</sup> Претор - Рим республикаси даврида бўйсундирилган айрим ўлканинг суд, фуқаролик ва солиқ ишлари билан шуғулланувчи давлат лавозими.

додлари (Эней ва унинг авлодлари) ҳақида, уларнинг жанглардаги ботирликлари, кўрсатган шахсий мардликлари ҳақида тўқилган ҳикоя ва шеърларни ҳавас билан қизиқиб тинглаган ва кўпини ёдлаб ҳам олган. Афсоналарда айтилишича, Юлийлар уругининг асосчиси Эней бобо Италияга еткунча денгизда яшайдиган 12 оёқли ва 6 бошли махлуқ Сцилла ва йиртқич ҳайвон — Харибда ҳужумини қайтарган ва уларни енгиб ўтган. Циклоп исмли ваҳимали махлуқни ҳам енган. Гарпия номли ярим қуш, ярим аёл шаклидаги шафқатсиз ҳайвон ҳужумидан, шиддатли денгиз бўронларидан ҳам омон қолиб, ниҳоят Италияга етиб келган. Цезар болалигида улар ҳақида тўқилган эртакларни мароқ билан тинглар ва уларга маҳлиё бўларди. Эней каби қўрқмас баҳодир бўлишни ва саргузаштларга тўла саёҳатларга боришни, жасоратлар кўрсатиб, шуҳрат қозонишни ҳавас қиларди. Кейинча, ақли киргач, бу афсоналардан ўз ҳаётида шахсий манфаат кўришни орзу қилади.

Бу афсона — хотиралар ва уларнинг ёш Цезарга бўлган рудий таъсири, онаси Аврелиянинг катта отаси Рим консуллигига сайланиши, ниҳоят, ўз отасининг ҳам бир ўлканинг претори лавозимига ўтиши-буларнинг барчаси ёш Цезарнинг мақтанчоқ ва шуҳратпараст, иззат-нафси нозик, танбеҳни кўтармайдиган жирракироқ бола бўлиб тарбияланишига сабаб бўлди. Ўша ёшлик йиллариёқ шуни тушуниб олган эдики, сиёсат оламида пайдо бўлиш учун ва унда иштирок этиб шуҳрат топиш учун авлодлари ҳақидаги мана шу афсоналардан фойдаланиш ва уларни кўпроқ тарқатиш лозим, бу мақсад йўлида ҳар қандай меҳнатни аямаслик керак.

Рим республикасининг э.ав. 90-80-йилларидаги сиёсий ҳаётида бесаранжомлик ҳукмрон эди. Юзта аскарга бошлиқ бўлиш қўлидан келадиган одам, агар йўлини топса, сиёсат оламида танилиб кетишига ҳам шароит мавжуд эди. Қўлидан келганки римлик ҳокимият учун интилар, курашар эди. Бу шароитдан фойдаланиш Цезарнинг ўзинга, унинг жиддий хатти-ҳаракатига боғлиқ эди.

Отаси ўлганда Цезар 16 ёшли ўсмир эди (э. ав. 85-йил). У новчадан келган, қомати келишган, юзлари лўппи бўлса ҳам, озгин, хипчагина йигит бўлиб етишди. Юриш-туришда серҳа-

ракат, бир қарашда юмшоқ муомалали ва босиқ. Лекин жаҳли чиққанда ҳеч кимни танимайдиган бадфезлик унга одат бўлиб қолади (кейинча бу феълени анча жиловлаб олади). Цезарнинг онаси Аврелия ўғлининг тарбиясига, хусусан, отаси ўлганидан сўнг жиддий эътибор берди. Юқорида таъкидланганидек, она бадавлат хонадондан эди. Унинг тарбиясига ҳар қанча маблағ сарфлашга тайёр эди, чунки она ўғлининг етук инсон бўлишини орзу қиларди. Аврелия уни лотин ва юнон тилларини яхши биладиган шахсий ўқитувчи ёллаб, уйда ҳам ўқитди. Манбаларда кўрсатилишича, унинг шахсий ўқитувчиси ўз даврининг машҳур тилшуносларидан бўлган. Цезар иккала тилни ҳам бир хилда яхши ўрганди.

У даврда юнон тили, адабиёти ва фалсафасини ўрганиш етук маълумотли бўлиш белгиси эди. Цезар буларни кунт билан ўрганди, нотиклик санъатини ҳам эгаллади. У тиниқ овози билан тоза ва чиройли гапиришни машқ қилди (Нотикликда фақат Цицеронга етолмади холос).

Шу тарзда қадимги юнон, шунингдек Рим адабиёти билан ҳам танишди. Гомер достонлари, Эсхил, Софокл, Эврипид каби буюк юнон драматургларининг трагедияларини кунт билан ўқиб ўрганди. Айниқса, Софоклнинг «Шоҳ Эдип» трагедиясидаги Фива подшоҳи Эдип ўз отасининг жаллоди ва ўз онасининг эри бўлиб қолишдек гуноҳи азим қилгани ёш Цезарни қаттиқ ҳаяжонга солган эди.

Шунингдек, у тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик асосларини ҳам ўрганди. Ўтмиш тарихдан эса айниқса, буюк шахслар-машҳур ҳарбий кўмондонлар, қизиқарли фаолият кўрсатган давлат арбоблари ҳаётини ўрганишга кўп қизиқди. Афсонавий паҳлавон Геркулес жасоратлари, тортган азоблари, доимо тинч ҳаёт кечирмасдан яшагани, ниҳоят унинг бемаъни ўлими ҳам ёш Цезарни қаттиқ ҳаяжонга солади. Ҳатто берилиб кетганидан ёшлигида «Геркулесга офарин» деган поэма ҳам ёзгани маълум.

Цезар ўз даврида номи чиққан машҳур нотикларни ҳам ҳавас қиларди. Марк Красс, Марк Антоний каби саркарда ва нотикларнинг номлари ўша даврда бошқа ўлкаларга ҳам машҳур эди. Аммо ўз поччаси (яъни холасининг эри) бўлмиш ажойиб инсон Гай Марийнинг (156-86) қиёфаси ёш Цезарни

бутунлай ўзига ром қилиб олган эди. Гай Марий оддий аскарликдан ҳарбий қўмондонликкача кўтарилган ва ҳарбий фаолияти билан шуҳрат топган шахс эди. У плебейлар (яъни, аслзода бўлмаган оддий халқ оммаси) манфаатини ҳимоя қилиб, сенатга қарши курашган халқ ҳимоячиси сифатида номи машҳурлашиб, катта обрў қозонган эди. Гарчи ўзи патриций (яъни, аслзода)лардан бўлмаса ҳам бадавлат оиладан (яъни, Цезарнинг онаси Аврелиянинг синглицига) уйлангани, ҳамда ўз шахсий қобилияти билан кўрсатган хизматлари сабабли олти марта консулликка сайланган эди. Айниқса унинг ҳарбий маҳорати, урушларда обрў келтирган қўмондонлик жасоратлари ва шахсий сифатлари ўсмир Цезарнинг ҳавасини келтирарди. Гай Марий ҳатто Рим сенати бўйсундирилмаган Нумибия подшосини (Шимолий Африкада) шиддатли жангларда мағлубиятга учратгани унинг шуҳратини ва обрўини ниҳоятда ошириб юборган эди.

Поччаси Гай Марийнинг бу ва бошқа жангларда қозонган ғалабалари ҳақидаги ҳикоя - маълумотларни ёш Цезар мароқ билан эшитарди. Плутарх тасвирича, Гай Марий ташқи қиёфасида ўта қаҳрли ва бераҳм бўлиб кўринсада, аммо одил киши бўлган. У доимо ўз аскарлари орасида бирга яшар, бирга ишлар, нима еса шунини ер, ўзини жуда оддий тутарди. Шунинг учун армияда унинг обрўси баланд бўлган.

Гай Марийнинг ёш Цезарни мафтун этган мардонаворлиги ва асабларининг нақадар мустаҳкам бўлгани ҳақидаги маълумотларни қуйидаги воқеа ҳам яққол тасдиқлайди: Унинг вена қон томирлари кенгайгани сабаб оёқлари зирқираб оғрир ва юришга жуда қийналарди. Бир куни докторни чақириб наркозсиз операция қилишни буюрган ва ўзини пичоққа тутиб берган. Азобли оғриққа чидаб, овозини ҳам чиқармаган, ақалли юзидан ҳам билингирмаган. Навбат иккинчи оёғига келганда Марий кулимсираб: «Кўрдимки, шифо топишим бундай оғриққа арзимас экан» - деб унисини операция қилдирмаган.<sup>1</sup> Унинг нақадар иродали шахс экани ҳамма қатори Цезарнинг ҳам ҳавасини келтирган. Цезар 12-13 ёшида поччаси Гай Марийни холасиникида бир неча марта

<sup>1</sup> Плутарх, Избранные жизнеописания. М. 1987. 512-бет.

кўрган ва ўсмирлик нигоҳи билан уни кўп кузатган. Марий ўлганида Цезар 15-16 ёшда эди. Унинг ўлими жуда катта мотам тантанасига айланган. Цезар нигоҳида Марий мард ва ибратли фазилатларга бой бўлган энг олижаноб инсон эди. Марий қиёфаси ва шахсий сифатлари ёш Цезар учун бир умрга ҳаётий иамуна бўлиб қолади ва у шундай шахс бўлиб етишишни орзу қилиб яшайди. Айниқса унинг ҳарбий жасоратлари кўпроқ ҳавасини келтирар эди.

Цезар шахсининг шаклланиши ҳақида гап кетар экан э. ав. I аср бошларида Рим республикаси ички ҳаётида юз бераётган ҳарбий ва ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида ҳам қисқача тўхталмоқ лозим. Умуман, бу давр Рим республика тузумининг эмирилиётган йиллари эди. Армияга қўмондонлик қилаётган ҳарбий саркардалар ўзаро урушлар орқали ҳокимиятга интилишарди. Урушлар туфайли армияда хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳақиқий римликлар (патрицийлар) орасида ҳарбий хизматга яроқли эркакларнинг умумий сони талабга жавоб бера олмайдиган даражага тушиб қолади. Марий консуллик чоғида аҳволни тузатиш учун ҳарбий ислоҳот ўтказган эди. Ислоҳотга биноан, фақат Рим фуқаролигига ҳақдор бўлганларгина эмас, плебей деб аталмиш ва фуқаро бўлмаган оддий халқ оммасидан ҳам армияга олинадиган бўлди. Янги қонунга кўра, армияни давлат ўз ҳисобидан қуроолантириб ва кийинтириб, ҳатто маош тўлайдиган бўлди (унгача армияга олинган римликлар ўз ёнларидан қурооланишарди, озиқ-овқат-у, кийимлар ҳам ўз ҳисобларидан бўлар эди).

Гай Марийнинг мана шу ҳарбий ислоҳоти сабабли барча камбағаллардан ҳам аскарликка олинадиган бўлди, армия сони кўпайиб улар давлат таъминотига ўтади ва хизмат муддати 55 ҳатто 60 ёшгача узаяди. Аскарларга урушларда бойиб кетадиган шароитлар яратилади. Натижада Рим армиясида хизмат қилиш касбга айланиб қолади. Бош қўмондонлар урушларда мағлуб ўлкалар ва халқларни талаш учун ўз қўшинларига қанчалик шароит яратиб берсалар, аскарлари орасида улар обрўйи шунчалик ортарди. Сиёсий ҳокимиятга интилган қўмондон ўз армиясига суяниб иш кўрарди. Оқибатда Гай Марийдан бошлаб армия давлатга эмас, ўз қўмондо-

нига содиқ бўлиб қолади. Қўмондон ўз армияси орасида доҳий каби эди. У ҳокимият учун курашда армиясига таянарди. Гай Марий ҳам худди мана шу ҳарбий қудрати ва ўз армиясида «доҳий»га айланиб қолгани сабабли 6 марта консулликка сайланади, еттинчи марта сайланганида бир ой ўтар-ўтмас вафот этади.

Ана шу даврда, яъни э. ав. 80-йиллардан бошлаб, Римда ҳарбий шахсларнинг ҳокимият учун, якка ҳокимлик учун кураши авж олган эди. Натижада Республика давлат тузумининг бузилиши бошланади. Фақат армияга суяниб, урушлар орқали якка ҳукмронлик учун кураш айниқса, Гай Марий билан Корнелий Сулла ўртасида шиддатли кечди (Гай Марий ўлгач эса Сулла якка диктатор бўлиб қолган эди).

Мана шу сиёсий жараёнлар, тўхтовсиз қон тўкишлар, қўмондонлар ўртасида якка ҳукмронлик учун курашлар 15-18 ёшли Цезар кўз ўнгига содир бўлаётган эди. Ҳозирча ўқиш, ҳарбий машқ ва бадантарбия билан шуғулланиб юрган бўлса ҳам у консул поччасининг ишлари, ҳарбий фаолияти ва шу туфайли топган обрў-эътибори ўсмирнинг хаёлини чулғаб олар, бирдан ўзини бош қўмондон фаҳмлар ва ҳокимият учун курашнинг «жабрини тортиб кўргандек» ҳам бўларди.

Уша даврда Рим давлатига ҳозирги Франциянинг энг кўп қисми, Испания, Сицилия ва Корсика ороллари, Греция ҳамда Македония тобе эди. Рим қатта давлатга айланиб, ҳукмрон аристократлар қатламида улуғ давлатчилик кайфияти, ҳозирги тил билан айтганда бошқа халқларни таъқиб қилиш ва хўрлашлардан иборат шовинистик руҳ ҳукмрон эди. Эндигина йигит бўлаётган Юлий Цезар мана шундай маънавий иқлимда ўсиб улғаяётган эди.

Э. ав. 84 йили Цезар ҳаётида ўзини намоён этиш йўлида бурилиш ясалди. У бадавлат онаси ҳаракати билан ҳукмрон Юпитер маъбуди ибодатхонасининг қоҳини этиб сайланади. Онаси Аврелия хоним ўғлининг ота авлоди маъбуда Венерага бориб тақалиши ҳақидаги афсонага биноан, (биз буни юқорида айтиб ўтганмиз) ўғли Цезар бу диний лавозимга тўғри келади, деб ҳисобларди. Гарчи бирон ҳокимлик ҳуқуқини бермаса ҳам, бу обрўли диний лавозим бўлиб, қоҳин «Понтификлар коллегия-

си» таркибига кирарди.<sup>1</sup> Понтификлар Юпитер ибодатхонаси томон кетишадганларида кўчаларда юзлаб одамлар уларга салом беришарди. Бу гавжум кўчада ёш коҳин Цезар мағрурлик билан юрар ва ўзини такаббуруна тутарди. У ҳаммадан ёш, шунинг учун анча мағрур, кўча бўйлаб ишлаётган устахоналар, дўконларда унга қараб турган одамларнинг юзига тикиларди ва бироз тўхтаб, уларнинг гапига қулоқ соларди. Машҳур римликларнинг кўча бўйлаб қўйилган катта-кичик ҳайкалларига кўзи тушарди. Буларнинг барчаси ёш коҳин Цезарга жуда қизиқ эди. Понтификлар бу кўчадан эрталаб ҳар кунни ўтишарди. Ҳар кунги бу кузатишлар Цезарнинг маънавий шаклланишига таъсир кўрсатади. Диний эътиқодга кўра, бутун давлат ҳаёти ва сенат фаолияти «маъбуд» ҳомийлигида деб ишонилгани сабабли коҳинлар - понтификлар алоҳида ҳурматга сазовор эдилар. Кийимлари ҳам бошқача, «Тўга» деб аталмиш қизил ҳошияли кенг либос кийишиб юрар эдилар. Бу махсус либосдаги Цезарнинг кўча бўйлаб қадам босиб юришида ҳам алоҳида мағрурлик сезилар эди.

Цезарнинг коҳинлик ҳаёти роҳатижон тарзда ўтаётган эди, бироқ бу ҳаёт кутилмаганда тез фурсатда тугади. Рим ҳаётида энг қудратли ва қўрқмас диктатор Корнелий Сулланинг назари ёш коҳин Цезарга тушади. Бунинг тафсилоти шундай. Аввал Сулла ҳақида: Луций Корнелий Сулла (138-78) ҳам аввалига эрка ва тантиқ бўлиб ўсган маълумотли аристократлардан бўлиб, мард, иродали, шу билан бирга жуда муғомбир шахс эди. Римнинг сиёсий ва ижтимоий парокандалик даврида Сулла ўз шахсий ҳокимиятини ўрнатиш учун курашиб тез орада фавқуллода кучли ҳарбий саркарда бўлиб танилади.

Кейинги йиллари (89-84) Кичик Осиёдаги Понт подшоҳи, Рим учун хавфли ҳисобланган Митридатга қарши курашда Сулла анча фаол қатнашади ва қаҳрамонликлар кўрсатиб, унинг устидан ғалаба қозонади. Бу Рим учун жуда муҳим ва

---

<sup>1</sup> Понтификлар - Рим диний ходимлари. Қадимда давлат ишлари, сенат йиғинлари диний маросимлар орқали ўтказиларди. 15 кишидан иборат понтификлар коллегияси бу маросимларни ташкил қилар, барча диний байрамлар, ҳурбонликлар ва бошқа эътиқодлар устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга эди.

ҳал қилувчи ғалаба эди. Чунки бу ҳийлакор подшо Матридатни унғача ҳеч ким бўйсундиrolмаган эди. Ўшандан бошлаб Сулланинг саркардалиқ шуҳрати бутун Италияга, ҳатто четга ҳам тарқалиб, бош кўмондон Гай Марий обрўйи унинг шуҳрати соясида қолади. Шу ғалабадан сўнг Сулла Кичик Осиё ўлкаларини эгаллаб, Римнинг энг қудратли одами сифатида ном қозонади. Ҳокимиятдаги сиёсий парокандалиқдан фойдаланиб, у 83 йили ўз қўшинлари билан Римга ҳужум қилади ва пойтахтни эгаллаб, сиёсий ва ҳарбий рақибларидан ўч олишга киришади. (Шундан бошлаб Рим давлати Сулла қўлида бирлашиб, у шахсий диктатор бўлиб қолгани тарихдан маълум). Гай Марий демократик тартиблар тарафдори, Сулла эса якка ҳокимлик. Мана шу сиёсий қараш уларни бир-бири билан келиштиролмасди.

Ўша 83 йили Сулла асосий душмани Гай Марийнинг жияни бўлмиш Цезарга биринчи марта кўзи тушади. Сулла уни дастлаб кўришдаёқ тикилиб зеҳн солади ва бу йигитчанинг юрагида бўлғуси душманининг қони жўш урмоқда эканини гўё фаҳмлайди. Ўшандаёқ уни коҳинликдан кетишга буюради. Аммо Цезар ҳам анойилардан эмас, у ҳам Сулланинг унга тикилган кўзларига қараб туриб рад жавоби беради. Ҳазабланган Сулла энди бошқача тактика қўллайди: унинг оила ишига аралашади. Гап шундаки, Юлий Цезар бир йил илгари (84) болалигида «қулоқ тишлатилган» қизга уйланмай, Сулла рақибларидан ҳисобланмиш Цинна деганнинг Корнелия исмли қизига уйланган эди. Цинна ҳам қудратли ва бадавлат киши. Суллагача тўрт марта консулликка сайланган, йирик сиёсий арбоб ва Гай Марий билан сиёсий қарашларида ҳамфикр, унинг қадрдони эди. Сулла диктатор бўлиб олгач, Цезардан хотини Корнелиядан ажралишни талаб қилади. Аммо Сулла рад жавоби олгач, жаҳл билан уни коҳинликдан бўшатади ва бадавлат қайнотаси Циннадан ҳамда ота-онасидан қолган катта бойликларга бўлган мерос ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилади.

Шундан сўнг Цезар ҳаёти хавф остида қолади: Сулла уни шахсан таъқиб қила бошлайди. Ниҳоят кўзга кўринмаслик учун Цезар қочиб қутилади ва Рим қишлоқларида бекиниб яшайди.

Диктатор Сулла Цезар кетидан махсус одамлар тайинлаб, уни таъқиб остига олади ва сиртдан ўлимга буюриб, кетидан айғоқчилар кўяди. Кунлардан бир кун Цезар Сулла одамларининг кўлига тушиб, ҳибсга олинади. Аммо улар бошлиғига икки талант<sup>1</sup> пора бериб, қутулиб қочади. Тарихчилар ёзишчи, Цезар ўшандан бошлаб поранинг қувватини тушунган ва кейинги фаолиятида яшашнинг бу ярамас усулидан кўп фойдаланган.

Ниҳоят, Цезар онаси ва унинг қадрдонлари бўлмиш «весталка» лавозимидаги айрим аёллар Сулладан уни кечирришини сўрайдилар. Илтимос ва узр айтишлар кўп қайтарилгач, Сулла ноилож Цезарни кечиради. Диктаторга «болани ўлдириш бёманилик бўлади» - деганларида Сулла шундай деб жавоб беради: «Мана, олинглар, аммо билиб кўйингларки, бу тирранча ичида бир неча Марий яширингандир»<sup>2</sup>.

Айрим рус тадқиқотчилари Цезарни довурак санаб, Сулланинг мутлақ ҳукмронлиги ва шафқатсизлиги намоён бўлиб турган нигоҳидан ва бу сарғиш сочили бераҳм диктаторнинг қизил сепкил тошган хунук юзларида тепчиб турган қаҳр-газабидан кўрқмаган ботир деб таърифлайдилар. (Масалан, петербурглик тарихчи В.С. Дуров). Аммо воқеа тафсилоти буни рад қилади. Сулла ўзининг бош рақиби Гай Марийга ўчакишиб Цезарга нисбатан қилган душманлик газабидан унинг кўрқмаслиги эмас, балки фақат онаси Аврелиянинг бойлиги, бинобарин бу аёлнинг шахсий обрўи туфайлигина ўлимдан қутулиб қолган, аммо яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлган.

Сулла газабидан эсон-омон қутулгач, 18 ёшли Цезар Римдан чиқиб кетади ва давлатнинг янги бўйсундирилган Шарқий Осиё ўлкасига жўнайдди. Қани, ҳамон нотинч бўлган бу вилоятларда ўз иқболини мустақил равишда синаб кўрсин-чи, балким ҳаётий тасодифлар шахсий қобилиятини намоён қилишга қулайлик туғдириб қолар. Бу ерда ҳарбий кўшиндаги нуфузли қариндошлари ёрдамида Рим армияси штабига ишга жойлашади. Тез орада армия кўмон-

<sup>1</sup> Бир талант-6 минг динорий. Цезар даврида унинг қуввати кучли бўлган.

<sup>2</sup> Весталкалар-Оила маъбудаси Вестанинг хизматчилари-ёшлигидан алоҳида тарбияланган диндор қиз-аёллар. Улар 6 киши бўлиб, римлик гуноҳкорни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

<sup>3</sup> Гай Светоний Трапквилл, Жизнь двенадцати Цезарей, М. 1990. 8-бет.

дони Квинт Термдан масъул бир тошпириқ олиб, уни кўнгидаги-дек бажаради: кўмондонга энг зарур вақтда Римга иттифоқдош кўшни Вифиния ўлкасидан ҳарбий флот келтириб беради.

Шундан сўнг Цезар Осиёдаги Рим армияси штабларида урушга дахли бўлмаган маъмурий ишлар билан машғул бўлди. У хизмат вазифаси билан Кичик Осиёнинг турли шаҳарларини саёҳат қилади. Қадимги шаҳарларнинг ўз ўқитувчиларидан эшитган ажойиб тарихий биноларини, машҳур юнон олимлари, файласуфлари ўқиган ва дарс айтган қадимий мактаб-у, кутубхоналарини, умуман Юнонистон-Осиё табиатини ва гўзаллигини кўриб унинг ҳаётий тасаввурлари анча кенгайди, ҳатто бадийятга берилиб, шеърини машқлар ҳам қилади. Сулла ўлганда (78 йил) Цезар Шарққа эди. Бу хабарни эшитиб дарҳол Римга қайтади. Аммо йўлда денгиз қароқчиларига дуч келиб, асир олинади.

У даврда Ўрта Ер денгизини жуда кўп қароқчилар тарқалган эди. Улар ўз флотига эга, тунда савдогарларнинг кемаларига ҳужум қилишар ва талон-тарожлик билан шуғулланишарди. Цезар тушган кема Фармакусс оролига келганида, қўлга олиниб, қароқчилар унинг бадалига йигирма талант пул сўрашади. Гарчи бу катта пул бўлса ҳам, ўзига бино қўйган Цезар «Мени арзон баҳолаяпсизлар» - деб қароқчилар устидан мутакаббирлик билан кулади ва 50 талант беришни ваъда қилиб ўз одамларини пул топиб келиш учун атрофга жўнатади. Ўзи эса қароқчилар қўлида фақат иккита хизматчиси билангина қолади. Албатта, бешафқат қароқчилар уни ўлдириб юбориши ҳеч гап эмас эди, лекин асирнинг «тентакнамо» феълдан ва унинг қўрқмаслигидан ҳайратга тушган қароқчилар 50 талант пул умидида ҳатто унинг айтганларини ҳам бажариб туришади. Цезар эса асир бўлишига қарамай, ўзини гўё қароқчилар хўжайинидек ҳис қилиб, ҳатто уларни ишга ҳам буюрар, уларнинг машғулотларида ҳам қатнашарди, қароқчилар эса уни «қазиллашяпти» ёки «тентак одамо» деб мазаҳ қилишар ва истеҳзо билан кулишар, унинг айтганларини ҳам киноя тарзида гоҳида бажаришарди.

Шу тарзда 38 кун ўтади. Бу кунлар ичида Цезар бир қатор шеърлар ва машқ учун нутқлар ёзади. Баъзан шеърларини қароқчиларни гўлаб ўқиб берарди. Қароқчилар шеърни тушунмаганлигидан завқланмасалар, уларни жоҳилликда, ваҳшийликда ай-

бларди ва қутулгач ҳаммангизни «оч»га (крестга) тортиб ўлдираман» деб дўқ урарди. Қароқчилар эса унинг бу гапларини, шунчаки ҳазил ва «тентаклигида» деб ҳисоблашар ва кулиб қўйиша қолар эдилар. Аммо улар Цезарнинг ҳақиқий мақсадини тушунмадилар. Ниҳоят, юборган одамлари Милет шаҳридан пул олиб келишади ва Цезар қароқчиларга ваъда қилган 50 таланти тўлаб, озод бўлади.

Цезар дарҳол Милет қирғоғига етиб бориб, кемалар сотиб олади, одамлар ёллаб, қуруллантиради ва денгиз қароқчилари изидан қувиб етади. Цезар кемалари шундай тезлик билан сузиб борадики, қароқчилар турган оролга етиб келишиб, қўққисдан ҳужум қиладилар ва барчасини асир олишади. Цезарнинг бу ҳаракатларида айтган гапининг устидан чиқишдек қатъий фельи ва олдига қўйган мақсад сари интилишда изчиллиги кўринади. Асирликда эканида қароқчиларга нима ваъда қилган бўлса, шуни бажаради: барчасини бўғиб ўлдириб, крестларга михлатади. Қароқчилар аввал ўлдирилиб, сўнг крестларга михлангани учун Цезар хушомадгўйлари кейинча уни гўё «раҳмдиллик қилди» - деб мақташади.

Цезар тутқунликдан қутулгач, Римга бормаи, аввал Родос оролига бориб нотиклик санъатини ўрганиш учун Цицероннинг устози, ўз даврининг машҳур сўз устаси Аполлоний Молон мактабига ўқишга киради.

Цезарда ёшпигиданоқ бадний сўзга, нотиклик санъатини эгаллашга истеъдоди бор эди. Бу истеъдод етарли парвариш қилинса у Римда биринчи нотик бўлиши ҳам мумкин эди. Аммо у, Плутархнинг ёзишича, ўзини ҳарбий ишларда кўрсатиб, шу йўл билан ҳокимиятда биринчилиكنи эгаллашга қатъий аҳд қилади. Шунинг учун кўп вақт ўтмай Родосдан Римга келади. Римда эса Сулла ўлгач, унинг диктатурага асосланган тузуми аста-секин тугаётган ва сиёсий шароит барқарор ҳолатга келаётган эди. Аммо ҳамон Сулла тузуми тарафдори бўлмиш сенат ва унга кирган аристократлар «отдан тушсалар ҳам, эгардан тушмас» эдилар. Кўпчилик халқ оммасини ташкил қилувчи популярлар орасида бирлик ва ўзаро жипслик ҳам етишмаётган эди.

---

<sup>1</sup> М.Н. Ботвинник и др. Жизнеописания знаменитых греков и римлян. М, 1988, 160-бет. Одатга кўра асирлар тириклайин михланар эди. Цезар бу қондага риоя қилмаган.

Бир йил ўтгач, 73 йили Цезар яна Римга қайтади. Уни дарҳол коҳинлар-понтификлар коллегиясига қўшимча сайлов ўтказмасданоқ аъзо қилиб киритадилар, (ёдингизда бўлса, 10 йил илгари Сулла уни коҳинликдан бекор қилган эди). Бу ҳол гарчи Цезар Рим аристократларининг доҳийси марҳум Сулла ва унинг тарафдорларининг душмани бўлган машҳур Гай Марийга содиқ шахс ва унинг жияни бўлса ҳам, ҳар ҳолда Рим ҳукумати унинг жамоатчилик ичидаги ҳурматини эътиборга олаётганидан гувоҳлик берарди. 73 йил Цезар ҳаётида унинг сиёсат зиналаридан юқорига кўтарилишида бурилиш йили бўлди. Лекин ҳукумат бош курсиси томон расмий жиҳатдан яқинлашиб боришга яна бир неча йил бор эди. Ҳар ҳолда Римда унинг ҳурмати ошиб боради. Цезарнинг яхши нотиклик қобилияти, ҳамма билан, хусусан бекорчи мижозлар билан хушмуомалада бўлиши ва саҳийлиги унинг номини бутун Римда жиддий равишда тилга олинишига сабаб бўлади.<sup>1</sup> Ёши эса энди 27 га тўлган эди.

Цезар кўпроқ оддий халқ оммаси орасида шуҳрат қозонишга интиларди. Унинг нияти - шу кўпчиликка суянган ҳолда пировард мақсадга - яъни олий ҳокимият лавозимига эришиш эди. У жуда эҳтиёткорлик билан аста-секин ҳаракат қиларди. Ҳар доим у ўз авлоди, ўзининг чиқиб келиши билан мағрурланарди. Цезар мамлакатнинг рўшнолик томон ривожда узоқ авлоди бўлиши Эней каби кўрқмас ботирлар керак, деб ўйлар ва гоҳида ўзини фикран афсонавий Эней ўрнига қўйиб ҳам кўрарди. Цезар насаби Рим халқи тақдирида, унингча, алоҳида ўрин эгаллаши керак. Мана шу мағрурлик кайфияти унда йилдан-йилга мустаҳкамланиб боради.

Корнелий Сулла ўрнатган яқка ҳокимлик тартибларни аста-секин тугатилаётган йиллари умуман мамлакатда нотинчлик ҳукм сураётган эди. Узоқ Испанияда Серторий бошлиқ турли қабилалар кўзғолон кўтарган эди. Шарқда эса Римнинг азалий душмани бўлган Митридатга қарши уруш ҳамон тўхтамаган эди. Шундай оғир ҳолда Италиянинг ўзида тарихда ҳеч кўрилмаган энг йирик куллар кўзғолони рўй беради. Унинг бошлиғи Фракиялик Спартак<sup>2</sup> собиқ ҳарбий киши бўлиб, асирликка тушгач, кул қилиб сотилганлардан эди. Гарчи кўзғолоннинг Цезарга бевосита алоқаси бўлма-

<sup>1</sup> С.И. Ковалев. История Рима. Л., 1986. 417-бет.

<sup>2</sup> Фракия - ҳозирги Болгариянинг жануби-ғарбий қисмига тўғри келади.

са ҳам ўша йиллардаги Римнинг умумий аҳволини тасвирлаш учун унга қисқача тўхталиб ўтамиз. Спартак бошчилигидаги кўзғолон гладиаторлар мактабидан бошланиб (73-йил), дастлаб 100 тача кўзғолончилар сафи тез орада бир неча мингга ташкил қилади. Икки йил давомида кўзғолончилар Рим кўшинлари устидан кетма-кет ғалабалар қилиб, бутун Италияни айланиб чиқадилар. Улар соғи 100 мингга, баъзи манбаларда эса 120 мингга етади. Рим жиддий хавф остида қолади, кўзғолончилар шимолдан жануб томонга юришда негадир Римга ҳужум қилишмади. Акс ҳолда, манбада айтилишича, пойтахт қўлдан кетиши ҳеч гап эмас эди.

Аҳвол анча жиддий эди. Римнинг кўзга кўринган йирик ҳарбий кўмондонлари ўша йиллари Италияда эмас эди. Гней Помпей ўз кўшини билан Испанияда эди. Лукулл эса Кичик Осиёда Митридат билан банд эди. Шундай танг ҳолатда Лициний Красс деган бадавлат зот ҳукуматга ўз хизматини таклиф қилади. Аслида ҳам у катта ҳарбий мартабага эришиш учун пайт пойлаб юрганлардан эди. Унинг учун шундай пайт келгандек эди. Бундан ташқари ўзи ҳам йирик кулдор бўлгани сабабли кўзғолонга тезроқ зарба беришдан шахсан манфаатдор ҳам эди.

Бу вақтда Спартак 100 мингдан ортиқ кўзғолончи кўшинини Италиянинг жанубига тўплайди. Бу-инсоният тарихида кулдорлик тузумини ларзага солган халқ озодлик ҳаракати эди.

Красс 71-йили янгидан ёлланган кўшини билан Спартак кетидан қувиб бориб, энг жанубда-денгиз қирғоғида турган исёнчи кўшинларнинг йўлини тўсиб қўяди, ўртада ҳаёт-мамонт жанги бошланади. Жуда шиддатли жанг да ҳар икки тарафдан ўн минглаб одамлар ҳалок бўлади. Охири Красс армияси кўп қурбон бериб бўлса ҳам Спартакчилар устидан ғалаба қозонади. Бошлиғи (кўзғолончилар дохийси) Спартакни эса тириклайин қўлга олиб энг оғир жазо-тириклайин хочга қоқиб қўядилар. Шу тарзда тарихдаги энг йирик куллар кўзғолони қонга ботирилади.

Қадимги тарихчи ва адиблар Спартакни «бутун инсоният ўтмишида энг баҳодир ва энг гўзал йиғит» деб таърифлайди.

Красснинг куллар кўзғолонини бостиришдаги хизмати яна бир кучли шахс-ҳарбий саркардалардан Помпей билан ўзаро сиёсий

---

<sup>1</sup> С.И. Ковалёв. История Рима, 408-бет.

манфаатларининг яқинлашувига олиб келади. Цезар Римда туриб узоққа мўлжалланган ўз режаларини унутмаган ҳолда кечаётган воқеаларни кузатиб юрган бўлса ҳам, аммо сиёсий ҳаётдан манфаатдорлигини яшириб, ҳамон сирни бой бермас, ўзини бепарволарча юргандек кўрсатаётган эди.

Мама, у 30 ёшга тўлаётир. 30 ёш сиёсий фаолият кўрсатиш учун авжи етилган давр. Лекин Римдаги шароит ўзини кўрсатиш учун, унинг назарида, ҳали етилган эмас. Унинг душманлари ҳам анчагина. Улар ҳадик билан Цезарни кузатиб юрибдилар. Уларга нисбатан ҳам тил топиш, йўл топип лозим, токи рақибларида шубҳа уйғотмасян.

Цезарнинг кимлигини яхши биладиган ва унинг хатти-ҳаракатларини ўзига хос синчковлик ва шубҳа билан кузатиб юрган киши обрўли Цицерон эди. 70-йиллари Римда энг машҳур адвокат бўлган Цицерон Рим кўчаларида, оммавий сайл-зиёфатларда, гладиатор ўйинларида Цезарга назар солиб юрган. Плутарх таъбири билан айтганда, унинг худди денгиз юзасидек силлиқ кўринган феъли-ю, юриш-туришларида хушмуомалалик пардасига ўралган жиддий мақсад сари интилиш борлигини биринчи бўлиб Цицерон сезган ва кузатган.

Э. ав. 70 йили Кичик Осиёдаги жангларда шуҳрат топган саркарда Гней Помпей билан Спартак бошчилигидаги қуллар қўзғолони устидан ғалаба қилиб машҳур бўлган, давлатманд Лициний Красс консулликка сайландилар. Тарихчилар ёзишича, аслини олганда улар бир-бирининг шуҳратига ич-ичидан қарши эдилар: Спартак қўзғолонини бостириш учун Сенат Испаниядан ғалаба билан қайтган Помпейни ҳам юборган эди. Красс ғалабада унинг иштироки бўлишини хоҳламасди. Помпей эса Красснинг бадавлатлигига ва камбағалларга садақа бериб олий ҳиммат деб ном қозонишига гаши келарди.

Тарихда кўрсатилишича, Красс ёшлигиданоқ бойлик орттиришни яхши кўрган шахс. Унинг бир неча минглаб қуллари, ўзининг махсус гладиаторлар мактаби ҳам бор эди. Красс консулликка сайлангач, Рим кўчаларига 10 мингта стол қўйиб, бир неча ўн минг қўшинга дабдабали зиёфат берган ва Римнинг барча фуқароларига уч ойга еттулик дон ҳам тарқатган.

Помпей ва Красс консулликка сайланишгач, Сулла диктатураси даврида чиқарилган қатор ҳукумат қарорларини бекор қилиш бошланади. Цезар, гарчи бу диктатура тузумига қарши бошланган демократик ҳаракатларга ичдан қўшилган бўлса ҳам зоҳирида билинтирмасдан ўзини жуда оҳиста олиб юради. Консуллар биринчи навбатда воизлар-халқ трибуналарининг ҳуқуқларини тиклашади. Сўнгра суд тартиботлари қайта кўриб чиқилади. Испанияга сургун қилинган Гай Марий тарафдорларини афв этиш ҳақида қонун қабул қилиниб, унинг лойиҳасини ишлаб чиқишда Цезар ҳам қатнашади. Умуман, Сулла конституциясини аста-секин бекор қилиш бошланиб, бу сиёсий ҳаракатда Цезар ниҳоятда ҳушёрлик билан, билинтирмасдан, аммо фаол қатнашади. Бунинг учун эса Красс ва Помпей билан яқинлашуви, уларнинг рақибларини ўзига ҳам рақиб деб, дўстларини ўзига дўст деб билиши керак эди. Доно Цезар мана шу йўлни тутати.

Ўз сиёсий мақсадига эришиш учун тартиб билан, қадимдан ишлаб чиқилган лавозимлар поғонасини сабр-тоқат билан босиб ўтгиши лозим-шунга мажбур ҳам эди. Ўрнатилган тартиб-қоидага кўра, бирон давлат лавозимига кўтарилиш учун аввало энг паст «амал курсиси»ни эгаллаши керак. Юқори давлат лавозимига мана шу кўйи курсида ўлтирганлардан танлаб сайлаш қоида эди.

Масалан Рим фуқароси 27 ёшгача квесторлик (яъни вилоят ҳокимларининг молия ишларига ёрдам берувчи лавозим), 37 ёшгача эдиллик (қурилиш ишлари, кўча ва бозорлар тартиботи устидан назорат қилиш лавозими), 40 ёшгача преторлик (шаҳарларда қонун ва суд адолатлиги устидан назорат қилиш) лавозимини ўтаб, ниҳоят 43 ёшдан олий лавозим-консулликка сайланиши мумкин. Бунинг учун хизмат қилиши, ўзини кўрсатиши керак. Цезар аллақачон ўзини кўрсатди: «Олийҳимматлиги» билан шаҳар плебейлари ўртасида обрў қозонди.

Ниҳоят, 69 йили у (гарчи ёши ўтган бўлса ҳам) квесторликка сайланади. Ушбу лавозим муддатини ўтагач, Рим сенатада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Цезарнинг бу лаво-

<sup>1</sup> Халқ трибуни — Рим республикаси давридаги халқ оммаси (плебс)нинг манфаатларини ҳимоя қиладиган вазифадор. Ҳукумрон бошлиқнинг қарорларини бекор қилиш ҳамда халқ мажлисини чақиртириш ҳуқуқига эга эди. Сулла диктатураси даврида бу вазифа тугатилган эди.

зимга сайланган йили унинг номи билан боғлиқ Римда шов-шувга сабаб бўлган иккита нохуш воқеа юз беради: 69 йили аммасы, яъни машҳур Гай Марийнинг беваеси Юлия кампир, бирор ой ўтгач эса хотини Корнелия вафот қиладилар. (Сул-ла ундан ажралишни талаб қилганида Цезар рад жавоби берган эди). Римда ўрнатилган диний удум қонидасига кўра, киборлар оиласидан катта ёшдагилари ўлса, юзига ўхшатиб шамдан иккита ниқоб тайёрланарди, бири марҳум юзига қопланиб, яна бири оилада сақланиши шарт эди. Цезар бу одатга риоя қилмади ва Гай Марийнинг олтин суви бериб, ялтираб турадиган ажойиб портретини ясашиб тўрида-барча маъбудлар ибодатхонаси жойлашган Капитолий тепалигига олиб бориб ўрнаштиради (Римнинг сиёсий тadbирлар ва диний маросимлар ўтказиладиган майдони).

Эрталаб бутун халқ ва барча Марий тарафдорлари келишиб ҳавас билан суратга қарашади ва Марий хотирасини ёдга олишиб, Цезар жасоратини мақташади. Шу ерда, -холасининг жасади устида, -Цезар мотам нутқи сўзлаб, жумладан шундай дейди: «Холам Юлия авлоди она томондан подшоҳларга, ота томондан эса ўлмас «худо»ларга бориб тақалади. Шунинг учун бизнинг авлодимиз подшоҳлар ва «худодар» каби дахлсиздир».<sup>1</sup> Бутун тўпланганлар ва собиқ Марий тарфдорлари Цезарни олқишлайдилар, суллагилар ва аристократлар эса уни ўлим маросими ҳақидаги қонун тартибининг бузганликда айблашади. Ҳатто, кейинча шу масалани кўриб чиқиб учун махсус сенат мажлиси чақирилиб, уни муҳокама қилишади. Энг ҳурматли кишилардан бири сўзга чиқиб «Цезар давлатга суъиқасд қилмоқда» - дейди.

Светонийнинг ёзишича, бир кун Юлий Цезар хизмат вазифаси билан бир шаҳарга борганида Геркулес ибодатхонасига кириб қолади ва машҳур Александр Македонский ҳайкалига кўзи тушади. Ҳайкалга қараб: «Александр менинг ёшимда жаҳонни бўйсундирган эди, мен эса ҳамон бирон-бир эса қоларли иш қилолганим йўқ»-деб афсусланади. Плутарх ёзишича, шундай деб туриб, ҳатто йиғлаган. Тарихчининг ҳикоя қилишича, эрта-

<sup>1</sup> Светоний. Курс. асар, 9-бет.

<sup>2</sup> Светоний. Божественный Цезар, 10-бет, Плутарх. Ю. Цезар, 445-бет.

сига Цезар туш кўради. Тушида ўз онасини зўрлаётган эмиш. Эрталаб ҳаяжон билан дўстларига буни айтганида, улар кеча Александр ҳайкали олдида унинг айтган гапини эшитганлари учунми, «Она-барча жонзотларни пайдо қиладиган Ер, бинобарин бу туш Цезарнинг бутун дунё ҳукмрони бўлишидан даракдир» - деб таъбир қилишади ва унинг орзу-умидларини янада қувваттаб қўйишади.

Шундай қилиб Цезар Испанияда зерикади ва 67 йили, - квесторлик ваколати тугашидан илгарироқ, - Италияга қайтади. Римда унинг биринчи қилган иши уйланиш бўлади. Мана, хотини ўлганига ҳам икки йил тўлаяпти. Ўша йилиёқ Сулланинг набираси Квинт деганнинг қизи, гўзал Помпеяга уйланади ва катта томоша беради.

Цезарнинг эдиллик вазифаси-халқ мажлислари ўтказиладиган жой-Комиций майдонининг озодалигини сақлаш ва безаш, Форум-яъни кўшлаб ибодатхоналар, қасрлар жойлашган асосий майдонни ҳамда суд биносини ва базилика деб аталадиган катта зални безаш, тартибда сақлаш ва уларга муттасил равишда оро бериб туришдан иборат эди. Цезар Римнинг асосий сиёсий тadbирлари, жумладан Сенат мажлиси ўтказиладиган Капитолий майдонини ҳам обод қилади, қурилишларга янгиликлар киритади. Чунончи, Капитолий биноси олдида колонналик (қатор қилиб қўйилган гўзал устунли) пешайвон қурдиради. Пешайвонга ва бино ичига ўзи Шарқ ўлкасидан тўплаб келган ноёб суратлар, ҳайкалчалар, гўзал қилиб ишланган идиш ва турли буюмларни намойишга қўйдиради. (Қадимги муаллифларнинг ёзишича, Цезар санъат ва бадиий буюмлар тўплашга ҳам ишқибоз бўлган ва буларга кўп пул сарфлар, ҳатто пули етмай қолганда қарз ҳам олар эди).

Цезар эдиллик вазифасида экан, ўзбошимчилик билан шундай бир шижоат кўрсатади: қачонлардир Сулла буйруғи билан Капитолийдан олиб ташланган Гай Марий ҳайкалини ва унинг ҳарбий ўлжаларини намойишга атайлаб қайта қўйдиради. Унинг Сулла давридаги қонунга нисбатан, ҳатто телбаликка ўхшаган бу хатти-ҳаракати гарчи Рим Сенатининг нуфузли аъзолари газабинни қўзғатган бўлса ҳам, аммо Сенат халққа маъқул бўлган Марийга дахлдор ёдгорликларни олдириб ташлашга ботина ол-

майди. Чунки диктатура душмани бўлган Марий ҳақидаги халқ хотираси ҳамон кучли эди, Цезар эса бу ишни атайлаб уюштирган эди. Шу тарзда, у яна «бир қилиғи» билан халқ диққатини ўзига жалб қилади. Лекин шуҳрат ва нуфузда у Гней Помпей ва Марк Лициний Крассларга ҳали тенглаша олмас эди.

Шунинг учун Цезар бу иккита қудратли шахсларни ўзига қарши қилиб қўймаслиғи ва улар билан ҳисоблашиб иш кўрмоғи керак эди. Бунинг устига Цезар Крассдан қарзга пул ҳам олиб турар эди. Красс ҳам бу йигитнинг (Цезар ундан 15 ёш кичик эди) дадил қилиқларини маъқул кўрганиданми, унга фойда олмасдан, аммо вақтида тўлаш шарти билан қарзга пул бериб турарди.

Гней Помпейнинг Марк Крассдан фарқи-унинг ҳарбий шон-шуҳрати баланд эди. Собиқ консул ўғли, йирик ер эгаси, илгари Сицилияда Сулла томонида туриб ва Африкада Марийчиларга қарши курашган ва ғалаба қозониб, шуҳрат топган. У Крассдан 9 ёш кичик, Цезардан эса 6 ёш катта эди. Аммо Цезардан фарқли ўлароқ, ёшлигиданоқ ҳарбий ишларда шуҳрат ва ҳурмат қозониб улгурган эди. Помпей Сенат қарори билан ҳаддидан ошиб кетган денгиз қароқчиларига қарши курашга юборилиб, уч ой ичида уларни бутунлай тор-мор келтиради ва асир олиб, қулларга айлантиради, уларнинг 850 та кемасини қўлга туширади. Помпейнинг бу ғалабаси билан Ўрта Ер денгизи тинчиб, савдо кемалари учун мутлақо хавфсиз бўлиб қолади. Бу хизматлари Помпейнинг шуҳратини янада ортттиради. Шунингдек, Помпей Римнинг кичик Осиёдаги ўлкасини ҳамон тинч қўймаётган Митридатга қарши юборилиб, уни ҳам бутунлай тор-мор келтиради. Помпей ғалабаси Рим хазинасига 480 млн. сестерций<sup>1</sup> даромад келтиради. Бу ҳам Помпейнинг обрўйини жуда ошириб юборганди. Ана шундай одамлар билан бирга бўлиш, кейинча эса ўша Помпей билан ҳаёт-мамот учун курашиш Цезар тақдирига ёзилган эди. Шунинг учун жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиларди.

Ҳозирча Цезар тинчгина эдиллик вазифаси билан банд. Бу вазифага сайланиш кампаниясида ҳам сарф-харажат учун

---

<sup>1</sup> Сестерций - Римнинг асосий пул ўлчови. Бир сестерций собиқ СССРнинг сўнги йиллари пул қийматида 85 тийинга тенг. 480 млн. сестерций ўша қимматда ўша йиллардаги 35-40 млн. АҚШ долларига тенг эди.

Красс унга пул қарз берган эди. Юқорида санаб ўтилган муҳим ишлардан ташқари яна йўлларни тузатиш, бозорлар, нарх-наволар, диний ҳайит-байрамлар устидан назорат ўрнатиш ва яна бир муҳим иш-оммавий сайил-ўйинлар ташкил қилиш ҳам эдил вазифасига кирарди. Айниқса, кейинги вазифа - сайиллар уюштириш ўз ёнидан шахсий сарф-харажатлар талаб қиларди. Камбағаллар орасида «олийҳиммат» деб танилган Цезар учун эдил бўлиб ишлаш халқ ҳурматини кўпроқ қозониш учун жуда муҳим имконият эди. Шунинг учун Цезар «пул кетса ҳам обрў кетмасин» - қабилида иш кўриб, қарзга ботиб бўлса ҳам оммавий сайиллар, гладиаторлар мусобақаларини ташкил қилади. Красс, нимадандир умид қилиб, ҳеч аямай унга пул бериб туради.

Иккитадан от қўшилган жанговор аравалар мусобақаси ўша вақтларда ташкил қилинган халқ ўйинларидан эди. 150 минг томошабин сиғадиган ва узунлиги 600 метр, эни 150 метрли «тухумсимон» шаклидаги (ҳозирги стадионларга ўхшаш) пастликка қурилган цирк майдонида уюштирилган бундай жанговор аравалар пойгасида тўрттадан арава қўйилиб, улар майдонни етти марта айланиши, бинобарин 10,5 км. йўл босиши шарт эди. Мусобақа давомида аравалар бири-бирига урилиб кетар, отлар йиқилар, мусобақачилар эса қаттиқ яраланиб, ҳатто жон таслим қиларди. Ўйин эрталаб бошланиб, қоронғу тушгунча давом этар эди. Бутун мусобақа давомида 100 мингдан ортиқ ишқибоз-томошабин тарафма-тараф ўзаро пул қўйишиб қимор ўйнашар, қийқирганларида гумбирлаган қичқир-қичқир овозлар цирк-стадионни тутиб кетарди.

Цезар уюштирган оммавий ўйинлар ичида энг қизиғи ва мароқлиси гладиаторлар мусобақаси эди.<sup>1</sup> Бу-икки кишининг ҳақиқий урушидир. Бир сафар Цезар майдонга 320 жуфт глади-

---

<sup>1</sup> Гладиаторлар-лотинча «Gladius»-яъни «қилич» сўзидан олинган ва «қиличдорлар» дегани. Қадимги Римда касбга айланиб кетган гладиаторлар жанги биринчи марта Э.ав. 264 йили улганларга одам сўйиб курбонлик қилиш ўрнига уюштирилган. Гладиаторлар алоҳида мактабларда ўқитилган ва кейинча бу мусобақа ўйинларга айланиб, давлат томонидан ёки хусусий бадавлат шахслар томонидан уюштириларди. Иккитадан майдонга тушган гладиаторларнинг ўйини биттасининг ўлими билан тугарди.

торни олиб чиққан эди. (640 та қиличбоз дегани). Ҳайвонлар ҳақида шаҳар бўйлаб эртароқ эълон қилинарди.

Қилич ва кумуш қалқонлар билан қуролланган 640 гладиатор паради уюштирилганда кумуш қалқонларнинг қуёш нурида ялтираб кўринишининг ўзиде ажайиб бир томоша эди. Сўнгра гладиаторлар бир жуфтдан чиқишиб, махсус карнайлар овози билан жанг бошланарди. Гладиаторлар сафида судланганлар ёки қуллардан энг кучлилари танланиб олиниб, махсус мактабда қиличбозликдан таълим олган кишилар эди. Фолиб келганлар қоидага кўра озод қилиниши мумкин. Шунинг учун улар ҳаёт-мамонт деб курашадилар. Томошабинлар учун эса бу кураш-жанг оддий кўнгил очиш маросими эди. Цезар қўйган 320 жуфт гладиатордан 320 таси ўлиши керак. Бу дегани асир олинган ёки судланган 320 та навқирон эркак деганидир. Цезарнинг мақсади эса пул сарф қилиб бўлса ҳам бу одам ўлдириш жанглари уюштириб, ишқибозлар олқишига сазовор бўлиш ва шу йўл билан сайловларда уларнинг қўллаб-қувватлашлари орқали ҳокимиятга чиқиб олиш эди. Халқимизнинг «қассобга ёғ қайғуси, эчкига-жов» - деган доно мақоли ҳаётнинг шунақа, ақлга мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатларидан пайдо бўлган бўлса керак. (Бундай гуноҳ ишларга Бобир асло қўл урмасди).

Цезаргача ҳеч ким бир йўла майдонга бунча кўп гладиатор олиб чиқмаган эди. У шуҳратга ишқибозлигидан шу йўл билан ҳаммани ҳайратга солмоқчи, ўзини «қойил иш қилиб» қўйгандек кўрсатмоқчи эди. Лекин бу «ўйин»нинг давлат учун хавfli томони - жангга чиққан собиқ асирлар кўзғолон кўтариши мумкин эди. Шу хавф борлигини билиб ўйингоҳга олиб чиқиладиган гладиаторлар сонини қисқартириш ҳақида махсус қонун ҳам чиқарилган.<sup>1</sup> Цезар эса оммавий ўйинлар уюштиравериб қарзга ботиб кетди. Унинг қарзи 24 млн. сестерцийга етди.

Ҳша йил Гней Помпей узоқ ўлка-Кичик Осиёдаги кўзғолончиларга қарши курашаётган йил эди. Унинг йўқлиги Крас-

---

<sup>1</sup> Гладиаторлар ўрнига йиртқич ҳайвонлар уруштириш одати ҳам бор эди. Масалан, кейинча Цезарнинг «дўсти» бўлиб қолган Помпей циркка 500 та арслон ва 18 та фил олиб келиб уруштирган ва ҳеч ким қозонмаган шуҳратни қозонган. Цезар ўзича Помпей билан мусобақалашган эди.

<sup>2</sup> Бу ҳозирги ҳисобда 3 млн. долларга яқин.

сга ҳам, Цезарга ҳам айни муддао эди, сиёсий ҳаракатларида бу рақибнинг йўқлиги уларга қулайлик туғдирарди. Шу 65 йили сайланган икки консулни сайловларда овозларни сотиб олганликда ва фирибгарликда айблаб, уларни бекор қилиш ҳақида Сенат қарор қабул қилади ва ўрнига бошқа консуллар сайланади. Сенатнинг бу қонунига қарши бадавлатлар авлодидан бўлмиш Луций Катилина бошлиқ норозилик ҳаракати бошланиб, Рим тарихида «Катилина фитнаси» номи билан машҳур бўлган норозилик ҳаракати кенг ёйилади. Бу ҳаракатда айниқса Лициний Красс бош рол ўйнайди. Чунки агар бу фитна амалга ошса, Красс диктатор бўлиб қолиши керак. Цезар ҳам бу ҳаракат тарафдори ва ундан манфаатдор. Борди-ю, Красс консул бўлса, унда Цезар отлич кўшиқлар командири вазифасига тайинланиб унинг бевосита ёрдамчиси бўлиб қолади - шунга келишилган эди. Шунинг учун Цезар яширин ҳолда бўлса ҳам бу ҳаракатларда қатнашади. Бироқ тасодифий сабаб билан Катилина фитнаси амалга ошмайди ва Красснинг диктаторликка бўлган умиди пучга чиқади.

Энди 37 ёшга кирган йигитнинг бош қоҳин бўлиб қолиши Рим аристократларини дастлаб гангитиб қўйган эди. Афтидан улар қачонлардир Сулланинг «Бу тирранча кейинчалик бир неча Марийдан ҳам хавфли бўлади», - деган сўзларини эсладилар. Плутарх сўзларига қараганда, айрим обрўли кишилар машҳур «Катилина фитнаси»га бағишланган Сенат мажлисида Цезарни оқлаб чиққани учун Цицерондан хафа бўладилар. Плутарх таъбири билан айтганда, Цезарнинг худди денгиз юзасидек силлиқ кўринган феъли-ю, юриш-туришларида хушмуомалалик пардасига ўралган қатъий мақсад сари интилишини ахир биринчи бўлиб Цицерон сезган эди-ку! Сенат мажлисида эса фитначиларга кўпчилик ўлим жазосини беришни таклиф қилганида Цезар бу таклифга қарши чиққани учун ҳалок бўлишига бир баҳя қолган эди: Бир гуруҳ ёшлар уни ўлдирмоқчи бўлиб мажлисдан сўнг йўлни тўсиб чиқишганида Цицерон «тога» кийимининг кенг этагига Цезарни ўраб олиб кетган ва ўлимдан қутқазиб қолган эди. Яхшиямки, Цицерон ўшанда консул эди, акс ҳолда ўта муғамбир Цезар душманлари ўч олиш учун пайт пойлашиб юришган эди. Бир йил ўтгач, 62 йил охирида Цезар оиласида рўй берган ва

давлат миқёсида шов-шувга сабаб бўлган жанжалдан фойдаланиб ундан ўч олмоқчи ҳам бўлдилар. Лекин Цезар ўзининг чаққонлиги ва муғамбирлиги билан ўз обрўйига доғ қўндирмай, жанжални босди-босди қилади. (Бу ҳақда кейинроқ).

Шундай қилиб, Юлий Цезар бош қоҳин бўлиб олгач, кўп тўсиқлардан усталик билан ўтади ва бош мақсади бўлмиш ҳокимият сари интилишда яна давом этади. Унинг шахсий сифатлари - продалилиги, мақсад йўлида дўст орттириш қобилияти, рўй бериши мумкин бўлган воқеаларни олдиндан кўра билишга интилиш ва унга мослаша олиши, оддий халққа ва урушлар чоғида аскарларга бўлган муносабати, ўзини олийҳиммат қилиб кўрсата билиши-буларнинг барчаси ёшлигиданоқ ўз олдига қўйган ҳаётий мақсади-Римда биринчилар қаторига чиқиш йўлида усталик билан истифода қилинади.

Цезар ўз сиёсий мақсади йўлида ҳамкор-ҳамфикр топиб олса, ундай одамга яқинлашиб унинг хизматидан ҳам жамоатчиликка билингирмасдан усталик билан фойдаланишга уринарди. Унинг ана шундай ҳамфикрларидан бири, Сулла давридаги сиёсий тўполонларда бойиб олган ва жиноятларга қул урган Луций Сергий Катилина эди (э. ав. 108-62 йиллар).

У консулликка сайловларда бир неча марта зарбага учрагач, Рим республикасида давлат тўнтариши ўтказиш учун фитна-суиқасдлар уюштирган. Цезар уни зимдан қўллаб-қувватлаб юрса ҳам хатти-ҳаракатларида асло билингирмасди.<sup>1</sup> Катилина фитнаси фош бўлгач, ўша даврдаги машҳур Рим сиёсий арбоби Цицерон Сенатда сўзга чиқиб, унга ўлим жазоси сўрайди. Сўнгра Цезар сўзга чиқиб, муғамбирлик билан гўё «рахмдиллик» билдиради ва Цицерон таклифига ўта мулоимлик билан қарши чиқади. Цицерон яна қайта сўзга чиқиб, ватанга қарши уюштирилган Катилина фитнасини ўша йиллари Италия вилоятларида тарқалган вабога тенглаштиради ва ўз таклифига туриб олади. Оқибат-Катилина осиб ўлдирилади.<sup>2</sup> Мана шу баҳона билан Цезар улуғ инсон Цицеронни ўзига рақиб санаб, охир-оқибат уни турли баҳоналар билан Римдан бадарға қилдиришга муваффақ бўлади. Ваҳоланки Цицерон уни ҳимоя қилган эди.

<sup>1</sup> Н.А. Машкин. История древнего Рима, М., 1940, 320-бет.

<sup>2</sup> Цицерон. Сборник статей, М., Изд-во АН СССР, 1958, 117-бет.

Шу билан бирга Цезарнинг мақтанчоқлик, шухратпарастлик, келиб чиқиши билан фахрланиш, рақибларига зоҳирида кулиб туриб махфий ўч олиш, хушмуомалалик пардасига ўралган кибр-ҳаво ва мугамбирлик, гўзал йигитлик чоғидаги шахсий инсоний камчилиги, - бу каби Цезарга соя ташлайдиган феъллар бош қониликка сайланиб олгач, қозонган обрўйи.

Мана икки минг йилдирки, бутун олам Цезар номини тилдан туширмайди. Фақат бизнинг давримизда Оврўпода ва Русияда айрим тарихчиларгина унинг шухратига йўлдош бўлган салбий томонларини ҳам диққат билан кузатишга киришди. Шу билан бирга жаҳон цивилизациясига қайси бир жиҳатдан улкан таъсир кўрсатган ва хусусан Шарқда машҳур бўлган айрим буюк тарихий шахсларнинг эгаллаган умумжаҳон аҳамиятига ҳам жиддий эътибор берилш бошланди. Ўшандай буюк шахслардан бири - буюк саркарда ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобирдир.

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАДНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ ВА БОЛАЛИГИ

Биз Юлий Цезар ҳақидаги ёзувларимизда унинг насл-насаби ҳақида афсоналашиб кетган эртақнамо оғзаки нақллар сақланиб қолганини ва Цезарнинг маълум мақсадга мўлжалланган буйруғи билан китобийлашганини айтган эдик. Бобир насаби ҳақида эса бундай афсона йўқ, маълумотларнинг барчаси асли ҳақиқат ва китобийдир. Бинобарин, ҳужжат, эъма манбада ифода қилинган воқеа-ҳодиса асрлар, бундан буён минг йиллар ўтса ҳам асло бузилмайди ва афсоналашиб кетмайди, деб ўйлаймиз.

Бобир ота томонидан Соҳибқирон Амир Темур авлоди. Ҳурматли ўқувчиларга аниқроқ қилиб айтсак, у улуг Соҳибқироннинг бешинчи авлоди, яъни Амир Темур чеварасига невара бўлади. Шарқона қонда билан қуйидагича ёзилади: Бобир ибн Умаршайх Мирзо ибн Абу Саид Мирзо ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур. Ова томонидан ҳисобласак, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чингатоёга ўн иккинчи авлод бўлмиш Юнусхоннинг неварасидир.

Бобирнинг отаси Умаршайх Мирзо Абу Саид Мирзонинг тўртинчи ўғли эди (яъни Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо<sup>2</sup> ва Султон Маҳмуд Мирзоларнинг укаси). Демак, Бобир ота томонидан Соҳибқирон Амир Темур ўғли — Мироншоҳ Мирзо авлодидир. Мироншоҳ Мирзо эса Амир Темурнинг учинчи ўғли (яъни Умаршайх ва Жаҳонгир Мирзолардан кичиги), Шоҳруҳ Мирзонинг акаси эди.

Умаршайх Мирзо ҳижрий 860 (мил. 1455) йили Самарқандда туғилди. 7 яшарлигида уни суннатга ётқиздилар. Шу муносабат билан Самарқандда шоҳона тўй қилинди. Сўнг, ўша 1462 йили отаси Абу Саид Мирзо уни Фарғона мулкига подшоҳ тайинлаб, Худойберди Туғчи Темуртош деган ишончли кишисини унга бек атка<sup>4</sup> қилиб Фарғонага жўнатди.

<sup>1</sup> «Бобирнома»га қаранг, Ўзбекистон ФА нашриёти, Тошкент, 1960.

<sup>2</sup> Бошқа манбаларда Абу Бакр Мирзо.

<sup>3</sup> Абу Саид Мирзо кичик ўғлига яхши ният билан бобоси Амир Темурнинг иккинчи ўғли — Умар Шайх исмини қўйган эди.

<sup>4</sup> Бек атка — Ёш подшоларнинг гарбиячиси ва маслаҳатчиси. Алоҳида маънода «Бек» - давлат идорасидаги ҳарбий вазифага тайинланган шахсга бериладиган унвон. «Атка» эса - «Ота» ва «Ака» калъмасидан ташкил топиб, туркийда «булук қардош» маъносига ишлатилган. (Қаранг: Заҳрирдин Муҳаммад Бобир, Вакфий, Бобирноманинг туркчаси. 2-жилд, Анқара, 1989. 579 ва 590-бетлар.)

Мўғулистон ерлари Мовароуннаҳрга чегарадош бўлгани сабабли мўғуллар, хусусан Фаргона водийсига тез-тез ҳужум қилиб туришарди. Мовароуннаҳр ҳокими Абу Саид Мирзо минтақада тинчликни таъминлаш учун Мўғул хони Юнусхон билан қудачилик алоқалари ўрнатади. Юнусхон Мўғулистон тахтига ўлтиргач, шундай деган эди: «Султон Абу Саид Мирзо мўғуллар билан чигатойлар ўртасидаги ғанимликни дўстлик билан алмаштирди, энди мен бу дўстликни қардошлик иплари билан мустаҳкамлайман».<sup>1</sup> Шу мақсадда катта қизи Меҳр Нигорхонимни Абу Саиднинг катта ўғли, яъни Умаршайх Мирзонинг акаси Султон Аҳмад Мирзога никоҳ қилади. Кейинча - 1476 йили Меҳр Нигорхонимнинг синглиси - Қутлуг Нигорхонимни Фаргона ҳокими Умаршайх Мирзога беради. (Қачонлардир Абу Саиднинг ўзи ҳам Юнусхоннинг опасига уйланган эди.)

Бу қудачилик алоқалари Абу Саид ҳамда Юнусхоннинг дипломатияси ми ёки хонлар ўртасидаги анъанавий удумларми - биз бу ҳақда фикр юритмаймиз.<sup>2</sup> Гарчи ўртада абадий тинчлик таъминланмаган бўлса ҳам ҳар ҳолда яхши ният билан иш кўрилган эди.

---

<sup>1</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Тарихи Рашиди, пер. С пер. Ташкент, «Фан» 1996. 120-бет.

<sup>2</sup> Лекин Юнусхон ҳақида қуйидаги маълумотни бериш жоиздир: Юнусхон (1416-1487) мўғул хонлари ичида мусулмони комил, энг эътиқодли шахс бўлган. Онаси ҳам қипчоқ беклари авлодидан эди. Юнусхон 10-14 яшарлигида Самарқандда бўлган, Шохруҳ Мирзо уни машҳур олим Шарафиддин Али Яздийга ўқишга беради. Бир неча йил унинг қўлида ўқигач, тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, Юнусхон шунчалик билимдон бўлиб тарбияланганки, мўғул хонлари ичида кейинча ҳам унга тенг келадигани чиқмаган. Устози ўлгач, у кўп сафар қилиб, Шерозда узоқ туриб қолган ва турли ҳунарлар ўрганган, олимлар даврасида кўп бўлган. Шерозда уни «Уста Юнус» деб аташган. Абу Саид Мирзо Юнусхонни чақиртириб олиб, акаси Эсон Бугахон ўрнига Мўғулистон хони этиб тайинланишига ёрдамлашган ва Фаргона, Шош, Туркистон томонларга юриш қилмаслик ҳақида ундан сўз олган. Ўшанда Юнусхон Мўғулистоннинг энг ҳурматли бекларидан Сағричи тумани беги Шер Ҳожибекнинг қизи бўлиши Эсон Давлат Бегимга уйланган. Унинг эътиборли фарзандлари шу хотиндан эди. Абу Саид Мирзо Юнусхон билан кейинча «Қўш куда» бўлишига сабаб (иккита қизи унга келин бўлади-ку) биринчидан, сиёсий мулоҳазалар бўлса, иккинчидан (бу-нисси ҳам муҳим) унинг мўғуллар ичида илмга берилган энг ўқимишли киши бўлгандир. (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Тарихи Рашидий 108-109 бетлар). Юнусхон қabri Тошкентдаги Шайх Жованд Таҳур мазоридадир.

Бу қуда-андачилик муносабатларида биз учун муҳими Бобирга доир нуқтадир. Воқсаларнинг подшоликка, сиёсатга дахлдор томонлари эмас, балки одамийлик, инсонийлик томонлари эътиборга молик. Гап шундаки, Юнусхоннинг катта куёви, яъни Султон Аҳмад Мирзо Меҳр Нигорхонимдан ўғил фарзанд кўрмаётган эди. (Икки ўғил фарзанди чақалоқлигидаёқ ўлиб кетган, бешта қизи бор эди). Хонларнинг орзуси эса турмушда тахт ворисига эга бўлишдир. Бу ҳолатдан Юнусхоннинг хотини-Эсон Давлат Бегим ҳам қайноналарга хос ташвиш тортар эди. Шунинг учун ўртанча қизи Қутлуг Нигорхоним Абу Саиднинг тўртинчи ўғли Умаршайхга уза-тилгач, қайнона-қайнота ўғил невара орзусида бутун умидию, нигоҳини Фарғонага қаратадилар. Ҳатто қайнона Эсон Давлат бегим Умаршайх мулкининг пойтахти-Андижонга кўчиб келади. Абу Саид Мирзо дастлабига Фарғона мулки пойтахти этиб қадимий Аҳси шаҳрини танлаган эди. Сабаби-Аҳси қадимий пойтахт, дарё лабидаги хушдаво шаҳар, атрофи табиий жарликлар билан ҳам ўралган, шунинг учун, Бобир тили билан айтганда Аҳси «берк кўрғон» эди. Андижон, гарчи водий марказида жойлашган бўлса ҳам ўша даврда анча шикастланган эди.

Аммо шимол томондан Аҳси орқали Фарғонага тез-тез муғуллар ҳужуми ҳамон бўлиб турарди. Ўшандай ҳужумлардан бирида Аҳси қўлдан кетиб, оқибат пойтахт яна Андижонга кўчирилган-чунки Чигатой мулки хонларидан Хайду ва Дува хонлар илгари ҳам Фарғона мулкининг пойтахти қилиб Андижонни танлаган эдилар (XIV аср 2-ярми). Андижон муҳим стратегик шаҳар ва Хитой (Қошғар)дан келадиган карвон йўлидаги муҳим савдо маркази сифатида ривожланаётган эди. Тарихчи Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ёзишича, шаҳарга «Қуббатул-ислом» деб шарафли ном берилган.<sup>1</sup> (Дува хон шаҳарда ўз номига катта масжид-мадраса қурдирган эди. У 1902 йилги зилзилада вайрон бўлган).

Андижоннинг бундан кейинги юксалиши улуғ Соҳибқирон Амир Темур даврига тўғри келади. У 1377 йили Фарғона мулки-

<sup>1</sup>Ҳ. Қазвиний, «Нузхат-ул-қулуб», Беруний номли шарқшунослик институти, литография, Бумбай, 1983, инв.№3268, 334-бет.

ни мўғуллар ҳокими Қамариддиндан озод қилиб, уни Ўзган билан бирга ўғли Умаршайхга беради. Умаршайх вафотидан сўнг (1379) Андижон ҳокимлиги ўғиллари Амирзода Искандар ва Мирак Аҳмадга қолади.

Абдураззоқ Самарқандий ўзининг машҳур «Мағлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ёзишича, Андижон яна мустақкамланган-қайтадан обод бўлган.

Тўғри, Аҳсининг қўлдан кетиши вақтинча эди. Юнусхон мўғул хони бўлгач, Аҳсини Умаршайх Мирзога қайтариб берган. Ҳарбий сиёсий воқеалар тигиз бўлгани сабаб ушбу шаҳарнинг қўлдан кетган ва қайтариб берилган йилини ҳам аниқлаш қийин. Бизнинг ҳисобимизча, Аҳси нари борса 5-6 йил пойтахт бўлган холос. Гарчи Аҳси Умаршайх Мирзога қайтариб берилган бўлса ҳам Андижон Фарғона мулкининг пойтахти бўлиб қолаверди. Аҳси дарё бўйида жойлашгани сабаб подшоҳнинг ёзги қароргоҳи (резиденция) бўлиб қолади.

Куёви Умаршайх шаҳар шимолидаги «Қўш тегирмон» мавзеида қайнонасига каттагина чорбоғ қуриб беради. Эсон Давлат Бегим 2 миңгта мўғул навкарлари билан ўғил невара умидида Андижонда яшайди. Навкарлари эса ўз оилалари билан «Икки сув ораси» деб аталмиш кенг ўтлоқ мавзеда туради.<sup>1</sup>

Бу ерлар ҳозир Наманган вилоятининг Норин туманига тобе ерлар бўлиб, бизнинг кунларда ҳам «Катта мўғул» ва «Кичик мўғул» номида қишлоқлар бор. Бу қишлоқларга уюштирган махсус сафаримиз чоғида (1990) кўп одамлар билан суҳбатлашдик. Қариялар ўз хотираларида катта оталарининг номларини ўша кўчиб келган мўғул уруглари билан боғлайдилар.

Умаршайх Мирзонинг қайнотаси Юнусхон Фарғона мулкининг пойтахти-Андижонга-Эсон Давлат Бегим чорбоғига тез-тез келиб, куёвига меҳмон бўлар, деярли ҳар йили қишни Андижонда ўтказарди. Қизи Қутлуғ Нигорхоним ҳам бўлгуси Бобирга бўлган ҳомиладорлик ойларини шаҳар аркида эмас, балки онасининг ўша чорбоғида ўтказди.

<sup>1</sup> «Икки сув ораси» - Ўрта аср манбаларида «Миёврудон» номида ҳам келади. Бу мавзе Норин ва Қора дарёларнинг ўртаси бўлиб, Шарқда - Уч Қўрғон, Фарба Мингбулоқча, яъни дарёлар қўшилган жойгача масофани ўз ичига олади.

Ниҳоят, қайнота Юнусхоннинг, қайнона Эсон Давлат Бегимнинг, куёв-қайлиқ Умаршайх Мирзо ва Қутлуғ Нигорхонимларнинг Оллоҳдан кутган онлари ҳам келди, орзу-умидлари рўёбга чиқди: ҳижрий 888 йил муҳаррам ойининг олтинчи кунда (мил. 1483 йил 14 февраль) тонг саҳарда чорбоғда йиғлаётган чақалоқ овози эшитилди-Қутлуғ Нигорхоним кўз ёрди - ўғил фарзанд кўрди. Катта ота Абу Саид Мирзо 14 йил илгари (1469) ўлиб кетган. Шунинг учун бу қутлуғ хушxabарни она томонидан катта ота Юнусхонга дарҳол етказиш керак. Эрта саҳар Андижондан хонга чопар кетди. Юнусхон-катта ота учун бу чақалоқ унинг узатган уч қизидан кўрган биринчи ўғил невара эди. (Иккинчи ўғил невара олти йил ўтгач туғилади. Бу кичик қизи Хўб Нигорхонимнинг ўғли Ҳайдар Мирзо эди.) Ўз даврининг олимларидан бири бу ҳақда газал ёзиб Бобир таваллуди йилини «Шоши муҳаррам» калимасига яширади. (Ҳарфларнинг йиғиндиси абжад ҳисобида ҳижрий 888 чиқади.) Бир вақтнинг ўзида севинчли хабар билан Самарқандга ҳам чопар кетади ва «Ҳазрати Эшон», яъни хонлар пири, устози Хожа Убайдулло Аҳрордан исм қўйиб беришни сўрайдилар. Хожа Аҳрор Валий (ушанда 79 ёшда эдилар) Мовароуннаҳр подшоси, ҳазратнинг собиқ валий неъматли бўлмиш марҳум Абу Саид Мирзонинг ўғли Умаршайхга, Оллоҳ ниҳоят, ўғил зурёд ато қилганидан гоҳда хурсанд бўлиб, болага Заҳириддин Муҳаммад деб ном қўйиб беради. Барча шаҳарлардан Умаршайх Мирзога содиқ бўлган сардорлар-у, шаҳар ҳокимлари уни янги фарзанд билан табриклашга ошиқардилар.

Қалби қувончга тўлган Умаршайх Мирзо олийҳимматлик билан меҳмонларни қабул қилар ва фарзанди Заҳириддин Муҳаммадга уларнинг яхши ниятлар билдиришларича Яратгандан тиларди. Тахт меросхўри-ўғил фарзанднинг дунёга келгани сабаб юраги қувончдан тўлиб-тошарди. Бобирнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним, ҳозирча нимжонлиги сабаб, тез-тез дам олиб бўлса ҳам, эртадан кечгача аёл меҳмонларни қабул қилар ва кузатар эди.

<sup>1</sup> Тарихи Рашидий, 212-бет. Ном қўйиб бериш учун қариб қолган Хожа Аҳрор Андижонга махсус келмаган ва номни ёзиб юборган. Марҳум Абу Саид Мирзо билан доимо дўстона муносабатда бўлгани сабабдан Фарғона тахтининг келажакдаги вориси бўлмиш бу чақалоққа унинг ажойиб инсон бўлиб етишувига валийларга хос ишонч билдириб ушбу, гузал номни қўйиб ёзиб юборган. Заҳириддин-арабча «заҳир» - сўзидан олинган бўлиб «диннинг ҳамкори, унинг ривожига кўмак берувчи» маъносини билдиради. Айтишларича, Хожа Аҳрор Валий хушxabарни эшитгач, чақалоқ тушида аёл бўлган ва унинг қулоғига номини қўшиб ғойибдан азон ҳам айтган.

Қутлуғ Ниягорхонимнинг онаси Эсон Давлат Бегим учун Андижон шимолида қурилган чорбоғ, унинг Тошкентдаги қизлик даври ўтган ота қасрига нисбатан кичикроқ бўлса ҳам, аммо дид билан қурилган қасрдир. Бу чорбоғдан кечгача меҳмон узилмасди.

Бу орада хушхабар Мўғулистонга - катта ота Юнусхонга ҳам етиб бориб, катта ота дарҳол сафар таралдудини кўради. Тахминан уч ой ўтгач (1483 йил баҳор ойларида) Юнусхон ҳам туглар кўтарган кўриқчилари олдида от ўйнатиб карнай-сурнайлару, янги набирасига аталган суюнчи-туҳфалар билан Андижонга - Эсон Давлат Бегим чорбоғига кириб келади. Катта она ўғил набирага жонини беришга тайёр эди. Гарчи у уйнинг тўрисида пар ёстиқларга суюнган ҳолда меҳмонларни «хуш кўрдик» деб қабул қилиб ва «хайр-хуш» деб кузатиб ўтирса ҳам кечгача толиқиб чарчар эди.

Мироо Ҳайдар ўзининг мўътабар асарида чақалоқ исмига қандай қилиб «Бобир» номи кўшилиб қолгани сабабига ҳам тўхталиб ўтади. Жуда ҳам қисқа сатрда баён қилинган сабаб куйидагича:

Биринчидан, мўғуллар, (гарчи аллақачон ислом динига ўтган бўлсалар ҳам) «сахройилар» - яъни кўчманчи халқ бўлгани учун тиллари кўпол, китобий-исломий номлар талаффузига қийналишар эди. Шу сабаб «Заҳриддин Муҳаммад» исми уларга авча ёт эшитилган ва талаффуз қилиш уларга қийин бўлган.

Иккинчидан, уч ойлик чақалоқ шунчалик сергак, кўзлари порпираб ёниб турар эдики, бобоси ва у билан бирга Мўғулистондан келган меҳмонлар ҳам ниҳоятда завқланишган. Хурсандчиликдан Юнусхон Заҳриддинни «Бабр»-«кичкина йўлбарс» деб эркататган. Шу сабаб «Заҳриддин Муҳаммад Бобир» деб

<sup>1</sup> Бобир — арабча «бабр» - йўлбарс дегани. Араб тилининг изоҳли луғатида (Ал-Мувжид, Байрут, 26-нашри) Бабр, Бабир - ҳорни оқ, усти қора йўл-йўл чилор йўлбарс деб берилган. Йиллар ўтиши билан бизда «Бобир» деб талаффуз қилинадиган бўлди. Афтидан, бу - «Собир», «Носир» номларига мослашиб кетган. Лекин тилшунос олим, филология фаълари доктори Ф. Исҳоқов Бобирнинг муаммо шаклидаги бир шеърига асосланиб «Бобир» аталишининг тўғрилигини исботлаб беради. (қаранг: Ф. Исҳоқов, «Бобур»ми ё «Бобир»? Шоир таваллудининг 500 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. Андижон, 1993, 21-бет). Бобирнинг 500 йиллик юбилейгача унинг номи «Бобир» шаклида тўғри ёзилиб келинарди. Аммо юбилей арафасида эълон қилинган бир мақола тазйиқи билан форс-тожик тилидаги каби «Бобур» шаклида ёзиладиган бўлиб қолди. Бунинг хато экани исбот қилинган. (Қаранг: Сайфилдин ҳожи Жалилов. Бобирнинг Фарғона давлати, Тошкент, «Фан», 1995, 10-13-бетлар. Бунда тилшунос олим Ф. Исҳоқов далиллари ҳам ҳисобга олинган).

аталган. Отаси Умаршайх Мирзо ўлгандан кейин Фарғона подпосиянинг тахт вориси бўлгач, мана шу «Заҳририддин Муҳаммад Бобир» исмига хутба ўқилган.

Афсуслар бўлсинким, Бобирнинг гўдаклик чоғлари, болалик даври ҳақида мавжуд ёзма манбаларда бирон маълумот келтирилмайди. Нафсиларинин айтганда, шу вақтларгача Бобир ҳақида қилинган тадқиқотларда ҳозир бизни қизиқтираётган бу масала эътиборга унча лойиқ ҳам эмасдек эди. Унинг қиёсий ҳаётномаси учун масаланинг зарурлиги, мана, энди билинмоқда. Бобирнинг ўзи ҳам болалиги, тарбияси, тарбиячилари ҳақида бирон нима демайди ва «Бобирномада» гапни бир йўла 12 ёшдан подшо бўлганидан бошлайди.

Темур ва Темурийлар давридан мутахассис олим Турғун Файзиевнинг кўрсатишича, Фарғона мулкисининг пойтахти Андижон Самарқанд каби равнақ топмаган бўлса ҳам, аммо Умаршайх Мирзо кейинча акаси Султон Аҳмад Мирзога ҳавас ва тақлид қилиб кўплаб адиб-у, шоирлар, олимларни Андижонга тақлиф қилган ва уларга ғамхўрлик кўрсатган. Шу туфайли бўлса керак, ўзи ҳам яхшигина саводли ва мустаҳкам эътиқодли бўлиб етишган. «Бобирнома»да берилган таърифга қараб хулоса қилиш мумкинки, Умаршайх Мирзо эътиқодда ҳанафий мазҳабида бўлиб, ўз даврида Эшон номи билан шуҳрат топган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни пир қилиб, унга қўл берган. Хожа Аҳрор ҳам уни «ўғлим» деб атаган, афтидан, ҳазрат Эшон Андижонга бир неча бор келиб, у билан суҳбатлар қурган.

Бобирнинг ёзишича, Умаршайх Мирзо саводли ва эътиқодли бўлиш билан бирга Қуръон тиловатига ҳам берилган эди. «Хамсатайн» (Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»си)ни, Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»сини, шунингдек, тарих ва маснавий китобларни мутолаа қиларди. Унда таъби назм ҳам бўлган.

Умаршайх Мирзо шижоатли ва адолатли, шу билан бирга ҳалол, одил ва олийҳиммат шахс бўлган. Унинг шижоат ва адолатлигидан бир мисол шуки, 1474-75-йиллар бўлса керак, кўчман-

---

<sup>1</sup> Абу Саид Мирзо дастлаб Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги қадимий Аҳсини пойтахт қилиб белгиллаган эди. Лекин 4-5 йил ўтгач Аҳсини мўғуллар эгаллаб, пойтахт Андижонга кўчирилган, Аҳси қайта қўлга олингач эса ёнги қароргоҳ бўлиб қолган.

чи ўзбеклар бир сафар авжи қиш фаслида Самарқанднинг атроф қишлоқларини талаб ва одамларни асир олиб Туркистон томон қайтаётганларида Умаршайх Мирзо уларнинг кетидан қувиб борган. Арис дарёсини қоплаган қалин муз устидан ўтиб шиддат билан уларга қақшатғич зарба берган ва барча асирлар-у, талланган молларни самарқандликларга келтириб берган, ўзи эса ҳеч нима олмаган. Буни Умаршайх Мирзонинг Самарқанд вилояти аҳлига кўрсатган ҳолисона одамийлиги, тинчлик вақтларда эса ўз акаси Султон Аҳмад Мирзога бўлган укалик меҳри ҳам дейиш мумкин.

Унинг ҳалол ва одил шахс эканлигига яна бир мисол шуки, Хитойдан келатган савдо карвони Андижон шарқидаги (Фарғона тизмаси) тоғ ёнбағрида қор кўчкисига дуч келиб, 1000 кишидан фақат икки киши тирик қолган ҳолос. Бу ҳақда Андижонга хабар келгач, Умаршайх Мирзо дарҳол махсус одамлар юбориб карвон молларини ўғрига олдирмай ва талатмасдан қўриқлатган. Гарчи эҳтиёжи бўлса ҳам бирор нарсасига тегмасдан Хуросон-у, Самарқандгача одам юбориб, икки йил давомида барча молларнинг эгаларини излатиб топиб, молларини қайтариб берган.

Шу билан бирга Фарғона мулкининг ҳокими бўлмиш Умаршайх Мирзонинг бир қатор салбий феъл-атворлари ҳам бўлганки, Бобир уларни ҳам рўй-рост қаламга олиб ўтади. (Чунончи унинг ичкиликка берилгани, нард ўйнаши, мулкгирлик (урушқоқлик) одати ва ҳ.к) Умаршайх Мирзо жисмонан жуда бақувват, семиз ва ўрта бўйли, оқ юзли киши бўлган. Девонда ҳукумат ишлари вақтида салла ўраб, девондан ташқарида эса кўпинча мўғулча бўрк кийиб юарди. Бобирнинг отаси ана шундай сифатларга эга бўлган ажойиб бир шахс эди.

Ақлга ишораки, Бобир Фарғона мулкининг ҳукмдори бўлмиш Умаршайх Мирзонинг биринчи кўрган тўнгич ўғли бўлгани учун, юқорида ҳам айтилганидек, унинг ҳар тарафлама ардоқда бўлиши табиий эди. Шунинг учун Бобир тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилган. Юқорида таърифланганидек, чақалоқлигидаёқ сергак ва кўзлари чақнаб турган гўдакнинг тарбияси билан ота-онаси ва катта бувисидан ташқари, махсус тайинланган шахслар ҳам шуғулланган бўлади. Аниқки, Бо-

бирнинг гўдаклик ва болалик даври катта онаси Эсон Давлат Бегимнинг чорбоғида, унинг кўз ўнгида ўтган.<sup>1</sup> Буни Бобирнинг қуйидаги гапларидан ҳам билса бўлади: «Бу воқеа (яъни отасининг ўлими - С.Ж.) даст берганда мен Андижонда чақорбоғда эдим... Изтироб била отланиб, қошимдаги навқар ва савдар (хизматкор-С.Ж.) била қўрғон азимати қилдим.<sup>2</sup> Бундан маълум бўладики, ёш бола, - бўлғуси подшо-Бобирнинг чорбоғда ўз хизматкорлари ва навқарлари ҳам бўлган. Демак, улар, биринчи навбатда навқарлар, шунингдек махсус хизматчилар шаҳзода Заҳриддиннинг маълум мақсадга йўналтирилган махсус тарбияси билан ҳам шуғулланганлар. Аввало унинг жисмоний тарбиясига эътибор берилган. Юқориди таъкидлаб ўтилганидек, отаси жисмоний жиҳатдан ҳам кучли эди. Унинг муштига анча-мунча йигит чидаш беролмасди. Бобир ҳам отасидек паҳлавон йигит бўлиб етишган. Буни шундан ҳам билса бўладики, Гулбадан Бегим ўзининг «Ҳумоюннома» асарига Бобир Агра шаҳри қалъа девори устида иккита йигитни қўлтиқлаб кўтарган ҳолда югуриб машқ қилгани ҳақида ёзади.<sup>3</sup> Бобир ўз отаси қиёфасини ва ҳаёт тарзини холисона ва самимий таърифлар экан, унинг подшоҳ бўлишидан қатъи назар, салбий томонларини ҳам рўй-рост қаламга олиши Бобирнинг болалик чоғидаги баъзи феълларига чизгилар қилиш имконини беради.

Америкалик ёзувчи Харольд Лэмб ўзининг «Бобир - шер» китобида ёзишича, Умаршайх инсонпарвар киши бўлиб, Бобирнинг бахти ва келажаги ҳақида яхши тилаклар билдирган ҳамма кишилар билан хурсандчилик кайфиятида суҳбатларди.

Шу нарса аёнки, Умаршайх Мирзо ўғлининг таълим ва тарбиясига катта аҳамият бериб, ўз замонасининг талаби билан парвариш қилдирган. Катта олим ва шоир Мақсуд Шайхзода 1940 йилда холислик билан ёзган мақоласида кўрсатишича, Бобир бо-

---

<sup>1</sup> Андижонда XVIII ва XX аср бошларида бўлиб ўтган зилзилалар натижасида ушбу чорбоғдаги бинолар ҳам вайрон бўлиб кетган. «Қўштегирмон» мавзосидаги чорбоғ шаҳар шимолидаги «Қўшарик» даҳасига тўғри келади.

<sup>2</sup> Бобирнома, 72-бет.

<sup>3</sup> Бобир ҳақидаги кўп серияли телефильмда унинг жисмоний жиҳатдан полвонлиги акс этилмаган - буни холисона кўрсатиб ўтмоқ лозим.

<sup>4</sup> Х. Лэмб. «Бобир - шер», Нью-Йорк, 1961. Неъматуллоҳ Отажон таржимаси (Қаранг: Н. Отажон, «Бобирнома» жаҳон кезади, Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984, 54-бет).

лаллик вақтида ҳарбий ишга қизиқиб бу соҳада катта маҳоратлар кўрсатар ва замондошларини лол қолдирар эди. (Заҳриддин Бобир, «Гулистон» журнали, 1940, 1, 28-бет). Шу билан бирга у араб ва форс тилларини, тарих ва адабиётни яхши ўқийди.

У зоҳирий шод-хурсандчиликларга эътибор бермаган ҳолда-смоқ-ичмоқда инжиқ ва талабчан бўлмай ўсди. Кундалик ҳаётда нима ёмон-у, нима яхши эканига гўдаклик назари билан ўзича разм солиб юрди. Кейинчалик турмушда дўстлар орасида ўзини оддий тутиши ҳам шуни исбот қилади. У шуҳратпарастлик ва иззатталабликка ҳам ўрганмади. «Бобирнома»да ҳам бунга кўп мисоллар бор. Ёшлигиданоқ у ёлғон гапирмасликка, эркин одам бўлишга ўранди, одамларга нисбатан ғамхўр ва вафодор бўлиш руҳида тарбияланди. Бобир сабоқ олиш бошланган йилларидан отасининг унга нисбатан жонкуярлиги маъносига тушуниб ета бошлади (ахир у тахт меросхўри-да).

Болалик тарбиясидан бошлаб у давлат ишини бошқаришга ўргатилди, шу сабаб унинг ақлий фаолияти ҳам яхши ривожланди, ўзгалардан зийракроқ ва ҳушёрроқ бўлиб тарбияланди.

Тенгдошларига қараганда жисмонан анча кучли бўлгани сабаб ўртоқлари билан курашга тушишни яхши кўрган. Буни шундан ҳам билса бўладикки, кейинги йиллари Бобир курашчи полвонлар мусобақасини тез-тез ўтказиб турарди. Муштлашишга эса асло ўрганмаган. Бобир болалигидаёқ баҳодирона руҳи, абжирлиги ва нозик диди билан бошқалардан ажралиб турган. У кейинча, подшоҳлик йиллари ҳам бойликка, давлатмандликка ортиқча эътибор бермаганидан хулоса қилиш мумкинки, у болалигиданоқ бойликдан, эсб-зийнатдан завқ олиш, роҳатланиш ҳиссиётига берилмаган, уларга нописандлик, бепарволик назари билан қарашга одатланган. Мана шу феълини унинг бутун умри давомида кузатиш мумкин.

Юқорида айтилганидек, Бобир ягона ўғил фарзанд бўлгани сабабли шаҳзода сифатида келажакда подшоҳлик курсида ўлтириш орзуси унинг болалик ҳиссиётида ҳукмрон бўлгани аниқ. Аммо бундай орзу отини қамчилаш ҳам Бобирга ёт феъл эди. Кейинча укалари Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзолар туғилганда ҳам ҳокимият масаласида ғаразғўйлик унда бўлмаган. Ўша олий мақсадларни кўзлаб уни от чопишга, қиличбозликка ва бошқа турли ҳарбий машқларга ўргатишган. Ўша даврда

расм бўлган човган ўйинига ҳам Бобир ўз тенгдошлари қатори ўрганган ва бунда ҳам моҳирлик кўрсатган.

1487 йили, яъни Бобир Мирзо тўрт яшар эканида катта ота Юнусхон вафот қилди (У фалаж бўлиб узоқ ётиб қолган эди). Бобо васиятига биноан бўлса керак, 1488 йили эндигина беш ёшга тўлган Бобирни Самарқандга олиб боришиб, амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг қизларидан Ойша Султон Бегимни ўша давр удумига кўра «қулоқ тишлатти» қилишган ва бу маросимга атаб шоҳона тантана уюштирилган. (Кейинча Бобир унга уйланган).

Бобир Самарқандга борган чоғида улуг бобоси Соҳибқирон Амир Темурдан қолган ҳашаматли оромгоҳлар, боғларни, ғаройиб қасрларни, феруза рангдаги гумбазли мақбараларни ва ганчкорлик санъатидан ярқираб турган миноралар гўзаллигини, товушлардан акс-садо берадиган масжиду-мадрасалар маҳобатини гўдаклик шуурига сингдириб идрок эта олган.

Бобир ҳаёти ва ижодий фаолиятини синчиклаб ўрганиш шундай хулосага олиб келадикки, унинг саводи ҳам жуда эрта чиққан. Х. Лэмбнинг ёзишича, Бобир олти ёшга тўлганидан бошлаб уни «ичкаридан», яъни аёллар хонасидан эркаклар хонасига - отаси томонига ўтказишиб, улар тарбиясига берилди. Уни жиддий ўқитиш бошланди. Ана шу ёшдан бошлаб у отасига эргашадиган, Умаршайх билан тез-тез отда сайр қиладиган бўлди. Айниқса баҳор кезлари қир-адирлар оша от чоптириб юрган вақтларида унда ота юрти - Фарғона водийси ва киндик қони тўкилган Андижонига нисбатан муҳаббат ҳис-туйғулари уйғона бошлади.

Бобирнинг саводини чиқаришда ва ўқитишда Умаршайх Мирзо саройидаги маълум ва машҳур кишилар муаллимлик қилгани аниқ.

Бобир болалигиданоқ оқилона таълимий гапларни мўминлик билан тинглаш одатига ўрганди. Бунда отасидан кейин шубҳасиз, бувиси Эсон Давлат Бегим ва онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг хизматлари беқиссир. Қутлуғ Нигорхоним саводли аёл эди. Унинг тарбиясида буюриш билан эмас, ишонтариш йўли билан иш кўрдилар. Бобир одоб-ахлоқ ва давлат ҳақидаги таълимотларни ўзлаштиришдан ташқари, машҳур «Қобуснома» ва Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон»идаги фалсафий таълимдан ҳам дарс олган. Бу асарлардан ёд билиши умр бўйи унга фойда кел-

тирди ва ҳаётининг ташвишли кунлари - тоғларда кезиб юрганни-да Саъдий таълимотларидан тошларга ўйдириб ёздириб қўйиши шундан далолат беради.

«Бобирнома»да Навоий газалиётига берган баҳоси унинг шерьиятга жуда эрта қизиққанидан гувоҳлик беради. Шубҳасиз, отаси Умаршайх Мирзонинг кўп фазилатларини Бобир ёшлигида-ноқ ўзига юқтирган ва унга эътиқод билан итоат қилган. Юқорида айтилганидек, отанинг ибодатли ва сахий, саводхон ва билангон, олийҳиммат ва мардонавор инсонлиги албатта, Бобир тарбиясида ўз аксини топган. Унинг пир устозлари мусулмонлик қондаларини ҳам кунт билан ўргатишган.

Болалигиданоқ ниш берган табиий истеъдод уни кўп нарсаларни зеҳн билан ўрганиб яхши фазилатли инсон бўлиб етишишига ҳал қилувчи тағ замин бўлган. Бобирдаги хушхулқлик ва саховат, табиатан хушчақчақлик, дўстона базмларни эъозлаши ва ёқтириши, кундалик ҳаётда бетакаллуфлиги ва шу билан бирга олий ҳимматлик ва орзу-ҳаваслилик каби яхши хислатлари, шубҳасиз, ота наслидан ва Умаршайхдан юққан. Кейинча ўз шахсий истеъдоди билан бундай гўзал фазилатларни бутун ҳаётини фаолиятида кенг томир оттирган ва бу жабҳада ҳам ўчмас ном қолдирган. Инглиз тадқиқотчиси В. Эрскин тили билан айтганда Осиё тарихини кўздан кечирсак, ҳақиқатан ҳам бирон-бир шаҳзода Бобирдек ҳар томонлама улуғ бўлиб етишмаган. Инсоният фаолиятининг барча соҳасида «Осиёлик шаҳзодаларнинг ҳеч қайсиси унга тенг келолмайди ва унинг ёнига қўйиш учун лойиғини топа олмаймиз» деб ёзади инглиз олими.

Бобирнинг укалари ҳамда опа-сингиллари ҳақида «Бобирнома»да берилган маълумотлар синчковлик билан ўрганилиб, тартибга солинса равшанланадики, Заҳририддин Муҳаммаднинг бир онадан туғилган бир опаси ва она бошқа еттига опа-укалари бўлган.

Бир туғишган опаси Хонзода Бегим ҳам Андижонда, катта Эсон Давлат Бегим чорбоғида 1478 йили дунёга келган. Бобир туғилганда у беш ёшда эди. Кейинги йиллардаги уларнинг бир-бирига бўлган меҳрибонлиги ва бир-бирларига кўрсатган иззат-ҳурматларидан хулоса қилиш мумкинки, Хонзода Бегим, гарчи

---

<sup>1</sup> Бу ёзувларни тожик олими А. Мухторов излаб топган ва ўрганган. (Бу ҳақда кейинроқ).

Бобир туғилганда беш яшар қизалоқ бўлса ҳам, укаси Заҳриддинни чақалоқлигиданоқ жуда ҳам ардоқлаган ва болалик муҳаббати билан севиб-эркалатиб, уни боқиш ва тарбиялашда онасига қўмаклашган.

Бобирнинг ўғил укаларидан Жаҳонгир Мирзо ўзидан икки ёш кичик - 1485 йили туғилди. Унинг онаси мўғул аёлларидан бўлиб исми Фотима Султон эди. 1487 йили яна бир ўғил ука - Носир Мирзо туғилди, унинг онаси Умаршайх Мирзонинг андижонлик Умида исмли канизаги эди.

Булардан ташқари Бобирнинг она бошқа тўртта эгачиси ҳам бор. Энг каттаси - Меҳрбону Бегим Бобирдан икки ёш катта, онаси Хонзода Бегимдан уч ёш кичик бўлиб, укаси Носир Мирзо билан бир туғишган эдилар (яъни, Умида бонунинг қизи). Яна бири - Шаҳрбону Бегим ҳам Умиданинг қизи, Бобирдан саккиз ёш, Носир Мирзодан эса тўрт ёш кичик.

Кейинги эгачи: Руқия Султон Бегим (онаси Масъума Султон Бегим, яна бир исми Қорақўз Бегим) ва Ёдгор Султон Бегим (онаси Оға Султон исмли канизак) Умаршайх Мирзо вафотидан кейин, яъни 1494 йилнинг иккинчи ярмида дунёга келдилар.

Шундай қилиб Заҳриддин Муҳаммад Бобир Умаршайх Мирзонинг 8 фарзандидан (уч ўғил ва беш қиз) энг катта ўғил бўлиб, Фарғона мулкининг қонуний меросхўри эди. Умаршайх Мирзо ҳалокати юз берганда уларнинг барчаси Андижонда эдилар. Бироқ отасининг бевақт ўлими бутун аркони давлат-у, улар хонадонига, ёшу қари-барча қариндош-уруғларига бесаранжомлик, парокандалик келтирди. Отасининг ўлими ҳақидаги хабарни Бобир далада-ўз тенгдошлари билан ўйнаётган вақтда эшитади. Отасининг беклари унинг олдига боришиб таъзим қилишади ва энди у ҳукмдор эканини билдирадилар. Ақлли бола бир оз жиддийлашиб отга минади ва шаҳарга - аркка келади. Шу кундан эътиборан у подшо эканини ҳис қилади.

## БОБИР - ФАРҒОНА ТАХТИНИНГ ВОРИСИ. УЙҚУСИЗ ТУНЛАР

Шундай қилиб, Заҳрирдин Муҳаммад Бобир катта бувиси Эсон Давлат Бегим чорбоғида ўқиб, ўйнаб, навкарлари билан маълум режага биноан турли машқлар қилиб, чопиб-югуриб, гоҳида чавандозлик машқлари ўтказиб юрган дамлар эди. Болалик ҳаётининг энг ташвишсиз ва оромбахш йиллари - эндигина ўн бир ёшдан ўтиб, 12 ёшга қадам отган эди. Ҳеч кутилмаганда нохуш воқеа рўй беради. Отаси Умаршайх Мирзо аксари ёз ойлари Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги ёзги қароргоҳи - қадимий Аҳси қалъасида ўтказарди.

1494 йилнинг июн, ҳижрийда эса 899 йил рамазон ойи эди. Умаршайх Мирзо мулки тинч эмас эди. Унинг бадфёъл, уруш-қоқлигидан ўз акаси, Самарқанд ҳоқими Султон Аҳмад Мирзо ва Мўғулистон хони - ўз қайноғаси Султон Маҳмудлар Умаршайхдан гина қилишиб, бамаслаҳат Фарғона мулкига ҳужум бошлашади. Хўш, бундай танг ҳолда Умаршайх Мирзо нима қилиши керак эди? Табиийки, ўз қўшинларини тўшлаб, Фарғона мулкининг ҳимоясига отланиши лозим эди. Йўқ, у бундай қилмади. Қариндошларининг хуружини шунчаки гина сабаб бўлган дўқ-пўписа деб билдими ёки рўза оғиз бўлгани учунгина эринчақлиги тутиб қолганиданми, ҳар ҳолда оромини бузмади. Фаним йўлини тўсиб чиқиш учун қўшинга ўзи бошчилик қилмасдан, бу муҳим ҳарбий ишни амирларидан Ҳасан Яъқуб ва Қосим Қовчинга топширди, ўзи эса ёзги қароргоҳи - Аҳсида қолиб каптархонасида ёш боладай, каптарлар билан машғул бўлди. Умаршайхнинг бу қилиғи, очикъ айтиш керак, эл-юрт, улус тақдирига бўлган лоқайдлик аломати эди. Бу лоқайдлик оқибатда Фарғона мулки халқига ҳам, ҳали гўдак, бизнинг ҳисобимизда эндигина 5-6-синф ўқувчиси ёшидаги Бобир бошига ҳам кутилмаганда ажаб савдолар, не-не кул-фатлар ёғилишига сабаб бўлди.

Ўша куни Умаршайх Мирзо каптар учирлиш учун Сирдарёнинг шундоққина жар ёқасида қурилган каптархона томига чиққанида фалокат юз берди. Ёз ойлари-дарёда сув тошқини бошланган. Сув кўпириб оқмоқда. Умаршайх томда эканида бирдан жар ўпирилиб каптархона дарёга қулаб тушади. Бу ҳақда Бобир шундай деб ёза-

ди: «... Умаршайх Мирзо жардин кабутар ва кабутархона била учуб, шунқор бўлди». (Бу ерда Умаршайх руҳи шунқордек осмонга - Оллоҳ олдига учиб кетди - деган маъно бор.) Шу тарзда ота ҳеч қутилмаганда, тасодифан ҳалок бўлди.<sup>1</sup> Бобирнинг ёзишича, бу мудҳиш воқеа рамазон ойининг тўртинчиси - душанба кунда (яъни 1494 йил 7-июн кун) содир бўлди. Бобир эса пойтахт Андижонда - катта бувисининг чорбоғида дунё ташвишларидан холи, ўртоқлари билан болалик гашгини сурмоқда эди. Ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган мусибат, маълум муддатга ақл ҳам ишламай қолди. Нима қилиш керак, таҳлика билан сониялар ўтмоқда эди.

Ниҳоят чопқир отлардан танлаб, чопар ёлладилар ва бу шум хабарни Андижонга, яъни аркони давлатга ва катта онага етказиш учун уни Эсон Давлат Бегим чорбоғига жўнатилди. «Бобирнома»да ёзилишича, Аҳси билан Андижоннинг оралиқ масофаси ўша давр ўлчовида 9 ёғочга тенг. Бир ёғочни бизнинг ҳисобимизда гоҳ 6, гоҳ 12 км. деб ҳисоблашади. Қанча бўлганда ҳам ҳозирги кунда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани, Шаҳанд қишлоқ жамоасига қарашли Аҳси вайроналари билан Андижон ўртаси 70 км дан кам эмас.

Душанба кун тахминан пешиндан кейин юборилган чопар туни билан йўл юриб, дам олмасдан сешанба кун эрталаб Андижонга - чорбоққа етиб келди. Ҳеч қутилмаган бу шум хабардан ҳамма ҳайратда. Қайнона Эсон Давлат Бегимнинг қизи - Бобирнинг онаси Қутлуғ Нигор хонимнинг ўша соатдаги аҳволини, руҳий кайфиятларини фақат тасаввур қилиш мумкин ҳолос. Ахир бу фалокат-ку! Фарғона мулкининг эндигина 39 ёшга кирган подшоҳи, девқомат паҳлавон йигит ҳалок бўлди-ку! Юртулулус эгасидан, она фарзандидан, ёстиқдоши завжасидан, 8 та фарзанд эса отасидан жудо бўлди. Чопар келган соатда Андижон аркида жойлашган аркони давлат ҳозирча бу шум хабардан воқиф эмас. Давлат тақдири учун энг ташвишлиси Умаршайх Мирзо тахт масаласида васият ҳам қилиб улгурмаган эди. Бунинг эса аҳамияти катта. Лекин кўнгилга таскин берадиган омил шуки, Бобир - энг катта ўғил фарзанд, бинобарин, у отаси

---

<sup>1</sup>«Бобирнома»да ҳам, бошқа биз кўрган манбаларда ҳам Умаршайх Мирзонинг дафн маросими ҳақида маълумот учратмадик.

тахтининг қонуний меросхўри. Бироқ шундай парокандалик вақтларда оғри билан эмас, ақлини ишлатмай оғри билан юрадиган шумнафаслар, «Лойқа сувда балиқ овлайдиган» амир-беклар ҳам йўқ эмас. Кундошлар-укалари Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзонинг оналари ҳам тахт меросхўри ҳақида гап кетганида, гарчи Бобирнинг қонуний ҳуқуқини эътироф қилсаларда, аёлларга хос ҳис-туйғу билан 10 ёшга ва 8 ёшга тўлаётган ўғилларига умид кўзи билан қараб, елкаларини қучиб қўйишлари ҳам табиий. Кундошларнинг худди мана шу аёллик ҳис-туйғусидан ўз манфаатлари учун фойдаланмоқчи бўлган ғаламис амир-у, амалдорлар ҳам бор-да!

Марҳум Умаршайх Мирзога энг яқин бўлган амалдор-у, амирлар қандай одамлар эди ва бўлғуси подшоҳ, гўдак Бобир кимлар билан қолди? Улардан Умаршайх Мирзо ёшлигидаёқ отаси Абу Саид Мирзо томонидан юборилган амирлардан Мирғиёс тоғойи билан Али Дарвеш номларини алоҳида тилга олмақ лозим. Мирғиёс тоғойи Абу Саид Мирзонинг энг ишончли кишиларидан, илгари унинг муҳрдори эди. Фарғона мулкига юборилгач, Умаршайх Мирзога ҳам яхши хизмат қилди ва унга содиқ бўлиб қолди. Хушчақчақ, ҳазилкаш киши эди. Бироқ, Бобир таърифига қараганда, маъший бузуқ феъли ҳам бор эди. Али Дарвеш эса Абу Саид даврида Хуросон ҳамда Самарқанд ёшларидан алоҳида кўшин тўплаб уларга ҳарбий бошлиқ бўлган баҳодир ва қўрқмас кишилардан эди. У Умаршайх Мирзо саройида, кейинча Бобир Мирзо саройида ҳам фидойилик билан хизмат қилди. Ҳуснихати бор, саводли, табиатан ширинсухан одам бўлган. Бироқ ўз қадрини билмайдиган хушомадгўй, бунинг устига назари паст киши эди.

Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой Умаршайх Мирзонинг биринчи бек атка (эшик оға)си 1464 йили Ўш атрофидаги жангларда вафот қилганидан сўнг иккинчи бек атка қилиб юборилган эди. Султон Малик Қошғарий деганининг ўғли, Бобир таърифига одобли ва камгап киши. Бироқ беш йил ўтгач, 1469 йили Абу Саид вафотидан сўнг нима сабабдандир Андижон беклари билан келишолмай, бир сафар Самарқандга кетиб қолган ва Султон Аҳмад Мирзо уни Ўратепага ҳоким қилиб тайинлаган. Кейинча яна Умаршайх хизматига қайтиб, Андижон ҳокими

этиб тайинланган. Аммо Бобир таърифида унчалар хосиятли шахс эмас эди.

Беклардан яна бир-Хожа Ҳусайнбек, одоблиги, улфатлиги ва бетакаллуфлиги билан Умаршайх, кейинча Бобир саройида анча обрў қозонган киши эди. Базмлар, турли кўнгилочар ўлтиришлар унингсиз ўтмасди, яхшигина ашула ҳам айтарди.

Шайх Мазидбек Бобирга биринчи бек атка (эшик оға) қилиб тайинланган киши. Кейинча Бобир давлатини бошқарув ишида анча тартиб ўрнатган ва ҳурмат қозонган. Аммо фосиқ ва манший бузуқ киши. Бунинг устига баччабозлик феъли ҳам борлиги Бобирга маъқул келмас эди. У вафот қилгач, бек атка қилиб Бобоқули деган тайинланди. Бироқ у ҳам ишончсиз киши эди. Бир неча бор Бобирга сотқинлик ҳам қилади. Бад эътиқод (рўза тутмас) ва бераҳм киши эди.

Умаршайх Мирзонинг яна бир бекларидан Али Дўст тоғойи асли мўғул - катта она Эсон Давлат Бегим авлодларидан эди. Бобирнинг ёзишича, Абу Саид Мирзо даврида «ядачилик» даввосини қилар эди.<sup>1</sup> Қуш боқишга ҳам ишқибоз одам бўлган. Бобир Мирзо Али Дўст тоғойидан сира кўнгли тўлмаган ҳолда: ахлоқсиз, бахил ва фитначи, зеҳни паст ва мунофиқ, худбин ва истараси хунук киши деб таъриф беради унга.

Вайс Логарий - у ҳам Самарқанддан келганлардан эди. Умаршайх Мирзога анча меҳрибон киши, Бобирга ҳам содиқлик кўрсатган ва доимо у билан ҳамнафас бўлган. Фикр-мулоҳазалари анча ўринли. Аммо бироз иғвога майли бор шахс.

Қамбар Али дуруст одам. Асли мўғул отбодарларидан бўлиб, Фарғонага отаси билан бирга келган. Отаси Юнусхоннинг офтобачиси (яъни кичик сарой хизматчиси) эди. Қамбар Али Андижонда саллоқлик ҳам қилган («Қамбарали саллоқ»). Бобир даврида анча обрў топди. Ташаббус билан иш бошлайдию, бироқ охирига етказмайди - қўрқоқлик қилади. Бунинг устига у ҳам ақл-фаросатда етук эмас. Гапининг субути йўқ.

Қуйидаги икки бек Умаршайхга ҳам, кейинча Бобирга ҳам энг содиқ кишилар бўлган. Бири - Ҳасан Яъқуббек ва яна бири

<sup>1</sup> «Ядачи» - яда (яъни нефрит) номли ўзидан шуъла тарқатувчи яшил тусдаги минерал тош. Қадимда уни мўъжизакор деб, жумладан, унинг эгаси (яъни-ядачи) ёмғир чақиради деб тушунилган.

Қосимбек қовчин. Ҳасан Яъқуб гарчи узоқни кўра билмаса ҳам табиатан яхши одам. Ҳаракатчан ва хушчақчақ киши. Турли ўйинларни яхши ташкил қилади. Чавгон ўйинида моҳир ҳамда яхшигина мерган. Бироқ унинг ҳам Бобирга малол келадиган айрим феъллари бор. Чунончи, зиқна ва бироз беодоброқ одам. Шунга қарамай, Умаршайхнинг ўлиmidан сўнг Бобир аркони давлатида энг кўзга кўринган беклардан ҳисобланган.

Қосимбек қовчин эса асли андижонлик беклардан эди. Бобир саройида энг ишончли кишилардан, фидойи инсон. Бир қатор урушларда мардлик кўрсатган. Ўткир фикрли, маслаҳатлари самимий, масалаларни доимо тўғри ҳал қиладиган доно киши. Қосимбек қовчин гарчи саводсиз бўлса ҳам суҳбатда зарофатли, хушчақчақ ва ҳазилкаш инсон, умуман Бобирга содиқ киши. Шунинг учун ҳам кейинча уни Бобир ўғли Ҳумоюн Мирзога бек атка қилиб тайин қилган эди.

Булардан ташқари, Умаршайх Мирзо ва сўнгра Бобир аркони давлатининг шайхулисломи Хожа Мавлоноий Қози исмини алоқида тилга олмоқ лозим. Унинг асли насаби пайғамбаримиз авлодларидан бўлмиш Шайх Бурҳониддин Қиличга боради. Улар авлоди-аждоди билан Фарғонада катта обрў топган, барчага мададкор, қози ва бошқа исломий лавозимларни эгаллаб келган улуг зотлардан. Хожа Мавлоноий Қози Бобирнинг пири устози ҳам энг содиқ дўсти ва маслаҳатгўйи эди.

Ундан ташқари Хожа Муҳаммад Дарзий ҳам синалган ва ишончли кишилардан. (Умаршайх ўғилларидан бирининг бек аткаси эди). Шерим тоғойи ҳам Бобирга содиқ кишилардан бўлган. Ундан ташқари Хожа Ҳусайннинг акаси Узун Ҳасан ҳам тадбирли, бинобарин, кейинча Бобир ишончини қозонган беклардан эди.

Мана, Умаршайх ўлиmidан сўнг унинг саройида, демакки, Бобир ихтиёрида қолган эътиборли амиру, бекларнинг номлари. Шунга эътиборни қаратмоқ лозимки, Бобир амиру бекларга таъриф берар экан, ўта талабчанлик ва холисликка риоя қилади. Уларнинг одамий-инсонийлик фазилатию, феъл-атвори, маслак-

---

<sup>1</sup> Чавгон ўйини - узун сопли учи эгри тасҳ билан от устида гуриб тўп сурадиган ўйин (Отда хоккей ўйини).

дунёқараши-ю, ўзгаларга муомила-муносабати ва самимийлиги бир-биридан фарқ қилади. Айримларида ҳақиқий инсоний фазилатларга қараганда худбинлик, ғайрича мақсадни кўзлаб иш кўришга мойиллик кўпроққа ўхшайди. Давлат манфаати билан шахсий манфаат улар руҳиятида унча чоғишмаган.

Умуман инсон бор эканки, унда табиат ато қилган ақл-идрок билан бирга, фақат ўз шахсий манфаатини кўзлаб иш тутишдек худбинлик ва ўжарлик, шунингдек муғамбирлик каби хусусиятлар бировда кўпроқ, бошқа бировда озроқ бўлиши мумкин. Худбин, муғамбир ва бахил шахслар ўзларидан пеш ва устун турадиган кучларга, демакки, кучли ва иродали шахсларга ўзларини зоҳиран бўйсунгандек қилиб кўрсатсалар ҳам ботинида барибир ўз билганидан қолмайдилар. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатига жиддийлик билан разм солсангиз жамият, раият манфаати йўлида виждон амри билан ишламайдилар. Ундайларни мажбур қилиш билан ёки панд-насиҳат орқали ҳам барибир тақомилига етган, она юрт тақдири йўлида қайғурадиган комил шахс даражасида кўриш яхши орзу ҳолича қолаверади. Шунинг учун бу борада ягона синалган усул шундан иборатки, барчани қонуний тартибга мажбуран бўйсундиришдир. Вазифа - умумий манфаатга зид бўлган айрича хоҳиш-истакларни зарур соатларда; Ватан, улус тақдири ҳал бўлаётган долзарб онларда жиловлаб қўйишга ва жамоатчилик, давлат манфаатлари йўлида хизмат қилишни таъминлашга эришишдан иборатдир.

Кўрдикки, Бобир атрофидаги амир-у, бекларнинг барчаси қўлидан иш келадиган, юрт сўрашга қодир кишилардир. Лекин улар орасида ўз манфаати-фойдасини ўйлаб иш кўрадиганлари, мунофиқ бадфешълари ҳам бор. Фақат айрим бекларгина юксак фазилатли бўлиб, олижаноб мақсад сари интилар, шу йўлда бутун вужуди билан улус тақдири учун курашга тайёр ва Бобирга содиқ кишилар эди. Эндигина 12 ёшга тўлаётган подшоҳзода Заҳириддин Муҳаммад олдида ўшандай амир-беклар доирасида ҳал бўладиган ғоятда мушкул ва мураккаб вазифа турарди.

Гарчи «Бобирнома»да аниқ ёзилмаган бўлса-да, Ахсидан Умаршайх Мирзо ҳалокати ҳақидаги мудҳиш хабар келиши билан амиру беклар катта она Эсон Давлат Бегим қошида ўша

сешанба кунийёқ фавқуллода маслаҳат кенгашига тўпланишган. Чунки, Бобир ёздики «хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлат Бегимча кам бўлмай эди, бисёр оқила ва мудаббира (тадбирли аёл- С.Ж.) эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди». Демак, давлат ва улус тақдирини, тахт ворисининг ташвиши бу оқила аёл зиммасида эди. Чақирилган бу машварат-кенгашда биринчи ҳал қилинган вазифа-Бобирни марҳум отаси ўрнига Фарғона тахтининг вориси деб эълон қилиш. Кечаётган воқеалар мангиди шуни кўрсатадики, «Бобирнома» бошланишидаги ушбу сўзлар, гарчи кейин битилган бўлса ҳам ўша машварат муносабати билан ёзилгандир: «Тангри таолонинг инояти билан ва Ҳазрати он сарвари коинотнинг шарофати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба кун рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз йўқсон тўққузда<sup>2</sup> Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлиб эди». Бобирнинг қизи Гулбадан Бегим ёздики, ўша кунийёқ Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон шаҳрида у киши (яъни Бобир) номига хутба ўқилган. Гўдак, аммо зийрак Заҳириддин Муҳаммаднинг давлат фаолияти ана шундай ўта мураккаб ва беҳаловат тарихий шароитда бошланди.

Демак, фавқуллода машварат Андижон шимолидаги Қўштегирмон мавзеида - Эсон Давлат Бегим чорбоғида ўтказилди. Бобир қонуний тахтга ўлтириш учун дарҳол шаҳар жанубидаги Аркка бориши керак. Оралиқ масофа тахминан уч чақиримдан кам эмас. Бобир ўз навкарлари ва хизматчилари билан ўша заҳотиёқ чорбоғдан Аркка томон йўл олади. От чопиб оралиқ масофанинг ярмидан кўпроғини босиб ўтиб шаҳарнинг шимолий қалъа деворига яқинлашадилар ва бу томондаги шаҳар дарвозаси - «Мирзо дарвоза»га етганларида уларни Шерим тоғойи кутиб турган эди. Шерим тоғойи дарвоза ёнига Арк томондан келдими ёки Эсон Давлат Бегим унинг кетидан юбордими - бу ҳануз

<sup>1</sup> «Бобирнома» тадқиқотчиларининг келинги хулосаларига қараганда Бобир ўз асарини 1517-1518 йилларда ба афсил ёзишга киришган. (Қаранг: Ғайбуллоҳ ас-Салом ва Незматуллоҳ Отажон, Жаҳонгашта «Бобирнома», Тошкент, 1996).

<sup>2</sup> Бу мелодий 1494 йил, июнь ойига тўғри келади.

<sup>3</sup> Ушбу мавзе Андижон эски шаҳар қисмининг собиқ «Арк ичи» - ҳозирги «Бобир» маҳалла ҳудудига қарашли. Бу ҳақда қаранг: С.Жалилов, Бобир ва Андижон, Тошкент, «Ўзбекистон», 1993).

гача номаълум. Мантиқан олиб қаралса, у Арк томондан келиши мумкин эмас, негаки Аҳсидан келган чопардан Аркдаги аркони давлат ҳозирча хабари йўқ эди.

Нима бўлганда ҳам Шерим тоғойи Бобир отининг юганидан шартта ушлади-да, уни тўхтатиб, мазмунан шундай деди: Фитначи беклар Фарғона мулкини Самарқанд ҳокими, Умаршайх Мирзонинг акаси, яъни Бобирнинг амакиси бўлмиш Султон Аҳмад Мирзога топшириб ўзлари ҳам унинг хизматига ўтиб кетмоқчилар. Шунинг учун тахт вориси Бобир Аркка кирмасин ва бир ерда яшириниб турсин. Акс ҳолда улар унинг ўзини ҳам тутиб беришади.

Таажжуб, мана шу сешанба куни пешин намозига яқин Аҳсидан келган хабар аркони давлатга қаердан етиб бора қолди, ким, қайси бадният ғаламис уни етказди? Балким, Аҳсидан келганлардан бирими ёки чорбоғдаги бирон сотқин хизматкорми, кимгадир хуш ёқадиган, кимгадир нохуш бўлган бу хабарни Эсон Давлат бегим барчани машваратга тўплаган онда яширинча дарҳол Арк томон чопиб, етказган. Ҳатто Самарқандга - Султон Аҳмад Мирзога ҳам махфий равишда чопар кетган бўлиши мумкин. Тўғрироғи, Самарқандга эмас, яқинроққа: негаки, ўша рамазон ойи бошларида Султон Аҳмад қўшинлари Фарғонада - Марғилон атрофида эди. Ҳар ҳолда сотқинлик юз берган кўринади. Шерим тоғойи ўзича фикр қилиб бундай кутилмаган ҳолда қандай қилиб бўлса ҳам Бобирнинг ҳаётини сақлаб қолишни ўйлаган ва Мирзо дарвозаси олдида уни қарши олиб, йўлдан қайтарган. (Ҳозир ҳам шаҳар шимолида «Дарвоза оғзи» деган маҳалла бор. Бизнинг текширишларимиз кўрсатишича, ушбу мавзе «Мирзо дарвоза»нинг ўрнидир. Шаҳарнинг шимолий девори ҳам шу ердан ўтган). Шерим тоғойи мулоҳазасига кўра, Бобир ўз навкарлари билан ҳозирча Аркка кирмасдан бирон жойда - масалан Ўзган томонда яшириниб турсин. Нима қилиб бўлса ҳам бу фитнадан омон-соғ қолгач ва тўполон босилгач, сўнг тоғалари - Султон Маҳмудхонми ёки Олачохонми - улар ёрдами билан тахтни қайтариб олар. Акс ҳолда сотқин амирлар уни тутиб беришлари ҳеч гап эмас. Шу мулоҳаза билан Шерим тоғойи Бобирни тоққа - Ўзган томонга етказди: ҳар ҳолда тоғаларига яқин келган бўлади.

Шу кутилмаган воқеалар ёш Бобир ҳаётида дарбадарликка, сарсон-саргардонликка сабаб бўлди. Бир томондан у қонуний

подшоҳ, тахт вориси, иккинчи томондан ҳозирча тахтга эга эмас. Бобирнинг маънавий чиниқиши, руҳий баркамоллиги, инсонлар фъели-атворидаги зоҳирӣ ва ботинӣ кўринишларга жиддий эътибори ва уларни фарқлай олишдек ўта назик қобилият ҳам мана шу сарсон-саргардонликнинг бошланишидан ниш бериб йилдан-йилга мустаҳкамланиб борди.

Бироқ подшоҳ сифатида қатъӣ қарор қабул қилиш, бу ташвишли ҳолатларда мустақил равишда ҳаракат бошлаш учун ҳозирча у ёшлик қиларди. Шунинг учун Шерим тоғойи маслаҳатига кўнди. Аммо шаҳар қалъаси шарқидаги Намозгоҳ-ҳайит намозлари ўқиладиган бош масжидга етганида Бобир кетидан беклардан Хожа Муҳаммад Дарзи етиб борди. Воқеа бундай бўлган эди: Аркони давлат Бобирнинг Арк томон келаётганидан хабар топгач, уни тантанали равишда кутиб олишга тайёрланиб туришган. Аммо Шерим тоғойи уни «йўлдан уриб» Ўзган томон олиб кетаётгани ҳақидаги хабардан воқиф бўлган бош шайхулислом Хожа Мавлоноӣ Қози ва бошқа содиқ беклар дарҳол Бобирни йўлдан қайтариш учун Хожа Муҳаммад Дарзӣни юбордилар. Хожа Муҳаммад Дарзӣ Шерим тоғойининг мулоҳазалари асосли эмаслигини Бобирга тушунтириб, дарҳол тахтни эгаллаши учун уни Намозгоҳдан Арк томон етаклади. Ҳисоб-китоб қилиб қаралса, буларнинг барчаси 2-3 соат ичида бўлиб ўтган воқеалардир. Вақт тақозоси билан сешанба куни асрдан кейин бўлса керак, Бобир ўз навқарлари билан Аркка кириб борди.

Хожа Мавлоноӣ Қози Бобирнинг пири, устози сифатида уни кучоқ очиб кутиб олди ва бағрига босди. Бошқа содиқ беклар ҳам хурсандликдан кўзёши қилган бўлсалар керак. Барчаси Бобирга содиқлигини изҳор қилдилар ва Хожа Мавлоноӣ Қози маслаҳати билан ғанимнинг эҳтимол тутилган ҳужумига қарши шаҳар қалъасининг буржию, деворларини мустаҳкамлаш учун ишга киришдилар. Ҳамма Бобирга бўйсуниб, шаҳар ҳимояси учун тайёргарликни қизитиб юбордилар.

Ёдингизда бўлса, Умаршайх ҳалокатидан икки кун илгари ҳужум қилиб келаётган акаси Султон Аҳмад Мирзо кўшинига қарши Ҳасан Яъқуб ва Қосим қовчинни юборган эди. Улар ҳам воқеадан хабар топгач, чоршанба-пайшанба кунлари Андижонга қайтиб келдилар ва Бобирга кўшилдилар, мотамсаро кайфи-

ятда уни муборақбод қилдилар. Аммо шаҳарда ваҳима, галаговур босилмаган эди: ахир подшоҳ ҳалок бўлиб, мамлакат унинг 12 яшарли ўғлига қолди-да. Ҳар хил ёвуз ниятли кишилар, давлат тақдирига ҳолисона эмас, балки ёмон ният билан қараётган ҳам бор эди. Подшоҳ ўлимига мотам ўрнига фитна уюштираётганлар ҳам топилди. Ўшандай фитначи-ваҳимачилардан бўлмиш Дарвеш Гов деган андижонлик фуқаролардан бири тутиб келтирилди ва халқ орасида осиб ўлдирилди. Шу билан шаҳар тинчигандек бўлди ва барча бирдек Бобирга бўйсунди.

Шундай қилиб, ўрталарида 15 аср фарқ билан дунёга келган Цезар ва Бобирдек икки йирик тарихий шахснинг пушти паноҳларига ва болалик даврига назар ташласак, қуйидаги фарқни кўрамыз: Бобир - подшоҳзода. Унинг отаси жаҳонга довруғ таратган император - улуғ Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари авлодидан. Аниқроғи, Амир Темур чеварасининг невараси, Юлий Цезар эса оддий Рим фуқаросининг фарзанди. Аммо ота авлоди Рим шаҳрига асос солган энг қадимги римликларга бориб тақалади. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, барча ўтган буюк шахслар болалигиданоқ тенгдошлари орасида ўзгача феъли-атвори билан ажралиб туради. Инсон кейинчалик ўз фаолиятида қандай хислатлари билан машҳур бўлса, болалигидаёқ ўша хислатлар куртак берган бўлади. Цезар ҳам зеҳни ўткирлиги ва бошқа қобилиятлари билан ўзгалардан ажралиб турган. Кўриб ўтганимиздек, у кўп нарса ўқиди ва кўп адабий асарларни ёд олди. Аммо Цезар Бобирдан икки жиҳатдан фарқ қиларди. Бири - у жисмоний нимжон ва инжиқ, ўжар ва «ўзбилармон» бсла эди ва шундай феълда катта бўлди. Яна у - шуҳратпараст бўлиб етишди. Цезар сиёсатга ақли етгач, шуни тушуниб олдики, Юлийлар авлодининг келиб чиқишини илоҳийлаштирадиган нақл-афсоналарни ҳақиқатга айлантирадиган тарзда китобийлаштира бу нарса унинг келажаги учун катта фойдаси тегади. У ўзининг бу тушунчасини ҳеч кимдан яширмади: сиёсий майдонда обрўга эга бўлиш мақсадида ўшандай афсонани тарқатиш учун ҳар қандай меҳнат-у, ҳар қанча сарф-харажатдан қочмаслик керак. Асл ҳақиқат эса шундан иборат эдики, унинг ота авлоди ҳеч қандай улуғ ва муқаддас зотларга бориб тақалмас эди. Фақат уйланишдагина мансабдорга куёв бўлган эди холос

(консул қизига уйланган). Шунини ҳам қўшиб қўйиш лозимки, Цезар 8 ёшга тулганда (э .ав. 92 йили) отаси преторлик лавозимини эгаллади. Лекин барибир консулликка етолмади ва ўғли 16 ёшда эканида (э.ав. 84 йили) ўлиб кетди.

Заҳириддин Муҳаммад жисмоний жиҳатдан соғломлиги, бақувватлиги, довжураклиги, баҳодирона феълли билан болалигидаёқ тенгдошлари орасида ажралиб турган. Маънавий жиҳатдан эса ақл-фаросати, истеъдоди, зеҳнининг ўткирлиги, қувваи ҳофазаси билан ҳам бошқа болалардан фарқ қилган. Кейинча у жисмоний кучли, кенг феълли, юмшоқ кўнгил инсон бўлиб етишди.

Гарчи Бобир қонуний тахт вориси бўлса ҳам ҳеч қутилмаганда 12 ёшида подшоҳ бўлиб қолиши унинг ақлий жиҳатдан эрта роқ улғайиб етилишига, инсоний фазилатию, диний эътиқодининг нисбатан эрта ривожланиб такомиллашувига сезиларли туртки бўлди. Унинг ҳар томонлама тарбияси билан чорбоғда хизматкорлари-ю, навкарлари шуғулланган бўлса, эътиқодий тарбияси билан бош шайхул ислом ҳазрат Хожа Мавлоноий Қози шуғулланди. Хожа, юқорида айтилганидек, асли палаги тоза инсон бўлгани учун ёш Бобирнинг маънавий таянчи бўлди. Унга мусулмонлик сифатларини юқтиришда, исломий эътиқодини мустаҳкамлашда катта хизмат қилди. Бобир тахтга ўлтирган дастлабки кунлардаёқ Хожа ўз маънавий шогирдининг давлатини ҳар томонлама мустаҳкамлашда фаоллик кўрсатди. Афсуски, бетафвиқ ғанимлар Хожанинг Бобир камолотидаги хизматини, унга содиқлигини кўра олмадилар - у ғанимлар қурбони бўлди. Сотқинлар уни шаҳид қилдилар.

Марҳум Умаршайх Мирзонинг Фарғона мулки, шундай қилиб, Бобир Мирзога қолди-ю, бироқ дастлабки кундаёқ унга тинч, осуда ҳаёт насиб этмади. Гап шундаки, на амакиси Султон Аҳмад Мирзо, на тоғаси, Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон ва на Фарғонага қўшни Қошғар ҳокимлари ёш Бобирнинг подшоҳлик ҳуқуқини тан олдилари келмасди.

Умаршайх Мирзо дарё бўйидаги ўз қаптархонаси томида эканидаёқ Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо Фарғона мулкига қарашли Хўжандни ва Ўратепани эгаллаган, фалокат юз берган кунлари эса Марғилонга қараб юрган эди. Ҳамма ўзи билан овора, ҳам мотам, ҳам Бобирни тахтга ўтқизиш ташвиши билан банд бўлганида Султон Аҳмад Мирзо Марғилонни ҳам

босиб олиб, Қувага томон келаётган эди. Қува билан пойтахт Андижон ораллиги эса 40 чақиримга бормаиди (тўрт ёғоч). Демак, ички ташвиш устига ташқи оламдаги нотинчлик ҳам қўшилиб, Фарғона пойтахти устида жиддий хавф пайдо бўлган эди. Халқ орасида ҳам ваҳима тарқалган эди. Мана шундай ваҳима тарқатиб юргани учун Дарвишгов намуна учун қатл қилинди ва шу билан халқ тинчиди. Бу тадбир ҳам юрт ташвишида ҳам чекаётган доно кишилар таклиф қилган ва ёш Бобир тўғри топган фавқуллода тадбирлардан эди. Энг муҳим тадбир эса Бобирнинг қуйидаги дипломатияси бўлди: Хожа Мавлоноий Қозига Узун Ҳасанни қўшиб Султон Аҳмад Мирзога ўздан элчи қилиб юборди. Улар Самарқанд подшосига Бобирнинг мана бу таклифини етказишлари керак: яъни Фарғона вилояти Султон Аҳмад томонидан забт қилинган чоқда ҳам унинг одамларидан кимдир ҳоким қилиб тайинланиши аниқ. Шунинг учун уруш қилмасдан вилоятга Бобирни тайинласа айни муддао ва масала осон ечилган бўлур эди. Ахир «мен ҳам (Сизга) мулозим ва ҳам фарзанд»-деб ёзади Бобир.

Султон Аҳмад Мирзо камгап ва камсуқум, мулоийм табиат ва одми киши бўлганиданми, масалани ўзича ҳал қилолмайди. Унинг инон-ишончи ўзида эмас. Бекларисиз бирон иш ҳал бўлмас, уларсиз ўзича бирон қарорга келолмас эди. Беклари эса Бобирни гўдак бола деб ўйлаганларидан бўлса керак, унинг таклифини нописандлик билан қабул қилдилар. Хожа Калонга рад жавоби бердилар. Бу нописандликда Султон Аҳмад Мирзо бекларининг, шубҳасиз, тамагирлиги ҳам бор: мабодо Фарғона қўлга олинса, шоядки, улар катта мулкка эга бўлиб қолсалар. Шу маънода Султон Аҳмаднинг одамлари Бобирнинг элчиларига қўпол жавоб қилиб қайтариб юбордилар ва аскарлари билан Андижон томон юриш бошладилар.

Бироқ Султон Аҳмад Мирзонинг нобакор беклари ва қўшини Қувада шундай жазоландиларки, оқибат Бобир бошлиқ андижонликлар ғалаба қилишади. Қувада, «Бобирнома»даги таъриф бўйича, «қўпригидан ўзга ердин кечиб бўлмас» ботқоқли қора сув оқарди. Султон Аҳмад қўшинлари ёпирилиб ҳужум қилиш-

---

<sup>1</sup> Ушбу Қора сувнинг Қува воҳасини суғоришдаги тарихий аҳамияти ҳақида Қаранг: С. Жалилов, Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан, Тошкент, «Фан», 1977, 24-бет

ганда кўплаб от-у, туялар бир-бирини итаришиб ботқоқликка ағдарилиб тушдилар. Қора сув кўпригидан ўтишмай туриб, ҳалокат бошланди ва қўшин ичида ваҳимага сабаб бўлди. (Бундан беш йил илгари Чирчиқ бўйида мўғуллар билан бўлган жангда ҳам шундай бўлгани аскарларнинг ёдига тушди.) Бундан ташқари ботқоқлик қирғоғида қолган отларга ўлат тегиб, жуда кўп отлар касалликдан йиқилди. Энг муҳими - Бобир қўшинлари руҳан тетиклик ва ўзаро ҳамжиҳатлик билан шундай жанг қилдиларки, танларида жон бор экан - қўлларидан қилични ташладилар. Душман қўшини уларнинг фидокорона ҳаракатларидан эсанкираб қолди ва Андижонга бир ёғоч масофа қолганда чекиндилар. Бобир бу ғалабани таъминлаб берган Тангрига қайта-қайта шукроналар келтиради: «Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи била ҳар ишимни ҳар маҳалда андоқким бояду, шояд беминнати махлуқ рост келтирибдур, бу сафар ҳам ишни боис қилдиким, алар (яъни ганим аскарлари)... пушаймон бўлиб, бемурод ёндилар (қайтдилар)». Бу - ёшгина Бобир подшоҳнинг қўлга киритган дастлабки ғалабаси эди. Албатта бу ғалаба оналарини, опаю, укаларини, борингки, ҳарамдаги барча дуоғўйларни беҳад қувонтиради. Бобир эса янада ғайрат ва шижоат билан, ўзига ишонган ҳолда подшоҳлик ишига киришиб кетади.

Аммо юртда ҳали тинчлик таъминланмаган эди. Умаршайх Мирзонинг бемаврид ўлими ва гўдак Бобирнинг Фарғона тахтига ўлтириши амакилари-ю, тоғаларининг, беклар-у, амирларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлайди. Улар Фарғона мулкининг гўё бир неча йиртқич олдида турган илвасин деб билишар, уни парчалаб таламоқчи эканликлари, шу бесаранжом кунларда нима қилиб бўлса ҳам бирон нарсага эга бўлиб қолиш учун бири-бирига қарши, айрим ҳолларда эса, ўзаро тил бириктириб очиқчасига курашга бел боғлаганликлари Бобирга энди аниқ намоён бўлади. Ваҳоланки, улар бемаврид ҳалок бўлган Умаршайх Мирзога мотам қилиб, аза очишлари керак эди. Йўқ, ундай қилмадилар. Бобир ҳам улар ҳаракатидан ҳайрон ва ғазабнок ҳолда, аммо ўзини йўқотиб қўйгани йўқ. Энг ишончли ва содиқ кишиларига суянган ҳолда, биринчи навбатда донишманд бувижониси Эсон Давлат Бегим маслаҳатлари билан режали иш кўради. Ёвуз ниятли нопок инсонларга қарши курашда ўзига ишончи ортиб боради, куч-ғайрати кундан-кунга жўшиydi.

Бироқ унинг подшоҳлик ҳуқуқини тан олишмаётган амаси, тоғаси ҳамда қариндоши бўлмиш Қошғар ҳокими Бобирга тинчлик бермайди. Мана, ғаламисларнинг қилган ишларидан айримлари:

Бобирнинг тоғаси, Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон Сирдарёнинг шимолий қирғоқлари бўйлаб келиб, Ахсини қуршаб олди. Ўша кунлари бир қанча беклар, жумладан Косон ҳокими Вайс Лоғарий ҳам Ахсида эдилар. Улар тўпланишиб, Косонни хоинларча Маҳмудхонга топширдилар. Косон ҳокими, Бобирнинг укаси Носир Мирзонинг бек атқаси бўлмиш Вайс Лоғарий шаҳзодани авайлаб, Косонни ташлаб чиқди ва ўша кунлари Ўратепада турган Султон Аҳмад Мирзога Носир Мирзони олиб бориб топширди, ўзи эса яна хизматига қайтди. Султон Маҳмудхон Ахсига бир неча марта ҳужум қилди, ўртада қаттиқ жанглар бўлди. Аммо ғанимлар шаҳар ҳимоячиларининг қаршилигини синдиrolмади: Бобирга содиқ қолган аскарлар ва Умаршайх ҳаётлигида у ерда бўлганлар қаттиқ курашиб, Султон Маҳмудхонни шаҳарга қўймадилар.

Оллоҳнинг ўзи ахсиликларга раҳм қилдими - шу кунлари хон кўққисдан бетоб бўлиб қолиб, Ахси қуршовини ташлаб чекинишга мажбур бўлди ва орқага қайтиб кетди. Ниҳоят шаҳардагилар хотиржам нафас олдилар.

Деярли бир вақтнинг ўзида Қошғар ва Хўтан ҳокими, урушқоқ Абу Бакр дуғлат Қошғарий ҳам Ўзган томонга ҳужум бошлади. Бобир Ҳожа Мавлонойи Қозини бир неча беклар билан Абу Бакрни даф қилиш учун Ўзган томонга юборди. Абу Бакр Ҳожа Қозини кўриб уялганиданми, ҳар ҳолда товламачлик билан ундан узр сўраган бўлди ва қўшинлари билан орқага қайтиб кетди ва Бобир бу томондан хотиржам бўлди. Бобир Тангри таоло «ўз қудрати комиласи билан ҳар ишимни ҳар маҳалда» ўнгидан келтирганига шукроналар айтиб ёзганида албатта ушбу ғалабани ҳам назарда тутган эди.

Бу воқеалардан сўнг, ниҳоят, Бобир подшоҳ, унинг содиқ беклари ва Эсон Давлат Бегим чорбоғидаги хонимлар-марҳум Умаршайх Мирзо хотинлари-ю, фарзандлари бир оз хотиржам бўлишди. Султон Маҳмудхон ўз аскарлари билан Ахсини ташлаб кетганларидан сўнг шаҳарда қамалиб қолган аёллар, бошқа фарзанди (Бобирнинг укаси) Жаҳонгир Мирзонинг ҳам

пойтахт Андижонга келишлари учун йўл очилди. Барчалари пойтахтда-катта она - Эсон Давлат Бегим чорбоғида тўпландилар. Бу дамгача Умаршайх Мирзо ҳалокатидан неча кун ўтди-бунинг ҳисобини олиш қийин. Бизнинг тахминимизча, ҳар ҳолда рамазон ойи тугаб, ҳайит кунлари ҳам ташвиш билан ўтиб кетган эди.

Андижонда, ниҳоят, марҳум Умаршайх Мирзога тартиби билан аза очишга имконият яратилди. Ислом дини қондасига биноан, шоҳона маърака қилиниб, халойиққа дастурхонлар ёзилди, қуръон тиловатлари ўтказилди, бева-бечораларга ҳадя-эҳсонлар тарқатилди. Бу маъракада шубҳасиз, Бобирнинг маънавий сунъи - Хожа Мавлоноий Қози жаноблари бошлиқ содиқ беклар ташкилий хизматда бўлганлари аниқ. Ичкаридаги аёллар маъракаси эса доно она - Эсон Давлат Бегим бошчилигида ўтади. Анчагина кўз ёшлари тўкилиб кўнгишлар енгил тортади. Мотам маросимлари ўтказилгач, ёш Бобирнинг галдаги вазифаси - давлатнинг ички тартибларини мустаҳкамлаш, ножинсу, ғаламисларнинг ўз қилмишларига яраша жазосини бериш ва ҳозирги иборалар билан айтганда, Фарғона давлатининг ички ва ташқи сиёсати йўналишларини белгилаб олиш ҳамда «кадрлар масаласи»ни ҳал қилиб олишдан иборат эди. Бобир хотиржам дамлардан фойдаланиб, биринчи марта подшоҳ сифатида тинч давлат ишлари билан шуғулланди. Андижон, Аҳси, Марғилон, Ўш каби муҳим шаҳарларга янги ҳокимлар тайинлади. Отасининг бир қатор ишончли беклари ва содиқ йиғитларига ҳам тегишли вазифалар, ҳар қайсисининг мавқеига қараб, тегишли унвон ва инъом-эҳсонлар берилди. Шунингдек, давлатнинг ҳарбий ишларида тартиб ўрнатилди, кўшинлар бир мунча мустаҳкамланди. Бу тadbирларни ўтказишда, шубҳасиз, Бобирнинг содиқ беклари, хусусан Андижон ҳокими ва «эшик оғаси» лавозимида тайинланган Ҳасан Яъқуб, янги Ўш ҳокими Қосим қовчин, Аҳси ва Марғилонга тайинланган Узун Ҳасан ва Али Дўст тоғойилар унга яқиндан ёрдам берганлар. Албатта, давлат лавозимларига янги кишилар тайинлашда катта она-Бобирнинг доно бувиси Эсон Давлат Бегим маслаҳатлари ҳал қилувчи мавқега эга бўлган.

Султон Аҳмад Мирзо Қувадаги мағлубиятдан сўнг қайтиб кетаётганда Ўратепа атрофида кўққисдан мижози айниб, касал-

ликка учради. Кўп ётмади ҳам, ўша йили шаввол ойна ўрталарида (1494 йил июл ойна) вафот қилди. Самарқандлик беклар дарҳол унинг укаси Султон Маҳмуд Мирзони тахтга таклиф қилиб чақирдилар. Бу орада марҳум Абу Саид Мирзо катта акасининг ўғли Малик Муҳаммад Мирзо ҳам Самарқанд тахти умидида, Бобирнинг кинояли таърифи билан айтганда «бир неча лаванд ва авбош»ни (дайди ва бекорчиларни) тўплаб ҳужум бошлайди. Аммо ишнинг улдасидан чиқолмай, қайтага кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлади.

Дарҳол Султон Маҳмуд Мирзо ўз қўшинлари билан келиб Самарқанд тахтини эгаллайди. Султон Аҳмад Мирзо ўлимидан сўнг Самарқанд тахтининг тақдири масаласига тўхтаганимиз боиси Бобир Мирзонинг Самарқандга бўлган қизиқиши ва уни эгаллаш учун қилган ҳаракатлари сабабини очиб бермоқдир.

Гап шундаки, марҳум Султон Аҳмад Мирзонинг укаси бўлмиш Султон Маҳмуд Мирзо, гарчи акасидан бир ёшгина кичик бўлган бўлса ҳам ўта энгилтак, мақтанчоқ, эгаллаган мавқеига нисбатан чуқур ўйламайдиган майшатпараст йигит эди. Тахтга ўлтирган кунидан бошлаб ҳарбий беклар-у, маҳаллий деҳқонлар орасида норозиликлар келтириб чиқарган тадбирларга қўл урди. У баъзи бир обрўли кишиларни, ҳатто ўз қариндошларидан ҳам айримларини тахтига душман гумон қилиб ўлдириб юборди. Янги тартиблар ўрнатаман деб аҳолига янги-янги солиқлар ва мажбуриятлар жорий қилди. 4 йил илгари вафот қилган ҳазрат Хожа Убайдулло Аҳрорга яқин ва унинг ҳомийлигида бўлган кишиларга, ҳатто авлодларига нисбатан ҳам жабр-зулм қилади. Бундан ташқари, майшатбозлик билан боғлиқ бўлган ахлоқсиз ва шармандалик ишларни бошлаб юборди. Султон Маҳмуд Мирзо беклари, аскар бошлиқлари ҳам ундан «илҳомланиб» фаҳш ишларга қўл уради, бесоқолбозлик, «баччабозлик» авж олади. Ўзи ҳам ашаддий баччабозликка берилади.

Бу бемаза ишлар Султон Аҳмад Мирзо давридаги ва марҳум Хожа Аҳрор ҳомийлигидаги нисбатан осойишта ўтган ҳаётга ўрганиб қолган улуснинг қаҳру ғазабини орттиради. Халойиқ Султон Маҳмуд Мирзони очикчасига қарғай бошлайди. У Ҳазрат Хожа Аҳрор хотирасини ҳам ҳурмат қилмасди. Бобир таърифида «бад эътиқод» эди. Атрофини масҳарабоз,

ярамас одамлар ўраб олган эди. Қисқаси, Султон Маҳмуд Мирзо улуг Соҳибқирон авлодига доғ туширадиган шаҳзодалардан экани аён бўлди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукмронлиги беш-олти ойдан ошмади.

Бу орада Султон Маҳмуд Мирзо ўғли Султон Масъуд Мирзони уйлантиришга бағишланган дабдабали тўй ҳам қилади. Акаси Султон Аҳмаднинг иккинчи қизи бўлмиш Солиҳа Султон Бегим (Оқбегим)ни ўғлига олиб беради. Шоҳона тўйнинг таърифига қалам ожизлик қилса керак. Тўй дабдабасини шундан билса бўладики, Андижонга - амакиваччаси Бобир Мирзога махсус одамдан юборилган «сочқи» (яъни тўйдан насиба дастурхон)да олтин ва кумушдан ясалган бодом ва писталар ҳам бор эди. Аммо бу ерда сиёсатга дахлдор гап чиқиб қолади:

Самарқанддан «сочқи» дастурхон олиб келган Султон Маҳмуд Мирзонинг вакили Бобирнинг ишончли кишиларидан бўлмиш-яқиндагина эшик оғаси ва Андижон ҳокими этиб тайинланган Ҳасан Яъқубга қариндошлиги бор экан шекилли, келибоқ, ўрталарида «шивир-шивир» гап бошланди. У Ҳасан Яъқубни Султон Маҳмуд Мирзо тарафига оғдиришга уриниб кўрди. Дабдурустдан Ҳасан Яъқуб, бундай таклифни кутмаганиданми ёки Бобирдан ҳайиққаниданми, меҳмонга дудмал жавоб қилиб, у билан хайрлашди. Аммо ўшандан кейинги ўтган ойлар ичида унинг хатти-ҳаракатларида илгарилари Бобирга бўлган содиқлик кайфиятига қараганда ўзини бошқачароқ тута бошлагани сезилди. Оқибатда шу нарса аён бўлдики, у Бобир ўрнига Фаргона ҳокими қилиб ўтай ука Жаҳонгир Мирзони тайинлаш тарафдори экан. Бу-сотқинликдан бошқа нарса эмас.

Ана, Бобирнинг энг яқин бекларидан бирининг кўрсатган оқибати! «Ишонган тоғда кийик ётмабди»-деб шунини айтадилар-да. Ахир ёш подшоҳ, уни ўзига эшик оға қилиб тайинлаган эди-ку! Бобир ўз аркони давлатида бутун ихтиёрни бу галамисга топшириб қўйган эди. Бобирнинг бошда унга берган таърифида «яхши» деб, баҳолагандан сўн «ичи тор, фитна, ақли қисқароқ киши эди»-деган хулосалар ҳам бор. Демак, хушчақчақлиги, мерганлиги, човган ўйиндаги моҳирлиги унинг ифвога мойиллик феълини яшириб юрган экан-да! Дарҳол бу кўрнамакнинг жазосини бериш керак!

Ҳожа Мавлоноий Қози, Қосим қовчин, Али Дўст тоғойи, Узун Ҳасан ва яна баъзи Бобирга содиқ кишилар катта она -

Эсон Давлат Бегим чорбоғида унинг ҳузурига тўпландилар ва Ҳасан Яъқубни лавозимидан бекор қилиб, уни жазолаш ва иғвонинг олдини олишга қарор қилдилар. Шубҳасиз, бу қарор тадбиркор ва доно бувининг таклифи эди ва қарорнинг тўғри экани тезда маълум бўлди. Бобир Ҳасан Яъқубни қўлга олиш учун ўз одамлари билан дарҳол шаҳар Арки томон чопди. Буни қарангки, нобакор Ҳасан ўша соатда Аркдан ташқарида, овда экан. У ҳам анойи эмас-да: Одамларидан кимдир чорбоғдаги махфий қарордан уни хабардор қилган ва Ҳасан Яъқуб ишнинг жиддийлигини сезган-да, яқин одамлари билан овдан нариёқ Самарқанд томон йўл олган.

Бобир дарҳол унинг кетидан ўз йигитларини юборади ва Ҳасан Яъқуб одамларини қўлга туширадилар. Унинг ўзи эса Конибодом томон қочган экан. Шуниси таажжубки, қўлга тушганлар орасида Муҳаммад Бакирбек ва Султон Маҳмуд Дулдой каби Бобирга «содиқ бўлган» беклар ҳам бор экан. Буни нима деб тушунмоқ керак? Ҳа, «ишонмагил дўстингга...» деб шуни айтадилар-да. Улар Умаршайх Мирзо ўлгач, ёш Бобир ишончини қозониб олишиб, аслида унга сотқинлик қилишмоқчи бўлганлар. Қўлга тушганларнинг айримлари ўз жазосини олди, баъзиларига эса Бобир раҳмдиллик қилиб Самарқандга кетишга рухсат берди.

Ҳасан Яъқуб Конибодомда бир неча кун тургач, Самарқандга бориш фикридан қайтиб Аҳси томон йўл олди. Чиндан ҳам у жиддий фитна уюштирамоқчи бўлган эди: Аҳсига борди-да яқинда ҳоким тайинланган Узун Ҳасан билан тил бириктириб, Сирдарёнинг ўнг бетини Бобирнинг Фарғона мулкидан ажратиб олади ва унинг пойтахти қилиб мўлжалланган Аҳсига Жаҳонгир Мирзони чақиради. Ўзи эса унга бек атка бўлади, шундай бўлгач, «эшик оға» лавозими ҳам унда қолиб, қарабсизки, бутун ҳокимият унинг қўлида қолади. Ана, фитначининг иғвоси-ю, режаси. Ҳасан Яъқуб шу ниятлар билан Конибодомдан орқага қайтиб, Хўқан ўрчинига келганида Бобир бундан хабар топиб, дарҳол унинг изидан ўз йигитларини қўяди. Бобир одамлари бир гуруҳ илғор ва чаққон йигитлардан қоровул (яъни разведкачи) тайинлаб тунда олдинга юборади. Аммо Ҳасан Яъқуб ҳам анойилардан эмас-да: Бобир одамлари қўйган қоровуллардан хабар топиб, дарҳол уларга

қарши куч тайёрлайди. Қоровуллар Қоршовда қолиб ўртада отишма бошланади. Буни қарантки, тунги отишмада Ҳасан Яъқуб йигитларидан бирининг отган ҳамон ўқи унинг чаккасига тегиб ўша топда ўлади ва шу тарзда у ўз ёвуз ниятининг қурбони бўлади. Шу муносабат билан «Бобирнома»да қуйидаги форсча газал мисралари келтирилган (таржимаси):

*«Ёмонлиқ қилдингми - ўзни жазога лойиқ бил,  
Жазо-тақдир туҳфаси, уни муқаррар бил».*

Бобир Султон Аҳмад кўшиялари билан Қувада бўлган жанг муносабати билан барча ишини ўнгидан келтирган Тангрига дилдан шукроналар айтиб ёзганида, шубҳасиз, бу ғаламиснинг ҳам ўзи қовлаган чоғга ўзи тушганини назарда тутганди.

Ҳа, Бобир чиндан ҳам яратганга эътиқоди соф, оқ кўнгил, иймони мустаҳкам подшоҳ бўлиб тарбияланди. Унга қасд қилганларнинг барчаси ниятига етмади, биз буни амалда яна кўра-миз. Қосим қовчин дарҳол ўшдан чақирилиб олинди ва Ҳасан Яъқуб ўрнига Андижон ҳокими ва эшик оға қилиб тайинланди. Аммо Андижонда Ҳасан Яъқуб бошлаган фитнанинг шарпаси ҳамон кетмаган эди. Зоҳирда билинмаса ҳам ботинда қандайдир «сув ости оқими» бордек эдики, бундан эҳтиёт бўлмоқ ва унинг дафъига чора изламоқ лозим эди.

Бобир ўша йили эҳтимол тутилган хавф-хатардан ҳар ҳолда огоҳ бўлиб юрди. Фанимлар заҳарлаб қўйган бўлмасин деб озиқ-овқатига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қаради. Қошиқ, пичоқ, дастурхонни ҳам ҳушёрлик билан танлаб тутди. Хайрият, қутилган нохуш кори ҳол юз бермади. Бобир ва унинг давлати тинч ҳаёт оқимига кира бошлади. Аммо бу тинчлик узоққа чўзилмади - бошга «Самарқанд можароси» тушди.

Можаро шундай бошланди: Султон Маҳмуд Мирзо қўққисдан бетоб бўлиб ётиб қолди-да, олти кун ўтгач, ўша 899 йил Раб-би ус-соний ойида (яъни, 1494 йилнинг охирида) вафот қилди. Марҳумнинг ишончли амирларидан Хисравшоҳ палид ишга қўли уриб, хуфёна тарзда Султон Маҳмуд Мирзо хазинасини талай бошлади. Бобир таърифига қараганда, Хисравшоҳ Султон Маҳмуд Мирзонинг пинжига кириб олгач, анчагина обрў қозониб катта вилоятларга ҳоким қилиб тайинланган бўлса ҳам «фосиқ,

бефаҳм ва бевафо, ҳаромнамак киши эди». Унинг ўғирлик билан тенг бўлган бу ёвуз иши тезда Самарқандга тарқалди. Халойиқ ва Султон Маҳмуд қўшинлари Хисравшоҳга ҳужум қилиб уни йўқотмоқчи бўлганларида бир қанча тархон беклар уларни тинчитиб, Хисравшоҳни яхшилиқча Самарқанддан Ҳисорга бадарга қилиб, марҳумнинг катта ўғли Султон Масъуд Мирзо иштиёрига жўнатиб юбордилар. Афсуски, Султон Маҳмуд Мирзонинг катта ёшдаги ўғулидан биронтаси ҳам Самарқандда эмас эди. (Барчаси отаси ҳаётлигида тақсимлаб берган ўз мулкларида эдилар). Самарқанд тахтининг хавф остида қолгани, албатта, Бобирни ҳам ташвишга солади.

Ниҳоят, Хисравшоҳ даф бўлгач, Самарқанд беклари маслаҳатга тўпланишиб, марҳум Султон Маҳмуднинг Бухорога ҳоким этиб тайинланган иккинчи ўғли, 18 ёшли Бойсунгур Мирзони<sup>1</sup> отаси тахтига таклиф қилдилар. Алқисса, шу билан Самарқандда тинчлик ўрнатилдими? Афсуски, йўқ. Бир гуруҳ Самарқанд ақобир-у, аъёнлари хуфёна иш тутиб, Мўғул хони Султон Маҳмудхонни таклиф қилдилар ва у Самарқандни эгаллаш умидида қўшин тортиб, ҳужум бошлади. Қонуний тахт вориси Бойсунгур Мирзо қўшини билан мўғул аскарлари ўртасида шаҳарнинг Канбой мавзеида жиддий жанг бўлди. Жуда кўп мўғул аскарлари қирилди ва Бойсунгур Мирзо ғалаба қозонди.

Ёш Бобир подшоҳнинг Самарқанд тахти ишончли қўлда эканига, бу ерда тинчлик бўлишига шубҳаси бор эди. Шунинг учун ўз Фарғона мулкининг теграсини мустаҳкамлаб олиши керак, отаси Умаршайх Мирзо давридаги давлат чегарасини аниқлаб олмаса Бойсунгур Мирзо Фарғона мулкига ҳам қўл узатиши ҳеч гап эмас-буни Бобир ўз ташқи сиёсатида чуқур ҳис қилди. Ўртада сотқинлар ҳам иш кўрсатиши мумкин. Бойсунгур Мирзо билан Султон Маҳмудхон ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтган кунлари Фарғона мулкининг Исфара шаҳрида худди Бобир хаёлидан ўтган ана шундай сотқинлик рўй берди.

Қачонлардир марҳум Умаршайх Мирзо хизматида бўлиб, сўнгра бек мақомига эришган Иброҳим сору (эҳтимол, Сарик) илгари Умаршайх Мирзога хиёнат қилгани учун Андижондан чиқариб юборилган эди. Ўша ойлари кутилмаганда Исфарада

<sup>1</sup> Ҳурматли ўқувчилар бу шахсни Шоҳруҳнинг ўғли - 1433 йилда вафот этган Бойсунгур Мирзо билан алмаштирасинлар.

пайдо бўлиб, Бобирга ҳам бўйсунмасдан, шаҳар масжидида Бойсунгур Мирзо номига хутба ўқитади. Бу - Исфара Фарғона мулкидан ажралиб чиқди дегани эди. Бобир фурсатни қўлдан бермасдан ва ўзининг ота мерос давлатининг бус-бутунлигини таъминлаш ҳақидаги режаларини рўёбга чиқариш учун кўриладиган тadbир-чоралар маъносида ўша йил шаъбон ойида (яъни, 1495 йил апрел охири, майнинг бошлари) дарҳол черик тортиб Исфара томон юриш қилди. Шу ой охирида шаҳар қуршовга олиниб, Бобир йигитлари фидокорона жанг қилдилар. Сайид Қосим эшик оға, Султон Аҳмад Танбал, Муҳаммад Дўст тоғойи каби Бобирга содиқ беклар жангда, айниқса қиличбозликда маҳорат кўрсатдилар. Исфара қуршови 40 кунга чўзилди. Ниҳоят, фитначи Иброҳим сору шаҳарни топширишга мажбур бўлди ва у ерда ҳозир бўлган Хожа Мавлоноий Қози воситаси-ла Бобирга бўйсунганини изҳор қилди - одатга кўра қиличу, садоғини бўйнига осиб, Бобир хизматига келди. Бобир уни жазолаши мумкин эди, ахир у сотқинлик қилди-ку! Йўқ, Иброҳим соруни жазоламади. Марҳум отаси Умаршайх ҳурматидан (Нима бўлганда ҳам отага хизмат қилган) ва ўзидаги раҳмдиллик, одамийлик сифатларидан уни кечирди ва ўз хизматига қабул қилди.

Фарғона мулки вилоятларини мустақкамлашга қаратилган Бобир режаларига биноан Исфарадан нари бориб Хўжанд қалъасини ҳам мустақкамлаб олиш учун айнаи фурсат эди. Зеро, Умаршайх Мирзо даврида бу шаҳар ҳам Фарғонага тобе эди. У ўлгач, ҳокимиятда юз берган бесаранжомлик вақтлари Хўжанд Самарқандга - Султон Аҳмад Мирзога тобе бўлиб қолган эди. Мана, энди у ҳам йўқ. Хўжанд ҳокими Абдул Ваҳҳоб шиғовулга<sup>1</sup> ҳозирча Бойсунгур Мирзо етиб келган эмас. Бобир фурсатдан фойдаланиб, дарҳол Исфарадан Хўжандга юрди. Ҳоким Абдул Ваҳҳоб шиғовул вазиятни тушунди шекилли, ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан шаҳарни Бобирга топширди. Шундай қилиб, ёш подшоҳ тобора етилиб бораётган қобилиятига кўра мустақиллик билан иш тутиб, Фарғона мулкининг ғарбий чегаралари хавфсизлигини бир мунча мустақкамлаб олди. Бу Бобирнинг давлат бошлиғи сифатида тажрибаларининг ортиб боришини таъминлади.

---

<sup>1</sup> Шиғовул - хонликларда элчиларни, меҳмонларни қабул қилиб жой, озиқ-овқат билан таъминлайдиган вазифадор шахс.

Лекин ёш Бобирнинг Фарғона ҳукмдори сифатида фикр юри-тишича, унинг мулкига четдан-тоғаси-ю, амакиваччаси, ҳатто Қошғар ҳоқимлари томонидан ҳам бўладиган хавф кишини хо-тиржам қиладиган даражада, йўқ бўлиб кетган эмас эди. Укалар-ри Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзоларни ишга соладиган ва улар орқасига беркиниб иш кўрадиган, аммо ўзлари зоҳиран Бобирга хизмат қиляётган ғаламис беклар ҳам маълум даража-да ташвиш туғдирарди. Бу хаёллар ёш Бобирни, албатта ота ме-рос Фарғона тақдирини ўйлашга ундайди, уни мустақил давлат шаклида томир отиб, мустаҳкам бўлиб олмоғининг турли йўлла-рини ўйлайди-излайди.

Мана шу ўйлар унинг хаёлини чулғаб, шу ҳақда фикрлаб юр-ганида тоғаси Султон Маҳмудхон кутилмаганда Шоҳруҳияга ҳужум бошлади. Юқорида ёзилганидек, илгари ҳам, яъни Сама-рқанд ҳоқими Султон Аҳмад Мирзо Андижонга ҳужум қилгани-да хон Сирдарё бўйлаб келиб Ахсини босган эди. Гарчи она то-мондан қариндош-уруғчилик бўлса ҳам мўғул хонлари барибир мулкгирликка мойил эдилар - буни Бобир ўзи ҳам таъкидлаб ўта-ди. Ахир Султон Маҳмудхоннинг поччаси бўлмиш Умаршайх Мирзо вафотига, тўғрироғи ҳалокатига эндигина бир йил бўлса-ю, ўз жияни Бобирга шафқат қилиш ўрнига унинг мулкига чанг солишга қандай ботинади! Бундай мулоҳазалар гуманизм ғала-ба қилган бизнинг асримизда бўлиши мумкин. Қадимда, ўрта асрларда эса...

Бобир ўз тоғасининг мулкгирлик одатидан унга таажуб ҳам қилмади, хаёлига шундай мулоҳаза келди: Султон Маҳмудхон, нима бўлганда ҳам отадан эрта етим қолган Бобирга ҳам ота, ҳам оға-ку. Модомики, улар шундай яқин қариндош эканлар, мулкгирлик феъли эшитар қулоққа дуруст эмас. Яхшиси, Бобир тоғасининг олдига борсин-да, унинг хизматига кирсин. Ўшанда орадаги гина-кудуратлар, ўзаро норозиликлар ювилиб кетар. Шундай қилса узоқ-яқиндаги дўст-душман олдиди ҳам яхши бўларди.

Бобир шу яхши ният билан Шоҳруҳияга йўл олди. Султон Маҳмудхон шаҳар атрофидаги Ҳайдарбек боғига чодир курдир-

<sup>1</sup> Шоҳруҳия - Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўшилган жойида, унинг ўнг соҳилидаги қадимий Бинокент шаҳри. Уни Чингизхон вайрон қилгач, Амир Темур қайта тиклаб ўғли Шоҳруҳ Мирзо номига қўйган эди.

ган экан, уни чодирга етакладилар. Бобир чодирга кириб, ён-бошлаб ўлтирган тоғасига, одатга биноан, уч марта буклиб салом берди. Тоға ҳам ўрнидан турди (ҳар ҳолда жияни ҳам подшоҳ-да) ва таъзим бажо келтириб салом берди. Салом-алик маросимлари тугагач, Султон Маҳмудхон жиянини ўз ёнига ўлтиришни буюрди ва Бобирга муруват-у, илтифотлар кўрсатди.

Афтидан Бобир тоғаси ҳузурида бир-икки кун меҳмонда бўлди. «Бобирнома»даги ишорага қараганда икки кунгача зиёфат ва сайиллар ўтказилган ва қадимий мўғулча одатга кўра «баҳодирлик» унвони учун мусобақалар уюштирилган. Бироқ тоға-жиян ўртасида нима ҳақда суҳбат бўлди, нимага келишдилар-бизга номаълум. Ҳар ҳолда Бобирни яхши кутиб олгани ва унга марҳаматлар кўрсатганини сиёсат оламида ҳам яхшиликка нишона деб билмоқ керак.

Бобир тоғаси олдидан қайтишда Кандирлик (Кендирлик) давони орқали Фарғона водийсига ўтиб, Ахси шаҳрига келди ва биринчи марта марҳум отасининг мазорини зиёрат қилди. Ислон дини қондасига биноан албатта қуръон тиловатлари қилиниб, хайр-эҳсонлар тарқатилди. Ўша куни жума эди. Агар Бобир мотам кайфиятларига ва болалик ҳиссиётларига берилса отанинг мазори ёнидан кетолмасди. Йўқ, ундай қилолмайди, чунки у подшоҳ - давлат бошлиғи, эл-улус масъулияти шахсий-ҳиссий манфаатлар устидан ғолиб келади. Пойтахтда давлат ишлари уни кутиб турибди. Бобир жумъа намозини ўқибоқ мана шу хаёллар билан Ахсидан Андижон томон йўлга чиқди ва Банди Солор йўли билан ўша куни хуфтон намозига яқин ўз пойтахтига - Андижонга кириб келди. Ҳисоб-китобларга қараганда бу воқеалар 1495 йилнинг июл-август ойларида содир бўлаётган эди.

Гарчи «Бобирнома»да ва бошқа манбаларда аниқ ёзилмаган бўлса ҳам айрим қисқа воқеалар баёнидан шу нарса маълум бўладики, Бобир қўшинлари орасида қандайдир парокандалик, иқтисодий таъминот жиҳатидан етишмовчиликлар сезилади. Қўшин эса, ўша давр тартибига биноан, ёлланган бўларди. Йигит (аскар) қўшинга сафарбар қилиндими - унинг оиласининг таъминоти ҳам давлат томонида. Умаршайх Мирзо вафотидан буён ўтган вақтлар давомида парокандаликлар аскарлар таъминотига ҳам халал етказган кўринади. Уларнинг моддий таъминоти билан ҳам Бобир шуғулланиши керак. Акс ҳолда, қўшин ифвогарлар гапи-

га учиб унинг тасарруфидан чиқиб кетиши мумкин. Бу - муҳим иқтисодий ва сиёсий масала эди.

«Бобирнома»да баён қилинишича, Фарғона водийси билан Қошғар ўртасидаги баланд тоғликлар орасида Чакрак номли беш-олти минг уйлик саҳронишин (қўчманчи) қабила яшайди. Асосан от ва қўйлари сероб. Қорамол ўрнига қўтос (тоғ хўкизи) боқадилар. Гарчи улар Фарғонага тобе бўлса ҳам анча узоқда - бориш қийин бўлган тоғ оралиғида жойлашганлиги учун улар ўзларича мол юборишга шопилмайдилар. Йил мавсуми эса - куз-қиш яқинлашмоқда. Шунинг учун Бобир ушбу элатга, Қосимбек қовчин бошлиқ қўшин юборди. Буйруққа биноан Қосимбек бу тоғ элидан 20 мингга яқин қўй ва ярим минггача от ундириб қайтди. Ундирилган ҳайвонларнинг бир қисми аскарлар ўртасида тақсимланди.

Қўшин Чакракдан қайтгач, галдаги вазифа - Ўратепани қайтариб олиш эди. Ўратепа Умаршайх Мирзо даврида Фарғона мулкига тобе эди. Унинг вафотидан сўнг бошланган тартибсизликлар оқибатида Самарқанд ҳокими тасарруфига ўтиб кетган бўлиб, ўша - 1495 йил куз ойлари Ўратепа Бойсунғур Мирзо ихтиёрида, шаҳар ҳокимлиги эса унинг укаси Султон Али Мирзо қўлида эди. Бобир черик-аскарининг иқтисодий таъминотини яқшилаб олгач, Ўратепани қайтариб олиш учун юриш бошлади-ю, ammo Ўратепани қўлга киритолмади.

Бобир қўшинлари Ўратепа атрофига келганида кеч куз бўлиб, деҳқончилик экинлари аллақачон йиғиштирилиб олинган ва қиш яқинлашаётган эди. Отларга ем-хашак ҳам йўқ эди. Шу сабабдан Ўратепа атрофида бир неча кун туришгач, Бс бир ўз аскарларини Андижонга қайтариб олиб келди. Улар кетиши биланоқ тоғаси Султон Маҳмудхоннинг одамларидан бири Ўратепага ҳужум бошлади. Шаҳар мудофааси топширилган Шайх Зуннун Султон Али Мирзо бек аткаси эди. У қаршилик кўрсата олмай шаҳарни ташлаб қочиб кетди. Шу тарзда бу шаҳар Фарғона мулки ихтиёридан чиқиб ҳижрий 908 (мел. 1502) йилгача Султон Маҳмудхон одамларидан бўлмиш Муҳаммад Хусайн Кўрагон тасарруфида қолиб кетди.

1496 йилнинг бутун биринчи ярмида Бобир Андижонда бўлди ва ўзини подшоҳ сифатида ҳис қилган ҳолда, ҳозирги

---

<sup>1</sup> Чакрак - туркий қабилалардан бирининг номи.

давр тили билан айтганда давлатнинг идора органларини бир-мунча аниқлаб олди. Жумладан, давлат кенгаши тузиб, унга кирадиган беклар сонини белгилади. Темурийзода султонларга хос равишда тахт ўрнига баланд қўйилган махсус жойда ўлтирадиган бўлди. Уша ойлари Мовароуннаҳр жанубида бир қатор тартибсизликлар содир бўлган эди. Султон Ҳусайн Мирзо (Бойқаро) Султон Маҳмуд Мирзонинг вафотини эшитиб, унинг катта ўғли Султон Масъуд Мирзога ва содиқ бекларидан Хисрав Шоҳга тегишли бўлган вилоятларга қарши ҳужум бошлаган эди. У қўшин тортиб Амударёдан ўтади ва Ҳисордан Қоратегин томонга юради. Паришонлик ойлари (яъни Умаршайх ҳалокатидан сўнг) бу томонларга кетиб қолган баъзи Фарғона бекларидан Маҳди Султон, Ҳамза Султон ўғли Маман Султон, Муҳаммад Дуғлот (кейинча Муҳаммад Ҳисорий номида), Султон Ҳусайн Дуғлот ва бу султонларга бўйсуниб қолган бир қанча ўзбеклар, шунингдек Ҳисор вилоятида қолган ва марҳум Султон Маҳмуд Мирзога навқар бўлиб хизмат қилган мўғуллар барчаси бирга Ҳусайн Бойқаро ҳужумидан ўзларини эҳтиёт қилиб, рамазон ойида (яъни, 1496 йил, май) Андижонга - Бобир ҳузурига кириб келадилар. Бекларнинг аксари Бобирга таниш - марҳум Умаршайх Мирзонинг содиқ кишилари бўлиб, унинг вафотидан сўнг Фарғонани ташлаб Самарқандга ва кейин Султон Маҳмуд Мирзо вафотидан сўнг эса жанубга - Хисравшоҳ ва марҳум Султон Маҳмуд Мирзога теккан вилоятларга кетиб қолган эдилар. Албатта, Бобирни эслаб ва қадрдонлик қилиб, уни йўқлаб келганлар хусусан шундай сиёсий танг вақтда Бобир учун каттагина мадад эди: улар орасида қуролланган ўзбек ва мўғул йигитлар ҳам бор эди.

Бобир хурсанд бўлиб, уларнинг ҳурматига ўрнидан туради ва тўшак устидан пастга тушиб, барчаси билан самимий кўришади, ўнг ёнига таклиф қилади. Подшоҳнинг ўнг ёнида ўлтириш анъанавий шоҳона одатга кўра, алоҳида ҳурматга лойиқ кишиларга насиб қиларди. Барчаси зар кўрпачаларда чордана қуришиб ўлтиришади. Келганларнинг ҳаммалари Бобирга хизмат

---

<sup>1</sup> Бобир бу ўлтиргични «Тўшак усти» деб тилга олади. «Бобирнома»нинг русча таржимасида «Ложа» деб берилган.

қилиш истагини билдирадилар. Мана шундай ҳолатда, - яъни Фарғонада нисбий осойишталик ҳукм сураётган ва 14 ёшга тўлаётган зукко Бобир бир подшоҳ сифатида тажрибаси кундан-кунга ортиб бораётган, жисмоний жиҳатдан кучга тўлаётган бир вақтда, - юқорида айтилганидек, Бобир бошига «Самарқанд жоҳароси» тушади.

Самарқанд ҳоқими Султон Маҳмуд Мирзониинг вафотидан сўнг отаси тахтига ўлтирган унинг иккинчи ўғли Бойсунғур Мирзо<sup>1</sup> Самарқанд беклари ва қўшин бошлиқлари билан яхши муомалада бўлмади. Унинг энг яқин кишиси Шайх Абдуллоҳ барлос бек эди. 18 ёшли Бойсунғур Мирзо Шайх Абдуллоҳ барлос ўғиллари билан тенгдош бўлгани учунми, кўпроқ улар билан ўртоқлашарди. Самарқандли тархон беклар бундан норози бўлишиб, 1496 йил май ойи ўрталарида Бойсунғур Мирзога қарши кўтарилдилар. Улар Қаршидан укаси Султон Али Мирзони олдириб келишиб, ака ўрнига Самарқанд ҳоқими этиб эълон қилишди ва дарҳол Бойсунғур Мирзони навкарлари-ю, хизматчиларидан ажратиб, гўё асирга олгандек якка ҳолда аркка олиб келиб, укаси Султон Али Мирзо билан кўриштирдилар. Аср намозидан кейин Бойсунғур Мирзони Кўксаройга олиб бориб қўйишга қарор қилишди. Бу уни жазолаш дегани эди.<sup>2</sup>

Буни фаҳмлаган Бойсунғур Мирзо таҳорат қилиш баҳонаси билан ҳожатхонага кириб, орқа деворни йиқитади ва ундан ҳовлига чиқиб, қочиб тўғри Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг катта ўғли Хожа Абдуллоҳнинг уйига яширинади. Хожа Аҳрор ҳақидаги бир манбада ёзилишича, Хожа Абдуллоҳ Бойсунғур Мирзога ўз каромати билан куч ато қилган-да, сўнгра у деворни йиқитиб

---

<sup>1</sup> Таассуф билан қайд этиб ўтмоқ лозимки, кўзга кўринган бобиршунос олима Сабоҳат Азимжонова Бойсунғур Мирзони Султон Аҳмад Мирзониинг ўғли деб ҳисоблаб хатоликка йўл қўйган. Умуман, олима Султон Аҳмаднинг укаси Султон Маҳмуд Мирзониинг, Бобир ёганидек, 5-6 ой бўлса ҳам Самарқанд ҳоқими бўлганидан хабари йўқ кўринади. (Қаранг: С.А. Азимжонова, Государство Бабура в Кабуле и в Индии. М, «Наука», Гл. ред-ция восточной литературы, 1977.34- бет.

<sup>2</sup> КЎКСАРОЙ - Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд аркида қурилган катта бино бўлиб, ўша замондан буён ким тахтга ўлтирса тантана шу саройда бўлади. Ва, аксинча, ким тахтга қарши бош кўтарса шу саройда жазоланади. Шунинг учун ҳатто Самарқандда мажозий маънода «фалончини Кўксаройга олиб кетибди» - деган гап тарқаладиган бўлган. Бойсунғур Мирзони ҳам шу ерда жазолашмоқчи эдилар.

қочган. Аввал Хожанинг содиқ муриди Саид Баззоз деганникига яширинган, сўнгра Хожа бориб, уни ўз чорбоғига олиб келган. Бир мунча муддатдан сўнг қоровуллар қарасаки, Бойсунғур Мирзо йўқ. Излашиб икки-уч кундан сўнг унинг тарафдорлари Ҳазрат Хожа уйдан Мирзони олиб келишади ва укаси Султон Али Мирзони ҳамда бош кўтарган Самарқандлик тархонларни асирга олиб, аркка қамаб қўйишади. Қўзғолончилар бошлиғи Дарвиш Муҳаммад Тархон Бойсунғур Мирзо томонидан ўлим жазоси олади. Энди укаси Султон Али Мирзони, одатга кўра, Кўксаройда жазолашга қарор қилиб келтиришади ва шу ерда акаси унинг кўзига мил торттиради.

Тасодиф бўлдимми ёки жарроҳ атай қилдимми - тортилган мил кўзга зарар келтирмай, Султон Али Мирзо соғ қолади. (Бошқа бир манбада айтилишича, Хожа Аҳрорнинг кичик ўғли Хожа Яҳё кўрсатмаси билан аввал Султон Али Мирзо кўзига сурма тортилган, натижада мил (чўғланган игна) кўзга таъсир кўрсатмаган ва соғ қолган). Аммо Султон Али бунини пинҳона тутиб саройдан тўғри Хожа Яҳё уйига қочади ва икки-уч кун яширишиб ётиб, сўнг Бухорога қайтиб келади. Бундан хабар топган акаси Бойсунғур Мирзо унинг кетидан Бухорога қўшин торттиб боради. Ўртада қисқа муддатли жанг бўлиб, Султон Али Мирзо қўшинлари акаси Бойсунғур Мирзо устидан ғалаба қилади, Бойсунғур Мирзо зўрға қочиб қутилади. Кўп одамлари асирга тушади. Асирга олинганлар орасида Бойсунғур Мирзонинг яқин кишиларидан Аҳмад Ҳожи бек ҳам бор эди. Уни «Дарвеш Муҳаммад Тархон қони учун» деб шармандаларча ўлдиришади. Султон Али Мирзо изма-из акасини қувиб Самарқандгача кириб келади.

Мана шу ҳақдаги хабар ўша йили шаввол ойида (1496 йил июн) Андижонга етиб келган эди. Ака-укалар ўртасидаги шу воқеаларни эшитган Бобирда шундан сўнггина Самарқанд можаросида иштирок қилиш истаги пайдо бўлади. Бобир шахсини, ёш бўлса ҳам унинг дунёқараши-ю, маънавий тафаккурини чуқурроқ ўрганиш шундай бир одилонга хулоса чиқаришга асос бўладигани, у катта мақсадларни орзу қилган, буюк бобоси Амир Темур тахтининг тақдири уни кўпроқ ўйлантирган. Бобоси Абу Саид Мирзодан кейинги Самарқанд ҳокимларининг фаолиятлари Бобирни мутлақо қониқтирмайди. Хусусан, ки-

чик амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қилмишлари шуни исбот қилдики, катта амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг даври ҳам бир навъ экан. Деярли 25 йил иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт нисбатан осойишта ўтган экан. Султон Маҳмуддан кейинги аҳвол бу хулосани тасдиқлайди. Нима бўлганда ҳам Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг эл орасидаги нуфузи Султон Аҳмад Мирзонинг ҳокимлик фаолиятига катта таъсир кўрсатиб, нисбатан маъмурчиликни таъминлаб турган. Зеро, Султон Аҳмад Мирзо ҳам ҳазрат Хожани пирим деб биларди, унинг ўғитларига доимо қулоқ соларди.

Султон Маҳмуд Мирзо эса акаси давридаги тартибларга «янгилик киритамаъ» деб Хожа Убайдулло хотирасини бутунлай оёқ ости қилди ва халқнинг тавқи лаънатига қолди. Унинг тахт талашаётган ўғиллари - Бойсунғур Мирзо ва Султон Али Мирзоларнинг ишларию, қилган қилиқлари «Самарқанд ҳокими» деган улуғ унвонга мутлақо зид эди. Улар ўз қилмишлари билан катта бобоси Соҳибқирон Амир Темур хотираси олдида ҳам гуноҳкор эдилар.

Ахир, ака тахт талашиб ўз укасининг кўзига мил тортишга буюргандини қандай тушуниш керак?! (Кейинроқ Бобирнинг ўғиллари орасида ҳам шундай хижолатли ҳолат юз берди - ред).

Шунинг учун ҳам Султон Маҳмуд Мирзо, ўғиллари Бойсунғур Мирзо ва Султон Али Мирзолар номи халқимиз, ватанимиз тарихида ҳурмат билан тилга олинмайди. Чунки улар ўз фаолиятларида арзигулик савоб иш қилмадилар. Ўзаро уруш-тўқнашувларда қайтага ноҳақдан халқ қони тўкилди.

Шу жиҳатдан қараганда ёш Бобирнинг «Самарқанд можа-роси»га аралашувини босқинчилик эмас, бузуқнаш бошқа, ижобий маънода тушуномқоз лозим. Тўғри, кечаётган воқеаларга юзаки қараганда Бобир ҳам подшоҳзодалардан бири сифатида Самарқанд тахтини эгаллаш учун курашаётгандек кўриниши мумкин. Таажжубки, таниқли бобиршунос олима С. Азимжонова ҳам Бобирни Самарқандни «босиб олишдан манфаатдор эди» - деб талқин қилади. Аммо, Бобир бошқа темурийзодалардан кичик бўлса ҳам унда узоқни ўйлаш, ватанпарварлик, Мовароуннаҳрни бус-бутун, ягона ҳокимиятга бирлаштириш, уни ташқи ғанимларга бермаслик каби эзгу ният бор эди. Бобирнинг

<sup>1</sup> С. Жалилов, Бобирнинг Фарғона давлати, Тошкент, «Фан» 1995, 36-37 бетлар.

Самарқанд моjarосида иштирок қилишини мана шу эзгу ният йўлидаги уринишлардан деб билмоқ керак. Самарқанддаги аҳвол ҳақида хабар келгач, ўша шаввол ойининг тўртинчи кунисқ (яъни, 1496 йил, 16 июн) Бобир Самарқандга юриш бошлади. Марҳум Султон Маҳмуд Мирзонинг катта ўғли Султон Масъуд Мирзо ҳам Самарқанд умидида Шаҳрисабз томондан ҳужумга тайёрланди. Ҳисор ҳокими Хисравшоҳ ҳам Султон Масъуд Мирзога кичик укаси Вали бошчилигида ҳарбий ёрдам юборди. Бобир қўшинлари Самарқандни уч томондан қуршаб олдилар. Бу қуршов тўрт ойча давом этганда Хожа Аҳрор Валийининг кичик ўғли Хожа Яҳё Султон Али Мирзо номидан Бобир ҳузурига келиб, у билан учрашувлари ҳақида келишиб олинди. Келишилган кунни Қўҳак (ҳозирги Зарафшон) дарёсининг у қирғоғида ўз одамлари билан Султон Али Мирзо ва бу қирғоғида Бобир Мирзо, отларидан тушмаган ҳолда узоқдан бир-бирлари билан саломлашдилар-да, ҳол-аҳвол сўрашиб, сўнг яна орқага қайтиб кетдилар. Ўшанда келаси йил баҳорда Султон Али Мирзо Бухородан ва Бобир Андижондан Самарқандга юришга қарор қилинган эди.

Шу сабабдан ҳамда қиш фасли яқинлашаётгани учун самарқандликларга ҳам жабр бўлмасин деб, Бобир қуршовни бўшатди ва ўз қўшинлари билан Андижонга қайтди. Султон Али Мирзо ҳам Бухорога қайтиб кетди. «Самарқандга ҳужум қиламан» - деб Шаҳрисабзда қўшин билан турган Султон Масъуд эса Шайх Абдуллоҳ барлоснинг қизига ошиқ экан, уни олди-ю, ҳужум ниятидан қайтиб, у ҳам ўз мулкига, Ҳисорга жўнаб кетди. Қаранг: Самарқандга ҳужум қилишдан мақсад - фақат севганига уйланиш экан! Ваҳоланки у ҳам теурийзодалардан, Бобир ҳам. Аммо ниятлари-ю, фаолиятларида ер билан осмонча фарқ борлиги кўришиб турибди.

Келаси, 1497 йил май (рамазон) ойи ўргаларида Бобир қўшинлари Андижондан Самарқанд томон йўл олдилар. Султон Али Мирзо ҳам аллақачон келганлиги маълум бўлди.

Ийд намози ўқилгач, Бобир ўз қўшини билан Самарқандга яқин Обёр қўриғида тўхтаганида бир қанча беклар уч-тўрт юз йигити билан Бойсунгур Мирзодан ажралиб, Бобир хизматига келдилар. Бундан маълум бўладики, самарқандликлар ҳам марҳум Султон Маҳмуд Мирзо фарзандларининг ҳукмронлигидан

безишган ва Бобир Мирзога тобе бўлишга тайёр. Бобир одамлари Самарқанднинг шарқ томонидаги Ём қишлоғида тўхташди. Бироқ Бобир беклари бу ерда Бойсунғур Мирзо одамларига дуч келиб, қисқа, аммо қаттиқ олишув бўлди. Бу олишувда барибир Бобир беклари ғолиб келди. Аммо Хожа Калон (Фарғона шайхул-исломи)нинг акаси, олий лавозимдаги Хожаи Мулло Садр шу олишувда ҳалок бўлгани Бобирни зўр қайғуга солди.

Шу давргача бобиршуносликда қуйидаги «арзимас» бўлиб кўринган, аммо моҳиятан муҳим бир ҳолатга эътибор берилмайди: Бобир Ёмда турганида унинг қароргоҳи жойлашган майдон бозорга айланиб, барча самарқандликлар ҳар куни келишарди ва бу ерда олди-сотти ишлари қизиб кетарди. Фикримизча, бу элнинг Бобирга томон интилишини кўрсатар эди. Шаҳарда осойишталик йўқ, ака-ука Мирзолар ҳужумидан халойиқ безиган, бозорини, олди-соттисини ҳам бемалол қилолмай қолган. Устига-устак, иқтисодий танг вақтларда Самарқанд бозори ҳам талон-тарож қилиб турилган. Бир куни Ёмда ҳам худди шундай ҳодиса бўлди. Кўққисдан пешин намозидан сўнг бозорда тўс-тўполон бошланди: бутун бозорни аскарлар талаб кетишибди. Бундан Бобир воқиф бўлгач, махсус фармон чиқарди. Унга биноан, барча таланган нарсалар дарҳол эгаларига қайтарилсин. Фармон-буйруқнинг кучини қарангки, эрта саҳардаёқ барча таланган моллар-ҳатто «ип-у, игна синиғгача» («Бобирнома») эгаларига қайтарилиб берилган. Бобир Мирзонинг бу ва шу каби бошқа тадбирлари унинг самарқандликлар орасида нуфузи ортиб боришини таъминлайдиган омиллардан эди. Иккинчи томондан, фармон ижросининг қатъийлиги - хоҳ доимий ҳаётда, хоҳ сафарда бўлсин, - Бобир қонун устиворлигига нақадар жиддий аҳамият берганига ҳужжатдир.

Бобир қўшини Ёмдан кўзғалиб, Самарқанддан тахминан 6 км шарқ томонда жойлашган «Хон юрти» мавзеида қароргоҳ қуриб, 40-50 кунча шу ерда қолдилар. Бу орада қамалда қолган Бойсунғур Мирзонинг йигитлари билан тез-тез жанглар бўлиб турди. Бобир «Хон юрти»да турган кунлари унинг олдида жуда кўплаб шаҳарликлар ҳамда савдогарлар келиб кетади. Қароргоҳ атрофини ҳамма нарса топиладиган шаҳар бозоридан фарқ қилиб бўлмасди. Бу Самарқандда Бобирнинг шуҳрати ва обрўйининг ортиб бораётганидан нишона эди.

Аслини олганда Самарқанд шаҳридан ташқари барча атроф Бобир ихтиёрига ўтган эди. Бир сафар ургутликлар ҳам Хожа қозини ўртага солиб Бобирга бўйсундилар. Бобир ғанимлик қилганларни тутиб келтирсалар ҳам раҳмдиллик ва одамийлик кўрсатиб, афв этиб қўйиб юборди. Бир неча кундан сўнг Бобир ўз қароргоҳини Кўҳак дарёсининг у томонидаги Кўлба тоғ оралиғига ўчирди. Буни қамалдаги самарқандликлар «Бобир чекинмоқда» - деб ўйлаб, қўққисдан ҳужум бошладилар. Бобир бор йигитларини қуроллантириб (кўпи янги қароргоҳга кетиб улгурган эди), икки машҳур кўприк - Мирзо кўприги ва Муҳаммад Чаб кўприги ўртасида жиддий олишув бўлди. Кучлар тенг эмас эди. Аммо бу сафар ҳам Бобир яратганга шукрона айтиб ёзади: «Тангри рост келтирди, ёғий босилди». Яъни Оллоҳнинг ўзи унинг ишини ўнглади: душман тор-мор келтирилди, ғанимнинг кўплаб машҳур беклари ва баҳодир йигитлари асир олинди. Қамалдаги самарқандликлар учун бу мағлубият эди.

Аммо қиш мавсуми яқинлашмоқда, совуқ тушмоқда эди. Шу сабабли етакчи бекларни тўплаб, бундан кейинги ҳаракатлар ҳақида маслаҳатлашиб олинди ва шундай қарорга келинди: шаҳар аҳолисининг тинкаси қуриган, бинобарин бугунми-эртагами бир ҳужум билан Самарқандни эгаллаш мумкин-у, лекин шаҳарликларга жабр бўлади: аҳолини, қўшинни боқиб, жой топиб бериш керак ва ҳ.к. Ялшиси, Самарқандга киришни эрта баҳорга қолдириб, қишни шаҳар ташқарисидаги бирон ёпиқ жойда ўтказган маъқул. Маслаҳатлашиб, Хожа Дийдор қалъасида қишпашга қарор қилдилар. Бобир одамлари кўчиб, ушбу қалъа олдидаги яйловга келди ва қалъани қийишга тайёрлай бошлашди. Бу орада яна бир неча кун ўтди.

Ўша кунлари Бойсунғур Мирзо ғалати иш қилди. Бобир томонидан кутилмаган бир тадбирга қўл урди: Туркистонда турган Шайбонийхондан Бобирга қарши ёрдам сўраб бир эмас, бир неча бор одам юборди. Шайбонийхон ёрдамга келди-ю, бироқ иш Бойсунғур Мирзо кутганидек чиқмади: Бобирнинг қароргоҳи Хожа Дийдор қалъасига ҳужум қилмади. Ваҳоланки, Бобир черикларининг кўпчилиги қишни ўтказиш учун бошқа жойларга ҳам кетган ва қалъада қўшин сони ҳам унча кўп эмас эди. Бойсунғур, Шайбонийхондан кўнгли совиб, уни яхши қабул қилмади. Шайбоний бир неча кундан сўнг яна ўз Туркистонига жўнаб

кетди. Бойсунгур Мирзонинг асосий умиди ундан эди, бу умид ҳам пучга чиқди. Шу тарзда Самарқанд куршови етти ой давом этиб, шаҳарда қийинчилик, очарчилик бошланди. Қўлдан ҳеч иш келмаган Бойсунгур Мирзо очликдан ноилож қолган икки, уч юз кишидан иборат одамлари билан шаҳарни ташлаб чиқиб, Қундуз томон кетишга мажбур бўлди.<sup>1</sup>

Бобир Мирзо бу хабарни эшитгач, йигитлари билан дарҳол Хожа Дийдор қальасидан чиқиб, тўғри Самарқандга кириб борди. Бутун йўл бўйлаб беклару оқсоқоллар шаҳар ташқарисида Бобирни хурсандлик билан кутиб олдилар. Бу ҳолатни инглиз тарихчиси ва «Бобирнома» таржимони Уильям Эрскин таржима-сида берамиз: «Йўл устида - деб ёзади Бобир, - бизни шаҳарнинг обрўли кишилари ва беклар кутиб олдилар, улар ортидан ёш сар-бозлар келарди. Шаҳар қальасига киргач, биз Бўстон саройга келдик. Рабби ал-охир ойининг охирига бориб (1497 йил, ноябр) Оллоҳнинг иродаси билан бутун шаҳар ва Самарқанд мамлака-ти бизнинг ихтиёримизда бўлди».<sup>2</sup>

Шундай қилиб Бобир орзуси ушалди - Самарқанд, - улуғ Амир Темур қазратларининг пойтахти ниҳоят қўлга олинди. Бобир таърифида биронта душман куч ишлатиб ғалаба билан Самарқанд-ни ололган эмас. Шунинг учун уни азалдан «балдан маҳфуза» (Оллоҳ ҳифзидаги шаҳар) деб атайдилар. Бобирнинг Самарқанд таърифида шаҳарга бўлган муҳаббати шундоқ билиниб туради. Шаҳар майдонини тасаввур қилиш учун Бобир қалъа девори ус-тидан юриб қадамлаб ўлчаб чиқишни махсус буюрди, унинг ай-ланаси ўн минг олти юз қадам чиқди. Самарқанд - улуғ бобоси-

<sup>1</sup> Бойсунгур Мирзо ўз одамлари билан тўғри Термизга қараб жўнади. Қун-дузга бориш учун Амударёдан ўтиш лозим. Унинг одамлари дарёдан ўтаёт-ганларида Термиз ҳокими ҳамда акасининг яқин маслаҳатчиси Сайид Ҳусайн Ахбар улардан хабар топиб Мирзога қарши отланди. Яхшиямки у дарёдан ўтиб улгурган эди. Термиз ҳокими Бойсунгур Мирзонинг қолган одамларини ва унинг олиб кетаётган барча бойлиг-у, мулкларини қўлга туширди. Қундуз ҳокими Хисравшоҳ Бойсунгур Мирзони яхши қарши олди, аммо кўп ўтмай уни шармандаларча ўлдириб юборди. Бобирнинг адолатлилиги ва мардли-гини қарангки, ўз рақиби бўлмиш Бойсунгур Мирзонинг яхши сифатларини ҳам ҳолисона баён қилади. Бойсунгур Мирзо Бобир таърифида «Ҳуш таъб ва лур фазилят, шахсий сифати ва насаби билан ораста подшоҳзода». Унинг ўлимига Бобир ачинади. Самарқанд тахтига даъвогар бўлган темирийзода-лардан бирининг тақдири мана шундай шон-шухратсиз тугади.

<sup>2</sup> Уильям Эрскин, Бобир Ҳиндистонда (инглизчадан Фафуржон Сатимов таржимаси), Тошкент, «Чўлпон», 1995, 10 бет.

нинг Мовароуннаҳрдек буюк мамлакатига пойтахт эди. Афсуски, улуғ Соҳибқирон вафотидан сўнг мамлакат бўлиниб кетди. Самарқанд юрт-улусни бирлаштирувчи бир марказ бўлолмай қолди. Бобир таърифида «Рубъи маскунда (яъни, ер юзининг инсон яшаши мумкин бўлган қисми-С.Ж.) Самарқандча латиф шаҳар камроқдир». Унинг таърифида Бобирнинг бир томондан шаҳарга ва унинг тарихий ўтмишига, ниҳоят, бутун Мовароуннаҳрга ҳурмати ва муҳаббати изҳор қилинса, иккинчи томондан шундай шаҳарнинг, шундай ўлканинг тақдирига ачиниш ҳам ётади. Бобир улуғ Соҳибқирон Амир Темур ва Улуғбек даврларида қурилган масжиду, мадрасалар, ажойиб боғлару, кўча, хиёбонларни алоҳида меҳр-муҳаббат билан таърифлайди. У илгари биринчи марта Самарқандга келганида беш ёшда эди. Унда «қулоқ тишлатти» тўйида бўлгану, сарой тантаналарида қатнашган, холос. Мана, ўшандан буён ўн йил ўтди. У энди зеҳни ўткир подшоҳ, араб ва форс тилларида саводи чиққан, Ҳанафий мазҳабидаги эътиқоди мустаҳкам комил инсон бўлиш Хожа Аҳрорнинг ўғли Мавлоно Хожа Яҳёга қўл берган.

Булардан ташқари Бобирнинг энди шеърини машқи ҳам бор. Аруз бобида аллақачон кўп нарсани билади. Улуғ Алишер Навоийни ғойибона устоз деб билади. Афсуски ул зотни зиёрат қилиш учун ҳозирча Ҳиротга боролгани йўқ. Мана, ниҳоят Самарқандга иккинчи марта келди. Улуғ бобокалони ҳазрат Соҳибқирон ва ҳазрат Улуғбекдан қолган табаррук мадраса ва масжидлару, боғлар, қалъалару бошқа иморатларни меҳр билан томоша қилди. У аввал шаҳар аркида Соҳибқирон Амир Темур қурдирган тўрт ошёнлик, Кўксарой номли ажиб бинони томоша қилди. Жуда ҳам баланд. Қалъа ичида Оҳанин дарвозасига яқин жойда жумъа намози ўқиладиган масжидни томоша қилар экан, унинг пештоқига ўйиб ёзилган ва шундай деб бошланадиган Қуръон оятига кўзи тушди: «ва из ярфаъу иброҳимал қавовда...»

Оят шунчалик катта ҳарфлар билан битилганки, уни тахминан икки км. (чақирим)ча масофадан бемалол ўқиса бўлади. Бобир шаҳар атрофидаги боғ-роғларни, яйловлар, қуриқхоналару катта-кичик сойлар, даладарни ҳавас билан айланиб томоша қилган.

<sup>1</sup> Ва из ярфаъу Иброҳимал қавовда минал байти ва Исмоилу... (Ва Иброҳим билан Исмоил ушбу уйга асос солдилар...) Бақара сураси, 125 оят.

Ҳа, рубъи маскунда Самарқандга тенг келадиган гўзал ва латиф, ажиб ораста шаҳар кам топилади. Бобир шундай шаҳарни эгаллагани учун Тангрига шукрлар келтиради. У Самарқанд атрофидаги туманларни: Шаҳрисабз, Бухоро, Қарши, Қорақўл, Кармана каби обод ва серунум жойларни ҳам обдон айланиб чиқади.

Шундай қилиб, Самарқанд ҳукмронлиги, шуҳратпараст Бойсунгур Мирзодан ёш бўлса ҳам буюк ишлар, эзгу ният, мустаҳкам давлат қуриш режасини тузган Бобир Мирзо ихтиёрига ўтди. У яхши ниятлар билан орзу қилган Самарқанд тахтига ўлтиргач, маҳаллий бекларга ва умуман нуфузли кишиларга диққат ва эътибор билан қаради. Уларнинг ҳар бирига илгари қандай бўлса, ўшандай ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди. Шунинг билан Бобир билан доимо ҳамроҳ бўлган фарғоналик, андижонлик бекларни ҳам хафа қилмади. Уларга ҳам баҳоли қудрат, эгаллаб турган мавқеларига қараб ҳурмат ва шафқат кўрсатди - лавозимлар белгилади. Бу ерда гап маҳаллий бек ва аъёнларга-ю, ўзининг яқин кишиларига хизматларига яраша мукофотлар, турли совғалар бериш ҳақида эмас, балки янги тузилаётган Самарқанд давлатининг таркиби ҳақида, турли давлат лавозимларига тегишли кимсаларни танлаш ва тайинлаш ҳақида кетаётди. Бу Бобирнинг, бошда айтилган «Самарқанд можароси»га аралашшидан кўзлаган бош мақсадга мос тушадиган тadbирлар эди.

Самарқандда Бобир «фавқулодда чоралар» кўришдан ожиз эди. Унинг ёшлигини пеш қилиб, ҳамон ботинида назар-писанд қилмайдиган беклар ҳам йўқ эмас эди. Ҳар қанча қоринни тўйғазсангиз ҳам ўз валинеъматига эмас, ўрмонга қараб турадиган бўри каби беклар дастидан қўшинда ҳам дуруст интизом ўрнатилмади. Иқтисодиётдан қийналган черик битта-иккитадан бўлиб Самарқанддан чиқиб кета бошлади. Уларга қўшилиб айрим беклар ҳам Андижон томон кетиб қолдилар. Бобир подшога энг алам қиладигани - яқиндагина улуг беклар сафига ўтказилган Султон Аҳмад Танбал қочиб кетди. Бу бориб турган нонкўрлик эди. Оқибатда сиёсий тангликни келтириб чиқарадиган шундай иқтисодий қийин шароитда ишончли ва ҳурматли киши сифатида ўз подшоси жонига оро кириш ўрнига қочди! Ёш Бобир табиатида раҳмдиллик, инсонга ишонч ва меҳ-

рибонлик каби эзгулик сифатлари бераҳмлиқ, шафқатсизлик каби мусулмон фарзанди табиатига эид бўлган сифатлар устидан доимо ғолиб келар эди. Бу феъл кейинча ҳам Бобир фаолиятида, айрим ҳолларда, унга панд беради Кўрнамак Султон Аҳмад Танбал каби ичи - тоши бошқа «одамчалар» (Бобир иборасида «мардак») унинг ёшлигидан шаклланиб келаётган мана шу феълени сунистеъмом қилишмоқда эди.

Эҳтимол, бесарамжонлик ва кўнгилсизликнинг дафъи учун Бобир ўзининг энг улуғ кишиси Хожа Мавлонони Қозини Андижонга юборади. Бобир шундай мулоҳаза қиладики, Андижон ҳокими Мавлонога содиқ киши, у жанобни ўта ҳурмат қилади. Шунинг учун Хожа ҳоким билан биргаликда ҳаракат қилиб, Самарқанддан келаётган қочоқларнинг айримларини намунага жазолаб, айримларини Бобир ҳузурига қайтариб юборишни топширади. Афсуски, оқ кўнгил Бобир Узун Ҳасан масаласида ҳам адашган экан: маълум бўлдики, Самарқанддан қочиб борганларнинг бошини бириктириб, Бобирга қарши фитна уюштирувчи бу «ҳаромнамак» (Бобир ибораси) Узун Ҳасаннинг ўзи экан. «Ўзингдан чиққан балога - қайга борай давога». Андижонда Султон Аҳмад Танбал ҳам у ҳаромнамакка қўшилди-да, очикдан-очик Бобирга қарши душман бўлишди-қолди!

Бу воқеалар содир бўлганда иқтисодий қийинчиликлар-у, сиёсий тангликларни бошидан кечираётган 15 ёшли Бобир подшоҳ Самарқандда қандай аҳволга тушганини тасаввур қилиш қийин. Бир неча йилдан сўнг «Бобирнома»да булар ҳақида ёзилганда Бобир ишлатган иборалар ва сифатлар ўтиб кетган ушбу воқеалар муаллиф кайфияти бузилган ҳолда қаламга олганини кўрсатади. Бобир ўз қўйнида илон сақлаган экан: Узун Ҳасан ҳам, Аҳмад Танбал ҳам унинг Самарқандда турган чоғидаёқ ўзаро тил бириктиришиб, Андижонни ҳам, Аҳсини ҳам Бобирнинг она бошқа укаси Жаҳонгир Мирзога олиб бермоқчи эканлар! Бундан бехабар оқ кўнгил Бобир нонкўр Султон Аҳмад Танбални беклар беги лавозимига кўтарди-я!

Бобир бошқа долзарб воқеалар оғушида қолиб, қуйидаги мантиқий ҳолатга эътибор бермаган кўринади: фикримизча, Жаҳонгир Мирзонинг онаси, — Фотима Султон оға мўғул туман бекларидан бирининг қизи, гарчи ўғил фарзандини Қутлуғ Ни-

горхонимдан кейин кўрган бўлса ҳам Умаршайх Мирзонинг биринчи олган хотини бўлгани учун Фарғона тахтини ўз ўғлига насиб этмоғини хаёл қилган ва ҳатто Эсон Давлат Бегимдан ҳам яширин тарзда аёлларга хос бу хом хаёл орзусини Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал каби «қўли узун» беклар ёрдами билан амалга оширмақчи бўлган. Албатта, агар бу орзу амалга ошса, иккала бек ҳам қуруқ қолмайди - яхшигина тақдирланади. Балким, хуфя тарзда, «хамир учидан патир» дегандек, нимадир олгандирлар ҳамки, бу хуфёна ишдан оқ кўнгил Бобирнинг мутлақо хабари йўқ. Акс ҳолда, ёш Бобир подшонинг шунча ишончи-ю, хурматини қозонган бу икки ярамас бек энг ишончли кишилар сифатида давлат мансабларида бўлатуриб, нега Бобирга хиёнат қиладилар. НЕГА!! Бу саволга жавоб топиб қийин, албатта.

Балким Самарқанд салтанати Бобир учун кифоя қилади, деб ўйлашгандир. Агар шундай деб ўйласалар, Бобирдан яхшиликча сўрасалар, у Андижонга ҳокимликни берар эди-ку. Йўқ, улар Бобирнинг подшоҳ сифатида кенг мулоҳазаларини мутлақо тушунмаган шекилли.

Бобирнинг қиёсий ҳаётномасини тиклар эканмиз, бу саволларни қўйишга ҳақлимиз. Зеро, шунга ўхшаш сотқинликлар Юлий Цезар ҳаётида ҳам бўлиб ўтган. Лекин Цезар хуфёна сотқинлар ўрамида қолганида унинг ёши Бобирникидан анчагина катта эди. Шунинг учун Цезар ўз вақтида зарур тадбирлар кўрган ва улардан ўч олган. У ҳатто ўз дўсти Брутни маҳв этиш учун қўшинлар юборди. Бироқ Бобир подшоҳ ҳали ёш, кўнгли пок, Цезарга ўхшаган муғамбирликни билмайди. Одамларга ишонувчан, оқ кўнгил. Салбий сифатлар-у, айёрликни билмасдан катта бўлаётган бундай подшоҳзодани алдаш албатта, нисбатан осонроқ.

Ҳаламислар ҳеч бўлмаганда Бобирнинг тоғаси, Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхондан уялсалар бўларди. Ёдингизда бўлса, Бобир ўтган йили тоғаси Шоҳруҳияда эканида, ҳузурига бориб ўзини тоғалик-оталик бағрига олишни сўраган эди, Султон Маҳмудхон жиянини ўнг томонига ўтқазиб, ёш бўлса ҳам не-не хурмат-эҳтиромлар кўрсатган эди. Бинобарин, агар Андижоннинг Бобир қўлидан кетиши ҳақида гап бўлса, у Жаҳонгир Мирзога эмас, гарчи ваъда қилинмаган бўлса ҳам тоғасига ўтиши керак эди. Бунинг устига Жаҳонгир Мирзо уялмай-нетмай, Самарқан-

ддан қочоқлар келаётган кунлари вилоятни ҳатто ҳарбий куч билан босиб олмоқчи бўлди. Шундай қилиб, сотқинлик рўй берди. Бобирнинг кўп одамлари, черик ва у билан бирга бўлган мўғул навқирон навкарлар ҳам Андижонга кетиб қолдилар. Самарқандда беклар-у, йигитлар, хизматчи-ю, ишбошилар - ҳаммаси бўлиб Бобир билан мингга яқин одами қолди, холос. Қочоқларнинг барчасини Узун Ҳасан ва Танбал ўз атрофига бирлаштириб, Андижонга ҳужумга тайёрлаб, Бобирга нисбатан очикдан-очик душманлик лагери пайдо қилдилар. Бобир отасига ҳам ҳалоллик билан хизмат қилган Тўлун Хожа исмли ўзига содиқ ва довюррак йигитни Самарқанддан Андижон томон юборди. Топшириқ шундан иборат эдики, Бобирдан қочиб кетган мўғуллар ва бошқаларни ваҳима қилмасдан, ақлларини йиғиб олишга ва насиҳат қилиб Бобир қароргоҳига қайтишга даъват қилмоғи керак эди. Бироқ ана бу кўрнамаклар аллақачон Самарқанддан қайтганларнинг бошларини айлантириб, ақлини ўғирлаб қўйган эканлар - Тўлун Хожа ўз уйига келганида Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбаллар одам юбориб, тунда қўққисдан босди ва уни тутиб келтириб, ўлдириб юбордилар, кўчини эса талон-тарож қилдилар. Бобир Самарқанддан Андижонга улуг кишиси - Мавлоно Қози жанобларини юборгани ҳақида ёзган эдик. Бироқ Андижонда у зотга марҳамат қилишмади. Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбаллар Жаҳонгир Мирзони олиб келиб, Андижонни қамал қилдилар. Қамалда қолганлар, Бобирнинг аёллари: ўз онаси ва катта оналари Самарқанддан уни чақириб, бир неча марта хат билан чопар юбордилар. Бобирга юборилган хатлар қуйидаги мазмунда эди: «Бизларни («Бобирнома»нинг Қозон босмасида: «Бу жамоати ҳаромнамак келиб бизни...») ҳақоратлаб раҳмсизлик қилмоқда. Агар фарёдимизга қулоқ солмасангиз (келмасангиз) оқибати ёмон бўлади. Самарқанд-ку Андижон кучи билан олинди, (бинобарин) Андижон қўлингизда бўлса, Оллоҳ ёрдами билан яна Самарқандни оларсиз». Шу мазмундаги хат қатор-қатор, ҳатто Мавлоно Қозидан ҳам келди.

Самарқанддек шаҳри азимда ва умуман вилоятда бор-йўғи минггача одам билан қолган Бобир ота юрти Фарғона мулкининг жиддий хавф остида қолганини билгач, сотқинлар келтирилган ташвишдан қандай аҳволга тушиб қолганига эътибор берилса ҳар қандай кишининг Бобирга раҳми келади. Унинг аҳволи

жуда танг. Мусофир элда қолган ўн беш ёшли подшоҳга бу ташвишлар кўплик қилади. Бундай ҳолатларда ғамхўр бўладиган энг яқин кишилари ҳам у билан бирга эмас. Бобир бироз илгарироқ бетоб бўлиб ётиб ҳам қолган эди. Энди оёққа туриб, бироз ўзига келганида Андижондан юқоридаги мазмунда хатлар кела бошлади. Бу ташвишли хабарни эшитиб, яна касали оғирлашди. Тўрт кунгача ўзини билмай, тилдан ҳам қолди. Тўрт кунгача овқат ҳам емади фақат оғзига пахта билан сув томизиб туришди. Ўша кунлари Бобирнинг одамлари ҳам унинг аҳволини кўриб ёки эшитиб тузалиб кетишига ишонмаганлар ҳам бўлди ва ҳар ким ўз фойдасини ўйлай бошлади: «Ахир тилдан қолган подшоҳнинг оғзига сув томизишаётган бўлсалар нима қилиш керак», айрим иродасиз кишиларни шундай хаёллар чулғаб олди. Йўқ, ваҳимачиларнинг хаёли пучга чиқди, Бобирнинг иродаси дардан кучли келди, тузалиб оёққа туриб кетди. Бироқ ҳозирча яхши гапиролмас, анча озиб кетган эди. Аммо Андижонга чақираётган оналари, устози ва пири Хожа Мавлоноий Қозининг илтимосларига қулоқ солмоқ керак. Андижонда аҳвол танг бўлса-ю, қандай қилиб Самарқандда хотиржам яшайди?

Бобир Самарқандда роппа-роса юз кун подшоҳлик қилди, ҳижрий 903 йил ражаб ойида, шанба куни (яъни 1498 йил феврал ойи) Бобир Самарқандни ташлаб Андижонга йўл олди. Андижонга отлиқ 11-12 кунда келиш мумкин. Келаси шанба куни, роса саккиз кунда Бобир Хўжандга келиб тушди. Ўтган саккиз кун ичида Бобирнинг хаёлидан нималар кечмади дейсиз. Энг ишончли беклар ишонччи оқламади. Доно онажониси Эсон Давлат Бегим қандай аҳволда экан? Наҳотки, бош келини Фотима Султон оға қайнонасида яшириб, шу палид ишларга қўл урса! Ўз онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг аҳволи нечук экан? Саломат Андижонга борганида ғанимлар билан бошқача тилда гаплашади. Зарур келса, куч ҳам ишлатади: Бобир йигитликка қадам қўйган сари кучга тўлиб бормоқда, анча-мунча одамни бемалол мушт билан уриб йиқитади.

Хўжандга кириб келишгач, ўша шанба куни Андижондан Бобир олдига бир одам келиб, қўйидаги нохуш хабарни айтди: Ўтган шанба куни, яъни Бобир Самарқанддан йўлга чиққан куни Андижон ҳокими, Али Дўст тоғойи Андижонни ғанимларига топширибди. Аслини олганда Али Дўст тоғойи ҳам Бобир тасавву-

ридаги мард ва иродали кишилардан эмас эди. Тилида бошқа сўз-у дилида бошқа хаёл. Лекин Бобир нима қилсин, ноиложликдан уни Андижонга тайинлаб, ўзи Самарқандга кетган эди. Али Дўст тоғойи ҳақиқий башарасининг очилишига, мана, нима сабаб бўлган - эшитинг:

Бобир Самарқандда қаттиқ бетоб бўлиб тилдан қолиб ётганида Андижондан Узун Ҳасаннинг бир навқари элчи бўлиб келган эди. Унинг касаллигидан саросимага тушиб турган Бобир кишилари элчини етаклаб бетоб олдига олиб киришган. Элчи қарасани, Бобир ўзини билмай ётибди, бунинг устига пахта билан оғзига сув томизмоқдалар. Айрим кишилар унга ҳасрат қилишиб, ўз тақдирлари ҳақида ноумидлик билан беъмани гапларни айтишган. Навқар элчи ҳам Бобир билан гаплаша олмай, мана шу нохуш хабарни олиб айтиш Андижон қуршаб олинган кунлари етиб келган ва Бобирнинг оғзига сув томизаётганларини ўз кўзи билан кўрганини гапириб берган.

Ҳокон дарвозасида бўлган Али Дўст тоғойига эса ўз гувоҳлигини қасам билан тасдиқлаган. Буни эшитган Али Дўст тоғойи нима қиларини билмай, ўзини йўқотиб қўйган ва Бобирга хоинлик қилган: душман билан музокара бошлаб, Бобир Самарқанддан чиққан ўша шавба кунисёқ шаҳарни топширган. Ваҳоланки, Бобирнинг ёшишча, шаҳар мудофаачиларида озиқ-овқат ҳам, аскарлар ҳам етарли бўлган. Фақат шаҳар ҳокимининг субтисизлигидан, қўрқоқлигидангина Андижон қўлдан кетган. Бобир уни «мунофиқ», «намак ҳаром», «номард мардак» деб ғазаб билан тилга олади. Ўн йиллар ўтгандан сўнг тартиб берилган «Бобирнома»да Али Дўст тоғойи қилмишини эслаганда ҳам ғазаби ошган Бобирнинг бу хабарни Хўжандда дастлаб эшитганидаги ҳолати-ю, кайфиятини тасаввур қилиш мумкин. Бобир руҳан оғир азобда қолган. Фикримизча, фақат ўзига ишончи, бошлаган ишининг адолатли эканига шубҳаси йўқлиги, қолаверса жисмоний саломатлиги, - мана шу омиллар унга маънавий куч-қувват бағишлаган, у руҳан тушмаган.

Душманлар Андижонни эгаллашгач, Бобирнинг Хўжандга келганини эшитиб, пири Хожа Мавлоноий Қози ҳазратларини шармандаларча ўлдиришди: у зоти пок кишилардан - шажараси Фарғонада машҳур шайх Бурҳониддин Қилич орқали Расуллул-

лоҳ ёки унинг саҳобаларига бориб тақаладиган шахс эди. Хожа Мавлоно авлиё одам эди. Шу билан бирга, у зот кўрқмас ва шижоатли, баҳодирларча фаолият кўрсатиб юрган киши эди. Андижонни эгаллаган бетавфиқ ғаламислар Хожанинг баҳодирлигию, шижоати ва ҳалоллигидан кўрқиб, бўлса керак, шунингдек Андижон ҳимоячиларига моддий ёрдам кўрсатгани учун (уларга 18 мингта қўй ҳадея қилган эди), энг асосийси - назар писанд қилишмаётган Бобирнинг пири бўлгани учун шаҳар дарвозасига намойишкорона осиб ўлдиришди. Бу - ўта шафқатсизлик ва бетавфиқлик, бориб турган қабоҳат эди. Ўзи улуғ зотлардан бўлганини, ҳазрат Хожа Аҳрор руҳини, хотирасини ҳам беҳурмат қилдилар. Олдиндан шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, унга қасддан озор берганлар ва ёмон ниятда бўлганларнинг барчаси тез орада ҳаётда жувонмарг бўлиб, йўқолиб кетдилар. Буни Бобир ўз пирининг валийлигидан нишона деб билади. Хожани ўлдиришгач, унинг навкарлари-ю, шогирдлари - бутун авлодини қўлга олишди ва мол-мулкини талон-тарож қилишди.

Шундай қилиб Бобир ўз Андижони деб Самарқанддан, Самарқанд деб Андижондан ажралиб қолди. Аро ерда сарсон бўлиб қолганини у ниҳоятда алам ва афсуслик билан эслайди. Чиндан ҳам Бобирга қийин эди. Подшоҳ бўлатуриб, ўз она юрти-ю, қўшиндан ажралиб қолиш ёш Бобирга ҳам алам қилади, ҳам мислсиз беоромлик ва ташвиш келтиради. Бу кунлар ва ойлар Бобир подшоҳ бўлганидан буён келган энг оғир ва ташвишли дамлар эди. Тунлар уйқусиз, ўй-хаёл билан ўтарди.

Бобир Хўжандда ўзини мусофирдек сезар эди. Чунки шаҳар ҳокими Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, гарчи унга меҳрибонлик кўрсатса ҳам асло ҳокимликни бермасди. Бу ерда ҳам ғаламис, нопок кишилар топилди. Бобирга энг содиқ, вафодор одамлардан Низомиддин Али Халифа Хўжандда Бобир билан бирга эди. Ғаламислар шубҳаланишдими - унинг устидан игво қилишиб, Халифани Тошкентга жўнатиб юбориш ҳақида ҳоким Муҳаммад Ҳусайнга маслаҳат беришди ва ҳоким бунга кўниб, уни жўнатиб юборди. Шундай дамларда қадрдон кишининг кетиб қолиши жоиз эмас эди. Бобир яна бир ишончли кишиси Қосимбек қовчинни Тошкентга - тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига юборди ва Андижонга ҳужум бошлаш учун ёрдам беришни илтимос қил-

ди. Ота ўрнидаги тоға ўз жияни аҳволидан воқиф бўлди ва унинг таклифига кўнди. Бобир Султон Маҳмудхоннинг айрим яхши сифатлари билан бирга, унинг бойликка ўчлиги ва шўхратпарастлиги, мулкгирлик хоҳиши борлигини, аммо ҳарбий ишларда истеъдоди йўқлигини ҳам биларди. Лекин ёш Бобир нима ҳам қилсин, бу кунларда тоғасидан бошқа ким ҳам унга ёрдам бера оларди.

Султон Маҳмудхон воқеа мазмунини тушунгач, қўшин тортиб йўлга чиқди ва Оҳангарон водийси орқали Кендирлик дово-ни атрофига келиб тўхтади. Бобир ҳам ўз одамлари билан уни қарши олиш учун Хўжанддан чиқди ва довонда хон тоғаси билан учрашди. Тоға-жияннинг кўришмаганига икки йилча бўлган, охири марта Шоҳруҳияда кўришган эдилар. Қисқа муддатда бўлса ҳам ўзаро суҳбат, арз-ҳол мазмуни нима ҳақда бўлгани, албатта маълум. Юз берган воқеалар кўришиш онларида ёш Бобир кайфиятига қанчалик оғир таъсир кўрсатганини жиддий ўқувчи осон фаҳмлаб олиши мумкин.

Тоға-жиян биргалашиб Кендирлик довоидан ошиб ўтдилар ва Аҳси томон юрдилар. Душман томон ҳам Аҳсига бор кучини тўшлаб, мудофаага тайёрланди. Тузилган режага кўра Бобир йигитлари Попда мустаҳкам ўрнашиб олиб, сўнг бирлашиб Аҳсига ҳужум қилиши керак. Шу мақсадда у Поп қалъасини мудофаага тайёрлаб анча мустаҳкамлатди. Бобирга ёрдам беришни ваъда қилган Султон Маҳмудхоннинг ҳарбий истеъдоди йўқлиги билинди: бепарволиги оқибатида секин ҳаракат қилиб вақтида ёрдамга келмади. Натижада ғанимлар қўққисдан ҳужум бошлаб, Попни эгаллаб олдилар. Юқорида айтилганидек, Султон Маҳмудхон умуман яхши фазилатларга эга-ю, аммо тадбиркор саркарда сифатида қобилияти йўқ - буни Бобир афсуслик билан ёзади. Қаранг: ғалаба эшик қоқмоқда эди - бир ҳамла қилса, шаҳар улар қўлида бўларди ва Аҳсига йўл очиларди, сўнг Андижонга. Бу мағлубият мутлақо хон тоғанинг виждонига ҳавола. Хўп, бўлар иш-ку бўлди, энди яна бир жиддий тайёргарлик кўриб Аҳсига ҳужум қилиш керак - ахир Бобир тоғасини ёрдамга чақиришдан муроди - жияни мулкани иғвогарлар илкидан қайтариб олиб бериши ва уни Андижон тахтига қайта ўлтиришига ёрдамлашиши керак-ку!

Йўқ, Султон Маҳмудхонда унинг мақтовли фазилати ўрнига пасткашлик фазилати - мол-дунёга ўчлиги, бойлик олдида кўнгли суст кетадиган феъли ғолиб келди. Подшоҳларнинг, давлат ар-бобларининг бундай феълидан ўтмишда доимо фақат худбин, носоглом кучлар фойдаланишгани тарихдан маълум. Мана бу сафар ҳам ғанимлар хоннинг бу феълидан қандай фойдаландилар: душман одамлари ёлғон-яшириқ гаплар билан Султон Маҳмудхонни сулҳга кўндиришди ва хон душман қароргоҳига ўзининг ишончли одамларидан иккитасини музокарага жўнатди. Булар асли нопок кишилар эканини ҳам хон билмас эди. Масалан, элчининг бири Аҳмад Танбалнинг, Бобирга сотқинлик қилган ўша Аҳмад Танбалнинг акаси эди. Айни вақтда бу одам хоннинг «эшик оғаси» эди. Ава, юборилган элчининг кимлиги-ю, хоннинг ўз жияни мақсадига муносабати! Албатта, элчи ишни укаси Аҳмад Танбалнинг фойдасига ҳал қилиб беради-да. У хоннинг «эшик оғаси» бўлгач, унинг энг яқин кишиси сифатида хоннинг феъли, унга нима ёқиши, нимадан хурсанд бўлишини яхши билади. Улар мақтов сўзлар билан Султон Маҳмудхоннинг «қўйини пуч ёнғоққа тўлдиришди ва қанча совға-салом-у, поралар бериб уни ўз юртига қайтиб кетишига розилигини олишди. Шу билан хон Бобирни ёлғиз қолдириб, аскарларини йиғиштириб қайтиб кетди.

Мана, энди душманга ёлғиз рўбарў турган Бобир кайфиятини бир тасаввур қилиб кўринг. Бунинг устига унинг аскарлари-ю, яқин кишиларидан 700 дан ортиғи Андижонга ҳужум қилиб, бу ерда қамалиб қолган оила аъзоларини қутқазиб мақсадида Бобирдан ажралиб ғазаб билан Андижонга жўнаб кетдилар. Оқибат - Бобир 200 дан ортиқ, 300 га яқин одами билан қолди. Шунча ташвиш устига бундай ҳолат уни яна эзарди. Бечора, ёш боши билан нима қилсин, қайга бориб, кимга ялинсин? Унга оғир бўлди. Подшо бўлганидан буён биринчи марта кўзига ёш олди. У ўзининг ёзишича, ўша кунлари йиғлади. Бундай қийин аҳволга Бобир биринчи марта тушиши эди.

Бирга қолган содиқ одамлари билан ноилож Хўжадга қайтиб кетди. Лекин шуниси ташжубки, ҳар қандай қийин, танг аҳволда ҳам у ўзини йўқотмади, руҳан тушмади, унинг подшоҳ-зодалиқ продаси асло букилмади ва ҳаётдан, ёруғ келажакдан умидини узмади. Рўза кунлари яқинлашмоқда эди. Катта бувиси

ва онасини, ўзи билан бирга бўлган дўстларидан айримларининг оилаларини Хўжандга чақиртириб олди. Бувиси, онаси билан кўришиб, Бобир кўнгли анча ёзилди. Бувижониси подшоҳ набирасини бағрига босиб овунтирди, кўнглини кўтарди. Саҳарлари, намоздан сўнг гоҳида бадий ижодга берилиб, газаллар битишни одат қилди. Шу тарзда ўша йилнинг рамазон ойини барчалари бирга Хўжандда ўтказдилар.

Бобир Самарқандни юз кунлик ҳукмронликдан сўнг ташлаб чиққанида шаҳарни дарҳол Султон Али Мирзо (Бойсунғур Мирзонинг укаси) эгаллаб олган эди. Аммо Султон Али бу табаррук шаҳарни қўлда сақлолмаслигини, улус хизматига ўзини бағишлайдиган даражада иродали ва эътиқодли эмаслигини Бобир биларди. Шунинг учун Самарқанд тақдири ҳамон Бобир хаёлидан кетмаган эди. Шу маънода, «ноумид шайтон» деганларидек, яна бир марта Самарқандга юриш қилиш учун ёрдам сўраб, яна тоғаси Султон Маҳмудхонга киши юборди. Хон жиянига ёрдам беришни яна ваъда қилиб, икки киши қўмондонлигида (бири ўз ўғли) 4-5 минг мўғул аскарларидан ажратди. Ўзи эса Ўратепага келди. Бобир ҳам ўз одамлари билан Хўжанддан чиқиб хон ҳузурига етиб келди ва тоға-жиян яна лийдорлашдилар. Султон Маҳмуд тайин қилган қўшин Самарқанд томон юриб Ёр айлоққа келди, Бобир кетидан юришни давом этдириши керак. Бобир эса, Сангзорга етиб келди. Бироқ Шероз томонда Шайбонийхон қўшинлари ҳам атрофни талаб юрган экан. Бундан воқиф бўлган Султон Маҳмудхон аскарлари, қўрққаниданми, орқага қайтиб кетдилар. Бу билан Мўғул хонида қатъийлик, қўшинида эса интизомнинг йўқлиги яна бир бор тасдиқланди. Бир неча юз аскари билан Бобир нима қила оларди - ноилож у ҳам яна Хўжандга қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Бобир нима бўлганда ҳам подшоҳ-да, улусга ҳоким бўлиш, юрт сўраш, мулкгирлик хоҳиши азалдан қонида бор. Акс ҳолда 12-13 яшар бола Фарғона мулкига подшоҳ бўлармиди? Подшоҳзода бўлмаганда Самарқанд қўлдан кетиб, Андижонига ҳам боролмай, Хўжандда, Сирдарё бўйларида саргардон бўлиб юрмасдан, ўзга тенглошларидек, онаси қўйнида, тақдирига тан бериб юравермасмиди? Бунинг устига, мана, учинчи йилдирки, отадан етим. Йўқ, Бобир ундайлардан эмас, далада чавгон ўйнаб, қўй боқиб юриш унинг иши эмас. Муқаддас Куръони Каримда айти-

либдики: «Халқ, мўмин, мусулмонлар подшоҳларга берилган омонатдир». Халқни золимлар дастидан қутқозиш, деҳқонларни, ҳунармандларни, маърифатли зиёлиларни эъозлаш, халқни жабрловчи такаббур амирларни жиловлаш, дастини қисқа қилиш, яхшиларни асраш учун куч-қудрат, тожу тахт зарур. Тожу тахтни эса биров совға қилиб бермайди. Уни курашлар билан, гоҳида қон тўкиб, олинади.

Шунинг учун қўл қовуштириб ўлтиришдек феъл унга ёт. У подшоода, Фарғона мулкининг қонуний меросхўри. Бу унвоннинг етарли масъулияти бор - буни ёш Бобир аллақачон тушуниб етган.

Бобирга бағишланган бир бадида унинг ҳақида шундай гап бор: Бобир «ҳали пишмаган, елкасида подшоҳлик залворини кўтариш истагида юрган 14 яшар бола». Бу хулоса гапга қўшилиб бўлмайди. Бобир ўзининг кимлигини билади, подшоҳлик юки унга оғир эмас. У иродали йигитча, подшоҳзода сифатида олди-га қўйган мақсадини аниқ билади. У шуни ҳам биладики, атрофида ноҳақ ишлар бўлмоқда. Ғаламис одамлар, худбинлар сувни лойқалатмоқдалар, унинг ёшлигидан фойдаланиб, подшоҳлик тахти атрофида низо чиқармоқдалар, бундан эса ўзлари манфаат топмоқчилар. Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас - Бобир буни аниқ билади. Ҳаёт учун, яшаш учун, эзгу орзу ва мақсадларни амалга ошироқ учун собитқадамлик билан курашиш керак. Бу ҳаёт қонуни. Асосийси, у ўзининг кимлигини билади, марҳум пири Ҳофиз Шерозийнинг «худро бешиноз» - деган Шарққа машҳур бўлиб кетган фалсафасининг маъносини тушунган. Бинобарин, ўзининг кимлигини-ю, вазифасини тушунади. Шижоат, ирода унда етарли, мардлик, баҳодирлик куртаклари ҳам кундан-кунга нити уриб бормоқда.

Бобир ёзади: «Чун салтанат дағдағаси ва мулкгирик дояси бор, бир қатла, икки қатла иш юримаган била боқиб ўлтириб бўлмас». Ана, ёш Бобирнинг таважжуҳи. Мақсад сари ҳаракат қилиб, бир-икки бор омади чопмаса, иши юришмаса қўл қовуштириб ўлтириш мусулмончиликдаги «Сендан ҳаракат-мендан баракат» деган ўғитга ҳам тўғри келмайди. Самарқанд-ку насиб бўлмади, ноумид бўлиб ўтиравермай, энди ўз Андижонини қўлга киритиш лозим. Аммо ёрдам керак, ким ёрдам беради? Албатта тоғаси-да. Бобирнинг бошқа ишончли суянчиги йўқ.

Ёз, қовун пишиғи пайти эди Бобир Андижонга юриш учун мадад сўраб яна Тошкентга - тоғаси Султон Маҳмудхон олдига борди. Шу баҳона она томон қариндошлари билан ҳам кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди. Тоғаси жиян илтимосига кўнди-ёрдам қўлини чўзди: 700-800 та аскар ажратди. Бобир дарҳол йўлга тушди. Оҳангарон водийси бўйлаб юриб Кендирлик довонидан ошиб ўтди-да, Хўжандга ҳам кирмасдан, Фарғона томон йўлни давом эттирди. Конибодомга яқин Насух деган қалъага тунда ҳужум қилиб, уни эгаллашди. Бироқ Бобир ўйлаб қараса Андижонга юриш учун кучи - аскарлари озлик қилар экан. Мўғул аскарлари эса иш бермади. Бобир қайтди. Бобир ўз кучи билан, мустақил равишда, ҳеч кимнинг ёрдамисиз гоҳ Самарқандга, гоҳ Андижонга бир неча бор юриш қилиб кўрди, аммо иш чиқмади: кучи етарли эмас эди. Хўжанд эса Бобир одамлари учун бир бекатдек жой, узоқ туриб бўлмайди, иқтисоди жиҳатидан ҳам юпун қалъа. Бир замонлар гавжум ва обод бўлган бу гўзал шаҳарни Чингизхон ер билан яқсон қилган эди. Юксак мақсад учун курашаётган подшоҳзода бу ерда қўл қовуштириб ўлтиравриши асло мумкин эмас эди.

Ўратепа ва Хўжанд ҳокимлиги ўша йиллари Муҳаммад Хусайн Кўрагон қўлида эди.<sup>1</sup> Бобир унга (яъни холасининг куёвига) куйидаги илтимос билан киши юборди: Бобир ўз одамлари билан Муҳаммад Хусайнга тобе бўлган Ёр яйлоқ туманига қарашли Пешоғар қишлоғига келиб қишни шу ерда ўтказса (Бу ерлар илгари Хожа Аҳрор валийга қарашли эди, бироқ кейинчалик Маҳмудхон бу жойни Хожа Аҳрор авлодларидан тортиб олган.) Шу ердан Самарқанд томон юриш Бобир учун қулайроқ. Муҳаммад Хусайн унинг илтимосини қабул қилди ва Бобир Хўжанддан Пешоғарга ўз одамлари билан кўчиб ўтди. Бобир 300 га яқин навкар-у, йигитлари билан Зоминга етар-етмас, йўлда кўққисдан иситмалаб оғриб қолди. Одамларини эса боқиш керак. Озиқ-овқат топиш мақсадида Зомин, Шавдор туманлари ва Работи Хожа қалъаси ўрталарида анча кездилар. Ниҳоят Пешо-

<sup>1</sup> Муҳаммад Хусайн Мирзо Кўрагон - Қошғарнинг собиқ ҳукмдори Амир Саид Али дуглот ўғли, Бобир мирзонинг холаси - Хўб Нигорхонимнинг эри (демак Бобирга почча). «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи бўлмиш мирзо Ҳайдарнинг отаси. Ўратепа мўғуллар ихтиёрида, Муҳаммад Хусайн Султон Маҳмудхон хизматида эди.

гарда ўрнашиб олдилар. Бобир йигитлари учун барибир қиш оғир келди. Қор ниҳоятда қалин ёғди. Нима қилиб бўлса-да отларга ҳам, ўзларига ҳам озиқ-овқат топиш керак.

Умуман қиш жуда қийинчилик билан ўтди. Бу атрофлардаги баъзи қалъалар ноиложликдан, баъзан уруш билан ёки Бобир тили билан айтганда, алдаш ва айёрлик билан улар қўлига ўтди. Аммо бу галабалар ва уринишлар фақат вақтинча, бош мақсад эса Самарқандни эгаллаш эди.

Мана, баҳор ҳам келди. Аммо Бобир ва унинг 200-300 ўрта-сидаги йигитлари жойлашган Зомин чўлида ва атрофдаги яккам-дуккам қишлоқларда узоқ туриб бўлмас эди: бутун атроф Самарқанд ҳокими Султон Али мирзо одамлари билан -демак Бобирга қарши кучлар билан ўраб олинган. Иқтисодий шароит эса ҳамон оғир. Шундай ҳолда Султон Али мирзо ўз валинесмати Хожа Аҳрорнинг кичик ўғли Хожа Қутбиддин Яҳёени ўртада келишиб олиш учун Бобир ҳузурига юборди. Ўзи эса Бобирни қўрқитиш учунми, Шероз атрофига қўшини билан келиб ўрнашди. Нима қилиш керак? Бобирнинг Хожага ихлоси баланд, Хожа ҳам уни жуда ҳурмат қилади. Бобир ноилож сулҳ тузишга ва Пешоғарга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Унинг иши негадир юришмаётир. Оналари-ю, ҳарам аҳли Хўжандда. Ўзи эса йигитлари билан Пешоғар-Хўжанд ўртасида тирикчилик билан - уч юзга яқин одамларига ва уларнинг от-уловларига озиқ-овқат топиб бериш билан банд. Хўжандда эса узоқ туриб бўлмайди.

Умуман, Хўжандга қайтиб бориш ҳам Бобир ҳамиятига тўғри келмайди. Юқорида айтилганидек, Хўжанд Бобирга вақтинча бекат. Самарқандни эгаллашга сўз берган. Шу мақсад учун юришни давом эттириш керак. Ёш бўлса ҳам Бобир ўз сўзининг устидан чиқишга ўрганган. Энди қайси юз билан қайтиб боради?

Бобирнинг подшоҳ сифатида яна кайфияти бузилди. На Андижонга бора олсин, на Самарқандга. Тақдир унга кулиб боқмаётир. Биринчи марта ўз тақдиридан нолий бошлади:

*Бормоққа не маскан муяссар  
Турмоққа не давлат муқаррар  
(«Бобирнома», 118-бет).*

Бу Бобир подшоҳнинг дастлабки ижод маҳсулидан. Демак, давлат иши юришмаган пайтларни бекор ўтказмаган ва ижод билан шуғулланган. Бобирнинг ғазаллари, рубойлари мазмунини сингчовлик билан ўрганиб улардан қай бири ўша Ёр яйлоғу, Пешоғар билан Хўжанд ўртасида ўтган деярли бир ярим йил ичида битилганини, балким билса бўлар. Лекин бу адабиётшунос-бобиршуносларнинг иши. Биз эса Бобир вақтини бекор ўтказмасдан ижод билан шуғулланганига диққатни қаратмоқчимиз, холос.

Ёдингизда бўлса, Юлий Цезар Вифиния подшоҳи олдидан қайтаётиб, Фармакус оролида денгиз қароқчилари қўлига тушиб қолган эди. Озод бўлиш учун қароқчилар талаб қилган кўпгина пулни одамлари тўплаб келгунча ўтган вақт ичида Цезар ҳам ижод қилган: поэма, шеърлар ёзиб қароқчиларни тўплаб, уларга ўқиб берар эди. Бироқ қароқчилар унинг шеърини тушунинмаса Цезарнинг жаҳли чиқиб, уларни бўралаб сўкар эди. Бу Цезарнинг такаббурлигидан, ўз ижодига ориқча маҳлиё бўлганлигидан эди. Бобирда эса такаббурлик йўқ. Бобир ижод қилган-у, шу билан бирга вақтни хушчақчақлик билан ўтказган. Фурсат топдими, дўстлари, йигитлари билан давра суҳбатлари қуриб, бир-галашиб чоғир ичишарди.<sup>1</sup> Барча билан бирга ўлтириб, одам ажратмасдан, улфатчилик қилади, осуда вақт бўлдими - қўлига қалам олади - шеърлар ёзади.

Ниҳоят, 1499 йилнинг баҳори ҳам кириб келди. Бобир унча пухта қарорга келмасдан туриб, иккиланишлар билан Ўратепанинг жанубидаги яйловларга кўчиб келди. Кўчиб келди-ю, ammo нима қилишини билмасди. Мабодо унга таниш одам учраб қолса унинг ҳолатидан хабар топгач, раҳми келарди, лекин ҳозирча бирон бир нажот, қўлидан иш келиб унга ёрдам берадиган ҳамлард йўқ. Шунинг учун унинг сабрдан бошқа чораси ҳам йўқ. Марҳум пири Хожа Мавлоноий Қози ўғитлари унинг ёдида. Яратган ўз каломида: «Инналлоҳу маъассобирин» (Оллоҳ сабр қилув-

<sup>1</sup> Чоғир - ўрта асрларда ёзда - туг пишиғида тутдан тайёрланган мусаллас ичимлик. Афсуски, уни тайёрлаш усули-технологияси Русия мустамлакачилиги даврида (ўрис ичимлиги кириб келиши муносабати билан) унутилиб юборилди. Чоғирнинг асосий хом ашёси бўлган тут бизда ҳозиргача ҳам «чағир тут» деб аталади ва мевасидан фойдаланилмайди (фақат барглари шпак кўрти боқиб учун кесиб олинади).

чилар билан биргадир) деганига Бобир дилдан ишонади. Шунинг учун сабрга ўрганган мусулмон бандаси учун руҳан тушкунликка асос йўқ. Қани, лола териб, чоғир ичиб, ижод қилиб, шунинг билан бирга бандалик вазифаларини ҳам асло тарк этмасдан, ким эканлигию ва подшоҳлик вазифасини унутмаган ҳолда вақтни ўтказиб турсинчи, Яратганнинг ўзи бир йўлга бошлар, яна мадад берар.

Ниҳоят мана мадад куни келди - Бобирда умид учқуни яна ёнди. Кунлардан бир кун яйловдаги шундай суҳбатлар чоғида, пешин намозидан сўнг узоқдан бир от минган одам ўтирганларга яқинлашиб келаверди. Бобир қараса, Али Дўст тоғойининг йўлчуқ исмли навқари экан Али Дўст тоғойи юборибди ва Бобирга қуйидаги хабарни етказишни буюрибди: «Мен Бобир жаноблари олдида гуноҳкорман. Аммо умидим бор - гуноҳимдан ўтиб, бу томонга келсалар, Марғилонни жаноби Бобирга топширурман ва ўзим ул жанобга содиқ қолурман. Иншооллоҳ, гуноҳим ариб, орамиздаги тўсиқ парда кўтарилиб кетгай».

Али Дўст тоғойи асли дуруст одам эмас. Бобир унга кўп яхшиликлар қилган. Аммо у ишончни оқламаган. Бобир таърифидида у ахлоқсиз, бахъл, фитначи ва мунофиқ инсон. Аслида эса она томонидан Бобирга яқин қариндош: Эсон Давлат бегимнинг укаларидан. Бироқ Али Дўст тоғойининг Бобирни Марғилонга таклиф қилиши унинг айбини босиб кетди. Бобир унинг таклифини қабул қилди. Сабрнинг таги олтин деб шуни айтадилар-да. Бобир бу қутилмаган хабарни олиши биланоқ барчани оёққа турғизди. Бирон дақиқа ҳам фурсатни бой бермай, қуёш ҳали ботмасдан турибоқ дарҳол Марғилон томон йўлга чиқди. Оралиқ масофа йигирма беш ёғочдан кам эмас. Бу ўртача 300 км. дан ортиқ масофа дегани. Бобир ва йигитлари туни билан ва эртасига пешин намозигача ҳеч жойда тўхтамай, овқат ҳам ейишмай, отларига ҳам дам бермасдан йўл юрдилар. Ниҳоят эртаси, кун пешинга оққанда Хўжандга қарашли Тангоб қишлоғига келишди. Пешиндан то тун ярмигача тахминан 10-12 соат отлар совутилди, ем берилди, барчалари дам олишиб, ниҳоят тун ярми нақораси чалинганда яна

---

<sup>1</sup> Қадимда сутканинг маълум вақтларида (Тун ярми, азон вақти ва ҳ.к) Нақора (ноғора) чалиб вақтни билдириш қонди эли.

йўлга чиқдилар. Деярли кечаю кундуз - 25 соатлар чамаси тўхтамай йўл юриб, саҳар вақтида Марғилонга яқин келиб тўхташди. Шу жойда Бобир маслаҳат кенгаши ўтказди.

Кўриладиган масала битта: Мана, Марғилонга ҳам келдик. Али Дўст аслида дуруст одам эмас. Элчисиз, музокарасиз, бир одамнинг оғзаки гапи билан Марғилонга кириб келсалар, қандай бўларкан? Шубҳага ўрин қолдирмаслик учун обдон маслаҳатлашдилар, ниҳоят, бир қарорга келинди: гарчи шубҳага асос бўлса ҳам ҳозирча бир нарса деб бўлмайди. Шунча йўл юрилди, отлар оч, чарчаган, қайтиб қаерга ҳам кетишади. Яхшиси шаҳарга кириш керак. Ҳамма нарса Оллоҳдан - бу ёғи таваккал. Шу қарорга келишди-да, Марғилон томон юришди ва азон паллада шаҳар дарвозаси ёнига келишди. Али Дўст тоғойи дарвозани очмай туриб айтиб юборган сўзини тасдиқлади ва Бобир билан гўё оғзаки келишиб олинди. Сўнг дарвозани очдилар. Бобир дарвозадан киргач Али Дўст унга бош эгиб таъзим қилди. Бобирни яхшигина бир ҳовлига, йигитлар-у, бекларини ҳам ажратилган ҳовлиларга жойлаштириб, овқатлантирдилар. Бобир ва Али Дўст тоғойи умумий аҳвол ва янгиликлар ҳақида анча суҳбатлашди.

Маълум бўлдики, Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбаллар Андижонни эгаллаб олгач, одамларга кўп жабр-зулм ўтказишган. Бутун вилоят улардан бешиб, Бобирга умид боғлаб, уни орзиқиб кутмоқда. Шу тарзда Бобир умумий аҳвол билан танишгач, Андижонга юришга қарор қилди. Аммо кучи оз эди, аскар тўплаш керак. Дарҳол ўз ишончли кишиларини йигитлари билан Андижоннинг жанубидаги туркий қабилаларга, Ахсига юборди. Топшириқ шуки, у ерлардан қандай қилиб бўлмасин, аскар тўплаб келсинлар: 240 та одами билан Бобир нима қила оларди?

Бу орада Бобирнинг Марғилонга келгани Андижонга ҳам маълум бўлди. Бир неча кундан сўнг Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал ўз қўшини билан ва Жаҳонгир мирзони ёнларига олиб, Марғилон томон юриб, Шарқ томондан шаҳарга яқинлашди. Аҳволнинг танглигини қарангки, Бобир 240 кишилиқ аскарларидан ҳам бир қисмини Андижон жанубига ва Ахсига аскар тўплашга юбориб, ўзи озроқ куч билан қолган эди, кутилмаган-

да ганим ҳужуми. Аммо содиқликдан ботирлик намоён бўлса керак: Бобир йигитлари унга нақадар содиқ эканини кўрсатдилар. Бобир буйруғига биноан шаҳардан чиқиб шундай тартиб ва интизом билан душманга қарши турдиларки, ганим икки марта қаттиқ ҳужум қилди-ю, аммо уларни ёриб ўтолмади ва душман шаҳарга киролмади.

Қадим замон тарихчилари Юлий Цезар каби ёки бошқа бирон (Сулла, Марий, Красс каби) ҳарбий саркардалар фаолияти ҳақида, уларнинг катта-кичик жангларда кўрсатган маҳорати, шахсий жасоратлари ҳақида батафсил ёзадилар. Бироқ бобиршуносликда ҳамон бир нарсага - Бобирнинг ҳарбий маҳоратига, шахсий қўмондонлик истеъдоди-ю, қобилиятига етарли эътибор берилмайди. Лекин Бобир иштирок қилган катта-кичик жанглар натижасига қараб қўмондоннинг шахсий ҳарбий истеъдодига баҳо берса бўлади. Бобир навқирон жангчи, қони қайнаб турган ва сезгир қўшин бошлиғи бўлиб етишяпти. Масалан, ҳозир тилга олинган Марғилон жангини олайлик. Умуман, Бобир доимо озчилик билан кўп кучга қарши жангга киришганини кўраимиз. Бу сафар ҳам худди шундай бўлган: бир неча ў: аскар-у, бошлиқ - битта Бобир. Душман тарафда эса, Андижон ва Ахсидан тўплаб келтирилган бир неча юз аскар-у, учта бошлиқ (Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир мирзо). Бироқ жангда Бобир йигитлари голиб келди. Бу, бир томондан йигитларнинг содиқлигини кўрсатса, иккинчи томондан ёшгина саркарданинг ҳарбий маҳоратини кўрсатмайдими?

Юлий Цезар аскарлари ҳам унга содиқ эди. Боиси - Цезар уларга кўп мукофотлар берар ва кўп нарсалар ваъда қилар эди. Бобир эса йигитларига ҳеч нима бермаган, кўп нарса ваъда ҳам қилмаган. Шунга қарамай йигитлари аскарлари унга виждонан содиқлар, бунинг исботи - улар жасорат кўрсатмоқда. Бунгача ўтган ҳарбий тўқнашувларда ҳам мана шу ҳолатни кўраимиз. Эътибор қилинса, жангларда Бобир «подшоҳман» деб тепада қараб турмайди, ўзи қўлда қилич, елкасида камон билан биринчи бўлиб жангга ташланади.

Алқисса, Бобирнинг озгина йигитлари кўпчилик устидан галаба қилди - душманни Марғилонга киритмади. Тез орада

Андижон жанубидаги қабилалардан ҳам йигитлар келиб Бобирга қўшилди. Ҳатто душман аскарларидан ҳам бу томонга қочиб ўтишди. Бу - ёш Бобирнинг, гарчи у дарбадар юрган бўлса ҳам обрў-эътибори, одамларнинг унга меҳр-муҳаббат ва содиқлик аломати эди. Узун Ҳасан ва Аҳмад Танбалларнинг ўта бераҳмлигидан ва Бобир тили билан айтганда, «золим, фосиқ ва кофирваш» бўлганликларидан Бобир томонидан Аҳсига аскар тўплаш учун юборилган Иброҳим Сору ва Вайс Лоғарийга Поп қалъаси ва Аҳси атрофидаги яна бириккита қалъа-қўрғонлар қаршилик кўрсатмасдан бўйсунди. Ҳатто бекорчи кишилардан иборат бир гуруҳ кўнгиллилар қўлга кирган нарса билан қуролланиб, Ҳасан Декча бошчилигида ихтиёрий равишда Бобир одамларига қўшилдилар ва Аҳси томонга ҳужумга юборилдилар.

Ўша кунлари Бобир тоғаси Султон Маҳмудхон ҳам ёрдамга аскар юборди. Барчаси биргалашиб, Узун Ҳасан одамлари устидан ғалаба қилдилар. Сирдарё оқими бўйлаб қайиқда сузиб чекинаётган етмиш-саксонгача душман аскарларига хон йигитлари ва аҳсиликлар яланғоч отларда сузиб етиб олишди ва барчасини йўқ қилишди.

Бу воқеалар содир бўлганда Бобир Марғилонда эди. Марғилон атрофида турган душман аскарлари ҳам бу мағлубиятни эшитиб, дарҳол Андижон томонга қочдилар. Андижонни қўриқлаш учун Бобир Узун Ҳасаннинг поччаси, анча тажрибали, мардона ва содиқ одам - Носирбекни қолдирган эди. Аҳсидаги ва Марғилондаги воқеалардан хабар топган Носирбек Андижон дарвозаларини беркитиб қочоқларни шаҳарга қўймади ва дарҳол Бобирга киши юбориб, уни чақиртирди. Узун Ҳасан Андижонга киролмай, Аҳсига қайтиб кетди. Аҳмад Танбал эса Ўшга кетди (у ерда ҳоким эди). Жаҳонгир Мирзо ва унинг йигитлари ҳам Аҳмад Танбал орқасидан Ўшга кетдилар.

Носирбекдан хабар келгач, ўша кунидеҳ Бобир Марғилондан Андижонга юриб, кун ботганда шаҳарга кириб келди. Носирбекка ва ўғилларига уларнинг содиқлиги учун миннатдорлик билдирди ва барчасига подшоҳга хос марҳаматлар кўрсатди. Шундай қилиб деярли икки йил илгари қўлдан чиқиб кетган ота мерос вилоят - «Тангри инояти била», ҳижрий 904 йил зулқайда ойида

(яъни, 1499 йил, июн-июл ўртаси) яна Бобирга насиб этди. Мана, у яна Андижонида, Аҳмад Танбални ва унга қўшилиб Ўшга кетган Жаҳонгир мирзони ўшликлар шаҳарга қўйишмади ва Бобирни чақирди. Қочоқлар Ўзганга қараб кетдилар.

Узун Ҳасан Андижонга киритилмагач, Аҳсига кетган эди. У шаҳарни эгаллагани ҳақида Бобирга хабар келди. Аслини олганда бутун иғво, фитнанинг бош сабабчиси шу одам эди, шунинг учун уни йўқотиш керак эди. Бобир Андижон ишларини тартибга солиб улгурмасданоқ, тўрт-беш кундан сўнг Аҳсига отланди. Узун Ҳасан ҳам Аҳсида Бобирга қарши бирон тадбир кўриб улгурмасдан, уни кўриб шошиб қолди ва иложсизликдан сулҳ сўраб, дарҳол Аҳсини Бобирга топширди. Сулҳга кўра, Узун Ҳасан бир неча йигитлари ва бола-чақалари билан, бойликларини ҳам олиб Ҳисор томонга кетишга рухсат олди. Барча йигит-у, навкарлари эса Бобир ихтиёрида қолди.

Бобир Аҳсида ва Косонда, умуман Сирдарёнинг ўнг томонида янгидан тартиблар ўрнатди, вақтинча ҳокимлар тайинлаб, сўнг яна Андижонга қайтиб келди. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Бобир мард ва баҳодир шахс бўлиш билан бирга, табиатан раҳмдил подшоҳ эди. Буни «Тарихи Рашидий» муаллифи мирзо Муҳаммад Ҳайдар ҳам таъкидлаб ўтади. Лекин раҳмдилликнинг ҳам чегараси бўлиши керак. Унинг қўлига тушиб бўйсунушга мажбур бўлган Узун Ҳасандек иғвогар душманни ҳатто мол-мулкига ҳам тегмасдан қўйиб юбориши тўғри иш бўлдими? Ахир, Узун Ҳасан, Бобирнинг ўзи ёзганидек «вилоят элига бисёр зулмлар ўтказиб, ёмон маош қилган», «золим ва фосиқ, сарфитна (фитначилар бошлиғи) одам» эди-ку! Шундай душман одам қўлга тушганда жазоламасдан, ҳатто мол-мулкига ҳам тегмасдан, қўйиб юбориш ортиқча раҳмдиллик эмасми?

Юлий Цезар, агар биронта фитначи-иғвогар қўлга тушса, муқаррар жазо кутилаётганида унга авф қилар эди. Аммо Цезар маълум мақсадни кўзлаб иш тутарди. Кейинча авфни миннат қилиб ўшандай «золим ва фосиқ» фитначини ўз фойдасига ишлатар эди. Бобирнинг раҳмдиллик ва шафқатлилиқ фазилати кўп ҳолларда ўринли ёки ноўрин ишлатилияптими - буни одил тарих ҳукмига қолдирамыз.

Бобир подшоҳнинг ҳозир унга бўйсуниб қолган Узун Ҳасан аскарларига нисбатан тутган сиёсатида ҳам жиддий бир камчи-

лик содир бўлди, буни Бобирнинг ўзи ҳам тан олиб ёзади. Бобир Андижонда йўқлигида унинг оналарига, умуман андижонликларга жаброна зулмлар кўрсатган, уларни талон-тарож қилган, ҳатто Бобир пири Хожа Қозига ҳам жабрлар қилган (кейинча ўлдириб юборган)лар асосан мўғуллардан иборат бўлган Узун Ҳасан навкарлари эди. Улар шу вақтгача мусулмонликка ҳам ўтмаган, андижонликларни талаб, анчагина бойиб олган эдилар. Мана энди талаб тўшлаган бойликларини олиб, жимгина Андижондан чиқиб кетмоқдалар, шаҳарликлар эса бундан норози.

Бобирнинг беклари маслаҳатлашиб шундай қарорга келишди: Андижондан чиқиб кетаётган мўғул аскарлари талаб олган бойликларни ташлаб кетсин. Шаҳарликлар эса бир жойга тўпланган ўша молларни қараб кўриб, ўзлариникини таниса, қайтариб олсинлар. Мана шундай қилинса, адолатли бўлади. Йигитларнинг ўзлари жазога тортилмасдан, эсон-омон қутулиб кетсалар, шунинг ўзи уларга катта яхшиликдир. Буйруққа биноан худди шундай қилинди: таланган бойлик тўпланди, ҳамма ўз молини таниб қайтариб олди.

Бу билан кўзланган адолат ғалаба қилди-ю, аммо тадбирнинг бир нозик жиҳати эътиборга олинмаган экан: биринчидан, мўғул аскарлари табиатан бойликка ўч, талашга ўрганган халқ экани маълум. Мабодо Бобирга хон тоғасидан ёрдамга келганда ҳам доимо Бобир уларнинг шу феълига эҳтиёт бўларди, иккинчидан, ҳозирча Ўшга чекиниб, пайт пойлаб турган, балким ифвогарлар фитнасига учиб, акага қарши куч тўшлаётган Жаҳонгир мирзонинг ғаразли ниятда экани ҳам ҳисобга олинмабди.

Шу муносабат билан Бобир ёзадики, давлат ишларида ва ҳарбий ҳаракатларда баъзи кўрилган тадбирлар ва буйруқлар зоҳирида тўғридек туюлса ҳам, аммо унинг моҳияти ва оқибатларини жиддий ўйлаб кўрмоқ, чуқур мулоҳаза қилмоқ зарур. «Ушбу бир мулоҳаза ҳукм қилмоғимиздан не миқдор шўр ва фитналар қўпти» - афсус билан ёзади Бобир. Аслини олганда Бобирнинг оқибатда иккинчи марта Андижонни ташлаб чиқиб кетишига сабаб мана шу ўйламай берилган буйруқ ва «Ясси кечик»даги мағлубият бўлди. Бобирнинг Қамбар Али исмли энг яқин одами - суянчиғи ва доно маслаҳатчиси бўлар эди. Аксига олиб у ҳам Бобир рухсати билан, вақтинчагами, ўз юртига кетган эди. Агар

у бўлганда ҳам тўғри маслаҳат берармиди. Ҳар ҳолда ачинарли иш бўлди. Шу билан бирга Бобир учун бу хато давлат ишларида кейинча катта бир сабоқ - мактаб ҳам бўлди.

Мана шу шўриш воқеадан сўнг Аҳмад Танбал ўз қўшини билан Жаҳонгир мирзони ёнига олиб Андижонга ҳужум бошлади ва жанубдан Чилдухтарон (Қирққиз) тоғи томонидан шаҳарни ўраб олди.<sup>1</sup> Бобир юқорида тилга олинган ўз яқин кишиси Қамбар Алига одам юборди ва дарҳол етиб келишини сўради. Шунингдек, Андижон қўлга олингандан сўнг атрофга-оилалари олдига вақтинча руҳсат берилган барча навкар-у аскарларни зудлик билан чақиртириб олди. Қўлга кирганки қурол - кетмон-у, болтагача тўшлаб келтириш учун энг чаққон ва моҳир йигитларни атрофга юборди. Шошилишга тарзда Андижон мудофаага тайёрланди.

Ниҳоят, қўшинлар тўшлангач, Бобир муҳаррам ойининг 18 куни (ҳижрий 905 йилнинг биринчи ойи, бу милодий 1499 йилнинг 17 августига тўғри келади) Оллоҳга таваккал қилиб Андижондан чиқди ва барча пиёда-ю, отлик аскарларни Ҳофизбек чорбоғига<sup>2</sup> тўшлади. Бу ерда қўшинини жанговар тартибга келтиради. Буронғор ва жавонғор (ўнг ва сўл қанот), гул ва хировул (марказ ва авангард) қисмларга ажратиб, шунингдек бошқа пиёда ва отликларни ҳам тартибга келтиради. Бироқ Аҳмад Танбал қўшинлари Андижонга ҳужум қилишга ботинолмай Чилдухтарон атрофида бир ойча тургач? Ўшга чекиндилар. Бобир улар изидан Ўшга юради.

Шу йилларгача Бобир қўшинларининг тартиби ва таркиби ҳақида ўзи ёзмаган эди. «Бобирнома»да қўшин тузилиши ҳақида - унинг қанотлари (русчада «фланг»), авангард ва марказ қисми, шунингдек отлик ва пиёда қисмлар ҳақида биринчи марта маълумот берилмоқда. Бу Бобирнинг улуғ Соҳибқирон Амур Темур қўшинлари тузилиши ҳақидаги маълумотлари ортиб бораётгани, демак, ҳарбий билими ва тажрибаси ҳам такомиллашиб бораётганини кўрсатар эди. Демак, унинг подшоҳликдан ташқари ҳарбий саркардалик маҳорати ҳам ой сайин, йил сайин ортиб бормоқда.

---

<sup>1</sup> ЧИЛДУХТАРОН ТОҒИ - Андижон жанубида, Олой тоғи тизмасига кировчи, Ширмонбулоқ ва Дилқушо қишлоқлари ўртасида унча баланд бўлмаган тоғ.

<sup>2</sup> Ўшбу чорбоғ Андижоннинг жанубидаги катта чорбоғлардан бири эди.

Биз бошида ёзганимиздек, барча жанг тафсилотлари-ю, уларнинг якунларига батафсил тўхталмаган ҳолда, Бобирнинг ушбу юриши ва унинг натижасига, яъни унинг ҳаётномасига дахлдор томонига қисқача тўхталиб ўтаемиз. Бобир кўшинлари Ўшга етай деганда Аҳмад Танбал кўшини йўлдан қайтиб, яна Андижон томон юргани ҳақида хабар келди. Афтидан хабар кечга яқин олинган ва Бобир кўшини Ўш йўлидаги Лотканд қишлоғида манзил қуриб, бир кеча шу ерда тунаб қолдилар. Эртасига Ўшнинг шарқидаги мустаҳкам Модии қалъасини эгаллаб, сўнг Андижонга қайтишди, мақсад - Андижонни Танбал ҳужумидан ҳимоя қилиш эди. Андижонда қолганлар ҳам қаттиқ тайёргарлик билан шаҳар ҳимоясига киришиб душманни шаҳарга қўймадилар. Пировард - Аҳмад Танбал кўшини чекинишга мажбур бўлди. Бобир Андижонга етиб келганда Танбал аллақачон Ўш шимолидаги Работи Сарханг департаментига қарашли қишлоқлардан бирида тўхтаган эди. Бобир ўз кўшини билан душмандан бир ёғоч (6-8км) масофада қароргоҳ қуриб ўзаро жиддий тўқнашувга тайёргарлик кўради. Гарчи юзма-юз тўқнашув бўлмаса ҳам иккала томон бир ойдан кўпроқ вақтни жанговар ҳолатда ўтказишди.

Ўша кунлари Бобирга Қоратегин вилоятидан озроқ куч келиб қўшилди. Нотоб бўлиб, Ўшда қолган Қамбар Али ҳам одамлари билан етиб келди. Аҳмад Танбал кўшини Жаҳонگیر мирзо билан бирга Бобирни айланиб ўтиб, яна Андижон томон юради ва унинг қароргоҳидан уч ёғоч чамаси (20-25км) масофада Хубон қишлоғида қароргоҳ қуриб жойлашади. Ниҳоят ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўрилади. Яна Бобир ўз кўшинини жанговар ҳолатга келтиради. Қайтадан ўнг қанот (буранғор), чап қанот (жавонғор), гул (марказ) ва хировул (авангард) қисмларига тартиб бе-

---

<sup>1</sup> ЛОТКАНД - ушбу қишлоқ Ўшдан 18 км. шимолроқда жойлашган бўлиб, унинг жануб томонини Чилдухтарон тоғининг халқ тилида «Султон сува» деб аталмиш чўқдиси, ғарб томонини «Қоровул тепа» номли чўққи ўраб туради. Бу икки чўққи ўртасида кенг қийраҳон яйлов бўлиб, Бобир кўшинлари бир кеча шу ерда тунашган. Лотканд қишлоғи кейинги асрдаги зилзилада вайрон бўлган, ҳозирда фақат «Лотканд тепа» номли археологик ёдгорлик сақланган. Кейинги йиллари бу атрофда муаллиф ташаббуси ва Хужабод тумани раҳбариятининг саъйи-ҳаракати билан Бобир хотирасига ёдгорлик тошлари ўрнатилган.

ради ва барча аскарларга совут (кежим) кийдиради ҳамда янги-дан қуроллантириб, қатъий ҳужумга ўтади.

Ҳал қилувчи жанг душман турган жойдан икки км.ча масофада жойлашган Сақо деган қишлоқда бошланади. Бобир армиясининг чап қаноти (жавонғор) душманнинг ўнг қаноти (буранғор) билан юзма-юз келиб, шиддатли қиличбозлик бўлади. Бобир қўлида қилич билан ўшанда биринчи марта жангга кириши эди, яхшигина қиличбозлик қилди, унинг йигитлари ҳам мардлик кўрсатди. Бироқ ўнг қанот ва авангардда турганлар жангга киришмай турибоқ, душман чекиниб Бобир томон ғалаба қилади. Бобир ушбу ғалаба ҳақида шундай деб ёзади: «Тангри таоло ўз фазли ва карами била фатх ва зафар рўзи қилди». Бироқ Бобир қўшинлари Андижонга киришмади, негаки, Андижоннинг иқтисодий аҳволи танглашиб қолган эди. Бунинг устига қиш яқинлашаётди, отларга ем-хашак, одамларга озиқ-овқат керак. Шунинг учун кенгашиб, қишни «Икки сув ораси» (Работи Ўрчин)да ўтказишга қарор қилинди ва Бобир аскарлари Иламиш (Қорадарё)дан ўтиб, ушбу мавзенинг Армиён ва Нўшоб деган қишлоқлари атрофида жойлашди.

«Бобирнома»даги таърифга қараганда бу атроф ерлар ниҳоятда овбоп жойлар эди: «Ёввойи тўнғиз-у, кийик, буғу, қўён жуда сероб. Чангалзорларида қирғовул, майда адир-тепаликларида тулки кўп. Бутун қиш (40-50 кун) ов билан ўтиб, аскарлар озиқ-овқатга мамнун бўлдилар. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да хабар беришича, Бобирдан 125 йилча илгари - 1375 йили улуг Соҳибқирон Амир Темур шу атрофда қислаган эди (Мўғул хони Қамариддинни таъқиб қилиш муносабати билан).

Бобирнинг ёзишича, ҳар икки-уч кунда овга чиқарди. Хўш бошқа кунлари нима билан шуғулланган? - деган савол туғилади. Лекин ўзи бу ҳақда ёзмайди. Бу саволга тадқиқотчилар жавоб бериши керак. Дадил айтиш лозимки, 50 кун қиш давомида овга чиқмаган дамларда балким кундалик ёзган, энг асосийси - шеърятга берилган: ғазаллар ёза бошлаган. Унинг ёши 17 га етди - етуклик остонасига қадам қўймоқда. Демак, унинг умри йўлида янги ҳамроҳ - Ишқ деган нозик ҳис пайдо бўлди. Оқшомларда илҳом париси кўнглига меҳмон бўлганда дастлабки ишқий ғазаллар ёза бошлагани аниқ.

Балким Бобирнинг:

*«Ёр юзумни кўриб дарди гамим билса керак,  
Юз кўриб дарди гамим чорасини қилса керак» -*

деб бошланадиган ғазалини ёки:

*«Балои ишқки, ҳардам менга жафойидур,  
Бу ишқдан кеча олмам, ажаб балойидур» —*

деган ғазалларини «Икки сув ораси»да ўтказган қиш кунлари ёзган. Шеър мазмунига қараб, унинг даврини аниқлаш, гарчи бизнинг вазифамизга кирмаса ҳам бунга Бобир шахсининг такомиллашувини кузатиш маъносида эътибор қаратмоқдамиз. Албатта, ижод онлари билан бир вақтда ёш подшоҳ Бобирнинг шўх йигитлик феъли ҳам шаклланиб борган. Шоҳона жўрачилик-улфатчилик кечалари уйқусиз, хаёл суриб ўтказган тунлар бўлғуси шоир - Бобир табиатининг шаклланишига маълум таъсир кўрсатганки, бу ҳаётий ҳақиқатни ҳам инкор қилмаслик керак. Зеро, Бобир таърифлаган семиз қирғовул, буғу-марал гўштлари, мадомики ўша депарада жуда ҳам сероб бўлган экан, уларни фақат қорин тўйгазиш учун қуруққина истеъмол қилмаганлар, Бобирдек серзавқ инсон ҳаёт гаштини сурмоқдан албатта бенасиб бўлмаган. Буни ҳам эътироф қилмоқ керак.

Ўша қишда Қамбар Али Бобирдан илтимос қилиб, ўз йигитлари билан унга инъом қилинган янги вилоят - Исфара ва Кандибодомга кетган эди. Шунингдек, баъзи аскарларга ҳам кетишга ижозат қилинган эди. Бобирнинг мана шу кўнгилчанлиги Аҳмад Танбал қароргоҳида «Бобир аскарларини тарқатиб юборибди» - деган миш-мишга сабаб бўлди. Доимо Бобир томонга қулоқ тутиб турган Аҳмад Танбал дарҳол Ўзгандан юриб, чидаб бўлмас даражадаги қаттиқ совуққа қарамай, тундаёқ Косон томон йўл олди ва кечқурун етиб келди. Бобир беклари билан маслаҳатлашиб, шу кеч дам олишга ва эргалаб ҳужум бошлашга қарор қилишди. Дам олишиб, тонгла ҳужумга тайёрланишса, Танбал вақтдан фойдаланиб Косондан жилиб кетибди. Агарда тўхтамасдан тундаёқ бостириб киришганда Танбал қўлга тушган бўлар эди - қулай фурсат бой берилганини афсуслик билан ёзади Бобир. Унинг қўшини

қолган қиш кунларини Наманган қишлоғида ўтказишди.

Бобир иккиюзламачи, сотқин ва иродасиз қўрқоқ кишилар ҳақида нафратланиб ёзади. Бундай одамлар Самарқандда ҳам, Андижонда ҳам мана бундай бесаранжомлик кунларида Бобирга панд беришди. Бу сафар ўшандай беклардан иккитаси - Али Дўст ва Қамбар Али Саллоҳ Бобирга сотқинлик қилишди: ўз одамлари билан хуфя суҳбатлашиб, Бобирни Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир мирзо билан ярашмоқ таклифини қилдилар. Ваҳоланки, Бобир ва унинг тарафдорлари бунга мутлақо рози эмас, бу ҳақда ўйламаган ҳам эдилар. Афтидан ўртада Бобирга иисбатан қандайдир махфий иш тутишган: Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир мирзо бу сотқинлар билан тил бириктиришган ва агар Бобир сулҳга кўнмаса, унга қарши давлат тўнтаришига ўхшаш қандайдир фавкулудда тадбирни ҳам ўйлаб қўйишган кўринади. Шу маънода Бобир ёзадики: «Чун икки улуг бек бу икки мардак эди (яъни, Али Дўст ва Қамбар Али Саллоҳ - С.Ж.), агар буларнинг сўзига қулоқ солмай, (бизга зарар келтирадиган) сулҳ бўлмаса ўзга эҳтимоллари ҳам бор эди». Хўш бу қандай «ўзга эҳтимоллар» эди, яъни улар Бобирга зарар келтирадиган қандай хуфёна тадбирлар ўйлаб қўйган эдиларки, бу ҳамон сирлигича қолиб келмоқда.

Сулҳга кўра, Сирдарёнинг ўнг қирғоғи - Аҳси томони, Жаҳонгир мирзога, чап қирғоғи - Андижон томони, Бобир мирзога тақсимланди. Ўзгандан Танбал одамлари кетгач, кейинча уни ҳам Бобирга берадиган бўлишди. Кейинча эса ака-укалар Самарқандга биргаликда юриш қилиб уни эгалласалар, Бобир Андижонни ҳам укасига қолдириб, асосий пойтахт - Самарқандга кетади. Зарурат Бобирга мана шундай шартномага рози бўлишга мажбур қилди. Эртасига Танбал ва Жаҳонгир мирзо Бобир қабулига келиб «қуллуқ» қилишди. Лекин уларнинг мулозаматига ишониб бўлармикин? Икки томон ҳам асир олинганларни озод қилдилар. Бу 1500 йил, февраль ойида бўлиб ўтган воқеалар эди.

Ушбу шартномадан сўнг «мардак» Али Дўст (Бобир ибораси) Бобирга яқин кишилар билан муомалада ўта қўполлашиб кетди. Айрим нуфузли беклар билан эса бутунлай алоқани узди.

Али Дўст ўғли билан бирга Аҳмад Танбалга суяниб, Бобирни яккалаб қўяди, зеб-зийнатга берилиб, шоҳона ҳаёт кечира бошлайдилар. Ҳар куни зиёфат-у, ичкиликбозликлар, меҳмондорчи-

ликлар билан кун ўтказадилар. Бобирнинг ёзишича, ҳокимият унинг ихтиёрида эмасдек эди. Собиқ хизматчилари Бобирни мутлақо менсимай қўядилар. Бу ноинсофлик ишлар бошида асосий душман, кўрнамак Аҳмад Танбал турар эди. Бобир ҳаётида яна диққатли кунлар бошланди.

Ўша кунлари ҳижрий 905 йилнинг бошлари эди (яъни, мил. 1500 йил), оналари Бобирни уйлантирдилар. Бобир амакиси Султон Аҳмаднинг Ойша Султон Бегим исмли қизини беш яшарли Бобирга Самарқандда «қулоқ тишлатти» қилингани ҳақида илгари ёзган эдик. Шу йилнинг шаъбон ойида (1500 йил, март) Бобир унга уйланди. Бу - Бобирнинг биринчи никоҳ тўйи эди.

Ушбу ойларда Самарқандда яна бесаранжомлик бошланган эди. Гарчи Султон Али Мирзо Самарқанд ҳокими бўлса ҳам тархонийларнинг энг каттаси бўлиши Муҳаммад Мазид Тархон у билан ҳисоблашмай қўйган ва солиқлардан ҳазинага тушадиган катта бойликни ўзи ва яқинлари билан тўплаб олаётган эди. Султон Али Мирзо ҳазинасига бойлик тушмай қолгач, унга қарши қўшин тортиб, мўғул хони Султон Маҳмудхондан ёрдам сўради. Самарқандга юриш учун бу сўров Хонга яхшигина баҳона бўлди ва дарҳол гўё «ёрдамга» келди. Муҳаммад Мазид Тархон ҳам Султон Али Мирзога қарши Хон билан бирга юрмоқчи ҳам бўлди, аммо бойлик талашиб, оралари келишмади.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, Самарқанддаги воқеалардан Мовароуннаҳрга тобора яқинлашиб келаётган ўзбеклар хони Муҳаммад Шайбонийхон ҳам хабардор эди. Бу вақтда у Бухорода эди, шу ердан Самарқандга юриш бошлади. Султон Али мирзо ваҳимада қолиб, ҳатто шаҳарни Шайбоний хонга топширишга ҳам рози эди. Аммо пиря Хожа Қутбиддин Яҳёдан (Хожа Аҳрорнинг кичик ўғли) кўрқади. Хожа Яҳё эса Бобирни севди ва ундан умиди бор.

Мана шундай мураккаб шароитда Самарқандни ташлаб чиқиб кетган Муҳаммад Мазид Тархон Бобирни Самарқандга таклиф қилди. Бобир Жаҳонгир Мирзо билан аҳд-паймонга кўра,

---

<sup>1</sup> Таъкидлаб ўтмоқ керакки, Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд мирзоларнинг онаси Муҳаммад Мазид Тархоннинг онаси эди. Бинобарин, Султон Али мирзо Мазид Тархонга жиян. Ака-ука Бойсунғур ва Султон Албилар даврида қариндош тархонлар бутун вилоятда энг бадавлат кишилар бўлиб қолган эдилар.

дарҳол унга хабар бериб, 1500 йил июн ойида ака-ука Самарқандга отланишди. Мазид Тархон ва бир гуруҳ амирлар ўз қўшини билан Самарқандга яқин келиб қолган Бобир қароргоҳига меҳмонга келишиб, биргалашиб шаҳарни эгаллашни муҳокама қилишди, унга ёрдам беражагини айтишди. Ниҳоят Хожа Яҳёга одам юборишга қарор қилинди ва Бобирни Самарқандни олишда унинг ёрдамини сўрашди. Ўшанда Дарғом бўйида турган Бобир Хожа Яҳёнинг ҳузурига Муҳаммад Али китобдорини юборган эди. Хожа Яҳё унга «Бобир келаверсин, шаҳарни топширамиз» - деб жавоб қилди. Шундан сўнг Бобир Самарқанд томон юриш бошлади.

Унинг Самарқандга юриш қилганини эштитиб, қўрнамак ва хиёнаткор Султон Аҳмад Танбал Фарғонада яна Бобирга қарши сотқинлик ишини бошлади. Уқаси Халил дарҳол Ўшга ҳужум қилиб, тунда-барча уйқуда эканида шаҳарни босиб олди. Бобир дастлабига бу хиёнатга эътибор бермади ва йўлдан қайтмади. Чунки, унингча, Муҳаммад Мазид Тархон ёрдамида Самарқандни қўлга киритиш учун шароитни қўлдан бой бермаслик керак. Бош пойтахт эгаллаб олинса, Фарғона ташвишлари ўз-ўзидан ҳал бўлар. Қолаверса, Бобир ўртада тузилган сулҳга ҳам ишониб, бунчалик юзсизликни кутмаган ҳам эди. Умуман олганда эса Бобир фикрича, «Самарқанддек пойтахт турганда, не кирийи ул қилгайким Андижондек ер учун киши авқот (кўп вақт) зое қилгай». Мана шу сабабларга кўра, у орқага қайтмай, Самарқанд томон йўлида давом этди. Аммо Аҳмад Танбалнинг хиёнаткорлик ишлари ташвишга арзигулик эди.

Бу орада Шайбонийхон ҳам Самарқандга яқинлашаётган эди. Демак «отга қамчи уриш керак» - юришни тезлаштириш лозим. Хожа Яҳё ўз ваъдасига биноан, агар тунда юрилса шаҳар дарвозасини Бобирга очиб беришга ваъда қилган. Бобир одамлари ярим кечада, шарпа чиқармай, шаҳарга келишди. Бироқ қалъа ичидагиларни Хожа Яҳё огоҳлантириб улгурмаган эканми, дарвозани очмадилар. Кейин маълум бўлдики, Бобир қароргоҳидан тунда кимдир қочиб, душманни огоҳлантиришга улгурган экан. Бобир режаси ошкор бўлиб, яна Дарғом қиргоғига чекинишиб, ундан Кешга кетишди. Бобирнинг баъзи иродаси бўш одамлари иш юришмаётганидан саросимага

туша бошладилар. Али Дўст тоғойи Бобирдан кетишга ижозат сўради. Илгариданоқ Бобир подшоҳ ундан кўнгли совуган: кўп бевафоликлар кўрсатиб, подшоҳнинг тузини оқламаган эди. Али Дўст Бобирдан ижозат олиб, ўғли билан Кешдан жўнаб кетди. Нонкўрликни қарангки, ёш подшоҳнинг раҳмдиллиги ва оқ кўнглилиги учун уни дуо қилиб, тинч ҳаёт кечирриш ўрнига Бобирнинг асосий душмани - Аҳмад Танбалга бориб қўшилди ва ўз валинеъматига яна не-не жабрлар кўрсатмади. Бобир шундай қийин кунлари ундан кўрган ғайри дўстлик ишларидан ниҳоятда хафа бўлади. (Кейинча тақдирнинг ўзи ота-болани жазолади: Али Дўст қўлига чипқон чиқиб ўлди. Ўғлини эса Шайбонийхон одамлари ўлдирди.)

Бу орада Самарқанд ҳокими Султон Али Мирзо хонадонида ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ажиб бир воқеа, тўғрироғи, хиёнат юз берди. Султон Али Мирзо саройида анча-мунча гапи ўтиб юрадиган Абу Юсуф арғун деган «ғаддор» (Бобир берган сифат) Султон Алининг онаси Зуҳра Бегим пинжигга кириб «Агар Шайбонийхон уни ўз никоҳига олса, Самарқандни топширишга ўғлини кўндиражаги» ҳақида хонга хат ёздиради ва хатни Шайбонийга юбортиради. Аммо хатда қуйидаги писанда ҳам бор эди: Шайбонийхон Султон Али Мирзо отасининг қўлдан чиқиб кетган мулкларини забт қилгач, уларни Султон Алига бериши лозим. Бу бориб турган сотқинлик ва бу хотиннинг розилиги унинг аҳмоқлиги эди. Бир ўғил ва бир қизнинг онаси бўлган Зуҳра Бегимни наҳотки Шайбонийхон ўз никоҳига олса!

Шайбонийхон қўшини билан келиб, Боғи Майдонда чодир тикди. Тевтак Султон Али Мирзо онаси номидан хон ҳузурига бориб, унга таъзим бажо келтирди. Хожа Яҳё бошлиқ Самарқанд аъёнлари ҳам Шайбоний ҳузурига келишиб бош эгишга мажбур бўлдилар. Шундан сўнг Шайбоний аскарлари Самарқандга кириб келди. Буюк Темурийлар пойтахти Самарқанддек улуғ шаҳар мўғуллар истилосидан кейин яна ўзбеклар мулкига айланди. Самарқанддек улкан шаҳарнинг маданиятли, нозик табиат кишилари чўл одамлари - даштдан келган кўчманчи ўзбекларнинг қўпол хатти-ҳаракатларини, шаҳар бойлигига нисбатан очкўзлигини, уларга нотаниш бўлган ғалати кийимларини ҳам кўрқув, ҳам таажжуб, ҳам нафрат би-

лан кузатиб туришарди. Шайбоннийхон жуда ҳам қув одам. У «эрсираган» Зуҳра Бегимнинг мақсади-ю, беақл ва бемулоҳаза ўгли Султон Али Мирзонинг ҳоким сифатидаги тошини аллақачон ўлчаб қўйган эди. Шунинг учун онасини бир барзангига никоҳ қилиб берди. Ўғлини эса ўлдиртириб юборди. Пир Яҳё Хожани ҳам ҳаж баҳонаси билан Хуросонга жўнатиб юборди. (Кейин орқасидан хуфя одам юбориб, уни ҳам ўлдиртирди). Шундай қилиб улуғ Темурийлар авлодидан яна бирининг тақдири мана шундай ачинарли ҳолда тугади.

Гарчи Бобир ҳозирча Самарқандни ололмай, Фарғона мулкани ҳам қўлдан бериб турган оғир кунларни бошдан кечираётган бўлса ҳам ўзини жуда тетик тутарди, у асло руҳан тушмасди. Гарчи Темурийзода Султон Али Мирзо билан «урпоғи» бир бўлса ҳам, бироқ Бобирнинг зуваласи пишиқ, ўз олдига эзгу мақсадларни қўйган.

Шунинг учун у ўз аҳдидан қайтмайди. Авваллар айтганимиздек, Самарқанд забт қилинган кунлари Бобир Кеш шаҳрида эди. Қисқа муддатга унинг ҳам боши айлангани аён. У иккинчи марта Самарқандни ташлаб чиқиб кетар экан, лашкаридан ва ватанидан жудо бўлиб, озгина содиқ кишиси билан қолганида тақдир ёзувидан таажжубда эди. Энди нима бўлади? Нима қилиш, қаерга бориш керак? Шу муаммо-мулоҳаза билан Бобир ўйланиб Ҳисор томон кетишга қарор қилди. Бобир Ҳисор орқали Қора Тегин ва Олой томонга, яъни кичик тоғаси - Султон Маҳмудхоннинг иниси Султон Аҳмадхон-Алачахон ҳузурига бормоқчи эди. Аммо бунинг иложи бўлмади ва Ҳисорда - дushmanга айланиб қолган Хисравшоҳ ҳузурига қолмоқчи бўлди. Хисравшоҳ эса разил одам. У Бойсунғур Мирзонинг кўзини ўйиб ўлдирганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ (1499, С.Ж.). Ўйланиб, шундай қотил юртида қолишни Бобир ўзига раво кўрмади. Тоғ йўллари, ҳеч қачон оёқ тегмаган ниҳоятда тор тангилар, ҳалокатли жарликлар. Бундай синалмаган йўлларда Бобир тоғма-тоғ юриб кўплаб от ва туялардан ажралди. Бобир ҳамроҳларининг кўплари бу дарбадарликдан ҳориган, уст-бошлари-ю, от-уловларидан ажраган эди. Нотаниш тоғ чўққиларидан ошиб ўтишдаги азобларга чидамай, ноумид аҳволга тушиб қолган айрим йигитлар уни ташлаб кетишди. Бунинг устига ҳеч қаердан, ҳеч кимдан

мадад келмади. Бобир ёзадики, ҳатто одамохунликда, самимийликда ном чиқарган айрим беклар ҳам уларнинг еридан Бобир ўтаётганида одамгарчилик қилмадилар. Отасининг собиқ қадрдони Хисравшоҳ ҳам унинг мулки бўлмиш Ҳисор вилоятидан ўтаётганида Бобирга ёрдам қўлини чўзмади. Бобир омадига ишонч боғлаб, бирга қолган бир неча дўстлари билан жарликлар, тоғ сўқмоқлари бўйлаб не азоблар билан юришни давом эттирди. Кўплаб от ва туялар йўлда ўлиб кетди. Ўшанда Бобир қуйидаги мисрани ёзган кўринади:

*«Ким кўрибдур, эй кўнгли, аҳли жаҳондан яхшилик,  
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик».*

Бобир ўз одамлари билан ўта хавфли йўллардан, тубсиз жарликлардан, баланд чўққилардан ўтиб, ниҳоятда хориб-чарчаб Фан дарёси қирғоғига етиб келишди. Бу йўллардан юриш - душманларга чап бериш эди. Катта масофани босиб ўтишди. Кичик бир кўл бўйида дам олишга тўхтади, дам олиш соатида Самарқанд томондан кўнглини «йилт» этиб ёритадиган бир хабар келди: Самарқандлик тархон бекларидан Иброҳим тархон Шайбонийхонга бўйин эгмасдан, Шероз қалъасини мустаҳкам эгаллаб турган эмиш. Қамбар Али ва Абул Қосимлар ҳам Ёр яйлоқдаги айрим қалъаларни қўлдан бермаётган эмишлар. Бобир бунини эшитиб кўнглида умид учқунини пайдо бўлди ва Фандан дарҳол орқага қайтди. Бир неча кун йўл юриб Кўҳак (Зарафшон) дарёси бўйида тўхтади. Сўнгра Ёр яйлоққа пухта жойлашиб, Самарқандга хуфя «қабаргирлар» (разведкачилар) жўнатди. Маълум бўлдики, Шайбонийхон Хўжа Дийдор томонда экан, шаҳарда эса беш-олти юз киши билан Жон вафо Мирзони (вақтинча) ҳоким тайинлаб қолдирибди. Бобир беклари билан маслаҳат мажлиси ўтказиб, қуйидаги қарорга келди: Шайбонийхон Самарқандни олди-ю, бироқ халқ ҳозирча унга тўла бўйсунмаган, шунинг учун тунда кутилмаганда бор куч билан ҳужум бошлаб, қалъага киришади, халқ эса шу-бҳасиз Бобир тарафини олади.

Шундай қарор қабул қилинди ва Бобирнинг 240 кишидан иборат аскар-у, беклари шиддатли юриш бошлаб, 14 кун деган-

да Самарқандни эгалладилар. Бу ҳақда Бобир шундай деб ёзади: «Тенгри рост келтурди, рост ўн тўрт кунда-ўқ Самарқандни олдук» («Бобирнома», 139-бет). Бутун халқ, кутилганидек, Бобирга ёрдам берди. Шайбонийхон аскарлари билан узоқроқда эди, вақтида ёрдамга келолмади. Шундай қилиб Самарқанд қанчалик осонлик билан қўлдан кетган бўлса, шунча осонлик билан қайта қўлга киритилди. Шаҳар олингач, атрофдаги аҳоли ҳам бош кўтариб Шайбонийхон одамларини қувиб солдилар.

Бобирнинг ғалабаси атроф шаҳарлар халқига ҳам илҳом бериб, Қарши, Кеш ва бошқа туманлардан ҳам Шайбонийхон одамлари ҳайдаб чиқарилаётгани ҳақида хушxabарлар келди. Бобир шаҳарга кирибоқ, мадрасага қараб йўл олди. Тонг чоғи эди, таҳорат қилиб, хонақода бомдод намозини ўқиди. Атрофдан одамлар тўпланишиб, шовқин-сурон билан Бобирни муборақбод қилишди. Шаҳарнинг бир қатор нуфузли кишилари ва дўкондорлар эрталабдаёқ келишиб, уни ғалаба билан табриклашди ва озиқ-овқатлар келтириб, дуолар қилишди. Барча шод ва хурсанд эди.

Шундай қилиб, бир юз қирқ йилга яқин Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар хонадонига пойтахт бўлган азим Самарқанд - «Илиқдин кетган мулкни яна тангри (қайтариб) берди, горат ва торож топган вилоят (яна) тасарруфимизга ўтди» - деб ёзади, хурсандчилик билан Бобир.

Бобиршуносликка бағишлаб шўро даврида ёзилган асарларда Бобир Мирзонинг Самарқандни эгаллаш учун қилган ҳаракатлари «босқинчилик» деб баҳолагани ва Бобирнинг давлат бошлиғи сифатидаги фаолиятига ҳам бошқа беғам темурийзодаларга берилганидек тавсиф берилади. «Бобирнома»ни синчковлик билан, кечган воқеаларни чуқурроқ ўрганиб, муаллифнинг шахсий феъли, хулқи ва иродасига кўпроқ эътибор бериб мутолаа қилинса, Бобир юксак мақсадларни олдига қўйгани, олижаноб орзулар учун курашгани аён бўлади. Бобир бошқа темурийзодалардан фарқли ўлароқ, ёш бўлса ҳам улуг бобоси Соҳибқирон Амир Темур салтанатини тиклаш орзусида яшади. Унинг фикрича, бош пойтахт Самарқанд эгалланса бас - парчаланиб кетган салтанат яна жонланиши ва ривожланиши мумкин. Шунинг учун Бо-

бирнинг хаёлини, хусусан 1499 -1500 йиллари бутунлай «Самарқанд можароси» банд қилган эди.

Самарқандда 25 йил ҳукмронлик қилган амакиси Султон Аҳмад Мирзодан сўнг тахтга ўтирган Султон Маҳмуд мирзонинг давлат сиёсатидан, шунингдек ўз амакиваччалари Бойсунғур Мирзо, хусусан Султон Али Мирзо ишидан Бобир бутунлай норози эди. Чунки улар Бобир каби Мовароуннаҳрда буюк бобосининг салтанатини тиклашдек юксак орзу билан яшамадилар. Султон Али Мирзо онасининг Шайбонийхон номига ёзган хуфия номаси мазмунига жиддийроқ эътибор қилинса, бу аёлда мутлақо Самарқанд ташвиши, салтанат тақдири ҳақида қайғу йўқлиги билинади. Зуҳра Бегим Шайбонийхон номига хат биттириб юборар экан, унинг хаёлини фақат икки та мақсад чулғаб олган эди: бири - кўчманчи ўзбеклар хонининг никоҳига ўтиш, яна бири - майли, Самарқанд унга бўлақолсин-у, лекин илгари Султон Маҳмуд Мирзо тасарруфида бўлган вилоятлар - Ҳисор, Термиз, Қундуз ва Бадахшон Султон Али Мирзоники бўлсин. Бу ерда гап фақат шахсий мулк-у, эр-хотинлик ҳақида кетаётир, холос. Она юрт, ватан тақдири эса улар хаёлидан жуда ҳам узоқ.

Шунинг учун Бобир Султон Али Мирзонинг онасини беақлликда айблайти. Бу беақл аёлнинг нияти-ю, мақсадидан ўғлининг хабари бўлмаслиги мумкин эмас. Агар онасининг телбанамо орзуси амалга ошса, Султон Али Мирзо Самарқанддан Шайбонийхон фойдасига воз кечишга тайёр, амакиваччаси бўлмиш Бобирнинг тақдири унинг хаёлига ҳам келмайди. Унинг юксак орзулари эса Султон Али учун «мутлақо чақилмаган ёнғоқ».

Нима бўлганда ҳам Бобир Мирзо орзусига етди - Самарқандни қўлга киритди ва улуг бобосининг салтанатини тиклаш йўлида бир қадам олдинга ташлади. У Самарқандни эгаллашни қачонлардир (1469) Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам душманни гафлатда қолдириб, тунда қўққисдан ҳужум қилиб Ҳиротни эгаллаши билан фикран таққослайди. Аммо Соҳибқирон Темур салтанати парчалангач, пайдо бўлган икки мамлакат - Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг пойтахтлари - Ҳирот ва Самарқандни икки теурийзода эгаллашида тубдан фарқ бор эди. Бу фарқ Бобир назарида қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни олган чоғда давлат ва ҳарбий ишларда катта тажрибага эга бўлган, ёши ҳам катта (ўттиз бир ёшда) обрўли подшоҳ эди ва тарихда шундай муҳрланиб қолган. Бобир эса Самарқандни олганида ундан 12 ёш кичик, эндигина ўн тўққиз ёшга кирган эди. Бинобарин, унинг ҳарбий маҳорати, давлатчилик тажрибаси аини бошланаётган йиллар эди, ҳали ғанимларига ўхшаб кенг миқёсда урушларни ҳам кўргани йўқ.

Иккинчидан, Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротда турган рақиби Ёдгор Муҳаммад Бобирдан ҳам кичик, 17-18 ёшларда, муҳорабада яхши тажрибаси йўқ йигитча эди. Бобирнинг рақиби Шайбонийхон эса давлатчилик ва ҳарбий ишларда жуда катта тажрибага эга бўлган, кўпни кўрган, ёши ҳам улуғ (48 ёшда) истез-додли давлат арбоби ва етук ҳарбий саркарда эди.

Учинчидан Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротдаги душманлари ичида Мир Али Мирохўр каби шароит ва ҳолатни тушунадиган ва билимга эга бўлган дўсти бор эди. У Султон Ҳусайн мирзога махфий одам юбориб, унинг қўшинларини душман ичига олиб кирган ва бу билан унга катта ёрдам берган эди. Бобирга эса Самарқанддан, умуман душман қароргоҳидан ҳеч ким бундай ёрдамга келмади. Гарчи шаҳарликлар ич-ичидан Бобир тарафидан бўлсалар ҳам, аммо Шайбонийхондан кўрқиб ҳеч ким Бобирга махфий ёрдам беролмади - одам юборолмади.

Тўртинчидан Ҳусайн Бойқаронинг асосий душмани Ёдгор Муҳаммад ҳужум вақтида шаҳар ташқарисидаги Боғи зоғон деган боғда зиёфатда эди. Султон Ҳусайн Ҳиротга кирганида Ёдгор Муҳаммад ва унинг одамлари маст эдилар. Ўша кечаси уни қўриқлаётган ҳам уч киши эди, холос (улар ҳам маст). Бу ҳолат Султон Ҳусайнга жуда ҳам қўл келган эди. Бобир душмани эса шаҳар қалъаси ичида, мудофаага тайёр эди. Мана шундай ноқулай ҳолатга қарамай, Бобир шаҳарни эгаллади ва душманни қочиб кетган мажбур қилди.

Ниҳоят, бешинчидан, Султон Ҳусайн Ҳиротга бир марта ҳужум қилди, кутилмаганда кўққисдан бостириб келди-ю, уни эгалади. Бобир эса Самарқандга илгари бир ҳужум қилган ва қайтиб кетган. Шунинг учун душман яна ҳужум бўлиши эҳтимоллини билади ва мудофаага маълум тайёргарлик кўради. Иккин-

чи марта ҳужум қилганда, мана кўрдикки, Оллоҳнинг инояти билан Самарқандни қўлга киритди.

Бобир булар ҳақида ёзар экан, шуни таъкидлайдики, мақсад бировнинг жанговар ғалабасини ерга уриш ва ўзиникини мақташ эмас, балки бор тарихий ҳолатни қандай бўлиши шундайлигича баён қилишдир. Бу ғалаба муносабати билан шоирлар тарихшёр ёзганлар. Бобир улардан ўз хотирасида қолган қуйидаги шеърни келтиради:

*«Боз гуфто хирад, ки тарихаш  
Фатхи Бобир баҳодир аст, бидон».*

*Мазмуни: Ақл яна айтдики, билгил:  
Унинг тарихи «Фатхи Бобир баҳодир» бўлур.<sup>1</sup>*

Аmmo Самарқанд урушларда вайрон бўлган, таланган ҳолда қўлга киритилди. Шаҳар танасида даво талаб қиладиган жароҳатлар пайдо бўлган эди. Унинг иқтисодиёти ҳам яхши эмас. Афсуски, тарихий манбаларда Шарқ тарихшунослигидаги анъанага биноан иқтисодий ҳаёт, зироат-у, ҳунармандчилик ҳақида кам ёзилган.

Пойтахт Самарқанд қўлга киргач, тез орада атрофдаги туманлар ҳам бирин-кетин Бобир тассаруфига ўта бошлади, ҳамма жойдан Шайбонийхон одамлари ҳайдаб чиқарилди. Бобирга ғалаба кетидан ғалаба кулиб боқмоқда эди. Бу хурсандчиликка Бобир оиласида юз берган шодлик ҳам қўшилди: онаси-ю, барча аёллар кўп азоб-уқубатлар тортиб бўлса ҳам Бобир подшоҳ тақлифига биноан Самарқандга келганларида (Бобир Андижондан кетгач, улар Ўратепада қолган эдилар) подшоҳнинг биринчи никоҳи - Ойша Султон Бегим ҳомиладор эди, ўша кунлари аҳлияси омон-эсон кўз ёрди: Бобир қиз кўрди. Бу - унинг ўн туққиз ёшда кўрган биринчи фарзанди эди. Унинг номини Фаҳруннисо қўйдилар. Афсуски, умри қисқа экан, чилласи чиқар-чиқмас вафот

---

<sup>1</sup> Мумтоз шеърят қондасига биноан «Фатхи Бобир баҳодир» сўзларидаги ҳарфларнинг арифметик қиймати жаиланса 905, яъни милодий 1500 йилга тенгдир.

толди. Бу, албатта шодлик-хурсандлик орасидаги ўткинчи қайғу эди, фарзанднинг исми-ю, жисми ота қалбида нақш пайдо қилмай туриб кетиб қолгани мотам кунларини ҳам узоққа чўзмади.

Бобир атрофдаги хон-у, султонларга ёрдам сўраб элчилар юбориб турди. Айрим мулкдорлар масаланинг моҳиятини, Бобирнинг эзгу мақсадларини чуқур ўйламасдан унинг сўровига рад жавоби бердилар. Баъзилар эса унинг ғалабасидан хабар топгач, қўрқувдан бўлса керак, умуман жавоб ҳам қайтармадилар.

Бобир иккинчи марта Самарқандни олганида улуғ Алишер Навоий умрининг сўнгги йилларини ўтказмоқда эди. Шунга қарамай, Бобирнинг Самарқанд фатхидан хабар топган Навоий Ҳиротдан унга хат юборди. Хат мазмунидан, умуман тарихимиз беҳабар (у сақланмаган). Аммо тахмин қилиш мумкинки, шеърят мулкининг султони ўзини унга шогирд деб ҳисоблаган Бобирни буюк ғалаба билан табриклаган. Устоз хатидан боши осмонга етган Бобир Навоийга жавоб ёзиб хат орқасига ўзининг туркий забон шеърларидан ҳам битиб юборган. Афсуски, бу хатга устоз жавоби келмай туриб Самарқандда кутилмаганда кўнгилсиз тўполонлар бошланиб кетди. Доимий ўзаро алоқада бўлган ва жаҳонга машҳур иккита шаҳарда, бир даврда яшаган икки буюк шахснинг бир-бири билан кўриша олмагани ўзбек давлатчилиги тарихида ҳамда шеърятимиз тарихида асло тўлдириб бўлмайдиган кемтик ҳолдир, афсус. Ўша йиллари Бобир, гарчи тугал бўлмаса ҳам муттасил равишда ижод қилиб, шеърлар ёзиб турар эди.

Умуман олганда, 1500 йилнинг қиши Бобирга сезиларли омад, Шайбонийхонга эса талафот келтирди. Бу эса Бобирнинг шахсий такомилига, ҳам подшо, ҳам шоир сифатида истеъдодининг ривожланишига, ёшлигиданоқ унда куртак берган инсоний фазилатларнинг ривожига ҳаётбахш таъсир кўрсатди. Атрофдаги хонлар ва беклар ҳам Бобирни ва унинг Самарқанд ҳокимиятини тан ола бошладилар, ёрдамга юзлаб аскарлар юбордилар. Иниси Жаҳонгир Мирзодан ҳам Аҳмад Танбалнинг укаси Халил Султон орқали 200 гача аскар келиб қўшилди.

Шу тарзда, Бобирнинг Самарқандни забт қилган чоғдаги 240 та одами тўрт-беш ой ичида минггага етиб қолди. Таажжуб билан шунга айтиш керакки, на Султон Ҳусайн Бойқародан, на

Бадиуззамондан ҳеч қандай ёрдам келмади. Ваҳоланки, деярли бутун Ўрта Шарқда дейиш мумкин, ўз замонасининг энг тажрибали ва қудратли давлат арбобларидан бўлмиш Хусайн Бойқаро Шайбонийхондек бошқа бир қудратли давлат арбоби бутун теурийзодалар тақдирига ва улар ҳукмронлигига жиддий ташвиш келтириб, оқибатда инқироз шарпаси туғилаётганини тушуниши ва фаҳмлаши керак эди. Афеуски, Султон Хусайн ҳушёрлик қилмади ва бу ташқи хавф моҳиятини етук давлат арбобига хос баҳололай олмади. Шайбонийхон эса яна ҳужумга ўтиб, баъзи туманларни қайтадан эгаллай бошлади. Энг қудратли теурийзодадан ҳам ёрдам ололмаган Бобир Самарқандда иложсиз қолди.

Хуллас, 906 йилнинг шаввол ойида (1501 йил апрел-май ойи) Бобир бор қўшини билан Шайбонийга қарши жангга отланди. Боғи навда 5-6 кун тўхтаб бор аскарларини тўплади, қуроллантирди, раҳбарларини аниқлаб, қўшинининг ҳисоб-китобини олди. Ниҳоят, юриш бошлаб Сарипулга келди. Шайбонийхон аскарлари ҳам юриш бошлаб Бобирдан бир ёғочча масофада тўхтади. Ҳал қилувчи жанггача, отишмалар билан 4-5 кун ўтди. Ниҳоят, қаттиқ жанг бошланди. Бу ерда қуйидаги ҳолатга эътибор қаратмоқ лозим: Муҳаммад Шайбонийхон энг тажрибали ва авжи кучга тўлган қудратли давлат арбоби ва роса 50 ёшдаги ҳарбий саркарда, Бобир эса энди 20 ёшга кирган, аммо қўрқмас ва ботир бўлса ҳам ҳали бош рақибига нисбатан ҳар тарафлама тажрибага эга бўлмаган подшоҳзода, бинобарин ҳарбий маҳорати етарли эмас. Шундай бўлишига қарамай, номдор теурийзодалардан ёрдам бўлмаса ҳам у шижоат билан жангга киришди. Шайбоний аскарларининг сони Бобирникидан кўп эди. Шунга қарамай, Шайбонийхон томон узил-кесил ғалаба қилолмади. Бобирчилар оз бўлсалар ҳам чекинмадилар - кучлар тенг келди. Бобирнинг ўзи ҳам жаҳду жадал билан жангга киришиб, ажойиб ғайрат кўрсатди.

Бир куни тунда Шайбоний қўшини ҳужум бошлади. Очиқ айтиш керак - ўша куни Бобир шошқалоқлик қилиб хатога йўл қўйди: Боқи тархон Бобирга Кеш томондан 2 мингга яқин аскар билан, тоғаси Султон Маҳмудхондан ҳам 1500 тача мўғул аскарлари ёрдамга келишаётган эди. Бобир уларни кутмасдан

Кўҳак дарёсига яқин жойда жангга киришиб кетди. Жанг тафсилотига берилмайлик-да<sup>1</sup>, хулосасини айтайлик: жангда Бобир мағлубиятга учради ва унинг қолган-қутган жангчилари Кўҳак дарёсининг шимол қирғоғига сузиб ўтиб чекиндилар.

Ушбу мағлубият сабаби фақат битта. У ҳам бўлса, Бобирнинг жанг олдидан жўшнб кетгани, қўрқоқлиги эмас, аксинча, унинг душман олдида қўрқмаслиги бўлди. Агар икки кун кутганида Кешдан ва тоғасидан ёрдам етиб келиб қўшинлар сони камида икки мингтага кўпаяр эди. Бобир ёрдамни кутиши керак эди. Кейинча бу ҳақда ўзи ҳам жуда ачинаиб ёзади ва бу шошқалоқлиги муносабати билан мазмуни қуйидагича бир форсий фазални келтиради:

*Енгштак (одам) аччиғланганида тиг билан қўлин кесар,  
сўнг (эса) тиши билан афсус тирсакининг орқасин тишлар.*

Бобир одамлари билан Самарқандга чекиниб кечки пайт шаҳарга кирдилар ва шаҳар дарвозаларини беркитиб, сўнг Бобир сарҳисоб қилди: ҳа, кўп одам ҳалок бўлибди. Булар орасида энг қадрдон беклари ҳам бор. Фалаба нашидасини тотиб, гўё бахт қуши бошига қўниб турганда кутилмаганда ва ниҳоятда беўрин мағлубият бўлди. Истеъдодли ўзбек шоири машҳур «Шайбонийнома» достонининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ теурийлардан озор чекани сабабли 1499 йили Шайбонийхон хизматига кириб, ўзининг ушбу достонини ёзган эди. У Шайбонийни кўкларга кўтариб, жангдаги Бобир мағлубиятини гўё хурсанд бўлгандек тилга олади:

*«Бобир ўз тугини ташлаб қочди,  
Бобирийларга не гуллар очди»<sup>1</sup>.*

Унинг бу таърифи табиий, негаки, у теурийзодалардан аламзада шоир. Шунинг учун Шайбонийхонни мақтаб ёзса («Имом уз-замон», «Халифат-ур-Раҳмон») Бобирни ва унинг мағлубиятини эса ўта бўрттириб кўрсатади. Масалан, чекиниб ўзини Кўҳак дарёсига ташлаган Бобир аскарларини балиқлар ютган эмиш.

<sup>1</sup> Ушбу жанг ҳақида қаранг: С. Жалилов, Бобирнинг Фарғона давлати. Тошкент. «ФАН», 1995.

<sup>2</sup> Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома, Тошкент, 1989, 75-бет.

Худди шу байт давомияда муаллиф Шайбонийхонни ҳазрати Мусога тенг тутади. Албатта, эҳтирос билан берилган бу таърифлар ҳақиқатдан узоқ эканини унутмаслик керак.

Бобир ёрдамни кутмасдан, жангга киришиб кетганига сабаб қилиб шахсий ихлосга боғлиқ бўлган қуйидаги ҳолатни кўрсатади: ўша жанг куни (тунда) саккизта юлдуз иккала рақиб қўшинлари ўртасида экан. Бобир эътиқодига кўра мунажжимлар таърифида ўша кунги жанг ғалаба келтириши мумкин эмиш. Агарда шу куни жанг қилинмаса, саккизта юлдуз (жилиб) 13-14 кунгача душман орқасига ўтиб қолармиш. Бироқ унинг мунажжимга бўлган эътиқоди асоссиз эканини Бобир кейинча эътироф қилади.

Самарқанд шаҳрига чекинганлари куни эртасига Бобир шаҳар Шайхулисломни Хожа Абдулмакоримни, бир қатор беклар ва ўз яқин кишиларини тўплаб кенгаш ўтказди. Қальани беркитиб, нима бўлса ҳам Оллоҳга таваккал қилиб душман билан ҳимоя жанги олиб боришга қарор қилдилар. Барча тадбир шу мақсадга қаратилди. Бобир Улуғбек мадрасасининг томига чодир тикдириб олди. Оддий халқ оммаси қалъа атрофига бутун маҳалласи билан тўпланиб, Бобир томонида жанг қилишга тайёр эканини изҳор қилишар ва уни дуо қилар эдилар. «Шайбонийга қарши урушамиз» деганлар кундан кунга-кўпайиб борди. Аммо улар жанг кўрмаган, унинг азобини тортмаган оломон. Қаҳр-ғазаби ортган оддий кишилар бўлгани учун қайтага уларни ҳимоя қилиш лозим. Шу сабабли Бобир йигитлари оломоннинг йўлини тўсиб туришарди. Бундай ҳолатда Шайбоний аскарлари қалъага яқинлашиб ҳам келолмади.

Шу тарзда бир неча кун ўтди. Бир куни Оҳанин дарвозаси олдида қаттиқ жанг бўлди. Оддий одамлар оломони жидди-жаҳд билан душманга ташланди. Ўртада бир қанча муддат камон ўқидан отишмалар бўлиб турди. Шайбоний аскарлари Хожа Хизир масжидидан буёғига ўтолмай чекинишди: шаҳарга киролмадилар.

Яна бир куни Шайбонийхон шаҳарнинг Оҳанин ва Шайхзода дарвозалари ўртасида ҳужумга ўтди. Бобир бутун кучни мудофаа жангига ташлади. Шайбоний тулкилик қилиб қалъанинг қарама-қарши томонида ҳимоясиз қолган Газуристон ва Сўзангарон дар-

возалари ўртасида 700-800 йигитини яширин равишда қўйган экан, улар илгари ҳозирлаб қўйилган, эни энлик 25 тача узун шоти қўйиб қалъа деворидан ошиб ўта бошладилар. Фафлатни қарангки, девор ичкарасидаги ҳимоячи йигитлар ташқаридаги ҳужумдан бе-хабар, ўша соатда бошқа ишлар билан банд бўлганлар. Газуристон дарвозаси олдида девордан ошиб ўтаётган душман билан постда ҳозир бўлган фақат тўрт кишигина қаҳрамонона жанг қилдилар. Шайбоний йигитларини шотилардан ағдариб ташлаб шаҳарга қўймадилар. Шунингдек, Сўзангарон дарвозаси устида ҳам худди шундай фидокорона жанглар бўлди. Ҳа, Бобир йигитлари ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатишди.

Шу тарзда Самарқанд жуда қийинчилик билан ҳимоя қилинди. Бироқ қамал муддати чўзилиб кетди. Душман эса кетмасдан шаҳарни ўраб олган. Бугдой ўрими бошланди, мева-чева пишди ҳамки, шаҳарга на дон, на бошқа ошлик келтириб бўлмас эди. Қамалда қолган шаҳарда очарчилик бошланди, егулик ҳеч нарса йўқ эди. Аҳвол шунгача бордики, Бобир одамлари ит-у, эшак гўштини ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлдилар. Отларга эса дарахт япроқлари-ю, пўстлоғини бериб боқдилар.

Уч-тўрт ойгача Шайбонийхон Самарқанд атрофидан кетмади, аммо қамални ҳам бўшатмади. Бобирнинг атроф ўлкалардан ёрдам сўраши ҳам қийинлашди. Аммо ҳеч қасрдан ёрдам ҳам келмади. Шаҳар қалъаси ичида эса очарчилик Ёз бўлишига қарамай (куз ҳам келяпти) ичкарига озиқ-овқат киритилмайди. Бобир ниҳоятда хафа. Бунинг устига баъзи иродасиз кишилар тунда, Бобирга билдирмай девор ошиб қоча бошладилар. Қамал эса чўзилиб кетди. Бобир Ҳусайн Бойқарога катта умид боғлаган эди. Ахир Шайбонийхон унинг ҳам ғаними-ку! Афсуски, Султон Ҳусайн хавфга етарли эътибор бермади. Етарли эътибор бермагани ҳам майлику-я, бунинг устига ғаним Шайбонийдан ҳол-аҳвол сўраш учунми, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий деган улуғ кишисини Ҳиротдан унга элчи қилиб юборди. Бобирнинг Ҳусайн Бойқародан хафа бўлишга тўла асоси бор эди. Ахир улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг тирик авлодларидан ҳозирда энг қудратлиси Султон Ҳусайн эди-да! У ўз қардоши, темурийзода - ёш Бобирнинг бошига ташвиш тушганда унга ёрдам бериши керак эди-ку. Ҳа, тажрибали Султон Ҳусайн ташқи сиёсатда хатога йўл қўйди. Темурийлар инқирозини тезлаштираётган умумий душман хавфига

темурийзода сифатида баҳо беролмади. Шу жиҳатдан ёш бўлса ҳам Бобирнинг вазиятни яхши анлагани, энг муҳими улуг Амир Темур салтанатининг тақдири ҳақида қайғуриши жиҳатидан Хусайн Бойқародан бир бош юқори турганини эътироф қилмоқ лозим. Бобир ёзди: «Биз бу атроф ва жавонилардин кўмак ва мадад қутарбиз-у, булар (яъни бошқа темурийзодалар - С.Ж) ҳар қайси бир ўзга хаёлда. Бизни мана шу ўзга хаёлдалиг хароб қилмасайди». Бу гап чуқур фикрлайдиган олим-подшоҳнинг гапини эслатади. Бу - Бобирнинг гапи. Худди иш Бобир айтганидек бўлиб чиқди. Кўринадики, 20 яшар Бобир давлат бошлиғи сифатида фикрлари тараққийлашиб, подшоҳлик мулоҳазаларининг қамрови кенгайиб бормоқда. Лекин на чора, Самарқанд можаросида, Амир Темур салтанати тақдирида у ёлғизлик қилиб қолди, афсус.

Мана беш ойдирки, қамал давом этмоқда. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» дostonида Бобирнинг танг аҳволини, гўё мазаҳ қилгандек ёзди:

*«Тўзиб эрди навқари Бобирнинг,  
Эриб эрди жисғари Бобирнинг».*

У Бобирга ёрдам берган шаҳар халқидан ғазабланади, уни «нодон эл», «ҳайвон эл» деб айблайди. Унга доно маслаҳатлар берган шаҳар Шайхулисломи Абдулмакоримни эса мазаҳ қилиб «илмдин баҳраси йўқ» деб таърифлайди ва унинг : «Не қилур хон (Шайбонийхон) бизга, бўлса Бобир киби султон бизга» деган гаплари устидан кулиб киноя қилади. Умуман «Шайбонийнома»даги Бобирга дахлдор воқеалар Шайбонийга изҳор қилинган ҳамду санолар орасида ўзининг холисона баёнини топмаган. Афсуски, ёзувчи Хуршид Давроннинг «Самарқанд ҳаёли» номли бадеасида ҳам ўша кунлардаги Бобир кайфияти ва шаҳарликларнинг унга муносабатини таърифлашда ҳам холислик йўқ. Масалан, муаллиф ёзди: Шаҳар аҳолиси ва айрим беклар орасида «Бобир мирзо шаҳарни ташлаб чиқиб кетса бу ночорлик барҳам топгай» - деган фикр оралади (255 бет). Ахир, шаҳарликлар Бобирни олқишлаб кутиб олишган-ку! Воқеалар моҳиятига чуқурроқ эътибор бериш керак эди.

Шундай қилиб, Бобир ўта танг аҳволга тушиб қолган эди. Мана шу энг ноқулай шароитда Шайбоний сулҳ ҳақида гап очади. Бобиршуносларимиз шу дамгача Бобир-Шайбоний ўртасидаги ушбу сулҳ ҳақида жўнгина ёзиб ўтадилар, холос.

Бунинг боиси - мўътабар манбаларда ҳам бу воқеа эътиборсизлик билан тилга олинган. Масалан Гулбадан Бегим «Ҳумоюннома» асарида «Шоҳибекхон (Шайбоний - С.Ж): «Агар... Хонзода бегимни менга берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқчилик алоқалари ўрнатилади» деб айттириб юборди» - деб ёзади. Мирзо Ҳайдар ҳам «Тарихи Рашидий» асарида Бобирнинг «Қаршилик кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шоҳибек билан сулҳ тузиб, ўз эгачиси Хонзода Бегимни унга берди» деб жўнгина ёзади. Агарда Бобир эгачиси Хонзода Бегим Шайбоний никоҳига ўтса ўртада сулҳ фақат Шайбонийхон таклифига кўра тузилади. Бобир ҳаётидаги шундай долзарб ҳолатдан фойдаланиб, опасини хотинликка сўраш мальунлик - беюзлик эди. Сулҳ шартти шундан иборатки:

Биринчи, Хонзода Бегим унинг никоҳига ўтади, иккинчи, Бобир бунинг эвазига Самарқандни ташлаб чиқиб кетади. Учинчи, ўшанда, Шайбонийхон Бобир ва унинг одамларига зарар етказмасликка ваъда беради. «Шайбонийнома» муаллифининг ёзишича, гўё хон Хонзода Бегимга ишқий шеър ёзган эмиш. Биз буни ҳам тарихга зид деб ҳисоблаймиз. Зеро, кўзи билан кўрмаган ва бирон марта учрашмаган аёлга шеър ёзиши мантиққа зиддир. Бу хушомадгўй шоир Муҳаммад Солиҳнинг Шайбонийхонга билдирган лаганбардорлиги аломатидир. Бобир ўз душмани паноҳида юрган Муҳаммад Солиҳдан нафратланар эди. Шайбонийхон Хонзода Бегимни Бобир аҳволининг энг танг кунларида сўратганини унинг нақадар муғамбир ва катта ёшда бўлса ҳам маишатга берилган одамлигини кўрсатади.

Бобир Шайбонийхон элчисини шаҳардаги Малик Муҳаммад мирзо хонадонида кутиб олади ва хон шартларини қабул қилади, - бошқа иложи ҳам йўқ эди. Афсуски, «Бобирномада» Шайбонийхоннинг ёвуз хоҳиши ва шартини Бобир, - балким нафратланганиданми, тилга олмайди. Лекин тарихдан маълумки, мана шу шарт ўртага қўйилган эди. Бобир ёзади : «Агар бир тарафдан умидворлик бўлса, ё заҳира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солур

эрди. Зарурат бўлди - сулҳ гуна тилаб... Шайхзода дарвозасидин чиқилди». Ушбу сатрлар ночорликдан ва нақадар алам билан ёзилгани кўриниб турибди. Бобир Самарқандда ўзи билан бирга бўлган оналари ва бошқа яқинлари билан албатта, ушбу сулҳ шартини муҳокама қилишган ва аҳволга тўғри баҳо бериб, доно эгачиси Хонзода бегим ҳам Шайбонийхон қўйган шартга рози бўлишган.

Шундай қилиб, сулҳга биноан Хонзода Бегим Шайбонийхон хасмига ўтди, Бобир эса ўз одамлари билан ноилож Самарқандни ташлаб чиқиб кетди. Бу ерда яна бир масалага диққатни қаратмоқ лозим. Бу - ғолиб Шайбонийхоннинг мағлуб Бобирга шахсий муносабати масаласидир. У, гарчи тузилган сулҳ шартига биноан Бобирни шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга кўндирган бўлса ҳам, лекин тулкилик қилиб уни маҳв этиши мумкин эди. Масалан, Жиззах йўлларида Бобир бир кеча-кундуз адашиб юрганида орқасидан махсус одам ёки аскар юбориб уни йўқ қилиши ҳеч гап эмас эди. (Шунга ўхшаш келишув бўлганда Султон Али мирзони ўлдиртириб юборган эди-ку. Ҳатто улуғ Яҳё Хожани Хуросонга кетишга рухсат қилди-да, сўнг орқасидан одам юбориб (ўғиллари билан) уни ҳам йўлда йўқ қилдирди.) Бундай ишлар Шайбонийхоннинг қўлидан келарди. Сулҳни бузиш унинг учун ҳеч гап эмас. Лекин Бобирга нисбатан бундай қилмади - қилолмади. Бунинг сабаби, бизнингча, Шайбонийхон Бобирдан ҳайиқарди. 20 яшарлик йигитчанинг бутун Мовароуннаҳрга қўрқув солаётган кўчманчи ўзбеклар хонига қарши қилич кўтариб чиқиши, Шайбонийхонни ўйлантирмасдан иложи йўқ. У ақлли хон, аммо ўта муғамбир қув одам. Ким қанақа инсон, мартабасидан, ёшидан қатъий назар, насли-насаби ким-у, орзуси нима эканига эътибор қилади. Ҳар қандай шаҳзода зуваласининг пишиқлиги аравага гупчак бўладиган қайрағочданми ёки фақат кетмон сопига ярайдиган толходаданми, Шайбонийхон бунинг фарқига боради. Бу жиҳатдан Бобирнинг ёш бўлса ҳам кўрсатган маҳорати, асл темурзодага хос шахсий сифатлари Шайбоний кўнгилида, ўзи зоҳиран эътироф қилмаса ҳам, ичдан ҳурмат уйғотгани шубҳасиздир.

Бобирнинг эса Жиззахга етгунига қадар кейинги ойларда содир бўлган воқеалар, умуман дунёнинг ишлари худди тушда

кўргандек хаёлини қамраб олади. Иккинчи томондан, озиқ овқат, мева-чевалар сероблигидан, ниҳоят хотиржамликда еткизганига шукр қилиб, ўз одамлари билан шу атрофда дам олиб ҳордиқ чиқаради.

Бобирнинг онаси ва бошқа аёллар Тошкентга - тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига кетишди. Бобир Жиззах чўлларидан Ўратепага келади ва бутун қишни Ўратепага қарашли Даҳкат (Деҳкат) қишлоғида ўтказди. Бекорчиликда Бобирнинг жўрачилик, улфатчилик билан ва унга ҳамроҳ бўлмиш ижод билан шуғуллангани ҳам шубҳасиздир.

Аммо, гарчи ижод қилиб бўлса ҳам бемақсад зиёфатларда бўлиб юриш Бобир табиатига мос эмас. Муқим бир уй-жойсиз, бирон мулксиз тоғма-тоғ юравериш ярамайди. Бобир шуларни хаёлидан ўтказди-да, яна Тошкентга - Хон тоғаси олдига маслаҳат сўраб боришга жазм қилди. Аммо хон тоғадан дуруст маслаҳат чиқмади ва Бобир яна Деҳкат қишлоғига қайтиб келди. Бобир одамлари маҳаллий деҳқонлар ва чўпонларнинг уйларида, ўзи эса ерли бир оқсоқол уйида яшарди: Вақтинча омадсизликдан ҳориган Бобир шу ерда ҳордиқ чиқарди. Ов, саёҳат, зиёфат, улфатчилик, ижод ва шеърхонлик билан кунлар ўтди.

«Бобирномада» шу дамгача «эътиборга лойиқ» саналмаган икки сатрдангина иборат лавҳа бизнинг диққатимизни тортади. Гап ёши 60-70 ўртасида бўлган қишлоқ оқсоқолининг жуда ҳам кексайиб қолган онаси ҳақида. Кампир 111 ёшда, аммо хотираси ҳамон кучли. Унинг Бобирга ҳикоя қилиб беришича, улуғ Соҳибқирон Ҳиндистонга қилган юришида кампирнинг қариндошларидан бири Амир Темур қўшинида қатнашган. Оғиздан-оғизга ўтиб келган бу хабар кампир хотирасида сақланиб қолган ва Бобирнинг темурзода эканини билиб, унга ҳикоя қилиб берган. Бобир бу маълумотни келтирар экан, биринчидан, кампирнинг хотирасига қойил қолса (у 5-6 ёшида, демак 105 йил илгари бўлиб ўтган тарих), иккинчидан кампир, ҳикояси муносабати билан унинг хаёлида улуғ бобосининг оёғи етган узоқ Ҳиндистон ҳақида дастлабки таассурот пайдо бўлади. Учинчидан, 111 ёшли кампир хотираси Бобирда ўтмиш тарихга муҳаббат ҳисси уйғонишига туртки бўлгани ҳам шубҳасиздир.

Умуман, ушбу мажбурий саёҳат кунлари Бобир хаёлида нималар кечаётганини билишга интилиш, унинг шахсияти ва мақсади йўлида ички сафарбарлик кайфиятини тасаввур қилишга ёрдам беради. Бир куни тоғли Масчо қишлоғига бориб қолиб, унинг пастки томонидаги Оббурдон қишлоғидан куйироқдаги булоқ бўйида бир мозорга дуч келиб қолади. Бу атрофдаги тоғли аҳоли орасида тошларга абётлар, бошқа ёдгорлик сўзлари ўйиб ёзиш одат эканини «Бобирнома»да тилга олиб ўтади. Бобир ҳам ўша чашма булоқ бўйидаги бир тошга Саъдийнинг «Бўстон»идан олинган қуйидаги уч байтдан иборат форсча шеърни ўйиб ёздиради: (таржимаси)

*Эшитдимки, Жамшиди қутлуғ табиат,  
Булоқ ёнидаги тошга ёздирди хат:  
«Ушбу булоқ бўйига биз кабилар кўп келдилар,  
Ўлтирдилар, сўнг кетдилар, йўқ бўлдилар.  
Мардли-гу, зўрлик билан забт этдик оламни,  
Аммо қабримизга олиб кетолмадик уни».*

Хўш, тошга ўйилган бу сатрлар нимани билдиради? Аввало, ушбу сатрларда давр ҳукмрони бўлмиш форс тилини мукаммал эгаллаган истеъдодли етук шоир бўлиб, аллақачон шакланганини кўрсатади. Иккинчи томондан, нега айнан мана шу фалсафий мазмундаги шеърни ёздиргани кишини ўйлантиради. Шеър мазмуни Искандар Зулқарнайн (ўлганда тобутдан бир кўлининг кафтини очиб чиқариб қўйгани) ҳақидаги бизгача етиб келган шу каби фалсафий нақлни эслатади. Искандар ва Жамшид ку жаҳоннинг ярмини бўйсундиргач, фотиҳликдан фойда йўқлигига афеуслик билдирганлар. Бобир эса ҳали тасаввуримиздаги фотиҳ бўлмагани ҳолда шу мазмундаги шеърни ўқиб, тошга ёздириб қўйиши унда вақтинча бўлса ҳам қандайдир маънавий турғунлик (депрессия) пайдо бўлганини кўрсатади. Самарқанд билан Андижон ўртасида саргардон бўлиб юриш, на қариндош ҳокиму султонлардан, на таниш дўстлардан ёрдам бўлмагани, ушбу кунларда эса бор бурдидан ажралиб Ўра Тепа-Масчо-Даҳкет ўртасида Шайбонийхондан чекиниб юриш - буларнинг барчаси Бобирда вақтинча бўлса ҳам умидсизлик ҳиссини уйғотади. Ўша кунлари Бобир Нуён

Кўкалдошдек қадрдонининг сирли ўлими сабаб ўзининг ёзишча ўн кунгача тўхтамасдан йиглаб юрган эди. Ҳа, унга қийин эди, тўғрироғи қийин кунларни бошдан кечирмоқда эди.

Лекин Бобир бу вақтинча маънавий депрессия қамровида узоқ қолмади. У олий мақсадларни олдига қўя биладиган, ўта ҳушёр шахс. Шунинг учун умидсизлик оғуши уни асир қилолмади. Тезда ўзига келди ва шундай хаёл кўнглидан ўтди: «Мундоғ тоғдин тоққа алоҳон ва аломон (уйсиз ва жойсиз), вилоятимиз йўқ, еримиз йўқ, - турмоқ бетакрибдур. (Яхшиси) хон қошига Тошкентга борайлик». Бобир шу қарорни қабул қилди ва хон тоғаси қошига келди. Лекин оқибати Бобир кутгандек бўлмади. Тоға жиянига амалий ёрдам уюштиролмади. Яна Бобирда диққатчилик бошланди. Кўпчилик навкарлар нима қилишларини билмай ҳайрон. У хон тоғаси олдига яна борди. Бироқ кутгандек фойда чиқмади. Ниҳоят, бундай саргардонлик унинг жонига тега бошлади ва жаҳл устида боши оққан томонга кетишга жазм қилди. «Бу навъхорлик ва зорлик била эл бўлгунча аёғим етканча кетсам яхши» деб ёзади Бобир ўшандай кайфиятда. Номуснинг кучли-лигидан ҳатто у Хитойга кетишни ҳам ўйлайди. Аммо Шайбонийхондек умум ғанимининг Мовароуннаҳрга - улуг авлодлари юртига тўхтамай бостириб келаётганидан Бобир доимо ташвишда эди. Ҳатто мўғул хонлари ва айрим вилоятларда ҳукмронлик қилаётган ўзаро бемураса темурийзодалардан кўра ҳам Бобир бу асосий ғанимдан кўпроқ ташвиш тортаётган эди.

Бобир ўз аҳволи-ю, юрт ташвишини ўйлар экан, ниҳоят Самарқанддан оналари ва бошқа аёлларни олиб келган собиқ шайхулислом Хожа Абул Макорим орқали онаси ва бошқа қариндошларига ўз мақсадини айттирди. Яъни, Шайбонийхондек ғанимининг пайдо бўлиши мўғулларга ҳам, темурийларга ҳам бир хилда ташвишдирки, буни ҳозирдан, яъни душман темурийлар улусини тўла босиб олишга ва ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга улгурмай туриб бу ҳаётини масалани ҳушёрлик билан чуқур мулоҳаза қилмоқ лозим. Бу ишга Мўғулистон ва Турфон ҳукмрони Бобирнинг кичик тоғаси бўлмиш (яъни Султон Маҳмудхоннинг укаси) Султон Аҳмадхон - Алачохонни ҳам тортмоқ керак. Шунинг учун Бобир Мўғулистонга боришга бу ҳақда ҳеч кимга билдирмасдан онасидан рухсат сўрайди. Агар борса, ҳам тоғаси билан таниша-

ди ( у билан умрида кўришган эмас), ҳам хоннинг опаларидан (яъни, Бобир онасидан), ҳам ўз онасидан (яъни, Эсон Давлат Бегимдан) саломлар етказарди (улар ҳам Бобир ҳисобича 25 йилдан буён бир-бирлари билан кўришган эмаслар). Аммо энг асосий мақсад - кичик хон тоғани ҳам умумий ғаним Шайбонийхонга қарши отлантириш эди. Шу билан бирга, Бобир хаёлининг тубида ёшликка хос қуйидаги мулоҳаза ҳам бор эди: агар шу баҳона билан Мўғулистонга борса, давлат ташвишларидан бироз қутилар ва «ўз бошвоғи ўзи билан» бўлиб қоларди. Лекин «Давлат ташвишидан қутулиш» фикри болаларча хом хаёл эди, унинг давлат ишлари юришмаганидан, темурийзодаларнинг бир-бири билан ноаҳш-лигидан тоғалари бўлмиш Мўғул хонларининг ўта бепарволигини ўз тажрибасида кўравериб, ҳафсаласи пир бўлганидан Бобирда пайдо бўлган маънавий депсиниш аломати эди. Шундай бўлса ҳам хон оғалари олдига боришдан асосий мақсад - умумий ғанимга қарши уларни оёққа турғизишда воситачи бўлиш эди. Бобирга аслида мана шу гоя жиловдор эди. Буни ўз хатти-ҳаракати билан тўла ифода қила оладими-йўқми, - подшоода Бобир хаёли тубида мана шу эзгу ният ётар эди. Аммо унинг жонига теккан натижасиз ҳаракатлар, келишмовчиликлар, сотқинликлар, назари паст, очофат айрим беклар-у, йигитларнинг инсонга нолойиқ қилмишлари, вилоятлардаги темурийзода ҳокимларнинг ўзаро бемуроҳаза ишлари, чуқур ўйланмасдан, узоқни кўра олмай иш тутишлари - буларнинг барчаси Бобир тафаккурида бир тугун бўлиб қолади ва унинг маънавий-руҳий чарчашига сабаб бўлади. Оқибатда унда ҳорғинлик, депсиниш аломатлари кўрина бошлади.

Хожа Абул Макорим Бобир мулоҳазалари ва илтимосини Султон Маҳмудхонга ва онасига етказди. Хон бу илтимосни қабул қилгандек ҳам бўлди, лекин ҳозирча аниқ бир жавоб айтмади. Бу орада Мўғулистондан кичик Хон тоғани Сайрамга яқин жойда кутиб олдилар. Хон Бобирни кўриб хурсанд бўлди ва мўғулча сарупо ва бир эгарланган от ҳадя қилди. Барчаси бирга Тошкентга йўл олдилар. Алачакон акаси Султон Маҳмудхон ҳам укаси истиқболга Тошкентдан 25 км.га чиқиб тантана билан кутиб олди.

Ака-ука хонлар Тошкентда кўп бўлишмади ва 1502 йили январда 30 мингга яқин қўшинлари билан Кендирилик довоми орқали Андижонга юриб, Аҳмад Танбалга қарши уруш бошладилар. Танбал

ҳам уларга қарши юриб Аҳсига қўшин тортиб келган эди. Ака-ука хонлар маслаҳатлашиб Бобирни маълум қисм қўшин билан Танбалнинг орқа томонига - Ўзганга юборишга қарор қилишди.

Бобирда яна ғайрат жўшди. Илгариги маънавий депсянишлар чекинди ва ҳарбийча руҳ билан тоғалари берган аскарлари ва ўзининг озгина содиқ кишиларига бош бўлиб, тахминан Чустнинг рўбарўсида Хўжанд (Сир)дарёдан солда ўтди. Тўғри бориб Қувани эгаллашди ва Ўшга ҳужум қилиб, буни ҳам деярли қаршиликсиз эгаллашди: ўшликлар ва бутун вилоят халқи Бобирнинг келишини кутишган, аммо Танбалдан қўрқиб унга одам юборолмай юришган эди. Андижоннинг жануби ва шарқдаги кўчманчи-ю, ўтроқ халқларнинг барчаси Бобир тарафига ўтдилар. Тезда Ўзгандан ҳам, сўнгра Марғилондан ҳам вакиллар келиб Бобир ҳокимлигини қабул қилганини изҳор қилдилар.

Шундай қилиб, Сирдарёнинг чап қирғоғидаги Андижондан ташқари барча вилоятлар қайтадан Бобир ҳукмронлигига ўтди. Аммо андижонликлар ҳам Бобирни кутмоқда эди. Бироқ вақил юборишнинг иложи бўлмаётир. Бобирда ғайрат ва шижоат кундан-кунга жўшмоқда эди.

Аммо Аҳмад Танбал ҳозирча чекингани йўқ. У Аҳси билан Карнон ўртасида қароргоҳ қуриб, ўз қўшинини Мўғул хонларининг 30 минглик қўшинига қарши қўйган эди. Ўртада бир неча марта майда тўқнашувлар ҳам бўлиб турди. Аммо ҳозирча икки томон ғалаба ҳам қилгани йўқ, мағлубиятга ҳам учрамаган. Асосий мақсаднинг рўёбга чиқиши, яъни Фарғона мулкида меросхўр Бобир ҳокимиятининг янгидан ўрнатилиши кутилаётган ҳал қилувчи тўқнашув натижасига боғлиқ эди.

Бобир ўзига биркитилган қўшини билан Ўшда эканида «Аҳмад Танбал орқага чекиниб қўшини тарқаб кетаётир» - деган хабар келди. Бу хабарни эшитгач Бобир дарҳол Андижонга ҳужум бошлади. Маълум бўлишича, Танбал ҳам чекиниб Андижонга келаётган эди. Бир сафар Бобир Танбал укасининг 500 кишилик қўшинига ҳужум қилиб, уни Андижоннинг Ҳакан дарвозасигача қувиб парокандаликка учратди ва қўшини билан Ҳакан атрофида тўхтади. Қалъага ҳужум қилишни эрталабга

---

<sup>1</sup> Карнон - Чустдан 4-5 км шимол томондаги катта қишлоқ.

қолдириб, Бобир қўшинлари хуфтон намозидан сўнг Ҳаканнинг Рўзак қишлоғида шундоққина ялангликда тунашга ётдилар. Бу тарихий жойлар ҳамон бор: Андижон шаҳрининг Жанубидаги Ҳакан қишлоғи, қишлоқдаги Работ маҳалласи ва Бобирнинг 500 чоғлиқ аскарлари тунаган яланглик ҳозир қалин маҳалла, жануб томони эса экинзор. Тарихий Ҳакан ариғи суви беш қисмга бўлиниб, бешта ариқда оқмоқда. Уша Работи Рўзак деган қишлоқ-маҳалладан юқорида бўлинган бешта ариқнинг «Эшон-Ариқ» дегани оқиб ўтади.

Афсуслар бўлсинки, Аҳсидан чекинган Аҳмад Танбал қўшини ҳам эрталаб Андижонга етиб келди. Ушбу ҳал қилувчи жангда Бобир мағлубиятга учраб, ўшга чекинди.<sup>2</sup> Бобирнинг хон тоғалари Танбални қувиб Андижонга келдилар ва бири оналари Эсон Давлат бегим чорбоғида, яна бири Бобо Таваккул лангари (қаландархонаси) ёнига қароргоҳ қуришди. (Бу тарихий жойлар номи ҳам ҳозиргача сақланади). Икки кундан сўнг Бобир ҳам Андижонга келиб хон тоғалари билан қуришди. Катта тоға - Султон Маҳмудхон жияни билан «Мўғулчасига» муомала қилди: Фаргонанинг Хўжанд (Сир) дарёдан чап томонини Андижон билан қўшиб кичик тоғаси Султон Аҳмадхонга (Алачахонга) тақдим қилади. Бобирнинг тааж-жуб билан берган саволига: «Тоғанг сени деб узоқ Мўғулистондан келди, Шимол - Аҳси томон сенга бўлади» - деган мазмунда жавоб қилди. Бу гаплар мулк орттириш мақсадини яшириб муғамбирлик билан жиянини алдаш учун айтилаётганини Бобир фаҳмлаб туради-ю, аммо эътирознинг ўрни эмас. «Хоҳинохоҳи рози бўлдим» - деб ёзади у. Бобир одамя Қамбар Али Саллоҳ ҳам уни тоғалари алдаётганини фаҳмлаб эътироз билдиришни, Ўш, Марғилон, Ўзганда мустаҳкамланиб олгач, Аҳмад Танбал билан сулҳ тузишни маслаҳат беради. Лекин Бобир, тоғаларининг асл мақсадларини билиб турган бўлса ҳам подшоҳлик мақомида эмас, балки жиянлик мақомида қолади, таклифни рад қилолмайди. Бобирни бироз қўшин би-

<sup>1</sup> Бобирнинг 500 йиллиги, сўнгра 510 йиллиги муносабати билан бу жойда бирон ёдгорлик ўрнатишни таклиф қилганмиз. Бобир халқаро жамғармасининг ташаббуси билан ҳозирги Работ маҳалласи маркази ободонлаштирилди

<sup>2</sup> Бобир ва Аҳмад Танбал тўқнашуви ҳақида батафсилроқ қаранг: С.Жалилов, Бобирнинг Фарғона давлати, 1995.

лан Ахсини эгаллаш учун юборишади. Бироқ кайфияти бузилган Бобир мағлубиятга учраб ўлимдан зўрға қутулиб қолади ва Андижонга - тоғалари олдига яна қайтиб келади.<sup>1</sup>

Бу ўртада Аҳмад Танбал Шайбонийхонга мурожаат қилиб Мўғул хонларига қарши ёрдам сўрайди. Танбалнинг бу ҳаракати бош ғанимга мутелик билдиришдан ташқари, она Ватанга нисбатан сотқинлик, ўз подшоси - Бобирга нисбатан эса навбатдаги кўрнамаклик намунаси эди. Шайбоний ҳам «Ким бизнинг этагимизни тутса... ани қўймасбиз ожиз» деб ваъда қилади. Шайбоний юборган қўшин Фарғонага кириши биланоқ Мўғул хонлари тўқнашувдан бош тортиб қайтиб кетишади. Мўғул хонлари Бобир тарафини олганларида Шайбонийхон билан жангга киришсалар бўларди. Йўқ, ундай қилмадилар, танг вазиятда уни ёлғиз қолдирдилар. Шайбонийхон Андижонда Танбални қолдириб, ўзи Самарқандга қайтади. Аҳмад Танбал эса бу билан қаноатланмай, энди валинеъмати бўлмиш Шайбонийхонга қарши қўшин тортади. Ҳижрий 910 йил муҳаррам (1504 йил апрел) ойида Шайбоний қўшинлари Фарғона водийсига иккинчи марта бостириб киради. Танбал қўшинлари билан ҳал қилувчи жанг 1504 йил май ойи бошларида Андижоннинг ғарбида, шаҳардан икки соғоч чамаси масофада бўлиб ўтиб Танбал қўшини бутунлай тор-мор келтирилади. Бобирнинг Фарғона давлати ҳақидаги тадқиқотимиз жараёнида ушбу жанг бўлиб ўтган жойларни аниқлашга кўп уриндик. Андижон шаҳрининг 10-15 км. масофадаги ғарб томонини кўп айландик, изладик. Афтидан бу жанг Андижон билан Асака ўртасида бўлиб ўтган. Афсуски табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар оқибатида 500 йил илгари бўлиб ўтган бу тарихий воқеалар ҳақида ер юзида бирон асорат қолмаган. Бунга фақат археологик текширишлар аниқлик киритиши мумкин. Бу эса келгусининг вазифасидир.

Тарих шунга гувоҳлик берадики, бировнинг тузини, яхшилигини унутган инсон шубҳасиз, бир куни ўз жазосини олади. Аҳмад Танбал ҳам Бобирдан кўп яхшиликлар кўрди. Подшозода уни «Марҳум отамнинг ишончли бекларидан» деб аввалига унга марҳаматлар қилди. Ҳатто Самарқанд олинганда, уни беклар беги лавозимига кўтарди. Аммо Аҳмад Танбал Бобир қўйнидаги

---

<sup>1</sup> Ушбу жанг тафсилоти ва Бобир саргузашти ҳақида қаранг: С.Жалилов, ўша асар.

илон бўлиб чиқди ва Олилоҳ унинг жазосини бээрди. Мана, бу кўрнамак тақдири: Шайбоний Андижонни эгаллагач, Аҳмад Танбални шаҳар дарвозасига осиб ўлдирди. Тарихнинг ўйинини қаранг - оқибатда Бобирнинг душманига айланган сотқин Танбал асосий душман Шайбонийхоннинг ниҳоятда қувлигини намоён қилмоқда: «Сен, Танбал, ўз подшоҳинг Бобиргаки, сотқинлик қилиб аввалига менга иттифоқдош бўлдинг, бир куни мени ҳам сотасан. Сен каби кўрнамак виждонсизнинг жазоси шундай бўлади» деди-да, ўзи жазолаб қўя қолди.

Бу воқеаларни эшитиб, кўриб турган, баъзиларида иштирок қилган Бобир тақдирнинг бу ўйинлари-ю, одамларнинг найрангларида лол қоларди. Ўз жиянини алдаган мўғул тоғалари, оқибатда бошга бало бўладиган бойлик, мулк таллашиб атрофига дурустроқ қарамаган майда темурийзодалар; очофат ножўя беклар - буларнинг барчаси умум ғаним - Шайбонийхонга қарши бирлашишга йўл қўймади. Бобир эса булар олдида яккалик қилиб қолди. Наतिжада Ватан қўлдан бой берилди. Бобир ҳам жисмоний, ҳам руҳан чарчади. Жисмоний чарчоқ-ку майли (у Андижон жангида Танбал қиличидан оғидан, ҳам бошидан яраланган эди), ҳордиқ чиқарса бўлади. Аммо маънавий чарчоқ ёмон. У одамни руҳан эзади. Бобирда мана шундай чарчоқ пайдо бўлган эди. Аммо иродали Бобир буни енга олди ва ота мерос мулки - Фарғонани ташлаб чиқиб кетишга, мададни ташқаридан излашга қарор қилди.

Андижоннинг ғарбида Танбал-Шайбонийхон тўқнашувлари юз берганда Бобир аллақачон Фарғона мулкини ташлаб, Хурсон йўлида - Ҳисор вилоятига қарашли Йлоқ яйловига етган эди.

Шундай қилиб, Бобирнинг Фарғона давлати ўз умрини тугатди. Улуғ Соҳибқирон Амур Темур вафотидан бошлабоқ унинг салтанатига дарз кетган эди. Темурийзодалардан асосан невараси Мирзо Улуғбек ва чевараси - Бобирнинг катта бобоси Абу Саид Мирзолар, ақалли Мовароуннаҳрни омон сақлаб қолишга кўп саъй-ҳаракат қилгандилар. Аммо бунинг иложи бўлмади. Абу Саид Мирзо вафотидан (1469) 25 йил кейин Фарғона тахтига ўлтирган Бобир Мирзони ушбу буюк салтанатни тиклашга уринган учинчи шахс дейиш мумкин. Афсуски, у ҳам бунинг уддасидан чиқолмади. Лекин бу ҳолат-

ни Бобирнинг камчилиги деб, унинг шахсини танқид қилиш жиддий хатолик бўлур эди.

Ўша тарихий давр, яъни XV асрнинг сўнгги йиллари, XVI асрнинг биринчи чорагини Улуғбек ва Абу Саид мирзолар даврига қиёс қилиб эътибор берилса, қуйидаги манзарани илгаш мумкин:

Биринчидан, Улуғбек давридан сўнг чорак аср ичида Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг инқироzi анча чуқурлашиб кетган эди. Абу Саид Мирзо улуг бобоси салтанатини сақлаб қолишга астойдил уринди, аммо ўз фаолиятида масаланинг зоҳирий томонига кўпроқ эътибор берди (фарзандлари номини Темурий фарзандлари номи билан аташ, масалани фақат қилч ёрдами билан ҳал қилиш керак ва ҳ.к). Парчаланаётган салтанатни иқтисодий ва ижтимоий соғломлаштириш томонига эса эътибор қаратмади.

Иккинчидан, Бобир даврида ичидан емирилиш давом этаётган салтанат ерларига жиддий кушанда пайдо бўлди: ташқи ғаним нимжон танага ташланаётган калхатдек ҳужумни тобора авж олдираётган эди. Эзгу ниятлар билан фаолият бошлаган ёш Бобир подшоҳ олдида ҳам ноқобил темурийзодаларнинг ўзаро курашини даф этиш, ҳам ички сотқинлар фаолиятини даф қилиш, ҳам ўша ташқи ғаним Шайбонийхон ҳужумига қарши ишончли қалқон пайдо қилишдек бир-бирдан жиддий муаммо масалалар турар эди.

Учинчидан, Бобирнинг давлат фаолияти бошланганда, қўлида ҳокимияти бор темурийзодалардан биронтаси ҳам улуг Соҳибқирон салтанати, ақалли Мовароуннаҳрни сақлаб қолиш ҳақида Бобирчалик қайғурмадилар. Кичик амакиси Султон Маҳмуд Мирзо ҳам унинг ўғилларидан, хусусан, Султон Масъуд, Султон Али Мирзолар ҳам темурийзодаларга хизмат қилган ва мулкка эришган (Хисравшоҳ каби) беклар ҳам Бобирнинг эзгу мақсадини тушунмадилар, аҳиллик кўрсатиш ўрнига душманлик муносабатида бўлдилар. Улар мулк талашиб, ўзаро урушларга берилиб кетиб истиқболни кўрмай қолдилар. Бундай аҳвол ташқи ғанимга жуда ҳам қўл келарди.

Тўртинчидан, Бобир тахтга ўлтирганда энг ёш темурийзодалардан эди. Унинг мана шу ёшлигидан кўп ички ғаламис беклар фойдаланмоқчи бўлдилар. Ҳатто тоғалари бўлмиш Мўғулистон

хонлари ҳам ўз жиянининг подшоҳликдаги тажрибасизликларидан ўз мақсадларида фойдаланмоқчи бўлдилар.

Бешинчидан, - бу ҳам эътиборга лойиқ, - Бобирнинг ёшлиги туфайли давлатни бошқариш ишидаги тажрибасизлиги, оқ кўнгиллиги, шу туфайли барчага самимий ишончи кўп ҳолларда унга панд берди. Бобир даври мана шундай белгиларга эга эди.

Аммо ундаги бошқа шахсий сифатлар - теран ақл ва зукколик, довюраклик ва мардлик-баҳодирлик, жисмоний соғломлиги ва ҳарбий маҳоратни тезда эгаллаб олганлиги, муҳими - унинг мустаҳкам иродалилиги, кейинча эса, умидли истиқбол йўлида Ватан тақдирини ўйлаб иш тутишлари, - бу сифатлар Бобирни ажойиб шахс сифатида бошқа темурийзодалардан ажратиб турар эди. Ниҳоят, у ҳарбий саркарда, теран фикрли олим ва зукко шоир бўлиб жаҳонга танилишида Фарғона подшоҳлиги даври унинг ҳаётномасида мазмунли аҳамият касб этади.

Бироқ афсуслик жойи шундаки, Бобирнинг эзгу мақсадлари йўлида уни қўллаб, қувватлайдиган комил инсон топилмади. Ватанни асрашдек пок ниятини рўёбга чиқаришдаги ҳаракатларида суянчиқ бўладиган мустаҳкам ички таянч топилмади, Бобир ёлғизлик қилиб қолди. Аммо у барибир умидсизликка тушмади. Мовароуннаҳр бирлигини ҳар қандай йўл билан сақлаб қолиш учун у энди ташқаридан мадад исташга қарор қилди - Ватандан чиқиб кетди. Унинг мақсади- ташқаридан мадад олиб қайтиб келиш ва Ватанни қутқариш эди. Бироқ тақдир унга бошқа туҳфалар тайёрлаб қўйганини Бобир билмас эди.

Бобир мирзо мана шундай пок ва эзгу ниятлар билан ота мулки Фарғонани, киндик қони тўкилган Андижонини ташлаб чиқиб кетар экан, бундан бир ярим минг йил илгари Рим оламида ўз фаолиятини бошлаган ва биз Бобирга муқояса қилаётган Юлий Цезар фаолияти бошқачароқ кечган эди.

## ЮЛИЙ ЦЕЗАРНИНГ ДИКТАТОРЛИК ЙЎЛИ

Биз Цезарнинг ёшлиги ҳақида илгариги бобда сўз юритганимизда у Римнинг бош қоҳини деган диний лавозимга эришгач, ўзининг бош мақсади - олий ҳокимият сари, яъни якка ҳукмронлик ўрнатиш учун интилишда яна давом этажаги ҳақида ёзиб, баҳсимизни вақтинча шу ерда тўхтатган эдик.

Шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, икки минтақадаги бу икки буюк шахснинг олий мақсадлари туб моҳияти жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади: Бобир Мирзо Мовароуннаҳрни бирлаштириб, улуг бобоси Соҳибқирон Амир Темур салтанатини буюк дарёларимиз Аму ва Сирдарё оралигида тиклаш ва сақлаб қолишдек юртпарварлик ниятида фаолият кўрсатса, Юлий Цезар Рим республикасида якка ҳокимлик даражасига эришмоқ, мамлакатда диктаторлик, яъни шахсий зўравонлик ўрнатмоқ ниятида ҳаракат қилади ва мана шу бош мақсади йўлида курашни давом эттиради.

Цезар бу кураш йўлида ўзига табиат ато қилган ижобий фазилатлари-ю, шу билан бирга инсонга хос салбий феъллари, - барчасини ишга солади, аямасдан мол-дунё сарфлайди, дўстларини алдайди, душманларини гафлатда қолдиради. Мағлубларга сеҳрли жилмайишлар қилади, қурбонларга эса аввал аза очади, сўнг қабрларини топтаб босиб ўтади. Ҳар қандай сиёсий ва ҳарбий шароитда ҳам асосий мақсади йўлидан асло чалғимайди. Унга бу йўлда на жисмоний ҳорғинлик, на руҳий тушқунлик таъсир қилар эди. Бир вақтлар унинг бош душмани бўлган Сулла вақтлар келиб Цезар энг хавfli шахсга айланиб қолиши ҳақида башорат гап айтган эди. Сулланинг бу гаплари, 25 йилдан кейин Рим аристократларининг ёдига тушган бўлса керак деб ёзади Цезар замонидаги тарихчилардан бири.

Цезар бўлғуси воқеаларни кўра билишдан ташқари, уларни олдиндан бошқаришга ҳам даъвогарлик қилар эди. Унинг шахсий феъллидаги мана шу жиҳатлари мақтанчоқлик, ўзини ўзи севиш, шафқатсизлик, бировларга бўлган ҳурматида ҳам, газабида ҳам доймо маълум мақсадни кўзлаш каби сифатлари билан ёш содда феъл, оқ кўнгил ва дўстларга шафқатли Бобирдан кескин фарқ қилар эди.

62-йили Цезар преторлик лавозими сўнгида (ўтган бобдаги изоҳга қаралсин) Римга қарашли Испания ўлкасини бошқариш ҳуқуқига чек ташлаш йўли билан эга бўлди. Аммо Римдан жўнаб кетиш унга осон бўлмади: турли ўйинлар ўтказишда ва сайловларда унга пул қарз берганлар қарзини тўлаб кетишини талаб қиладилар, акс ҳолда уни судга бермоқчи ҳам бўладилар. Бироқ унинг сиёсий майдондаги дўсти Красс бу сафар ҳам ёрдам беради: чунки унга Цезарнинг қуроли-ю, қуввати керак. Қаралар учун пул бериб, унинг Испанияга кетишига йўл очиб беради. Цезар ўша онларда шаҳардаги игволар, ўзаро жанжал-у, фисқ-фасодлардан зериккан ва курашни ташқарида давом эттирмоқчи эди. У Испания йўлидаги бир камбағаллар қишлоғида тўхтаганида, Цезар ҳамроҳларидан бири ҳазил аралаш: «Наҳотки, шу қишлоқда ҳам амал талашишлар, киборлар орасида биринчи бўлиш учун жанжаллар бўлса!» — деб сўраганда Цезар жиддий оҳангда: «Мен эса Римда иккинчи бўлишдан кўра бу ерда биринчи бўлишни афзал кўрадим» — деб жавоб беради. Унинг бу жавоби Римда келажакда биринчи шахс бўлиш учун курашни Испанияда ҳам давом эттиражигидан дарак беради эди.

Испанияга келгач, биринчи навбатда у ўз армиясини кўпайтиради. Қўшинларини мукофотлашдан, қисм командирларига турли унвонлар беришдан ташқари, маҳаллийларга Рим фуқаролик ҳуқуқи ҳам олиб беради (Бундай ҳуқуқи борлар имтиёзларга эга бўларди.). Цезарнинг бу иши Рим ўлкалари ҳақидаги аъъанавий сиёсатга зид эди. Унинг бу ўзбошимчилик ҳаракатидан Испания аҳолиси мамнун бўлса, Рим ҳукумат доиралари ундан норози эдилар. Чунки Рим фуқаролик ҳуқуқи фақат асл римликларга берилар эди. Рим мамлакатининг чегаралари эса жуда ҳам кенгайиб, бўйсунган ўлкалар халқи кўпчиликини ташкил қиларди. Бунга эътибор берган Цезар Рим фуқаролик ҳуқуқини турли ўлкалар, вилоятлар аҳолисига ҳам тарқатиш тарафдори эди. Шунинг учун римликларнинг замонга мос тушмай қолган аъъанавий эски сиёсатини ўзгартириб, ўлкалар ҳуқуқини кенгайтириш учун курашади ва оқибат ўлкалар вакилларида ҳам Рим сенати аъъолигига қабул қилдиради, сенатга янги қабул қилинганлар Цезарнинг фидойи дўстлари ва кейинча Цезар сиёсатининг тарафдорлари бўлиб қолади.

Цезар бу ҳаракатлари билан Рим ўлкалари тараққиёти учун курашган фидойи инсон деган ном олади. Аслида эса мақсади Испанияда маҳаллий халқ орасида орттирган дўстлари ёрдамида моддий бойлик тўплаш ва Римдаги қарзларидан қутулиш бўлса, сиёсий жиҳатдан диктатура йўлида Испанияда ҳам таянч пайдо қилиш эди. Цезар Испания шаҳарларидан келиб турган бутун совға-саломлар, пора-ю, ҳадяларни ҳеч иккиланмасдан олаверарди. Тезда анчагина бойиб олди ва қисман қарзларидан ҳам узилди. У ҳам дўсти, ҳам келажакдаги рақиб Помпейнинг жанговарлик шуҳратини ҳавас қилиб, ҳарбий урушларда қатнашиб ном қозонишни орзу қиларди. Шу мақсадда Цезар Испанияда ўзга қабилаларни ва чекка вилоятларни Римга бўйсундириш учун кенг ҳарбий операциялар бошлайди ва жангларда катта ғалабалар қозонади. Сенат Цезарнинг Испаниядаги ғалабалари шаънига зафар тантанаси (триумф) ўтказишга қарор қилади. Аскарлар эса уни «император» деб эълон қиладилар.

Цезар Испанияда қатор ғалабаларга эришгач, энди ғалдаги консуллик сайловларида ўз номзодини қўйса бўлади - бунга ҳам моддий, ҳам сиёсий, ҳам тактик жиҳатдан ишончли таг-замин тайёр бўлди. Лекин қонунга кўра, аввал зафар тантанаси (триумф) учун ўз қўшинлари билан Римга тантана билан кириб келиши шарт, шундан сўнг консулликка ўз номзодини қўйиши мумкин. Шунинг учун Цезарнинг сенатдаги душманлари ойлаб зафар тантанасини турли баҳоналар билан чўзиб, натижада келаси йилги сайловда Цезар номзоди қўйилмай қолади.

Бу йиллари Римдаги шароит ҳам ўзгача эди. Иккита энг йирик ҳарбий саркарда - Красс ва Помпей ўртасида рақобат пайдо бўлиб, оралари ўн йилдан буён бузилган эди. Уларнинг душманлари эса бу саркардалар рақобатидан сиёсий курашларда ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи эдилар. Рим сенати ҳам уларнинг ўзаро рақобати натижасида икковининг ҳам сиёсий ҳамда ҳарбий қудрати синишидан, армия ва давлат ишларидан четлаб кетишидан манфаатдор эдилар.

Шундай ҳолларда чаққонлик кўрсатадиган Цезар фурсатни ганимат билиб дарҳол ҳаракатга келади. Ўзининг Красс билан

---

<sup>1</sup> «Император» - бу ерда катта ҳарбий ҳаракатларда голиб келган саркардаларга бериладиган ҳарбий унвон маъносидадир.

қадрдонлигини ва Помпей билан қариндошлигини (Цезарнинг ўлган хотини Помпей синглиси эди) ишга солиб, ўртада воситачилик қилади. Якка ҳаракат қилмасдан бирга курашсалар, сенатда ғолиб келишлари мумкинлигини Крассга ва Помпейга тунтиради ва икковини ўзаро яраштиради. Красс ва Помпей ҳам консуллик сайловларида Цезарга ёрдам беришга ваъда қиладилар. Шундай қилиб, учовлари ўртасида Рим сенатига қарши махфий иттифоқ тузилади. Бу иттифоқ тарихда 1-триумвират (учлар иттифоқи) деб аталиб, амалда Рим республикасига раҳбарлик қилиш шу учлар иттифоқи қўлига ўтиб қолади. Плутарх Цезарнинг бу фаолиятига, Помпей ва Красс ўртасидаги душманликни дўстликка айлантириб, уларнинг қудратини ўз шахсий манфаатига бўйсундирди, - деб баҳолайди ва Цезар «Инсонпарварлик» ниқоби остида бировларга билинтирмасдан ҳақиқий давлат тўнғариши қилди», - деб ёзади.

Ниҳоят, 60-йил охирида ўтган сайловда Цезар консулликка сайланиб, қонунга кўра, 59-йил январ ойидан ушбу давлат вазифасининг ижросига киришади. Цезар халққа маъқул келадиган қонунлар лойиҳасини таклиф қиларди.

У консуллик фаолиятини ер ҳақидаги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқишдан бошлайди. Лойиҳага кўра, урушларда босиб олиниб «давлатники» деб ҳисобланган ерларнинг бир қисмини Рим камбағалларига, энг аввало кўп болали оилаларга, шунингдек Помпей армиясида хизмат қилиб нафақага чиққан қарияларга тақсимлаб берилиши лозим эди. Аммо Сенат аъзолари лойиҳа муҳокамасида бунга тиш-тирноғи билан қарши чиқади. Плутархнинг ёзишича, ушбу қонун лойиҳасининг консул Цезар томонидан таклиф қилиниши арзон обрў ниятида, «авом халққа» ёқиш учун ва унинг ҳурматини қозониш ниятида қилинган ўйин эди. Худди шундай бўлиб чиқди: бутун камбағаллар Цезарни қувватладилар. Сенат эса бунга бутунлай қарши. Иккинчи консул - Цезар шериги Бибул ҳам бу лойиҳага қарши эди.

Ўшанда Цезар: «сенаторларнинг тошбағирлиги ва калонди-моғлиги мени халққа мурожаат қилиб, у билан бирга ҳаракат қилишга мажбур этади» (Плутарх)-дейди ва масалани халқ мажлисига қўйиш учун Форумга жўнайди.

<sup>1</sup> Плутарх. Сравнительные жизнеописания, 2-жилд, 476-бет

<sup>2</sup> Форум - халқ мажлиси ўтказиладиган тарихий майдон.

Чақирилган халқ мажлисида Цезар ўз иттифоқдошлари Красс ва Помпейни икки ёнига ўтқазиб қўйиб, улардан баланд овоз билан: таклиф қилинган қонунни ёқлайсизларми? - деб сўрайди, улар ҳам тасдиқлайдилар. Шунда Цезар бунга қарши чиққанлар билан қуролли курашда ёрдам беришларини улардан сўрайди, шериклари бунга ҳам ваъда беришади. Мажлисида қатнашаётган сенат аристократлари бутунлай норози, тўпланган халқ эса хурсанд эди. Цезар ундан норози бўлган консул Бибулни мажлисдан намойишкорона ҳайдаб чиқаради.

Цезар ўз режаларини амалга оширишда қудратли Помпей ёрданидан янада кўпроқ фойдаланиш учун кейинча қизи Юлиани унга никоҳлаб беради (Эътбор беринг: собиқ қайноғаси энди ўз куёви бўлиб қолади). Бу - Цезарнинг бўлғуси консул билан ҳамдўстлик алоқаси ўрнатиш учун ишлатган тактикаси эди. Бу ҳолат Римда «Бу одамлар никоҳ йўли билан ўзаро иттифоққа бирлашиб, давлатда олиёҳқимиятни эгаллашмоқда ва хотинлари ёрдами билан бир-бирларига қўшынлар-у, лавозимлар тақдим қилмоқдалар» деган шов-шувлар чиқишига сабаб бўлади. Помпей ва унинг қўшинлари ёрдами билан Цезар беш йилгача икки қисм Галлия - Алп олди ва Алп орқаси Галлиясининг барча ўлкаларини бошқариш ҳуқуқини олади.

Аммо Римда Цезар ва шериги (ўз куёви) Помпейга қарши чиқишлар юз бераётган эди. Шаҳар деворларида уларни ҳақорат қилишгача борган турли ёзувлар пайдо бўлади. Цезарнинг сиёсий рақибларидан энг кучлиси Римнинг собиқ Республика тузуми ҳимоячиси Цицерон эди. Шунинг учун бу обрўли шахсни қандай қилиб бўлмасин «қўлни кесиш ва тилини тийиш» лозим эди. Цезар бунинг учун усталик билан шундай бир заргарона йўл топадики, кейинча унга барча- кузатувчилар-у, дўстлари қойил қолади: Цезар оиласида илгари бўлиб ўтган бир нозик ишда: яъни, тунда хотини ётган уйга яширишиб киришда айбдор бўлган Клодий деганнинг айбини судда кечирган (ҳамма бунга ҳайрон қолган эди) ва уни кейинча ўзининг дўстига айлантириб олган эди. Цицерон эса Клодий айбини судда даъво қилган ва уни жазолашни таклиф қилган эди, шунинг учун Цезарни ёмон кўриб унга душман бўлиб қолган эди. Мана энди «гаҳ деса қўлига қўнадиган Клодийни Цицерондан ўч олиш вақти келди» - уни «халқ трибуни» лавозимига сайлатади ва уни Цицеронга қарши қўяди. Маълумки,

трибунликка фақат плебейлардан сайланарди. Клодий эса патрицийлардан бўлгани учун, - Цезарнинг усталигини қарангки, - уни бир плебейга ўғил бўлгани ҳақида ҳужжат тайёрлатиб, сўнг трибунликка тавсия қилади. Клодий қонун йўли билан ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, оқибатда Цицерондан ўч олади - уни Римдан кўчириб юборишга, уй-жойларини мусодара қилишга муваффақ бўладилар. Бу «операция» Цезар ўз душманларидан бировларнинг қўли билан ўч олишга ниҳоятда устамон - муғамбирлигини кўрсатади.

Цезар консуллик чоғидаги фаолиятида асосан икки нарсага кўпроқ эътибор беради. Биринчиси - ҳозирча ўз иттифоқдошлари бўлмиш - Красс ва Помпейларга нисбатан олган мажбуриятларини бажариш, иккинчидан, оддий халқ оммаси фикрини ўзига маъқул томонга буриб юборадиган тадбирлар ўтказиш. Бундай тадбирларни муваффақият билан ўтказаяди.

Юқорида айтилганидек, Цезар келаси йили консулликка сайланадиган Пизон деганнинг қизи Калпурнияга уйланиши ҳам унинг узоқни мўлжаллаб, гўё кейинча «орқа томонини» ҳам мустаҳкамлаш учун қилинган тадбир эди: ахир қайнотаси Пизон 58-йили консулликка сайланарди-да! Демак, Цезар консулликдан сўнг тартибга кўра Галлия ўлкасига бошлиқ бўлиб кетса ҳам давлат ҳокимиятидан хотиржам: қайнотаси консул-ку! Шериги Бибулни эса умуман консуллик ишларидан четлатиб қўяди. Бутун давлатни энди деярли якка ўзи бошқараётган эди. Баъзи сўз усталари ҳазил қилишиб Цезар ва Бибулнинг консуллик даврини «Юлий ва Цезар даври» деб кулишар эдилар. Красс ва Помпейлар эса унга иттифоқдош.

Цезарнинг ўз мақсади йўлида қўллаган тактикаси аъло даражада амалга ошганини ўзи ҳам сезгач, қанчалик сипо ва эҳтиёткор бўлмасин, сенатнинг бир мажлисида атайлабми ёки билмасданми - шундай деб юборади: «Душманларимнинг норозилиги ва қаршилигига қарамай ниҳоят ўз мақсадимга эришдим, энди уларнинг барчасини эгарлаб миниб оламан». Бундай дейишда унинг мақтанчоқлиги ва сиёсий ўйини шундоққина билинб қолади. Умуман Цезар илгари ҳам Сенатда халқ оммасини керакли томонга етаклаб кета олиши мумкинлигини бир неча марта ишора қилган эди.

---

<sup>1</sup> Гай Светоний. Жизнь двенадцати Цезарей, 14 бет.

Цезар консул бўлганда 40 ёшда эди. Қобилиятли ҳарбий саркарда, ҳушёр сиёсатчи ва давлат арбоби бўлиш билан бирга, у пойтахтдаги бадавлатлар ҳаётида ҳам энг кўзга кўринган кибор аёлларга ишқибоз сифатида ҳам танилган эди. Унинг шахсида сатанг олифтагарчилик билан оддийлик, барчага бир вақтда ҳам сиполик билан, ҳам табассум-ла муомалада бўлиш, ўзига оро бериш каби ясама дилбарлик аломатлари бир-бирига қоришиб кетган эди. Бу феъллари Цезарни ўз навбатида аёллар дунёсида ҳам машҳур қилиб юборган эди. Бироқ унга эргашаётган ва уни қўллаётган авом халқ Цезарнинг гўё «халқтил» сиёсий фаолияти орқасида яшириниб турган бу хотинбозлик сифатларидан, афсуски, беҳабар эди.

Цезар бутун қобилиятини намоёиш қилиши учун унга гўё Рим торлик қилаётгандек эди. У консулликдан сўнг Галлияга ҳоким бўлиш ҳақида зўрлик билан сенат қарорини чиқартириб Галлияга кетади. Жанговар қабилалар ўлкаси бўлмиш бу бепосён ўрмон-у, чўлларда, катта-кичик, ранг-баранг шаҳарларда унинг ҳарбий саркардалик фаолияти янгидан бошланади ва жанговарлик қобилияти яна намоён бўлади.

Римга асрлар давомида хавfli бўлиб келган, иккинчи томондан табиий жиҳатдан жуда ҳам бой бўлган Галлияни қатъий равишда тиз чўктириш ва Римга бўйсундириш учун бу ўлкага Цезардек ҳам шуҳратпараст, ҳам чапдаст саркарданинг юборилишига Сенат ҳам рози эди. У Сенат ишончини ҳам оқлади ва ўзи ҳам шуҳрат топди: ўтган тўққиз йил ичида (э.ав. 58-50 йиллар) Рим учун фавқулодда ишлар қилди. Бир қатор ҳарбий урушлар олиб бориб, шу давргача бўйсунмаган галлиялик қабилаларни тиз чўктирди. Бу ғолибона урушлар унга ҳарбий шуҳрат келтирди, ҳисобсиз бойлик орттирди. Цезар шунчалик кўп маблағ тўпладики, қарзларини узишдан ташқари қолган бойлик пойтахт Римда ва ташқари мамлакатлар-у, шаҳарларда ҳокимият учун бўладиган сиёсий ўйинлар-у, курашларга бемалол старди. Цезарнинг шиддатли ҳарбий фаолияти натижасида Рим учун Галлия қуллар, аскарлар ва беҳисоб олтин конига айланади. Шу билан бирга, бундай беҳисоб бойликни қўлга киритиш катта қурбонлар, вайронгарчиликлар ҳисобига бўлди.

Цезар ўз даври учун жаҳонда энг намунали ва темир интизомли армия ташкил қилади. Римда Гай Марий ҳарбий ислоҳотидан сўнг ёлланма кўшин тузиш қонунлаштирилади -армия энг камбағал табақалардан 20 йил муддатга олинадиган бўлади, уларга яхшигина маош тўланади (Ўшандан бошлаб Рим армиясида хизмат қилиш фуқаролик мажбуриятидан ихтиёрий хизматга айланади).

Цезар Галлияга 30 минг аскар билан келган эди. Қисқа вақт ичида Цезар аскарлари 100 мингга етди. Урушқоқ маҳаллий халқлар эса бир юришда 300 мингтагача аскар сафарбар қила оларди.

Цезарнинг Галлиядаги дастлабки уруши гелвет қабилалари билан бўлди. 400 мингга яқин ушбу қабила шимол томондан Италияга чегарадош тоғли жойларда яшарди. Цезар нисбатан озроқ куч йигиб гелветларнинг кўп сонли кўшинига қарши уришади. Цезар кўшинидаги қаттиқ интизом, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик, қуроллар сифати, аскарларнинг Цезарга содиқлиги кўп сонли гелвет кўшинлари устидан ғалабани таъминлайди ва улар бўйсундирилади.

Кейинги жангларда герман қабилалари устидан ҳам ғалаба қозонди. Герман қабилаларининг бошлиқлари Цезарнинг уруш қоидасига сиғмайдиган макр ва ҳийлаларини айблаб ундан товон тўлашни талаб қиладилар. Бироқ Рим Сенати триумвирлардан (яъни учтик иттифоқдошлардан) кўрққанидан улар талабига қулоқ солмади. Шунингдек, 57 йили белг, нервил, адуатук ва венец каби қабилалар билан бўлган жангларни ҳам Цезар армияси ажойиб ғалабалар билан якунлади.

Бу ҳарбий компаниялардан сўнг Цезар Галлиянинг кўпчилиги қисмини Римга бўйсундиради ва ўз назоратига олади. Галлия Рим армияси томонидан таланади ва тўпланган беҳисоб бойликнинг бир қисми аскарларга - легионерларга бўлиб берилади. Ёлланиб армия хизматига кирган камбағалларга ҳам мана шу усул билан бойиб олиш ваъда қилинар эди. Рим армияси ишлатган раҳмсизликлар, инсон одобига сиғмайдиган қаттиққўлликлар тавсифига қалам ожизлик қилади. Цезар галлар билан урушга бағишлаб ёзган эсдаликларида қийноқлар билан мол-мулкларини тортиб олишлар, одамлар калласини осонгина олиб ташлашлар, ҳазилақамига қорнини ёриб ташлаш каби бераҳмлиқлар, шаҳарларни беаёв талашлар, ўт қўйишлар ҳақида ҳеч тортинмасдан ёзади. Шу билан бирга,

Цезар ўзини душманга нисбатан раҳмдил кўрсатишга ҳам уста эди. Аммо ҳар доим унинг хатти-ҳаракатларида ўта раҳмсизлик намоён бўларди.

Галлия урушларидан сўнг Цезар Британияга қарши юриш бошлади. Ушбу орол Галлия қочоқлари учун доимий бошпана ҳисобланиб, бу оролдаги қабилалар галларда римликларга қарши доимо нафрат уйғотар, гиж-гижлар эди. Цезар Британияга ҳужум қилиб британияликларнинг адабиви бериб қўйишни ўйлайди. Бу оролдаги ер ости бойликлари ҳақида Римда афсонавий ҳикоялар тарқалган эди. Цезар денгиз флоти билан биринчи марта 55 йили (э.ав.), иккинчи марта 54 йили (э.ав.) Британия қирғоқларига сузиб ўтади. Бироқ бу ҳужумлар Цезар кутганидек муваффақият келтирмади: Галлияда унга қарши қўзғолонлар бошлангани учун қайтиб кетишга мажбур бўлади. Қўзғолончи галлардан яна раҳмсизларча ўч олади, уларнинг шаҳар ва қишлоқларини талон-тарож қилиб, ўт қўяди. Аммо шунга қарамай бутун, Галлия бўйлаб маҳаллий халқ римликларга қарши яна қўзғолонга отланган эди. Бир неча юз минглаб Галлия қўшинлари қатнашган қўзғолонларни бостириш Цезарга жиддий ташвиш бўлди ва икки йилга чўзилиб кетди. Гоҳида унинг легионлари катта талофатлар кўриб мағлубиятга ҳам учради, Цезарнинг ўта қаттиққўллиги, айрим мағлубиятларга қарамай, ўз мақсади йўлида шиддатли ҳаракатларни тўхтатмай давом эттириши натижасида, ниҳоят, 52 йилдан Галлия қўзғолонини бостиришда бурилиш бошланди.

Умуман, Цезарнинг Галлияда олиб борган урушларига якун қилиб шуни айтиш керакки, бу катта мамлакатни бўйсундириш 9 йилга чўзилди. 800 та шаҳар аввалига вайрон қилиниб, сўнгра қўлга киритилди. Бир миллион одам ўлди ва яна шунчаси асир олинди. 300 дан ортиқ турли қабилалар бўйсундирилди. Галлия урушлари Цезар ҳаётида энг оғир, машаққатли ва узоқ давом этган уруш ҳисобланиб, оқибатда унга жуда катта шон-шухрат келтирди. Тарқатилган турли мукофотлар-у, сийловлар натижасида армия ичида, хусусан оддий аскарлар орасида унинг обрўйи ниҳоятда ортиб, ҳар бир аскар, отлик ёки ҳар бир катта-

<sup>1</sup> Масалан, Галлия уруши вақтида Цезар хонлик қилганлар ва хуфя равишда қўзғолон уюштирганларнинг қўлларини кесиб, бошқаларга сабоқ бўлиши учун тирик қолдиришга буйруқ берган.

кичик командир, агар буйруқ бўлса, Плутархнинг ёзишича, ўлимга ҳам тайёр эканини изҳор қиларди. Цезар сўзи армияда қонун кучига эга эди. («Клеопатра» номли Америка кинофильмида бу ҳолат яхши ифода қилинган).

Шу билан бирга Цезар, урушда қатнашган барча оддий аскар-у, командирларга мағлуб бўлганларни талаш ҳисоби-га бойиб олишларига ҳам тўла имконият яратиб берган эди. Бинобарин, унга бўлган ҳурмат - муҳаббат бўйсундирилган шаҳар-қишлоқларнинг таланиши ҳамда халқининг ўлимга, асирликка маҳкум этилиши ҳисобига эди. Холисона айтганда, Галлия урушларида Цезарнинг истеъдодли ҳарбий саркарда, фикрловчи сиёсатдон эканлиги ва дипломат каби сифатлари ҳам очиқ намоён бўлади. Ҳарбий юришларда Цезар доим қўшин олдида, кўп ҳолларда бош яланг ва пиёда борар эди. Овқатни ҳам оддий аскарлар билан бирга ер, қийинчиликларга ўта бардошли ва чидамлилиқ кўрсатар эди. Унинг бу шахсий сифатлари ҳам армия орасида шуҳратини ва ҳурматини янада мустаҳкамлар эди. Цезар табиатидаги салбий феъллари ҳамда кўзлаган мақсади эса ҳозирча ҳарбий шуҳрати-ю, қозонган ғалабалари соясида қолиб кетади. Умуман, қадимги дунё муаллифлари кўпроқ Цезарнинг шахсий фазилатлари ҳақида ёзишгани маълум. Лекин ҳаётий мақсади, сиёсий ўйинлари, шахсий феълдаги салбий жиҳатлари кўпинча эътибордан қолиб кетган. Бунга айрим Оврўпо тадқиқотчилари энди эътибор беришмоқда.

Цезар жуда катта қийинчиликлар билан Галлияни бўйсундиргач, бу ўлкаларда римликлар ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун ҳам кўп меҳнат сарфлади. Галлияни романлаштириш ва галлар томонидан латин тилини мажбуран ўрганиш сиёсатини махсус режа асосида амалга оширади. Унинг бу сиёсати XIX ва XX асрда Россия унинг тасарруфига ўтган халқларни руслаштириш сиёсатида ҳам тажриба сифатида қўлланилади.

Аммо ҳукмрон доирадагиларни ҳамда Рим Сенатини Цезар шуҳрати ва Галлиядаги ғалабалари анча ташвишга солиб қўяди. Баъзи аристократлар уни Галлиядан чақириб олишни, комиссия тузиб, унинг Галлиядаги ишларини тафтиш қилишни, ҳатто судга беришни ҳам таклиф қиладилар. Айрим Рим шоирлари Цезарга қарши памфлетлар ёзиб тарқатишади. Баъзи нуфузли киши-

лар унинг Британияга ҳужумини фақат марварид излаб борганликда айблади (унинг аёлларга ишқибозлигини айтган эдик. Цезар севгилисига қимматбаҳо дурлар ҳадя қилишини жамоатчилик яхши билар эди). Галлияда ҳам у аёлпарастлик одатини ташламаганликда, бойлик учун шаҳарлар-у, ибодатхоналарни ҳам талагани учун айбланади.

Дарҳақиқат, юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, Цезар Галлияда ҳисобсиз бойлик тўплаган эди. Ушбу бойликлар ҳисобига анчагина жамоат қурилишлари ҳам қилди. Шу билан бирга, обрўси бор кўпгина римлик аристократларга, ҳатто собиқ нуфузли ғанимларига ҳам қимматбаҳо ҳадялар бериб, уларни дўстга айлантириб олишга уринди. Цезарни ёшлигидан билдиган, унинг феълида турли совға-ҳадялар, уюштирган оммавий сайл-ўйинлар орасида яшириниб ётган сиёсий мақсадларидан огоҳ бўлган айрим жамоат арбоблари ва бошқа обрўли шахслар унинг Римга тобора ёйилиб кетаётган шуҳратидан хавфсирашар эди. Плутархнинг ёзишича, Цезар бутун Галлия уруши давомида гоҳ қурол билан, гоҳ шундоқ ҳам душманни талаб, тўпланган олтинлар-у, бошқа бойликларни одамларга ҳадя қилиш ҳисобига ғалабалар қўлга киритди. Цезар обрўи ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий қудратли Галлиядаги ғалабалар натижасида шунчалик ортдики, 56-йили 200 дан ортиқ сенаторлар унинг олдига табриклагани келиб, Цезар иттифоқдошлари Красс ва Помпей розилиги билан унинг бўйсундирилган Галлиядаги ҳукмронлигини яна 5 йилга узайтиришга қарор қиладилар ва ундан кейин 49 йили ҳам қайтадан консулликка сайланиш ҳуқуқи берилади.

Уша йиллари Цезар ва иттифоқдоши Помпей ҳаётинда оилавий тасодифлар юз беради: 54-йили Помпейнинг энг севгили хотини (Цезар қизи) Юлия кўз ёриш пайтида вафот қилади. Бир неча кундан сўнг эса чақалоқ бола ҳам ўлади (ундан бир оз вақт илгарироқ Цезарнинг онаси Аврелия ҳам ўлган эди).

Бу оилавий мусибатлар Помпейнинг ҳам, Цезарнинг ҳам кайфиятига анчагина ёмон таъсир қилади ва ўртадаги қариндошлик алоқаларига ҳам путур етказилади. Бир йилдан сўнг яна бир тасодиф юз беради: 53-йили Красс Парфия урушида ҳалок

---

<sup>1</sup> Қонунга кўра, қайтадан, фақат 10 йил ўтгач сайланиш мумкин.

бўлади ва триумвират, яъни «уч кишининг иттифоқи» ҳам ўз қисқа умрини тугатади. Иттифоқнинг бузилиши эса Римда голиб Цезарга қарши кучларни уйғота бошлайди. Помпейнинг Цезар билан алоқалари ҳам узилади. Энди Цезар Рим сенати билан яқинлаша бошлайди.

Помпей ҳам Цезарнинг ашаддий душманларидан бирининг қизига уйланади ва собиқ қайнотаси - Цезарга қарши кайфиятда сиёсат юргиза бошлайди. Цезар душманлари ҳам бош кўтариб, унинг обрўйига зарар етказиш учун жиддий ҳаракат бошлайдилар. Ҳатто Цезарни Британияга юриши муваффақиятсиз яқунлангани учун судга беришни талаб қиладилар. Помпей ҳам умуман олганда Цезарга қарши кайфиятда бўлган Сенат билан бирлашади. Натижада уни Галлия армияси қўмондонлиги муддатини узайтиришмайди. Жаҳли чиққан Цезар Рим томон юради ва Галлиядан Алп тоғлари ёнидаги Равенна шаҳрига келиб жойлашади. Сенат ва Помпей, гўё Цезар «давлат тўнтариши қилиш учун Римга яқинлашмоқда» - деб эълон қиладилар ва Помпей барча ветеран аскарларини чақириб Цезарга қарши қўйиш учун Римга жойлаштиради. Чиндан ҳам асрий Рим республикасининг пойтахти собиқ икки дўст, иккита йирик ҳарбий саркарда - Цезар ва Помпейнинг бир-бирларига қарши уруш майдонига айланиб бораётган эди. Бу албатта Республика тақдирига ҳам таъсир қилар эди.

Гай Светонийнинг ёзишича, Цезарнинг ўзига ишончи қаттиқ. У Галлияда эканидаёқ Римда ўзини биринчи шахс деб ҳисоблаган ва уни иккинчи ва ундан кейинги ўринларга суриб қўйиш осонликча кечмасди. У Равенна шаҳрида ўзи билан бирга бўлган легионга ва махсус мактабда машқ қилаётган гладиаторларга Римга юришга тайёр бўлиб туришлари ҳақида махфий буйруқ беради. 49-йил 11 январда тарихий воқеа юз беради: Цезар ҳеч нима бўлмаётгандек Равеннада меҳмондорчилик уюштиради. Ҳаммани зиёфатга машғул қилиб ўзи билинтирмасдан махфий бошлаган ҳарбий тайёрликни кўздан кечиради, олдиндан Рим томонга синалган махсус қўриқчилар юбориб, йўлда уни кутиб туришларини тайинлайди. Кечқурун барча меҳмонлар зиёфатда эканида хотиржамлик билан ваннада чўмилиб, ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслик учун яна меҳмонлар олдига киради. Тун ярмига

яқинлашай деганда узр сўраб зиёфатдан чиқади-да, ўз отида эмас, тегирмончининг олдиндан тайёрлаб қўйилган ва хачирлар қўшилган аравасига ўтириб Италия ичкарисига - Рим томонга шиддат билан юриш бошлайди. Плутархнинг ёзишича, Цезар ўшанда таваккалига Римга қатъий юриш бошлаб: «Вассалом, масала ҳал» - деган чақириққа ўхшаш ва тарихда машҳур калимасини айтган-да, шиддат билан юриб олдинга юборилган жанговар соқчиларга етиб олган. Италиянинг Рим йўлидаги қатор шаҳарларини эгаллаб, йўлда тўхтамасдан пойтахт томон кириб борган.

Цезар йўлда эканидаёқ унинг келаётганини эшитган римликлар ваҳимага тушиб бутун умидини Помпейга қаратадилар.

Чекиниш бўлса ҳам таъкидлаб ўтайлик: Помпей ҳам Рим тарихида алоҳида ўрин эгаллаган ҳарбий шахслардандир. Унинг ҳам ўзига хос ҳарбий саркардалик сифатлари бор, мустаҳкам иродаси ва қобилияти билан аллақачон римликлар ишончини қозонган. Цезарга куёвлик-қариндошлик алоқалари узилгач ва ҳарбий учлик иттифоқи (Триумвират) бузилгач, Помпей Цезарнинг биринчи ва жиддий рақибига айланиб қолади. Кимки Цезардан қўрқса ёки маҳорати-ю, сифатларини ҳавас қилиб мақтаса, Помпей улар устидан куларди. Шунинг учун римликлар Цезарга қарши курашда Помпейга умид боғлайдилар.

Шу тарзда Цезар ҳеч кимга билдирмай, тунда Римга кириб келади. Бу ҳақдаги тасодифий хабар қўрқмас Помпейни ҳам армонда қолдирди. Унинг асосий армияси Испанияда эди, ўзи билан бир легион қўшини бор эди, холос. У ҳам тарқоқ ҳолда - уйларга жавоб олган аскарлардан иборат эди. Помпей уларни тўплашга ҳам улгурмади. Цезарнинг тунги операциясидан гангиб қолган Помпей уруш очмасданоқ, жаҳл билан Римни ташлаб чиқиб, денгиз орқали Юнонистонга кетиб қолади. Помпейнинг армияси Испанияда эканини Цезар билар эди, шунинг учун дарҳол Испанияга жўнаб помпейчиларга қарши қўшин тайёрлайди. Уруш бошланмасдан олдинроқ яна бир тадбир кўради: бадавлатлашиб кетган ҳарбий командирлардан кўпгина пул қарз олиб, барча аскарларга мукофотга бўлиб беради. Бир қадимги тарихчининг ёзишича, бу иши билан Цезар долзарб вақтда ҳам барча аскарлар

ҳурматини қозониб оладики, бу-зарур вақтда қўшинларни ўз хоҳишига мослаштира билишдек фақат Цезарга хос истег-дод эди, буни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Гай Светоний таъкидлашчи, аскарлар ҳатто бекорга, обқатини ҳам ўз ёни-дан сарфлаб унга хизмат қилишни таклиф қилганлар. Ҳар қандай шахсий мақсадда бўлса ҳам армиянинг қўмондонга содиқлигини шу даражага кўтариш Цезарнинг алоҳида қоби-ляти эди - буни рўй-рост таъкидлаб ўтмоқ лозим. Испания-даги Помпей армиясига қарши уруш мана шундай ҳолатда бошланиб кетди. Бу уруш қирқ кун давом этиб, Помпей ар-мияси тор-мор этилди ва унинг мулки ҳисобланган бутун Ис-пания 2 ойга етмасданоқ Цезар ихтиёрига ўтади.

Цезар илгариги сиёсий режасига кўра дарҳол яна Италия-га қайтди. Римда эса фуқаролар уруши хавфи остида, ҳуку-мат тарқаб кетган, шунинг учун қандайдир тартиб, қонуний шароит пайдо қилиш зарур эди. Цезар талаби ва таклифи билан консулликка сайловлар ўтказилгунича мамлакатда унинг якка ҳокимлиги ўрнатилиши ҳақида сенатда қонун қабул қилинади. Ўзи орзу қилганидек, шу тарзда давлатда биринчи шахсга айланиб олгач, 48-йилги консулликка навбат-даги сайловлар ўтказилади. Сайловни Цезар шундай ташкил қиладики, оқибатда яна ўзи консул бўлиб қолади. Бир ҳафта ўтгач консуллик лавозимида Помпей кетидан, уни таъқиб қилиб Юнонистонга йўл олади. Бу ўлкада ҳам унинг кўп мин-гли лашкарлари бор эди. Бу томонга юриш олдидан Цезар аскарларга ва командирларга катта-катта маошлар тайин-лайди. Аскарлари ўз қўмондонига содиқлигини яна намоён қиладилар. Бу ерда Помпей ҳарбий флотига Цезарнинг со-биқ душмани - илгари унга консулдош бўлган Бибул қўмон-донлик қиларди. Цезарнинг ғалабаларидан рашки келган Бибул қандай қилиб бўлса ҳам уни Юнонистон қирғоқларига қўймасдан, тириклайин қўлга тушириш учун кечасию кунду-зи денгизда ўзи патрул-қўриқчилик қилади. Бироқ кеч кузги совуқ ҳаво ва денгиз шамоли унга ёмон таъсир қилиб, қўққис-дан касал бўлиб қолади. Шундай бўлса ҳам Бибул ўз пости-дан кетмасдан, денгизда ўлади.

Цезар эса бу ерда ҳам муваффақиятли операциялар ўтказиб, бир неча юнон шаҳарларини эгаллайди. У Помпей билан учра-

шиш ва тинчлик билан сулҳ тузиб, урушни тўхтатиш ниятида унга бир неча марта элчилар юборади. Бироқ Помпей ва унинг тарафдорлари бунга қўнмайдилар. Помпей: «Цезар калласи келтирилмагунича яраш ва сулҳ ҳақида гап бўлиши мумкин эмас» - деган қатъий жавоб юборади. Иккови ҳам ўз обрўсини биладиган, шу вақтгача мағлубият нималигини билмаган буюк саркарда эдилар. Айниқса Помпейнинг гурури ўта баланд эди. Шу тарзда қиш бошланди.

Қиш тугаб, баҳор келиши билан Цезарга Италиядан ёрдамчи легионлар келиб яна уруш давом этади. Мозийнинг икки буюк саркардаси ўртасидаги фуқаролар урушига бағишланган минглаб тарихий асарлар мавжуд. Бу асарларнинг муаллифлари Помпейнинг ҳам, Цезарнинг ҳам ҳарбий маҳоратлари, ҳарбий санъат тактикаси ҳамда шахсий қобилиятлари ҳақида қойил қолиб ёзишган. Бироқ уруш урушда - у қадимда ҳам ҳозиргидек фақат ўлим, вайрон гарчилик ва жамиятга офат келтирган. Биз эса маълум мақсадга йўналтирилган мавзу - Цезар фаолиятини ёритиш мавзусидан узоқлашмаслик учун рўй берган фуқаролар урушининг асосий якунига тўхталиб қўяқоламиз. Цезар ўз мақсади йўлида асло оғишмайди. Жангларда фаол қатнашиб, тирик қолган аскарларни муттасил равишда мукофотлаб, уларни руҳан тетиклаштириб, навбатдаги жангларга илҳомлантиради. Алоҳида хизмат кўрсатганларнинг эса унвонларини ошириб, маошларини икки баробар кўпайтириб қўяди. Цезарнинг бу тактикаси аскарлар ва командирлар орасида ҳам шуҳрат, обрў ҳам ғалаба кетидан ғалаба келтиради. Жангчилар эса унинг туб мақсадидан беҳабар - улар бойиса бўлгани.

Аммо таъкидлаб ўтмоқ лозимки, Помпей-Цезар урушларида омад Помпейга кулиб боққан эпизодлар ҳам бўлиб турди. Цезар ҳатто чекинишга ҳам мажбур бўлган. 48-йил июл ойининг ўрталарида Помпей лашкарлари кутилмаганда ҳужумга ўтиб, Цезар қўшинини тирқиратиб юборади, шундай шиддат билан бостириб келадиларки, ҳатто цезарчилар орасида ваҳима бошланади. Мана бу эпизод айниқса, диққатга сазовордир: Цезар аскарлари ваҳимада қоча бошлаб байроқни улоқтириб ташлаганда, Цезар уларни тўхтатиш учун ўзи байроқни қўлга олиши биланоқ, новчадан келган бақувват ўз аскари Цезарга қилич чопади. Яхшиямки, бошқа бир аскар

кўриб қолиб, қўли билан қўмондонини тўсади. Аскарнинг қўлини қилич шартта кесиб ташлайди, акс ҳолда Цезарнинг ўлими аниқ эди. Ўша куннинг ўзида цезарчилардан 960 та оддий аскар, 200 та отлиқ ва 32 та центурий командирлари (центурион - «юзбоши») ҳалок бўлади. Бу мағлубият Цезарга жуда қаттиқ таъсир қилади. Мағлубият нималигини шу вақтгача билмаган Цезар йўл қўйган хатоси устида кўп ўйланади. Тунлари уйқуси қочади. Бироқ кайфиятини ҳеч кимга билдирмайди. Унинг мақсади фуқаролар урушида ғолиб келиш, қандай қилиб бўлмасин, ўз душманларини тиз чўктириш ва давлатни бошқаришда якка ҳокимликка эришиш эди.

Аммо Помпей ҳам кейин тактик хатога йўл қўяди: ҳужумни давом эттириб, Цезар қўшинларининг асосий лагерига юриш қилиш ўрнига, ўз легионларини берилган зарбадан сўнг, ғалаба таъминланди, - деб, эски позицияларга қайтишга буйруқ беради. Бу хато қўлга кириб турган ғалабани йўққа чиқаради. Ўша куни кечқурун Цезар хурсандлик билдириб, дўстларига шундай деган: «Агарда душманимга ғалаба қилиш қобилияти бор одам бошчилик қилганда эди, уруш бугуноқ тугаган бўлур эди». Бу - Цезарнинг Помпейнинг хато тактикасидан мамнун бўлгани, унинг қўмондонлик қобилиятига билдирган кинояси эди.

Рақибининг хатосидан фойдаланган Цезар ўз ҳарбий лагерини Эпирдаги денгиз қирғоғидан Фессалияга кўчиради ва Помпей армиясини ҳам қулай табиий имкониятга эга бўлган қирғоқдан қўзғалиб, Цезар кетидан юришга мажбур қилади.

Фуқаролар урушидаги ҳал қилувчи жанг бўладиган кун яқинлашмоқда эди. Помпей қўшинларининг сони Цезарникидан анча кўп эди ва унинг армиясида ғалабага ҳеч ким шубҳа қилмас эди. Помпей одамлари ҳатто олдиндан давлат лавозимларини ўзаро бўлишиб, Римдан ўзларига мос уйларни ўз одамларини юбориб сотиб ола бошлайдилар. Ҳали қўлга кирмаган давлат лавозимларини тақсимлашда помпейчилар орасида ҳатто келишмовчиликлар, жанжаллар ҳам содир бўлади. Табиийки, эришилмаган ғалабадан кейинги лавозимлар-у, бойликлар ҳақида ўйлаб хаёлни банд қилиш Помпей армиясининг жанг-вор кайфиятига салбий таъсир қилади.

Ҳал қилувчи жанг 48-йил 9 август куни Фарсал шаҳри ёнидаги катта ялангликда бўлиб ўтади. Плутарх ёзадики: «Қардош

қўшнлар, қардош қуроллар, умумий байроқ бир-бирларига қарши шайландилар. (Битта) давлатнинг қудрати ва жасорати унинг ўзига қарши қаратилди». Шу муносабат билан қадимги дунё муаллифи фалсафий мушоҳада қилиб, эҳтиросларга берилган инсон табиати нақадар онгсиз ва кўр-кўрона ишларга мойиллигидан шикоят қилади: Ахир бу одамлар ўз эҳтиросларини енгиб, ўзаро тотувликда тинч ҳаёт нашидасини сурганларида, бутун ер юзи гуллаб-яшнаб кетарди, - деб ёзади у. Афсуски, кўпинча эҳтирослар ғолиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жанглarning тафсилоти-га тўхталмасак ҳам иккала томоннинг жангга жиддий тайёрланганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Цезар ўз армиясини уч қисмга: ўнг қанот, чап қанот ва марказга бўлиб, ўзи ўнг қанотга бошчилик қилади. Помпей ҳам ўз армиясини худди шундай тузади. Аммо Цезар когорта (отлиқлар)ни ўзи қўмондонлик қилган ўнг қанот орқасига яширинча жойлаштиради. Бундан Помпейнинг хабари йўқ эди. У аввал душманнинг Цезар бошчилик қилаётган ўнг қанотига ҳужум қилиши лозим эди.

Бир неча ҳафта жанглр икки томоннинг навбатма-навбат ғалабаси ва навбатма-навбат мағлубияти билан ўтди. Август ойининг охири, сентябрнинг бошларида жангга яқун ясалди. Ҳал қилувчи жанглрда Помпей армияси кўп талафот кўриб, оқибатда мағлубиятга учради. Кетма-кет ғалаба нашидаларидан ёшлиқданоқ талтайиб кетган Помпей учун бу мағлубиятни ҳис қилиш жуда ҳам оғир кечди. Плутархнинг ёзишича, Помпей ўз аскарларининг қочиб кетаётгани хабарини эшитиб эси оғиб қолган ва нима қилишини билмасдан чодиридан чиқмай, юзини ўраб ўтириб қолган. Ниҳоят, ҳужум қилиб келаётган душман овозларини эшитгач, уст-бошини ўзгартириб, ўзини танитмасдан қочган. Акс ҳолда, Цезарга асир тушиши аниқ эди. Янгидан армия тўплаш умидида 30 та отлиқ ҳимоясида ва бир қанча яқин дўстлари билан бир йўла Миср томонга қочиб кетгани жанглрдан етти ҳафта ўтгач маълум бўлади. Қуролларини ташлаб бўйсуниб келган барча помпейчиларни Цезар авф этади ва ўз командирларини имкон қадар улардан ўч олмасликка, бинобарин, бу фуқаро урушида қўлига қурол тутиб ғаним томонида бўлиб қолган римликларнинг ҳаётини сақлаб қолишга чақиради (Олдин-

дан айтиб ўтайлик: авф этилганлар орасида римлик киборлар оиласидан чиққан помпейчи Брут ҳам бор эди. Худди шу Брут кейинча Цезарнинг бошини ейди, бу ҳақда кейинроқ).

Цезар Помпейнинг қочганини эшитгач, уни таъқиб қилиб Мисрга жўнайди. Дастлабига Помпей йўлда Кипр оролига тушиб икки мингта аскар ёллаган, сўнгра Мисрга жўнаган. Мисрда эса э.ав. 51 йили подшо Птоломей XI Авлет (Клеопатранинг отаси) ўлгач, унинг ўғли, 10 ёшли гўдак Дионис Птоломей XII номи билан тахтга ўлтиргани сабабли, гўдак подшо ва 17 яшарли опаси Клеопатра атрофидаги зодагонлар ўртасида тахт учун кураш кетаётган эди. Гўдак Птоломейнинг давлат маслаҳатчилари Римдаги фуқаролар урушида Помпей мағлубиятга учраб Мисрга мадад излаб келгани ва Цезар ҳам уни таъқиб қилиб келаётгани ҳақида хабар топгач, бефойда ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш учун Помпейни йўқ қилишга келишадилар ва шу билан Цезарга ёрдам кўрсатмоқчи бўладилар. Помпейни алдаб меҳмонга чақиришади ва зиёфатда калласини оладилар. Цезар Мисрга келганида Помпей ўлдирилган эди. Цезарга гўё илтифот қилмоқчи бўлишиб, Помпей калласини унга кўрсатишганда, мозий тарихчисининг ёзишча, ҳеч қачон ўлимдан қўрқмаган Цезарнинг эти жунжукиб кетган, йиғлаган ва қўллари билан кўзини беркитиб олган. Бу мудҳиш воқеа э.ав. 48-йил 28 сентябрда рўй беради.

Шундай қилиб Цезар «Учлар иттифоқи» (Триумвират)даги ўз дўсти, аммо кейин рақибига айланган, Рим тарихида ўтган буюк саркардалардан бири бўлмиш Буюк Помпейни ҳам ўз худбин сиёсий мақсади йўлида маҳв этади. Плутархнинг ёзишча, Римдаги барча фолбинлар бу ғалабани олдиндан билишган. Цезар Искандария шаҳрида гўдак подшо Птоломей XII билан унинг опаси Клеопатра ўртасидаги тахт таллашишдан чиққан аввал оддий жанжал, сўнгра қон тўкилишига сабаб бўлган ҳақиқий оилавий урушдан ниҳоятда усталлик билан фойдаланиб, Клеопатранинг тарафини олиб қат-

---

<sup>1</sup> Птоломейлар сулоласи Мисрда эр.ав. IV аср охириларидан 30 йилларгача македониялик Искандар саркардаси Птоломей номи билан ҳукм суриб келаётган эди. Бу даврда Миср Рим таъсирида эди. Цезар Мисрга келгач, гўдак Птоломейнинг опаси Клеопатрага қарши курашида қатнашиб, опасининг тарафини олади ва шундан кейин Миср ҳам Рим ўлкасига айланади.

нашади. Барча ўтган тарихшуносларнинг таърифича, Клеопатра ташқи гўзаллиги, аёллик назокати ва ақл-заковати билан қўшлаб эркак зотини ўзига шайдо қилган эди. Юлий Цезарнинг ҳам гўзал аёлларни кўрганда сушт кетадиган бўш кўнглини дастлабки учрашишдаёқ муҳаббат занжири ила боғлаб ўзига ром қилиб олади. Цезар ғолиб сифатида Искандария қасрига кириб машҳур кутубхонада ўтирганида, подшо Птоломей XII қўшинлари уни ҳибсга олмоқчи бўлиб қуршаб оладилар. Шу онда Цезарнинг мағлубияти ва ўлими аниқ эди, чунки унинг армияси узоқда эди. У дарҳол шарқда қолган армиясини чақиртиради. Аммо ёрдам келгунча гўзал Клеопатра жонига оро киради, ёш қизни ўзининг талаби билан гиламга ўраб қуршовдаги Цезар ҳузурига яширинча олиб кирадилар. Клеопатра ниҳоятда оҳиста, заргарона хатти-ҳаракатлари билан Цезарни ўлимдан асраб қолади ва ўша кундан бошлаб бу буюк лашкарбоши яна битта маъшуқа орттиради. Цезарнинг етиб келган қўшини подшо бола - Птоломей XII армиясини бутунлай тор-мор келтириб, Птоломей XIII номи билан Клеопатрани Миср тахтига ўтказди. Ўша воқеа, яъни э.ав. 47-йил 24 мартдан бошлаб, икковлари ўртасидаги севги романи ёзила бошлайди. Искандариядаги жанглр ҳам гарчи қисқа муддатли бўлса-да, кўп қон тўкилишига сабаб бўлади. Аммо жанг натижалари ҳақида гап кетганда Цезар Клеопатра ҳақида гапиришни ёқтирмасдан: «Келдим, кўрдим ва енгдим» - деб қўяқолади. Кейинча бу жумла унинг машҳур ибораларидан бири сифатида тарихга кириб қолган.

Биз илгари ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, Цезар қанчалик иродаси кучли ҳарбий қўмондон бўлишига карамай, ёш аёлларни кўрганда ақл-иродаси ҳиссиёт ҳукмида қоладиган ва кўнгли сушт кетадиган инсонлардан эди. Гўзал Клеопатра хоним ҳам ўзидан ўттиз ёш катта бўлган Цезар кўнглини аллақачон овлаб қўйган эди. Цезар у билан бирга Нил дарёси бўйлаб икки ой давомида «тўй олдидан» саёҳат қилади. Ўтган бу икки ой Цезар ҳаётида биринчи марта хотиржам, беташвиш, фақат айш-ишрат мақсадида ўтказган ва шахсий кечинмалар-у, лаззатли хаёлга берилган ажойиб кунлар эди. Умуман, Цезарнинг Мисрдаги фаолияти (э.ав. 48-47 йиллар) тарихда «Мисрдаги фирибгарлик, қаллоблик (авантюра)» деб аталиб кетган.

Аёллар ҳусни-ю, ноз-ишваларига ўч бўлган Цезар Мисрдек улуғ ва қадимий мамлакат тақдирини ўз севгилиси ихтиёрига бериб қўяди. Шунинг учун қадимшунос тарихчилар уни Миср гўзалининг сеҳрида қолиб ақлини йўқотганликда ва боши айланганликда, оқибатда эса сиёсий ва ҳарбий ишларни бўшаштириб юборганликда айблашади. Тарихчи Гай Светоний Транквилл Цезарнинг «муҳаббати» ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Умум фикрича, у ишқий эрмакка ўч, шунга қанчадан-қанча пулини совурарди. У жуда кўп аслзода аёллар, жумладан, Сервий Сульпицийнинг хотини Постулий билан, Авл Хабинийнинг хотини Ломий билан, Марк Красс (ўз иттифоқдоши)нинг хотини Тертулла билан, ҳатто Гней Помпейнинг хотини Муция билан дон олишиб юрарди... Лекин ҳаммадан кўра Брутнинг онаси Сервилияни яхши кўрарди... унга баҳоси олти млн. сестерций бўлган марварид олиб берганди. Сервилия кейинчалик ўз қизи Юнияни ҳам Цезарга таништирган... Унинг хушторлари орасида аслзода маликалар ҳам бор эди (масалан, араб маликаси Эвноя - С.Ж.). Лекин ҳаммадан ҳам у Клеопатрани кўпроқ севарди. Цезар у билан кўп марта тонгга қадар ишрат базми қурганди. Маликанинг ҳашаматли оромгоҳларидан бўлмиш кемасида бутун Миср (Нил) бўйлаб Ҳабашистонга қадар сузишга тайёр эди».

Цезар малика Клеопатрани Римга таклиф қилиб, ўта даб-дабалар билан кутиб олади. Римда маъбуда Венерага ўрнатилган ҳайкал ёнига Клеопатранинг олтин ҳайкалини ҳам ўрнаттиради. Мамлакатда биринчи ҳисобланган шахс ўз «севгиси»ни давлат миқёсида ошкора қилиши соғлом ақлга сизмаган бир ҳол эди. Шунинг учун Венера маъбудаси ёнида Мисрлик аёл ҳайкалининг ёнма-ён туриши римликларнинг ғазабини қўзғатади. Цезар маъшуқасини шаҳар четидаги ўз вилласига жойлаштиради. Тарихчиларнинг ёзишича, Клеопатра Цезар никоҳига ўтишига умид боғлаган. Аммо Цезар бундай қилмади. Никоҳидаги хотини Калпурния эрининг янги маъшуқасига рашки ҳам келмаган, ўрганиб ҳам қолган. Бунинг устига Цезарнинг ўғил фарзанди йўқ эди. Никоҳидаги учта қону-

---

<sup>1</sup> Гай Светоний. Жизнь двенадцати Цезарей, 24-25-бетлар. (русчадан М.Маҳмудов таржимаси).

ний хотини ҳам ўғил туғиб бермадилар. Цезарда, албатта, бунинг ташвиши ҳам йўқ эмасди.

Жавоҳарлал Нерунинг холисона ва ярим киноя фикрича, Клеопатра тақдирига гўзаллиги учун тарихда машҳур бўлиб қолиш битилган эди. Гарчи у бироз бадном қилинган бўлса ҳам, фақат чиройи жиҳатидан тарихни ўзгартиришга сабаб бўлган жуда нодир аёллар қаторида туради. Машҳур француз ёзувчиси Паскал шундай деб ёзган эди: «Агар Клеопатранинг бурни бироз пучуқроқ бўлганида ер юзи (сиёсий жиҳатдан - С.Ж.) ўзгариб кетган бўлур эди». Неру Клеопатра ҳақидаги ўз фикрини тасдиқлаш учун бу гапни келтирар экан, шу билан бирга ёзувчининг бироз ошириб юборганини ҳам таъкидлайди.

Лекин қандай бўлганда ҳам Цезар Мисрға келиб малика билан танишгач, ўзини гўё императордек ҳис қила бошлади. Қадимий анъанага кўра эса Миср подшосига худо деб қаралган ва унга халқ топинган. Мана шу сабаб бўлиб подшоҳни муқаддас деб билиш ғояси Цезардан бошлаб Римға ҳам кириб келади.

Шундай қилиб пойтахт Римда бошланган ва Кичик Осиёда ва Испанияда авж олиб, Миср пойтахти Искандария шаҳрида поёнига етган фуқаролар уруши Цезарға оламшумул ғалабалар келтиради. У мамлакатда биринчи шахс, ғолиб шахс. Галтайиб кетган Цезар феълда, хатти-ҳаракатларида, давлат арбоблари билан муомаласида ғолиблик аломатлари яққол сезиладиган бўлиб қолади. Илгарилари ўзининг чиқиб келиши жиҳатидан маъбуда Венерага бориб тақалиши ҳақидаги афсонани кези келганда оддий римликлар орасида ҳам айтиб юрар эди-ю, аммо ўзи ишонқирамасди. Энди эса, бу ғалабалардан сўнг «оддий одамлардан эмас»лигига ўзи ҳам ишона бошлайди. Бахт ва омад фариштаси Фортуна унга - «буюк Цезар»га бутун ҳаёти давомида доимо мададкор бўлиб келганига энди ишонади ва бу ҳақда фуқаролар урушига бағишланган мемуарига ёзиб ҳам қўяди. Айниқса Помпей каби ажойиб саркарда устидан қозонган ғалабасидан сўнг Цезарда у чинакам «бахтиёр ва улуғ инсон» деган ишонч мустаҳкамланиб қолади.

47-йил бошидаёқ, ҳали у Мисрға келмай туриб, Римда уни иккинчи марта диктатор деб сиртдан эълон қилинишига эришган

<sup>1</sup> Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. М., 1981, 125-бет

эди. Плутархнинг эътироф этишича, фуқаролар урушидан чарчаган ва зериккан халқ шундай қилишга мажбур бўлди. Чунки вайронлик келтирувчи ва ноҳақдан қон тўкадиган бетиним урушлардан кўра Цезарнинг диктатор - якка зўравон ҳоким бўлганини афзал деб билишиб, уни абадий диктатор деб эълон қилишди. Цезар шу йилнинг сентябр ойида ғолибларча Римга кириб келди. Пойтахт ҳаёти ҳамон гашвишли эди. Одамлардаги ваҳима ҳали ҳам сўнмаган (Балки Помпейнинг мудҳиш ўлими ҳақидаги хабар етиб келмаган). Икки қўмондон тарафдорлари орасида майда тўқнашувлар ҳам бўлиб турибди.

Цезар Римга келибоқ бу тўқнашувларга барҳам беради, шаҳарда якка диктатор сифатида дарҳол тартиб-интизом ўрнатади. Аллақачоноқ ишламай қўйган сенатни оёққа турғизиб, кундалик ҳаётни масалаларни муҳокама қилдиришга киришади. Сўнгра Сенат таркибини ўз тарафдорлари ҳисобидан кенгайтириш учун янги сайловлар тайинлайди. Оддий фуқаролар, яъни плебс манфаати учун ҳам баъзи тадбирлар амалга оширилади (Бу - Цезарнинг халқ оммаси орасидаги шуҳрати учун зарур эди).

Бироқ, бошланган тинч ҳаёт қисқа муддатдан сўнг яна бузилди. Цезарнинг кўлидан иш келадиган айрим душманлари марҳум Помпейнинг қайнотаси Сципион бошчилигида Африкада Цезарга қарши куч тўплашгаётгани маълум бўлади. Уларда аллақачон 35 минг аскар тайёр, яна Нумидия (шимолий Африка) подшоси ҳам ёрдам ваъда қилмоқда эди.

Цезар бу хавфнинг олдини олиш учун дарҳол қўшинлари билан Сицилия орқали Африкага йўл олади. Тарихда унинг Африка сафарига доир қизиқ бир латифанамо ҳикоя сақланиб қолган. Бу ҳикояга кўра, Цезар кемадан Африка қирғоғига қадам босаётиб тасодифан қоқилиб тушган. Иримга кўра, бу -мағлубият даракчиси ҳисобланар эди. Аммо Цезар дарҳол ўрнидан турадида, сир бой бермасдан жиддий равишда ерга энгашган ҳолда ҳаммага эшиттириб: «Оҳ, Африка, сен менинг қўлимдасан!» - деган. Унинг кўп жумлалари, гаплари қатори бу калимаси ҳам ҳозиргача оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Цезар Африка қирғоғига тушгач, рақиб армияси билан ҳал қилувчи жангларга жиддий тайёргарлик кўради.

Ниҳоят, 46-йилнинг апрел ойи бошларида Сципион армияси билан ҳаёт-мамот жанги бошланади. Биз, кўзлаган асосий мақсади-

миз мавзусидан четга чиқмаслик учун жанг тафсилоти, Цезарнинг тадбирларига тўхталмаймиз. Антик дунёдаги даҳшатли урушлардан бири бўлмиш бу олишувлар хулосаси шуки, охир-оқибат, Цезар ғалаба қозонади. Душманнинг бош қўмондони Сципион эса денгиз жангида ҳалок бўлади. Унга ёрдам берган Нумидия подшоси Юба эса аламига чидамай ўзини ўзи ўлдирди. Ғаним қўмондонларидан, Цезарнинг мурасасиз душмани, шу билан бирга ажойиб инсон ва истисно саркарда Марк Катон ҳам (Сципион мағлубиятидан сўнг) алаmidан ўзини ўзи нобуд қилади ва азобда ўлади. Римда унинг обрўи жуда ҳам баланд эди. Ҳатто Цезар ҳам, душман бўлишга қарамай, уни жасоратли инсон сифатида, шунингдек мақтовга сазовор шахсий феъллари борлиги учун ҳурмат қилар эди. Унинг даҳшатли ўлими (қорнини қилич билан ўзи ёради) Цезарнинг Римдаги душманларининг ҳам руҳини тушириб юборган эди. Улар Цезарнинг «чиннакам голиблик тақдирига эга шахс» эканига афсуслик билан ишона бошлайдилар. Бутун Африка бўйлаб помпейчилар қаршилиги аста-секин тугатилади. Янги Африка номида махсус Рим ўлкаси ташкил топиб, Цезарнинг содиқ дўсти Саллюстий унга ҳоким қилиб тайинланади.

Цезар 46-йил август ойида Римга қайтиб тўрт марта триумф-зафар тантанаси ўтказади.<sup>1</sup> Ушбу зафар тантаналари Цезарнинг Галлия, Кичик Осиё, Миср ва Африкадаги урушларда қўлга киритган ғалабаларига аталади (Тарихий адабиётларда бу дабда-

<sup>1</sup> Триумф - Қадимги Римда голиб саркардаларнинг йирик ғалабасига атаб Сенат рухсати билан уюштирилдиган ҳарбий зафар тантанаси. Қоидага кўра, уруш давомида душман аскарларидан камида 5000 таси ўлдирилганда бундай тантананага рухсат берилар эди. Триумф Римнинг Марс майдонидан бошланиб, бутун шаҳар бўйлаб халқ мажлиси ўтказилдиган майдон - Форум томон юрилади ва Капитолий тепалигидаги Рим худослари шаънига қурилган ибодатхоналар олдида тугайди. Тантанани сенаторлар бошлаб беради, улар кетидан карнайчилар, кетидан урушда қўлга киритилган ҳарбий ўлкалар олиб ўтилади. Энг сўнггида голиблик нишонаси бўлмиш фил суягидан қилинган ҳасса ушлаган ҳолда тўртта оқ от қўшилган ва ниҳоятда безатилган жангвор аравада Триумфатор (голибнинг ўзи) ўтади. У ҳошияларига олтин билан тикилган қизил мато-тўга деган махсус кийимда, бошида эса муҳаддас ҳисобланган дафна (лавр) дарахтининг япроғидан қилинган чамбарак. Унинг кетидан урушда қатнашган аскарлар, сўнг асир тушганлар (жумладан, душман қўмондони, ёки подшоси занжирбанд ҳолда олиб ўтилади). Зафар маросимининг сўнггида диний маросимлар ўтказилади ва халққа, ҳамда аскарларга зиёфат берилади. Триумфатор эса Капитолийдаги Юпитер худоси ибодатхонасига кириб қурбонлик қилади. Барча шаҳарликлар кўчанинг икки бетида туриб голибларни олқишлайдилар.

бали зафар тантаналари ғоятда гўзал қилиб тасвирланган). Ушбу зафар тантаналарини уюштиришдан мақсад фақат битта - Цезарнинг шуҳратини ёйиш ва сиёсий ҳамда ҳарбий рақибларига зарба бериш эди.

Зафар тантаналарини уюштиришга шуҳратпараст Цезарнинг ўзи ҳам барчани ҳайратга солиш учун жуда катта эътибор беради. Битта мисол, Галлиядаги ғалабага бағишланган тантаналарда Капитолий тепалигининг икки томонига жуда ажойиб ва ранг-баранг ёритгичлар (иллюминациялар) ўрнатилади. Энг сўнггида кетаётган арава олдида қирқта ясатилган фил боради. Мисрдаги ғалабага бағишланган тантанада эса Цезар ўтирган арава олдида гўзал Клеопатранинг синглиси малика Арсинояни олиб ўтишади.<sup>2</sup> Тантана вақтида аскарларга ғолиб Цезар шаънига ҳазиломуз ашулалар ҳам айтишга руҳсат бериларди (Ғолиб гуноҳсиз фаришта эмас, шунинг учун мағрурланиб кетмасин). Ўша тантаналарда аскарлар Цезар - Клеопатра муносабатларига атаб: «Одамлар, хотинларингизни эҳтиёт қилинг - биз кал хотинбозни олиб ўтяпмиз» - деган маънода ашула айтиб ўтишган (Цезар кал эди, унинг аёлларга кўнгли суст кетишини аскарлар ҳам билар эди). Таажжубки, Цезар бундай ҳазиломуз ашулаларга эътибор қилмас, бепарволик билан эшитиб жилмайиб кўя қоларди.

Триумф - зафар тантаналаридан сўнг Цезар аскарларни ва командирларни олийҳимматлик билан мукофотлайди. Барча римликларга текинга дон ва ёғ улашади, ҳадяга пуллар тарқатади. Шаҳар кўчаларига 22 мингта стол ва стул ўрнатиб бир неча ўн минг кишига зиёфат беради ва ажойиб томошалар кўрсатилади. Марс майдонида жуда катта цирк қурилиб 200-300 тадан отлиқ аскарлар уруши, 500 жуфт гладияторлар жанги, 20 жуфтдан қўйилган филлар уруши уюштирилади. Тибр дарёсининг ўнг соҳилида Цезар аввалдан тайёргарлик кўриб жуда катта кўл қаздирган эди. Кўлда фақат томоша учун денгиз жанги ҳам уюштирилади. Ушбу мусобақа жангда қайиқларда тўрт мингта эшкакчи ва икки мингта аскар қатнашади. Умуман, ўйин-жанглар, театр томоша-

---

<sup>1</sup> Баъзи китобларда Клеопатра деб нотўғри ёзилган. Арсинояни асир сиёсатида олиб ўтишади-ю, аммо тирик қолдиришади, бошқа барча асирлар эса қондага кўра тантанадан сўнг ўлдирилади.

лари, спорт мусобақалари, филлар, отличлар ва гладиаторлар уруши каби, Цезар ғалабаларига бағишланган кўнгли очиш ўйинлари бир ойгача давом этади. Атроф шаҳарлардан ҳам томошага одамлар келиб чодирларда яшайдилар. Буларга сарфланган маблағлар, ҳозирги давр ҳисобига олсак, миллиардлаб долларларни ташкил қилиб, улар урушларда мағлуб бўлган мамлакат ва халқларни талаб тўпланган бойлик ҳисобига эди.

Ўз даври тақозоси билан тарихда машҳурлашиб кетган Цезар, кўриб ўтганимиздек, 30 йил давомида қон кечиб, қанчадан-қанча шаҳарлар, қишлоқлар, ўлкаларни вайрон қилди, ўт қўйди, ва ниҳоят, инсоният биринчи кашф қилган Рим демократик тузумини пайҳон қилиб, ўзи орзу қилган якка диктаторлик даражасига етди. Бироқ, унинг ҳукмронлиги фақат бир ярим йилгина давом этди холос. Буни ўзи ҳам, Рим жамоатчилиги ҳам, афсуски, билмас эди. Унинг бу бир ярим йиллик ҳаётига яна алоҳида тўхталамиз. Ҳозир эса...

## БОБИР - ҚОБУЛ ПОДШОСИ

Биз Бобирга аталган сўнгги бобда у Самарқанддан кетгач, умуман Фарғона мулкидан воз кечиб, юртдан чиқиб кетишга жазм қилгани ҳақида тўхталган эдик. Бобирномада шундай сатрларни ўқиймиз: «Хотиримга келдиким, токай бу Фарғона вилоятда саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилайин деб». Шайбонийхоннинг Фарғона томонга тобора яқинлашиб келаётгани ҳам Бобирни бундай хулосага келишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, Бобирнинг тоғалари мўғул хонлари ҳам унга мустақил ҳаракат қилиш учун имкон бермадилар. Бобир табиатан муътеликни хоҳламасди. Биз юқорида қайта-қайта таъкидлаганимиздек, у бобоси Соҳибқирон Амир Темур салтанатини Мовароуннаҳрда тиклашни орзу қиларди ва шу хаёл билан яшарди. Бошқа темурийзодалар каби бирон вилоятда ҳоким бўлиб умргузаронлик қилиш унинг табиатига зид эди. Ҳамонки, унинг Фарғона давлати тарихимизда шу вақтгача феодализмга хос ҳаракатлар деб ёзилиб келинган шиддатли XVI аср бошларидаги ҳарбий-сиёсий жанжаллар ичида қолиб кетган экан, шунда ҳам Бобир тақдирдан умидини узмайди. У бошқа темурийзодалардан фарқли ўлароқ аллақачон илм чўққиларини ҳам эгаллаб, маънавий жиҳатдан кучли шахс бўлиб етишади. У Куръони Каримдан: «Эй бандам, сен феълнингни ўзгартирмагунингча мен тақдирингни ўзгартирмайман», - деган оятни яхши билади. Шунинг учун у юксак чўққиларга интилади. Мутелик кайфиятига берилиб, қўл қовуштириб умр ўтказиш унинг феълига ёт. У авлодлар юртининг доврўғини орзу қилади. Шунинг учун ўзи ёзганидек, «бир тарафга талаб қилайин» деб ихтиёрий равишда Фарғонадан чиқиб кетади. Бобирга сотқинлик қилганлар эса (Аҳмад Танбал, унинг укалари ва бошқалар) ўз нафси-ю, шахсий манфаатларини ўйлаб охир-оқибатда Шайбонийхон томонидан жазоландилар. Ҳарбий тўқнашувлар ўлка иқтисодиётини, деҳқончиликни, халқ турмушини ночор аҳволга солиб қўйган эди. Шайбоний қўшинларининг Фарғона вилоятига кириб келиши ҳам мана шундай парокандалик ва иқтисодий қийинчилик пайтларга тўғри келди. Шундай шароитда Бобир янгидан куч тўплаб, янги дўстлар орттириб ва улар ҳамкорлигида ота юртни қайта қўлга киритиш мақсадида Фарғонани ташлаб чиқиб кетишни вақтинча деб ўйлаганди.

«Бобирнома» тадқиқотчиларининг ёзишича, ҳижрий 910 (1503 йил охири, 1504 йил бошлари) йилги воқеалар баёни Бобир аса-рида акс этмаган (масалан, Бобирнинг Андижонга келиб, хон тоғалари олдида ўтган тўрт ойлик умри ёритилмаган)<sup>1</sup>. Бобир ёзишича, муҳаррам ойида (ҳижрий 910 йил бошлари, милодий 1504 йил июн ойи) Фарғонадан чиқиб Хуросон томон кетган ва Ҳисорга қарашли Ироқ яйлогига келган. (У водийдан қайси йўл билан чиқиб кетгани аниқ эмаслиги сабабли бу масалани биз ало-ҳида ёритганмиз. Қаранг: С. Жалилов. Бобирнинг Фарғона дав-лати, 1995 йил).

Бобир Ироққа етганида (ҳижрий ҳисобда 22 ёшга тўлиб, 23 ёшга қадам қўйганди) биринчи марта юзига устара қўйгани - соқол олдирганини эслайди. Ўзи Бобир одамлари ҳаммаси бўлиб 300 тага ҳам етмас эди. Улар аксари яланг оёқ, қўлларида фақат таёқ, елкаларида чопон - келажакка ишонадиган энг содиқ ки-шилар эди. Бобирнинг ёзишича, муҳтожлик шу даражада эдики, фақат иккита чодирлари бор эди, холос<sup>2</sup>. Бир чодирда оналари ётар, ўзи эса қапада ётарди. (Ҳар куни ётарда унга ёғоч-шоҳлар-дан қапа тикиб берар эдилар).

Бобирнинг саргардонликдаги бу ҳаёти кўп жиҳатдан Цезар ҳаётидан машаққатлироқ ва мардонроқдир! У ҳам қўшинла-ри билан ҳарбий юриш чоғларида ором ва роҳатни унутиб ас-карлари билан бирон чайлада ётарди. Лекин Цезарнинг мақ-сади бошқа эди: Фақат аскарларига ўзини яхши кўрсатиш ва уларнинг ҳурматини қозониб, сўнгра асл мақсадига эришиш. Цезар аскарлари урушга кетмоқдалар. Шунинг учун қўмон-донга қўшиннинг ҳурмати ғалаба гарови эканини у яхши ту-шуниб етган эди.

Лекин Бобир подшоҳзода. У келажакда амалга ошиши мумкин бўлган улуг мақсадни кўзлаб дарвишона сафарга чиқ-қан. Шундай ночор аҳволда эканига қарамай у ҳаётдан ши-коят қилмайди. «Бобирнома»да ҳаётдан нолийдиган бирорта сатр йўқ. Фақат айрим одамларнинг маккорлиги, ноаҳилли-ги, сотқинлиги, умуман баъзилар инсон фазилатидан маҳрум эканидан шикоят қилади холос. Бобир ва одамларининг аҳво-

<sup>1</sup> Файбуллоҳ ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон, Жаҳонгашта «Бобирно-ма», Тошкент, 1995, 145-бет. Умуман, муаллифлар таъкидлашича, «Бобир-нома»даги кемтик ҳаммаси бўлиб 18 йилни ташкил қилади.

<sup>2</sup> Бобирнома, Тошкент, 1990, 109-бет.

ли танг, нолийдиган даражада. Уларни боқиш керак. Яхшиям ёз ойлари, аммо қиш ҳам яқинлашмоқда Бобир булар ҳақида ўйлар экан, одамларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш ва улар эҳтиёжини қондириш учун Ҳисорнинг табиатию бойлигига умид қилиб, айрим одамларининг маслаҳати билан Ҳисор (умуман Ҳиндикушгача ерлар) ҳокими Хисравшоҳга элчи юборади. Бироқ юборган одами афтидан ҳоким билан учрашолмаган чоғи, дурустгина хабар топиб келолмади. Шундай бўлса ҳам Бобир Ироқдан Ҳисор томон юриб, унга яқин жойда тўхтади. Бобир ҳақида хабар эшитган Хисравшоҳ, Муҳиб Али кўрчи деган ўз вакилини юбориб, хабар олдирди-ю, бироқ Бобир кутганчалик марҳамат кўрсатмади. Шундай бўлса ҳам Бобир Ҳисор вилоятдан ўтар экан, ҳар-ҳар ерда тўхтаб, Хисравшоҳдан ёрдам ва олий ҳимматлик намунасини кутди, аммо кутган натижа чиқмади, Хисравшоҳ одамгарчилик қилмади. - Сабаби Хисравшоҳ ёш Бобирнинг қобилиятлари ва шухрати-ни тан олгиси келмас эди.

Бобир одамлари билан Қабодиёнга келганда бу атроф, Термизнинг собиқ ҳокими, Хисравшоҳнинг укаси Боқи Чағаниёнидан вакил келиб, Бобирга ҳурмати ва унга қўшилиш истагини билдирди. (Боқи Чағаниёний Шайбонийхон томонидан ҳокимликдан бекор қилинган эди). Бобир барча одамлари билан Амударёнинг Термизга яқин сув кечигидан ўтиб, дам олишга тўхтаганларида Боқи Чағаниёний ҳам бутун кўчи билан дарёдан ўтиб, Бобирга қўшилади. Улар биргалашиб Бомиён томон йўл оладилар. Бобирга маълум бўлишича, бу томонлар Боқи Чағаниёнийнинг ўғли Аҳмад Қосим тасарруфидан экан. Шу билан Бобир ўзини хотиржам сезади, негаки, ҳокимнинг отаси унинг билан бирга.

Барчаси Қоҳмард вилояти томон юришиб, Айбақ деган жойга етганида Бобирни Ёр Али Билол номли собиқ қиличбози (у илгари Бобирдан ажралиб, Хисравшоҳ хизматига кетиб қолган) бир неча йигитлари билан Бобирдан узр сўраб, унга келиб қўшилади. Шу билан бирга у Хисравшоҳ хизматидаги мўғулларда ҳам Бобирга қўшилиш истаги борлигини билдирди. Қоҳмард томон йўлда давом этишиб, яна бир бекатда тўхтаганларида илгари Бобирни ташлаб кетган Қамбар Али саллоҳ ҳам унга келиб қўшилади.

Шундай қилиб, Бобир одамлари илгари кетиб қолган ўз кишилари ҳисобига кўпайиб унда бош ғаним - Шайбонийхонга қарши янгидан ҳужум бошлаш ва ота мерос юртни кутқариш умиди биров бўлса-да мустаҳкамланади. Бироқ қуйидаги ҳолат уни яна ранжитади: бир неча игвогарлар Фарғонадан чиққандан буён Бобир билан бирга бўлган укаси Жаҳонгир Мирзонинг яна бошини айлантириб, ака-ука ўртасини яна бузишга уринадилар ва уни Хуросонга олиб кетадилар. Ваҳоланки, Бобирнинг ўзи таъкидлаганидек, Жаҳонгир Мирзода ҳам, Бобирнинг игвогарлар сабабли пайдо бўлган совуқ муносабатлар аллақачон унутилиб, ака-укалар аллақачон иноқлашиб кетган эдилар. Афтидан, Жаҳонгир Мирзонинг ёшлигидан (16-17 ёшда эди) фойдаланиб, ўртга яна нифоқ солдилар.

Бобир Қоҳмардга келиб ўрнашгани ҳақида Султон Ҳусайн Бойқаро хабар топган эди. У Бобирнинг мақсадини яхши тушунган ҳолда қуйидаги мазмунда унга хат йўллайди: У (яъни Бобир) Қоҳмард, Ажар ва шу атрофдаги тоғлик жойларни мустаҳкамласин, Хисравшоқ ҳам Қундуз ва Ҳисорда ҳам содиқ кишилардан қолдириб, ўзи укаси билан Бадахшон ва Хутталон тоғларида мустаҳкам ўрнашиб олса, худо хоҳласа, Шайбонийхон қўлидан бир лаш келмай, чекинишга мажбур бўлади. Шунингдек, Ҳусайн Бойқаро ўз ўғли Бадиуззамонга ҳам, Ҳисор ҳокими Хисравшоқга ҳам шу мазмундаги хатлар билан мурожаат қилиб, ҳар бири ўз ерларида мудофаа иншоотлари қурмоқларини маслаҳат беради. Шунингдек, ўзи ҳам Мурғоб дарёси бўйида Шайбойнийга қарши мустаҳкам мудофаа йўли қуражагини айтади. Ҳусайн Бойқаронинг бу маслаҳати, шунингдек, барча темурийзодаларга юборган шу мазмундаги хатлари Бобирга ёқмади, унинг Султон Ҳусайнга нисбатан ҳурмати совий бошлади: ахир, ҳозирда ҳаёт бўлган темурийзодалардан энг катта давлатнинг бошлиғи, ёши ҳам улуғ, қудратли кўшини бўлган Ҳусайн Бойқародек подшо барчани иттифоққа бирлаштириб, ғанимга қарши умумий ҳужумга бошчилик қилиш ўрнига уларни ўз ерларида мудофаа қўрғонлари қуришга маслаҳат берадими?! Демак, барча темурийзода ҳокимлар Шайбонийга қарши бирлашиб ҳужум қилиш ўрнига ўз мудофаа қўрғонларида ғаним ҳужумини кутиб ўтирар эканлар-да?! Ҳусайн Бойқаро маслаҳати Бобирга мутлақо маъқул келмайди. Бобир барча кучларни бирлаштириб, ҳужум қилиш

тарафдори ва бу масалага жуда тўғри ёндашиш эди. Зотан, Бобир Фаргонани ташлаб, бу томонларга янги иттифоқдошлар излаб келган эди. Бобирнинг бу фикр-мулоҳазалари ҳарбий ишларда Ҳусайн Бойқародек тажрибали подшоҳниқига нисбатан ҳам теран ҳамда тўғри эканини кўрсатди. Шу муносабат билан «Бобирнома»да қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

«Султон Ҳусайн Мирзодек, Темурбек ўрнига ўлтурғон улут подшоҳ ганимнинг устига юрмакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улусқа не умидворлик қолгай?» Бобирнинг фикрича, агар Султон Ҳусайн барчани ҳужумга бошлаганида, Шайбонийдан озор чеккан барча навкарлар-у, аскарлар руҳан тетиклашиб илҳом билан жангга киришар эдилар. Афсуски, Султон Ҳусайндан бундай маслаҳат чиқмади.

Бобир ана шундай кайфиятда сафарда қийинчилик тортаётган барча аёлларни Қоҳмардга тобе Ажар қишлоғида қолдириб, ўзи одамлари билан яна йўлга чиқади. Улар йўлда эканида Шайбонийхон Андижонни эгаллагани ҳақида хабар келади (1504 йил ёзи). Бу ҳам Бобирнинг кайфиятини бузади. Афсус, унинг киндик қони тўкилган шаҳри қўлдан кетибди. Йўқ, кайфияти бузилган Бобир ўзида ички сафарбарлик пайдо қилади ва шериклари билан юришни давом эттиради. Мана бу хушхабар эса Бобирнинг кайфиятини андак бўлса ҳам яхшилайти:

Хисравшоҳ ихтиёридаги бир неча минг мўғул қўшинлари ундан юз ўгириб, Ишкамишга тўпланмоқда ва подшоҳга (яъни Бобир Мирзога) хизмат қилиш хоҳишида подшоҳ Бобирнинг тезроқ келишини кутишмоқда эканлар. Тез орада 3-4 минг мўғул аскарлари кўчи билан Бобирга келиб таъзим қилдилар. Бобир кайфиятининг нақадар кўтарилгани, бош мақсади аста-секин амалга ошаётганидан қанчалик хурсанд бўлганини пайқаш қийин эмас. Ҳисор, Қундуз, Хутталон, Ишкамиш, боринги, жанубда Ҳиндикуш тоғларигача бўлган ерларнинг ҳокими Хисравшоҳ ҳам Шайбоний қўшинлари бу томонларга ҳужум қилиб келаётганини эшитиб, Бобирга яқинлашиш истагини билдиради ва куёви Яъқуб Айбонни элчиликка юборади. Лекин, кейин маълум бўладики, элчилар аслида жосус бўлиб, Бобирнинг аскарлари сони ва унинг умумий аҳволи ҳақида Хисравшоҳга хабар бериш учун юборилган экан. Бобир бо-

шига мушкул иш тушган кунларда Хисравшоҳ мамлакати ҳудудидан икки марта ўтган бўлса ҳам у Бобирга одамгарчилик кўрсатмаган, балки калондимоғлик қилган эди. У ёш Бобирнинг ғайрат-шижоати ва элга машҳурлиги-ю, қобилиятини тан олгиси келмас эди. Кунлар ўтган сари Хисравшоҳ сарбозлари уни ташлаб, Бобир томонга кўплаб ўтаётган эдилар. Бу ҳақиқатни кўриб-билиб турган Хисравшоҳ Бобирга тан бермай иложи йўқ эди. Илгари жосуслик мақсадида элчилар юборган Хисравшоҳ Бобир билан чинакам иттифоқдош бўлиш ва унга хизмат қилиш истагини билдириб, бўлак вакиллар юборади. Бобирдаги одамийлик бу сафар ҳам устун келади - Хисравшоҳга бўлган гина-кудуратларни унутиб, таклифини қабул қилади. Бобир Андароб дарёси қирғоғига етганида Хисравшоҳ байрамлардагидек кийинган одамлари билан унга келиб қўшилади ва тиз чўкиб, таъзим қилади, совға-саломлар топширади. Аслини олганда Хисравшоҳ доно ва мулоҳазали инсон эмас эди, - деб ёзади Бобир, уни «номард ва намакҳаром бемазағўй» деб таърифлайди ва «подшоҳлик қилиб юрган мардак» деб атайдди. Шунга қарамай ўзининг инсонпарварлик табиатига хос ҳолда уни кечиради ва яхши қабул қилади. Аммо Бобирнинг бор-йўғи иккита оти бўлишига қарамай, Хисравшоҳнинг навкарлари ва беклари ҳам икки кун ичида тўп-тўп бўлишиб Бобир хизматига ўтадилар. Бу ҳижрий 910 йил робиул-аввал оғи, (яъни 1504 йил августнинг иккинчи ярми ва сентябрнинг биринчи ярми) эди.

Илгари айтганимиздек, Бобир чинакам мусулмони-комил инсон бўлиб етишган эди. У барча ишни Оллоҳдан деб билади ва бунга чуқур эътиқод қилади. Хисравшоҳ билан бир неча дақиқа бўлиб ўтган суҳбат асносида ва ундан кейин ҳам унинг юриштиришларини, ярашмаса ҳам Бобирга таъзим қилишларини ва собиқ шоҳга хос бўлмаган бошқа ҳаракатларини кузатар экан, шунингдек, унинг қовушмаган тузсиз гапларини эшитиб, Бобир бир нафас ўйга толади ва «Наҳотки шу одам Қундуз ва Хисордек ўлкаларга ҳокимлик қилган бўлса» деган таажжубга боради, ичида Қуръони Каримнинг «Оли Имрон» сурасидан ушбу оятни ўқийди:

(Айтинг: «Эй, мулку давлат эгаси бўлган Оллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу

мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдадир. Албатта, сен барча нарсага қодирсан»<sup>1</sup>. Демак, Бобир араб тилини аллақачон билган ва ўттиз пора Қуръонни ёд олган. Бу ҳолат подшоҳлик ва саркардалик, олимлик ва шоирлик каби ноёб фазилатлар Бобир Мирзода 15-20 ёшлариданоқ мужассам бўлганидан далолат қилади. Бобир ўзи ўқиган Қуръон ояти мазмунига берилиб ва Хисравшоҳнинг собиқ ҳокимлик мақомига ярашмаган хатти-ҳаракатларини кузатиб, унинг мантиқсиз гапларини тинглаб «Эй, ҳамма нарсага қодир Эгам, - ўй суради Бобир, - бу одам (Хисравшоҳ) яқиндагина 20-30 минг навкарга қўмондон эди, энди барчаси тарқаб кетди. Илгари Султон Маҳмуд Мирзога тобе бўлган ва Ҳиндикуш тоғларигача чўзилган ўлкаларнинг ҳукмрони ва бизни ҳар доим таъқиб қилиб келган инсон эди у. Мана энди бор-йўғи бир ярим-икки кун ичида Оллоҳ ўз қудрати билан уни хўрлаб-таҳқирлаб қўя қолди ва мендек (Бобирдек) бор-йўғи 250 та навкари бор заиф ва ғариб кишига муте қилиб қўйди-я! Бу яратганнинг қудрати улуглиги ва карами кенглиги эмасми!» Бобир Мирзонинг оқ кўнгил ва тантилиги, қасоскор эмаслиги яна намоён бўлади. Кўпчилик Хисравшоҳдан ўч олиб жазолашни сўрашига қарамай, унинг кетишига ижозат беради, ҳатто бутун бойлигини олиб кетишга ҳам қаршилик кўрсатмайди, у тўрт-бешта хачир ва туя карвонига олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан кўтарганича юклаб, Хуросон томон жўнайди. Бобирнинг бу олижаноблиги баъзиларда таажжуб уйғотса, кўпчиликни лол қолдиради. Аммо Хисравшоҳ яна nonқўрлик қилади. Қоҳмарда вақтинча қолдирилган Бобирнинг онаси ва барча аёлларни талон-тарож қилиб, уларга озор етказди.

Бобирнинг лашкарлари Хисравшоҳнинг собиқ аскарлари ва жангари мўғуллар ҳисобига анча кўпайиб, уч-тўрт минг кишига етди. Бинобарин, Шайбонийга қарши юрса бўлади дейиш мумкин. Қолаверса, Шайбонийнинг қўшинлари Бобир турган жой-

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим, (Алоуддин Мансур таржимаси) Тошкент, «Чўлпон» 1992, 38-бет. Афсуски, «Бобирнома»нинг 1990 йилги ўзбекча нашрида ушбу оятнинг арабчаси тушиб қолган. Русча нашрларига эса киритилган (Қ.Бабурнаме. Перевод М. Салье, Тошкент, 1958, 147-148-бетлар. Янги наشري, 1992, 139-бет). Ушбу оят туркча нашрида ҳам келтирилган. ( Қ: Vekayi. Babur'un hatirati, jild II, таржимон. проф. Решит Рахмати Арат, Анқара 1987, 133-бет).

дан унча узоқ ҳам эмас. Аммо Бобир чуқур ўйланиб, гарчи душманга нисбатан нафрати чексиз бўлса ҳам қарши юришдан ўзини тияди. Ҳозирги мураккаб пайтда шошма-шошарлик қилиш кутилган натижани бермаслигини Бобир ақлан сезарди. Мана шу вазиятни ҳисобга олиб у аввал Қобул ҳукмронлигини қўлга киритишга қарор қилади.

Хисравшоҳ кетганидан сўнг, унинг қуролхонасида қолган от анжомлари етти-саккиз юзта совут ва қимматбаҳо чинни идишларни олиб, Бобир ўз одамлари ва қўшилган лашкарлари билан Қобул томон йўл олишади. Йўлда уларга Шайбонийхоннинг изтопарлари дуч келади, ўртада ўтган қисқа муддатли жангда улар тор-мор келтирилади.

Бобирнинг одамлари анча кўпчилик бўлиб қолган эди, бу албатта унда яхши кайфият, қўшимча шижоат пайдо қилади, йўлда учраган тўсиқлар, маҳаллий ғанимларни осонлик билан енгиб боради. Бир сафар саҳар паллада Хубён (Хупиён) довонидан ошаётиб, осмоннинг жанубий уфқида Сухайл (ёруғ юлдуз) кўрилади.<sup>1</sup> Бобир бу юлдузни биринчи кўриши экан, ҳамроҳи Боқи Чағаниёний (Хисравшоҳнинг укаси)дан буни сўраганида, ушбу юлдуз хосияти ҳақида қуйидаги ғазални ўқийди:

*«Ту, Сухайли, то кужо тоби-ю, кужо толе шави  
Чашми бар ҳарки меавтод - нишони давлат аст»*

(Сен, Сухайл, қаерга нуринг етиб, қаерда кўринсанг, кўзинг кимга тушса - давлат нишонаси бўлур).

Умуман, илҳом билан Қобул томон кетаётган Бобир бу шеър таъсирини эшитиб ниҳоятда кайфияти кўтарилгачи аниқ. Ушбу таъбирнинг исботи бўлдимиз, ҳар ҳолда йўлда айрим қабилалар, жумладан Хисрав шоҳнинг турли афғон уруғларидан иборат одамлари бирма-бир келиб Бобирга таслим бўладилар. Афғон қишлоқларидан ўтишаётганларида Бобир талон-тарожга мутлоқа йўл қўймайди ва бу ҳақда ўз навкарларига қатъий кўрсатма беради. Шунга қарамай, Бобирга қўшилган собиқ Хисравшоҳ одамларидан бири Сайидим Али Дарбон деган кимса ўғирликка қўл уриб, бировнинг бир кўза ёғини зўрлик билан тортиб олган эди,

<sup>1</sup> Сухайл юлдузи - ёруғлиги жиҳатидан Сириусдан кейин турадиган юлдуз. Афғонистонда жанубга ишора, умуман хосиятли юлдуз ҳисобланади.

Бобир уни тутдириб, майдонга ҳаммани тўплайди ва шундай урдирадики, гуноҳкор таёқ зарбидан ўлиб қолади. Шундан сўнг одамлар ўғирликка қўл урмайдиган бўлади.

«Оқ сарой» яйловига етишганда тўхташиб, Бобир маслаҳат кенгаши чақириб, ҳозироқ тўғри Қобулга бориш-бормаслик масаласи муҳокама қилинади. Баъзилар қиш яқинлашиб қолаётган сабабли Ламғонга бориб қишлашни ва сўнг у ерда шароитга қараб иш кўришни маслаҳат беришади. Аммо айримлар қишгача вақтни бой бермасдан Қобулга қараб юришни таклиф қилишади. Кўпчиликнинг фикри шу маслаҳатга мойил экани маълум бўлгач, Бобир тўғри Қобул томон юришга қарор қилади.

Ниҳоят, Або деган бир яйловда тўхтаганларида Бобирнинг Қоҳмарда вақтинча қолдирилган онаси ва бошқа аёллар ҳам етиб келиб Бобирга қўшилишади<sup>1</sup> ва биргалишиб Қобул томон йўл оладилар.

Ниҳоят, Қобул атрофига етиб келишгач, Бобир ўз қўшинига кўйидаги мазмунда буйруқ чиқаради: Барча аскарлар совут кийинсинлар, отларга ҳам ўқ ўтмас совутлар кийдирилсин: (Хисравшоҳ омбулхонасида қолган от анжомлари ва совутлар ҳам иш берди чамаси) ва шаҳарга ҳужум бошлансин.

Бобир укалари - Жаҳонгир Мирзо қўшиннинг ўнг қанотига, Носир Мирзо чап қанотига бошчилик қилиб, боғу кўчалар бўйлаб шиддатли ҳужум бошланади. Бобирнинг ўзи марказда етакчилик қилади.

Рабиул аввал ойининг охириги кунлари (ҳижрий 910, мелодий 1504 йил сентябрнинг биринчи ўн кунлиги) Қобул кўчалари чанг-тўзон билан қопланиб, Бобир одамлари шаҳарга кириб келадилар. Қобулликлар қаршилик кўрсатолмадилар. Қобул хони Бадиуззамон амирларидан бўлиш Зуннун Аргуннинг ўгли Муқим Аргун Бобирга таслим бўлажagini арз қилиб, Боқи Чаганиёний ҳамроҳлигида Бобир қабулига кириб келди. Бобир уни дўстларга хос қабул қилади. Унга нисбатан одамийлик ва раҳмдиллик

---

<sup>1</sup> Хисравшоҳ Хуросонга кетаётганда, Бобир уни кузатиб қўйиш учун ўз одами Шерим тоғойини қўшиб юборган эди. Топшириққа биноан Шерим тоғойи қайтишда Қоҳмарда қолган аёлларни бирга олиб қайтиши лозим эди. Юқорида айтилганидек, Хисравшоҳ одамлари Бобирнинг онасини ҳам талаган ва аёлларни қаттиқ хафа қилган. Ниҳоят мўғул навкарлари Хисравшоҳни қувиб соладилар ва аёллар эсон-омон Бобир ёнига етиб келишади.

кўрсатиб, илтимосга биноан барча навкарлари, оиласи ва мулк бойлигини олиб кўчиб кетишга рухсат беради. (Ваҳолапки, Муқимхон жазо кутган эди). Ҳатто Хисравшоҳнинг собиқ бебош аскарлари йўлда таламасин деб тепа қишлоққа кузатиб қўйишадди. «Тенгри таоло фазли ва карами била, - деб ёзади Бобир, - Қобул ва Ғазна мулки ва вилоятини бежангу жадал муяссар ва мусаххар қилди». Бу - 1504 йил сентябр ойининг биринчи ҳафтаси эди. Бобирнинг Фарғона мулкидан чиқаётиб, ўз олдига қўйган дастлабки мақсади - ватандан ташқарида таянч нуқта пайдо қилиш нияти, мана, амалга ошди.

Унинг ёзишича, Ҳиндистон билан Хуросон ўртасидаги йўлда иккита йирик савдо шаҳри бўлиб, бири Қобул-у, яна бири Қандаҳордир. Дарҳақиқат, Буюк ипак йўли чорраҳаларида ушбу шаҳарлар узоқ тарихда ҳам номлари тилга олинади. XV асрдан буён Қобул атроф туманлари, Қандаҳор ва Синд дарёси қирғоқларигача бўлган ерлар теуририйлар хонадонига мансуб шаҳзода-амирларнинг мулки ҳисобланарди. Қобул вилоятининг шимолий чегараси Ҳиндикуш тоғлари бўйлаб ўтарди.

XV аср бошларида Қобул ҳокимлигини марказий давлат - Самарқанддан ажратиб, мустақил қилиб олишга уринишлар бўлган эди. Бироқ Шоҳруҳ Мирзо бу ҳаракатга қаттиқ зарба берган эди (1418 й). Аммо Шоҳруҳдан кейин Қобул ҳокимлигининг чегаралари қисқариб, XV аср охирларидан Қандаҳор вилояти Ҳусайн Бойқаро мулкига айланган эди. XVI аср бошларидан эса Бобир келмай туриб, Қобул ҳокимлиги ерларига афғон қабилалари ҳам тажовуз қилиб, Бобирнинг ёзишича, Бажур, Савод, Паршовар, Хашанғар каби туманлар Қобул ҳокимлиги тасаруфидан чиқиб, афғонлар қўлига ўтиб кетади. Шунга қарамай, Қобул ҳокимлигининг атроф вилоятлар билан иқтисодий ва савдо муносабатларида аҳамияти беқиёс эди.

Қобул, шунингдек Қандаҳор ҳам Ҳиндистонга ўтадиган тарихий карвон йўлида жойлашган эди. Қобулни тоғлар гўё қалъа деворлардек ўраб туради. Бобир ёзади: «Қобул вилояти берк вилоятдур, ёт ёғий (душман- С.Ж.) бу вилоятга кирмаги мушкулдир». Бобирнинг ёзишича, Қобулга Фарғонадан, шунингдек Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Ҳисор ва Бадахшондан муттасил равишда карвонлар келиб туради. Ҳар йили ўн минглаб от олиб келиб сотадилар. Ҳиндистондан ҳам кўплаб савдогарлар келарди. Бобир таърифича, Қобул Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Эрон ўрта

сидаги карвон йўлларининг туташган жойидадир. (Умуман, Хитой ва Ҳиндистондан Каспий денгиз ва Ўрта денгиз қирғоқларигача етиб борган Буюк ипак йўлининг энг муҳим тармоғи Афғонистон орқали ўтгани тарихдан маълумдир). Эрон шоҳлари ҳам, Ҳиндистон ҳукмронлари ҳам йўлларини беҳатар бўлишидан бир хилда манфаатдор эдилар. Шунинг учун ҳукмдорлар Қобулни эгаллашга интилар эдилар.

Бобир Мирзо, ўзининг ёшишича, Оллоҳнинг амри билан ана шундай ўлкани қўлга киритди. Бу ғалаба - унинг бош мақсади - таянч нуқта пайдо қилиб ва мадад олиб, буюк бобоси улуғ Соҳибқирон мулкининг ўзак қисми бўлмиш Мовароуннахрни қутқаришдек катта мақсад йўлида қўйилган қутлуғ қадам эди. Бобир ҳокимлигини маъмурий жиҳатдан қайтадан тақсимлади. Ғазнага атроф туманлари билан Жаҳонгир Мирзо, Қандаҳор тумани ва атрофдаги бир қатор катта қишлоқларга Носир Мирзо тайинланди. Ўзи билан сафарда бўлган ва саргардонлик тузини бирга тотган яқин беқлар, фидойи йигитларни ҳам хафа қилмади - улар ҳам ҳар бири (қадрига қараб) катта-кичик қишлоқларга тайин қилинди. Шунга қарамай, шикоятлар ҳам бўлганидан Бобир таажжуб қилади: гўё у фақат «хизматкорлари ва андижонликларга ўнг қўз билан қараётган эмиш». Шу муносабат билан «Бобирнома»да «Эл оғзига элак тутиб бўлмас» маъносига яқин форс мақолини келтиради.

Ўлка маъмурий жиҳатдан тақсимлангач, Бобир солиқ ишлари билан шуғулланади, сўнг осуда дамларда ижодга берилади. Ана шу йиллар бўлса керак, «Бобирий хати»ни ихтиро қилади. Бобир ҳеч қачон ижодий фаолияти ҳақида ёзмайди. Ҳозирги ўлчов билан айтганда бу ўта камтарлик аломатидир. Лекин «Бобирнома»да Қобул ва унинг ўн тўртта тумани ҳақида келтирилган ажойиб маълумотлар, атрофни саёҳат қилишдан ташқари кўплаб турли манбаларни ҳам ўргангани ва ўқиб аниқлаб чиққанини кўра-миз. Унинг Юлий Цезар фаолиятидан фарқ қиладиган томонларидан бири ҳам Бобирнинг ҳар қандай шароитда илм ва ижодга берилганидир.

«Бобирнома» синчковлик билан ўқилганда шу нарса аён бўладики, Бобир Ҳиндистон ва Қобул ўлкаси, халқи, унинг тарихи ҳақида илмий ва адабий асарларни мутолаа қилгани маълум бўлади. Ўлка туманлари ва Ҳиндистон ҳақида ёзар экан, турли йилномалардан ҳам фойдаланган. Буни «Баъзи йилномаларда»

деган жумлани ишлатишдан билиш мумкин. Шунингдек Хиндистон тарихига доир китобларга ҳам ишора бор. Бир жойда «Табақоти Носирий» номли асарни тилга олади.

Ўқиб-ўрганишдан ташқари Бобир Қобулда тинч қурилиш-ободонлик ишлари (боғлар барпо қилиш, янги ариқлар чиқариш, одамларни кўчириб янги қишлоқлар қуриш, улуғларнинг мазорларини таъмирлаш ва ҳ.к) билан шуғулланди.

Аммо Бобирнинг ҳозирги асосий ташвиши кўшинлар-у, одамларни боқиш эди. Чунки Қобул вилоятининг маҳаллий ҳукмдорлари, йирик ер мулк эгалари ҳозирча Бобир ҳокимиятини тан олишдан бош тортаётган эдилар. Маҳаллий зодагонлар ва қабила ҳукмдорлари унинг обрўйини тан олгиси келмас эди. Тез-тез қарши ҳужумлар бўлиб турарди. Унинг Қобулдаги ҳукмронлик мақоми кўпроқ ҳарбий ҳолат даври қонунига мувофиқ келади. («Сайфийдур, қаламий эмас» - деб ёзади Бобир). Лекин аскарлар-у одамларни боқиш, вилоят халқини ҳам озиқ-овқат билан таъминлаш керак.

Шу мақсадда бир кун Бобир ерли аҳоли вакиллари тўплаб, атрофдаги кўшни ўлкалар, кўшни вилоятлар ҳақида батафсил маълумотлар олади. Маслаҳатлашиб, ғарб-шимол томон бориш ҳақида келишилади. 910 йил шаъбон ойида (1505 йил январ охири - феврал боши) Бодом Чашма ва Жийдалик йўли билан юриб, олти кун деганда Одинапур (ҳозирги Жалолобод)га келишади, яна икки-уч кун ўтгач Жом қишлоғида тўхташади. Бу ерларда ҳаво ўта иссиқ эди, одамлар ўрганмаганидан анча қийинчиликлар бўлади. Қайси томонда озиқ-овқат сероброқ эканини аниқлаш учун яна маслаҳатга тўпланишади. Бобирнинг мана шу юришларини тарихчиларимиз Ҳиндистонга юришининг бошланиши деб ҳисоблайдилар. Бу ногўғри фикрдир.

Бобирнинг ҳозирги асосий мақсади - кўшинларни боқиб, уни тартиб-интизомга солиш ва асосий ганим-Шайбонийга қарши ҳужум бошлаб, ватанни озод қилиш ва унга қайтиш эди. Ҳиндистонга юриш эса кейинги воқеалар билан боғлиқдир. Улуғлардан Бобирнинг бош амири Боқи Чағаниёнийнинг қобулликлардан эшитганига қараганда, Синд дарёсидан кечиб, бир бекат юрилса, Кухат деган жой бор, озиқ-овқат сероб, одамлари ҳам бадавлат яшайди.

<sup>1</sup> XII асрда яшаган тарихчи Минҳожиддин Жузжонийнинг йирик тарихий асари. Бу асардан жуда кўп тарихчи ва жуғрофшонлар фойдаланадилар.

Кухатдан, Боқи Чаганиёний мўлжалича бўлмаса ҳам анчагини озиқ-овқат захираси тўпладилар. Умуман, Бобир одамларини, қўшинини боқиш, озиқ-овқат тўплаш каби ўша кунлардаги ташвиши йўлида Цезар усулидан ҳам фойдаланади: ўлжа топиб келувчи навкарларга эрк беради ва улар маҳаллий халқларни талаш, қаршилиқ кўрсатган одамларнинг эса калласини олиб, афғонларга жаброна ишлар қиладилар. Ҳақиқатдан чекинмаслик учун ҳолислик билан буни ҳам айтиб ўтмоқ лозимдир. Зеро, антик дунё ва ўрта асрлардаги ҳукмронлар армиясининг бундай хатти-ҳаракатлари ўз даврининг қоидаси ҳисобланган. Шу билан бирга, бизнинг-ча, қуйидаги ҳолатни ҳам эътиборга олмоқ лозим: Бобир фаолиятининг (улуғ Соҳибқирон Амир Темур каби) Осиё цивилизациясида ва умуминсоният қадриятларида тутган ўрнини аниқлашда йирик тарихий шахсларнинг фаолиятига баҳо бериш мезони билан ёндашилса, баъзи буюк шахсларнинг хатти-ҳаракатларидаги айрим нуқсонлар уларнинг умуман, инсоният олдидаги буюк хизматларига салбий таъсир қилмаслиги ҳам исботланган.

Уруш, қирғинларда доимо халқ жабр кўради. Бунинг яна бир сабаби - айтилганидек, ерликлар ҳали унинг ҳокимиятини тан олмас, ҳокимият ҳам ҳозирча «қаламий эмас» (яъни, тинчлик сулҳи билан бўйсундирилган эмас), балки ҳарбийчасига эди.

Бу кунлар Бобир ва унинг одамлари учун ниҳоятда беҳаловат кунлар эди. Чунки афғонларнинг ҳам уларга бостириб келиш хавфи бор, ҳужум ҳам қилишган. Шунинг учун Бобир қўшини турган қароргоҳни навбатчилар қўлларида машғалалар ушлаб, туни билан қўриқлаб чиқар эдилар. Бутун қўшин олти гуруҳга бўлиниб, ҳар бири бир суткадан қароргоҳни қўриқлашар эди.

Шуниси таажужубки, Бобир ўшандай беҳаловат кунларда ҳам ижод қаламини қўлдан ташламаган. Мана мисол: ўшандай ташвишли кунлардан бирида Бобир Фумал дарёси бўйида эди, Қурбон ҳайитидан икки кун ўтгач, Наврўз кунлари бошланади (1505 йил, 21-22 март). Бобир шу шодлик кунларга атаб, ғазал битади:

*Янги ой ёр юзи бирла кўриб эл шод, байрамлар  
Манга юзу қошингдин айри байрам ойида ғамлар.  
Юзи, наврўзи васли идини Бобир, ганимат тут,  
Ки мундин яхши бўлмас, бўлса юз наврўз байрамлар.*

Бу ҳам Бобир ички дунёсининг нақадар теран ва кенг эканига бир ҳужжатдир.

Бобир бундай беором кунларда озиқ-овқат топиб келишга юборилган навкарларининг афгонларга нисбатан бераҳмларча муомалаларини кечиришга мажбур эди, чунки ўша онлардаги Кўҳистон шароитида афгон қабилалари орасида динсиз кофирлар ҳам кўп эди, уларга қарши жанг ҳаётий жиҳодга айланиб қолган эди. Бобирнинг эса иймон-эътиқоди мустаҳкам, комил мусулмон бўлиб етишганини ўтган саҳифаларда таъкид қилган эдик. Шундай бесаранжомликда ўтган кунларда ҳам у эътиқодига содиқ қолади, буюрилган фарзларни канда қилмайди, қаердаки улуғлар мазори учраса, уни эътиқод билан зиёрат қилади, тузатиб ва таъмирлаб қўяди.

Ўша беҳаловат кунларнинг бирида шундай воқеа юз беради. Бобир навкар-у, аскарлари билан Синд дарёси қирғоқларида эканида Пир Кону деган бир улуг ҳинд мусулмони мазори ёнида тўхташади. Бобир йигитларидан бири ушбу мазор шайхларига озор бергани учун бошқаларга намуна бўлсин деб, дилозор навкарни қийма-қийма қилиб чоптириб ташлайди. Бераҳмлик бўлса ҳам бу - унинг мустаҳкам эътиқоди туфайли, балким сарбозларига ҳам мусулмончиликни ёдларига солиб қўйиш учун шундай қилади.

Ниҳоят, ўша йили апрел бошларида Бобир навкарлари билан яна Қобулга қайтиб келади. Бу вақтда Шайбонийхон (1505 йил охири) Қундуз ҳоқимлигини марвлик Қамбарбийга топшириб, ўзи Хоразмга қўшин тортиб кетган эди. Ҳусайн Бойқаро Хоразмни ҳимоя қилишни ўз ноиби, мард инсон, Чин Сўфига топширади.

Шайбонийхон қўшини Урганж шаҳрини уч ой давомида қамал қилиб ётади. Қамалдан аҳоли бошига қаттиқ кулфатлар тушганига қарамай, Ҳусайн Бойқаро Чин Сўфига ҳеч қандай ёрдам юборолмади, унинг мадад сўраб бир неча бор Ҳиротга келган одамлари ноумид бўлиб қайтдилар. Ниҳоят, ўн ойга чўзилган мудофаа жангларидан сўнг подшоҳдан мадад ололмаган Чин Сўфининг қўшини шаҳарни ҳимоя қилишдан ожизлик қилиб қолади. Шунга қарамай, Чин Сўфи мардона курашади. Аммо у хоинлар томонидан ҳалок қилинади. Ажойиб баҳодир инсон, миллий қаҳрамон Чин Сўфи номи ҳам тарихимизда ўчмас из қолдирган.

Охири, Хоразм таслим бўлиб, Шабонийхон қўлига ўтди. Бобирнинг эса Қобулдаги ҳукмдорлиги анча мустақамланди. Хусусан Хисравшоҳ ўлимидан сўнг, унинг адолатсизлигидан норози аскарлари тўп-тўп бўлишиб, Бобирга келиб қўшилдилар. Улар Шайбонийга тенг келадиган куч Бобир бўлиши мумкин, деган фикрга келдилар. Шунинг учун ҳам Бобир хизматига ўтган бу лашкарлар унинг буйруғидан чиқмас ва иззат-ҳурматини жойига қўяр эдилар. Бироқ Шайбонийхон ҳужуми йилдан-йилга кенгайиб, хавфи ортиб бормоқда эди.

Гарчи Бобир лашкари Хисравшоҳдан юз ўгирган аскарлар, қабилалар ва жангари мўғуллар ҳисобига кўпайган бўлса ҳам у Шайбонийга қарши ўзи якка юришни лозим кўрмайди. Бобирнинг душманга нисбатан нафрати чексиз бўлса ҳам, лекин ҳозирча шароит етилмаганини яхши тушунади. Бобирнинг асосий умиди теурийларнинг ҳозирги энг қудратли вакили бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқародан эди.

Хуросон ҳукмрони Султон Ҳусайн эса кейинги йиллари (набираси Мўмин Мирзонинг фожиали ўлими сабабидан бўлса керак) ҳоқимият ишларида лоқайдлик кўрсатиб, кучайиб бораётган ташқи хавфга жиддий муносабат билдирмаётган эди.

Шундай машаққатли кунларда Бобирнинг бошига яна кутилмаган оғир мусибатлар ёғилади. 1505 йил баҳорида (ҳижрий 911 йил муҳаррам) онаси Қутлуғ Нигорхоним хасба (қизамиқ) касалига учраб, олти кун ётиб-ла, бандаликни бажо келтиради. Уни тоғ ён бағридаги Боғи Наврўзийга дафн қиладилар. Онанинг мотам кунлари тугамасдан туриб, мусибат устига яна мусибат: Бобирнинг кичик тоғаси Султон Аҳмадхон (Олачахон) вафоти ҳақида хабар келади. Бироз ўтгач эса катта оналари Эсон Давлатбегимнинг ҳам вафот қилгани маълум бўлади. Қутлуғ Нигорхонимнинг қирқ кунлик худойисига Хуросондан Бобирнинг катта холаси (марҳум Султон Аҳмад Мирзонинг хотини) Меҳр Нигорхоним, поччаси Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон (Хўб Нигорхонимнинг эри) ва ўғай тоғаларининг онаси Шоҳбегим кўплаб аёллар ва навкарлари билан етиб келдилар. Жуда катта мусибат маросими уюштирилиб бир-бирлари билан узоқ вақт кўришолмаган қариндошларнинг дийдорлашуви ҳам азага қўшилади ва кўп йиғи-сиғилар бўлади.

(«Фироқлар ўта беандоза бўлди»-деб ёзади Бобир). Камбағал ва ғарибларга ош тортилади, ҳадялар берилиб Қуръони Каримдан тиловатлар қилинади.

Ниҳоят, тақдир илоҳийга тан берилиб, қора либослар яна алмашингач, Боқи Чағаниёнийнинг маслаҳати билан Бобир Қандаҳорга юриш бошлади. Куш Нодир деган яйловга келишганида қўққисдан Бобир бетобланиб, иситмалаб 4-5 кун ўзини билмай ётиб қолади. Ниҳоят бироз ўзига келиб, Нурилло танбурчи деган машшоқ унинг олдида соз чалиб ўтирганида тўсатдан табиий офат - zilзила юз беради. Ерлар ёрилиб, баъзи жойлар чукади, ариқ-жарликлар, айрим жойларда эса тепаликлар пайдо бўлади, иморатлар вайрон бўлиб, жуда кўп одам вайроналар остида қолиб кетади.

Табиий офат ва Бобирнинг нотоблиги муносабати билан Қандаҳорга юриш бекор қилиниб, йўлдан Қобулга қайтиб келадилар. Соғ қолган иморатларни тузатиш ва шаҳар қалъа деворларининг шикаст топган жойларини таъмирлаш учун жуда қаттиқ меҳнат қилинади. Бобирнинг ёзишича, бир кунда ер ўтгиз уч марта силкинган.

Зилзила оқибатлари тугатилгач, Қандаҳорга юриш масаласини муҳокама қилиш учун Бобир маслаҳат мажлиси ўтказлади. Жаҳонгир Мирзо ва Боқи Чағаниёнийнинг қатъий таклифларини эътиборга олиб, Қандаҳорга эмас, Қалот қўрғони томон юришга келишилади. Кўп ўтмай Қалот ҳокими Муқимбек Бобирга тобелик билдириб, қўрғонни ўз ихтиёри билан топширади.

Шу воқеалардан сўнг Боқи Чағаниёний билан Бобирнинг ораси бузила бошлади. Бобирга қўшилганидан буён у ёш подшоҳнинг энг ишончли кишиси бўлиб қолган эди. Қобулдаги барча ишлар Боқи Чағаниёний орқали амалга оширилар эди. Бу орада энг бадавлат кишига айланди. Аммо Боқи Чағаниёний, Бобир таърифича, «одамгарчилиги йўқ, пастҳиммат, игвогар шахс» эди. Бобир ёзади: «Анвои беодобликлар ва ямонликлар андин воқе бўлди... ҳеч ким била соф (самимий) эмас, ҳеч кимни кўра олмас эди». Маълум бўлдики, Бобирга қарши уюштирилган суъиқасдда ҳам унинг кўли бор экан (суъиқасд фoш қилингач билинди). Лекин Бобир ўч олмади. Ўзига хос одамийлик табиатига биноан Боқи Чағаниёнийга Ҳиндистонга кетишга руҳсат берди (У йўлда қароқчиларга дуч келиб ўлдирилади).

Ўша кунлари Бобир кўққисдан санчиқ оғриғига дуч келиб, яна ётиб қолади. Ҳаким Бобирни қирқ кунгача у ёнбошдан бу ёнбошга юмалатиб даволайди. Уни ёғочдан миҳфага ўхшаш махсус ўлтирғич ясаб елкада кўтариб юришарди. Бунинг устига юзига чипқон чиқиб, кўп азоб берди. Чипқонни наштар билан тилиб даволадилар. Дард устига чипқон дегандек, Бобирда қабзият ҳам пайдо бўлиб, ҳар доим туркона дори (сано) ичиб юрарди.

Ана шундай беором кунлари ғаламислар Жаҳонгир Мирзони Бобирга қарши қайраб ака-ука орасига яна раҳна соладилар. Бобирнинг асосий мақсади - бош ганим Шайбоний хонга қарши барча темурийзодалар бирлашиб, уни дафъига тайёрланиш бўлсаю, Жаҳонгир Мирзонинг бундай ўзбошимчалиги уни анча хафа қилади, укасидан ранжийди.

Ниҳоят, ганимга нисбатан Султон Ҳусайн Бойқародаги локайдлик чекиниб, Шайбонийхонга қарши отланишга жиддий қарор қилгани Бобирга маълум бўлди. Зеро, Хоразмнинг қўлдан кетиши тўғридан-тўғри пойтахт Ҳиротга хавф солар эди. Хондамирнинг ёзишича, ҳамиша «Ғолиб хоқон (яъни, Ҳусайн Бойқаро - С.Ж.)... ўзининг бепарволигидан ва сусткашлигидан афсусланди»<sup>2</sup> ва ўз хатосини гушунди. Энди умумганимга қарши бирлашган куч пайдо қилиш заруратга айланган эди.

Аммо афсус ва надоматли жойи шундаки, темурийзодалар ўртасида содир бўлаётган келишмовчиликлар бунга йўл қўймаётган эди. Султон Ҳусайннинг ўзaro душманга айланиб қолган фарзандларининг тўпланиши учун ҳам бир неча ой ўтди. Чунончи, Бадмузамон отаси қароргоҳига 1505 йил декабрида келган бўлса, бошқалар келаси йил март ойида тўпланишди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг элчиси Сайид Афзал Қобулга келиб, Бобир ўз қўшинлари билан Ҳиротга етиб келиши ҳақидаги Султон Ҳусайн таклифини топширади. Бобир ўзида йўқ хурсанд. Чунки бундай бирлашган армия тузилишини у аллақачон кутмоқда эди. Бобир ўша кайфиятини ифода қилиб ёзади: «Султон Ҳусайн Мирзодек Темурбек (Амир Темур - С.Ж.) ўринга ўлтирғон подшо йиғноқ қилиб, атроф ва жавонибдин ўғлонлари-

<sup>1</sup> Миҳфа, маҳофа - одам ўтқазиб кўтариб юриладиган кажава. (Х. Назарова, Бобир асарлари учун қисқача луғат. Тошкент, «Фан», 1972, 79-бет.

<sup>2</sup> С.А. Азимджанова, Государство Бабур в Кабуле и Индии, «Наука», гл. ред. вост. лит-ры, М., 1997, стр. 62.

ни ва бекларини тилаиб, Шайбонийхондек ғаниминг устига озим бўлғонда, эл аёқ била борғонда биз бош била борғайбиз, эл таёқ била борғонда биз тош била борғайбиз». Сажъ қондасига кўра (яъни насрда қофиясини келтириб) ёзилган ушбу сатрлар Бобирнинг Ҳусайн Бойқаро таклифидан нақадар қувонганини кўрсатади.

Бобир ишончли кишилардан Султон Муҳаммад Дўлдойни элчи Саид Афзалга қўшиб Султон Ҳусайн чақирғига биноан йўлга чиққани ҳақида хабар бериш учун Ҳиротга юборади ва дарҳол қўшинини тўплаб, 1506 йил май ойи бошларида Ҳиротга жўнайди.

Афсус, минг марта афсуслар бўлсинким, Ҳусайн Бойқаро Ҳиротдан қўшин тортиб Бобо Илоҳий деган жойга келганида, 5 май куни кўкқисдан вафот қилади. Бу нохуш хабарни Бобир Қохмардга келганида, яъни 2-3 ҳафтадан кейин йўлда эшитади. Султон Ҳусайннинг ўлими Бобирнинг умидларига берилган жуда катта зарба эди. Қобул ҳукмронлигини қўлга киритгандан буён Бобирнинг асосий мақсади Шайбонийхонга қатъий зарба бериш ва Мовароуннаҳр давлатини қайта тиклашда ягона умиди Ҳусайн Бойқародан эди, афсус! Ҳусайн Бойқаро жасадини Бобо Илоҳийдан Ҳиротга олиб келиб, ўз номига қурдирган мадрасада дафн этадилар.

Зокиржон Машрабов ташаббуси билан уюштирилган 1993 йилги илмий экспедиция таркибида ўша йили июл ойи охирларида Ҳирот шаҳрида бўлиб, бу азиз тупроқни зиёрат қилган эдик.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Бобирнома, кўрс. нашри, 146-бет.

<sup>2</sup> Ушбу сатрлар муаллифи ўша илмий сафарда қатнашиб, Ҳиротга борганида марҳум номидаги мадраса XV аср охирида рўй берган энгизилда бузилиб кетгани маълум бўлди. Ўша даврда гавжум бўлган, ҳозирда эса чекка овлоқ жойга айланиб қолган «Мусалло» (намозгоҳ) майдонида фақат тўртта бутук минора сақланган ҳолос. Аммо улар ҳам машғум афгон урушида замбарак ўқларидан қаттиқ шикастланган. Мусалло майдони жавубида бир неча қабрлар орасида бизга Ҳусайн Бойқаро қабрини кўрсатишди. Қабр устига Амир Темурниқидаги каби қора мармар (моҳитоб) ўрнатилган. Бироқ уруш йиллари у тўртта бўлиниб кетган, устида ўйма хатлар бор. Кўриб кайфиятимиз ниҳоятда бузилди. Қабрлар (жумладан Навоий, Жомийники ҳам) жиддий таъмирга муҳтож. Биз билан бирга бўлган афгон олими Мавлавий Анбарийнинг айтишича, бу эзгу ишлар давлат режасига кирмаган ишлардандир. Бобир номли халқаро жамғарма таркиби меъмор ва қурувчидан иборат махсус сафар уюштириб, Ҳиротда бу қабрларни таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқди. (Қабрлар аҳволи ҳақида қаранг: Сайфиддин Жалил, Ҳирот: Навоий қабри ёнида. «Мулоҳот», 1994, 1, 21-26-бетлар).

Бобир Ҳирот томон йўлга чиқишдан яна бир мақсади-укаси-ни йўлда учратиш ва орадаги нифоқни олиб ташлаш эди. Бунингсиз ҳам Бобирнинг ташвиши катта: Бу вақтда Шайбонийхон Хисравшоҳнинг собиқ мулклари - Ҳисор ва Қундузни бўйсундириб, яна янги юришларга ҳозирлик кўрмоқда эди. Ҳусайн Бойқародан Бобирга элчи келганида Шайбоний аллақачон Хоразмни босиб олиб, Балхни ҳам қамал қилган эди.

Қандай қилиб бўлмасин, Жаҳонгир Мирзони адашган йўлдан қайтариш керак эди. Шайбонийхон Балхни ўраган вақтда у ҳам атрофдаги афғон аймақларига ҳужум уюштираётгани маълум бўлди. Бобир Қохимардда эканида, кичик укаси Носир Мирзо Кишм қалъаси ва Кишм дарёси бўйида Шайбоний аскарларига ҳужум қилиб ўзбеклар устидан ғалаба қилгани ҳақида хушхабар келади. Бобир бундан жуда ҳам хурсанд бўлади. Бироқ бундай муваққат ва кичик ғалабалар Бобир ўйлаган бош масалани ҳал қилолмас эди.

Бобир Ҳирот йўлида эканидаёқ, Жаҳонгир Мирзога одам юборади. Бобирнинг ташвиши шунда эдики, агарда афғон аймақларини Жаҳонгир Мирзо ўзига қўшиб олса, укасида жиддий куч пайдо бўлиш эҳтимоли бор эди. Яхшики, ундай бўлмади - афғон аймақлари аксинча, Бобирга келиб қўшилдилар. Бобир Жаҳонгир Мирзодан хабар келишини кутиб, Кўхи Соф яйловида бир неча кун қолиб кетди. Ниҳоят, Бобир элчиси Жаҳонгир Мирзога етиб бориб, аканинг буйруғи ва таклифини топширади. Жаҳонгир Мирзо ака ҳурматини жойига қўйиб одоб юзасидан келиб қўшилди. Асосий мақсад - Султон Ҳусайн таъзияси учун тезроқ пойтахт Ҳиротга бормоқ бўлгани сабаб ака-укалар кўришадилар-у, аммо узоқ муддат изҳори дил қилиб ўлтиришмадилар ва Бобир йўлда давом этди.

Ниҳоят, 5 ойдан сўнг - октябр ойи охирларида (1506 йил), юзлаб км. йўл юриб, Бобир Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари билан кўришди. Барчаси Мурғоб дарёси қирғоғида - Бадиуззамон қароргоҳида Шайбонийхонга ҳужум уюштириш масаласини муҳокама қилишга тўпланишди. Бир неча кун меҳмондўстликлар, шоҳона зиёфатлар уюштирилди. Аммо ...муҳокамада маълум бўлдики, Ҳусайн Бойқаро ўлимидан сўнг темирйоздалар гангираб қолишган. Хусусан Хоразм қўлдан кетгач, Шабонийхонга қарши чиқишга юраклари дов бермай қол-

ган, бунинг устига ҳамон улар ўртасида бирлик йўқ, барчаси ҳам тахт мероси ҳаёлида.

Нафсиламрини айтганда Бадиуззамон Бобирни ҳам арзигулик эътибор билан қарши олмади. Бундан Бобир огриниб: «Ахир ёшим кичик бўлса ҳам оталар пойтахти Самарқандни икки марта эгаллаганман, ҳеч ким Самарқанд учун менчалик курашган эмас», - деган мазмундаги шикоятини Бадиуззамонга етказди. Ҳарбий машваратда Бадиуззамон Мирзо, Музаффар Мирзо, амирлардан Бурундук Муҳаммад барлос, Зуннун аргун ва бошқалар дарҳол Шайбонийхонга қарши ҳужум бошлашни таклиф қилдилар. Улар фикрича, ҳозир қулай фурсат, чунки Балхни қамал қилиб турган Шайбонийхон Бобирнинг Хуросонга келганини, Бойқаро фарзандлари-ю, амирларнинг тўпланишга тганини эшитиб Балхни ташлаб, Мовароуннаҳрга кетиб қолган эди. Бу Шайбонийхоннинг Бобирдан ҳар ҳолда ҳайиққанини ҳам кўрсатарди. Ҳатто айримлар фурсатни бой бермай ўзларича қўшин тортиб, ўзбекларга қарши юриш ҳам бошладилар.

Бироқ Хуросон султонлари ва амирлар ўзаро келиша олмадилар. Баъзилар негадир ҳужумни келаси баҳорда бошлашни таклиф қилди. Бобир бундай аҳволда Шайбонийхонга қарши кучли иттифоқ тузиш имконияти йўқлигини тушунади ва 20 кун давомида Ҳиротниг муқаддас жойларини зиёрат қилгач, ўша (1506) йили 23 декабр куни Ҳиротдан Қобул томон йўлга чиқади.

Бобир кўнглидаги режа амалга ошмаганидан, мавжуд имкониятни бой берилганидан хафа эди. Унинг Фарғонани, умуман Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишидан асосий мақсади - такроран айтаманки, - янгидан куч тўплаб, иложи борича Султон Ҳусайн Бойқаро бошчилигида умумий душманни маҳв этиш ва ота юртга - ватанга қайтиш эди-да! Афсуски, Бобирнинг бу мақсади амалга ошмади.

Улуғбек ва Абу Саиддан сўнг темурийлар салтанатида аллақачон бошланган инқироз йиллар ўтган сари чуқурлашаётгани, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўлиmidан сўнг эса гўё соғ танага тарқалган захм касаллигидек бир ҳолат пайдо бўлганини ёш Бобир кўнглида сезар, аммо бунга ишонгиси келмас эди.

Биз экспедиция чоғида Ҳиротда бўлганимизда дунёга машҳур бу пойтахт шаҳарнинг эндиликда вайронага айланган «му-

салло» майдонини айланар эканман ва буюк зотларнинг ҳоки туроблари ором тошган ва афгон уруши туфайли деярли ташландиққа айланган азиз қабристонни зиёрат қилар эканман, Бобирнинг Ҳиротга келганини эсладим, хаёлан, гўё у ёнимда мен билан бирга кўз ёши тўкиб айланиб юргандек туюлди.

Бу орада Шайбонийхон Бобирни Ҳиротдан кетганини эшитиб, келаси 1507 йил май ойида Амударёнинг чап қирғоғига - Афғонистон томонга яна ўтади ва энди бевосита Ҳиротга юриш бошлайди. Темурийзодалар Шайбонийхон кутганчалик ҳам қаршилик кўрсатишолмади. Хадича Бегим (Ҳусайн Бойқаронинг катта хотини) ўғиллари ва амирлардан Ҳиротни ҳимоя қилишни ўтиниб сўрашига қарамай, ҳеч ким бунга журъат қилолмади ва шаҳар калитини Шайбонийхонга қаршилик кўрсатмасданоқ топширдилар. Бир йил ичида, яъни 1508 йил баҳоригача Шайбонийхон Ҳирот, Машҳад, Астробод, Нишопур, Тусни ва атроф жойларни бўйсундириб, Ҳусайн Бойқаро мамлакатини босиб олишни яқунлади. Барча шаҳарларда Шайбоний номига кумуш тангалар зарб қилинди. Мовароуннаҳру, Хуросоннинг боғ-бўстонларга, серунум ерларга, тарихий шаҳарларга бой ўлкалари кўчманчи ўзбеклар мулкига айланди.

Бобир темурийзода султонлар ва амирларнинг ўзаро келишмовчиликларидан ниҳоятда хафа эди. Айримларини у қўрқоқликда айблади. Чунончи, Султон Ҳусайн ўғилларидан Машҳад ҳокими Кепак Мирзо ўгай акаси Музаффар Мирзога ўчакишиб, ака-укалар чақириғига қулоқ солмади. Бобир уни «**Номардлик қилиб келмади**»-дейди. Зеро Бобир тўғри мушоҳада қилганидек, улуғ Соҳибқирон юртини ғанимдан ҳимоя қилиш ҳисси ҳар қандай ўзаро гина-кудуратдан устун туриши лозим эди. Бу-номи тарихда қоладиган буюк ватанпарварлик бўлур эди. Шу муносабат билан Бобир ёзадики, агар инсонда ақлдан нишона бўлса, нега у ўзидан ёмон хотира қолдирадиган ишларга қўл уради? Агар одамда ақл-фаросат бўлса, шундай яхши, эзгу ишларни қилсинки, одамлар кейинча доимо эслаб юрсинлар. Бобир шу ўринда қуйидаги форсча масални келтиради: «**Зикри номеро, ҳакимон умри сони гуфта анд**» (Яхши ном қолдиришни донишмандлар иккинчи умр дейдилар). У умумғаним бўлган Шайбонийхонга қарши бирлашиш ва ватан озодлиги учун кура-

шишни ҳар бир киши учун ўзи ҳақида шуҳрат қолдирадиган эзгу иш деб ҳисобларди.

Шундай қилиб, эзгу ният билан Ҳиротга келган Бобир ноумид ҳолда Қобулга қайтиб келди. Қобулда эса ўчакишгандек, унга қарши фитна уюштирилганди. Ўша декабр кунлари қор ниҳоятда қалин ёғди. Қобулга тезроқ етиб бориш учун қисқароқ деб синалмаган довондан ошиб юрдилар. Кейин маълум бўлдики, бу йўлларда ёзда ҳам юриш мушкул экан. Қор тинмай ёғар, қалинлиги отнинг узангисига чиқарди. Баъзан йўл бутунлай билинмай, адашиб қолишарди. Қобулдаги аҳвол ва Бобирнинг ақлзаковати, ҳолатни олдиндан билиш қобилиятини уни ҳар қандай мушкуллик бўлса ҳам енгиб ва вақтни бой бермай олға юришга ундар эди. Ниҳоят, қорбўронда йўлдан адашиб қолишди. Бобир бошлиқ 20 тача норғул йигитлар кўкраклари билан қорни суриб ва оёқлари билан тепиб, йўл қилиб боришарди. Ундан отларни ўтказишар, йигитлар чарчаганда бошқалар олдинга ўтарди. Отлар қорга ботиб, айримлари тубсиз жарга қулаб кетарди. Шу атрофда қишлайдиган хазораларни излаб, улардан йўл сўрашга жўнатилган одамлар ҳеч кимни учратолмай, ўзлари қайтиб келдилар. Тўхтаб қолиш эса ўлим билан баробар. Бобир руҳан азобда. Озиқ-овқат ҳам танг.

Шу тарзда Бобир ва қўшини бир ҳафта давомида чидаб бўлмас даражадаги қийинчиликларга дуч келди. Кўпчилик умидсизликка туша бошлади. Оёқ-қўлларини совуқ олмоқда эди, айримлари юролмай қолдилар. Бобир машҳур ғазалларидан бирининг ушбу матлаъини ўшанда ёзган эди:

*«Чархнинг мен қўрмаган жабру жафоси қолдим  
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдим».*

Бобир одамлар билан қорли тоғ йўлларида эканида, янги 1507 йил январ ойи бошланди, бу ҳижрий 912 йилнинг рамазон ойига тўғри келди. Тинмай қор ёғар, унинг устига қор бўрони бошланиб, Бобир ёзишча «барчага ўлим хавфи бўлди».

Шу тарзда Заррин довонига етдилар. Не бахтки, қоронги туша бошлаганида олдиндагилар катта бир ғорга дуч келишади. Одамлар текширишса, ғор ичкараси анча кенг экан. Кўпчилик ғорга кириб ором топдилар. Бобирга ҳам ўша ғорга кириб, бўрондан

беркинишни таклиф қилишади. Аммо у кўнмайди. У ҳар доим қийинчиликларини одамлар билан баҳам кўришга ўрганган. Мана таклифга жавоби: «Кўнгилга кечтиким, барча эл қорда ва чопқинда (бўлса-ю), мен иссиқ уйда ва истироҳат ила мунда (бўлсам), барча улус ташвиш ила машаққатда (бўлса-ю), мен мунда уйқу била фароғатда (бўлсам), бу - мурувватдин йироқ ва ҳамжиҳатликдин қироқ (дўстликка ўхшамаган-С.Ж.) ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин». Сўнгра Бобир қуйидаги форсча масални келтиради: «Марг бо ёрон сураст» ( Дўстлар билан бирга ўлиш базм-тўйдир). Бу - одамийлик ва мардлик, инсонпарварлик ва олижаноблик намунаси эмасми! Юқорида ёзганимиздек, Юлий Цезар ҳам сафар вақтларида ўз аскарлари орасида бўлган, улар билан бирга ётган ва овқатланган. Аммо у шахсий мақсад учун - аскарлар ҳурматини қозониб, улар ёрдами билан ҳокимиятни эгаллаш учун шундай қилган. Шунинг учун ҳам унинг ёзишмаларида одамийлик ҳақида Бобирдаги каби сатрлар учрамайди.

Ўша кун кучли қор бўронида Бобир бир пана жойда ўзи қорни қовлаб бир киши сиққудек жой тайёрлайди ва шу ерда ўлтириб жон сақлайди. Ёғаётган қор хуфтон пайтигачаёқ Бобирнинг устини тўрт энлик қалинликда қоплаган эди. Ниҳоят, йигитлар яна бир ғор топганларини билдириб, уни чақирганларидан сўнггина кўнади ва чуқурликдан чиқиб, тунни кўпчилик билан ғорда ўтказди. Ўшанда Бобирнинг қулогини совуқ уриб кетган эди. Бир қанча йигитлар эса оёқ-қўлларини совуққа олдиришади ва юришга ярамай қолишади. Эргалаб яна йўл азоби. Яна қор суриб йўл очишлар, яна хавfli жарликлар. Аммо қор ва бўрон бироз пайсайдан эди.

Шу тарзда бир ҳафтадан сўнг кичиккина Ёқи Яланг водийсига чиқишади. Бу ердаги одамлар уларни кўриб ҳайратга тушадилар: Ёзда ҳам юриш мушкул бўлган шундай довондан қор кечиб ўтиш уларнинг тасаввурига асло сиғмасди. Гулханлар ёқилиб барча исинади, уст-бошлар қуритилиб ҳаммага овқат тарқатилади. Оту туяларга ем-хашак берилади.

Бобир ўз ҳаётида бу тоғ йўлларида учраганидек азоб ва қийинчиликларни ва бундай қаттиқ совуқни ҳеч қачон кўрмаганини ёзади. Бу ерда унинг камдан-кам учрайдиган сабр-тоқатли, ўз ишига қаттиқ ишонган, чидамли бўлиши билан бирга нақадар иймони мустаҳкам мусулмони комил инсон эканини яна бир кар-

ра таъкидлаб ўтмоқ лозим. Хавфли тоғ йўли, отнинг қорнига тегадиган қор, чидаб бўлмас совуқ қор бўрони... Шундай кунларда бу табиий қийинчиликлар етмаганидек хазорий қабилаларининг уларга ҳужуми, ўлим билан олишув... Бобир фақат яратганга таваккал қилади, унга бутун вужуди билан ишонади. Ҳундай хавфли кунлари ўлимдан қутилиб қолгани учун ушбу дуони ўқийди: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳим, сен менинг парвардигоримсан. Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сенга таваккал этдим. Аллоҳ нимани хоҳласа ўша бўлур ва нима ви хоҳламаса ҳеч нима бўлмас... Шунга билганим, Аллоҳ ҳар нарсага қодир... Аллоҳим, ҳақиқатан ҳам мен ўзимнинг ёмонликларимдан, барча ёмонликлардан (сақланиш учун) ўзингга талпианман, зеро, сен ёвузликларни қайтарувчисан. Ҳақиқатан ҳам сен буюк аршнинг парвардигоридурсан».

Шундай қилиб, не-не азоблар ва қийинчиликларни енгиб, рамазондан сўнг, ҳайит намозини ҳам йўлда ўқишиб, 1507 йилнинг тахминан феврал ойларида эсон-омон Қобулга кириб келишпади ва Бобир фитначиларни тутиб жазосини беради. Маълум бўладики, Бобирга қарши фитначилар бошлиғи Муҳаммад Ҳусайн Мирзо (холаси Меҳр Нигорхонининг эри), яъни ўз поччаси экан. Хуросон сафари олдида Бобир уни вақтинча Қобул ҳокими этиб тайинлаб кетган эди. Бобир Ҳиротдан қайтишда қорли довондан ошиш пайтида алоқа узилиб қолган, ўртада гўё «Ҳиротда Бобир қўлга олинган, қутулиши амри маҳол» - деган хабар тарқалган ва Қобул ҳокимиятини эгаллаш учун исён бошланган. Исёнда Бобир тоғларининг онаси (яъни Юнусхоннинг катта хотини) Шоҳ Бегимнинг ҳам қўли борлиги маълум бўлди.

Мана, Бобир яна Қобулда, ўгай бўлса ҳам Ёлоҳ Бегим Бобирга катта она-да, шунинг учун кампирни хижонат қилмади. Одамийлик жиҳатидан фитначиларнинг бошлиқларини ҳам («бири қош, бири кўз» дегандек) афв этиб, Хуросонга жўнатиб юборди. Атроф вилоят ва афғон аймоқларига мактуб ёзиб ҳокимиятга қайтгани ҳақида хабар тарқатади ва шу тарзда юртда тинчлик-осойишталик ўрнатади.

Бобир ўзига қарши кўтарилган хуфя исён бошлиқларидан ўч олмасдан гуноҳларини кечиргани учун уни «ҳамияти йўқ», «ғу-

<sup>1</sup> Бобир хогироти ( Бобирнома) Туркча нашри, 11-жилд. Анқара, 1887, 219-бет («Бобирнома»нинг 1960 йилги ўзбекча нашрида дуонинг фақат араб-часи берилган 262-бет)

рурсиз» ёки «қўрқоқ киши» деб хулоса қилмаслигимиз керак, - деб огоҳлантиради англиз олими Уильям Эрскин. Олим мутлақо тўғри хулоса қилган. Гарчи ўтган асрда айtilган бўлса ҳам, бу одилона гапга биз ҳам қўшилаемиз. Бобирнинг кечиримлилиги инсонга меҳрибонлигидан, олижаноб фазилат соҳиби ва буюк қалб эгаси эканидан далолатдир.

Бу орада Шайбонийхон лашкарлари Хуросон юраги бўлмиш Ҳиротни ҳам эгаллагач, энди атроф вилоятларига ҳужум қилаётган эди. Гарчи Бобир қисқа муддатда Қандаҳорни эгаллаган бўлса, тезда яна қўлдан чиқаради: У Қобулга қайтиши биланоқ Шайбонийхон Қандаҳорга ҳужум қилиб, қайтариб олади. Бобир ўз ихтиёридаги бор қўшини билан Шайбонийга қарши юриб кучли душман устидан ғалаба қилиши, ҳатто Қобулни сақлаб қолиши мушкул эди. Шунинг учун у қаердандир мадад олиши керак, энди теурийзодалардан умид йўқ. Беклари билан бу масалада машварат ўтказиб, мададни аввалига Ҳиндистондан олишга қарор қилади. Шу ниятда Бобир ўз одамлари билан Ҳиндистон томон йўлга чиқади. Бироқ йўлда қароқчи афғон қабилалари ҳужумига дуч келадилар. Анча ташвишли жанглардан сўнг улар устидан ғолиб келишиб, ниҳоят Одинапур (ҳозирги Жалолобод) қалъасига етиб келганларида, айtilганидек, Шайбоний Қандаҳорни эгаллаганидан хабар топиб, Бобир дарҳол Қобулга қайтади ва ғанимнинг бўлғуси ҳужумини кутиб, шаҳар қалъасини мустаҳкамлайди.

Теурий авлодларидан кўзга кўринган биронта мадад берувчи шахс қолмаган эди. Хуросон эгаллангач, барчаси маҳв этилиб, ҳатто Бадиуззамон ҳам Эронга қочиб кетган эди (кейинча у Истамбулда ўлиб кетади). Бинобарин, Шайбонийга бас келадиган биттагина Бобир қолган эди холос. Шу сабабдан бўлса керак, Бобир биринчи марта «Подшоҳ» унвонини олади.

Бобир Қобул подшоҳи сифатида Шайбонийхонга қарши туриш, бунинг учун ўз лашкарларини тартиб-интизомга келтириш чораларини кўради. Унинг қўшинида аллақачон маҳв этилган Хисравшоҳдан қолган мўғул лашкарлари кўпчиликини ташкил қиларди (уч мингдан өртик). Бобир изнига ўтган бу мўғуллар қароқчилиги-у турли бебошлиқдан иборат ҳаёт тарзига ўрганиб

---

<sup>1</sup> Шу давргача улуғ Соҳибқирон Амир Теуур авлодлари «Мирзо» унвонинда юришар эди.

қолганлари учун подшоҳ (Бобир) уларни қаттиқ интизомга ўргатади, бебошлиklarини чеклаб қўяди. Мўғулларнинг бебош бошлиқлари эса Бобир ўрнатган интизомдан хуфя тарзда норози эдилар. Ниҳоят, бир куни подшоҳ шаҳар ташқарисидаги чорбоғидан қайтаётганида мўғуллар уни қўлга олмоқчи бўлиб исён кўтардилар ва йўлини тўсиб чиқадилар. Бобир ҳушёрлик қилиб, дарҳол шаҳарга чекинади (у билан бирга аскар йўқ эди). Фитна тезда бостирилмаса, мўғуллар Абдураззоқ деганни Бобир ўрнига хон қилиб кўтаришлари мумкин эди. Бобир дарҳол навкарларини чақириб, уларга қарши очиқчасига қиличбозлик жангига киришади. Подшоҳнинг ширжоатли саркарда, эпчил қиличбоз ва бақувват йигит бўлиб етишгани бу яккама-якка олишувиди ҳам намоён бўлади. Бобирнинг битта ўзи қиличбозлик жангида бешта мўғулни ер тишлатади.

Шу тарзда бебош мўғуллар исёни бостирилиб, Бобир подшоҳнинг 14 тумандан иборат Қобулдаги икки йиллик тинч, осуда ҳаёти бошланади. Шу икки йил ичида у бир неча фарзандли бўлади. Жумладан, 1508 йил 7 мартада (ҳижрий 914 йил зулқаъда ойининг 4 куни) катта ўғли Ҳумоюн Мирзо дунёга келади. Бобир Қобулда бир неча фарзандли бўлганини Гулбадан Бегим «Қобулнинг олиннишини худо муборак этди»- деб таърифлайди.<sup>1</sup> Ҳумоюн таваллудидан бирон ҳафта ўтгач, унга атаб шоҳона тўй ўтказилади.

---

<sup>1</sup> Гулбадан Бегим ёзишича, Ҳумоюн Мирзо туғилганидан бошлаб, Бобир ўзини подшоҳ аташга булорган.

## БОБИР ДИПЛОМАТИЯСИ

Гарчи биз бу асарда бобиршуносликда чуқур илмий тадқиқот қилмай, фақат Юлий Цезар ва Бобирнинг қиёсий ҳаётномаларини ёритаётган бўлсак ҳам шу чоққача бобиршуносликда бир муҳим масалага жиддий эътибор берилмай келинаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. У ҳам бўлса, Бобирни Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан бўлган дипломатик муносабати масаласидир.

Тарихдан маълумки, Бобир сўнгги марта Мовароуннаҳрда Самарқандга ҳужум қилиб, уни эгаллаганида (кейинги мавзумиз шу ҳақда), Эрон шоҳининг қўшинлари («қизилбошлар») жиддий ёрдам берган эди. Аммо бу ёрдам тафсилоти ҳанузгача тарихимизда кенг ёритилмай келинмоқда. Ваҳоланки, Бобирнинг учинчи марта ота юрти Самарқандни эгаллаганига ҳам, бу ерда саккиз ой ҳукмронлик қилгач, уни ташлаб чиқиб кетишига ҳам бош сабаб - унинг шоҳ Исмоил билан бўлган алоқаси, яъни ҳозирги замон атамасида айтилганда, Бобир дипломатияси эди.

Гулбадан Бегимнинг «Ҳумоюннома» эсдаликларида шундай сатрлар бор: «Подшоҳ ҳазратларн (яъни Бобир) Шоҳ Исмоилнинг ёрдами билан Самарқандни қўлга киритдилар ва саккиз ой давомида бутун Мовароуннаҳр у кишининг ҳукмронликлари остида бўлди». Бу ерда Бобирнинг Эрон шоҳи билан алоқаси ва «қизилбошлар» ёрдами ҳақида гап кетаётир. Аммо Гулбадан Бегим бу ҳақда очиқ ёзмайди. Бу мавзу олима С.Азимжонова монографиясига ҳам фақат устози И.П. Петрушевский тавсияси билан киритилган эди. Аммо олима қарашлари ҳам камчиликлардан холи эмас. Бобирнинг Эрон шоҳи ёрдами билан Самарқандга юриши масаласи яхши ўрганилмаганини С. Азимжонованинг ўзи ҳам таъкидлайди.

Шайбонийхон бутун Мовароуннаҳрда ва Хуросонда теурийлар ва теурийзодалар ҳукмронлиги ўрнига ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, катта бир давлатга асос солган бўлса, бу даврда Эронда ҳам янги Сафавийлар сулоласи бошлиқ кучли давлат ташкил топган эди. Унинг асосчиси Исмоил Ардабил шаҳридаги Сафидудин Исҳоқ бошлиқ сўфийлар оиласидан бўлиб, ўшанинг номидаги «Сафавия» диний дарвишлик ташкилотига мансуб эди. У

<sup>1</sup> Қаранг: С. Азимжонова кўрс. асар VII боб: Дипломатические отношения Бабура с Шахом Исмаилом Сефевии и их совместный поход в Мавераннахр., 85-98-бетлар.

сиёсий майдонга чиққач, янги сулола ҳам «Сафавий» номини олди. «Сафавия» шайхлари ислом динининг шиа мазҳаби ҳимоячиларни бўлиб, унга мансуб кишилар бошларига 12 та шиа имоми шаънига 12 марта ўралган қизил ҳошниялик салла кийиб юришарди. Кейинча Исмоил ўзини Эрон шоҳи деб эълон қилгач (1501 й), шиа мазҳаби давлат дини бўлиб қолади, армиясида ҳам ўшандай қизил ҳошнияли салла ўрашни одат қилди ва шу сабабдан тарихда улар «қизил бошлар» деб аталиб кетди. «Қизилбошлар» табиатан ўта жангари бўлиб, диний жиҳатдан ҳам фақат «Сафавия» шайхларининг низомига бўйсунар, фақат мазҳабини ҳимоя қилар эдилар. Улар Шоҳ Исмоил бошчилигида жангларда голиб чиқиб, бутун Фарбий Эронни бўйсундирдилар ва Исмоил ўзини шаҳаншоҳ деб эълон қилди.

Шу тарзда икки йirik давлат - Шайбонийлар давлати ва шарқ тарафи Хуросонга, ғарб тарафи усмонли турклар салтанатига туташган Сафавийлар давлати бир-бирига қўшни бўлиб қолишган эди. Аммо ўртада тинч қўшничилик йўқ, сиёсий мақсадларга диний тус берилган эди. Шиа мазҳаби Сафавийларнинг давлат дини деб эълон қилинган, уни ҳимоя қилиш учун қурбон бўлишга ҳам тайёр эдилар. Шайбонийхон давлати эса ҳанафий мазҳабида бўлиб, шиа душманлари сифатида бутунлай унга қарши эдилар.

Шоҳ Исмоил Шайбонийхонга қарши айрим темурийзодаларни қўллаб-қувватлашдан иборат дипломатик ўйинни ҳам ишлатади. Шу жиҳатдан у Шайбонийнинг кўзга кўринган асосий рақибни бўлмиш Бобирга яқинлик қилади. Шоҳ Исмоил ҳам Бобир каби шоир эди - Хатойи тахаллусида шеърлар ёзарди (Бобирдан 4 ёш кичик эди).

Ўша давр (XVI аср бошлари) тарихида қуйидаги қизиқ ҳолат кўзга ташланади: аслида Шайбонийхон, Хусайн Бойқаро ва Исмоил учта улугъ шахс - ҳам қудратли давлат бошлиқлари, ҳам шоирлар эди. Ёши жиҳатдан кексаси Султон Хусайн эди. Афсуски, унинг вафоти бевақт бўлди. Йўқса, темурийлар сулоласининг умри Хуросонда узунроқ бўлармиди? Тўртинчи буюк шахс сифатида тарих саҳнасига улар билан бир қаторда Бобир чиқаётганига давр ҳозирча эътибор бермаётган эди.

---

<sup>1</sup> Шайбоний ва Сафавий давлатлари ўртасида кураш аслида диний-сиёсий курашлар бўлибгина қолмай, босқинчилик мақсадидаги урушларни келтириб чиқарган.

Шайбонийхон ҳам, Исмоил шоҳ ҳам ўзларини ислом дини ҳимоячилари деб билардилар. Исмоил масжидларда 12 та имом номларини хутбага қўшиб ўқитарди. Шайбонийхон бунга тиш тирноғи билан қарши эди, буни ман қилишни сўраб шоҳга хатлар ёзган эди. Бир сафарги хатида у шоҳ Исмоилга Маккага - Каъбага бориб тавоф қилишни ва ундан (Шайбонийдан) келиб узр сўрашни талаб қилади.<sup>1</sup> Шоҳ Исмоил хатни ўқиб совуққонлик билан жавобсиз қолдиради. Холислик билан айтиш керакки, Шоҳ Исмоил ўзаро уруш қилмаслик ҳақида Шайбонийга элчи ҳам юборади. Аммо Шайбоний дўқ-пўписа билан жавоб қилади, элчига кашкул ва ҳасса бериб (Сафавий дарвишларининг рамзий белгиси), қуйидаги хатни ҳам қўшиб қайтаради: «Бу ҳадыларни қабул эт, улар сенинг отангдан қолган мерос аломатларидир... Агар сен ўзингнинг тиланчилик меросингдан рози бўлмасанг, ўзингдан ўпкала ё ота-боболаринг бўлган аҳли сунна вал-жамоъа шеvasини қабул эт ёки урушга шайлан...»

Шайбонийнинг бу хати ва «инъоми» Исмоил Шоҳнинг иззат-нафсига тегади ва унга қарши «қизилбошлар» қўшини билан юриш бошлайди. Тасодифи қарангки, бу юриш Шайбоний қўшинларида бўлган ноқулай шароитга тўғри келган эди: галабалардан чарчаган лашкарларининг бир қисми уйларига тарқалган, бир қисми эса Марвга чекиниб турган вақти эди. Шайбоний атрофдаги ўз авлодларига зудлик билан ёрдам юборишни сўраб хабарчилар жўнатади. Бунинг устига Шайбонийхон тажрибали қўмондон шаънига мос келмайдиган хатога йўл қўяди: мадад кучлари келмай туриб, бор-йўғи бир неча минг аскар билан жангга киришади. Марв атрофидаги даштда шиддатли жанг бўлиб, ўзбек қўшинлари шаҳар қалъасига чекинади. Шаҳарни қамал қилган Исмоил Шоҳ Шайбонийхонни қалъа ташқарисига чиқариш учун ҳийла ишлатади. Шайбоний у билан учрашувдан бош торгани учун «Шоҳ қайтиб кетаётгани» ҳақида Марв қалъасига хат киритиб, ўз аскарларини гўё «чекинтиради». Шайбоний аскарлари бунга ишониб, қалъадан чиқади ва уларнинг кетидан қувади. 24 км. қувиб, Мурғоб дарёсидан ўтганларида, пистирмада ётган эронийлар «ўприкни бузиб юборадилар. Шайбоний қўшинлари гўё қопқонга илинадилар, орқага энди йўл йўқ, улар дарҳол қуршаб олинади. Ҳал қилувчи жангда Шайбоний қўшинлари мажақланиб ташланади ва ўзи ҳам ўлади. 24 ёшли Ис-

<sup>1</sup> Шундай хатлардан бирини Херман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китобидан келтирган. Тошкент, 1990, 89-бет.

моил Шоҳ 61 ёшли Шайбонийхон жасадини топтириб келиб, калласини танасидан жудо қилади.

Бу аламли мағлубият ҳижрий 916 йил шаъбон ойининг охириги кунда, яъни милодий 1510 йил 4 феврал кун Шайбонийхон ўлими билан яқунланади. Шоирлардан бири унинг ўлими тарихини «кулоҳи сурх» (қизил кулоҳ) калимасига яширган. (Абжад ҳисобида ушбу сўз ҳарфларининг қиммати жамланса 916 рақами чиқади).

Шундай қилиб, Ҳусайн Бойқаро ўлиmidан сўнг XVI аср бошларида, айтиш мумкинки, бутун Ўрта Шарққа машҳур бўлган икки йирик шахснинг бири иккинчисининг қўлида ҳалок бўлади ва Бобир бошига кўп мусибатлар ёғдирган Шайбонийхоннинг умри шундай тугайди. Бу олишув бир томондан Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкаларида ҳукмронлик қилиш учун бўлган сиёсий кураш бўлса, иккинчи томондан шиа ва сунний мазҳаблари ўртасида неча асрлардан буён давом этиб келаётган тарихий тўқнашувларнинг яна бир намоёйиши эди.

<sup>1</sup> Чиндан ҳам Шайбоний-Шоҳ Исмоил тўқнашувларининг ҳал қилувчи эпизоди мазҳабчилик курашининг яққол кўриниши эди. Мана, Исмоил шоҳнинг ғазабининг буйруғи билан Шайбонийхон калласининг терисини пишиб олиб ичига сомон тикадилар ва рақиб турк султони Боязид II га жўнатади, чунки у ҳам сунний мазҳабида эди. Бу билан - ўйлаб иш кўрмасанг, сеяи ҳам шу кўйга соламан - демоқчи. Шайбонийнинг тозалаб олинган бош суягига олгин қоплатиб, шароб коса ясаптиради. Араб тарихчиси Ибн Илётнинг ёзишича, ушбу қадаҳ гардишига Исмоил Сафавий куйидаги мазмунда арабча ғазал биттиради

«Қилич ва ханжар бизнинг ҳидимиз,  
Туф бўлсин наргис ва сунбуларингга.  
Душман қони ичкилигимиз,  
Айлансин бош суяк қадаҳимизга».

Бир қанча муддат ўзи унда шароб ичиб, сўнг суяк қадаҳни Миср Султонига юборган. Чунки у ҳам сунний мазҳабида эди. Султон бундан ғазабланиб қадаҳни тантанали маросим билан кўмдиради ва 200 тача Миср шоирларини тўплаб, Исмоил Сафавийга ёдирган шеърга жавоб шеърлари ёзишга топширади. Шулардан энг машҳури Миср шоири Насириддин Тахлон деганининг куйидаги мазмундаги тўртлигидир:

«Гар ҳидлаб юрсанг хушбўй нарсаларни,  
Гар кўпайтирсанг бу қўрқувларни,  
Жангда душманни ўлдириш шаън-шарафдир,  
Бироқ итлар ялайди бош суяктарни».

(Шеърларни арабчадан илтимосимизга кўра арабшунос Шокирхон Шодмонқори ўғли таржима қилгани учун у кишига миннатдорлик билдирамиз).

Шайбонийхон тор-мор келтирилгани ҳақидаги хабар Хуросон вилоятидаги ўзбек султонларини жиддий ташвишга солиши табиий эди. Улардан кўпчилиги Амударёнинг Мовароуннаҳр томонига кўчиб ўта бошлайдилар. Исмоил шоҳнинг Темур султон билан алоқа ўрнатишга бўлган уриниши бекор кетгач, у Бадахшон ҳокими, темурийзода (Бобирнинг амакиваччаси) Мирзахонни ўзбек султонларига қарши қайраб хат ёзади ва унга ҳарбий ёрдам ваъда қилади. Мирзахон бундан илҳомланиб, дарҳол Бадахшондан Қундузга юрар экан, Қобулга, Бобир номига хат ёзиб, ўз қўшини билан тезда етиб келишни таклиф қилади. Бу - шайбонийларга қарши курашда Бобир учун айна қулай шароит эди. У дарҳол йўлга отланиб, қаттиқ қиш бўлишига қарамай, 1512 йил январда Қундузга кириб келади, Мирзахон уни хурсандчилик билан қарши олади. Икковлон ҳужум бошлаб, ўзбек хонлари Ҳамза Султон ва Маҳди Султонлар мулки - Қундуз ва Ҳисорни эгаллайдилар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Шоҳ Исмоил Сафавий Шайбонийхонга қарши курашда қўлидан бирон иш келадиган темурийзодаларга дипломатия учун бўлса ҳам ёрдам бериш иштиёқида эди. У шайбонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳозирги асосий рақиби Бобир эканини яхши биларди. Шунинг учун ҳам, таъкидланганидек, Исмоилшоҳнинг унга ичидан хайрхоҳлиги бор эди. Марв жангидаги ғалабада Шайбонийхоннинг оиласи, жумладан Бобирнинг опаси Хонзода Бегим ҳам душман қўлига асир тушганди. Аёл Бобирнинг опаси эканини аниқлаб, Исмоил шоҳ уни иззат-икром билан совғалар бериб, укаси ёнига Қундузга жўнатиб юборди. Опа-уканинг кўришмаганларига ўн йил бўлган эди. Опасининг истиқболига чиқиб кутиб олган Бобир Хонзода-бегимни аранг танийди.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Исмоил Сафавий Бобир подшоҳга Хонзода Бегимдан хат ҳам бериб юборган ва хатда шайбонийларга қарши курашга чақириб, унга «турли ваъдалар» берган. Бироқ бу ваъдалар нимадан иборатлигини «Тарихи Рашидий» муаллифи аниқ ёзмайди. Қимматли манба - «Абдуллонома» асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзи-

шича, Исмоил Сафавий хати келишув ва ҳамкорликни ўз ичига олган...

Бизнингча, Бобир Шоҳ Исмоилнинг мактубини олгач, унда Эрон шоҳи билан умумганимга қарши биргаликда курашиш учун ўзаро алоқа ўрнатиш фикри кучаяди. Албатта, бу фикр Бобир подшоҳнинг Мовароуннаҳрни қайта эгаллаш ва ота-она юртига қайтишдан иборат бош мақсадига айна мос келарди. Шайбонийхоннинг асосий мухолифи бўлмиш Исмоил Сафавий ўз душманидан ғолиб келиб, яна Бобирга ёрдам қўлини чўзиб турган бўлса-ю, бош мақсад йўлида нега унинг ёрдамидан фойдаланмаслик керак? Бу қулай шароитни асло қўлдан бермаслик керак. Бобир шуларни мулоҳаза қилиб, шоҳ хатига жавобан миннатдорчилик хати битиб, қимматбаҳо совғалар билан Мирзохонни элчиликка юборади.

Бу ерда Бобир дипломатиясига дахлдор яна бир муҳим масала устида ҳам тўхталмоқ керак. Гап, Бобирнинг Исмоил Шоҳга элчи юборар экан, ўртада қандай шартлар қўйилгани ҳақидадир.

Дарҳақиқат, Шайбонийхонга қарши курашда улар бир иттифоққа бирлашар эканлар, ўртага қандай шартлар қўйилган, яъни Исмоил Шоҳнинг шарти нимадан иборат эди-ю, Бобир бу шартга қандай муносабат билдирди? Мана шу масала, бизнингча, муаммолигича қолиб келмоқда. Биз масалани шу тартибда кўяр эканмиз, албатта, ҳозирги замон дипломатияси талабларидан келиб чиқяпмиз. Ўтмишда эса, хусусан ислом мамлакатларида шартнома тузишлар, имзо чекишлар ва ратификация қилишлар ҳозиргидек мураккаб эмас эди.

Юқорида баён этилган воқеалар тафсилотидан биламизки, Бобир ва Шоҳ Исмоил ўртасида иттифоқ тузиш ташаббуси Эрон шоҳидан чиққан эди. Буни олима С. Азимжонова ҳам тасдиқлайди.<sup>2</sup> Бироқ Шоҳ Исмоил Хонзодабегим билан қўшиб юборган дастлабки хатига жавобан, Бобир Эронга элчи юборар экан, олиманинг «Тарихи Мунтазими Носирий» номли маъбадан иқтибос келтириб ёзишича, Бобир «Агар Шоҳ ёрдами билан Са-

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома, 1-жилд, Тошкент, «Фан», 1966, 108-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: С. Азимжонова, кўрс. асариг, 89-90-бетлар.

марқандни эгалласа, у ҳолда шоҳ номига хутба ўқитилади ва танга пуллар зарб қилинади», - деб Исмоил Шоҳга сўз берган.<sup>1</sup> А.А.Семёновнинг XVII асрда ёзилган манба «Баҳрул асрор»га суяниб ёзишча эса, ҳатто Бобир шиалик мазҳабини қабул қилишга ва «шиизмни ўз мулкида давлат дини деб эълон қилишга тайёр эканини изҳор қилган».<sup>2</sup>

Фикримизча, бу ерда бир қатор англашилмовчиликлар мавжуд. Биринчи англашилмовчилик - олима С. Азимжонова ўз асарининг манбалари ва илмий адабиётлари ҳақидаги бобида Бобирнинг Эрон Шоҳи билан дипломатик алоқалари масаласида Исмоил Шоҳнинг сарой тарихчиси бўлмиш Искандар Муншийнинг «Тарихи олам оройи Аббосий» асари (Теҳрон 1896 й) алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди-ю, бироқ китобининг Бобир-Исмоил Шоҳ муносабатларига бағишланган бобида ушбу асарни тилга олмайди. Ва аксинча, ушбу бобда иқтибос келтирилган асар «Тарихи Мунтазими Носирий» эса С. Азимжонова тадқиқотининг манбаларига бағишланган бобида умуман тилга олинмаган, ваҳоланки, Бобир дипломатияси ҳақидаги бобда муаллиф ушбу асарга суянган. Ахир Бобирнинг Исмоил шоҳга берган ваъдаси, мантиқан қараганда, Эрон шоҳининг сарой тарихчиси асарида келтирилиши керак эди. Чунки Бобир ваъдаси Эрон шоҳининг айти муддаоси-ку! С.Азимжонова сарой тарихчиси асаридан маълумот келтирмаслиги ажабланоқлидир. У ҳолда савол туғилади: «Тарихи Мунтазими Носирий» ишончли манбамикан? Бунинг устига, унинг ёзилган даври ҳижрий 1298 йил деб кўрсатилган (яъни милодий 1875 йил). Демак, Исмоил Шоҳнинг сарой тарихчиси тилга олинмаган Бобир ваъдаси (яъни Самарқанд олинганда Эрон шоҳи номига хутба ўқитиш ва танга пул зарб қилиш) шубҳа остига олинмоғи лозим, зеро XVI аср бошидаги воқеа ҳақида XIX аср иккинчи ярмида ёзилган асардаги маълумот ишонарли бўлмайди. Ҳатто А.А. Семёнов ҳам Маҳмуд Ибн Валининг «Баҳрул Асрор» асаридан

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 91-бет

<sup>2</sup> А.А. Семёнов, Первые Шейбаниды и борьба за Мавераннахр. Труды АН. Тадж. ССР, т. XII, 1954, стр.116.

Бобир ваъдаси ҳақида иқтибос келтирар экан, воқеалардан юз йил кейин ёзилган бу асарга ҳам шубҳа билан қарайди.<sup>1</sup>

Иккинчи англашилмовчилик, ишончли манба бўлмиш «Абдуллонома» асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам Бобирнинг Эрон шоҳига берган ваъдасини тилга олмаганлигидир. Бобирнинг Исмоил Шоҳга юборган элчиси ҳақида бу муаллиф қуйидагича ёзади: «Бобир Шоҳ (Исмоил) ёрдамига ишониб, ўз амакиваччаси Хонмирзо Ибн Султон Маҳмуд Мирзони (яъни Бобир амакисининг ўғли - С.Ж.) Шоҳ ҳузурига юборади. У билан хайрхоҳлик ва итоаткорликни ифодаловчи ариза ҳам юбориб ёрдам сўради. (Шоҳ Исмоил) подшоҳнинг (Бобирнинг) илтимосини ортиғи билан бажо келтириб... беҳисоб халқни (яъни «қизилбош» лашкарларни - С.Ж.) Хонмирзога ҳамроҳ қилди».<sup>2</sup> Кўриниб турибдики, XIX аср манбадан олиб келтирилган Бобир ваъдаси (яъни Шоҳ номини хутбага қўшиб ўқитиш ва пул зарб қилдириш) бу муҳим манбада ёзилмаган. Шунинг учун Бобир чиндан ҳам Эрон шоҳига шундай ваъда берганмикин?-деган савол туғилади. А. Семёновдек йирик тадқиқотчи ҳам XVII асрда ёзилган «Баҳр-ул Асрор»га суяниб, Бобир ваъдасини келтирар экан, уни унчалик ишончли манба эмас, деб таъкидлаганди. У ҳолда биз қўйган ушбу савол янада аҳамиятли бўлиб қолади. Бобирнинг шоҳга юборган хати мазмунини талқин қилишда ҳам бизнингча, сохталик бор. Гап шундаки, олима С. Азимжонова Бобир «Исмоил Шоҳга бўйсунишга тайёр»<sup>3</sup> эканини билдиради, деб ёзади. Фикримизча, масалага бундай ёндашиш Бобир маънавиятига жаброна ёндашишдир. Бобир ўз хатида хайрихоҳлик билдирар экан, Исмоилнинг шоҳлиги туфайли унга шарқона одоб юзасидан итоаткорлик ифода қилган кўринади. Одоб маъносидаги итоаткорликни, бизнингча, сиёсий маънодаги «бўйсуниш» деб тунмаслик, керак. «Абдуллонома»даги «итоаткорлик» калимаси маъносига Бобирнинг исломий эътиқоди жиҳатидан ёндашилганда мана шундай хулоса англашилади.

<sup>1</sup> А. Семёнов, кўрс. асар. 113-бет.

<sup>2</sup> «Абдуллонома», 108-бет

<sup>3</sup> «Изъявил готовность подчиняться шаху». Қаранг: С. Азимжонова, кўрс. асар, 87-бет.

Учинчи англашилмовчилик - Исмоил Шоҳнинг Бобирга ёзган дастлабки хатига унинг олдида ўшандай шартни қўймаганидир. Кейинги воқеалардан маълумки, Исмоил Шоҳ Сафавий Шайбонийхон вафотидан сўнг ўзбеклар тахтига ўтирган Суюнчихон орқали шайбонийлар билан алоқа ўрнатилган учун Самарқандга элчи юборганда, Суюнчихон ғазабланиб, элчини қувиб солади ва ҳатто ўзи Эронга қарши юришга қозирлик кўради. Мана шундай ҳарбий-сиёсий шароитда ўзбек хони муомаласидан ғазабга келган Исмоил Сафавий, гарчи Бобир ҳеч қандай ваъда бермаган бўлса ҳам, у билан яқинлашар эди, деган мантиқий хулосага келиш мумкин.

Лекин, гарчи С. Азимжонов суянган манба шубҳа остига олинган тақдирда ҳам йирик манбапунос олим А.А. Семёнов асарида кўрсатилишича, юқорида айтилганидек, Бобир гўё шиаликка ўтишга ваъда берган. Ваҳоланки, «Абдуллонома»нинг 1-жилдини нашрга тайёрловчилар ҳам ( масъул муҳаррир акад. Я. Фуломов) бу ҳақда аниқ фикр билдиришмайди ва фақат А.Семёновга ишора қилишади<sup>1</sup>.

Биз ҳам бу ҳақда сўз юритар эканмиз, В.В. Бартольднинг соддиқ шоғирдларидан бўлмиш бу туркистоншунос олим фикрини ҳам эътиборга олган ҳолда ўз мулоҳазамизни билдираемиз.

Воқеаларнинг кечишидан шундай хулоса чиқадики, биринчидан, Бобир билан ҳамкорлик қилиш ташаббуси Исмоил Сафавийдан чиққан бўлса, иккинчидан, «Тарихи Рашидий»да ёзилганидек, Исмоил Сафавий «турли ваъдалар» берган бўлса, учинчидан, Суюнчихон Исмоил Шоҳ элчисини Самарқанддан ҳақоратлаб жўнатган бўлса - буларнинг барчаси Бобирнинг Эрон шоҳи олдида олган «мажбурияти»ни мантиқан йўққа чиқариши керак ва, аксинча, Бобир олдида шоҳ мажбурият оладиган шароитни кўраемиз.

Шундай қилиб, бош мавзумиз - Исмоил Шоҳ Бобир элчисини қабул қилиб, «қизилбош» қўшинларини ёрдамга юборди. Бобир мана шу ёрдамга суяниб, ҳужумга ўтади. «Пули Сангин» кўпригидаги жангда ўзбек султонлари Ҳамза ва Маҳдийлар устидан ғалаба қилади. «Абдуллонома» муаллифининг ифо-

<sup>1</sup> Қаранг: «Абдуллонома», 339-бет, 274-изоҳ.

даси билан айтганда «Бобир бу ғалабаси билан ўзининг муборакбод овозасини кўк гумбазига отди»<sup>1</sup>. Шу жангдан сўнг Бобир Қундуз ва Ҳисорни эгаллайди. Бу орада Фарғона вилоятида ҳам шайбонийлар ҳукмронлигининг барҳам топгани ва халқ Бобирни кутаётганлиги ҳақида хурсандчилик хабари келади. Косон, Ўш, Марғилон, Андижон ва атрофларда Бобир тарафдорлари кўпаяди. Бобир бу янгиликдан беҳад мамнун: демак, она юртда ҳам ишончли суянчиқ пайдо бўлибди.

Мана энди Самарқандга ҳужум қилса ғалаба қилишига Бобирнинг ишончи комил, барча дарбадарликлар, ҳижрон онлари орқада қолади, Ватан унинг қўлида бўлади.

Бобир мана шу хаёл билан ҳужумни давом эттириб, аввалига Бухорони эгаллайди. Манбашунос олим А. Семёнов «Зубдат ул-осор» номли асарга суяниб Бобирнинг қилган ишлари ҳақида ёзар экан, У Бухорони эгаллагач, гўё ёшлик гурури ғолиб келди, деб уни танқид қилмоқчи бўлади. А. Семёновнинг ёзишича, Бухоронинг осон қўлга киритилиши ва халқнинг бутун шайбонийларга қарши қўзғолони ёш Бобирнинг бошини айлантириб қўйган ва уни мағрурлантриб юборган эмиш. Шунинг учун у ортиқча тантаналар-у, зиёфатларга берилиб кетган, деб ёзади А. Семёнов.

«Зубдат ул-осор» ҳақида шуни айтмоқ лозимки, унинг муаллифи Шайбонийхонда хизмат қилган шахс бўлиб, асар воқеалардан бир қанча муддат ўтгач Шайбонийхоннинг укаси Суюнч-хўжахон ўғли Муҳаммад Султон топшириғи билан ёзилган. Шунанг учун асарда охир-оқибатда ғолиб келган шайбоний султонларининг хоҳиш-истаклари акс эттирилган ва Бобир фаолиятининг камчиликларига ишора қилиб, кўпроқ уни айблашга қаратилган. Бинобарин, ушбу манба асосида воқеаларга ёндашиш бир томонлама хулосага олиб келиши мумкин. Ҳар қандай ғолиб ҳам, жумладан ёш Бобир ҳам, ғалаба тантанасини ўтказиши мумкин, бунга ҳолисона ёндашиш лозим.

Бобир Бухорони эгаллаганда барча ўзбек қўшинлари Туркистонга чекинадилар. Ушбу воқеалар иштрокчиси Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, Бобир 917 йил ражаб ( 1511

---

<sup>1</sup> «Абдуллонома», 108-бет.

йил октябр) ойда Самарқандга тантана билан кириб келади.<sup>1</sup> Бобир Шоҳ Исмоилдан ёрдамга келган аскарларнинг бир қисмини қайтариб юборади. Бу ҳақда «Абдуллонома»да қуйидаги сатрларни ўқиймиз «Бобир подшоҳ... у ёмон тоифанинг (қизилбошларнинг) ёрдами билан ўзининг мерос бўлиб қолган мамлакатини истило қилди ва Самарқандни пойтахт қилди...».

«Тарихи Рашидий» муаллифининг ёзишича, нафақат Самарқанднинг, балки бутун Мовароуннаҳр шаҳарларининг аҳолиси - ҳоким табақаси-ю, фақирлари, ҳунарманди-ю, деҳқонлари Бобирнинг қайтиб келишидан беҳад хурсанд эдилар. Самарқанд аёнлари кўчага чиқиб кутиб олдилар. Одамлар бозорларни, кўчаларни, дўкону уй олдиларини чиройли мато ва расмлар билан байрамдагидек безадилар. Муаллиф Бобирнинг шаҳарга тантана билан кириб келишини ниҳоятда кўтаринки руҳ билан таърифлайди. Гўёки, олий мақом фаришталар: « (Бу ерга) Тинчлик билан соғ-омон киринглар» деб Қуръони Карим оятидан ўқиб Бобирни таклиф қилиб турилган. Одамлар эса яратганга ҳамдусанолар айтишиб турган. «(Бобир) Подшоҳ шаҳарга шундай дабдаба ва тантана билан кирдики, бунақасини ҳеч ким кўрган ҳам эмас»<sup>1</sup>. Бошқа манбаларда ҳам Самарқандга кириш тантанаси ана шундай кўтаринки руҳда баён қилинган.

Шундай қилиб, Бобир ўз ниятига етди - Ватан қайтадан қўлга кирди. Бироқ - буни Бобирнинг пок ниятига нисбатан афсуслик билан айтиш керак - кутилмаганда унинг эзгу ниятига ва азалий хоҳишига қарама-қарши воқеалар содир бўла бошлайди. Холис ниятли, ақли расо кишилардан ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ва мутлақо тушунмовчиликдан келиб чиққан воқеалар Бобир тақдирини ўзгартириб юборди. Воқеалар замирида эса диний мазҳабчилик муносабатлари ётар эди.

Тарихдан маълумки, ислом динининг шиа мазҳаби (Эрон томонлар) ва сунний мазҳаби (Мовароуннаҳр ва Хуросон томонлар) диний гоявий жиҳатдан ҳеч қачон бир-бирлари билан кели-

---

<sup>1</sup> Бобирнинг Самарқандга келиши «Абдуллонома»да 915 йил ражаб деб кўрсатилган, «Тарихи Рашидий»дагиси тўғри.

<sup>2</sup> Тарихи Рашидий, 323-бет.

шолган эмаслар.<sup>1</sup> Буни ислом динидан аллақачон саводи чиққан Бобир яхши биларди. Шоҳ Исмоил Сафавий тахтга ўтиргач, шиалик мазҳабини биринчи марта давлат дини деб эълон қилганидан унинг тарафдорлари ўн икки имомга эътиқод қилиб, улар хотирасига қизил ҳошияли саллаларини ўн икки марта ўраб юришларидан ҳам Бобир яхши хабардор.<sup>2</sup> Бутун Мовароуннаҳр, жумладан Самарқанд суннийлик мазҳабида экани «Бобирнома»да

---

<sup>1</sup> Ши ва сунний мазҳаблари ўртасидаги кураш, аслида пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан сўнг бошланиб, ҳозиргача давом этиб келади. Кураш заминиди «энди у жаноб тузган жамоани ким бошқаради-ю, ким халифа бўлади» - деган масала ётарди. Бир гуруҳ «Халифа қурайш қабиласидан (Расулulloҳ шу қабилага мансуб) бўлади» - деса, бошқа бир гуруҳ «Йўқ фақат Расулulloҳ оиласидан чиққанларгина халифа бўлади» - деб ўртада тортнишув бошланади. Биринчи гуруҳ қабила удуми суннатга биноан Расулulloҳга қабиладош ҳамда содиқ сафдоши Абубакр ҳазратларини мусулмонлар жамоасига бош бўлмоғини истаб, халифаликка сайлашни лозим кўради. Расулulloҳнинг ўзлари ҳам хасталик кунлари имомликка шу кексани тайинлаган эдилар. Аммо иккинчи гуруҳ пайгамбаримиз (с.а.в.) куёви ҳам амакиваччаси ҳазрати Али тарафдори эдилар. Қабилянинг муҳокама мажлисида қабилавий удум - сунна тарафдорлари голиб чиқади ва Абу Бакр Сиддиқ (яъни Расулulloҳ дўсти) халифаликка сайланади. Бу ҳазратдан сўнг ҳазрати Умар халифа бўлади. Бироқ уни иккинчи гуруҳ одамлари ўн йилдан сўнг бир эронийнинг қўли билан пичоқлатдилар. Шундан сўнг Расулulloҳ куёвларидан ё Ҳазрати Усмон ёки Ҳазрати Али халифа бўлиши лозим эди, қабила мажлисида биринчиси сайланади. Айнан ана шу кундан бошлаб мусулмонлар жамоаси иккига бўлиниб, ўн икки йилдан сўнг - 656 йили исён кўтарилади, халифа Усмон ўлдирилиб, Ҳазрати Али халифа деб эълон қилинади. Пойтахт Кўфага кўчирилади (Али тарафдорлари ўша шаҳарда кўплиги учун).

Аммо Ҳазрати Усмон тарафдорлари бари бир бўйсунмайди ва Шом вилояти ҳокими, қурайш қабиласига мансуб Муовия ўзини халифа деб эълон қилади. Ўртада бўлиб ўтган жанглардан сўнг 661 йили Алвани ўлдирадилар ва шундан бошлаб Муовия якка ҳукмрон бўлиб қолади (Умавийлар сулоласининг бошланиши). Аммо кураш бу билан ҳам тўхтамади. Али тарафдорлари унинг катта ўғли Ҳасанни, у ўлгандан сўнг эса кичик ўғли Ҳусайини халифаликка кўтардилар (669).

Мана шу воқеалардан бошлаб икки мазҳабга асос солинади, ва мана, неча асрлардирки, сунна-шиа келишмовчиликлари ҳамон давом этиб келмоқда (шиа - гуруҳ, тарафдор маъносиди, сунна - одат, анъана маъносиди). Кейинчалик шиалик алоҳида диний оқимга айланиб кетди. Шоҳ Исмоилдан бошлаб эса шиа мазҳаби Эронда давлат дини мақомини олди. Мутахассислар ҳисобида ҳозир жаҳон мусулмонларининг фақат 10 фоизи шиа мазҳабидадир ( МАЗҲАБ - оқим, йўл маъносиди).

<sup>2</sup> Ўн икки имом - Ҳазрат Али билан Фотимадан тарқалган ва шиалар эътиқод қиладиган имомлар сулоласи. Шоҳ Исмоил ўзини ўша имомларнинг еттинчисига авлод ҳисобларди.

шундай таърифланади: «Эли сунний ва пок мазҳаб ва муташарриъ ва мутадайнин (одатга хилоф иш қилмайдиган ва тақводор) элдур»<sup>1</sup>.

Бас, шундай бўлгач, Бобир, С. Азимжонованинг «Тарихи Мунтазими Носирий» номли XIX аср сўнггида ёзилган асарга суяниб ёзишчи, Самарқанд олингач, нечук Шоҳ Исмоил номи ни хутбага қўшиб ўқитишга ва номига пул зарб қилдиришга кўнди экан? Шунингдек, салласини ҳам «қизилбошлар»га тақлид қилиб ўн икки марта ўратган?

Бобиршуносликда шу давргача олиб борилган тадқиқотларнинг энг кўпчилиги шўро даврида ҳукм сурган даҳрийлик замонига тўғри келади ва барча тарихий воқеалар синфий кураш ва ислом динини инкор қилиш руҳида ёритилади. Шунинг учун Эрон шоҳи билан Бобир ўртасидаги дипломатик муносабатлар заминида кўзда тутилган ҳарбий- сиёсий мақсадлар билан бир қаторда, диний эътиқод ва диний мазҳабчилик руҳи ҳам ётгани ҳисобга олинмайди. Бобирнинг муслмони комил инсон сифатида мустаҳкам шахсий эътиқоди эса умуман эътибордан четда қолган.

Илмий тадқиқотларда бизнинг давримизда юзага келган илҳомбахш имкониятлардан фойдаланиб, ватанимиз маънавий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган ислом динимиз омилига ҳалоллик билан ёндашсак, баҳс тугаганини кўрамиз. Бобир ватанга қайтиш ва уни мустақил кўриш учун суннийлик мазҳабидан кечиб, шиалик мазҳабини қабул қилганми? Шу давргача бунақа савол қўйилган эмас. Бу саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди. Зеро, Бобирдек мустаҳкам эътиқодли инсон бу йўлга асло кўнмасди. У Самарқанд ва Мовароуннаҳр элининг қадр-қиммати-ю, ҳурматини шаҳарни биринчи марта олган чоғдаёқ жойига қўйган. Шунинг учун ҳам Бобир учинчи марта (Эрон шоҳи ёрдамида) Самарқандга кириб келганида, аҳли сунна вал-жамоъа уни, юқорида таърифлангандек, тантана ва дабдаба билан кутиб олади.

Шу билан бирга, Бобир шиа мазҳабидагиларнинг табиатан бемуросалиги, жангари-урушқоқлиги ва ўзгаларга нисбатан бе-

---

<sup>1</sup> Бобирнома, 104-бет.

раҳмлигини ҳам яхши биларди. Мана, бунга бир мисол: Исмоил Сафавий кўшинлари Хуросон пойтахти Ҳиротни эгаллагач, шоҳнинг ўзи бутун авому уламоларни бош майдонга тўплаб, Саид Зайнобиддин исмли Ҳирот хатиб имомини минбарга чиқарган ва жаноби Расулulloҳнинг саҳобаларини баланд овоз билан лаянатлашни буюрган. Аммо у шоҳ буйруғига итоат қилмаган. Ўшанда «қизилбошлар» уни қилич билан дарҳол қиймалаб ташлаганлар. Сўнг минбарга 80 ёшли Хуросон Шайхулисломини чиқариб, унга ҳам шу буйруқни берган, Шайхулислом ҳам кўнмагач, шоҳнинг ўзи камон ўқи билан уни ярадор қилган. Шайхулислом ўз қони билан юзини ва оппоқ сақолини бўяб «Алҳамдулиллоҳ, эътиқодимга содиқ қолдим» - деган. Шоҳ яна бир ўқ билан уни ўлдириб, жасадини бир дарахтга боғлаб, куйдиришга буюрган. Мўъжизани қаранг-ки, дарахт ёнган-у, аммо жасадга ўт таъсир қилмаган. Шиалар Абдурахмон Жомий қабрига ҳам ўт кўйишган.

Уч йил илгари бўлиб ўтган бу мудҳиш воқеадан Бобир албатта хабардор эди. Аммо ўшандек бераҳм шиалар бошлиғи Исмоил шоҳ умумғаним бўлиб қолган Шайбонийхон ҳукмронлигига қарши курашда ёрдам қўлини чўзиб турса-ю, Бобирдек ҳушёр, ватан мустақиллигини ўйлаб юрган подшоҳ мазҳаб талашиб, бундай ёрдамни рад қилиши умуман мантиққа тўғри келмас эди. Бобир сиёсатда ҳар қандай мазҳабчиликдан юқори турарди, бош мақсади - Мовароуннаҳрни катта бобоси, улуғ Соҳибқирон давридагидек мустақил кўриш ва уни озод қилиш учун ҳозирча гўлиб Исмоил Сафавийнинг, мазҳабидан қатъи назар, ёрдамдан ва хайрхолигидан фойдаланиш бирдан-бир тўғри йўл эди. Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам: «Ал-ҳарбу ҳазнатув» - яъни, уруш ишлари ҳийла билан бўлур - деб ислом тарихида машҳур Ҳандақ жангида ҳийла ишлатмоққа рухсат қилганлар<sup>1</sup>. Бобир бу тарихни ҳам яхши биларди.

Шу тарзда, Бобир масаланинг ҳамма томонини ўйлаб, Исмоил Шоҳ билан ҳамкорлик қилишга қарор қилади ва Эрон шоҳининг ёрдамига суяниб Самарқандни қўлга кири-

<sup>1</sup> Алхонгўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. 2 наشري, Тошкент. 1997, 276-бет.

тади. Биз юқорида айтмоқчи бўлганимиз - тушунмовчиликдан келиб чиққан воқеа шундан иборат эдики, Бобирни зўр хурсандчилик билан, бағриини кенг очиб кутиб олган самарқандликлар, Бобир шаҳарга киргач, шиалик либосини ечиб, суннийлик либосини қайта кияди деб ўйлашган. Бобир эса оддий халқдан кўра кўпроқ уламолар кутган бу интиқ ишга эътибор бермаган. Чунки ҳарбий-сиёсий аҳвол ҳозирча буни тақозо этмас эди. Аммо уламо ва шайхлар «Бобир қизилбошлар билан иттифоқда бўлиб кетмадимикан» деган шубҳанни халққа хуфёна билдирадидилар. Лекин «бундай иттифоқ вақтинчадир ва ғалаба таъминлангач, шиалар билан алоқа узилади» - деган умидда холислар ҳам кўп эди. Бобир кўпроқ ўшаларга суянади. Бундай сиёсий танг аҳволда Исмоил Шоҳ кўмаги яна зарур бўлиши мумкин. Бобир ишнинг ўзига маъқул томонини ўйлайди ва «қизилбошлар» қўшинини ҳам ушлаб туради. Тўғри, «Тарихи Рашидий» муаллифининг ёзишича, «қизилбошлар»га кетишга рухсат берган. Аммо уларнинг бир қисмини Самарқандда қолдиради. Умуман, бу тўғри тактика эди.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, кўчманчи ўзбек султонлари Шайбонийхон ўлиmidан, унинг бош суяги шароб касаси қилинганидан ниҳоятда аламда эдилар. Бобирнинг ўшандек бераҳм шоҳ билан алоқа ўрнатгани уларни ниҳоятда ғазаблантиради. Барча ўзбек султонлари Бобирга қарши ҳужумни муҳокама қилиш учун Қаршига тўпланишмоқда эди. Барчаси мотам кайфиятида. Бироқ мазҳабчиликка берилган уламолар ва халқ (авом-ун-нос) масаланинг сиёсий моҳиятини тушунмай, демак, Бобирнинг тактик мақсадига эътибор бермасдан, бўлаётган ишлардаи дастлабига таажжубда юришадди. Орада Бобир шаънига мос тушмайдиган шивир-шивир гаплар бошланади. Бунинг устига «қизилбошлар» Самарқанд кўчаларида ғолиблардек юришиб, аҳолини менсимайдиган турли бебошликлар қиладилар. Ҳунармандлар дўконларини талаш, масжид-у, қабристонларга нописандлик билан қараш каби ўзбошимчаликлар қила бошлайдилар.

Бу ишлар аҳолининг кундан-кунга ғазабини қўзғотади. Уламолар ва халқ орасида дастлабига пайдо бўлган тааж-

жубнамо кайфият эронийларнинг ўзбошимчаликларини кўргач, секин-аста кескин норозиликка айланади. «Тарихи Рашидий» муаллифининг ҳам ёзишича, Бобирни дилда севиб, хоҳлаб юрган халқ гарчи зоҳирида билинтийрмай ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётган бўлса-да, аммо ботинида юз ўгира бошлайди. Бунинг устига айрим ғазабнок ва енгилтак уламолар масжидларда Бобирга қарши фитна уйғотадиган ташвиқотлар қила бошлайдилар. Гуё Бобир энди суннийларни Эрондаги каби таъқиб қилади, - деган ўйга боришади. (Яқиндагина кўплаб суннийлар Эрондан қочиб, Мовароуннаҳрга келгани ҳамманинг ёдида эди). Шу муносабат билан Бобирнинг битта хатосини таъкидлаб ўтмоқ лозим: Бобир Самарқандга киргач, уни қучоқ очиб кутиб олган халқ вакиллари ва айрим уламолар билан учрашиб, асосий мақсади бутун Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳукмронлигини тугатгунча барчани сабр қилишга чақириши лозим эди. Агар шундай қилганида авом-ун-нос жиловдори бўлган сунний уламолар ва Самарқанд аҳолиси бошқача ҳаракат қилишган бўлармиди? Афсуски, манбаларда Бобирнинг бундай тадбир ўтказгани ҳақида маълумот йўқ.

«Абдуллонома» муаллифи шундай деб ёзади: «...Халқ подшоҳдан (яъни Бобирдан - С.Ж.) қачон (у) ўзи мерос қолган мамлакатига эга бўлса, ҳаёт ва тирикчилик заруриятидан (бу ерга) келган қизилбошлар (ўз) либосини ташлаб, аҳли суннат ва жамоат зийнатига кириб, (шу) вилоят либосини кийишини кутарди. Аммо Бобир подшоҳ ул маймун табақанинг (яъни илаларнинг - С.Ж.) либосини ўздан йироқ қилмади ва халқнинг ундан кўзлаган умиди юзага чиқмади» .

Шу билан бирга, асар муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий Бобирнинг асл мақсадини тушунгандек ва унинг хатти-ҳаракатини оқлагандек маъиода қуйидагиларни ҳам қўшиб қўяди: (Чунки Бобир) подшоҳнинг шавкат ва қуввати бошқадан мадад ва кўмак (олиш) эҳтиёжи тушмайдиган даражага етмаган эди» .

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ҳам Бобир шиа кийимини «заруратдан кийган» - деб ёзади. Ҳозирча шиа кийимини ечмаганлик

<sup>1</sup> Абдуллонома, 108-бет

<sup>2</sup> Ўша жойда.

ва «қизилбошлар»нинг бебошликларига (вақтинча) бефарқ қараганининг сабабини эса, уни Исмоил Шоҳ ёрдамига яна эҳтиёжи борлигидан деб билади.

«Тарихи Муқимхоний» манбаининг таржимони ҳам Бобир ва Исмоил Сафавий битимини «юзаки иттифоқ» деб атайд<sup>1</sup>. Бобиршунос С. Азимжонова Хондамир ахборотиغا асосланиб ёзишча, Бобир Самарқандни эгаллагач, Эрон шоҳи билан алоқани узишга мойил бўлган. У «қизилбошлар»нинг маҳаллий халққа нисбатан беодоблик хатти-ҳаракатларидан ботинида норози эди.

Самарқандликлар эса Бобирнинг ячки кайфиятига ва масаланинг мана шу асл моҳиятига эътибор бермайдилар ва норози бўлиб, ундан умидини уза бошлайдилар. Бобир чиндан ҳам икки ўт орасида қолади: бир томондан Ватан, юрт меҳри деб қанчадан-қанча азиятлар чекиб, ниҳоят орзуга эришгани, бошқа бир томондан эса шартга бивоан вақтинча тутган иши оқибатида қўзғолган халқ норозилиги.

У Самарқанд ва Бухоро ўртасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга қанчалик уринмасин, масаланинг ботиний маъносини туншунмаган маҳаллий халқ, афсуски, уни қўллаб-қувватламади.

Шайбоний султонларидан энг ғайратлиси Убайдуллахон эди. У барча султонларни Бобирга қарши юришга чорлаш учун аввал Туркистондаги Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилади ва сўнгра кенгаш чақиради. Бироқ кўпчилик ўзбек султонлари мотамсаро кайфиятда бўлгани сабабли рақибларига қарши ҳужумга ботина олмайдилар. Убайдуллахон борйўғи 4-5 минг фидойи отлиқларни отлантиради холос, ўша озгина аскар билан Бобирга қарши юриш бошлаб, 1512 йил апрел ойи охирларида Бухорога жўнайди. Бобир тайинлаган Бухоро ҳокими Самарқанд тахтида ўтирган Бобирга: «Убайдуллахон озгина қўшин билан Бухорога келаётир, ҳозир ҳужум қилинса уни тор-мор келтириш мумкин» деган мазмунда хабар юборади. Бобир дарҳол бирча қўшинни тўплашга буйруқ беради. «Қизилбошлар», фарғоналиклар, мўғуллар ва бадахшонликлардан иборат 70 мингдан ортиқ қўшин билан ўта осон ғалаба қилиш оғушида Самарқанддан Бухоро-

<sup>1</sup> (Қаранг: Муқимханская история, пер. А. Семёнова, Ташкент, 1956, стр. 247, Прим.63).

га юриш бошлайди ва «Кўли Малик» бўйида Убайдуллахон билан тўқнашади. Ҳанда Убайдуллахонда 4-5 минг ҳам эмас, 3 мингга отлиқ аскар бўлган холос. Убайдуллахоннинг ўша 3 минг отлиқ аскар 1512 йил апрел ойи охирида «Кўли Малик»да бўлиб ўтган жангда Бобирнинг кўп мингли армиясини, жуда таажжуб, тор-мор келтиради. (Бу мағбулият «Абдулланом», «Убайдулланом», «Тарихи Муқимхоний», «Тарихи Рашидий» каби бош манбаларда, шунингдек Ўзбекистон тарихи 1-жилдида ҳам турли мазмунда тилга олинган. Шунинг учун ушбу жанг тафсилотига тўхталмаймиз). Кутилмаган мағлубиятдан кайфияти ўта бузилган Бобир омон қолган озгина аскар билан Самарқандга, сўнг оиласи-ю, аёлларни олиб Ҳисорга чекинади. Бобирнинг бир неча ўн мингли қўшини билан ишонмайдиган даражадаги мағлубияти сабабини ҳозиргача ҳеч ким чуқурроқ ўрганган эмас. Ахир унинг қўшини ганимникидан 15 баробар ортиқ эди-ку!

Шайбоний қўшинлари жанг тактикасининг устунлигими («тўлғама» усули), Бобир армияси сафининг бир хил эмаслиги ва ўртада ҳамон ўзаро бирлик, қаттиқ интизомнинг йўқлиги ва ниҳоят, армияда ҳам диний омил устун келдими (қизилбошлар - шиа, бошқалар - сунний), бинобарин, сунний мазҳабдаги қўшинлар ўз мазҳабдошлари шайбонийларни афзал кўрдими - қайси бир сабабдан бўлса ҳам ачинарли мағлубият бўлди. (А.Семенов эса Бобирни танқид қилиб бир томонлама хулоса чиқаради.)

Бобир ва «қизилбошлар» мағлубияти Эронга маълум бўлгач, Шоҳ Исмоил ғазабга келган ва Нажми Соний исмли энг ишончли амири қўмондонлигида янгидан қўшин юборган (Нажми Соний шоҳнинг ишончини қозонган ниҳоятда обрў-этиборли киши эди. Шунинг учун баъзи муаллифлар у шоҳ буйруғини кутмасданоқ, Мовароуннаҳрга ўзи юриш бошлаган, деб кўрсатишади.) У Балхга келиб, Ҳисорга - Бобирга одам юборади ва дарҳол қолган армиясини тўплаб, унга қўшилишни таклиф қилади, ўзи эса 60 мингга яқин армияси билан 918 йил ражаб (1512 йил сентябр-октябр) ойида Амударёдан Мовароуннаҳр қирғоғига ўтади. Бобир ҳам бор қўшинини тўплаб, Ҳисордан чиқади ва «Чак Чак» тангисда (Тарихий

«Темур дарвоза») Нажми Соний қўшинига қўшилади. (Учрашув ғоятда дабдабали ўтган). Сўнгра улар бирлашган қўшинлари билан Қаршига юришади ва уни қамал қилиб, 3-4 кунда шаҳар эгалланади. Аммо Бобир кутмагани ҳолда Нажми Соний шаҳарнинг ёшу қари аҳолисини қатли ом қилдиради. Бу Бобирнинг кайфиятига жуда ёмон таъсир қилади.

Бундан хабар топган шайбонийлар ҳам ғазаб билан юриш бошлаб, рақиблар Гиждувонда юзма-юз келадилар. Тарихда «Гиждувон жанги» деб аталмиш ушбу ҳал қилувчи жангда аввалига Бобир шахсий баҳодирлик кўрсатиб, шайбонийлар қўмондони Жонибек султон қўшинини чекинтиради. Аммо кетидан қувишнинг иложи бўлмади, душман Нажми Соний армиясининг орқа томонига ўтиб, кутилмаганда унга қаттиқ зарба беради. Оқибат натижада Шайбоний қўшинлари эронликлар ва Бобир аскарлари устидан ғолиб келадилар. Нажми Соний қўлга тушиб, боши олинади. Жангда Бобир билан бирга бўлган Мирзо Ҳайдар ҳам «Тарихи Рашидий» асарида бу мағлубиятни ачиниш билан тилга олади.

А. Семёновнинг Эрон тарихчиси Ҳасан Румлу деганнинг «Ахсан ут-таворих» номли форсча манбаидан келтирган маълумотига қараганда, воқеа бошқачароқ кечган: Бобир Самарқандда эканида Эрон шоҳига, у энди Исмоил Сафавийдан ажралиб чиқиб кетади - деган хабар борган. Ўшанда Исмоил Шоҳ Бобирга қарши Нажми Сонийни юборган. Бу вақтда Убайдуллахон армияси Бухорони ва Самарқандни аллақачон эгаллаган ва Бобирни таъқиб қилиб, Ҳисорга юрган эди. Нажми Соний Бобирни маҳв этиш режасидан воз кечиб, шайбонийларга зарба бериш ва Мовароуннаҳрни қўлга киритиш ниятида Бобир қўшинларини тўплаб, унга қўшилишни таклиф қилади. Бобир эса «қизилбошлар»нинг Қаршида уюштирган қатли-омида н сўнг кайфияти ўта бузилиб, эронликлар билан алоқани узишга қарор қилган эди. Ва ниҳоят, Гиждувон жанги вақтида у Нажми Сонийдан ажралиб, жангдан чиқиб кетади.

Ҳофиз Таниш Бухорий Гиждувон жанги кунларидаги Бобир кайфиятини шундай таърифлайди: «Бобир подшоҳ мағлуб ва парришон ҳолда «Ал-фирор» (оят)ни ўқиб, қочиб шевасини ялғари

суриб, жангдан юз ўгирди». (Оят мазмуни: (Эй Муҳаммад, айтинг: «Агар сизлар ўлишдан ё ўлдирилишдан қочсангизлар, бу қочиш Сизларга бирон фойда бермас, демак, Сизлар жуда оз фойдаланурсизлар холос»). Аҳзоб сураси, 16-оят. Алоуддин Мансур таржимаси).

Лекин Бобир ушбу оятни ўқир экан, ўз фойдасини ўйламай, балки тақдирга тан беради. Эрон шоҳи билан вақтинча бўлса ҳам ўрнатган дипломатик алоқа кутилган натижани бермаганидан афсусланади. Бу орада Нажми Сонийнинг айрим амирлари у билан келишолмай, ажралиб чиқиб кетишади. У озроқ кўшин билан жангга киришиб, тор-мор келтирилади ва юқорида айтилганидек калласи олинади. Шу мағлубиятдан сўнг Бобир билан Исмоил шоҳ ўртасидаги ҳарбий дипломатик алоқалар барҳам топади.

Маҳаллий манбаларда бу қонли урушларга диний тус берилган. Шайбонийлардан Убайдулло бошлиқ ўзбек кўшинларни «ислом аскарлари» деб, Нажми Соний бошлиқ «қизил бошлар»ни эса «кофирлар» деб аташади.

Табиийки, барча маҳаллий ёзма манбалар ўз даврининг ҳукмрон ғояси билан сугорилгандир. Мовароуннаҳр диёри эса ислом динимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган, мусулмон олами тан олган буюк алломаларни етказиб берган минтақа экани жаҳонга маълум. Бинобарин, барча тарихий манбалар, бошқа ёзма адабиётлар ислом дини ғоясини дилдан ҳимоя қилган ҳолда ёзилгани табиий ҳолдир. Уларнинг муаллифлари ҳам дили бошқа-ю, тили бошқа бўлмаган мусулмонни комил кишилар эди.

Бобир Нажми Сонийдан ажралгач, умуман Эрон билан алоқани узгач, яна бир бор Ҳисорга келди. У билан доимий бирга бўлган мўғуллар Бобир учун шундай беором дамларда ҳам уни ранжитдилар: мағлубиятни пеш қилиб, яна сотқинликка ўтдилар, ҳатто уни ўлдирмоқчи ҳам бўлдилар. Бобир бундан хабар топиб, тунда Ҳисор қалъасига яширинади ва сўнг Амударёнинг ўнг қирғоғига - Қобул томонга кетади. Бундан хабар топган Убайдуллахон Ҳисорга ҳужум қилиб, бу вилоятда бебошлик қилаётган мўғулларни қаттиқ таъқиб остига олади ва келаси йил баҳорида уларни йўқ қилади. Шу тарзда ўз подшо-

сига сотқинлик қилган мўғул аскарлари қилмишларига яраша жазосини оладилар.

Бобир Қобулда экан, Мовароуннаҳрдан эди бутунлай умидини узади. У илгарироқ Қобул хоқимлигини вақтинча укаси Носир Мирзога қолдирган эди. Укани энди Фазнага тайинлаб, ҳоқимликни яна ўзи эгаллайди. Бобир шу йилдан бошлаб теурийлар сулоласининг тақдирига бутунлай янгича ёндашган ҳолда, янгича фаолият кўрсата бошлайди.

Бобир дипломатияси масаласига нуқта кўяр эканмиз, манба шунос олим А. Семёновнинг куйидаги хулосавий фикрини ҳам четлаб ўтолмаймиз. У ёзадики, Бобирнинг гўё шиаликни қабул қилишга ва уни Мовароуннаҳрда давлат дини деб эълон қилишга берган ваъдаси, шунингдек, Эрон шоҳига қарам (вассал)ликни тан олиши каби нотўғри сиёсий қадами унинг «ҳарбий жиҳатдан ўта нимжонлиги сабабидан эди». Олимнинг фикрича, унинг худди мана шу нотўғри сиёсий қадами оқибатида Мовароуннаҳрни озод қилиш учун бошлаган сўнгги ҳаракати барбод бўлди.

А. Семёновнинг бу хулосаси, бизнингча, тарихий ҳақиқатга зиддир. Шиаликка ўтиш ва уни давлат дини деб эълон қилишга Бобир ваъда берган деб ишониш, юқорида таъкидланганидек, унинг дипломатияси моҳиятига нотўғри баҳо беришдан, Шўро даври бобиршунослигидаги бир ёқламалик, яъни даҳрийлик даври талабига биноан, Бобирнинг ички исломий эътиқодига нописандлик билан қараш оқибатидан деб билмоқ керак. Асл мақсад учун курашда мураса маданиятидан келиб чиққан ҳолда иш кўрган Бобирнинг олий мақсади - Ватанни теурийлар хонадонига қайтариш эди ва бунга эътиқодни алмаштириш билан эмас, балки қулай ҳарбий-сиёсий шароитдан унумли фойдаланиб эришмоқчи бўлган эди.

Бобирнинг «ҳарбий жиҳатдан ўта нимжонлиги» ҳақида олим хулосасига келсак, шуни айтиш кифояки, тарихий Панипат жангида озгина куч билан ғалаба қилишнинг ўзиёқ бу хулосанинг нотўғрилигини кўрсатади (бу жанг ҳақида алоҳида тўхталамиз). Бобирга бўлган муносабатимизни янада тиниқлаштириб олмоқ учун куйидаги икки ҳолатга эътиборни қаратмоқчимиз.

Биринчи ҳолат шуки, унинг Самарқандга юриши шунчаки ёш-

<sup>1</sup> А.Семёнов, кўрс. асар 117-бет

лик гурури, подшоҳлик орзуси эмас эди. Айримларнинг ёзишча, «Тахт ҳаваси уни кўр қилиб қўйган эди» (Хуршид Даврон). Бу мутлақо нотўғри фикрдир. Бобир ёшлик гурурига бериладиган, шунчаки тахтга ўтиришни ҳавас қиладиган енгил табиат шахс эмас эди. У ўз олдига буюк мақсадларни қўйган ва ана шу мақсадлар йўлида жонини фидо қилишга тайёр турган олим подшоҳ эди.

*«Ўз юртни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб! Нетайин, не юз қаролик бўлди»*

— деб ёзган Бобирни ҳеч қачон тахт ҳаваси кўр қилиб қўймаган.

Иккинчиси шуки, у эътиқоди мустаҳкам ва етук мусулмони комил инсон эди. У ўз дунёвий ҳаракатларида шариат, тариқат қондаларига доимо риоя қилган. Аниқ ва шаръий мақсад йўлида тўсиқ бўладиган ғоявий келишмовчиликларни бартараф қилишни ислом дини тарихидан яхши биларди. Унинг дипломатик ҳаракати ҳам ана шу эътиқодга асосланган эди. Мана шу иккита ҳақиқатни хиралаштирадиган ҳар қандай фикр ҳам Бобир шаъни-шахсияти ва шон-шуҳратига доғ тушириши мумкин.

Гулбадан Бегим шундай деб ёзади: «(Бобир Мирзо)... Кўли Маликда Убайдуллаҳондан шикаст едилар ва Қобулга йўл олдлар. Шундан сўнг яна Мовароуннаҳрни қўлга киритиш хаёлини тамоман кўнгилдан чиқариб ташладилар».

Улуғ Алишер Навоий:

*«Ўз вужудингга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил» -*

деб ёзганларидек, Бобир ҳам ўз вужудига, ўз эътиқоди ва ишончига суянган ҳолда тақдирнинг ана шу «ўйинлари»дан сўнг, Қобулда туриб, ўз хоҳишига қарши бўлса ҳам Ҳиндистон сафарига режа тузишга киришади.

## ҲИНДИСТОН САҲИ

Юқорида айтганимиздек, 1508 йилдан кейинги воқеалар тафсилоти «Бобирнома»да етишмайди, ўртадаги узилиш 1519 йилгача давом этади.<sup>1</sup> Бобирнинг Ҳиндистон сафарига ўтишдан олдин бу улуг мамлакат тарихидан мавзуйимизга монанд бўлган қуйидаги зарур маълумотларни келтирмоқ лозим кўринади.

Бу қадимий ва улуг мамлакат тарихида милодий иккинчи минг йиллик бошидан 1001 йилдан кейинги тараққиётида, Ўрта Осиё - Турон халқларининг маънавияти-ю, маданиятида янги йўналишларга сабаб бўлган жиддий ва катта ўзгаришлар бошланган эди - Ҳиндистон мусулмон цивилизациясига тортилаётган эди. Бу жабҳадаги жиддий курашни тарихга машҳур Маҳмуд Фазнавий (998-1030) бошлади. У Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларига (Панжоб) кетма-кет ҳужумлар уюштириб, жаҳон тарихида қолган ўз номига яраша шаҳар-у, қишлоқларни эгаллаб, аҳолисини исломга киритди, ҳинд рожаларининг бир неча авлоди тўплаган бойликларни пойтахти Фазна шаҳрига олиб кетди. Маҳмуддан сўнг фазнавий подшоҳлари пойтахтни Фазнадан Лохурга кўчирдилар.

Фазнавийлар давлати емирилгач (XII аср охири), Шимолий Ҳиндистонда унга тобе бўлган вилоятларда ҳокимият учун кураш авж олиб, туркий зотлардан бўлмиш ҳарбий саркарда Қутбиддин Ойбек бутун шимолий Ҳиндистонни мустақил давлат деб эълон қилади. Пойтахт Лохурдан Деҳлига кўчирилиб, биринчи марта шимолий Ҳиндистон давлати - Деҳли султонлигига асос солинади. Ушбу давлат тарихида (яъни XIII-XVI аср боши) бир қанча сулолалар ҳукмронлик қилди. Биз бу даврнинг қуйидаги икки жиҳатиغا эътиборни қаратмоқчимиз.

Биринчиси шуки, VIII асрдаёқ Ҳиндистоннинг Синд ўлкасини забт этган араблар ҳужумидан бошлаб, мамлакат шимолига ислом дини кириб келган ва мусулмончиликка асос солинган эди. Иккинчиси шуки, XII асрга келиб, бутун шимолий Ҳиндистонда ислом дини тўла тарқалган, аҳоли аллақачон мусулмонлашган ва сунний мазҳаби ҳукмрон эди, Неру ёзганидек мусулмонлар янги ҳаёт оқими олиб келдилар.<sup>2</sup> Хусусан Деҳли султонларидан

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Файбуллоҳ ас-Салом, Нейматуллоҳ Отажон. Жаҳон-гашта Бобурнома, Тошкент, 1996.

<sup>2</sup> Ж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Т.2, М., 1981, стр.56.

Шамсиддин Элтутмиш (1210-1246) даврида бутун шимолий Ҳиндистон мусулмон ҳарбий саркардалар ҳукмронлиги остида эди, улар асосан Ўрта Осиёдан бориб қолган туркий қавмлардан иборат, диний уламолари эса хуросонликлар бўлиб, форс тили давлат тили ҳисобланар эди.<sup>1</sup>

Худди шунинг учун ҳам Хоразм шоҳи Муҳаммад ўғли машҳур Жалолиддин 1221 йили Чингизхон кўшинларидан чекиниб, Султон Элтутмиш билан музокара учун Шимолий Ҳиндистонга келган эди. Афсуски, Элтутмишнинг ёрдам бериш таклифини Жалолиддин Мангуберди қабул қилмади: бу вақтга келиб, бутун Марказий Осиёни эгаллаган Чингизхон кўшинларининг шафқатсизликлари ва янги-янги ҳужумлари ҳақида ташвишли хабарлар Ҳиндистонга ҳам тарқаб турган эди. (Кейинча татар-муғуллар Шимолий Ҳиндистонга кириб келган ва 1241 йили Лохурни эгаллаган ҳам эдилар).

Тарихни яхши мутолаа қилган Бобир бу воқеалардан яхши хабардор ва Ҳиндистонни яхши ўрганган эди. Ўрта Осиёлик туркий қавмлардан чиққан ҳарбий саркардалар ва уларнинг асрлар оша бутун шимолий Ҳиндистонга тарқалган авлодлари ҳақида Бобирда тасаввур борлиги шубҳасиз эди.

У XIV асрнинг энг сўнги йиллари буюк бобокалони Соҳибқирон Амир Темур ҳам Деҳли султонлиги ерларига кўшин тортиб келгани ҳақида «Зафарнома»дан ўқиган. Олдиндан шунини айтиш керакки, Бобирнинг буюк Ҳиндистонга келиб, унинг иқтисодиётида, хусусан илм-маданият ривожига қилган оламшумул хайрли ишлари ва бу ишларни фарзандлари ва набиралари томонидан давом эттирилиши, бобоси Амир Темурнинг қисқа муддатга Ҳиндистонга келиб (у Деҳлида бор-йўғи 15 кун турган холос) Деҳли султонлиги вилоятларида ўта қаттиққўллик билан қилган ишлари учун гўё ўлкадан узр сўрагандек туюлади.

Афгонларнинг «лўдий» қабиласидан чиққан Бахлулхон исмли Лохур ҳокими 1451 йили давлат тўнтариши ўтказиб, Деҳли султонлигида Лўдийлар сулоласига асос солди (1451-1526). 1517 йили ҳокимият тепасига Бахлулхон набираси Иброҳим Лўдий келади. У давлатни идора қилишда анчагина

---

<sup>1</sup> К. А. Антонова, Г.М. Бонгард-Левин, Г.Г. Котовский. История Индии. Изд. второе, М., «Мысль», 1979, стр.187. Элтутмиш хотирасига Деҳлида қурилган Қутбминор энг баланд минорадир. Бобир номли илмий сафаримиз чоғида (1993 й) биз уни зиёрат қилдик.

қаттиққўл эди. Катта ер-мулк эгалари, ҳатто ўз авлодлари бўлмиш нуфузли афғон ҳарбий саркардаларининг ўзбошим-чаликлар келтириб чиқарадиган ҳуқуқ ва ҳаракатларини Иброҳим Лўдий қаттиқ чегаралаб қўяди. У ҳам мусулмончиликнинг сунний мазҳабида бўлиб, эътиқодига содиқ қолиш мақсадида бошқа дин ва бошқа мазҳабдаги арбоблар, олимларни ҳам таъқиб қила бошлайди. У ҳукмдорнинг қариндоши-ю, қабиладоши бўлмаслиги керак, барча унга тобе ва унинг хизматкоридир, - деган гапни кўп қайтарар эди ва давлатни шахсий зўравонлик (деспотик) ҳукмини ўрнатган эди. Аммо унинг бундай ички сиёсати қаттиқ норозиликларга сабаб бўлади ва 1520 йилдан бу норозиликлар қўзғолонлар келтириб чиқараётган эди.

Қобулда эса нисбийлик билан, вақтинча бўлса ҳам Бобирга тинч осуда ҳаёт кечириб насиб этган эди. У Кобул давлатини мустақкамлаш, чегаралардаги ҳамон бўйсунмаган айрим афғон қабилаларини бўйсундириш ва тинч ижодий ҳаёт билан машғул эди. Айтилганидек, 1508 йили биринчи ўғли Ҳумоюн Мирзо туғилиб, ўша йиллари хурсандчиликнинг чеки йўқ эди. Негаки, Бобирда, мана, шукр, тахт вориси катта бўлмоқда. Бу - отага катта маънавий куч ва ижодий илҳом бағишлайди. Ҳумоюн етти ёшга тўлиб ҳам ўқиб, ҳам чопқиллаб ўйнаб юрганида Бобир 32-33 ёшда эди. Навқирон йигитнинг кўз ўнгида той боланинг вояга етиб бориши отага қанчалик шукуҳ-роҳат ва ижодий куч бағишлашини ўз ҳаётида кўрганлар яхши билади.

Умуман, Гулбадан Бегимнинг ёзишича, Бобир томонидан «Кобулнинг оливишини худо муборак этдики», бу ерда у қатор-қатор фарзандлар кўрди. Бобирнинг ўша, Ҳумоюн Мирзо туғилган йилдан бошлаб, ўзини подшоҳ деб аташларига изн бергани ҳам, балким, мана шу осуда ҳаётдан ва давлатнинг нуфузли бўлиб қолганидандир. Кейинча Ҳиндистон чегараларигача бўлган вилоятлар Бобирга бўйсундирилиб, давлат анча кенгайди.

Гулбадан Бегим «Ҳумоюннома» асарида Бобир 925 ҳижрий (519 мил) йили бир неча марта ҳужум уюштириб, Ҳиндистоннинг мустақил Бажур вилоятини эгаллагани ҳақида маълумот беради. 1519 йил бошидан Бобир ўз қўшинларини ҳужумга тайёрлаб, қўшин қанотларига бошлиқлар тайинлайди. Бу вақтга келиб Бобир ўз қўшинини порох билан отиладиган милтиқлар ва зам-

бараклар билан қуроллантирган эди. Бажурликлар эса овоз чиқариб отиладиган бу қуроллардан мутлақо беҳабар эдилар. Ҳатто улар милтиқларни мазах қилишиб, гўё ҳазил қуроллар деб ишонишмаган ва нописандик билан ўзларини ўққа тутиб ҳам беришган. Бир неча аскар қурбон бўлгач, ниҳоят қалъага чекинишга мажбур бўлишган.

Қандаҳор ҳокими Шоҳбек Арғун қобилиятли бошлиқ ва тажрибали ҳарбий саркарда эди. Ҳиндистон вилоятларини эгаллаш унинг режасида ҳам бор эди ва шу жиҳатдан Бобир уни ҳарбий ишларидаги рақиби деб биларди. Шоҳбек Бобир билан сулҳ тузиш учун обрўли кишилардан совға-салом юборарди. Ўртада тинчлик сулҳи тузилади ва Бобир орқа томондан бироз хотиржам тортиб, шарқий ҳудудлардаги бебош афгонларни бўйсиндириш учун тadbирлар кўради. Бироқ Шоҳбек Бобирни сулҳ билан хотиржам қилиб қўйиб, ўзи Ҳиндистоннинг Синд вилоятига ҳужум бошлайди ва иккита йирик қалъани эгаллаб, катта ўлжалар билан Қандаҳорга қайтади. Бобир эса асосий режасига биноан, Шоҳбекдан хотиржам ҳолда Панжоб томонга юриш бошлаб, Ҳинд дарёсидан ўтади ва Беҳрани эгаллаб, Сялкот ҳамда Ченоб томонларга юрганида Шоҳбек Арғун унинг йўқлигида сулҳни бузиб, афгон ерларига ҳужум қилади. Бу ерда Бобирнинг оқ кўнгиллиги ва ҳарбий-сиёсий ишларда ҳам инсонга ишончини яна таъкидлаб ўтмоқ лозим. Гарчи, муғомбир Шоҳбек ғаним Шайбонийхон одами бўлса ҳам ўртада сулҳ тузилдими, демак, оқ кўнгил Бобирни алдамаслиги керак эди.

Бобир Панжобдан орқага қайтишга мажбур бўлади, чунки Ҳиндистонга юришдан аввал орқадаги шаҳар - Қандаҳорни бўйсундириш керак. 1520 йили ушбу шаҳарни қамал қилади. Қандаҳорда эса очарчилик, сўйгра вабо касаллиги бошланган эди. Шаҳар уламолари ва аъёнлари Бобирга киши юбориб, қамалдан озод қилишни ўтиниб сўрайдилар. Афтидан шаҳар аъёнлари Шоҳбекка ҳам илтимос қилишиб, уни сулҳга кўндиришган чоғи, у ҳам сулҳни қайтадан янгилаш учун яна Бобирга элчи юборади. Бобир унинг элчисини қабул қилади-ю, аммо энди бошқача шарт қўяди. Қандаҳор тинч йўл билан топширилиши керак, Шоҳбек эса, майли, бойликларини олсин-да, оиласи билан шаҳардан чиқиб кетиши шарт. Ниҳоят у чиқиб кетгач, шаҳар калити Бобирга тантана билан

топширилади. Бу орада Қундуз ва Бадахшон томонлар ҳам Бобир тасарруфига ўтиб, унинг янги давлат чегаралари анча кенгайди.

Бироқ Бобирнинг янги Кобул давлатида қиладиган ички ташкилий ишлари ҳали кўп эди. Атрофда Бобирга тобеликдан бўйин товлаётган қабила-уруғлар анчагина эди. Бобир Кобулнинг барча вилоятлари, туманларини ҳали яхши билмасди. Давлатнинг иқтисодий қурилишини жойига қўйиш, ҳар бир туман, қишлоқнинг аҳволи, ер-суви, экин-ҳосили билан танишиб, сўнг олинадиган солиқлар ҳажмини аниқлаш, бебош қавмлар, турли уруғларни бўйсундириш лозим ва шундан кейингина Ҳиндистон томон юриш қилиш мумкинлигини Бобир тушуниб етди.

Бобир Қошғар ҳокими Султон Саидхон билан алоқа боғлаш учун унга Қулибек деганни элчи қилиб юборган эди. Ўз навбатида Қошғар ҳокими ҳам Бешка Мирзо деганни Кобулга юбориб, Бобирга яхши совғалар қилади. Бундан мамнун бўлган Бобир ҳам Султон Саидхоннинг элчисини 5-6 кун меҳмон қилиб, у ҳам яхши совға-саломлар билан кузатиб қўяди.

Юқорида кўзда тутилган мақсадлар билан Бобир афгон ерларга сафар-саёҳатлар уюштиради, турли қишлоқ, туманларда бўлади, халқларнинг ҳаёти билан танишади («Бобирнома»нинг 1519 йил воқеаларига бағишланган саҳифалари асосан шу ҳақда). У афгон қабила уруғларидан солиқлар миқдорини аниқлашда уларнинг одатий солиқ тўлаш тартибларига ҳам ҳурмат билан қарайди ва бу одатларини мумкин қадар сақлашга уринади. Янги давлатни идора қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш учун бўлса керак, махсус фикҳ дарслари уюштирилгани ҳақида «Бобирнома»да маълумот бор (Мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ҳақида). Ана шундай фикҳ дари пайшанба куни Мулло Маҳмуд деган олим қошида ўтказилгани ҳақида зикр қилинган.

Давлатда тартиб-интизом аста-секин ўрнатилиб, исломий қоидаларга риоя қилингани учун кўплаб афгон қабила бошлиқлари совға-саломлар билан ихтиёрий равишда Бобир ҳузурига келиб, унга тобелик изҳор қиладилар. Бобир ҳам уларни дўстона қабул қилиб, совға-саломлар билан сийлайди. Шу билан бирга қўшинларга, отларга озиқ-овқат топиш, умуман кундалик ҳаётни таъминлаш учун баъзан қаттиққўллик билан иш кўришга ҳам тўғри келарди. Бобир атроф вилоятлардаги уруғ-қабила бошлиқ-

ларини тинч-тотувликка таклиф қилиб, улар номига ёрликлар ёзиб юборади. Кўплаб афгон қабилаларининг бошлиқлари Бобир хизматига ўтиб, унга тобелик билдирадilar.

Бобир афгон туманлари билан танишиш ва ўрганиш мақсадида саёҳатлар қилар экан, сафар давомида унинг айрим ноёб шахсий фазилатлари намоён бўладики, булар Бобир ҳаётининг шу вақтгача эътибор берилмаган муҳим нуқталаридир. Бундай фазилатларидан бири Бобирнинг табиат гўзаллигига шайдолигидир. Қаерга борса, у табиат манзараларини ҳавас билан кузатади ва уларга маҳорат билан таъриф беради. Чунончи, ҳижрий 925 йилнинг сафар (1519 йил феврал) ойи ўрталарида эрталаб йўлга чиқишиб, пешинга яқин Қандаҳор мавзенда тўхташади. Мана, бу мавзенинг таърифи: у Беҳра қалъсидан 10 курух (тахм. 20 км.) масофадаги Жуд тоғининг орасида жойлашган, атроф кенг ва ям-яшил дала. Дала ўртасида тоғлардан оқиб тушган сувлардан пайдо бўлган кўл бор. Шимол томонда деярли уч курухга чўзилган гўзал водий ястаниб ётибди. Фарбдан эса тоғ ёнбағри бўйлаб кичкина дарёча оқиб тушмоқда. Ҳавоси ниҳоятда тоза, жуда ҳам ёқимли жой. Бобир бу водийда кейинча бир боғ қурдириб, унга Боғи Сафо деб ном берган. Бир жойда қизил, сариқ очилган ва дарё бўйлари-гача чўзилиб ётган табиий гулзор-баҳор гулларини ва лолазорларини, бошқа бир жойда кузда пишиб етилган қип-қизил анорзор ва сап-сариқ норинж (апелсин) дарахтларини, барглари саргайиб қолган теракзорларни ҳавас ва муҳаббат билан таърифлайди. Мана, бир олма кўчатининг таърифи: «Бир олма ниҳоли яхши хазон бўлиб эди, ҳар қайси шохда беш-олти (тадан) барг снёқ била (яъни қаторасига) қолиб эди, андоққим, агар наққошлар такаллуф била тортсалар (суратини олсалар-С.Ж.) онча торта олмагай эдилар». Табиийки, бир олма кўчати япроқларининг тизилиб жойлашувини таърифлаш учун ниҳоятда синчковлик билан кузатиш лозим. Табиат шайдоси бўлган Бобир бу жойларда ҳам кейинча боғлар қурдиргани ҳақида «Бобирнома»да хабар беради. Улуғ Жавоҳарлал Неру Бобирга таъриф берар экан, уни тарихда ўтган энг маданиятли ва дилбар шахслардан бири экани, у боғларни, гулларни яхши кўриши ҳақида ёзганида мутлақо ҳақ эди.

<sup>1</sup> Бобирнома, 314-бет.

<sup>2</sup> Ж. Неру. Взгляд на всемирную историю., Том 2, М., 1981, стр. 57

Бобир 40 ёшга қирганда ичкилик ичишни ташлаш ҳақида ўзига-ўзи қатъий ваъда берган эди. Ушбу йиллар 40 ёшга яқинлашаётган вақтга тўғри келгани учунми, «Бобирнома»нинг ўша саҳифаларида тез-тез базмлар қуриб чағир ичишлар ҳақида кўп ёзилган.

Бобир уюштирган жўрачилик базмларини кузатар эканмиз, бир ҳолат киши диққатини ўзига жалб қилади: у ҳар доим хурсанд эмас, нимадандир кўнгли тўлмайди, дўстлари, улфатлари маст, аммо у кўпинча ҳушёр. Баъзан эса шунчалик ичадики, бутунлай ўзини йўқотиб қўяди. Озроқ одам иштирок қилган базмда тамбурчи ёки удчи чақиртириб, мусиқа ва ашула эшитади. Бир куни эрталаб якка ўзи қабристонга бориб Қобил деганнинг қабри устида «Сабухий» қилади (яъни «бош оғриғига» ичади) ва ўйга толади. Бироқ унинг кетидан жўралари излаб келишиб, оромини бузишгани учун ранжийди. Бобир кўпроқ ёлғиз қолишни хоҳларди. Кунлардан бирида ярим кечада боғдан чиқиб, соқчиларига жавоб бериб юборади-да, якка ўзи туни билан сайр қилади ва саҳар-намоз вақтида Турдибек Ҳоксор деганнинг ариғи бўйига келиб қолади. Турдибек Бобирни таниб, (якка юргани учун) ташвиш билан унинг олдига келади. Бобир Турдибекка бир мунча пул бериб, фақат икковлари учун базм анжоми тайёрлашни буюради. Бир тепалик устида икковлари улфатчилик қилишади. Бобирнинг вақти чоғ. Буни қарангки, Турдибек чағир олиб келаётганда Бобирнинг икки мулозими уни кўриб қолган экан, Бобир борлигидан беҳабар ҳолда орқасидан келишса, Бобир ўтирибди. Кўнгилчан Бобир ноиложликдан уларни ҳам улфатчиликка таклиф қилади. Таклиф қилади-ю, бироқ кўнгли тўлмайди. Шоҳи исмли бир қаландар ҳамда бир рубобчини топтириб келтириб, алламаҳалгача ашула ва мусиқа эшитади. Лекин барибир кўнгли тўлмайди. У ёлғизликни истарди. Шомдан кейин Бобир Турдибек уйига кириб, шам ёруғида якка ўзи чағир ичади. «Бирон бир фирибгарликсиз ва самимий ўлтириш бўлди» - деб ёзади у.

Бобирнинг бу кайфиятларини кузатар эканмиз, унда дастлабига билинмайдиган қанақадир бир ўкинч, ўз ҳаётидан қандайдир кўнгли тўлмаслик ҳолатларининг намоён бўлаётганини сезиш мумкин. У Турдибекнинг уйдан чиқиб отда якка ўзи кетмоқчи эди, бироқ айримлар яна кўриб қолишади ва буни иложи бўлмайди. Бир куни шомдан кейин гулханда кабоб пиширти-

риб ейишни кўнгли хоҳлади, ўшанда Бобир гулхан атрофида ўйчан ўлтириб фақат ўтга тикилиб қолар эди. Одамларнинг маст бўлишларидан зерикиб, ниҳоят махсус фармон чиқаради. Фармонга биноан, кимки ичиб маст бўлса, қайтиб базмга қўйилмайдиган бўлади.

Бобир бу вақтлари шунчалик ўз хаёли билан банд бўлиб юрганки, ҳатто 4-5 ойгача сочини олдириш ҳам хаёлига келмаган.

«Бобирнома»дан шу нарса маълум бўладики, у Кобул туманлари билан танишар экан, вақтни фақат меҳмондорчилигу, жўрачилик билангина ўтказмаган. У доимо ижод қилган ва шеърларидан девон тузган. Ҳофиз Миркотиб деганнинг оға-инилари Самарқанддан меҳмонга келиб, ўша кунлари Бобир ҳузурда эканлар, қайтишлари чоғида улар орқали ўз девонини Самарқандга - Пўлат султонга юборади. Девоннинг орқа муқовасига ушбу ғазални ёзиб қўяди:

*«Ул сарвнинг ҳаримига гар етсанг, эй сабо,  
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.  
Раҳм айлабон соғинмади Бобирни, бор умид,  
Солгай худой раҳми Фўлод кўнглига.»*

Фикримизча, ушбу тўртлик Бобирнинг биз юқорида эътибор берган кайфиятини бир оз бўлса-да баён этади. Бундан ташқари Бобир Кобул атрофига қилган сафар чоғида Алишер Навоий ижодини ўрганиш билан ҳам шуғулланган. «Бобирнома»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Одина (жума) кунининг йигирма учида Алишербекнинг тўрт девонидин бухур, авзон (тартиб била ғазаллар) ва абётким, еттихоб қилинадур эди, итмомиға етди». Афтидан Бобир ушбу йиллари ўзининг «Мухтасар» (Аруз ҳақида) асари устида ҳам иш олиб борган. Яна қизиғи шуки, у Навоий ғазалларидан «Сайланма» тузганлиги билинади.

Шундай қилиб, Бобир ўзининг янги Кобул давлатида зарур тартиб ва сиёсий интизом ўрнатади, ниҳоят кейинги ва асосий мақсади - Ҳиндистоннинг юраги бўлмиш Деҳли томон юриш бошлаш учун тўла имконият яратилади.

---

<sup>1</sup> Бу ерда Фўлод икки маънода келади: бири Пўлат Султон, иккинчиси «бағри тош, раҳмсиз». Бобирнома, 217-бет.

Бобир шимолий Ҳиндистоннинг азалдан туркий қавмлар ери бўлган Бехра, Хушоб, Чаноб, Чанут каби вилоятлар ҳукмронларини тинчлик билан унга таслим бўлишлари ва ўлпон тўлашларини сўраб, Шоҳ Ҳасан деган ишончли кишисини бу вилоятларга элчи қилиб юборади. Бобир Бажурни эгаллаганида Шоҳ Ҳасан ҳам унинг ҳузурига хушхабар билан келган эди: Шоҳ Ҳасан ушбу вилоятлар билан тинчлик сулҳи тузишга ва бир миқдор маблағ ҳам тўплашга муваффақ бўлган.

Юқорида айтилганидек, Деҳли султонлиги ҳукуматида ҳам султон Иброҳим Лўдийнинг деспотик ҳукмронлигидан норози кучлар тўпланаётган эди. Айниқса ҳарбий саркардаларнинг жойлардаги азалий ҳукмронликларини йўқ қилишга қаратилган Иброҳим Лўдий ҳаракатлари қаттиқ қаршиликка учраб, қўзғолонлар келтириб чиқаради. Ниҳоят маҳаллий афғон ҳукмронлари ҳамда қўшинларнинг афғон ҳарбий бошлиқлари Бобирга одам юбориб, Деҳли султони зулмидан озод қилишни сўрайди. 1522 йил Султон Иброҳимнинг тоғаси Алоуддин ҳам Бобирдан ёрдам сўраб, Кобулга келади. Агар Бобир Иброҳим қаршилигини синдира олса, уни Деҳли тахтига кўтаришга ваъда беради. Лохур-Панжоб ҳокими Давлатхон ҳам ўз навбатида афғон бекларига қўшилиб, Бобирдан ёрдам сўрайди.

Табийки, Бобир бу икки томонлама таклифдан мамнун эди. Қўшинни тартибга солиб, дарҳол йўлга чиқади. 1524 йили юриш бошлаб Синд дарёсидан ўтади, Чаноб, Жилем вилоятларини қўлга киритиб, бевосита Лохурга яқинлашади. Иброҳим Лўдий қўшинлари билан бўлиб ўтган дастлабки жанг С.Азимжонованинг ёзишича, «Шаш-Курух» деган мавзеда бўлиб ўтади. Аммо галаба осонликча қўлга кирмади. Иброҳим Лўдий армиясининг кўмондони Баҳодирхон Лўдий шу мавзеда Бобир армияси билан юзма-юз келиб, дастлабига ҳинд қўшинларининг қўли баланд келади, Бобир анчагина талафот кўради. Ниҳоят ҳал қилувчи сўнгги ҳужум Бобир қўшинига галаба келтиради ва Бобир галаба билан Лохур шаҳрига кириб келади. Ҳали уруш тугамаган эди, шунинг учун Лохурда кўп тўхтамасдан, ҳужумни давом эттириб, Диболпур вилояти томон юради ва уни ҳам эгаллаб, дарҳол жойларга янги ҳоким тайинлайди.

Янгидан қўлга киритилган Ҳиндистон вилоятларига раҳбарлар тайинлаш, Лохурнинг собиқ ҳокими Давлатхон норозилигини ҳисобга олмаганда асосан тинчлик билан яқун-

ланади (Давлатхонга Лохурдан бошқа вилоят теккани ва Лохурга Бобир амири Мир Абдул Азиз ҳоким этиб тайинлангани учун Давлатхон норози бўлиб, Бобирга қарши ҳарбий ҳийла ишлатади. Бобир уни жазолаб аввалига зиндонга ташлатади, лекин барибир раҳмдиллик қилиб, кейинча гуноҳини кечади). Бобир ўз яқинларидан яна Хусрав Кўкалдош ва Муҳаммад Алиларни янги вилоятлардан иккитасига ҳоким этиб тайинлайди. Бобирга ёрдам берган маҳаллий ҳокимлардан Оламхон ва Диловархонлар ҳам Дивалпур ва Жаланхар вилоятларига ҳоким этиб тайинланади. Бобир Деҳлига етмасданоқ Қобулга қайтади - келаси ҳужумларга тайёрланиш лозим эди. Аммо Лохур ва Панжобнинг собиқ ҳокими Давлатхон ўз тақдирдан барибир норози. Шунинг учун Бобир йўқлигидан фойдаланиб яна бош кўтаради ва мусулмонларга ҳужумлар уюштиради. Бироқ унинг муваффақиятлари вақтинча эди: тез орада бу ҳарбий тўқнашувларга барҳам берилади.

Бобирнинг 1526 йил кузидан бошлаб, Ҳиндистон томон юриши ва ҳал қилувчи Панипат жанги С. Азимжонова томонидан ўз даври назари билан қисқа сатрларда ёритилган.<sup>1</sup> Биз эса «Бобирнома»да тилга олинган воқеалар ҳақида кўпроқ тўхталамиз. Шундай қилиб, Бобир ҳижрий 932 йил сафар ойининг боши - жума (яъни 1525 йил 17 ноябр) куни ўғли Комрон Мирзони ўз ўрнига Кобулда қолдириб (унгача Ҳумоюнни Бадахшонга ҳоким этиб тайинлаган эди) Ҳиндистон томон ҳал қилувчи юришини бошлайди. Бу Бобирнинг Ҳиндистон сари уюштирган сўнгги - бешинчи юриши эди. Аввал айтилганидек, Ҳиндистондаги азалий туркий қавмларнинг ер-мулки бўлмиш баъзи шаҳарлардан Бобир темурийзода сифатида маълум тўловлар талаб қилган эди. Лохур ҳокими Хожа Ҳасан 20 минг шоҳруҳийга тенг келадиган олтин юборган экан, махсус хабарчи келиб, омонатни Бобирга топширади. Бобир қўшинлари бир ҳафта йўл юриб, Боғи Вафога келиб тушадилар ва Ҳумоюн билан келишилганидек, шу ерда унинг қўшинини кутиб, бир неча кун ушбу боғда туриб қолишади. Бироқ Ҳумоюн келишилган муддатдан кеч қолиб, сафар ойининг 17 куни келади - бу интизом-

---

<sup>1</sup> Кўрс. асар, гл. IX., Панипатская битва, стр. 112-117.

сизлиги учун Бобирдан жиддий танбеҳ олади. Шунингдек Фазна ҳокими Хожа Калон ҳам ўз лашкарлари билан шу ерга келиб, Бобирга қўшилади ва барчаси биргалашиб Деҳли томон йўлда давом этадилар.

Таажжуб: Бобир ҳарбий юриш чоғида ҳам қўшинлар тўхтаган бекатларда базмлар, шеърхонлик кечалари уюштиради. Кулгу учун турли ҳазил-мутойиба, баъзан одобга сизмас шеърлар, айтишувлар ва кўнгил очишлар бўлади. Бобир эса айтилган барча янги шеърларни эринмай ёзиб оларди. Кейинчалик Бобир бундай ҳазил, беандоза шеърлар тўқилишига изн бергани учун ўзидан хижолат чекади ва Оллоҳга мурожаат қилиб, узрлар сўрайди. Йўлда давом этиб, Панжобнинг Бигром деган шаҳри атрофига етишганда каркидон ови уюштиришади. Ўша кунни Бобир қўшинлари расмий рўйхатга олинади. Қўшинлари ҳисобини аниқлашганда аскарлар навқарлар, бошқа хизматчилар - ҳаммаси бўлиб, 12 минг киши экани маълум бўлади. Гулбадан Бегимнинг кўрсатишича, урушда қатнаша оладиган қисми фақат 6-7 минг кишигина эди, холос.

Кутилмаганда Давлатхон ва Ғозихон 20-30 минг аскар тўплаб, Лохурга ҳужум бошлангани ҳақида Бобирга хабар келади. Бобир дарҳол Лохурга одам юбориб, у етди боргунча жангга киришмасликларини буюради ва Лохур томон юришни тезлаштиради. Икки кеча кундуз тўхтамай юришиб, ниҳоят Синд дарёсидан ўтиб, соҳилда тўхташади. Бу ердаги Сиялкут тоғлари атрофида, қўшинга керакли озиқ-овқат ғамлашади ва Лохур томон яқинлашиб Бобир Чаноб (Чиноб) дарёси бўйидаги Бахлулпур қишлоғида лагер-қароргоҳ қуради. Бироқ Давлатхон Бобир билан юзма-юз келишдан ҳайиқиб, Лохур атрофидан Милват шаҳрига чекинади. Бобир қўшинлари унинг кетидан Милватга ҳужум қилиб, шаҳарни ўраб оладилар. Лохурликлар эса Бобирни кутишаётган эдилар - бу ҳақда унга хабар берадилар.

Бобир қўшинлари Милват атрофидаги Қалъан Нурни эгаллайди. Қалъанинг баъзи беклари ихтиёрий равишда Бобир хизматига ўтишади. Давлатхон ҳам Милватдан Бобирга одам юбориб, агар узрини қабул қилса, унга хизматга ўтажанини билдиради. Албатта, Бобир ўч олувчи эмас, унинг узрини қабул қилади - Давлатхон ўғли Алихон билан келиб, Бобирга

бўйсунди. Давлатхон Бобир олдида унинг буйруғи билан иккита қиличини бўйнига осиб турар экан (қилични бўйнига осиб - таслим бўлиш аломатидир), такаббурлик қилиб ҳадеганда тиз чўкавермагач, Бобир уни мажбуран тиз чўқдиради ва таржимон орқали унга, отаси ёшидаги одам деб унга қилган яхшиликларини эсига солади. Шунга қарамай, у душманлик кайфиятида бўлганини Бобирга таъна қилади. Бобир берган ваъдасига биноан Давлатхонни ўлдиришга буюрмайди. Давлатхон эса қилмишидан хижолатда.

Милват забт этилгач, хонлардан Диловархон ва Ҳожихон ҳам ўз ихтиёри билан Бобирга келиб таслим бўлишади. Бобир учун Милватда қўлга киритилган энг қимматли бойлик-Давлатхон укаси Ҳозихоннинг кутубхонаси бўлди. Анчагина қимматбаҳо китоблар қўлга олинади. Бобир бу китобларни бир қисмини ўғли Комрон Мирзога (Кобулга) юборади. Қолганларини Ҳумоюн Мирзога топширади. Бироқ Ҳозихон қочиб, жазодан қутулиб қолади.

Милватни ва айрим бошқа қалъаларни олгач, Бобир бутун Панжоб вилоятининг ҳукрони бўлиб қолган эди. Бу биринчи ғалаба шарофати учун катта базм берилади.

Панжоб олингач, Бобир яна бир хавфли ишга қўл урди. Милватда Ҳозихон кутубхонаси қўлга олингани юқорида айтилган эди. Заруратдан олиб барча китобларини тўплаб, Панжобнинг бош шаҳри - Амритсарда махсус кутубхона ташкил қилдирди. Ишончли Бобир тадқиқотчиларидан Вильям Эркиннинг таъкидлашича, Бобир Андижонда - Фарғонада эканидаёқ кутубхона ташкил қилиш орзусида бўлган эди. Бироқ беҳаловат дамлар эзгу орзунинг рўёбга чиқишига имкон бермаган эди. Ниҳоят, мана қулай фурсат келди. Панжобда у аҳолидан китоблар сотиб олишни ташкил қилди, у ҳақда махсус жарчилар орқали эълон қилдирди. Бобир амрига биноан Амритсар шаҳрида кутубхона учун махсус бино қурилди. Эркиннинг таъкидлашича, бу - Шарқ тарихида дастлабки қурилган кутубхона биноси эди. Бу ишлар учун Бобир кўплаб миқдорда олтин сарфлади. Энди навбат Деҳлига юриш эди. Бу ҳақда Бобир шундай деб ёзади: «... Ҳиммат рикобиға (узангисига - С.Ж.) оёқ қўюб, таваккул инониға илик уруб, (яъни Оллоҳга бўлган умид жиловини қўлга олиб - С.Ж.) султон Ибро-

ҳим... Лудий афғоннинг устигаким, ул тарихда Деҳли пойтахти ва Ҳиндустон мамолики анинг тахти тасарруфида эди... мутаважжих бўлду»<sup>1</sup>. Бобирнинг ёзишича, Иброҳим Лўдийнинг армияси бир лақдан (100 минг) иборат ва бир мингта жанговор фили ҳам бор эди. Гулбадан Бегим маълумотиға қараганда эса, «Иброҳим Лўдий армияси 180 минг отлиқ аскар, 150 га яқин ҳарбий филга эга эди (Ҳумоюннома, 35-бет).

Аммо Бобир энди катта тажрибага эга бўлган ҳарбий саркарда, 17-18 йил аввалги Бобир эмас. Унинг ҳарбий билими ҳам анча ортган. У Ўрта Шарқ мамлакатларида ўтган ўз даврининг кўзга кўринган ҳарбий саркардаларнинг илғор тажрибаларини, ҳарбий тактикасини пухта ўрганган. Хусусан, Шайбонийхон армиясининг машҳур «тўлғама» усулини Бобир яхши ўзлаштирган эди. Бундан ташқари Бобир лашкарлари порох билан отадиган оврўпача милтиқ билан қуролланган. Энг муҳими - энди Бобир ихтиёрида замбараклар ҳам бор, улар ёлланган турк артиллериячилари томонидан ишга туширилган. Душман армияси, гарчи сон жиҳатдан 8-10 марта кўп бўлса ҳам, аммо фақат эскича камон, найза ва қилич билан қуролланган холос. Камонни ҳисобламаса, бошқа қуроллар ғаним билан фақат юзма-юз келгандагина иш беради. Милтиқ ва замбарак эса умуман ҳинд армиясига маълум эмас.

Қўлга олинган Милват қўшини атроф тоғлардаги, етиб бориш қийин бўлган баъзи қалъаларни эгаллаб, улар ҳам Бобирга келиб қўшиладилар. Бобир қўшинлари юришда давом этиб, Арупар деган мавзеге келганида шиддатли ёмғир ёға бошлайди ва кеч куз мавсуми бўлгани учун совуқ тушади. Кўплаб ҳиндулар совуққа чидамай ҳалок бўладилар.

Воқеалар тафсилоти шундан дарак берадики, умуман ҳиндистонликларда қандайдир сусткашлик бор, улар шиддатли урушни унча хоҳламайдилар, айрим ҳолларда султон Иброҳим Лўдийни қўллаб-қувватламайдилар ҳам. Бобир қўшинлари Сирҳинд қалъасига яқинлашганида бир ҳинду келиб ўзини «элчима» деб таништиради ва бирон кишини унга қўшиб Иброҳимга (уруш қилмасликни сўраш учунми?) элчи қилиб юборишни илтимос қилади. Бобир кўниб, Саводий деган соқчини унга

---

<sup>1</sup> Бобирнома, 139-бет.

қўшиб Иброҳимга юборади. Бироқ, Иброҳимнинг буйруғи билан улар қўлга олиниб, занжирбанд қилингани, Иброҳим Лўдий ҳам юриш бошлаб йўлга чиққани ҳақида Бобирга хабар келади. Фаним томондан Ҳамидхон деганнинг қўшини ҳам Ҳисори Фируза қалъасидан чиқиб, 20-30 км. ча Бобир томонга юргани ҳақида ҳам маълумот келади. Бобир қўшинларининг ўнг қанотига тайинланган беклар: Хожа Калон, Султон Муҳаммад Дўлдой, Вали Хазин, шунингдек, яна айрим бекларга Ҳумоюн бошчилигида Ҳамидхон лашкарининг дафъи учун юриш бошлаш ҳақида буйруқ бўлади.

Раббиял аввал ойнинг ўн тўртинчи, душанба (яъни 1525 йил, 29 декабр) куни Ҳумоюн Мирзо Ҳамидхон қўшинига қарши юради. Аввалига Ҳумоюн 150 тача ботир йигитини олдинга юборади. Улар душман ичига пиддат билан кириб бориб, қаттиқ олишув бошлаганларида Ҳумоюн етиб келади, ҳиндлар унинг қўшинидан чекиниб, қоча бошлайди. Қочганларни қувиб етишади ва орадан кўп ўтмай Ҳумоюн ғолиб келиб, бир қанча аскар ва 7-8 та филни асир олади. Бу - 18 ёшли Ҳумоюн Мирзонинг жанглардаги биринчи ғалабаси, умуман эса, Бобир армиясининг Панипатдаги тўқнашувдан олдин қўлга киритган иккинчи ғалабаси эди. Ғолиб Ҳумоюн отаси олдига келиб, мулозимат билдиради. Бобир хурсандлигидан ўғлига устидаги ўз чопонини ечиб кийдиради ва бир от, бошқа мукофотлар ҳам беради. Ҳумоюннинг ғалабаси ҳал қилувчи жанглар олдидан яхшилик хабари бўлди, деб ёзади Бобир. Бу хушxabарни Комрон Мирзога ҳам етказиш учун Раҳмат-пиёда деганни Кобулга юборади. Шу ғалаба учун Ҳисори Фируза вилояти, атроф туманлари билан Ҳумоюн Мирзога мукофотга берилади.

Бобир Шоҳободга келиб тўхтаб, «тил тутиб келиш» учун Иброҳим Лўдий томонга махсус киши юборади. Иброҳим Лўдий қўшинлари ҳар куни 4-5 км.дан юриш қилиб жойларда 2-3 кундан туриб қолаётгани ҳақида хабар келиб туради.

Бобир армияси Жўн дарёсидан ўтганда юборилган разведкачи қуйидаги маълумотни олиб келади: Иброҳим Лўдий Довудхон ва Хайтимхон бошлиқ 5-6 минглик қўшинни олдинга юборган, улар асосий армиядан 7-8 км. олдинроқда саф қуриб тўхташган. Бобир ўз армияси сўл қанотининг барча аскарларини Чин Темур султон ва Одил султон бошчилигида дарҳол уларга қарши отлантиради. Ушбу қўшин тунда юриш бош-

лаб, эрталабки намоз вақтида душман билан бевосита тўқнашади. Ҳинд аскарлари аввалига ўзларини ҳужумга ўтадигандек тутишади-ю, лекин бироз олға юргач, барча орқага қоча бошлайди. Бобир аскарлари уларни Иброҳим Лўдий қўшини турган жойгача (7-8 км. гача) қувиб боради ва кўпинча отларидан қулатиб асир олади. Бобирчилар Хайтимхонни ва яна бир ҳарбий командирини 70-80 та аскар ва 6-7 жангвор фили билан асир олиб қайтадилар. Бу - Бобирнинг асосий жанг олдидаги учинчи ғалабаси эди.

Кунлар ўтиб, ҳал қилувчи жанглар яқинлашмоқда. Сўнгги тайёргарлик учун Бобир катта бир майдонда қароргоҳ қуриб, қўшинларни ўнг қанот, чап қанот ва марказ қисмларга ажратади ва умумий кўрик уюштиради. Ҳисоб-китоб қилинганда аскарлар сони негадир илгариги мўлжалдагидан озроқ чиқади. Шу ерда асосий жанг режаси ҳам тузилади. Бобир аскарларга қаерлардан бўлса ҳам аробалар топиб келтириш ҳақида фармон беради. 2-3 кунда атрофдан ҳаммаси бўлиб 7000 та ароба тўплайдилар.

Сўнгра Бобир устод Алиқули деганга шундай фармон беради: турклар тажрибасига кўра («Рум дастури била») аробалар бир-бирига моташтириб боғлансин, занжир ўрнига молларнинг хом терисидан тасма қилиб арғамчилар эшилсин. Ҳар жуфт ароба ўртасида 6-7 тадан тўсиқ-қалқон ясалсин: мерганлар аробалар ва шу қалқонлар орқасидан туриб милтиқ отишлари керак.

Мана шу буйруққа биноан, бу вазифани бажариш учун деярли бир ҳафта вақт кетади. Бу ишлар бажарилгач, Бобир барча беклари ва ботир йигитларини тўплаб, ҳарбий кенгаш чақиради. Мана, ушбу кенгаш қарори: Панипат катта бир шаҳар бўлгани сабабли иморатлари ҳам кўп, шунингдек, шаҳар атрофи ҳам кенг. Бобир қўшинлари шундай жойлашсинки, бир томонида шаҳар иморатлари бўлади - қўшинни ён томондан ўша иморатлар тўсиб туради. Очиқ томон эса бир-бирига маҳкам боғланган аробалар, ароба оралиқлари махсус тўсиқ-қалқонлар билан мустаҳкамланади, аскарлар, келишилганидек, шу тўсиқлар орқасида туриб милтиқ ва камон отадилар.

Шу ҳақда қарор қабул қилингач, Бобир армияси тўпланган барча аробалари-ю, анжомлар билан Панипат томон йўлга чиқади ва Жумодил охир ойининг сўнгги - пайшанба (яъни, 1526 йил, апрел ойининг 12-санаси) куни Панипатга етиб келади. Бобир қўшинларининг ўнг томони шаҳар атрофи эди. Ке-

лишилганидек, олд томонга бир-бирига қайишлар билан маҳкам боғланган аробалар ўрнаштирилади, ҳар жуфт ароба ўртасига эса ораліқ тўсиқ-қалқонлар ясалади. Бутунлай бўш қолган ароба етмаган очіқ томонда хандақлар қазилади ва хандақларнинг олд томонига кесилган дарахтлардан тўсиқлар қўйилади. Ҳар бир ўқ отимича келадиган масофада 100-150 та от ўткудек очіқ жойлар қолдирилади.

Бобирнинг баъзи аскарлари узоқ масофага чўзилган бу ҳарбий иншоотларни кўриб кўрқувдан ваҳимага тушади. Аммо Бобир: «Неким азалда тенгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас» деб мустаҳкам эътиқод билан таъкидлайди. Иккинчи томондан Бобир ваҳимага тушганларни ҳам ўзича тушунарди: ахир улар ўз юртидан 2-3 ойлик масофага узоқлашиб кетган ва ўзга халқлар орасида яшайпти. Бинобарин, аскарлардан хафа бўлиш ҳам инсофдан эмас - деб одилона фикр юргизади.

Бобир таърифига қараганда, султон Иброҳим Лўдийда ҳарбий тажриба етишмайди: армиясининг тузилишида ҳам, бир жойдан иккинчи жойга юришида ҳам, ҳатто жангда ҳам уларда интилиш, шижоат йўқ. Бобир ўз армиясини Панипатга келтиргач, тузилган режага биноан кўшинлар атрофини аробалар, йиқитилган дарахтлар ва хандақлар билан ўраб мустаҳкамлайди. Тунги қоровуллар бутун лагерни кўриқлаб чиқадилар.

Бобир армиясининг жанговар ҳолати бу сафар анча мураккаб ва бошқа Шарқ мамлакатларидаги машҳур қўмондонларнинг тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган эди. Армиянинг асосий маркази (ғўл) Бобир қўмондонлиги остида, ўнг қанотига Ҳумоюн Мирзо, Хожа Калон бошлиқ олтига синалган бекларнинг бўлинмалари қўйилади, чап қанотга ҳам Муҳаммад Султон Мирзо, Маҳдихўжа, Одил Султон каби ҳаммаси бўлиб ўнга бекнинг ўртача бўлинмалари тайинланади. Бундан ташқари яна бир тартиб-армия марказининг «ўнг қўли» ва «чап қўли» ҳам тузилади. «Ўнг қўл»га Чин Темур Султон, Сулаймон Мирзо каби егитга тажрибали бекларнинг бўлинмалари, «Чап қўлга» Аҳмад парвоначи, Турдибек каби яна егитга бек бўлинмаси берилтилади. Фул (марказ)нинг олд томони - авангард қисмига Хисрав Кўкалдош ва Муҳаммад Али жанг-жанг бошлиқ қилиб тайинланади. Яна алоҳида ёрдамчи бўлинма ҳам ташкил қилиниб,

---

<sup>1</sup> Бобирнома, 334-бет.

унга Абдул Азиз Мирохур қўмондон қилиб тайинланади. Булар, топшириққа биноан, душман яқин келганда ўнг ва сўл томондан унинг орқасига ўтиб, ўраб олишлари ва «тўлғам» жанг тактикасини қўллашлари лозим.

Шундай қилиб қўшин жангга тайёр. Бобир фикрича, биринчи бўлиб ҳиндистонликлар ҳужум бошлаши керак. Лекин негадир ҳужумдан дарак йўқ. Душман «қитиғига тегиш» учун Бобир бир қисм аскарни қўққисдан ҳужумга юбориб ҳам кўрди. Ниҳоят, ражаб ойининг 8 кун (1526 йил 21 апрел) азон паллада душман ҳужумга ўтгани ҳақида хабар келади. Бобир лашкарлари ҳам жанговар ҳолда отларга миниб, фармон кутиб туришади. Тарихий Панипат жанги бошланмоқда эди. Душман кучининг асосий қисми Бобир ўрдусининг ўнг қаноти томон келаётгани маълум бўлади. Дарҳол ёрдамчи бўлим бошлиғи Абдул Азиз ўз аскарлари билан ўнг томонни мустаҳкамлашга жўнагилади. Бостириб келаётган Иброҳим Лўдий ўрдуси Бобир қўшинларининг жанговар ҳолатда кутиб турганини кўриб, юришни ҳам, тўхташни ҳам билмай, андак довдираб қолади.

Душман орқасига ўтиб «тўлғам» тактикасини қўллашга мўлжалланган қўшинга ўнг ва сўл томондан дарҳол душман орқасига ўтишга ва отишма билан жанг бошлашга буйруқ берилади. Биринчи бўлиб сўл қанотдан Маҳди Хўжа аскарлари юриди-ю, уруш бошланади. Душман томондан унга қарши бир фил билан бир бўлим ҳужум бошлаган эди. Бобир дарҳол учта бекнинг бўлинмасини Маҳди Хўжага ёрдамга юбориб, мағлубият хавфининг олди олинади. Айни пайтда ўнг қанотда ҳам жанг бошланади. Устод Али Қули марказ олдида қўйилган замбараклардан айни мўлжалга тегадиган отишмалар қилади. Бир вақтда Мустафо Тўпчи ҳам марказнинг сўл қанотидаги аробалар орасига ўрнатилган замбаракдан икки марта роса мўлжалга уради. Ўнг ва сўл қанотдаги ва марказдаги қўшин ҳамда душман орқасига ўтиб олган аскарлар умумий кўрсатмага биноан бир вақтда юриш бошлайди ва душманни ҳар томондан ўраб олишади, улар устига камондан тўхтамай ўқ ёғдирадилар. Душман ҳам ўнг ва сўл қанотдан бир-икки марта қарши ҳужум қилади, лекин Бобир аскарлари улар устига камондан ёмғирдек ўқ ёғдириб, ганим аскарларини марказга қисиб қўяди - ҳиндулар бир майдонда уймалашиб жилолмай қолишади.

Кун бир оз кўтарилганда Бобир барча қўшинларига бирдан ҳужум бошлашга буйруқ беради - ҳал қилувчи жанг бошланади.

Пешин вақтигача уруш давом этади. Кун пешиндан оққанда ниҳоят душман қўшинлари мағлуб бўлади. Барча беклар, бўлим бошлиқлари хурсанд. Бобир ёзади:

«Тенгри таоло фазл ва қарами била муңдоқ душвор ишни бизга осон қилди ва андоқ қалин черикни ярим кувда андоқ ер била яксон қилди». <sup>1</sup> Гулбадан Бегим ёзади: «Бу ғалаба худонинг муҳаббати туфайли қўлга киритилди».

Душман томондан кўп киши ҳалок бўлди. Кейин аниқлашганда ҳаммаси бўлиб 40-50 минг ҳинду аскарлари ўлгани ҳақида маълумот келади.

Бобир лашкарлари мағлуб бўлиб қочганларни қувлаб, отларидан уриб туширадилар ва жуда кўп асир олинади. Ҳинд филбонлари ўз филларини тўплаб, совға сифатида тақдим қиладилар. Бобир ёв бошлиғи Иброҳим Лўдийни қочиб кетган деб гумон қилиб, Қосимтой Мирзо ва Бобо Чухра бошчилигида маҳсус бўлинма ажратиб, уни Аграгача қувлаб бориб, тириклайин ушлаб келишга буйруқ беради. Фолиб саркардалар Бобир етакчилигида Иброҳим Лўдий лагерини айланиб кўришади, бир дарёча бўйида тўхтаб, кечроқ бўлса ҳам пешин намози ўқишга тўпланганларида Иброҳим Лўдийнинг жасадини топиб, калласини Бобирга олиб келадилар. Бобир унинг жасадини тантана ва ҳурмат билан дафн этишга буйруқ қилади.

Ўша кунпёқ Бобир содиқ бекларидан олтитасини Ҳумоюн Мирзога қўшиб, Аграни эгаллашга ва Иброҳим Лўдий хазиначасини қўлга киритишга жўнатади. Шунингдек, яна бир қанча бекларни Деҳли қалъасини ва хазиначасини қўлга киритиш учун юборади. Эртасига Бобирнинг ўзи ҳам асосан қўшин билан Деҳли томон йўлга чиқади, бироқ отлар чарчаб қонгадан 2 км. ча юришиб, Жун дарёси соҳилида тўхташади. Бу ерда ўтган улуг инсон - Хусрав Деҳлавийнинг вири бўлган Шайх Низомиддин Авлиё мазорини Бобир тақлифи билан тавоф қиладилар. Эртасига дарёдан ўтиб, Деҳли қалъасига кирадилар. Бир кун қалъада тунаб, пайшанба куни Хожа Қутбиддин мазорини, шунингдек, бир қатор турк мусулмон уламолари ва ҳарбий саркардаларнинг мазорларини зиёрат қиладилар ва улардан қолган ёдгорлик - бинолар, миноралар, боғлар ва бошқа қурилишларни эринмасдан томоша қиладилар.

<sup>1</sup> Бобирнома, 336-бет.

<sup>2</sup> Ҳумоюннома, 35-бет.

Буларнинг барчаси Бобирда Ҳиндистонга нисбатан ажиб бир самимият, илиқлик ҳисларини уйғотади. Бобир Деҳли вилоятига махсус девон-ҳоким ва солиқ йиғувчи тайинлайди ва Деҳли хазинаси талон бўлмаслиги учун уни муҳрлатади.

Бобир ёнидаги уламолардан шайх Зайниддин, Мавлоно Маҳмуд ва бошқалар 1526 йил 27 апрел, жума куни Деҳлининг катта намозгоҳ масжидида Заҳириддин Муҳаммад Бобир номига хутба ўқишади ва ғарибларга ҳадя улашади. 1993 йили август-сентябр ойларида уюштирилган Бобир номи халқаро илмий экспедициямиз чоғида ушбу катта жомеъ масжидда бўлиб, Бобир даврини эсладик ва ходимлар билан суҳбатлар уюштирдик. Деҳли шаҳрида Хусрав Деҳлавий, Ҳумоюн Мирзо, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Ғолиб ва бошқа улуғларнинг мозорларини зиёрат қилдик. Бобирнинг ҳақиқий ҳарбий қўмондонлик маҳорати такомиллашганлиги шу жангда яққол намоён бўлади. Унинг жисмоний бақувватлиги, шу билан бирга чапдастлиги, мерганлиги ва ҳушёрлиги билан қилган чаққон ҳаракатлари-берган тўғри кўрсатмалари-бу сифатлари барчаси қўшилгач, Бобирнинг улуғ замондошлари-Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Исмоил Сафавий каби ўша даврнинг йирик саркардалари қаторида турадиган давлат бошлиғи ҳамда армия қўмондони экани яққол намоён бўлади. Шунингдек, Бобир армияси сафида қобулликлар, фарғоналиклар, Қундуз ва Бадахшондан тўпланган аскарлар яқдиллик билан хизмат қилдилар. Армия сафида бир қатор фидойи ҳарбий мутахассислар, беклар ва командирлар Бобир қўшинларига бошчилик қиладилар, ўзлари ҳам баҳодирларча жанг қилдилар. Уларнинг номлари фақат «Бобирнома»да тилга олинган ва ҳамон четда қолиб келмоқда.

Шундай қилиб, тарихий Панипат жанги Бобир учун ғалаба билан тугади. Бобир жангу жадалларга қарамай, Деҳлида ҳам ўз хаёлидаги яна бир эзгу ишга қўл урди. Бу ерда ҳам кутубхона учун махсус иморат қурдирди ва аҳолидан китоблар сотиб

<sup>1</sup> Навбатдаги Бобир халқаро илмий экспедицияси чоғида Панипат шаҳрида бўлган эдик (Деҳлидан 400 км.шимолда). Шаҳар четида бўлиб ўтган машҳур жанг майдонида Ҳиндистон ҳукумати ёдгорлик боғи бино қилдирган. Боққа кираверишда Панипат жангини аке эттирувчи бўртма суратли (барельеф) пайно ўрнатилган. Остига эса инглиз ва ҳинд тилларида Нерунинг қуйидаги сўзлари ёзиб қўйилган: «ПАНИПАТ ЖАНГИ ҲИНДИСТОН ТАРИХИДА БУЮК БУРИЛИШ ЯСАДИ».

олиб, шу бинога тўплаб, янги кутубхонага асос солди. Эрскин хабарига кўра, Бобирнинг Деҳли ва Амритсарда ташкил қилдирган кутубхонасидаги барча тўпланган китоблар илмий йўналиши ва тили жиҳатидан махсус жавонларга жойлаштирилган.

Панипатдаги ғалабадан сўнг Бобир Аграга жўнайди. Аграда тартиб ўрнатиш учун у ўғли Ҳумоюн Мирзони илгарироқ жўнатган эди. Ўша вақтларда Агра Гувалёр (Гвалиор) вилоятининг маркази эди. Вилоят рожаси оиласи Ҳумоюнни яхши кутиб олади ва совғалар инъом қилади. У, Бобирга қимматбаҳо жавоҳирлар билан бирга катта бир олмос (жилоланмаган бриллиант)ни ҳам ҳадя қилади. Бобирнинг ёзишича, унинг оғирлиги саккиз мисқолга тенг (яъни, 160 грамм) - дунёдаги энг катта олмос. Бир билағон заргар унинг қимматини бутун жаҳоннинг икки ярим кунлик харажатига тенг деб ҳисоблаган.<sup>1</sup> Бобир ўз табиатидаги одамийлик феълига содиқ қолиб, Иброҳим Лўдийнинг кўплаб аёнларини жазодан озод қилади ва мол-мулкни ўзларига қолдиради. Иброҳимнинг онаси ва бекларига мавқеларига яраша мулклар ажратиб беради. Онасига истиқомат қилиши учун Аградан 2 км.ча пастроқдан жой ҳам кўрсатилади.

Шундай қилиб, Бобир ўзининг азалий ороуси - Ҳиндистонни эгаллашдек бош мақсадига эришди. Бобир ёзадикки, «Бу тарихга-ча ҳамisha Ҳиндустон ҳаваси қилиштур эди. Гоҳи бекларнинг султ раийлигини, гоҳи оға-инининг ноҳампойлиги (ноаҳиллиги - С.Ж.)дин Ҳиндустон юруши муяссар бўлмас эди... Беш марта Ҳиндустонга черик торгтук. Бешинчи навбат тенгри таоло ўз фазлу қарамин била султон Иброҳимдек ғанимин мақхур ва абтар қилиб, Ҳиндустондек васеъ (кенг) мамлакатни бизга муяссар ва мусахҳар қилди».

Афтидан, Бобир Усмон бинни Сирожддин Жузжонийнинг Деҳли подшоси Носириддин Маҳмуд шоҳга (1246-1265) бағишланган «Табақоти Носирий» номли тарихий асарини мутолаа қилган ва Ҳиндистон тарихининг ислом дини кириб кел-

---

<sup>1</sup> Ҳумоюн давридан бошлаб илмий китоблар таржимасига катта эътибор берилди. Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеблар даврида эса Бобир яратган кутубхонанинг таржима бўлими анча кенгайди. Афсуски, бобирийлар сулоласининг ҳукмронлиги тугатилиб, Ҳиндистон мустахлаккага айлангач, кутубхона талон-тарож қилиниб, китоблар ҳар томонга ташиб кетилди.

<sup>2</sup> Бобирнома, 246-бет.

ган даврини яхшигина ўрганган. Бобирнинг ёзишича, жаноби Расулulloҳ тарихидан буён ушбу давргача учта мусулмон ҳукмдори Ҳиндистонни эгаллаган. Унинг биринчиси машҳур Маҳмуд Ғазнавий бўлса, учинчиси Бобирдир. Аммо улар ўртасида катта фарқ бор. Чунончи, Ғазнавий Ҳиндистонга келганида бутун Хуросон, Хоразм ва унинг атроф вилоятлари ҳамда бутун Самарқанд унинг ҳукми остида эди, унинг армияси ҳам юз мингдан ортиқ эди. Ҳиндистон эса битта давлатга бирлашмаган тарқоқ вилоятлар бўлиб, ҳар бир рожа ўз вилоятида мустақил ҳукмрон эди. Бинобарин, уни бўйсундириш Маҳмуд Ғазнавий учун осон кечган.

Бобир Ҳиндистонга юргандаги ҳолатини у даврга мутлақо таққослаб бўлмаслигига ишора қилади. У юз мингдан иборат Султон Иброҳим Лўдий армиясини бор йўғи 12 минг лашкар билан тор-мор келтириб, Ҳиндистонни забт қилди. Ваҳоланки, ушбу мамлакат шухратли, жуда ҳам қадимий эди. Бобир эса Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳам қолақолиб, бор-йўғи Кобул, Бадахшон ва Қундузга ҳукмрон эди, холос. Шимол томондан эса юз минг кўшинга эга бўлган шайбонийлар доимо хавф солиб турар эди.

Шунга қарамай, яратганга шукур келтириб, хулоса қилади Бобир, - «Тенгри таоло ранж ва машаққатимизни зойий қўлмай, мундоғ зўр ғанимини мағлуб қилиб, Ҳиндустондек кенг мамлакатни мафтўҳ айлади. Бу давлатни ўзимизнинг зўр ва қувватимиздин кўрмасбиз, балки Тенгрининг маҳзи лутф ва шафқатидиндур ва... Тенгрининг айни карам ва иноятидиндур».

Бобирнинг бу гаплари у етук мусулмони комил инсонлигини яна бир марта исбот қилди. У ҳар бир тадбирда, ҳар бир давлат ишида фақат яратгандан нажот сўрайди ва Оллоҳ Таолога таважжуҳ қилган ҳолда иш бошлайди. Бобирнинг бошқа ҳар қандай императору, султонлардан, ғарбдаги кўп ғолиб подшоҳлардан, Цезардек диктаторлардан фарқ қиладиган фазилати ҳам шундадир. Ҳиндистон бўйлаб сафаримиз чоғида Аграда ҳам бўлиб, ушбу қадимий пойтахтни томоша қилар эканмиз, Бобир Аграга киргандаги кайфиятини ўйлаймиз. Ушанда Бобир шаҳар қалъа деворига чиқиб атрофга кўз ташлар экан, Гулбадан Бегимнинг ёзишича, хурсандлигидан икки йигитни икки қўлтигидан даст кўтариб девор устида югурган эди.

---

<sup>1</sup> Бобирнома, 248-бет.

Бобир Аграда бироз хотиржам бўлгач, ўз хизматидаги одамларни, аскарлари-ю, бек-бақодирларни муқофотлашда ҳам унинг исломий инсоф билан иш тутиши намоён бўлади. Барчани баҳоли қудрат кўрсатган хизматига қараб тақдирлайди. Фарзандлари, Кобул ва атрофдаги қариндош-уруғларига ҳам ҳадялар юборади.

Унинг мана бу ишига ҳам қойил қолиш керак: улуғ ва муқаддас шаҳарлар - Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварага махсус кпшиллар орқали маълум миқдорда назр-ниёзлар юборади. Бизнингча, Бобирнинг бу иши кўнгилда муборак Ҳаж сафари қилиш нияти борлигини кўрсатади. Шунингдек, у Андижон, Самарқанд ва Хуросондаги улуғ шайхларга ҳам алоҳида ҳадялар юборади. Бу - Бобирнинг одамийлик феъли нақадар юксаклигини, шунинг билан бирга, йймон-эътиқоди нақадар мустаҳкам давлат арбоби эканини кўрсатади.

Дастлаб Бобир ва унинг одамларига жуда қийин бўлди: аввало Аграда маҳаллий одамлар бўйсунмасдан, улардан қочар, ўғирлик қилишар ва пайтини топса, Бобир одамларига шикаст ҳам етказардилар. Отларга ем-хашак, одамларга озиқ-овқат топиш ҳам қийинлашди. Иккинчи томондан Ҳиндистоннинг кишига хуш келмайдиган ёқимсиз ҳавосидан, кўнгилни беҳузур қиладиган иссиқ шамолидан одамлар касал бўла бошлайди, ўлим ҳам кўпаяди. Бобирнинг кўп беклари ва айрим ишонган бақодир ййигитлари руҳан тушкунликка учраб, Ҳиндистондан кетишга отланадилар, айримлари ўзбошимчалик қилиб кетиб ҳам қолади. Хусусан, яқин кишиларининг кетиб қолиши Бобирни хафа қиларди.

Бобир бир кун барча бекларни чақириб маълаҳат мажлиси ўтказди. Уларга қарата мурожаат қилиб асл мақсаду, эришилган галабалар моҳияти ҳақида, шунчалик улуғ давлатга эга бўлгач, уни ташлаб Кобулга кетиш асл мақсадни англамаслик ва бебурдлик экани ҳақида куюниб гапирди ва сўнгида қуйидаги мазмунда мурожаат қилади:

«Кимки иродасизлик қилиб кўзланган буюк мақсадлар олдида қийинчиликдан чекиниб, кетишни жазм қилган бўлса, у иродасиз одам, майли, кетаверсин. Аммо Бобирга содиқ бўлган, доимо унга ҳамроҳлик қилиб оғир кунларни бирга кечирган ҳақиқий дўстларга кетиш ҳақида гап очиниш одамийликдан эмас!»

Бобирнинг кейинги гапи кўпроқ қадрдон дўсти Хожа Калонга қарата айтилган эди. У киши Бобир учун табаррук инсон эди, унинг отаси Мавлон Муҳаммад Садир марҳум Умар Шайх Мирзонинг маслақдоши ва маслаҳатчиларидан эди. Фарғонада катта обрўга эга бўлган Хожа Калон ёш Бобирнинг барча юришларида унга доимий ҳамроҳ ва тажрибали саркарда бўлиб, унга Бобирнинг ҳурмати баланд эди. Шунинг учун ҳам Қобул ва Фазна эгаллангач, уни Фазна ҳокими этиб тайинлаган эди. Шунча йиллар бирга ҳамроҳ ва ҳамдард бўлиб юрган одам бирдан айниб Қобулга кетишга жазм қилади. Бунга нима ҳам дейиш мумкин. Бобирнинг мурожаатини эшитганлар ўйлашиб қолишади ва кўпчилик кетмасликка жазм қилиб, Бобирга ўз садоқатини билдиришади. Лекин Хожа Калон аҳдидан қайтмайди ва кетгани рухсат сўрайверади. Бобирнинг унга рухсат беришдан бошқа иложи қолмайди. Шунга қарамай, одамгарчилик кўрашиб Фазна, Гардиз ва ўша атрофдаги хазорийларнинг қишлоқларини ҳам унга инъом қилади ва Фазнага жўнатиб юборади.

Бобир Хожа Калон орқали Қобулдаги қариндош-уруғларига ҳам ҳада-совғалар юборади. Гулбадан Бегимнинг ёзишича бу ҳақда Бобир Хожага қуйидагиларни тайинлайди: «Ҳиндистон фатҳида қўлга киритилган ўлжалардан (Қобулдаги) вали-неъматларга, ҳарам аҳли ва опа-сингилларимизга юбормоқчимиз, ўзингиз билан олиб боринг, уларни қандай тақсимлаш ҳақида тўлиқ ёзиб берамиз, шу асосда тақсим қилинг ва айтингки, бегимларнинг ҳар бирлари... яхши маъракалар уюштирсинлар ва сажда қилиб худога шукур қилсинлар, Ҳиндистон бутунлай фатх этилди». Бобир қариндошларига салом хати ёзиб беради ва кўп миқдорда олтин тангалар, гавҳар, лаъл, марварид, ёқут, олмос, зумрад, феруза каби қимматбаҳо тошлар юборади. Бу - Бобир подшоҳнинг нақадар олийҳимматлигини ва бойлигини дўст тугмаслигини, шунингдек, ота авлод қариндош-уруғларга бўлган самимий ҳурматини кўрсатарди.

Хожа Калон кетиш олдидан Бобир қилган одамгарчиликка ва ҳурматига дуруст жавоб қилмади, кетишга рухсат олгани учун раҳмат айтиш ўрнига ўзи турган уйининг деворига қуйидаги байтни ёзиб кетади:

---

<sup>1</sup> Ҳумоюннома, 36-бет.

*«Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,  
Сиёҳ рӯй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам».*

(Агар саломат Синд (дарёси)дан ўтиб олсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам юзим қаро бўлсин). Байт Бобирни жуда ҳам ранжитади ва Хожадан хафа бўлади. Бобир ёзадики: «Биз Ҳиндистонда туриб, мундоқ зарофатомуз байт айтмоқ ва биятмоқ бе-сураттур (яъни одобдан эмас - С.Ж.).<sup>1</sup>

Бобир бундай ички келишмовчиликларни тартибга солгач, бир қанча ҳинд амалдорлари ва собиқ ҳокимлар ихтиёрий равишда келишиб, унга тобелик билдирадilar. Бобир ҳам уларни яхши қабул қилади ва иззат-ҳурматларини жойига қўяди. Хотиржам бўлишгач, Султон Иброҳим Лўдий саройида Бобир ғалабага атаб уч кунгача кўп киши қатнашган катта зиёфат беради. Панипат жангида фидокорлик кўрсатган амирларга, жумладан, ўгли Ҳумоюн Мирзога, Чин Темур султон, Маҳди Хожа, Муҳаммад султон каби бекларига, шунингдек, бошқа кўшлаб баҳодир йигитларига кўсатган маҳорати-ю, фидокорона хизматларига қараб, подшоҳона совғалар ва мукофотлар тарқатилади. Ҳатто юришда ҳамроҳлик қилган бошқа хиз-

---

<sup>1</sup> Бобир Хожа Калон орқасидан, ранжиган маънода ушбу рубойини ёзиб юборган:

*«Юз шукрки, Бобирга карими гаффор,  
Берди яна Ҳинду, Синду мулки бисёр,  
Гар Ҳинднинг иссиқлигига турмайсан,  
Совуқ юзин кўрай десанг Ҳазнига бор».*

Айтишларинча, Хожа Калон зоҳиран истараси иссиқ киши эмас эди. Шунинг учун Бобир рубойидаги маънони ўзига танқид билиб, жавобига ушбу рубойини ёзиб юборган:

*«Изҳори латофат-у, зарофат қиласиз,  
Ҳар нуктада юз туман киноят қиласиз.  
Гар Ҳинд иши тарскорий эрмас, нечун  
Иссиқ ердан совуқ зарофат қиласиз?»*

Бу сўзлар Бобирга ҳам оғир ботган, лекин подшоҳлик мақомини сақлаб, вазминлик қилган ва жавоб ёзмаган. Хожа Калон эса бундан ҳадикка тушиб-ми ёки ўзича хижолат чекибми, жавобан ушбу форсча матлаъни ёзиб юборган:

*«Эй подшоҳи Хубон, тоқай куни тағофил?  
Ёде наме куни ҳеч аз ошиқони Кобил?»*

(Эй хўблар подшоҳи, қачонгача бизга тағофил қиласиз? Нега Кобуллик ошиқларни ҳеч эсга олмайсиз?) Ҳасан Хожа Нисорий, Музаққир аҳбоб (Дўстлар ёдномаси), Таъкира, Тошкент, «Мерос», 1993, 103-бет.

матчилар ҳам ҳадядан қуруқ қолмадилар. Бу тадбирлар Бобирнинг обрўсини яна оширишга, армиясини эса мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шуниси таажжубки, қўлга киритилган беҳисоб бойликдан Бобир ўзига ҳеч нима олмайди - шахсий хазина ҳам қилмайди.

Юқорида айтилгандек, Бобирни, унинг аскарларини маҳаллий халқ яхши билмас, ҳамон уларга дўстона муносабат йўқ эди. Маҳаллий амалдорлар, нуфузли кишилар Бобирни ҳамон душман деб биларди. Қолаверса, унинг янги ҳукумати ҳозирча омонат. Жанубда Бенгал, Гужарат, Малва вилоятлари ҳозир ҳам мустақил эдилар. Аградан шимолий-шарқдаги шаҳарларда Бобирга қарши қурулжлар тайёрланмоқда эди. Улар Деҳли тахтига султон Иброҳим Лўдийнинг укаси Султон Маҳмуд Лўдийни ўтқазиб ва сулолани тиклаш пайида эдилар. Шунинг учун Бобирнинг вазифаси оғир эди. У Маҳмуд Ғазнавий ва улуг бобоси Амир Темур каби яшн тезлигида келиб кетиш учун эмас, балки Ҳиндистонда бутунлай қолиш, мамлакатни бошқариш ва бу улуг заминда авлод орттириб, ҳинд халқи билан абадий бирлашиб кетиш учун келганини, бинобарин мамлакатни, халқини талаш учун эмас, балки уни обод қилиш учун, улусга ҳамдард бўлиш, янги маданият чўққилари сари етаклаш учун келганини ҳар қандай тадбир-чоралар билан исбот қилиш керак эди. Шу олижаноб мақсад учун ҳинд-афгон бадавлатлари билан, халқнинг унга шубҳа билан қараётган қатлами билан дўстона алоқалар ўрнатишга киришади.

Гулбадан Бегимнинг гувоҳлик беришича, Бобир томонидан «Теварак атрофдаги ҳамма вилоятларга элчилар жўнатилиб, «Қимда-қим агар бизга келиб мулозамат қилса, ҳар томонлама раъият қиламиз... Худо бизга Ҳиндистон мамлакатини ато қилди, келсинлар, то бу давлатни бирга сўрайлик» — деган қатъий таклиф юборилди» (Ҳумоюннома, 37-бет.)

Нуфузга эга бўлган қўшлаб маҳаллий кишиларга мартаба ва лавозимлар беради, ҳадялар ул.шади, бу тадбирлар ўз натижасини беради — Афғонларнинг кўзга кўринган беқларидан бири бир неча минг кишиси билан ихтиёрий равишда Бобирга келиб қўшилади. Деҳли билан Агра ўртасидаги жангда Бобир қўшини қўмондони Юнус Али ғолиб чиқиб, ҳинд рожа-си Алихон Фармулийнинг иккита ўғлини боғлаб келиб, Бобирга топширган эди, Бобир дарҳол асирларни бўшатиб, ёрлик-

лар билан отаси Алихонга юборади. Бундан мамнун бўлган ганим Алихон дарҳол келиб, Бобирга миннатдорчилик билдиради. Бобир ҳам уни яхши қабул қилиб, йилига 25 лак фойда келтирадиган бутун бир мулк ҳада қилади. Бу кўрилган тadbирлар натижасида Бобир рақибларининг хатти-ҳаракатлари анча бўшашилади. Унинг бундай олий ҳимматлилиги рақиблар кўнглида кундан-кунга самимият уйғотади. Марҳум Султон Иброҳимнинг айрим қўшин бошлиқлари ҳам ўз аскарлари билан келиб ихтиёрий равишда Бобирга хизмат қилажagini билдирадilar, улар ҳам Бобирдан фақат яхшилик кутарди. Бобир, шунингдек, яна бир қатор тadbирлар ўтказди. Кўпгина собиқ амалдорларга ҳам ҳолисона яхшилик кўрсатиб, уларнинг мулкларини ўзларига қайтаради.

Бобирнинг бундай сиёсати натижасида маҳаллий йилномачилардан Аҳмад Ёлгорнинг ёзишича, «Одамлар қалбидан ваҳима ва қўрқинч бутунлай кўтарилиб, уларда олий ҳазратларига (Бобирга-С.Ж.) мойиллик пайдо бўлди». Ганг ва Жамна дарёлари бўйидаги бир неча қалъалар ҳеч қандай ҳарбий тadbирларсиз қўлга киритилди.

Лекин шундай бўлса ҳам атроф вилоятларда Бобирнинг ганимлари ҳозирча анчагина эди. Улардан бири ва кўзга кўрингани - афғон қабилаларининг бошлиғи Султон Муҳаммад бўлиб, у Бобир ихтиёрига ўтиб кетган ўз ер-мулкларини ҳарбий йўл билан қайтариб олиш учун унга қарши 50 мингга яқин лашкар билан Аграга яқинлашиб келаётган эди. Бобир унинг дафъига Ҳумоюн Мирзо қўшинини юбориб, заруратдан ўзи Аграда қолади. Иброҳим Лўдийнинг собиқ вазирларидан бирининг Фотиҳхон Сарвоний деган ўғли бундан хабар топиб, ўз қўшини билан ихтиёрий равишда Ҳумоюн Мирзога келиб қўшилади. Биргаликда ҳужум қилган Ҳумоюн Мирзо қўшини афғонларни қувиб, Жонпур шаҳрини, сўнгра бир қанча катта-кичик шаҳарларни эгаллаб, зафар билан Аграга қайтади. Вазир ўғли Фотиҳхон Сарвоний халқ орасида катта обрўга эга эди. У Бобир Мирзо ҳузурига келганида Бобир уни кутилмаганда тантана ва катта иззат-ҳурмат билан қабул қилади ва отасининг ер-мулкларини ўғлига тортиқ қилади. Бундан ташқари яна бир неча лак даромад келади-

---

<sup>1</sup> Иқтибос С. Азимжонованинг кўрс. асаридан олинди, 119-бет.

ган мулк ҳам ажратиб, унга Ҳиндистонда обрӯли ҳисобланган «Хони Жаҳон» деган шарафли унвон беради. Фотиҳхон ўғли Маҳмудхонни эса Бобир ўз хизматига саройда қолдиради. Бобирнинг бу олижаноб ишлари ҳақидаги хабар ҳинд вилоятларига тарқалиб, маҳаллий халқда ва собиқ амалдорларда яхши таассурот қолдиради.

Бобир Ҳумоюнни афгон қабилалари дафъига юбориб, ўзи Аграда қолган чоғида Устод Али Қулига (турк) янги замбараклар қуйишни буюради ва бунинг учун барча зарур анжомларни тайёрлатиб беради. Ўзи эса Аграга яқин жойда, дарё бўйида янги боғлар қуриш ишига киришади. Дарёга махсус чархпалак ўрнатиб, текис ерларга сув чиқартиради. Баъзи ҳиндлар боғу гулзорлар, оқар ариқларни деярли кўрмаган ва билмаганлари учун обод бўлган ерларни кейинча «Кобул» деб аташадиган бўлдилар.

Ҳиндистонда Иброҳим Лўдийдан сўнг қолган Бобир рақибларининг энг кучлиси рожа Роно Санго эди. У қудратли ва мустақил ҳинд бекларидан бўлиб, деярли юз минг кўшинга эга бўлган ҳам обрӯли, ҳам тажрибали ҳарбий саркарда эди. Ҳиндистон ғарбидаги бир қатор вилоятлар унинг тасарруфида эди. Роно Санго ўз иттифокдошларининг кўшинларини ҳам сафарбар қилиб, 200 мингдан ортиқ армияси билан Бобирнинг эндигина куч тўплаётган янги давлатига қарши ҳужумга тайёрланади. Бобирга бу жиддий хавф эди.

Муҳаррам ойининг 24 чоршанба (ҳижрий 932 йил, мил. 1526 йил 2 ноябр жума) куни Бобир шарқда афгон кўшинлари устидан эндигина ғалаба қозониб келаётган ўғли Ҳумоюн Мирзога қуйидаги буйруқ билан одам юборади: «Бу боргон киши етгач, Жўнпур (Жайпур)га бир неча муносиб бекларни тайин қилиб, ўзинг черикни олиб, бизга бот етиша келгайсен, Роно Санго кофир ёвуқ, қопуда келибтур, анинг фикрини бар асл қилалнинг (шу ҳақда фикрлашайлик-С.Ж.)». Бобир бу кучли ғанимга қарши жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. У Бихор, Гвалиор, Дибалпур каби Роно Санго кўшинлари босиб ўтиши эҳтимоли бўлган шаҳар ҳокимлари билан дўстона дипломатик алоқалар боғлаб, уларни ўз томонига оғдиришга муваффақ бўлади.

Шундай долзарб кунлари Бобир ҳаётида ҳеч кутилмаган нохуш воқеа юз беради: уни заҳарлайдилар. Бобирнинг ёзишича, Ҳиндистонга келгач, ҳинд таомларига қизиқиб, Ибро-

---

<sup>1</sup> Бобирнома, 373-бет.

ҳим Лўдий ошпазларидан тўрт кишини доимий хизматга олиб қолган эди. Бу ҳақда Иброҳим Лўдийнинг онаси хабар топиб, ўзининг қул аёлларидан бирига икки мисқолдан кўпроқ заҳарни бериб, Аҳмад баковул (ошхона мутасаддиси)га топширишни буюрган. Аҳмад баковул заҳарни хуфя равишда ҳинд ошпазларидан бирига топширган ва қандай қилиб бўлса ҳам уни Бобирнинг овқатига солиб берса, ошпазга каттагина ер-мулк ваъда қилган. Жума куни аср намозидан сўнг одатдагидек Бобир овқатланадиган вақтда, таом пишгач, чинни товоққа нон солиб, нон устига заҳарнинг ярмидан озроғини сепади ва устига қовурилган қуён гўштини қўяди. Бобир нон билан қовурилган қуён гўшtidан ва сабзидан ейди. Аввалига ҳеч нима сезмайди, сўнгра дудланган (у ҳам заҳарланган эди) мол гўшtidан ейди. Ўшанда кўнгли айний бошлайди. Дастурхон устига рад қиладиган даражада бир-икки кўнгли айнигач, ўрnidан туриб обхонага чиқади-да анчагина қусадди. Шундагина овқатдан шубҳа қилиб, ошпазларни тувишга ва овқатни итга бериб синаб кўришга буюради. **Эртасига итнинг** ҳам қорни шишиб беҳолланиб ётади - урсалар ҳам туролмайди. Бир-икки соқчиларга ҳам овқатдан едирганлар, улар ҳам қуса бошлайдилар. Ҳатто бир йиғитнинг аҳволи жуда ёмон бўлди. Бобир ёзади: «Тенгри менга бошдин (янгидан - С.Ж.) жон берди. (Гўё) ул дунёдин келадурман, онадин эмди туғ (ул)дим. Мен хаста ўлуб эдим, тирилдим. Жон қадрини, биллоҳ, эмди билдим».

Шанба ва якшанба кунлари Бобирга тиббий ёрдам кўрсатилди, икки кун сут ичди, таряж едирдилар ва хайрият ўзи айтгандек тузалиб кетди. Душанба куни барча вазир-у, амалдор бекларни девонга тўплашни буюрди ва гуноҳкор ошпазлар ҳам келтириб сўроқ қилинди: улар заҳар воқеасини батафсил гапириб бердилар. Барчаси қаттиқ жазога тортилди. Иброҳим онаси ҳам қамоққа олиниб, барча бойликларидан маҳрум этилди. Бобир яратганга қайта-қайта шукроналар айтади ва қуйидаги мисрани келтиради:

*«Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини».<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Бобирнома, 376-бет.

<sup>2</sup> Кейинча, XVIII асрда ўтган шоир Ҳувайдо ушбу мисрага назира қилиб «Дард тортган яхши билгай дори-дармон қадрини» радифида ғазал битган.

Сешанба (раббиял аввал ойнинг 20) куни чорбоғда ҳамон хаста ҳолда ётган Бобир бу воқеани батафсил битиб Кобулга - ўғли Комрон Мирзога юборди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Бобир ҳужумга тайёрланаётган Роно Санго дафъи учун афгон қабилаларига қарши жўнатилган Ҳумоюн Мирзони қўшини билан дарҳол қайтиб келишини буюриб одам юборган эди. Ҳумоюн Жўнпур шаҳрини эгалаб, афгонлар лашкарбошиси Носирхонга қарши Ғозипурга юрган чоғда отасининг буйруғи етиб келади. У Шоҳ Мир Ҳусайн ва Султон Жунаидни Жўнпур қалъасига ҳамда Шайх Боязидни Уд (Ауд) шаҳрига тайин қилиб, ўзи дарҳол отаси олдига - Аграга йўл олади ва «Ҳашт биҳишт» боғида Бобир билан кўришади. Роно Сангонинг бирлашган кучлари ҳужумига қарши жиддий тайёргарлик бошлади. Турк Устод Али Қули қуйган янги замбарак биринчи бор синаб кўрилади. Отилган ўқ 1600 қадамга бориб тушади. Бобир мамнун бўлиб Али Қулини табриклайди ва мукофотлайди.

Ҳижрий 933 йил жумодил аввал ойининг 9 куни (мил. 1527 йил 11 феврал) Бобир қўшинлари урушга тайёр ҳолда Аградан чиқади ва шаҳар ташқарисида тўхтаб қўшин тартиби кўздан кечирилади. Душман Роно Санго армияси 120 мингга яқин эди. Юриш бошланиб, дастлабки жангда душман армиясининг қўли баланд келади, Бобир қўшини талофат кўради. Лекин замбараклар иш берди — тўпчилар тинмай отиш билан 2 км.ча олдинга силжишади ва душман чекинишга мажбур бўлади. Қўшинни сув билан таъминлаш қийин масала эди. Бунинг учун Бобир Агра атрофидаги чўлда кўплаб қудуқлар қовлатади.

Жумодил аввал ойининг 15 (17 феврал) куни лашкарлари Секри шаҳри томон юриб катта кўл бўйида лагер қуради. Ўша кунлари душман томон ҳам яна олға юргани ҳақида хабар келади. Бобир лашкарлари кўл бўйида пухта ҳарбий тайёргарлик кўриб, ўқ ўтмас совутлар кийишади, шунингдек, отларни ҳам кежимлар билан ўрайди. Замбараклар ҳам туркиялик уста Мустафо ясаган маҳсус ароба (лафет)ларда қўшиннинг олд томонига келтириб қўйилади. Мустафо ясаган замбарак ташийдиган ароба (лафет)лар жуда ҳам енгил юрадиган яхши аробалар эканидан Бобир мамнун эди. Сафга тизилган лашкарлар олдида ҳар беш метр масофага қаторасига иккитадан замбарак бир-бирига боғланган ҳолда қўйилади.

Ёнбошдаги очиқ томонларга ҳар беш-олти метрга катта ёғочлардан сепоясимон қурилмалар қилиниб, улар ҳам мол терисидан тасма қилиб эшилган «аргамчилар» билан бир-бирларига маҳкам боғланади. Замбарак ўқлари ва бошқа қўшимча ўқ-дорилар ташиб келтирилади. Бу тайёргарлик ишларига бир ойча вақт кетади. Ниҳоят тўла қурулланган ҳолда олға юриш бошланади. Бу орада Ғазнадан ҳам беш юз кишидан иборат ёрдам келади. Аммо хабарчилар душман қўшини сон жиҳатидан кўплиги (120 минг), яхши қуруллангани, Роно Сангони ўзи катта тажрибага эга бўлган қўрқмас лашкарбоши экани ҳақида қўшин орасида гап тарқатишиб Бобирнинг ғашига тегишар эди. Бунинг устига Бобирнинг олдинга юборилган бир ярим минг кишилиқ разведка бўлими ғанимнинг 4-5 минг кишилиқ суворийларига дуч келиб, талофат кўриб қайтди. Катта жанг олдидан кўрилган бу талофат душман бу сафар жиддий тайёргарлик кўргани, ҳинд аскарларини Роно Сангодек «енгилмас баҳодир» саркарда етаклаб келаётгани, бўлажак ҳал қилувчи жангда Бобир қўшинлари уларга баробар келолмаслиги ҳақида аскарлар рўзини туширадиган миш-миш гаплар тарқалади.

Ғазнадан ёрдамга келган 500 кишилиқ аскар орасида Муҳаммад Шариф исмли «Шумнафас» (Бобир) мунажжим ҳам бор эди. У Бобирдан ҳайиқиб юзига бир нарсга деёлмаса ҳам дуч келганки одамга «Шу кунлари Миррих юлдузи (Марс) ғарб томонга оққан ва кимки юриш қилиб шу томондан уруш бошласа мағлуб бўлажак» - деган миш-миш гап тарқатади. Одамлар орасида ҳеч кимга хуш келмайдиган қўрқув ва ваҳима тарқала бошлайди.

Шу сабабдан ўша кунлари Бобирнинг иши юришмаётгандек эди: Душман армияси сон жиҳатидан кўп. Уни чалғитиш ва разведка учун юборилган аскарлар эса мағлубиятга учраб ва талофат кўриб қайтди. Лашкарлар орасида ваҳима ва умидсизлик кайфияти пайдо бўлмоқда. Бунинг устига мунажжим Муҳаммад Шарифнинг «башорати». Нима қилиш керак? Бобир диққат. «Ҳеч кимдан мардона сўз... эштилмас эди... вузаронинг ва умаронинг на сўзлари мардона эди, на тадбирлари» - деб ёзади Бобир.<sup>1</sup> Ҳатто Бобир ишонган айрим саркардалар кучли душман олдида тақдирга тан бериб Панжобга чекиниш-

<sup>1</sup> Бобирнома, 385-бет.

ни маслаҳат беришади. Аммо Бобир ўлимга рози-ю, лекин чекинмаяжagini билдиради. Албатта, бундай маслаҳат лашкарбошиларнинг руҳан тушаётгани оқибатидан эди, бу ҳам Бобир кайфиятини бузади.

Жумодил аввал ойининг 23 (яъни 1527 йил 25 феврал) душанба кунни Бобир эрталабки намоздан сўнг ўзи якка очиқ ҳавода сайр қилиш учун далага чиқади ва қилган ишлари, шахсий феълининг айрим томонларини ўзича хаёлига келтириб, ўз устида холисанлилло танқидий фикр юрита бошлайди. Ўзини-ўзи хаёлан тафтиш қилиш... Бу ҳам ўзига хос мардлик. Шахсий ҳаётида қилган ва ҳозир ҳам қилаётган айрим ишларидан тавба қилиш доимо хотирада борлиги, бироқ нотинч ҳарбий ва давлат ишлари билан бўлиб бепарво юрганидан кўнглида ғубор борлигини Бобир ўшанда чин қалбдан эътироф қилади. Ана шундай бандалик гуноҳларидан бири ўзининг ичкиликка ружу қилгани деб биллади. Бунни ўша кунни биринчи марта англайди ва яратганга астойдил тавба қилади. Шу кундан ичмасликка ва ҳеч кимни ичирмасликка ўзига-ўзи қатъий ваъда беради - қасамёд қилади. «Бобирнома»-да қуйидаги мазмунда икки мисра форсча ғазал бор:

*«Эй нафс! Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ олсан,  
Тавба ҳам бемаза эмас-ку, тотиб кўргин ундан ҳам.*

Сўнгра Бобир шундай деб ёзади:

*«Хуш қилиб ўзни бу кечмакликдин,  
Тавба қилдим чағир ичмакликдин» (Бобирнома, 287- бет).*

Сайр қилганидан сўнг уйга қайтиб, ўша кунидек олтин ва қумшдан ясалган барча ичкилик асбобларини - соғар (май қуядиган идиш), олтин косалар-у, бокалларни тўплаб келтириб синдиришни ва синиқларини камбағал-ғарибларга улаштишни буюради. Барчани тўплаб бу ҳақда хабар қилади. Барча чағир-винолар тўкиб юборилади. Ҳазнадан келган 500 киши ичида Бобо дўст деган киши уч қатор туя карвонида ичкилик олиб келган экан. Бобир уларга туз ташлатиб сирка қилишни буюради. Қудуқ қовлатиб захирадаги виноларни тўктиради.

Бобир эртасигаёқ - жумодил аввал ойининг 24 кунни - ичкиликни ман этиш ҳақида фармон қабул қилади. Фармонни

Ўқиган киши Бобирнинг нақадар исломий эътиқоди кучли эканига, юксак ғояли, ҳақиқий мусулмони комил инсон эканига яна бир марта амин бўлади. Фармонда, жумладан, бундай дейилади: «... Инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ (дир)». Сўнгра Бобир бандалик нафсидан шикоят қилиб, Қуръони Каримнинг Юсуф сурасидан: «Нафс барча ёмонликларга буюргувчи» деган оятни келтиради. Ва ундан (яъни нафс йўлидан) қайтиш фақат «Оллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа (ўшанга) бахш этади. Оллоҳ катта эҳсон эгасидир» деб, яна Қуръони Карим оятидан келтиради. Подшоҳ ва унинг амалдорлари ёшлик йилларида шарият ман этган баъзи ишларга ружу қилганидан афсуслик билдиради. Ва ниҳоят, гуноҳ ишлардан пушаймон қиладиган кунлар келганидан мамнун бўлади. Келтирилган Қуръон оятларига суяниб «шавкатли ислом аскарлари ёрдамида» (Бобир) жаиғга киришдан олдин қалбларни Оллоҳ зикри билан юмшатиб, барчани тавба эшикларини астойдил қоқишга даъват қилади. Сўнгра Бобир ўз фармонида шундай деб ёзади: Мамлакатда «Муглақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин, элтмасин ва келтирмасин... Амри олий билан 932 йили 24 жумодил аввалда ёзилди» (яъни 1527 йил 26 феврал). Бобирнинг ушбу фармонида Қуръони Карим оятларидан етти марта мисол келтирилган тиги диққатга сазовордир. Бу - биринчидан, унинг қалби тоза мусулмон подшоҳ эканлигини кўрсатса, иккинчидан Оллоҳнинг каломини ёд биладиган олим подшоҳ эканини ҳам кўрсатади. Ўша кунидеъ Бобир яқинларидан 400 киши Қуръони Каримни қўлларига олиб ичмасликка ваъда беради.

Роно Санго билан бўладиган ҳал қилувчи жангда маҳаллий халқларнинг муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга экан-

---

<sup>1</sup> Бобир ҳафсаласига қойил қолиш керак: илгари Дивалпур шаҳри олинганида кайфи чоғ вақтида 10 газ квадрат ҳажмли яхлит тошдан ҳовуз қуришни буюрган ва тайёр бўлганда уни шароб билан тўлғазажагини айтган. Фармон эълон қилинган, ҳовуз тайёр бўлганда уни нуҳул лимон шарбати билан тўлдиришни буюрган.

нини Бобир яхши биларди. Шунинг учун махсус фармон қабул қилиб маҳаллий аҳоли ҳамма солиқлардан, бождан, тамгадан, закотдан ва бошқа боғдорчилик солиғи-ю, мажбуриятлардан озод қилинганини эълон қилади. Жумладан, фармонда шундай дейилади: «Ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамга олмасинлар ва ундирмасинлар ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартириш киритмасинлар... подшоҳнинг меҳрибончилигига сиғинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинду, форсий фуқаро ва сипоҳ... бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар» (Бобирнома, 360-бет).

Сўнгра Бобир, юқорида айтилганидек, одамларда ғалабага умидсизлик кайфиятини сезиб, ҳатто энг яқин кишиларидан ҳам истиқболга ишонч сўзларини эшитмагач, барча ҳарбий саркардалари - беклари-ю, содиқ йигитларини кенгашга тўплаб уларга мурожаат қилади. Мана Бобир мурожаатининг мазмуни: Беклар ва йигитлар! Бу фоний дунёга келган жамияти одам бир кун дунёни тарк этади. Ҳеч ким абадий қолмайди. Ҳаёт мажлисига кирган ҳар бир киши бир кун бу мажлисни тарк этгусидир. Бас, шундай экан, дунёда одам ўзидан яхши ном қолдирмоғи лозим. Ҳар қандай тана ўлади, ном эса абадий қолади. Тенгри таоло бизга Ҳиндустондек давлатни насиб этибди - биз бу саодатнинг қадрига етмоғимиз лозим. Чекиниш - ношукурлик ва қўрқоқлик аломатидир. Бобир ўз сўзи охирида барчага қарата шундай дейди: «Ўлган шаҳид, ўлтурган ғозин. Барча Тенгрининг каломи билан оят ичмак керакким, ҳеч ким бу қитолдин юз ёндурур хаёл қилмағай (яъни, бу қирғиндан юз ўғирмасин - С.Ж.), то бадандин жони айрилмагунча бу муҳораба ва муқоталадан айрилмағай» (Бобирнома, 280-бет).

Бобирнинг шиддат ва жидди-жаҳд билан барчага қарата айтган бу гаплари ўз таъсирин кўрсатди: Бег-у, навкар, катта-ю, кичик барча қўлларига Қуръони Каримни олиб, Бобир чақирригига содиқ қолиш учун қасам ичдилар. Бу ҳақда хабар ўша кунинёқ атрофга тарқалади ва кутилганидек яхши акс-садо беради.

Бобир армиясининг жанговарлик кайфияти кўтарилади. Баҳодир йигитлар ва қўмондон беклар сафларга тизилишиб фақат буйруқни кутиб турардилар.

Шу тарзда барча тайёргарлик поёнига етгач, ҳижрий 933 йил жумодил охир ойининг 9 куни (яъни 1527 йил 13 март) Бобир қўшинлари жангга отланадилар.

Панипат жангига тайёргарликдан фарқли ўлароқ, бу сафар Бобир ўз ташаббуси билан армиянинг ҳимоя чизигига янгилик киритади: жуда кўплаб тупроқ тўлдирилган қоплар тайёрлатади ва уларни тахлаб узун масофада камон ва милтиқ отувчилар учун ҳимоя «қалқони» ҳосил қилади. Бундан ташқари, йўгон ва узун ёғочлардан ҳайбатли сепоялар ясаиб, уларни гилдиракларга ўрнаттиради («галтакли сепоялар»). Ўзига хос «юрадиган қамал иншоотлари» ясатади, улар тўплар билан бир қаторда олдинги чизиқларга ўрнатилади. Устод Али Қулининг тўпчилари буйруққа биноан олдинга силжиётган замбараклар кетидан саф тортиб пиёда юриб борадилар. Барча беклар сафларда ўз жойларини эгаллайди.

Бу ерда Бобир эътиқодининг нақадар мустаҳкамлигини исботловчи яна бир далил келтириб ўтмоқ ўринлидир. В.В. Бартольд «Мифтоҳ-ат-толибин» (Талабаларга калит) номли қўлёзма асардан (1543 йили ёзилган) қуйидаги парчани келтиради: машҳур Нажмиддин Кубро мактабининг йирик намояндаси бўлмиш шайх ҳожи Муҳаммад Хабушоний — Кучоний деганнинг кўп кароматларини эшитган Бобир унга ғойибона қўл бериб, ўзининг пири деб ҳисоблаган. Шайх Хоразмдан Самарқандга келиб туриб қолган (1517 йил). Бундан хабар тошган Бобир Кобулдан унинг ҳузурига киши юбориб йўқлаган ва мадад сўраб хат, ҳадялар, инъомлар юборган. Шайх ҳам Бобирнинг содиқлик хати ва нишоналарини олиб ўзига шогирд деб билган ва дуо қилиб, хотирага ўз ҳассасини юборган. Бобир бу муқаддас ҳассани доимо сақлаб юрган.

Ниҳоят, 13 март шанба (наврўзнинг бошланиш куни) ҳужум олдидан Бобир шайхнинг ўша ҳассасини жойнамоз олдига қўйиб намоз ўқийди ва бутун вужуди билан шайхдан мадад сўрайди. Шу куни кечаси Бобир тушида шайхни кўради: шайх илгари жангларда қўрқинч нималигини билмаган Бобирни бу сафар душ-

мандан ҳайиқаётганини таъна қилади ва ғўрқмасликка ундаб, ёрдам беражагини айтади.<sup>1</sup>

Эртасига нонуштадан сўнг Бобир дарҳол ҳужумга ўтишга буйруқ беради. Ўзи эса отда чоғиб икки томонга чўзилиб кетган армиянинг гоҳ ўнг, гоҳ сўл қанотида, гоҳ марказда пайдо бўлар, беклар-у, йигитларни қасрда туришларига кўрсатмалар берад ва аскарларни руҳлантириб борар эди. Қўшинлар 2 км.ча юришгач, Бобир ҳужумидан хабар топган Роно Санго армияси ҳам олға юриш бошлаганидан хабар келади.

Шундай қилиб бир курух (2 км.ча) йўл юргач, Бобир армияси лагер куради ва лагер атрофини хандақлар қазиб ўрайди. Бобир бутун жанг бошламоқчи эмас, фақат бир неча отлик йигитлардан бўлинма тузиб олдинга - душман томонга разведка юбориб кўради. Бобирнинг йигитлари душман томонга тунда кўққисдан бостириб боришиб, душман кутмаган соатда шахсий ботирликлар кўрсатишади ва асирлар олишиб ғалаба билан қайтишади. Бу ҳал қилувчи жанг олдидан барчанинг руҳини кўтариб, бўлғуси ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Бобир армияни жанговар ҳолатга келтириб, лагердан яна 2 км. ча олға юради. Энди душман кўшинлари ҳам кўриниб турарди. Барча ўз қаторларини мустаҳкамлаши ва ҳушёр туриши ҳақида буйруқ берилади. Бобир марказдан туриб Чин Темур Султон билан ҳужумга бошчилик қилади. Замбарак ва милтиқлар олдинги сафга ўтказилади. Душман ҳам ўнг ва чап томондан отлиғ-у пиёда, чумолидек ҳисобсиз аскарлари билан олдинга юра бошлайди. Бобир лашкарларининг сафлари ҳам «Искандар саддидай темирга айланган... мустаҳкам эди». Бобир таърифида аскарлар кўрқув нималигини билмайди, уларнинг сафлари «инна фатахна» (Биз фатх қилдик) сурасининг ҳарфларидек зич. Бобирни фақат гулда (марказда) бўлишига ва у ердан жилмаслигига қарор қилинади. Армиянинг ўнг қанотига Хумоюн Мирзо тайинланиб, унга Қосим Хусайн султон, Ҳиндубек ва Хусрав Кўкалдошлар ёрдамчи қилиб биркитилди. Чап қанотга эса Зиёд Маҳдихўжа ва унинг куёви Абдулазиз ва Муҳаммад Али жанг-жанг тайинланади. Қўшиндаги

---

<sup>1</sup> В.В. Бартольд, Отчёт о командировке в Туркестан. Соч. Т. VIII. М., 1973, стр. 145-150. Бартольд ушбу ҳўлўзма билан В.Л. Вяткин кутубхонасида танишади.

ҳинд аскарлари асосан чап қанотда жойлаштирилади. Устод Али Қули бошқараётган тўпчилар ҳам марказда, замбараклар бир-бирларига занжирлар билан боғланган. Замбараклар олдида Бобирнинг шахсий ихтироси тупроқ тўлдирилган қоплардан ҳимоя қалқони ясалган.

Захирага тажрибали мўгул аскарлари қолдирилиб, уларга Турдика ва Малик Қосим деганлар бошлиқ этиб тайинланади. Зарур бўлганда улар машҳур «тўлғама» тактикаси учун юборилиши кўзда тутилган. Бобирнинг шахсий қўриқловчиларига Рустам Туркман бошлиқ этиб тайинланади. Армиядаги бу тартиб, унинг тузилиши ва қисмларини жойлаштиришда «хослар таянчи, комил ихлосли» (Бобир) вазири Низомиддин Султон Муҳаммад хизматини Бобир алоҳида таъкидлайди. Барча қўшин турлари тайинланган жойларда ҳозир бўлгач, ҳамма бажариши мажбур бўлган Бобир буйруғи эълон қилинади: «Ҳеч ким буйруқсиз турган ўрнидан қимирламасин ва рухсатсиз урушга киришмасин».

Ниҳоят томонлар бир-бирига яқинлашиб қолгач, ҳужумга буйруқ берилади ва ҳал қилувчи жанг бошланади. Ҳамма ёқни карнай, дўллар овози, шовқин-сурон тутиб кетади. Иккала томон армиясининг марказий қисми бир-бирига қарама-қарши турарди, аммо асосий тўқнашув ўнг ва сўл томонларда бошланади. «Шундай зўр уруш бўлдики, ер юзига зилзила ва юксак осмонга гулгула тушти» - деб таърифлайди Бобир. Роно Санго армиясининг чап қаноти Бобир армиясининг ўнг қанотига қарши жангга киришади. Бунга кузатиб турган Бобир ўзининг энг азиз дўстларидан тажрибали бек - саркарда Чин Темур Султонни дарҳол ўнг қанотга ёрдамга боришга буйруқ беради. Шу ондаёқ Чин Темур Султон лашкарлари ўнг қанотга юриб бостириб келаётган душман қўшини билан мардларча курашадилар. Улар ўлимни писанд қилмасдан қиличбозликка киришади. Қичқириқлар, отлар кишнаши ҳамма ёқни тутиб кетади. Ниҳоят Роно Санго аскарлари чекянишга мажбур бўлиб, анча узоққа улоқтириб ташланади. Чин Темур Султон бу хизмати учун Бобирнинг ғалаба инъомига сазовор бўлади.

Бобир армиясининг марказидаги тўплар - замбараклар бошлиғи Мустафо Румий (турк) кўрқмас ва шижоатли саркарда бўлиб етишган севикли ўғли Ҳумоюн Мирзо билан бирга эди. Мустафо

Румий замбарак аробаларини олдинга олиб чиқиб ҳеч тўхтатмасдан чунонам отадики, душман қўшинларини тирқиратиб юборади. Бобир Ҳумоюн Мирзони ҳам ҳужумга ўтишига буйруқ беради ва дарҳол Қосим Ҳусайн Султон, Низомиддин Аҳмад Юсуф ва Қавомбекларни гул (марказ)га ёрдамга таштайди. Душман қўшинининг олдинги қисми гарчи катта талофат кўрса ҳам ўрнига янги-янги кучлар тўхтамай ёрдамга келишиб туришибди. Бобир ҳам душманнинг ҳужумга ташланган янги кучлари дафъига ўзининг энг синалган саркардаларининг бўлинмаларини юборди. Худди шундай ҳолат Бобир армиясининг ўнг қанотида ҳам юз беради: Душман армиясининг сўл қаноти ҳам катта кучлар билан ҳужум бошлаб Бобирнинг ўнг қанотини ёриб ўтмоқчи эдилар. Ҳолатни тушунган Бобир синалган бекларидан 7-8 кишини лашкарлари билан дарҳол ёрдамга юборади. Шафқатсизларча қаёт-мамот олишув бу ерда ҳам давом этади. Ёрданми сезиб руҳан тетиклашган аскарлар ўлимдан ҳам ҳайиқмай жанг қилдилар ва йиқилган аскар қўлидаги байроқни кўтариб олға интиладилар.

Бобир қарасаки, ҳал қилувчи жанг чўзилиб кетаётир ва натижаси кўринмай иккала томондан ҳам қурбонлар сони кўпаймоқда. Дарҳол ўзининг паҳлавон ва кўрқмас соқчиларини олдинга ўтиб жангга киришлари учун буйруқ беради. Соқчилар бўлинмаси ўнг ва сўл томонга бўлиниб дарҳол ҳужумга ташланади. Улар жон-жаҳд билан шундай ҳужум қилишадикки, душманнинг жуда кўп аскарларини ер тишлатадилар. Замбараклар ва милтиқлар ҳам тинмай отиб туради. Марказга жойлашган тўпчилар бошлиғи Устод Али Кули ҳам катта жасорат кўрсатади. У ўзи ясаган ва гилдиракларга ўрнатилган тош отар механизмлардан шундай катта тошларни отардики, тошлар бориб тушган жойида турар жойларни вайрон қиларди ва бундан кўп душман аскарлари майиб бўларди. Шунингдек, Бобирнинг махсус буйруғи билан марказга жойлашган тийрандоз (камончи)лар ҳам олдинга чиқишадди. Улар ҳам тинмай отишиб душман аскарларини кетма-кет жон таслим қилдирадилар.

Мана шундай айни қизғин жанг кетаётган онда Бобир гул(марказ)да жойлашган бутун аробалар-у, тўпларни, манжанақларни олдинга қараб силжишларига буйруқ беради ва шахсан ўзи ҳам улар билан бирга душман томон олға қараб юради. Ўнг

ва сўл қанотдагилар подшоҳнинг қилич яланғочлаб олға юраётганини кўришгач, бутун армия денгиздай қалқиб, кўтаринки кайфият билан олдинга ташланади. Бобир армияси неча минг аскар-у, суворийга эга бўлса, барчаси бир вақтда ҳужумга ўтади. «Қўшин денгизда даҳшатли тўлқин кўтарилди. Ғубор зулмати бутун майдонни қора булут каби қоплаб, қиличларнинг ярақлаши чақмоқ чақишидаги ялғирашдан ҳам ўтиб кетди». Бу - Бобирнинг ҳал қилувчи жанг ҳолатига берган таърифи. Поёнсиз жанг майдонидан шундай чанг-тўзон кўтариладики, қуёш юзи кўринмай олам қоронғулашиб қолади. Натижада урушаётганлардан ким голиб-у, ким мағлуб - бир-биридан ажратиб бўлмай қолади. Жанг, айниқса, пешиндан кейин авжига чиқади. Бобир қўшинларининг ўнг ва сўл қаноти шиддатли ҳужумни давом этдириб, душман қўшинларининг ўнг ва сўл қанотини марказга сиқиб ва сафларини бузиб, тартибсиз қолга келтириб қўяди. Ҳинд қўшинлари мағлубиятни сезгач бир муддат нима қиларини билмай саросимага тушиб қолади.

Ниҳоят бор кучларини тўплаб сўнгги марта яна ҳужум бошлашади. Сўл қанотидаги душман аскарлари бобирчилар билан деярли юзма-юз келишади. Аммо кўтаринки руҳда жанг қилаётган Бобир лашкарлари камон ва милтиқлардан шундай ўқ ёғдирадиларки, ер тишлаган ҳинд аскарлари бирининг устига бири йиқилиб йўллар ўликлардан тўсилиб қолаётган эди ва янги ҳужумга келаётганлар ўтолмай тўхтаб, сўнг орқага қайтишга мажбур бўладилар. Ғалаба яқинлашаётганини сезган Бобир аскарлари ҳужумни шиддат билан яна давом эттирадилар. Бобир ғалабага бағишланган фатхнома - фармонида жангнинг шў наларини тасвирлаб, Куръони Каримнинг «Саф» сурасидан «Ва (Оллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар суядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Оллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва яқин фатхидир, мўминларга мана шу хушхабарни етказинг» - деган оятни келтиради. Шунингдек «Фатх» сурасидан ғоят кўтаринки руҳда «...Биз сизга очик-равшан фатх-ғалаба ато қилдик» - деган оятни ва бошқа сураларидан ҳам оятлар келтиради.

Кун кеч бўлганда Роно Санго қўшинлари, ниҳоят тақдирларига тан беришиб ҳар томонга қочиб тарқалиб кетадилар. Бутун жанг майдони ўликларга тўлиб кетган эди. Ўлганлар жасаидан тепаликлар ҳосил бўлган. Ҳинд зодагонлари оиласига мансуб

бўлган таниқли лашкарбошилар ҳам жангда ҳалок бўлади. Ҳаммасқдан мажруҳлар ва ярадорларнинг инграшлари эшитиларди.

Уруш тақдири ҳал бўлди. Ғалабадан 15 кун ўтгач, ёзилган Бобир фатхномасида туғро остига ушбу рубойни ёзиб қўяди:

*«Ислои учун оворани ёзи бўлдум,  
Куффору хунуд ҳарб сози бўлдум,  
Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид ўлмоққа,  
Алмианнати Лиллаҳки, гозий бўлдим».*

Фатхнома матнининг муаллифи шайх Зайн бу тарихий ғалабага атаб ёзган рубойида ғалаба санасини «**фатхи подшоҳи ислом**» жумласига яширган.

Душманлар армиясининг бош қўмондони қўрқмас Роно Санго қочиб қолган эди. Бобир уни тутиб келиш учун кетидан бир неча киши юборади, бироқ у қўлга тушмайди. Бобир мағлуб бўлган душман лагерини айланиб, ниҳоят хуфтон намозига яқин чарчаган ҳолда ўз лагерига қайтади. Муҳаммад Шариф мунажжим Бобирни табриклаш учун келган эди. Бобир унинг бемаза кароматини эслаб анча хижолат қилади (Бобирнинг одабийлик табиатига яна қойил қолиш керак: нобакор Муҳаммад шариф, гарчи такаббур, ўзига ишонган ва ёлгончи одам бўлса ҳам Бобир унинг узоқ йиллардаги хизматини ҳисобга олиб жазоламайди ва бир лак пул берадида, мамлакатдан чиқариб юборади).

Бу тарихий ғалабага ҳисса қўшган ва Бобирга садоқат билан хизмат қилган барча беклар, баҳодир навкарларга мукофотлар берилади, ер-мулклар ажратилади. Кобулга, Ғазнага ҳам хушxabар - фатхномалар юборилади. Бобир атрофдаги бир қанча ҳинд шаҳарлари ва қишлоқларини бориб кўради. Ҳамон бўйсунмаётган айрим ҳинд шаҳарларига Бобир ўз ишончли вакиллари-ни юбориб, у ерларда ҳам тинчлик ўрнатади. Атова, Лакхнав, Кануж вилоятлари ҳам қўлга олинди. Бобир Ганг ва Жамна дарёси водийларига жойлашган кўп шаҳарларни айланиб, яна Аграга қайтиб келади ва рамазон ойини (ҳижрий 933- мил. 1527 йили) шу ерда хотиржам ўтказди.

---

<sup>1</sup> Ушбу сўзлардаги араб ҳарфларининг сон қиймати йиғиндисидан ҳижрий 933 (мил. 1527) йил чиқади.

Бобир қўлга тушган давлат хазинасидан ўз валломатлик феълига яраша кўп ходимларини - беклари, навкарлари ва хизмат кўрсатган суворийларини сахийлик билан мукофотлайди. Кўплаб шайхлар, уламолар, ўтган улуғ кишиларнинг мазорларига ҳам ҳадялар юборди. Юқорида зикр қилинганидек, ўзига ғойибона пир бўлиб қолган шайх Ҳожи Муҳаммад Ал-Ҳабушоний номини ҳам эслаб, ғалабадан сўнг (тушида уни қўллашга ваъда берган эди) бир одамни бир қанча ҳадя пуллар билан миннатдорлик билдириб яна Самарқандга юборди ва агарда Шайх Аграга ишончли киши юборса, ўлжадаги хазинанинг борини унинг фойдасига ҳадя қилажагини билдиради. Аммо Шайх бунга розилик билдирмайди, чунки, - ёзди у, - «дарвишлар давлат кетидан қувмайдилар».

Шунингдек ёшлигида Фарғонада таниган ва отаси Умар Шайх Мирзонинг пири Маҳдуми Аъзамга ҳам бир бўлак олтин қўямасини ҳадя тариқасида қуйидаги қитъа (шеърий асаридан парча) билан қўшиб юборган:

*«Дар ҳавойи нафси гумроҳ умр зое кардаем,  
Пеши аҳлуллоҳ аз атвори худ шармандаем.  
Як назар афкан ба суи мо, ки аз роҳи вафо,  
Хожагийро мондаем, хожагийро бандаем».*

*(Адашган нафсимиз ҳавоси йўлида умрни зое қилдик,  
Дин аҳли олдида ўз қилмишимиздан шармандамиз.  
Биз томонга бир назар солинг - вафодорлик ила,  
Хожага боғланганмиз, хожага бандамиз).*

Гарчи Роно Санго устидан Секрада қозонилган йирик ғалаба Ҳиндистон тақдирини ҳал қилиб қўйган бўлса ҳам Бобир олдида Аградан шарқдаги - Ганг дарёси қирғоқларидаги

---

<sup>1</sup> Асарда ёзилишича, Бобирнинг одами Самарқандга етмай туриб, Шайх хонақо куриш учун 500 тангага ер сотиб олган ва ер эгасига «пулпи Оллоҳ юборди» деган экан. Буни қарангки, Бобир юборган пул айни шу ер нархига етган-турган. (В.Бартольд, кўрс. асар).

<sup>2</sup> Ҳасан хожа Нисорий, Музакири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси), Тазкира. Топшент, «Халқ мероси», 1993, 53-бет. Хожа Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний - Маҳдуми Аъзам (1462-1544) XVI аср бошида Аҳсига ҳоким тайинланган. Сўнг шайбонийлардан Жонибек Султон Карманга - ўз ҳузурига таклиф қилган. Маҳдуми Аъзам шайбонийларга хизмат қилгани учун Бобир ундан гина қилишга ҳақли эди. Аммо унинг валломатлиги ва авлиёнинг ҳурмати гина устидан ғолиб келган.

шаҳарлар ва қалъаларни, демакки, Ҳиндистоннинг шарқий вилоятларини бутунлай бўйсундириш вазифаси турарди. Кейинги ҳарбий тўқнашувлар, 1528-1529 йилларда содир бўлган ва оқибати Бобирнинг галабаси билан яқунланган жанглар «Бобирнома»да тафсилотлари билан тўла тасвирланган. Шунинг учун биз уларга яқуний хулоса чиқариш билангина чегараланамиз.

1528 йил бошидан Бобир Аградан Ганг ирмоғи - Жамна дарёси бўйлаб пастга юради ва Калпи қалъаси тўғрисида қайиқлардан ясалган кўприк орқали дарёдан ўтиб, жиддий тўқнашувлардан сўнг, муҳим Чандарий қалъасини эгаллаб, Канавуж томон йўл олади. Аммо Маҳмудхон Лўдий гарчи Бобирдан мағлуб бўлса ҳам унга қарши кучларини тўшлаб каттагина армия тўплаган эди. 1528 йил охирига келиб, у бир қатор вилоят ҳокимларини Бобирга қарши иттифоққа бирлаштиради ва Бобир армиясини қуршаб олиш ниятида маневр қила бошлайди. Бобир ўз қўшинларини иккига бўлиб (бир қисмига кичик ўғли Аскаррий Мирзони бошлиқ тайинлайди) дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб 1529 йил феврал ойида Маҳмудхон Лўдий армиясига қарши шарққа томон юради. Армиясининг Шерхон Сур каби афғон бошлиқлари Бобир ҳужумидан ҳайиқиб, ҳал қилувчи жанг бошланмай турибоқ Бихарни ташлаб чиқиб кетадилар. Бобир юришидан хабар топибми, Бенгалиядан ҳам Исмоил Мато деган элчиликка келади. У Бенгал рожаси Насириддин Нусрат шоҳнинг Бобирга ёзган салом хатини ва совғаларини олиб келган эди. Бобир ҳам уларни яхши кутиб олиб, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлади. Йўлдаги бу воқеалар ва атрофдан келаётган хушxabарлар ҳам Бобир кайфиятига яхши таъсир қилади ва қўшинларининг руҳини янада тетиклаштиради. Бобир дарҳол Бихарга янги ҳоким ва солиқ ундирувчи тайинлаб, хотиржам бўлгач, Аскаррий Мирзо қўшинини шарққа - Ганг дарёси бўйларига ҳужумга отлантиради ва Ганг дарёсининг у томонидаги барча бек - амирларга Аскаррий Мирзо билан бирлашмоғини буюради. Бу жанговар сафар олдидан Аскаррий Мирзога тантанали равишда қимматбаҳо камар ва ханжар, шоҳона либос, байроқ, ноғора, ўнта фил, бир қатор туя ва хачир, шунингдек, бошқа шоҳона анжомлар инъом қилади, ўзи эса хотиржамлик билан ғарбга - Аграга жўнайди.

Шундай долзарб кунлари ҳам Бобир вақт ажратиб Агра йўлидаги Дилпурда 3-4 кун қолиб, ўзи қурдираётган янги саройи ва боғларни кўздан кечиради ва яна бир қатор янги қурилишлар тавсия қилади. Бу ерда сангтарош усталарни тўплаб катта тош ҳовуз қуришга буйруқ беради. Тошдан тарновлар ўйдириб, ҳовузга сув тушадиган қилишни, махсус чархпалакдан сувлар чиқаришни ва сувлар бўйида бир катта масжид қуришни маслаҳат беради.

Дилпурдан жўнаш олдида хизмат қилаётган барча усталарни мукофотлаш ҳақида буйруқ беради. Бу орада Султон Маҳмуд Лўдий яна бош кўтаргани ҳақида хабар келиб, Бобирнинг яна ороми бузилади. У дарҳол Аграга келиб мавжуд кўшин билан яна шарққа юриш бошлайди. Шарқий Ҳиндистонда катта-кичик дарёлар кўп бўлганидан Бобирнинг кўпроқ қайиқда сузиб юришга тўғри келади. Қўшин эса дарё ёқалаб боради.

Бобир ўзига устлари ёпиқ тўртта катта махсус қайиқ-кема ясаган эди. Бирига «Фармойиш» деган ном берилиб, подшоҳнинг буйруқлари, кўшинга кўрсатмалар ушбу кемада туриб бериларди. Яна бир (каттароқ) қайиққа «Гўнжойиш» номи берилган ва Бобирнинг барча ашёлари - вақтли хазина ва турли ҳужжатлар ушбу кемага жойлаштирилган эди. Учинчи қайиқнинг номи «Оройиш» бўлиб, хос суҳбатлар ва элчилар қабул қилиш учун безаб қўйиларди. Тўртинчи қайиқ «Осойиш» деб аталиб, Бобир унда дам олар ва ижод қилар эди.

Бобир кемаларда йўлга чиққач, 1529 йил феврал-март ойида, илгарироқ юборилган Аскаррий билан Ганг дарёси бўйида учрашади. Уша йили Ҳиндистон тахтига Султон Маҳмуд Лўдийдан ташқари яна икки киши даъвогар бўлиб, улар бир-бирлари билан рақобатда эдилар. Даъвогарлардан бири Султон Жалолиддин Шарқий, рақибларга ўчакишибми, ҳужум қилиб келаётган Бобир истиқболига чиқиб уни дўстларча кутиб олади. Бундан хабар топган Маҳмуд Лўдий эса ҳужумга журъат қилолмай орқага чекинади. Ҳокимликка учинчи даъвогар Жалолиддин Баҳорхон ҳам ноилозликдан Бобирга таслим бўлади.

Гарчи Бенгал рожаси Бобирга элчи юбориб дўстона муносабатлар билдирса ҳам, аммо Бобир шартларини орқага чўзиб Ганг дарёсининг у томонида ҳужумга тайёрланаётган эди. Бобир ўғли Аскаррий билан бирга сўнгги марта унга қарши ҳужумга отланади. 1529 йил апрел ойи охирида кўшинлар Ганг дарёсидан ўтиб,

устод Али Қули ва Мустафолар тўпларни, шунингдек оғзидан ўқланадиган ва тиккасига отадиган қурооларни тепаликка жойлаштирадilar. Улар тўхтамай душманни ўққа тутадilarлар. Замбарак ва милтиқларнинг тинмай отилишидан душман аскарлари гангираб қолади ва орқага чекина бошлайди. Ниҳоят, Бенгал рожаси Нусратшоҳ ҳам Бобирга одам юбориб таслим бўлади ва Бобир қўйган шартлар асосида сулҳ-битим тузилади. Ниҳоят Бобир шарқий Ҳиндистонда сўнгги ғалабани қўлга киритади ва шу йили июн ойида ғалаба билан Аграга қайтади. Қўшлаб афгон ва ҳинд ҳокимлари Бобирга таслим бўладilarлар. Бобир ўз одабийлик феъллиги биноан уларнинг барчасига ер-мулклар инъом қилади. Бобир Аграда тинч қурилиш - ободончилик ишлари билан шуғуллана бошлайди.

Шундай қилиб, Бобир бир неча йиллар илгари ўз олдига қўйган эзгу ниятига етди - Ҳиндистондек афсонавий мамлакатни қўлга киритди - беқиёс ғалабага эришди. Узоқдаги эски рақиблардан энди хотиржам, Бобир шавкати олдида улар ожиз. Ҳиндистонда эгалланган ҳар бир шаҳар, вилоятда дўстона муносабатлар ўрнатилди. Кундан-кунга тинч-осойишта ҳаёт томир ота бошлайди. Энди у хотиржамликда тинч ҳаёт сурса бўлади. Зеро, у ғозий-ғолиб подшоҳ, одабийлик жиҳатидан ҳам бунга ҳаққи бор.

Лекин... лекин амалда шундай бўладими? Бобир ўз ҳаётидан мамнунми? У тинч, осуда ҳаёт гаштини сура олдими? Афсеус ва надоматлар бўлсинки, Бобирнинг пешонасида тақдир илоҳийнинг бошқа ҳукми ёзилган экан - бу ҳақда яна тўхталамиз.

## ЮЛИЙ ЦЕЗАР - РИМ ДИКТАТОРИ УНИНГ СЎНГГИ ҲАЁТИ

Биз мавзу-баҳсимизнинг Юлий Цезар фаолиятига бағишланган сўнги саҳифаларида якка ҳукмронлик, шахсий ўқтамлик мақсадида унинг 30 йил тинмай олиб борган қонли урушларининг энг сўнггиси ҳам э.ав. 46 йил охирида навбатдаги ғалаба билан яқунланиб, 45 йил сентябрида Римга тантана билан кириб келгани ҳақида айтиб тўхтаган эдик. Цезар бутун умри давомида Македонияда Искандарга ҳавас қилиб ақалли ўз юртида ягона шахс бўлмоқни орзу қилиб яшади. У Бобир каби насли буюк шахс, подшоҳлар сулоласининг давомчиси эмас, балки табиат ато қилган ўз қобилияти-ю, фазилатларига ўзи иқдор бўлгани ҳолда фотиҳлик кўчасига кириб кетган шахс эди. Ҳар қандай буюк инсон ҳам ўз қобилиятига, шахсий истъдодига ўзи маҳлиё бўлиб, уни худбин мақсадлар йўлида истифода қилиши тарихда яхши оқибатларга олиб келмаган, бундай шахсларнинг жамият тараққиётига жиловдор бўлиб қолиши эса инсониятга фақат офат келтирган. Бунга узоқ ва яқин ўтмишдан мисоллар кўплаб топилади: Фарба Наполеон, Гитлер, Русияда Сталин, Шарқда Чингизхон, Нодиршоҳ...

Узоқ мозийда эса ҳар томонлама худо берган истъдод соҳиб-би Юлий Цезар ҳам ўшандай ўз мақсадларига қилич ва от ўйна-тиб, қон тўкиб эришди. Мана унинг кейинги ҳаёти:

Энди у йиллаб орзу қилган якка ҳукмронлик даврини суриши керак эди. Бироқ, унинг айтгани бўлиб чиқмади -тақдир унга бевафолик қилди - ўзи орзу қилганидек давр суролмади.

Гарчи қайтариш бўлса ҳам мавзу моҳияти учун яна эсга олиб ўтайлик: э.ав. 48 йилиёқ Цезар диктатурага - якка ҳукмронликка эга бўлган эди. Ўша йилдан бошлаб то ўлимигача ҳар йили консулликка сайланади. 46-йилдан 10 йилга, 45-йилдан эса умрбодликка диктаторлик ваколатини олади. Унинг ҳақиқий тинч-осуда ҳукмронлиги 45-йил сентябр ойида энг сўнги ғалаба билан Римга қайтганидан бошланди. Бироқ бир ярим йилдан сўнг уни фожа кутаётганидан ўзи беҳабар эди.

Хўш, у ҳалокат билан тугалланган умрининг сўнггида нимага эришди-ю, бунинг учун Римда қандай қулай шароит яратилган эди? Рим тарихининг э.ав. энг сўнги асри биринчи ярмига эътибор қилинса, деярли тўхтамай давом этган урушлар кўзга

ташланади. Галлия, Британия, Испания учун шиддатли жанглар, Кичик Осиёдаги Шарқий вилоятларни кенгайтириш учун қишу ёз давом этган ҳарбий юришлар, Мисрда Искандария урушлари, Африка учун қўмондон Сципион билан шиддатли тўқнашувлар, умуман фуқаролар уруши... Ҳарбий қонунга кўра умрбод ёлланган аскарлар ҳам ўз юрти ва оиласидан узоқдаги поёни йўқ ҳарбий юришлардан, очлик-етишмовчиликлардан чарчади. Армияда бизнинг тасаввуримиздаги тартибли тиббий ёрдам йўқ. Ярадорлар жанглардан сўнг ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Инграб ётган ярадор аскарлар соғ қолган шеригидан азобдан қутқизишни - қилич санчиб ўлдириб кетишини илтимос қиларди. Ҳар сафарги жангда ғалабадан сўнг неча ўн минглаб ўликлар қоладди. Қисқа вақтда уларни йиғиштиришнинг иложи йўқ. Саришта қилинганча фурсат керак, агар жанг дарёга яқин жойларда бўлса ўликлар бўлиб-бўлиб дарёга ташланарди - балиқларга ем. Бошқа жойларда эса хандақларга кўмиларди. Гладиаторлар урушида ҳалок бўлганлар махсус боқилаётган йиртқич ҳайвонларга бериларди, неча кунлаб, ҳатто ойлаб вақт ўтиб, зарарли бадбўй ҳиддан ҳаво бузилар, юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўларди.

Армияда 25 йиллаб дам олмай хизмат қилган аскарлар ниҳоятда чарчаган эди (Тўғри, хизматдан сўнг тирик қолган аскарлар ветеран (фахрий) ҳисобланиб, ер-мулк билан таъминланарди). Шунинг учун Юлий Цезар армия руҳиятини кўтариш мақсадида аскарларга тез-тез мукофотлар бериб турарди.

Мамлакатни айтмайсизми? Кетма-кет армияга сафарбарлик, фуқаролар уруши касофатидан юртда вайронагарчилик, қишлоқларда деҳқончилик ерлари экилмай қолган, очарчилик. Шаҳарларда ҳам аҳвол яхши эмас, одамларнинг тинч меҳнат шароитлари бузилган, доимий етишмовчилик, халқ турмуши доимо хавф остида.

Бутун мамлакат халқи яратувчилик меҳнати билан эмас, балки тинмай давом этаётган урушларда қўлга киритилган бойлик ҳисобига яшамоқда эди. Тинч ижодий меҳнат бўлмагач, халқ ҳаёти давлат таъминотига боғлиқ бўлиб қолган эди.

Шунинг учун ҳукумат «ўлмас овқат, чиқмас жон» деганларидек, халққа аҳён-аҳёнда текинга дон ва ёғ улашиб турарди. Лекин бу қанча давом этиши мумкин? Бизнинг катта ёшдагиларимиз ҳамон 1941-1945 йиллари бўлиб ўтган жаҳон уру-

ши («Ватан уруши»)ни эслайдилар: шаҳарлари-у, қишлоқлар вайрон, экинлар қаровсиз, ерлар экилмай ташлаб юборилган, очарчилик, «карточка системаси» (яъни киши бошига кунига 400-600 граммдан нон), одамларнинг усти юпун, ҳар куни ўлим... Хайриятки, бу қийинчилик 5 йил давом этди холос. Лекин Римда бир неча ўн йиллар давомида шу аҳвол. Тўғри, голиб Цезар халқ кўнглини овлаш ва қийинчиликлардан унинг хаёлини чалғитиб туриш учун тез-тез дабдабали сайллар ўтказар, ўз ёнидан сарфлаб ҳадялар, текинга озиқ-овқатлар тарқатар, турли оммавий кўнгил очиш маросимлари ташкил қилиб турар эди.

Лекин булар ҳам доимий эмас-да. Ҳар қандай сайл бир куни тугайди. Аммо давом этаётган урушларнинг эса поёни йўқ. Шунинг учун халқ ҳам, армия ҳам қийналиб, турмуш ўта оғирлашиб кетган, Рим жамиятининг умумий руҳи тушиб, маънавияти пасайиб кетган эди.

Хўш, Рим давлатининг вилоятлардаги, босиб олинган ўлкалардаги ҳокимларнинг, умуман мамлакат раҳбариятининг кайфияти қандай эди? Халқ мажлиси (трибун) ва Сенатдаги доимо бўлиб турадиган жанжаллар, келишмовчиликлар, фуқаролар урушлари давлат ҳокимиятини, вилоятлар-у, мустамлакалардаги раҳбарларни ҳам толиқтирган эди. Барча тинч-осуда ҳаётни қўмсайди. Хўш, ким буни таъминлайди? Асосан римликлар, шунингдек атроф вилоятлардагилар ҳам узоқ йиллардан буён барчанинг орзусига айланиб қолган тинчлик ва ташвишсиз ҳаётни таъминлашнинг бирдан бир йўли - қаттиққўллик, якка шахе ҳокимиятига ўтиш деб тушуна бошлади.

Рим шаҳри, айниқса фуқаролар уруши йиллари қанчалик катта офатлар кўрганини тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Пойтахт шаҳарда аҳолини рўйхатга олиш кўрсатдики, Римнинг 320 минг фуқаросидан (қуллар ва асирлардан ташқари) 170 мингдан ортиғи ҳалок бўлган. Бу фақат пойтахтдаги ўзаро уруш оқибати эди, холос.<sup>1</sup> Италиянинг бошқа шаҳарлари ва вилоятларидаги қурбонлар эса беҳисоб. Шу сабабдан Цезарнинг Испаниядаги сўнгги ғалабасига аталиб ўтказилган зафар таятанаси барчада норозилик кайфиятини уйғотган эди. Чунки Цезар ёт босқинчилар устидан эмас, асл римлик-итали-

---

<sup>1</sup> Жизнеописание знаменитых греков и римлян, 175-бет.

ялик ўз қардошлари - машҳур киши - Помпей аскарларининг қонини тўкиб ғалаба қозонган эди. Плутарх, бунақа ғалабадан Цезар уялиши керак, деб ёзади.

Вайронгарчиликлар, очарчиликлар, қурбонлардан юрак олдириб қолган Рим ҳукумати ва халқ оммаси бундай аҳволда Юлий Цезарнинг бахтли тақдири олдида итоаткорлик билан бош эгишга мажбур эдилар. Цезар ҳам мана шундай кайфият ҳукм сурган вақтда ҳам давлат ҳокимиятини, ҳам халқ оммасини нўхта-лаб ола қолди. Ниҳоят, римликлар қонунга хилоф бўлса ҳам Цезарни умрбод диктатор деб сайладилар. Унинг умрбод шахсий ҳукмронлиги, чегараланмаган ҳокимияти Рим тарихида си-налмаган тажриба эди.

Цезар ғалабалари ва сиёсий ҳокимияти асосан армияга ва унинг 100 мингга яқин қисмини ташкил қилган «ветеранлар», яъни армияда қўмондонга содиқлиги билан эътибор қозонган фахрийларга суянган ҳолда қўлга киритилган эди. Кенг халқ оммаси орасида эса ундан моддий манфаат кўраётган шаҳар камбағалларига, демакки, уларнинг қўллаб-қувватлашлари-га суянар эди. Сиёсатда бу - популизм, яъни арзон ҳурмат деб аталади. Шу жиҳати билан у умрбод «халқ трибуни» лавозимини ҳам эгаллайди ( яъни «плебей» деб аталмиш пастки та-бақага мансуб халқ оммасининг манфаатини ҳимоя қилувчи лавозим.) Бу билан Цезар шахси дахлсиз бўлиб қолади. Чунки, қонунга кўра, «халқ трибуни» дахлсиз ҳисобланарди. Сенат унга 5 йил муддатга консуллик ҳуқуқини ҳам беради. («Император» титули эса Цезар номининг таркибий қисмига айланиб қолади). Бу эришилган ғалабалар Цезар учун бахтли тақдир эди. Рим халқи ва ҳукуматига эса тинчлик, осойишталик керак, майли, унвони кўпайса ҳам тинчлик ўрнатса бас. Масаланинг сиёсий томони, яъни Римда республика тузуми бўладими ёки яқка ҳокимликми - бу халқ оммасини унча қизиқтирмасди: халқ урушлардан безиган, очарчиликдан, нотинч ҳаётдан чарчаган. Кейинча тарихчилар Цезарни «республика кийимидаги император» деб аташади. Унинг ўзи эса республика тузумини умуман назар-писанд қилмасди. «Республика - танасиз ва қиёфасиз қуруқ ном» - деган эди у. Қатор лавозимлар камлик қилгандек, Цезарнинг олий диний коҳинлик (понтифик) лавозимига сайланишига ҳам қаршилиқ кўрсатмадилар. Энди Цезар Рим давлати диний ташкилоти-

нинг ҳам бошлиғи. Унга яна «Ватан отаси» деган фахрий унвон ҳам берилади. Бахтга қарши, Цезар ўша йиллари сочи тўкилиб бутунлай кал бош бўлиб қолган эди. Шунинг учун доимий равишда бошига олий мартаба ҳисобланмиш лавр дарахти япроқларидан ясалган чамбарак кийиб юради.

Унга шундай ҳурмат ва эҳтиромлар билдирдиларки, ҳатто дўстлари ҳам хижолат чекадиган даражага етдилар. Цезарнинг махфий душманлари ҳамда «похол соладиганлар» кўпчиликка малол келтириш, зимдан норозилик уйғотиш учун ва кейинча уни айблашга асос бўлиши учун Сенатда янада кўпроқ мақтаб гапиришарди ва янги унвонлар бериш ҳақида қарорлар чиқаришарди.

Шундай қилиб, Юлий Цезар бир вақтда ҳам диктатор, ҳам император, ҳам абадий халқ ҳокими, ҳам диний бошлиқ, ҳам консул, ҳам олий ҳарбий қўмондон эди. Шу билан бирга, Цезар давлатнинг бош қонуний органи - Сенат ҳуқуқини ҳам деярли йўққа чиқаришга уринди ва уни ўз қарамоғидаги маслаҳат овозига эга бўлган давлат кенгаши органига айлантириб қўйди. Тўғри, у Сенат аъзоларининг сонини бир ярим баробарга кўпайтириб, 900 кишига етказди. Лекин аъзоликка номзодларни мустамаклар-у, вилоятлардаги, шунингдек, Римдаги ўз одамларидан тавсия қиларди. Шу тарзда Сенат ҳам илгариги мустақиллик мавқеини йўқотди. Боз устига, у цензорлик (яъни Рим фуқароларининг хусусий-оилавий ишлари устидан назорат қилиш) ҳуқуқига ҳам эга бўлди (чунончи, фуқаролар никоҳларининг тўғри-нотўғрилигини текшириш).

Буларнинг барчаси Цезарнинг маъмурий ислоҳотлар бобида кўрсатган фаолияти эди. У шундай чегараланмаган ҳуқуққа эга эдики, ўзи хоҳлаган қонунни киритиши ва хоҳлаганини бекор қилиши мумкин. Давлат амалдорларини хоҳласа тақдирлайди, хоҳласа жазолайди. Аммо армияга катта эътибор беради: аскарлар, командирларни очиққўллик билан тақдирлайди, уларга ер-мулклар ажратиб беради. Бунинг боиси- армия Цезар диктатура-

---

<sup>1</sup> Лавр (ўзбекчаси дафна) дарахти хушбўй бўлгани учун қадимда муқаддас ва хосиятли ҳисобланган. Қадимги Римда ғолибларга (триумфаторларга) унинг япроғидан ясалган чамбараклар кийдириш шарафли мукофот ҳисобланган. Римда кейинча мусобақаларда қатнашган шoirларга ҳам лавр япроғидан чамбарак кийдириш одат бўлди. («Лауреат» сўзи шундан олинган).

сининг таянчи эди. Унинг чегараланмаган ҳарбийча ҳоқимияти дастлабиданоқ хуфя душманлари кутган натижани бера бошлайди - жиддий норозиликлар келтириб чиқара бошлайди.

Янгидан чақирилган Сенат қозонилган ғалабаларга бағишлаб Цезар ишораси билан ибодатхоналарда қирқ кунлик миннатдорлик ибодатлари ўтказишга қарор қилади. Барча ҳар кун ибодатда. Шундай қилиб, Цезар унгача қулоқ эшитмаган мақтовларга кўмилди, шон-шухратининг энг юксак чўққисига чиқди. Худди ўша даврдан унинг шахсини афсонага айлантириш бошланди.

Цезар Римга бўйсундирилган вилоятлар (бугунги Испания, Франция, Шимолий Африка, Кичик Осиё мамлакатлари, Болқон ярим ороли) аҳолисини романлаштириш (яъни фақат лотин тилида гаплашадиган ва фақат унинг маданиятинигина тарғиб қилиш) сиёсатини юргиза бошлайди. Шу мақсадда мустамлака ўлкаларига 80 минг Рим гражданини турли вазифаларга тайинлаб ишга юборади.

Цезар барча давлат маъмуриятини ўз қўлига олгач, ижтимоий ҳаётда ҳам айрим ислохотларга қўл уради. Аввало у давлат ҳисобидан ўзига алоҳида ҳовли-жой ажратиш ҳақидаги қарорга биноан шаҳарнинг обод жойига қурилган янги уйга кўчиб ўтади. Римнинг барча катта кўчаларида, майдонларда махсус қарорга кўра, унинг кўкрагигача ифодаланган бюст-ҳайкаллари ўрнатилади. Ҳатто фил суягидан ишланган бир ҳайкалинини тантаналарда махсус замбил (маҳофа)га ўрнатиб кўтариб юрадиган бўлдилар.

Шунингдек, мамлакат ички ҳаётига доир ҳам бир қатор янгиликлар жорий қилинади. Чунончи, суд тизимини такомиллаштириш учун Цезар ўзи қонунлар тўпламини тузишга киришади. Муҳим қонунлар махсус тахталарга ёзилиб, кўчаларга қоқиб қўйиладиган бўлади. Давлат солиқ тизими ҳам тартибга солинади. Шаҳарлардаги киборлар оилаларида намоийшкорона дабдабали ҳаёт кечиршни ман этувчи, кундалик турмушда исрофгарчиликка қарши янги тартиб-қоидалар жорий қилинади. Пойтахт аҳолиси давомли урушлар оқибатида кескин камайиб кетгани сабабли 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган фуқароларнинг Италиядан икки-уч йилдан ортиқ муддатга чиқиб кетмаслиги ҳақида махсус фармон қабул қилинади. Шунингдек, сенаторлар фарзандлари ҳам рухсатсиз Италиядан ташқарига кетмай-

диган бўлади. Ҳукуматчи ва врачларнинг атроф ўлкалардан Италияга келиб яшашини рағбатлантиришга қаратилган қарор ҳам қабул қилади.

Цезар Сенат аъзолари сонини кўпайтирар экан, давлат маъмурий аппаратида ўзига содиқ ва илгари маълум бўлмаган ғайратли ёшларнинг кўпайишига эришади. Сайлов вақтларида, сайловчилар овозини сотиб олиш, уларга пора бериш каби илгарилари ўзи кўп фойдаланган ярамас одатларга қарши ҳам кескин кураш бошлайди. Цезар кўрсатмаси билан янги пуллар чиқарилади: ўзининг сурати туширилган 20 миллион денарий олтин танга зарб қилинади (Бу - шу давргача Рим пулларида биринчи марта давлат раҳбари расмининг солиниши эди). Ушбу денарий билан Римда янги пул бирлигига асос солинади.

Цезар помпейчиларга қарши юриш қилиб Испанияга кетаётганидаёқ мавжуд Рим календарини ислоҳ қилиш ҳақида кўрсатма берган эди. У Мисрда эканида римликларникига нисбатан мисрликларнинг йил ўлчови анча такомиллашган ҳисобга асосланганига эътиборни қаратган эди. Ўша ҳисобга биноан, э.ав. I аср ўртасига келиб, астрономик йилга нисбатан Рим календари 90 кунча орқада қолгани маълум бўлади. Натижада, Светоний Транквилл ёзишчи, бугдой ўрими ёзга, узум пишиғи эса кузга тўғри келмай қолган эди. Шунинг учун Юнон астрономи Сосигеннинг маслаҳати билан одатий вақт ҳисобидан воз кечиб бир йилни 365,25 сутка ҳисоблайдиган янги календар юргизишга фармон беради. Ойлар йил фаслларига тўғри келиши учун 46-йили жорий йилга 90 кун қўшиб ҳисобланади ва келаси 45-йил январ ойидан янги календарга мувофиқ йил ҳисоблашга ўтилади (Собиқ Рим календарига кўра, йил 1 мартдан бошланар эди, энди эса йил боши 1 январга кўчирилади). Бу янгича йил ҳисоби Цезар номига «Юлиан календари» деб аталиб Оврўпо мамлакатларида XVI асргача, Русияда эса 1918 йилгача давом этди.

Римда деярли ҳар ҳафтада ҳаётнинг турли соҳаларига доир (масалан, кўчаларни таъмирлаш, аҳолига ўз вақтида озиқ-овқат етказиб бериш, савдо ишларини яхшилаш) масалаларда Цезар буйруқлари эълон қилинарди. Шаҳарлар-у, вилоятларда биронта иш унинг кўрсатмасисиз бўлмас эди.

---

<sup>1</sup> Бу календар ҳам астрономик йил ҳисобига нисбатан фарқ қиларди. Бу фарқ 1918 йили 14 суткага етди. Шунинг учун Ленин бошлиқ янги ҳукумат 31 январни 14 феврал деб ҳисоблаш ҳақида декрет қабул қилган эди.

Вилоят (муниципалитет)ларда ўтадиغان сайловларда ҳам Цезар ўз одамини ўтказиш учун аралашар эди. Светоний Транквиллнинг гувоҳлик беришича, ҳатто жойларда претор (суд ишлари устидан назоратчи, ҳамда фуқаролар ўртасидаги масалаларни ҳал қилувчи вазифалар), квестор (вилоятларда молия ишлари бошлиғи), эдил (шаҳар коммунал хўжалиғи ва кўзорлар назоратчиси) каби лавозимларга сайлашга ҳам ўз одамларини ўтказишга уринар эди. Масалан, у жойлардаги раҳбарларга: Диктатор Цезар — фалон триб (сайлов округи - С.Ж.)га сизда ўтадиган сайловда мақсаддаги унвонни олиши учун эътиборингизга фалончини таклиф қиламан»-деган мазмунда қисқа хатлар юборарди.<sup>1</sup> У мамлакатда тартиб ўрнатаман деб яқка ҳукмронлик мақомига ярашмаган майда ишларга ҳам аралаша бошлади. Ҳатто римликларнинг никоҳ ишлари қонунийми-йўқми эканини ҳам баъзан шахсан ўзи текширарди. Бир куни маросимда нонвой меҳмонларга чиройли нон қўймагани учун уни банди қилади. Бундай мисолларни унинг ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин.

Шундай қилиб, Цезар давлатни бошқариш ишларининг бутун ишларини ўз қўлига олади. У хоҳ Сенатда, хоҳ бошқа жойда бўлсин, унга берилган танбеҳни, ўзгалар фикрини асло ёқтирмасди. Бир куни Сенат муҳокамасига Ер ҳақидаги қонун лойиҳасини таклиф қилганда Сенатнинг бир аъзоси ҳозирча бундай қонун қабул қилмасликни маслаҳат беради. Цезарнинг жаҳли чиқиб уни мажлисдан ҳайдаб чиқаради. Бундай вақтларда у шоир Эврипиднинг ушбу мазмундаги шеърини ёддан ўқир эди:

*«Агар қонун бузилса - подшоҳлик манфаатига бузилсин,  
Бошқа ишларда унга бўйсунмоқ лозим».<sup>2</sup>*

Шу тарзда у қисқа давлат фаолиятида кўп янгилликлар, шу билан бирга кўплаб қонунсиз ишларни ҳам қилиб улгуради.

Шу билан бирга Цезар йирик қурилиш ишларига ҳам эътибор қаратади. У Марс худосига атаб Римда энг катта ибодатхона қурдиришни мўлжаллайди. Шунингдек, Марс майдонида

<sup>1</sup> Транквилл, Жизнь двенадцати цезарей., 21-бет

<sup>2</sup> Уша жойда, 18-бет.

Помпей ташаббуси билан тошдан қурилган маҳобатли театрдан ҳам катгароқ театр қуришни лойиҳалаштиради (Помпей театрининг диаметри 160 метр бўлиб, 28 минг кишига ўтирадиган жой қилинган эди). Шунингдек, бир қанча кутубхоналар очиш ҳақида ҳам режа тузиб, бу ишга ўз даврининг таниқли олими римлик Марк Теренций Варронни жалб қилади.

Цезарнинг қурилиш ишлари режасига биноан, бир қанча каналлар ўтказиш, ботқоқликларни қуришиб мелиорация ишлари бошлаш ва янги экин ерлари очиш каби қишлоқ хўжалигига доир лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилади. Яна бир лойиҳага кўра, Тибр дарёси сувини янги қурилажак канал орқали жануб томонга буриб, Римга савдо кемалари келишини осонлаштирамоқчи эди (Денгиздан келиш хавfli бўлиб қолган эди). Булардан ташқари жанубда — Адриатик денгизи бўйидан Тибр дарёси бошланадиган жойгача бир неча юз км.ли йўл қуришни ҳам мўлжаллаган эди.

Шу тарзда, у маъмурий ва ички иқтисодий ислохотлардан сўнг завқ билан қурилиш ишларига ҳам киришиб кетади.

Плутарх синчковлик билан ифода қилганидек, Цезар якка ҳокимликка асосланган фаолиятига шунчалик берилиб кетадик, бу борада қилган ўз ишлари мевасидан фойдаланиш гўё унинг табиатида йўқдек эди — бу ҳақда ҳатто ўйламасди ҳам. Ва аксинча, янги-янги ишларга шунчалик шўнғиб кетадик, битганлари уни қаноатлантирмасдан, гўё ўзи билан ўзи рақобат қилаётгандек мусобақага киришиб кетади, — деб ёзади Плутарх.

Цезар қурилиш ишларини тугатгач, яқин келажакда яна ҳарбий фаолиятини бошламоқчи эди. У шундай қилишга мажбур эди, чунки хазинада пул қолмаган, армияси эса кейинги (Испаниядаги) ғалаба учун мукофотлар талаб қилмоқда эди. Бунинг учун янги урушлар бошлаш керак. У Шарқ томон кенг қамровли янги юриш режасини ишлаб чиқади. Режага кўра, ийд куни тож кийиш тантанаси ўтгач, 18 мартда ҳарбий юриш бошлаши керак. У Болқон ярим оролидаги Дакияни эгаллаб, сўнгра Парфиядек қудратли давлатга ҳужум бошламоқчи. Аллақачон бир неча ўн минг армия Болқонга жойлаштирилган эди. Агар Шарқдаги бу кучли давлатни бўйсундирса Қора денгиз ва Каспий денгизи бўйлари ва Кавказ ҳам унга тобеъ бўлар, Рим империясининг чегараси Атлантик океанидан бошланиб Ҳиндистонгача

етган ва македониялик Искандар шуҳрати ҳам Цезарники олдида хиралашиб қолган бўлур эди.

Бироқ Цезарнинг бу шуҳратпарастлик ниятлари бошлаб қўйган кўп ишлари билан бирга ҳаёлида ва лойиҳаларда қолиб кетди. Унинг давлатни идора қилиш усули — яқин ҳокимлиги ва дабдаба билан ўтказаетган ҳар хил тантаналари, шунингдек, унга берилган унвон-у, ҳурмат белгилари, тантаналарда дабдабага берилиб кетишлари кўпчиликда, кутилганидек, зимдан норозилик кайфияти уйғотаётган эди. Унинг абадий ҳукмронлиги қўлга киритган яқин ҳокимлик ҳуқуқи билан қўшилиб, — Плутархнинг афсусланиб ёзишича, — очиқдан-очиқ тиранияга олиб келди.

Шу билан бирга, унга нисбатан хушомадгўйликлар бошланади. Умуман инсонга қандай мақтовлар лойиқ бўлса ҳеч фарқига бормасдан барчасини Цезар шаънига айтадиган-ишлатадиган лаганбардорлар кўпайиб кетади. Цезар эса маълум мақсадга қаратилган бундай носамимий, енгил-елпи мақтовларнинг фарқига бормас, ўзини кўпчилик орасида қозонилган ғалабалардан, ялтироқ обрўлардан талтайгансимон тутарди. Оқибат шу бўлдики, ўринсиз мақтовлар ва ўзининг бунга бепарволиги дўстларининг ҳам гашига тега бошлади. Дўшманлари эса зимдан, аста-секин ҳаракатга кела бошлади. Улар ҳаракатининг кўриниши ҳам эътиборни ўзига тортади: ҳеч билинтирмаган ҳолда лаганбардорлар ва хушомадгўйлар фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар ва «чапак чалиб» турадилар. Мақсадлари эса битта, яъни Рим жамиятида Тиран золим бўлиб қолган Цезарга нисбатан малолият ортиб борсин ва ундан норозиликка баҳона кўпайсин.

Унинг ҳар бир ишга шахсан аралашавериши кўпчиликнинг гашига тегаётган эди. Бир йиғинда кимдир «Эртага осмонда фалон юлдуз кўринади» — деса бунини эшитиб турган нотик ва файласуф Цицерон: «Ҳа, буйруққа биноан кўринади» — деб, ҳатто

<sup>1</sup> Тирания - давлат ҳокимиятининг бир шакли бўлиб дастлаб қадимги Юнонистонда пайдо бўлган. Бунда қонунчилик фақат юзаки сақланиб қолади. Тиран ҳокимлар гарчи кўпинча халқ оммаси аҳволини яхшилаш сиёсатини юргизган бўлсалар-да, аммо бутун ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турадилар. Тиран ҳукмдорлар тахтни армия ёрдамида эгаллашган, ҳокимликни дилдан ҳавас қилиш ва унга ўта қизганчиқлик билан қараш уларга хос хусусият бўлган (Словарь античности, пер. с нем. М, 1989, 578-бет). Плутарх Цезар фаолиятида мана шу хусусиятларни англаб уни Тиранга қиёс қилади. Плутарх, кўрс. асар, II жилд, 482-бет.

табий астрономик ҳолатни ҳам Цезар кўрсатмаси билан юз беришига киноя қилади. Бутун Римда Цезар подшоҳ — деган миш-мишлар тарқалган эди. «Подшоҳ» сўзини эса Рим жамияти азалдан ёқтирмас ва уни «тиран»га тенглаштирар эди. Бир сафар Цезар навбатдаги юришдан Римга кириб келганида лаганбардорлари уни «подшоҳ» деб атаб олқишлаганлар, кутгани чиққан халойиққа эса бу гап малол келган ва ҳамма индамай жим қолган. Ҳушёр Цезар буни сезиб уйига кайфияти ниҳоятда бузилган ҳолда кетган.

Яна бир сафар Сенат қандайдир тантана маросими ўтказиш учун кўп халойиқни тўплаган. Цезар, нотиқлар турадиган баландликда ўрнатилган суянчиқли олтин курсида ўтирган. Сенат аъзолари ҳамда консуллар ёнига келишганда у ўрнидан кўзгалмаган ва худди оддий одамларни кутгандек муомала қилган. Сенат аъзолари бу муомаладан, албатта, ранжиганлар. Тўпланган халқ эса бу ҳолга «Цезар Сенатни ҳурмат қилмади ва бу билан давлатни ҳақорат қилди» - деб баҳо берган. Буни фаҳмлаган ҳушёр Цезар ўздан норози ҳолда уйига қайтиб дўстлари, хизматчилари олдида елкасидаги того кийимини жаҳл билан ечиб иргитиб юборган ва «бундан кўра ўлимга рози эдим», - деб бақирган. Плутархнинг гувоҳлик беришича, Цезар кейинча бундай ўзини тутолмаслик ҳолатини азалий (тутқаноқ) касаллигига йўйиб ўзига-ўзи тасалли берган.

Яна бир сафар анъанавий умумхалқ байрамида иккита халқ трибунини арзимаган ишлари учун кўпчилик олдида ишдан бўшатиб беобрў қилгани ҳам барчага малол келган, натижада халқ байрами байрамдагидек бўлмаган.

Бутун Рим жамоатчилиги хаёлан давлат тўнтаришига сабаб бўладиган қандайдир воқеани кутмоқда эди. Цезардан озор чеккан, унда адовати бор шахслар агар бундай воқеа рўй берса фаол қатнашишга тайёр эдилар. Бунинг устига Римда «Цезар пойтахтнинг Искандарияга кўчирармиш» — деган миш-миш гаплар тарқалади. Унинг махфий душманлари эса одамларни бу миш-мишга ишонтиришга уриниб, жамоатчиликнинг унга қарши кайфияти яна ҳам бузилишини хоҳлар эдилар.

Шу тарзда Цезар бошида қора булутлар кундан-кунга қуюқлаша боради. Бунга, албатта, унинг ўзи айбдор. Ахир, ти-

риклигидаёқ худо даражасига кўтарилишига сабаб бўлган қатор-қатор унвон-у, шарафлар, унга атаб қурилган ибодатхоналар ва келтирилган курбонлар, унга бағишлаб уюштирилаётган турли ўйинлар-байрамлар, худоларнинг ҳайкаллари қаторига унинг ҳайкалининг ҳам қўйилиши, тантаналарда Цезарнинг мармар ҳайкалини доимо кўтариб юришлар, ҳатто бир ой (квинтилий) номини ўз номига Юлий (июл) деб аталиши - бу ва бошқа шону шараф -мақтовларга шахсан унинг ўзи қаршилик кўрсатмаётир! Амалдорлар ҳар куни иш бошлаш олдидан Цезар номи билан қасам ичадиган бўладилар. Унга Сенатда олтиндан ясалган су-яччиқли махсус курсида ўтириш ҳуқуқи ҳам берилган эди. Бундай ноўрин унвонлар, мақтовларнинг барчаси, - деб ёзади Плутарх, - ҳатто Цезар тарафдорлари орасида ҳам норозилик кайфияти уйғотаётган эди.

Мутлақо хушомадгўйлик ва мақтовлар ҳукм сураётган бундай шароитда Цезарнинг шахсий феълида ҳам қандайдир нохуш ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. У ҳар нарсага жаҳли чиқадиган, сабр-тоқатсиз бўлиб қолади, кўпинча ўзини йўқотиб атрофдагиларга қўпол муомала қиладиган, уларни менсимайдиган бўлиб қолади. Илгарилари ўзи ҳам ёқтирмайдиган айрим феълларини ёшлигидан умрига ҳамроҳ бўлган тутқаноқлик касалига йўяр эди. Энди эса бундай феъллар одатга айланиб қолади. Доимо мустақил ва ўзига хос фикрлайдиган Цезар қуруқ мақтовларга қулоқ тутадиган, хушомадгўйларга жилмайиб боқадиган бўлиб қолади. Бир куни у шундай деган: «Одамлар мен билан ўйлаб гаплашсинлар ва менинг гапимни қонун деб билсинлар». Унинг бундай феъли римликлар меҳрини қозонишга бўлган ури-нишларини йўққа чиқарар эди.

Рим кўчаларида, хонадонларда ўз-ўзидан аввалига икки-уч кишининг яширин учрашувлари ўтказилиб Цезар устидан очиқ-часига норозилик шикоятлар қилиш бошланади. Аҳоли ҳам бозорларда, ибодатхоналарда тиран диктаторга қарши шивир-шивир гаплар қилишарди. Цезар бўйсундирилган Галлия аҳолисининг энг кўзга кўринган ва ўзига содиқ хизмат қилганлардан бир нечасини Сенат аъзолигига тавсия қилганида римликлар очиқдан-очиқ бунга қарши чиқадилар (Чунки римда галларни «Ма-

<sup>1</sup> Транквилл Светоний, 33-бет.

даниятсиз ва қолоқ халқ деб ҳисоблашарди). Кўчаларда: «(Галлар), хуш келибсизлар! (бу) янги Сенаторларга Сенат йўли кўрсатилмасин» - деган қарши варақалар тарқалади.

Цезарга суиқасд қилишга яширин тайёргарлик бошланаётган эди. Аввалига бу ҳаракатга олтмиштадан ортиқ киши қўшилди. Марк Брут, Гай Кассий ва Децим-Брут деганлар ҳаракат раҳбарлари эди.

Булар орасида энг фаоли Марк Юний Брутнинг борлиги Цезарни жон бераётганида ҳайратда қолдирган эди. Негаки, Цезар уни алоҳида яхши кўрар ва доимо унга совғалар юбориб турарди (Брут Римнинг қадимги подшоҳлик давридаги машҳур Луций Юний Брут деганнинг авлоди бўлиб, у Рим республикасига асос солган ва биринчи консул бўлган шахс эди). Брут фалсафага мойиллиги бор нотиқ ва шу билан бирга қобилиятли ҳарбий қўмондон бўлиб етишган эди. Цезар уни яхши кўрар эди. Унга Римда преторлик лавозимини берган ва уч йилдан сўнг консулликка тавсия қилмоқчи эди. Аммо римликлар, хусусан Брутнинг катта бобосини биладиган душманлари унга катта умид боғлашганидан Цезар беҳабар эди. Бундан Цезарни илгарироқ хабардор қилишдилар ҳам, аммо у мутлақо ишонмаган ва кўкрагига бармоғини тираб: «Наҳотки Брут жон чиқиб кетишини кутмаса» - деб Брутга давлат ҳокимияти меросга қолишига ишора қилган. Брут - Цезарнинг никоҳсиз ўғли, деган галлар ҳам тарқалган эди. Ким билади, Брут бундан орият қилиб юрганми, ҳар ҳолда у тайёрланаётган суиқасднинг хуфя раҳбари эди. Буни қарангки, Транквиллнинг ҳам ёзишча, Цезар ўлими яқинлашаётганидан дарак берадиган баъзи белгилар пайдо бўлган ва унинг атрофидаги содиқ кишилар уни эҳтиёт бўлишни ҳам маслаҳат берганлар.

Цезар тарафдорларидан Гай Саллюстий Крисп бир хатда «айрим галамис гуруҳлар ўз ҳаётидан кечиб бўлса ҳам уни йўқ қилишга уринмоқдалар», деб огоҳлантирган ва уни ҳушёрликка чақирган.

Ёки мана бу хабар ҳам қизиқ: Ўша мудҳиш воқеа юз берган март ойи ўртаси яқинлашганда марҳум Помпей мажлис ўтказадиган жой (курия)га тумшуғида лавр дарахтининг кичкина шох-

---

<sup>1</sup> Записки Юлия Цезаря и его продолжателей. Москва. «Ладомир» АСТ. 1999, стр. 602.

часини тишлаган ҳолда чиройли бир қушча унга ҳужум қилиб келаётган ёт қушлардан қочиб учиб келган. Ёт қушлар етиб келиб ҳалиги қушчани ҳар томондан чўқиб ўлдирганлар. Буни ҳам одамлар Цезар ўлимига йўйишган. Цезар ўзи ҳам ўлимидан бир кун илгари туш кўрган. Тушида осмонда учиб юрибди, тепасида эса булутлар эмиш. Сўнгра маъбуда Юпитер унинг милklarини қаттиқ босган. Хотини Калпурния ҳам туш кўриб, тушида уйланининг томи бузилиб тушган ва бирга ётган эрига кимлардир ханжар уришган. Бу тушлардан сўнг Цезар бир оз ўйланиб уйдан чиқмасликка ҳам қарор қилган. Бироқ Децим Брут диктатор Цезар Сенатга бормаса суъиқасд барбод бўлишининг олдини олиб айёрлик билан унинг боришини маслаҳат берган. У айтганки, гўё барча Цезарга Италиядан ташқари ўлкаларда ҳам подшоҳлик тожини кийиб юриш ҳуқуқини тантанали равишда топширишга тўпланган. Ҳамма унга муштоқ, агар бормаса Сенатга беҳурматлик бўлади.

Дарҳақиқат, шу куни, яъни 15 мартга чақирилган Сенат мажлисида Цезарга тож кийдириш маросими ўтказилиши мўлжалланган эди. Бундай шуҳратдан воз кечиб бўладими! Ниҳоят, Цезар боришга қарор қилиб, соат 10 га яқин уйдан чиққан ва «Муқаддас» йўлдан Марс майдони томон юрган. Йўлда кимдир унга қарши суъиқасд тайёрланаётгани ҳақида ёзиб махфий равишда қўлига тутқазган ва қулоғига «тезда ўқи»-деб шивирлаган. Цезар эса хатни ўша топда ўқимасдан чап қўлидаги бошқа қоғозларга қўшиб қўйган. Одатга кўра белгиланган жойда аввал бир неча ҳайвонларни сўйдириб қурбонлик қилдирган. Лекин қурбонлик ҳам негадир кутилган тантана билан ўтмаган. Цезарнинг ўзида ҳам тушунтириб бўлмайдиган кайфият. Лекин гумон қилинаётган нохуш белгиларга эътибор бермаган. Йўл четида фолбин Спуриннани учратиб унга - мана март ўртаси - иди куни ҳам келди, бироқ унинг башорати тўғри чиқмаганини айтиб мазах маъносида кулган. Спуринна ўшанда Цезарга қараб: «тўғри, ид куни келди, лекин ҳали ўтгани йўқ» - деб жавоб қилган (Кейинча бу жумла мақолга айланиб кетган).

<sup>1</sup> Қадимги Рим календариди ой тўлган 13-15-кунлар «иди кунлари» деб аталарди. 44-йил март ойининг ўша куни Цезар ўлдирилгани сабабли «иди куни» тарихда машҳур бўлиб кетган.

Цезар ўз курсисига ўтирганида суиқасдчилар худди олқиш-ламоқчи бўлгандек уни ўраб олишди. Суиқасдчилар режасига кўра, биринчи иш бошловчи Туллий Цимбр Цезарга яқинлашиб илтимос гапи бордек муомала қилади. У диктатор либосининг юқорироқ қисмидан ушлаб тортади. Цезарнинг боши-ю, бўйни очилиб қолади. Бу - суиқасдчиларга сигнал эди. Ҳанда Цезар: «Бу зўравонлик-ку» - деб қичқирган. Шу ондаёқ яна бир суиқасдчи орқадан келиб томоғидан пастроққа қилич урган. Цезар: «лаънати, нима қилипсан!» - деб қичқиради ва қўлини ушлаб грифел (тош тахтага ўйиб ёзадиган ўткир темир қалам)ни унга санчади. Цезар ўридан турмоқчи бўлганида иккинчи берилган ханжар зарбаси билан ўтириб қолади. У сўнгги ҳушини йиғиб қараса яланғоч ханжар ушлаганлар атрофини ўраб олишган. Демак, масала ҳал, у тога либоси билан бошини ўраб, сўнгра йиқилиш тараддудини қилганида ҳуши ўзида эди. Ханжар билан уни ўраб турганлар бири-кетин унга ташланиб йигирма уч марта пичоқ урадилар. Шундан иккитаси ўлимга сабаб бўлади. Сўнгги нафаси чиқаетганида Марк Брутга кўзи тушиб, «Брут, сен ҳамми?» - деган-да, сўнг жон берган.

Ханжар урган суиқасдчилар дарҳол ғойиб бўладилар. Марк Брут шу ондаёқ сўзламоқчи эди. Бироқ қараса барча Сенат аъзолари ҳушини йўқотиб атрофга қочиб кетган, Цезар эса қони оқиб ётибди. Суиқасд шундоққина Помпей ҳайкали ёнида бўлган эди. Антик замон тарихчиларининг ёзишича, ҳайкалнинг анча қисмига Цезар қони сачраган. Ҳайкал-Помпей эса, гўё душманидан ўзи ўч олаётгандек истеҳзо билан қараб турибди. Жасади қонга беланган ҳолда анча вақт қаровсиз қолган. Ниҳоят, уч киши келади-да, жасадни замбилга солиб уйига олиб боришади. Ҳамма жим ҳолда атрофга тисарилиб, ваҳима билан шаҳарга қайтишади.

Бутун Римга бу мудҳиш хабар ўша соатдаёқ тарқалиб дўконлар ёпилади, бозор тарқаб кетади. Одамлар уйларида чиқмай беркиниб оладилар. Шаҳарда ҳаёт сўнади. Суиқасдчилар режасига кўра, Цезар ўлигини Гибр дарёсига ташлаб, молк-мулкини мусодара қилмоқчи эдилар. Бироқ ишни қилиб қўйиб қўрқишганидан қочиб кетишади.

Цезар қайнотаси Луций Пизон талаби билан марҳумнинг ёзиб қолдирган васиятномасини очиб ўқишади. Цезар ўз мулкларини

опасининг учта набирасига, ҳокимиятни эса уларнинг каттаси Гай Октавийга васият қилган, шунингдек, уни ўғилликка олиб ўз номини ҳам унга берган. Буни қарангки, суиқасд қилганларнинг кўпчилиги Цезар ишончидаги одамлар бўлган ва Цезарнинг ҳомиладор хотини, агар ўғил туғса ўшалар тарбиясига олишини васият қилган. Ҳатто қотили Брут номи васиятномада иккинчи меросхўр деб тилга олинган. Эртасига Брут бошлиқ суиқасдчилар воқеа содир бўлган майдонга қайтиб келишган ва Брут тўпланганларга қарата нутқ сўзлаган. Халқ уни холисона эшитган-у, аммо ҳеч ким ҳеч нима демаган. Сенат аъзолари эса гўё тинчлик тарафдоридек барчани тартибга чақириб ва Цезарга илоҳий фаришлар бағишлаб дафн тараддудига киришганлар. Суиқасдчиларга бирон бир таъна гап ҳам айтмаганлар.

Дафн куни эълон қилиниб, Марс майдонидаги Юлийлар авлоди хилхонаси ёнида Рим диний одатига кўра дафн гулхани тайёрланади. Унинг ёнида худди Венера маъбудасиникига ўхшатиб деворига олтин аралаштирилган махсус жажоки иншоот - хона қурилиб, ичига фил суягидан махсус жой-супа тайёрланади. Устунни олтин ва қизил мато билан безаб, бош томонидаги устунига Цезарнинг қонига беланган кийими илиб қўйилади. Марҳум билан видолашиш учун Марс майдонининг ҳамма томонидан киришга рухсат қилинади. Жуда катта йиғин бўлади. Бироқ йиғинда марҳум шаънига, бизнинг давримизда ҳамон давом этиб келаётган митинг сўзлари гапирилмайди. Нутқ ўрнига консул Антоний жарчилар орқали Цезарга берилган абадий унвонлар, илоҳий номлар ва сенаторлар қасами ҳақидаги Сенат қарорини эълон қилади ва энг сўнггида ўзи ҳам қисқароқ гапириб, содиқликка қасамёд қилади.

Марҳум тобутини барча юқори лавозимдаги шахслар кўтаришиб, одатта биноан гулханга тайёрлаб қўйилган жойга олиб чиқиб жойлаштирадилар. Қўлида машғал кўтарган икки шахс чиқиб ўт туташтиради. Ҳамма ўтиргич курсилари-ю ва Марс майдонида қўлга кирадиган нимаики бўлса, барчаси ёқиб юборилади. Шу тарзда Цезар жасади ҳам одатта кўра гулханда ёқилади. Сўнг одамлар атрофдан ўтин таппиб келишади. Гулхан узоқ вақт ёнади. Барча жим, гаплашишга тил айланмайди. Энг сўнггида найчилар ва мотам ўйини ижрочилари одатта кўра, ўша куни кийган мотам либосларини ҳам ечиб алангага улоқтирадилар.

Эски қуролларини тақиб келган фахрий аскарлар ҳам қуролларини, аёллар эса ўзлари келтирган уст-бошларини ўтга ташлайдилар. Ҳамма-ҳамма, ўша кунни тўпланган чет эллик меҳмонлар ҳам ўз одатларига биноан йиғлашади. Ўчган гулхан атрофидан бир неча кунгача одамлар кетмайди.

Брут ва Кассийлар ўт қўйиш учун жўнашаётганларни негадир йўлда тўсиб қолишади ва ўзлари беркинишади. Йўлда учраган Гелвий Цинна деганни одамлар яқинда халқ мажлисида Цезарга қарши гапирган Корнелий Цинна деб ўйлашиб дод деганига қарамай ўлдириб юбордилар.

Кейинча гулхан ўрнида баландлиги 20 фут келадиган (11 метрча) яхлит мрамрдан хотира устуни ўрнатилади ва унга «Ватан отасига» деб ўйиб ёзиб қўядилар. Устун ёнида бир неча кунгача қурбонликлар ўтказиб турилади. Биров бировни айблай олмас эди, шаҳарда эса жимлик - мотам ҳукм сурарди.

Бир қанча вақтгача Цезар ўлими ҳақида, ўз тақдирига ўзининг муносабати ҳақида жамоатчилик орасида турли гаплар аниқиб юрди. Охири шу ҳақиқат маълум бўлдики, мудҳиш воқеа арафасида дўсти Марк Лепид билан овқатланиб ўтириб ўлим ҳақида гап кетганида Цезар «узоқ азоб тортиб ўлгандан кутилмагандаги ўлим афзал» - деган.

Шундай қилиб, диктатор-тиран Юлий Цезарни 56 ёшида ёруғ оламдан кўз юмдирдилар. Умр бўйи мислсиз қон тўкишлар эвазига эришган қудратли ҳокимият даврини узоқроқ суриш унга nasib бўлмади. Бошқаларнинг рашкени келтирувчи диктаторлик номи ва замондошларининг шу ҳақдаги нохуш хотираси узоқ вақт сақланиб қолди.

Нима бўлганда ҳам, кейинча Брутнинг ўзи ўйлашича, худога хуш келмайдиган ўлим бўлди. Унинг ўлими билан тарихнинг энг йирик арбобларидан бири сифатида ном қолдирган инсон ер юзидан йўқ бўлди. Бир неча йил ўтгач, тинчлик даври бошланиб Цезар васиятига биноан унинг қонуний меросхўри Октавиан Август Форум марказида - айна гулхан ёқилган жойда илоҳий Юлий маъбудасига атаб мрамрдан ибодатхона қурдиради. Кейинги барча императорлар Цезар номини олишади - бу ном унвонга айланиб кетади.

Мана икки минг йил бўлибдики, унинг номи жаҳон тарихида ҳамон тилга олинади. Цезар номининг машҳурлашиб кетганига сабаб, шубҳасиз, унинг юксак қобилиятли давлат арбоби, моҳир саркарда ва ўз даврининг маданиятли кишиларидан экани бўлса, иккинчидан XIX асрда ўтган машҳур мозийшунос немис тарихчиси Теодор Моммзеннинг Рим тарихига бағишланган кўп жилдли асари ҳам сабаб бўлди. Бу олим давр тақозоси билан бутун илмий фаолиятини қадимги Рим тарихини ўрганишга бағишлаб Юлий Цезарни «гениал тарихий шахс» деб мақтайди, давлат фаолиятини ҳам кўкларга кўтариб ёзди. Бунга Германия тарихидаги XIX асрда кечаётган ижтимоий-сиёсий ҳолат сабаб эди, албатта (Бу ҳақда хотимада айтмиз). Ваҳоланки, қадимги тарихий манбаларда ҳам таъкидланишча, Цезар Моммзен таърифлаганидек, идеал давлат арбоби эмас, улуг кишилар шахсиятига хос бўлмаган камчиликларга ҳам эга эди. Биз Цезарнинг айрим феъли-ю, ахлоқига яна бир бор холисона тўхталиб ўтамыз.

Юлий Цезар баланд бўйли, сарғиш рангли ва жуссаси келишган одам эди. Юзлари семиз эмас, аммо озғин ҳам эмас, сергак, ўйноқи кўзли. Аммо саломатлиги ўртача эди. Ёшлигидан бошлаб тутқаноққа ўхшаган ва тунда қўрқадиган дардга чалинган эди. У ўзига ва танасига оро беришни яхши кўрарди. Сочини олдириш ва соқолини қирдиришдан ташқари юзидаги тукларини ҳам мўйчинак билан ойнага қараб юларди ва бу қилиғи билан кўпчиликнинг зимдан эътирозини уйғотар эди. Кейинча сочи эртароқ тўкилиб, ноҳолис кишиларнинг масҳара қилишларига ҳам сабаб бўлган эди. Шунинг учун бошининг сочи тушган олд қисмини беркитиш мақсадида сийраклашган сочини пешона томонга тараб юрарди. Кейинча, юқорида айтилганидек, лавр дарахти япроғидан тўқилган чамбарак кийиб юриш ҳуқуқидан доимий равишда фойдаланди. Айтишларича, у кийинишда ҳам бошқачароқ эди: Сенаторлар киядиган туника номли тиззагача тушадиган кўйлакнинг энгларига шокила-попуклар тикдириб, ва одат бўлмаса ҳам, белини белбоғсимон бурмача қилдириб киярди (кўйлакни бурмача қилдириб кийиш кўпинча аёлларга хос бўлгани сабаб йигитлигида Цезарни хотинчалиш феъли бор - деб кулишарди).

У нозик дидли инсон эди. Шу билан билан бирга, зеб-зийнатга ҳам ўта ўч эди - бу ҳақда ҳам қадимдан кўп ҳикоятлар сақланган. Бир гал кўл бўйига жой - иморат қурдириб, сўнгра, ўзига ёқмагани учун инжиқлигидан бутунлай буздириб ташлаган. Британияга кўшин тортиб фақат марварид излаб борган дейишарди. Йирик марваридлар оғирлигини кафтида тахминлаб ўлчаб кўрарди ва, ажабки, тўғри топарди. Безакли тошлар, безакли идишлар, ҳайкалчалар ва бошқа санъатга дахлдор буюмларга ўта ўч эди, қаерга борса уларни ҳафсала билан йиғарди. Гўзал ҳуснли ва олим қулларни одатдаги нарх-наводан бир неча баробар қимматга сотиб оларди. Уйда эса барча ишларда қаттиқ тартиб ўрнатган эди, уй қондасига риюя қилмаган хизматчиларни ўзи жазога тортар эди. Унинг инжиқлиги ва талабчанлигидан барча уй аҳли ҳайиқар эди.

Бундан ташқари, Цезар ўта хотинбоз бўлган (бу ҳақда юқорида ҳам айтилиб ўтилди). Антик замон тарихчиси уни «ахлоқсиз ва бузук» - деб, бир нотиқ эса «барча аёлларнинг эри ва барча эркакларнинг хотини» — деб таърифлайди. Гелвий Цинна деган халқ трибунининг эътирофича, Цезар тахт меросхўрлари туғилиши учун хоҳлаганича уйланиш ҳуқуқини берадиган қонун лойиҳаси тайёрлашни ва ўзининг йўқлигида халқ мажлисида тасдиқлаттиришни унга буюрган. Яхшиямки, бу қонун тасдиқланмаган.

Биз Юлий Цезарнинг бу шахсий, аммо салбий феълларига чизги берар эканмиз, унинг ўз даври учун доҳиёна сифатларга эга бўлган серқирра инсонлигини асло инкор қилмоқчи эмасмиз. Цезар камдан-кам учрайдиган давлат арбобига насиб қилган барча мақтовга сазовор сифатлари билан бирга оддий инсонларга хос феъл-сифатлари борлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Зеро, ҳар қандай инсон, - у даҳоми ёки оддий фуқароми, - табиат ато этган барча сифатлари, феъллари билан инсондир.

Шунча номаъқул феъллари бўлса ҳам Цезар ичкиликка ружу қилмаган ёки жуда оз ичган. Шунингдек, овқат истеъмол қилишда ҳам анча камтар бўлган. У кўпинча овқат танламас, аксари ҳолларда ҳамма билан бирга овқатланиб кетаверарди. Аммо бойликка жуда ҳам ўч эди. Урушларда фақат бойлик деб кўплаб шаҳарларни, олтин деб ғайридинларнинг қанчадан-қанча ибодатхо-

наларини вайрон қилган. Жусусан Галлияда жуда кўплаб мажусийлар ибодатхоналарини ва черковларини, шаҳарларни буздириб шундай кўп олтин тўпладики, Италияга олиб келиб жуда арзон баҳоларда соттирган. Биринчи марта консуллик даврида муқаддас Капитолий ибодатхонасидан уч минг қадоқ олтин ўғирлаб, ўрнига олтин суви юритилган ўшанча кумуш келтириб қўйган.

Шу билан бирга, эътироф этиш керакки, Юлий Цезар ажойиб нотик ҳам эди. Цезар бир неча марта суд ишларида иштирок қилиб ютиб чиққан ва Римда энг яхши нотик деб эътироф этилган. Машҳур Цицерон, Цезарнинг ғаними бўлишига қарамай, «Брут» номли асарида машҳур нотикларни санар экан, ундан ўтадиган нотик учратмаганини эътироф қилади. Таърифларга қараганда, Цезар тиниқ овоз билан, доимо маъноли ҳаракат ва жаҳл аралаш бўлса ҳам, аммо мантиқдан холи бўлмаган, ўринли ишоралар, ҳаракатлар билан гапирарди.

Шунингдек, у ҳарбий саркарда сифатида ҳам мақтовга сазовордир. Цезар доимо аскарлар орасида бўлар, энг қийин ҳарбий операцияларда ҳам яланг бош ҳолда олдинда борар, қўрқинч нималигини билмасди. 30 йилдан ортиқ ҳарбий фаолиятида камдан-кам мағлубиятга учраган. Кўп ҳолларда ҳаёти хавф остида қолишига қарамай, қўрқмасдан ўзини жангга отарди. Доимо аскарларга шу сифати билан шахсий намуна кўрсатарди. У ҳарбий ишларда ниҳоятда айёр, аскарларга баъзан тескари буйруқлар берар, атайлаб қийин йўлларга бошлар ва ўзи қаергадир беркиниб олиб, топишга буйруқ берарди. Интизомни бузганларга ўта бераҳм, шу билан бирга, фидокор аскарлар ва командирларга шафқати ҳам, ҳиммати ҳам бор эди.

Бобир Мирзо каби Цезар ҳам урушларда ва кундалик ҳаётда турли бидъату, хурофотларга ишонмасди. Мунажжим юлдузга қараб фол очиб, гарчи ғалабага ишонмаса ҳам Бобир юриш бошлаб ғалаба қилганидек, Цезар ҳам Африка жанги олдидан қилган курбонлиги пайтида чала сўйилган ҳайвон қўлидан чиқиб кетганига қарамай (хурофий эътиқодда бундай ҳол ғалаба келтирмас эмиш) Сципионга қарши уруш бошлаб муваффақият қозонган. Кемадан тушиб Африка қирғоғига қадам босганида Цезар қоқилиб тушган. Бу ҳам бидъатда яхшилик нишонаси эмас эди. Лекин Цезар сирни бой бермай ерга энгашиб туриб уни ўпгандек ҳолда: «о, Африка! сен менинг қўлимдасан!» - деб хижолатдан чиққан. Атрофидаги буни эшитганлар дадиллашиб, руҳан тетиклашиб кетганлар.

Агарда Цезар қўшинлари жангда чекиниб қочаётган бўлса, у йўлни тўсиб чиқиб, ҳар бир аскарнинг томоғидан ушлаб юзини душман томонга буриб қўярди ва гап билан ғалабага илҳомлантирарди. Бир сафар чекинишда аскарлари шунчалик ваҳимада қолганки, Цезар бир аскар ёнига келганида, аскар ҳатто қилич ўқталиб уни ўлдирмоқчи бўлган. Лекин Цезар гап билан аскарни руҳлантира олган.

Армияни доимо ҳарбий сафарбарлик ҳолатида ушларди. У «Эртага урушга» деб буйруқ бермасди, қўшин доимо буйруққа тайёр туриши керак эди. Баъзан у атайлаб ёғингарчилик ёки байрам кунлари ёлғондан тревога бериб, атайлаб чарчатиш учун қўшинни юришга отлантирарди. Умуман, Цезарнинг бунақа ҳарбий ҳийласи кўп эди. Аммо урушда ғалабадан кейин аскарларни ўз ҳолига қўйиб юбориб, хоҳлаган ишини қилишларига (ўғирлигу фоҳишабозликкача) ижозат берарди. Қандай йўл билан бўлса ҳам армияни ўзига содиқ бўлишига эришган эди. Хужум олдидан у қўшинларга «Аскарлар!» деб эмас, балки «Сафдошлар!» ёки «Гражданилар!» - деб мурожаат қиларди ва шунинг ўзи ҳам аскарларда қўмондонга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотар эди. Аммо Цезарнинг сотқин ёки қочоққа нисбатан энг қаттиқ жазоси аскарни азобда ўлдириб эди (икки қўлини ёғочга боғлаб бураш, оёқларига мих қоқиш, бадан ёки айрим аъзоларини куйдириш ва ҳ.к.). Шундай ҳолга эришганки, гуноҳкорни қийнамасдан ўлимга буюришни Цезарнинг раҳмдиллиги деб билишарди.

Шунга қарамай, Юлий Цезарнинг инсоний фазилатларига, саркардалик сифатларига холис баҳо берган қадимги дунё тарихчиси ҳам ўз хулосасида унинг барча яхши сифатлари олдида ҳокимиятни сунистеъмол қилишдек қабиҳ гуноҳи учун ўлдирлиши одилона иш бўлди, - деб хулоса қилади.

Цезар ҳаёти давомида баъзи асарлар ҳам ёзиб қолдирган. Умуман шуни айтиш керакки, у сафарларда ҳам ёзарди ёки ёнида юрган махсус котиб қулига айтиб ёздирарди. Шундай гаплар борки, ҳатто бир вақтда ҳам ўқир, ҳам тинглар, ҳам ёзар эди. Аммо унинг хатлари сақланмаган. Бизнинг давримизгача «Галлар уруши ҳақида ёзишмалар» ва «Фуқаролар уруши ҳақида ёзишмалар» деган тарихий асарлари етиб келган. Қадимшунослар яқдиллик билан шуни эътироф қиладиларки, Цезар, шубҳасиз, юксак адабий ва нотиклик истеъдодига эга бўлган. Унинг

---

<sup>1</sup> Транквилл, Жизнь двенадцати Цезарей, 33-бет.

«ёзишмалари» лотин прозасининг тенги йўқ наъмуналари деб баҳо олган. Цицерон уларни «энг юқори мақтовга сазовор асарлар» деб таърифлайди. Лекин тарихий ҳақиқат шундан иборатки, Цезар асарларида фақат урушлар ва ҳарбий операциялардаги муваффақиятларгина тасвир этилади. Муаллиф фикр-мушоҳадалари ва уларнинг мутлақо тўғри экани ақл ҳужумкорлиги билан ҳар сатрда, ҳар бобда таъкидлаб борилади ва оқибатда кейинча Цезарнинг бутун ҳаёти фақат муваффақиятлардан иборат деган фикр пайдо бўлади.

Афсуски, фанда Цезар «Ёзишмалари»<sup>1</sup> ва «Бобирнома» адабий ёзма ёдгорликлар сифатида қиёсий ўрганилган эмас. Шунинг учун биз ҳам унинг «Ёзишмалари», адабий мероси устида тўхталмаймиз. Гарчи бу икки буюк шахснинг яшаган даври бири-бирдан узоқ бўлса ҳам уларнинг илмий-адабий меросини қиёсий ўрганиш келгусининг вазифасидир. Биз эса бу масаланинг маҳсул илмий мавзу эканини таъкидлаб, Бобир ҳаётидаги сўнгги воқеалар баёнига ўтамиз.

---

<sup>1</sup> Юлий Цезар асарлари СССР Фанлар Академиясининг «Литературные памятники» руқндаги серияда нашр этилган. (Қаранг: Записки Юлия Цезаря и его продолжателей. Перевод и комментарии акад. М.М.Покровского. АН СССР, М, 1962) Бироқ «Бобирнома»нинг Иттифоқ миқёсида ушбу руқнда нашр этилмагани СССРга тобе бўлган бошқа халқлар маънавий меросига нописандлик билан қараш оқибатидандир.

## БОБИРНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Биз мавзу-баҳсимизнинг Бобирга дахлдор сўнгги бобини у Ҳиндистондек афсонавий мамлакатни қўлга киритиб, беқисс га-лаба билан тугаллаб, ниҳоят унга тинч ва осойишта ҳаёт учун замин яратилгани ҳақида тўхталган эдик. Бобир эзгу ниятига етди - бобоси улуғ Соҳибқирон сулоласи ҳукмронлигини ўрнатди. Энди хотиржамликда тинч илмий ва бадний ижод билан шуғулланса бўлади. Зотан, унинг эзгу мақсади ҳам шу.

Лекин у неча йиллар давомида не-не машаққатлар билан қўлга киритилган бу тинч ҳаёт нашидасини суролдими? Даврон, тақдир чиндан ҳам Бобирга кулиб боқдими? Афсуслар бўлсинким, тақдир унга ўзи кутмаган бошқа тухфа тайёрлаб қўйганини у билмасди.

Аввало шуни айтиш керакки, Бобир Ҳиндистонга келгач, унинг руҳий кайфиятида баъзи ўзгаришларни сезиш мумкин. У бош орзу-си - Ҳиндистонни эгаллаш учун изчиллик билан ҳаракат қилди. У олим ва адиб подшоҳ бўлгани учун Шарқ адабиётида шоҳларга берилган насиҳату маслаҳатларга риоя қилган ҳолда иш кўради. Жумладан, Низомий Ганжавийнинг: «жаҳонгирлик, подшоҳлик иши тўхтаб турмайди, доимий ҳаракатда бўлмоқ лозим» - деган мазмундаги форсий ғазали мазмунига биноан доимо изчиллик билан ҳаракат қилди. Охир-оқибатда:

*«Толёй йўқи бошимга балолиг бўлди,  
Ҳар ишники айладим - хатолиг бўлди.  
Ўз юртини қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб! Нетайин, не юз қаролиг бўлди»*

деган рубоийсида изҳор қилинган ўз-ўзидан рози бўлмаслик кайфияти Бобир вужудини қамраб ола бошладими, ҳар ҳолда у ҳокимлик ишларига қараганда ижодий ишлар билан кўпроқ шуғулланди дейиш мумкин. У енгил бўлса ҳам тез-тез касалликка чалиниб турадиган бўлиб қолди (Гоҳо безгак, томоқ оғриғи, кулоқ оғриғи, иситмалаш, чипқон чиқиш ва ҳ.к.). Баъзида Бобир кайфиятида якка-ёлғизликка мойиллик пайдо бўлади. Бир куни баҳодир йигити Турдибекнинг уйда ёлғиз ўзи қолиб қўнгли фақат икковлон улфатчилик қилишни хоҳлагани ҳақида юқорида эзиб ўтдик.

Лекин барибир кўнгилдагидек бўлмади: мулозимлари уни излаб топиб олдилар (ахир подшоҳ-да, уни қўриқлаш керак!).

1527 йил сентябр охири - октябр бошларида Бобир ўз одамлари билан Ганг дарёси нарёғидаги Санбал шаҳрида икки кун тўхтаб, сўнг Ров Сервоний деган давлатманд ҳинднинг таклифига биноан унинг уйида меҳмондорчиликда бўлиб, тунаб қолдилар. Анча эрта - бомдод намозидан илгарироқ йўлга чиқишди. Бобир ниманидир баҳона қилиб одамларини ортда қолдирди ва ёлғиз ўзи отда тезлаб кетди - бу сафар ҳам кўпчилик билан бирга юришни кўнгли хоҳламади ва Аграга ўзи ёлғиз жўнади. Подшоҳ Бобир нега кўпчиликни кўнгли кўтармайди, отда юриб ўзи якка нималар ҳақида ўйланади - бу бизга номаълум.

Шундан икки ҳафтача ўтгач, Бобир безгак касалига учрайди. 25-26 кун иситма чиқиб, титроқ босиб ётиб қолади. Шу кунлар ичида у уйқусизликдан ва оғзи қуруқшаб ташналикдан ҳам кўп азоб тортади. Шундай касаллик кунлари ҳам Бобир ижод қилади ва уч-тўртта рубоий ёзади. Айниқса, қуйидаги рубоий Бобирнинг ҳолатини айнан ифода қилади:

*«Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,  
Кўздин учадур уйқу, чу оқишом бўладур.  
Ҳар иккиси гамим била сабримдек,  
Боргон сайи бу ортадур, ул кам бўладур».*

Хўш, нега подшоҳ Бобир уйқусизликка ва иситмага учрайди, нега иситма кўпаяди-ю, уйқу озаяди? - бу савол унинг мухлисларини ҳамон ўйлантиради. Нисбатан ёш бўлса ҳам оғир табиатли ва дардга чидамли Бобир Мирзо ҳеч кимга ёрилмайди, кўнглини очмайди. Яхшиям келгуси ойда Кобулдан аммалари келгач, унинг кўнгли анча ёзилган ва кайфияти кўтарилган бўлса керак. Бобир Мирзо соғайиб кетган бўлса ҳам тез чарчайдиган бўлиб қолган ва бунинг дафъига дори истеъмол қилиб юрган. 1528 йилги воқеалар баёнида табиб Мулла Рафе тайёрлаган махсус дорини толқон билан истеъмол қилиб, чарчоқни ёзгани ҳақида хабар бор. Бир куни эса қулоғи оғриб кечаси билан ухлаёлмай чиқади.

Бобир Мирзо келаси йили ҳам безгак касалидан қутулмади. 1528 йил октябр ойида Ҳумоюн Мирзо ўғил фарзанд кўргани

ҳақида Бадахшондан хушхабар келди. Шунга қарамай, Бобир Мирзо безгак билан иситмалаб Жомеъ масжидида жума намозини зўрға ўқиди-ю, уйга қайтди ва ётиб қолди. Аср намозига эса масжидга чиқолмади ва қазосини аранг ўқиб яна ётди. Якшанба кунини яна қалтироқ босиб иситма чиқди ва икки кун ўрнидан турмади. Ўшанда Бобир Мирзо ҳаёлига бир фикр келади ва бу фикр унинг нақадар муслмони комил инсонлигидан, эътиқоди кучлилигидан далолат қилади. (Исломиё эътиқоди шунчалик кучли эдики, у жума кунлари ўз одатига кўра Қуръони Каримнинг маълум сурасини қирқ бир марта ўқишни тарк этмас эди).<sup>1</sup>

У ислом тарихидан шуни билардики, жаноби Расулulloҳга замондош бўлган Каъб ибн Зухайр исмли эътиқоди мустаҳкам бир шоир касал бўлиб ётиб қолганида Расулulloҳга атаб ихлос билан бир қасида ёзган ва Пайғамбаримиз (с.а.в)га юборган. Расулulloҳга шоирнинг асл мақсади маълум бўлгач, унга бир либос ҳадя қилган. Буни қарангки, шоир ихлоси туфайли соғайиб кетган. (Ислом тарихида ушбу шеър «Қасидаи бурда» номи билан маълумдир. «Бурда» - либос маъносида).

Нотоб ётган Бобир Мирзо ҳам пири устози Хожа Аҳрор Валийнинг форсийда битилган «Рисолаи Волидия» асарини ихлос билан туркийга шеърини тарзда ўгиришни жазм қилади - шоядки у ҳам шифо топса. Бобир Мирзо ёзади: «...Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримга келди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, ҳуд нечукким, соҳиби «Қасидаи бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлиж (фалажлик - С.Ж.) маразидин халос бўлди, доғи бу оризадин (қасалликдан - С.Ж.) қутулиб, назимнинг қабулига далил бўлгусидир. Ушбу ниёт била... рисола назмига шуруъ қилдим» (яъни бошладим - С.Ж.).<sup>2</sup>

«Волидия»ни назмга айлантиришни сафар оинининг 27 нчи (1528 йил 10 ноябр, сешанба) кунини бошлаган эди. Икки кундан сўнг Бобирнинг соғлиги яхшилана бошлади. Таржимани ўн кунда тугаллаб, ўзи ҳам бутунлай соғайиб кетади. Ана, Бобир Мир-

<sup>1</sup> Диний эътиқодга кўра тақводорларнинг доимий равишда ўқиб юрадиган вазифаси «вирд» (хўплиги аврод) ўқишлари деб аталади. Бобир ҳам қирқ бир марта ўқийдиган «ВИРДНИ БУНЁД ҚИЛДИМ» деб ёзади

<sup>2</sup> Бобирнома, 448-бет.

зонинг мустаҳкам эътиқоди-ю ва бу эътиқоднинг натижа маҳсули! Бобир Мирзо ўғли Ҳумоюн Мирзога юборган бир хатида шундай ёзади: «тенгри таоло ўз фазлу карами била бизнинг ишмизни ясайдир». Бу - бутун фаолиятида фақат Яратганга суяниб иш кўриб келган кишининг гапидир. Бобир Мирзо чоғир ичишни ташлаганидан сўнг ичкиликни мутлақо қўймай қўйгани ҳам Хожа Аҳрорга ва унинг «Волидия» таржимасига бўлган ихлосидан деб билади. Мана, у нима деб ёзади: «Бу йил, алҳамдулиллоҳ, ул дағдаға (яъни ичкилик ҳаваси - С.Ж.) тамом хотирдин раф бўлди (яъни сўнди - С.Ж.). Голиб, таржимани назм қилмоғимнинг юмну баракатидин эди экан» («Волидия» таржимаси назарда тутилмоқда). Яна бир жойда ёзадики, «тенгри таолонинг умид андоқдурким, бу оранинг иши тенгри таоло инояти била бот саранжом топгай». Ўз ишидан мамнун бўлган Бобир Мирзо «Волидия» таржимасидан нусхалар кўчириб, ўғиллари Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндолга, шунингдек, Хожа Калонга ҳам юборади. Мусулмончиликда Рамазондан илгариги - Ражаб ойида ҳам бир кун рўза тутиш одати бор. Бобир Мирзо, гарчи сафарда юрган бўлса ҳам бу одатга риоя қилган. 935 ҳижрий (1529) йилнинг Рамазон ойида ҳам Бобир Мирзо йўлда эди. Рўзанинг 27-куни дарёнинг кичик бир ирмоғи бўйида тўхташиб, Қадр кечасини шу ерда ўтказишга қарор қилади ва ирмоқни бўғиб таҳорат қилиш учун махсус ҳовузча ясаптиради. Ваҳоланки, хотиржамлик вақти эмас эди.

Ўша йили ёз ойларида Сун номли кичикроқ бир дарё қирғоғи бўйлаб кетаётган эдилар (Биҳар вилоятининг шимоли) дарёнинг нариги бетида узоқдан қуюқ дарахтзорлар кўринади. Маълум бўлдики, у Мунир деган жой бўлиб, Нақшбандийликнинг Ҳиндистондаги «ЧИШТИЯ» сулуки намоёндаси бўлмиш шайх Шарафиддин Мунирий деганнинг отаси шайх Яҳённинг (XIV аср) қабри шу ерда экан. Ҳамоноки, яқин келиб қолишган эканлар, бу улуғ зот қабрини зиёрат қилиш учун дарёнинг у бетида ўтишади ва 2-3 км.ча пиёда юришиб қабрни тавоф қилишади. Яна Сун дарёси бўйига қайтиб таҳорат олишади ва пешин намозини ўқишиб, сўнгра йўлида давом этадилар. Бу мисоллар Бобир Мирзо эътиқодининг софлиги ва нақадар мустаҳкамлигини кўрсатади.

Бир томондан, Бобир Мирзо ғолиб подшоҳ - ғозий бўлса ҳам ҳаётидан, ўз тақдиридан кўнгли тўлмаслиги, иккинчи томондан, подшоҳлик қисмати ва унинг давлат ишларига бурчлилиги, — у ўзини бир-бирини инкор қилувчи мана шу икки ҳаётий жумбоқ орасида сезарди. Нима бўлганда ҳам у давлат бошлиғи, бинобарин, хоҳлайдими - йўқми, подшоҳлик бурчини адо қилишга мажбур. Шу маънода у Ҳиндистонда қозонилган тарихий ғалабага бағишлаб давлат миқёсида бирон тантана ўтказишни лозим кўради. Юлий Цезар қозонган ҳар бир ғалабаси учун Римда зафар тантанаси (триумф) ўтказганини айтган эдик, (собиқ СССРнинг Жаҳон урушида қозонган ғалабаси шарафига «ғалаба паради» ўтказилгани ҳам ўша триумфнинг бизнинг замондаги бир кўринишидир). Аммо бундай тантаналар Бобир табиатига мос келмасди. Бобир Мирзо бошқача тадбирни танлайди: Ҳиндистонни қўлга киритганига бағишлаб катта бир тантанавор маърака ўтказишга қарор қилади. Бу вақтга келиб Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги кўзга кўринган ғанимлари-ю, айрим иттифоқдош дўстлари дунёдан кўз юмдилар. У эса ғолиб - мана, Ҳиндистон подшоси бўлди. Бироқ, Бобир Мирзонинг бойлиғи давлатга унча тоби йўқ, Панипат жангидан сўнг қўлга киритилган Деҳли султонлигининг бой хазинасидан ҳам заҳра олмади - ҳаммасини жой-жойига ҳада қилди. Ҳатто Пайғамбаримиз (с.а.в.) юртига ҳам жўнатди. Энди у узоқда қолган дўстлар, ёронлар, ғаним авлодлари бўлса ҳам улуғ кишилар ва пир устозларининг зурриётлари билан бир дийдорлашишни орзу қилади. Шу мақсадда Қобул, Ҳирот, Машҳад, Бадахшон ва Самарқанд ҳамда Фарғонага ҳам махсус кишилар юбориб, Аграга вакиллар таклиф қилади.

Анжуман-зиёфат 935 йил раббиссоний ойнинг 6-куни, яъни 1528 йил 18 декабрга белгиланади. Кўшлаб меҳмонлар атрофдан ташриф буюради. Улар орасида шайбоний ўзбеклар ва эронлик «қизилбошлар» вакиллари, Ҳирот, Кобул ва Самарқанддан бошқа меҳмонлар, шунингдек, ҳиндистонликлар ҳам бор эди. Барча меҳмонларга қадрига яраша хурмат билан махсус жойлар тайёрланган эди.

Бобир Мирзога катта майдон чеккасида янги қурилган саккиз бурчакли айвонга жой қиладилар. Келган меҳмонлар ўз мавқеларига қараб жойлаштирилади. Бобирнинг чап томониغا, 4-5

метр масофада ўгли Аскарый билан бир мўгул султони ҳамда ҳазрат Хожа Аҳрор авлодлари бўлмиш Хожа Абдушаҳид ва Хожа Калон, шунингдек Самарқанддан ташриф буюрган муллолар ва ҳофизи Қуръон қорилар ўтқазилади. Шунингдек, улар қаторига азиз меҳмонлардан Муҳаммад Замон Мирзо, Тонготмиш султон, Саид Рафе, Саид Румий, шайх Абдулфаттоҳ, шайх Жамоллий ва шайх Шаҳобиддин деганлар жойлаштирилади. Уларга махсус мулозимлик қилиш учун Бобирнинг ҳурматли бекларидан тайинланади.

«Қизилбошлар»ни ҳам Бобир Мирзо ўтирган жойдан ўша чап томонга - шу меҳмонлардан 50-55 метрча узоқроқ масофага ўтқаздилар ва уларга мулозимлик қилиш учун беклардан Юнус Али деган тайинланади. Бобирнинг ўнг томонига, ҳудди шунча масофада шайбоний авлодларидан бўлган ўзбек меҳмонларини ўтқаздилар ва уларга мулозимлик қилиш учун беклардан Абдулло деган тайинланади.

Ташриф буюрган барча хону амирлар ва султонлар Бобир Мирзога келтирилган совғаларни - олтин, кумуш пуллар-у, матоҳларни тўкиб солишади. Бобирнинг олдига тўшалган махсус гилам инъом қилинган тангаларга тўлиб кетади. Совғага келтирилган қимматбаҳо парча матоҳлар ушбу гилам ёнига тўпланади.

Зиёфат олдидан Ҳиндистон таомилига биноан турли ўйинлар намойиш қилинади: аввал маст туялар ва филлар бир-бири билан уриштирилади. Сўнгра кўчқор уриштиришлар, энг сўнггида эса полвонлар кураши бошланади. Бобир ўзи ёшпиғида курашни яхши кўрадиган норғул ва полвон йигит бўлиб етишгани сабабли бақувват йигитларни ёқтирар эди. Ҳиндистон бўйлаб сафар чоғларида ҳам дам олиш асноларида кураш мусобақалари уюштирарди. Унинг Содиқ полвон деган машҳур курашчиси бор эди. Шунингдек, кейинги вақтларда ҳинд полвонларидан ҳам танлаб олган эди.

Кураш мусобақаси ўтгач, меҳмондорчилик бошланади: анвойи таомлар ва яхна ичимликлар тортилади. Махсус тайинланган мулозим ва хизматчилар ўзга юртда бўлса ҳам шарқона одоб ва хуш тавозе билан меҳмонларга хизмат қиладилар. Зиёфатдан сўнг барчага, уларнинг обрў-эътиборига қараб, шоҳона саруполар тортилади. Аввал Ҳазрат Хожа Аҳрор авлоди Хожа Абду Шаҳидга ҳамда Хожа Калонга энг тоза кийим - кундуз мўйнасидан тикилган пўстин ва шунга

яраша бошқа уст-бошлар тортиқ қилинади. Шайбоний хонларидан Кўчумхоннинг элчисига ҳам ўшандек пўстин ва бошқа кийим-бош тортилади. Шунингдек, бошқа икки улуғ хожага ва Кўчумхон элчисига 250 мисқолдан олтин ва 500 мисқолдан кумуш тортиқ қилинади.<sup>1</sup> Бошқа элчиларга эса олтин ва кумуш ҳадялар товоқларда тортилади. Қолган барча меҳмонларга ханжар, пичоқдан тортиб олтин пул-у, кийим, бошгача ҳадялар берилади. Курашган полвонлар, мусобақа уюштирган ташкилотчилар, илгарироқ Бобирга бошқа хизмат кўрсатган ходимлар ҳам ўша кунни тегишли мукофотлар оладилар. Масалан, замбаракчи устод Али Қулининг иккита ўғлига ҳам махсус совға берилади (афтидан, Али Қули урушда ҳалок бўлган - бу ҳақда Бобир ёзмайди). Мир Муҳаммад деган уста Ганг дарёсига кўприк қургани учун мукофотланади. Бобир Мирзога охиригача содиқ қолиб, оилалари, уй-жойларидан ажралиб ва кўп қийинчиликлар тортиб бўлса ҳам доимо у билан бирга бўлган андижонликларга ҳам махсус тортиқлар - олтин ва кумушлар билан бирга қиммат чакмон, эн матолар ва бошқа уст-бошлар ҳадя қилинади. Бобирнинг қизи Маъсума бегим ва ўғли Ҳиндолнинг навкарлари ҳам чакмонлар ва қиммат ятаклар оладилар.

Барчага мукофот-у, ҳадялар тортилгач, дастурхонлар йиғиштирилиб, майдонга ҳинд найрангбоз ва масхарабозлари таклиф қилинади. Улар ўзларига хос турли сеҳргарлик ва «кўз боғловчи» ўйинлар намойиш қилишади. Бобир Мирзо ҳинд найрангбозлари ва ўта чаққон ўйинчиларининг намойиш қилган турли чиқишларини ва маҳоратларини шунчалик завқ ва ҳавас билан тасвирлайдигки, уларнинг сеҳрлари, санъаткорона ва машаққатли меҳнатларига подшоҳнинг нақадар самимий эътибор билан қараганини кўрамиз. Ўйинлардан сўнг, албатта, улар ҳам тегишли ҳадялар билан тақдирланадилар. Сўнгра майдонга кўплаб раққосалар кирадилар ва рақс ўйинлари намойиш қиладилар.

Ниҳоят, тантанали маросим аср намозидан сўнг поёнига етиб, тўпланган томошабин халқ учун олтин ва кумуш пуллар сочадилар. Оломон сочқига шундай ёпирилиб ташланадигки, одамлар бир-бирини босиб кетади. Шом намозидан сўнг Бобир Мирзо 5-6 та энг яқин меҳмонлари билан 3 соатча суҳбатлашади. Эртаси

---

<sup>1</sup> Бир мисқол - ҳозирги 20 граммга тўғри келади.

саҳар пайтида кемага ўтиришиб «Ҳашт биҳишт» боғига жўнайдилар. Барча меҳмонлар якшанба куни тарқалишади.

Бобир Мирзони**н**г бундай дабдабали меҳмондорчилик маъракаси ўтказишдан кўзда тутган нияти - қозонилган ғалаба баҳонаси билан узоқдаги дўстлари-ю, қариндошлари, пири устозлари билан дийдорлашиш, ғалаба нашьасини улар билан бирга баҳам кўриш ва уларнинг ҳам кўнглини олиш эди. Бу шоҳона издиҳомга, ғаним бўлишига қарамай, шайбоний авлодларидан ҳам таклиф қилиниши диққатга сазовордир. Шўро давридаги тарихий тадқиқотларда темурийлар билан шайбонийлар бир-бирларига душман сифатида қарама-қарши қўйиб ўрганиб келинди. Масалага бундай қарашда мовароуннаҳрликлар ҳам, дашти қилчоқликлар ҳам охиrhoқибатда асли бир халқнинг икки бўғини экани унутиб қўйилди. Бобир Мирзо фаолиятидаги бундай гина-қудуратсиз ҳолатлар масалани**н**г туб моҳиятига эътибор бермоқни тақозо қилади.

Бобир Мирзо Ҳиндистон фаолиятида давлатни идора қилиш тартиблари билан кўпроқ шуғулландими ёки бунёдкорлик ишлари биланми? - деган савол туғилади. «Бобирнома» қайта-қайта ўқилганда унинг муаллифи бунёдкорлик ишларига катта эътибор бергани аён бўлади. У Ҳиндистонни эгаллагач, бундай катта ўлкага куч-қудратимиз туфайли эмас, балки яратганнинг инояти туфайли, ёлғиз тангрининг меҳрибонлиги билан эга бўлдик, деб қайта-қайта ёзади. Шунинг учун бўлса керак, у гарчи ўз она юртидан бу ёт ўлкага келиб қолишини куюнганидан «юз қаролиғ бўлди» - деб ёза ҳам, Ҳиндистон унга Оллоҳнинг инояти бўлганини у ич-ичидан ҳис қилади ва бу мамлакатга меҳр-муҳаббат кўя бошлайди. Ўлкани**н**г ноқулай об-ҳавоси, кишига малол келадиган шамоли, намгарчилиги, ортиқча иссиқлигига ва чангтўзонига қарамай, унинг табиатини гўё ўз юртига мослаштиришга жиддий ҳаракат қилади. Жавоҳарлал Неру айтганидек, шундай катта ўлкада ўзининг кичиккина Фарғона иқлими-ю, унинг боғларини яратишга уринади. «Нобоп ерларда ҳам боғ-роғлар барпо этишга интилиши унга «Боғбон шоҳ» деб ном берилишига сабаб бўлди» - деб ёзади «Бобир - йўлбарс» муаллифи Ҳарольд Лэмб (Нью Йорк, 1961, 331-бет, Н.Отажон таржимаси).

Бобир Мирзо Фарғонада ҳам, Кобулда ҳам дарё ва сойлардан чиқарилган ариқларга ўрганиб қолган. Ҳиндистонда эса ариқ-ка-

наллар йўқ, сув фақат дарёларда оқади холос, бошқа жойлар мутлақо сувсиз, баъзи жойларда эса дарё тошиб сув бефойда қўллаб ётади. Деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган ўлкадан келган Бобир Мирзога ерни суғормаи ҳам ҳосил ундирилиши аввалига таажжубдек туюлади. У кўп жойларда сувсиз ётган ерларга ариқ чиқаришга, ҳовузлар ковлашга катта эътибор беради, ҳеч бўлмаса, ўзи ва одамлар истиқомат қиладиган жойларда янги ариқга қулай иқлимий шароитлар яратишга жидди жаҳд билан ҳаракат қилади. Зокиржон Машрабов раҳбарлигида 1993 йили ушбу ариқ қилинган халқаро илмий экспедиция чоғида биринчи марта Ҳиндистонда бўлиб, Деҳли ва Агра шаҳарлари атрофида бино қилдирган боғ-роғларда бўлди ва телетасвирларга туширилди. Бу боғлар Ҳиндистоннинг иоқулай иқлим шароитида ҳамон кичи диққатини ўзига жалб қилади. Маҳаллий халқ вакиллари билан суҳбатларда маълум бўлдики, Бобирнинг табиатга шайдолигини ҳиндистонликлар ўз хотираларида ҳамон сақлайдилар.

Аграга келиб ўрнашгач, бир неча кундан сўнг Бобир шаҳарда (Фарғоначасига) боғлар қуришни ўйлаган ва шаҳарни айланиб ўрганган. Сув йўқлиги сабабли қудуқлар ковлатади ва атроф жойларни суғориш учун далаларни текислатади. Бу ишларга кўп одам жалб қилинади. Ариқчалар тортилиб, ерлар қудуқ суви билан суғорилади ва турли гуллар экилади. Қудуқдан сув ҳўкиз кучи билан айланадиган махсус қурилма орқали олинарди. Тез орада янги боғ яратилади.<sup>1</sup> Бир вақтнинг ўзида боғ чеккасига ҳаммом ҳам қурилади. Атрофда кўкаламзорлар, гулзорлар яратилади. Бобир Мирзо доимо бўш вақтини шу боғдаги хос хоналарда ўтказарди. Дарё қирғоғидан ер-мулк олган айрим беклар ҳам Бобир таклифи ва қатъияти билан боғлар яратадилар, чигир-чархпалак ўрнатиб сув чиқарадилар.

Иброҳим Лўдий саройида ҳам Бобир Мирзо очиқ қудуқ ковлатиб, атрофини гулзор қилдиради. Бобир Мирзо қаерда табиати гўзал жой кўрса ёки хабар топса, атайлаб уни бориб кўрарди. Фирузпур шаҳри атрофида Кутил номли катта ва хушманзара

---

<sup>1</sup> Бу Ҳиндистонда Бобир Мирзо қурдирган дастлабки боғ бўлиб, «Оромбоғ» деб аталган /ҳиндлар «Ромбоғ» дейишади/1993 йили Ҳиндистонга илмий сафар чоғида дарё бўйига қурилган бу боғни томоша қилганмиз, ҳозир қаровсиз ҳолда қолган.

кўл борлиги ҳақида эшитиб қолади ва Ҳумоюн Мирзони кузат-гач, кўлни махсус бориб кўради. Кўлдан оқиб чиққан ариқлар тошиб ётгани сабаб ариқ қирғоқларига катта тошлар ётқиздириб тўғри оқадиган ҳолга келтиради. Кўл атрофи гўзал водий бўлгани сабаб Бобир Мирзо вақти танглигига қарамай шу ерда бир кеча тунаб дам олади.

Ҳа, у чиндан ҳам қалби шоирона гўзал, шунинг учун ҳам гўзал табиат шайдоси эди. Бир сафар Гувалёр шаҳрида бўлганида бекларидан Раҳимдод деганнинг боғини бориб кўради. Бу ерда қипқизил канир гуллари сероб экан. Бобир Мирзо ушбу гулдан кўчатлар олиб Агра боғларига ўтқазиб кўпайтиришни буюради. Бобир Мирзо Балхдан бир миришкор деҳқон чақиртириб, Аграда қовун эктиради. Ўз боғига К обулдан келтирилган узум кўчати ҳам ўтқиздиради.

Ҳинд тарихчилари эътироф қилиб ёзадиларки, Бобиргача мамлакатда боғдорчилик деярли бўлмаган. Юқорида айтилганидек, ушбу мамлакатда ўз ватани - Фарғона, Андижон табиатини, унинг боғлари ва гулларини кўришни орзу қиларди. Шунинг учун қайси шаҳарга борса, маъмурий ташкилий ишпар билан банд бўлишига қарамай, боғлар, гулзорлар яратишга албатта эътибор қаратарди. У Кобулда ҳам ўнга яқин боғ қилдирган эди («Бобирнома»да «Боғи вафо» таърифи берилган). Панипат жангида ғалаба қозониб, ушбу шаҳар олиниши биланоқ дарҳол боғ яратишга буйруқ берган. Боғ асосан битгунча Деҳли ва Агра томон кетмасдан шу ерда турган. Боққа асос солингач, мутасаддилар тайинлаб, сўнг Панипатдан жилган.

Агра шаҳри ва атроф далаларнинг кўриниши, рости, Бобир Мирзони хурсанд қилмаган. Хушманзара бўлмаган ва бир хил кўринишдаги текисликлар, нохуш шамол ва доимий чанг-тўзон унинг ғашига тегарди ва она юртининг табиати кўз ўнгидан ўтарди. У барчани дарҳол дарахт кўчатлари ўтқазिशга, шамол ва чангдан ором оладиган боғлар барпо қилиш ишларига ундайди. Бобир Мирзо Аграга келгач, Жамна дарёсида кемада сузиб ва дарё ёқасидан юриб, яқин қирғоқларни кўздан кечиради - диққатга сазовор жойни, дарахтлар ўсиб ётган ёки ҳавас қилса бўладиган бирон далани учратмайди. Дарё пастиликда оқарди, юқорида эса оқин сув йўқ. Ўшанда у қудуқ ковлаб сув чиқариш ва ҳовузлар ковлаб, уларни қудуқлар суви билан тўлдириб, хуш ҳаво хиёбонлар яратиш ишига киришади. Аградаги машҳур

«Ором боғ» («Ромбоғ») шу тарзда яратилган эди (уни Зарафшон боғи ҳам дейилади). Дарё қирғоғидан ер-мулк олган Бобир Мирзонинг яқинлари бўлмиш Халифа, шайх Зайн, Юнус Али ва бошқалар ҳам Бобирнинг тавсияси билан ўз ерларида боғлар, мевали дарахтзорлар, гулзорлар яратадилар. Чиғир (чархпалак)лар қуриб, ковланган қудуқлардан сув тортиб чиқарадилар.

Гвалиёр шаҳрига кетишда Дивалпур деган жойга етганда Бобир Мирзо бу атрофнинг гўзал табиатига эътибор бериб, шу ерда лагер қуриб тунаб қолишга қарор қилади. Атроф баландликдан оқиб тушадиган ёмғир сувларидан пайдо бўлган кўл бўйлари ям-яшил. Унинг юқори қисмида боғ барпо қилишни буюради. «Бобирнома»да «Чорбоғ» деб тилга олинган машҳур боғ шу ерда бино қилинади. Бобир Мирзо сангтарош уста Шоҳ Муҳаммадга ва ер ковлаш ишлари бўйича мутахассис Шод Бобо деганларга ободонлик ишлари бўйича топшириқлар беради.

Ҳинд олимининг эътироф этиб ёзишича, Бобир Мирзо қурдирган боғларнинг тузилиши, уларда экилган дарахтларнинг кўриниши, гуллар ҳамда ариқчаларда шилдираб оқаяётган сувлар кишини ўзига мафтун қилади ва бутун таровати билан «Лайли ва Мажнун» дostonидаги романтик муҳаббат мавзусини эслатади (умуман бобирийлар бунёд қилган боғлар ҳам шундай маъно англатади).

Бобир Мирзо боғлар билан бирга кенг қурилиш ишлари ҳам бошлаган. Масжид-у, мадрасалар, шоҳона қасрлар, меҳмонхоналар, давлат идоралари учун кўплаб бинолар қурдиради. Шу муносабат билан Бобир Мирзо ёзади: «Зафарнома»да Темурбекнинг «Масжиди Сангин» иморатини қилурда Мулла Шараф (Шарафиддин Али Яздий - С.Ж.) мундоғ муболага билан битибдурким,... ҳар кунда якки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Ограда ушбу Оградинг сангтарошларидан менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дилпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморат (ларим)да иш қилурлар эди».<sup>2</sup> Сангтарошлардан ташқари сон-саноқсиз турли хил ҳунармандлар ва бошқа ишчилар ҳам ишлаганини ёзади Бобир Мирзо. Ҳа, боғ-роғлару, дарахтзор-гулзорлар яра-

<sup>1</sup> М.Рандхава, Сады через века, пер.с англ.1981,156-бет.

<sup>2</sup> Бобирнома, 361-бет.

тиб ва беҳисоб қурилиш - ободончилик ишлари қилиб, Ҳиндистон қиёфасини гўё ўзгартириб юборишга бел боғлаган эди. Умри кифоя қилганида бу мамлакатни, ўз тасавури бўйича - Мовароуннаҳр каби боғ-бўстонлардан, обод шаҳарлардан иборат диёрга айлантирмоқчи бўлган эди. Сафар чоғимизда ҳозиргача сақланган бундай биноларни зиёрат қилдик ва уларнинг бунёдкори Бобир Мирзони эсладик.

Бобир Мирзо ҳарбий ёки маъмурий ишлар билан сафарда бўлар экан, ҳар қандай жойнинг табиий шароитига албатта эътибор берарди ва ўлканинг табиий имкониятидан мақсадли фойдаланишни ўйларди. Мана бир мисол: ҳижрий 935 йил бошлари (1528 йил куз ойлари) эди. Бобир Мирзо одамлари билан Аградан Гувалёрга кетаётиб йўлда бир кўл бўйидан чиқиб қоладилар. Унинг соҳили хушманзара бўлгани учун тунаб қолишади. Эртасига Дилпур ғарбида, тоққа яқин жойда, ўзи қурдирган янги боғда тўхтаб, бу ерда алоҳида ажралиб турган бир тоғ бўлаги унинг диққатини тортади. Нақд қурилишбоп қизил тош экан. Бобир Мирзо бу тоғ бўлаги остини ковлаб кўришни буюради: агарда ер ости қисми чуқурроқда бўлса, уни ўйдириб ундан битта уй қурдирмоқчи бўлади. Ковлаб кўрсалар, ер ости қисми чуқур эмас экан. Бобир Мирзо уста Шоҳ Муҳаммад сангтарошга тошнинг устки қисмини кесиб текислаб, сўнг саккиз бурчакли ҳовуз ўйишни буюради. Унинг шимол томонида ўнга-ўн қари (бир қари - 70см) қилиб қудуқ ковлаттиради. Қудуқдан тепаликдаги тош ҳовузга чархпалак (чиғир) орқали сув тушадиган қилади. Унинг шарқ томонида - ёмғир сувидан пайдо бўлган кўл бўйида тош супа қилишни, ғарб томонида эса бир масжид қуришни буюради. Шу ишларни ташкил қилиш учун Бобир Мирзо бошқа давлат ишларини қўйиб Дилпурда икки кун туриб қолади. Унинг бунга ўхшаш фаолияти табиатга, ўзалликка шайдолигидан эди.

Подшоҳ Бобир Мирзо боғ ишларида ҳам, бошқа қурилиш ишларида ҳам ишнинг сифатли бўлишига эътибор берар эди. Секри шаҳрида бўлганида буйруққа биноан қурилган боғнинг девори ва сув чиқариш учун қовланган қудуқ унинг айтганидек қурилмаганига эътибор қаратади. Бобир Мирзо ишбошиларни чақириб келиб жазолайди ва буздириб бошқа қурдиради. Гарчи «майда»

кўринса ҳам подшоҳнинг, бош раҳбарнинг бунақа ишларга шунчалик эътибор билан қараши ҳам тарбиявий аҳамиятга эга эканини, ҳам барчани ҳар ишда гузалликни ҳис қилишга даъват эканини замонамизда ҳам мамнуният билан кузатмоқдамиз.

Юқорида баён этганимиз - Ҳиндистон ғалабасига бағишлаб ўтказилган тантанавор маъракага таклиф қилинган меҳмонлар кетгач, Бобир Мирзо ҳам давлат ишлари билан бошқа вилоятларга кетиши керак эди. Жўнаш олдидан уста Шоҳ Муҳаммад сангтарош бошлиқ бир қанча ишбошиларни чақиртириб, Аграда қилинажак қурилиш ишлари ҳақида берилган топшириқни яна бир марта уларга писанда қилиб, сўнгра Аградан чиқади. Подшо бўлатуруб, бундай ишларга ҳам жуда аниқ ва ўз вақтида эътибор бериши, Бобир Мирзо шахси ҳақидаги юқорида қилган хулосаларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Бобир Мирзонинг Ҳиндистон фаолиятига чуқурроқ эътибор берилса, қўлга киритилган бу мамлакатда у бутунлай қолиб кетишни ўйламаган деган хулосага келинади. Ғазнага-Хожа Калонга ёзган хатида Кобулни подшоҳнинг хос мулки деб таъкидлайди (кобул вилоятини холис қилдим)<sup>1</sup> ва фарзандларига хат қилиб ҳеч ким бу мулкка тама қилмаслигини огоҳлантиради. Бобир Мирзо ёзадики, Кобулга қайтиш нияти унда қатъий, Ҳиндистондаги ишлар Оллоҳ иродаси билан секин-аста кўнгилдагидек ҳал бўлмоқда. Бу ерда тартиб ўрнатилгач, «тевгир еткурса, (кобулга) мутаважжух бўлгумдир» - деб ёзади у.

Демак, Бобир Мирзонинг Кобулга қайтиши тайян, Ҳиндистонни Хумююн Мирзога қолдиради. Кобул ҳақида ўйлар экан, ҳатто ҳиссиётларга ҳам берилиб кетади. Чунончи, у ёзади: «ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай. алалхусус мундоқ тойиб ва торик бўлгонда қовун ва узумдек машруъ хазини (роҳатбахш нарсаларни - с.ж.) киши не тавр хотирдин чиқаргай».

Бобир Мирзо Кобул вилояти ва атроф қишлоқларни подшоҳ мулки («холис» мулк) деб эълон қилганини бир неча марта таъ-

---

<sup>1</sup> Бобирнома, 429 - бет, Умуман, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Эрон мамлакатларида ўрта асрларда ер-мулкка эгаллик қилишнинг уч хил шакли бўлиб, бири «мулки ҳурри холис», деб аталади. (яъни амир ёки подшоҳнинг хос мулки).

<sup>2</sup> Бобирнома, 429 - бет.

кидлаб ёзади ва буни ўғилларига ҳам тайинлайди. Бинобарин, қачонлардир у боргунча Кобул вилоятини тартибда сақлашни, (эшитишига қараганда) бўшаб қолган хазинасини сарф-харажатлар учун тўлдириб туришни ва шаҳар арк деворини таъмирлаб тузатиб қўйишни буюради. Бобир Мирзо ўз хатида, ҳатто айрим боғлар ва ариқ-сойларни ҳам тилга олиб, боргунига қадар уларга сув чиқаришни ва дарахтлар-у, гуллар экишни тавсия қилади.

Ҳа, Бобир Мирзо Кобулга қайтиш ниятида эди. Шу ерда бир савол туғилади - нега у Фарғонага, Андижонига қайтишни орзу қилмади? Бунинг боиси, бизнингча, шундан иборатки, бу ўлкани, умуман Мовароуннахрни шайбонийхон ўзбеклари эгаллаб, ўлкада аллақачон мустаҳкамланиб олишган. Мана 25 йилдирки, у Фарғонани ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Сўнги марта Самарқанддан қайтганига ҳам 16-17 йил тўлибди. Умуман, XVI аср бошларидаги юрт талашув урушларини эслаш Бобир кўнглини беҳузур қиларди (1503-1504 йиллардаги Аҳси жанги, Фарғона пойтахти - Андижоннинг вайрон қилиниши, Бобир Мирзо тортган азоблар, унинг «қизилбошлар» билан иттифоқ тузишга мажбур бўлгани, даҳшатли Ғиждувон жангидаги мағлубият ва шайбоний Убайдуллахоннинг ғалабаси ва ҳ.к.). Бобир Мирзо, фараз қилайлик, Ҳиндистонни таянч қилиб шайбонийлар сулоласининг ҳукмронлигига қарши кураш бошлади, аммо унинг натижасидан қатъи назар кўп қон тўкилишига ва катта вайронагарчиликларга сабаб бўлур эди. Бундан ташқари бунақа ҳарбий гадбир халқаро миқёсда ҳам катта шов-шув келтириб чиқарар, балким Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий харитасида муҳим ўзгаришларга сабаб бўларди. Бобир Мирзо қасоскорликка асосланган бундай ишларга қўл урмади, қўл урмасди ҳам. Унинг табиатида қасоскорлик йўқ. У мусулмони комил инсон сифатида барча ишларни яратган Эгамнинг иродасидан деб биларди. Шунинг учун бўлғуси гадбирларида Ҳинд мулкини катта ўғлига қолдириб ўзи Кобул мулки билан қаноатланишга ва агар умр бериб насиб қилса, фақат ижодий иш билан шуғулланишга қарор қилган. Ҳиндистонда туриб Кобул тапшиқини чекканига сабаб - унинг тинчликка асосланган мана шу нияти эди.

Аммо Бобир кайфиятидан шу нарса аёнки, у чарчаган, ниҳоятда толиққан. Деярли тўхтовсиз ҳарбий юришлар, подшо бўла-

туруб бошидан кечирган оғир ҳаёт шароитлари, ўзини ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан доимо сафарбарлик кайфиятида тутиб яшаш, забт қилинган Ҳиндистоннинг идора қилиш ишларини тартибга солиш ва у соҳадаги қийинчиликлар, - буларнинг барчасидан у чарчади, ўзида ҳам жисмоний, ҳам маънавий толиқиш сеза бошлайди. Шу сабаб ўзини овунтириш учун бўлса керак, хусусан 1529-1530 йиллари кўпроқ ободончилик ишлари билан шуғулланади. Аграрнинг Жамна дарёси атрофини кўп марта айланиб чиқади ва юқорида айтилганидек, боғлар, дарахтзор гулзорлар яратиб устида ўйланади.

Бобир Мирзо табиатида барчани таажжубга соладиган хусусиятлардан яна бири, айниқса, сўнгги йилларда, ҳар қандай шароитда ҳам ижод билан шуғулланиш унинг одатига айлангани эди.

Ҳиндистон ғалабасидан сўнг мамлакат бўйлаб кўпроқ дарёларда сузиб юришга тўғри келган эди. «Осойиш» деб аталган кемада ором олар ва ижод қилар эди. Сафар чоғида ҳам қисқа муддатли осуда дам пайдо бўлиши билан маъмурий-ҳарбий тадбирларни тўхтатиб «Осойиш» кемасига ўтар ва дарҳол илгари бошлаб қўйган ижодий ишини давом эттирар эди.

«Бобирнома» баёнидан маълум бўладикки, Бихар ва Бенгалиядаги ҳарбий операциялар тугагач (1529 йил ёзи) «Осойиш»даги ижод вақтида кўнгилсиз табиий ҳодиса рўй берди. Хуфтон намозидан сўнг бирдан ҳавони булут босиб шамол - бўрон туради. Бобир ижод қилаётган кеманинг устунни йиқилиб, тепаси очилиб кетади ва ёзув қоғозларини шамол учуриб кета бошлайди. Бобир Мирзо уларни тўшлаб улгурмаган ҳам эди, бирдан қаттиқ сел - жала қуяди. Қоғозларнинг бир қисmini шамол учуриб кетади, қолганлари ёмғирда явийди. Бобир Мирзо ҳўл бўлиб кетган бор қоғозларини тўплаб гиламга бостириб қўяди. Қирғоққа чодир тикдириб ёмғирда жуда қийинчилик билан ўт ёқадилар ва эрталабгача қўлёзма дафтар ва қоғозларни қуриб чиқадилар.<sup>1</sup>

Бобир Мирзо ижодий ишга берилиши биланоқ ажиб бир ҳафсала билан ишлар эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ди-

---

<sup>1</sup> «Бобирнома»нинг бир қанча қўлёзма саҳифалари ўшанда сувда оқиб ва шамолда учиб йўқолган (Бу ҳақда яна қаранг: Файбулла ас-Салом, Нейма-тулло Отажон, Жаҳонгашта «Бобурнома», Тошкент, 1996.).

валпурда тошдан ўйиб қилинган 10 квадрат газ ҳажмли тош ҳовуз атрофига кема билан атайлаб сузиб бориб, аввал сайр қилар, сўнгра унинг ёнига қурилган махсус тош супадаги кичиккина ҳужрага кириб Қуръони Каримни ўзи ихтиро қилган алифбога кўчириш билан шуғулланар эди. У кўлда сайр қилар экан, фақат ёлғиз қолишни хоҳлар эди. Гулбадан Бегимнинг ёзишча, бир куни отаси, яъни Бобир унга: «Кўнглим салтанат ва подшоҳликдан олинди, шу Зарафшон боғда ўтирсам, менинг хизматим учун Тоҳир офтобачи ҳам етиб ортади, подшоҳликни Ҳумоюнга берсам» - деган. Буни эшитган яқинлари йиглаб юборишган.

Ҳижрий 936 йил рамазон (1530 йил май) ойда Ҳумоюн Мирзо отасини соғиниб, Бадахшондан Аграга келади. Буни қарангки, Бобир Мирзо ҳам ўғлини кўргиси келиб, Ҳумоюннинг онаси Моҳимбону билан айна шу ҳақда гаплашиб ўтирганларида у кириб келади. Бобир Мирзо ўғлини кўргандаги кайфиятини шундай таърифлайди: «кўнглилар гул янглиғ очилиб, кўзлар чирокдек ёриди. муқаррар ҳар кун чашн (тўй, зиёфат - с.ж.) эди. Бобир Мирзо ўғли Ҳумоюн билан бир неча кунгача хурсандчилик суҳбатлари ўтказди. «Бобирнома»да Ҳумоюн Мирзонинг хушсуҳбатлиги ва комил инсонлиги ҳақида қисқа, аммо лўнда қилиб айтилган таъриф бор. Ота-бола бир-бирларидан ажралмасдан кечалари ҳам суҳбат курадилар, шеърхонлик қиладилар (Ҳумоюн Мирзо ҳам дурустгина шоир бўлиб етишган эди). Ҳатто Ҳумоюн мулки - Бадахшонга Қошғар хони Султон Саидхон ҳужум қилгани ҳақида хабар келганда ҳам ота-бола кенгашиб унинг дафъига бошқа кишини - Сулаймон Мирзони юбордилар-у, аммо бир-бирдан ажралмайдилар.

Ҳумоюн Мирзо бир неча кун Аграда отаси билан бўлгач, унга Деҳли томонда холисона мулк қилиб ажратилган Санбал вилоятда туришга руҳсат қилинади. Аммо бу жойнинг табиати унга ёқмайди, шу сабабдан тоби қочиб кундан-кунга соғлиги ёмонлашиб боради. Бу ерда бор-йўғи 3 ой яшайди, холос (1530 йил май-июл ойлари). Деярли ҳар куни унда иситма чиқар эди. Бобир Мирзо аёллар ва қизлари билан Дивалпур кўлида сайр

---

<sup>1</sup> «Бобирнома, 354-бет.

қилиб юрганларида Ҳумоюн Мирзонинг нотоблиги ҳақида хабар келади. Бобир Мирзо Ҳумоюннинг онаси - Моҳим бонуни жўнатиб ўғлини дарҳол Аграга келтиришга фармон беради. Ҳумоюнни Санбалдан Деҳлига мумкин қадар беозор олиб келишади ва бемор қийналмаслиги учун Бобир тавсияси билан у ердан кемага солишиб, дарё орқали Аграга келтиришади. Кемада сузишар экан, бемор ўғил атрофида ота юборган табиб, махсус кишилар тунлари навбатчилик қилишарди. Мана, Ҳумоюн Мирзо ота ҳузурига келтирилди. Нурсиз кўзлари билан атрофга қараб ётибди. Олдида онаси Моҳим бону. Бир сафар она аёллик кайфиятига берилиб унингсиз ҳам изтироб чекиб ўтирган Бобир Мирзога шундай деди: «сиз менинг фарзандимдан бепарвосиз... сизнинг бошқа фарзандларингиз ҳам бор, мен ғамдаманки, битта яккаю ягона фарзандим бор (холос)». Бобир Мирзо онанинг бу ноўрин таънасини эшитар экан, босиқлик билан шундай жавоб қилади: «гарчи менинг бошқа фарзандларим бор бўлса-да, лекин уларнинг ҳеч бирини сенинг Ҳумоюннингдек яхши кўрмайман, шунинг учун ҳам бутун бор давлатимни, салтанатимни... ўғлим Ҳумоюнга бағишламоқчиман, бошқаларга эмас».<sup>1</sup> Бобир Мирзо бутун подшоҳлик қудратини ишга солиб номдор табибларни тўплайди ва даволашни илтимос қилади. Табиблар турли дори-дармон берадилар, бироқ касал тузалмади, қайтага аҳволи оғирлаша боради. Мир Абулқосим деган ҳурматли зотнинг, - бундоғ дардларнинг давоси беморга қимматли нарсалардан садақа (тасаддиқ) қилмоқдир, ўшақдагина шояд «тенгри таоло сиҳат бергай», деган гапини Бобир Мирзога етказдилар. Подшоҳ бу маслаҳатни эшитиб, обдан ўйлаб кўради ва фарзандга энг қимматли нарса ота эканини ўйлаб, Ҳумоюн саломатлиги йўлида ўзини, ўз саломатлигини садақа (тасаддиқ) қилишга қарор беради. Буни эшитган Бобир Мирзонинг яқинлари ушбу қарорга қарши чиқадилар ва дейдиларки, фарзандга подшоҳ ўзини садақа қилиши шарт эмас, гап бу ерда энг қиммат дунё молидан садақа қилиш ҳақидадир. Бас, шундай экан, Панипат жангидан сўнг Иброҳим Лўдий хазинасидан қўлга тушган ва жаҳонда энг қимматли машҳур катта олмосни садақа қилса бўлади (Ўша пайтдаёқ олмос Ҳумоюнга аталган

<sup>1</sup> Ҳумоюннома, 43-бет.

эди). Иншоолоҳ, Бобир подшоҳ Ҳумоюн билан бирга яна кўп яхши кунлар кўради.

Бобир Мирзо бу маслаҳатни ҳам ўйлаб кўради. Аммо маъқул топмайди, чунки унинг тушуниши бўйича, гап қимматли дунё, бойлик устида кетмаяпти. Бобир таважжуҳи, кайфияти шундайки, у ўз жонини фидо қилиши керак. Юз берган ҳолат, Бобир эътиқоди, оталик меҳри шуни тақозо этади, шояд ўшанда Оллоҳ қабул қилса.

Бобир Мирзо касал Ҳумоюннинг тинимсиз бетоқат бўлаётганини кўриб ўзи ҳам тоқат қилолмай қолади ва унинг жон фидо қилиш ҳақидаги ушбу қарори кундан-кунга қатъийлашиб боради. Ниҳоят, у бир куни ёлғиз ўзи таҳорат қилиб хилватхонасига киради ва икки ракаат махсус намоз ўқийди - ўғлини дуо қилади. Сўнгра бетоб ётган ўғли хонасига киради. Унинг бош томонига ўтади-да, қандай мақсадни таважжуҳ қилган бўлса, ўша пок ниятда, бутун вужуди билан Яратганга илтижо қилиб, кўз ёши тўккан ҳолда бошидан уч марта айланади. Бобир Мирзо шундай деб ёзади: «(фарзандим), мен кўтардим ҳар не дардияг бор, ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди. ул сиҳат бўлиб қўпти. мен нохуш бўлиб йиқилдим. аъёни давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, байъат қўлларини ҳумоюнни қўлига бериб жойинишинлиғи ва валиаҳдлиғига насб қилдим». <sup>1</sup> Ҳамманинг гувоҳлигида Ҳумоюн Мирзони ўзига валиаҳд қилиб тайинлайди.

Барча йиғилганларда бир томондан валиаҳд Ҳумоюн Мирзонинг соғайиб бораётганидан хурсандчилик, аммо иккинчи томондан подшоҳнинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб кетаётганидан нохушлик, хафалик кайфияти ҳукм сураётган эди. Лекин наилож, Бобир Мирзонинг фарзандига тахтни топшириш ҳақидаги байъатига гувоҳ бўладилар... Ҳумоюн Мирзо, отаси ёзганидек, кундан-кунга соғайиб, ниҳоят бир куни ўрнидан туриб ҳовлига чиқади ва кўрганни келганларни қабул қилади. Бобир Мирзо эса касалланиб, Гулбадан Бегимнинг ёзишича, икки-уч ойча туролмай ётиб қолади.

Ҳумоюн Мирзо батамом соғайиб, Қалинжар деган жойга хизмат юзасидан сафарга кетган эди. Кунлардан бир кун аҳволи

---

<sup>1</sup> Бобирнома, 355-бет. Байъат - икки томоннинг бир-бирига қўлларини бериб ўзаро аҳдлашуви. Қаранг: Х.К. Баранов, Арабско-русский словарь, М., 1985, 95-бет.

оғирлашиб бораётган Бобир Мирзо уни чақиртириб олади. Ҳумоюн етиб келганида отанинг аҳволи анча оғир эди. У ҳаким ва табибларни тўплаб отасининг соғлиги ҳақида сўроқлар қилади, улар нима деб жавоб айтишни билмасдилар. Отанинг эса аҳволи оғирлашиб бормоқда.

Бобир Мирзонинг кўрган тўққизта ўғил фарзандидан бештаси ўлиб кетган эди (бешинчиси Анвар Мирзо 1528 йили гўдаклигидаёқ ўлган). Тирик қолганларидан тўртинчи кенжа ўғли Ҳиндол мирзо энди 12 ёшга қадам қўйиб, ота уни 6-7 йилдан буён кўрган эмас. Бобир Мирзо бу кенжа ўғлини кўп соғинган эди. Уни кўришни орау қилар, тез-тез Ҳиндолни ўйларди.

Бобир Мирзо бетоб кунлари Ҳиндол мирзо Ҳумоюн таклифига биноан Бадахшонга юборилган эди. Ота дарҳол хат ёзиб уни ўз ҳузурига - Аграга чақиртиради. Бобир Мирзо кенжа фарзандининг қадди-қоматини тасаввур қилар, хаёлан бағрига босар, ким келса «Ҳиндол қачон келади?» деб сўрар эди. Ота хатидан сўнг Ҳиндол ҳам Агра томон дарҳол йўлга чиққан эди. Касал ётган ота бўйига етиб бораётган икки қизини куёвга узатишни ва кимларга узатишни ҳам васият қилади. Ҳатто тўй кунларини ҳам белгилайди. Аммо кундан-кунга касали оғирлашиб бораётган эди. Бунинг устига Бобир Мирзонинг янги туғилган ўғли (Анвар Мирзо)нинг чақалоқлигидаёқ вафот қилгани унга руҳан ёмон таъсир қилган эди.

Ҳумоюн Мирзо табибларни чақиртириб келиб машварат ўтказди ва илинжиқ-илож топишларини илтижо қилади. Мана унга табиб ва ҳакимлар жавоби: «бизнинг бахтсизлигимиз шундаки, ҳеч бир дори иш бермаяпти. худодан умид қиламизки, ғойиб хазинасидан тезда шифо ато қилса». Афсуски, шифо бўлмади. Ниҳоят Бобир Мирзо ҳаётдан умидини узади ва сўнгги марта барчани тўплаб охирги васиятини қилади: «...ҳумоюн мирзога подшоҳлигимни тошшириб ўзим зарафшон боғининг бир бурчагида турсам, - деган фикрим бор эди... лекин мана шу мақсадимни соғ пайтимда қилсам деган эдим, бўлмади. касал менни эзиб қўйди. сизларга васиятим шуки, ҳаммагиз ҳумоюнни менинг ўрнимга деб билинглар ва унинг ҳук-

---

<sup>1</sup> Ҳумоюннома, 44-бет.

мронлягини камситманглар». Бобир подшоҳнинг бундай деб васият қилишига бошқа сабаб ҳам бор эди: бобиршунос Уильям Эрскин ҳинд тарихчиси Абулфазлга суяниб ёзишича, Бобирнинг бош вазири негадир Ҳумоюнни ёқтирмасди ва ўз одамларидан Маҳди Хўжа деганни тахтга ўтқазиш хаёлида эди. Бобир подшо бу фитнадан хабардор бўлади (Кейинча бу фитна фош бўлиб унинг сабабчиси жазоланади ва ҳамма Бобир томонга ўтади). Сўнгра подшоҳ ўғлига муружаат қилиб деди: «ҳумоюн, ака-укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эса худога топшираман». Ушбу васият чоғида Низомиддин Хожа Халифа, Қамбар Али, Турдибек, Ҳиндубек ва Бобирга Фарғонадан буён ҳамроҳ бўлиб юрган бошқа қадрдонлар ҳам бор эди. Барча тўпланганлар Бобир васиятини эшитиб ҳўнграб йиғлаб юборадилар. Бобир Мирзонинг ҳам кўзлари жиққа ёшга тўлади. Шундан сўнг гарчи ёш бўлса ҳам, аммо тажрибали шоҳ сифатида давлатни идора қилиш ҳақида ўғлига айрим насиҳатлар ҳам қилади. Бу воқеа тезда ташқарига - мулозимларга ҳам ёйилади. Ҳаммаёқни йиғи-сиғи босиб кетади.

Бу Бобир Мирзонинг яқинлари билан қилган сўнгги мулоқоти, сўнгги васияти эди. Орадан уч кун ўтди, подшоҳ аҳволи эса нажот томон эмас, умидсизлик томон ёмонлашиб бормоқда. Ҳамманинг дили вайрон. Одамлар бир-бирлари билан саломлашадилар-у, бироқ тил бирон сўз қотишдан ожиз. Ниҳоят, Бобир ҳаётида ва унинг Ҳиндистон давлати тарихида энг мудҳиш ва мотамсаро воқеа содир бўлади - тарих тўққиз юз ўттиз еттинчи ҳижрий йил, жумодил аввал ойининг олтинчи (яъни, 1530 йил 26 декабр), сешанба куни ўзи қурдирган Ором боғ (Зарафшон боғи)да Бобир дунёдан кўз юмади. Аввал аёлларни ва фарзандларни марҳум билан видолашиш учун у ётган катта уйга олиб кирадилар. Фарёд овозлари ҳамма ёқни тутиб кетади. Ташқарида эса ҳар ким бурчак-бурчакда унсиз йиғлар эди.

Аммо подшоҳ ўлими ҳақидаги хабар ҳозирча яширин тугилади - боғдан ташқарига овоза қилмайдилар. Гулбадан Бегимнинг ёзишича, Ҳиндистонда подшоҳ вафотини эшитган халқнинг дарҳол бозорларни, дўконларни талон-тарож қилиш одати бор, юрда тартибсизлик бошланади.

Лекин ҳақиқатни қачонгача яшириш мумкин. Бобир Мирзониинг Оройишхон исмли ҳинд амири шундай маслаҳат беради: бир жарчи қизил уст бош кийиб фил устига ўлтирсин-да, шаҳар айланиб ҳаммага: «бобир подшоҳ ҳазратлари дарвеш бўлдилар, давлатни (ўғли) ҳумоюнга топширдилар» - деб эълон қилсин. Ҳумоюн Мирзо ҳам шу маслаҳатга кўнади ва ўшандай эълон берилади. Уч кундан сўнг, жумодил аввалнинг тўққизинчи (декабр ойининг ўттинчи), жума куни Ҳумоюн Мирзо номига хутба ўқилади ва у тахтга ўтиради. Худди ўша куни Ҳиндол Мирзо ҳам Бадахшондан етиб келади. Афсус, минг афсуски, ота-бола бир-бирлари билан кўришолмадилар, - Бобирнинг ушбу армони ушалмагани тирикларга ҳам алам қилади, фарёд устига фарёд...

Катта маърака ўтказилиб, ниҳоят, марҳум дафн қилинади.<sup>1</sup> Бобир подшоҳ ҳазратлари мазорига Муҳаммад Али Асис деган мутавалли қилиб тайинланади. Олтмишта ҳушовоз хофизни Қуръон танланиб, уларга одатга биноан хатми Қуръон букорилади ва доимо тиловат қилиб Бобир Мирзо руҳига бағишлаб туриш топширилади. Секри (ҳозирги Фатхпур) шаҳрини ва катта миқдорда-

<sup>1</sup> Биз, Бобир номи халқаро илмий экспедиция аъзолари, 1993 йилги сафар чоғимизда (август-сентябр), юқорида ҳам айтилганидек, Аградаги Зарафшон боғида («Ромбоғ») бўлиб ўша даврда қурилган бинолар, кўшк-айвонларни зиёрат қилдик. Олиб борилаётган таъмирлаш ишларининг соҳибни бизга бир катта уйнинг ости - ертўла қисмини кўрсатиб, Бобир ўлими яширин тутилган қунари жасад уч ойгача шу ертўлда сақлангани ҳақидаги асрий хотирани ҳикоя қилди. Жасад айнимаслиги учун унга гаркиби бизга маълум бўлган маҳсус мой «сарсон ёғи» суртиб туришган. Ниҳоят ушбу боққа яқин бўлган «Гули Ашам» деган боққа дафн қилиниб мақбара кўтарилган. Бу жой ҳозир «Ромбоғ» тўғрисида - кўчанин у бетиди, тахминан уч юз метрча масофада бўлиб, уч хонадан иборат собиқ мақбара ташландиқ ҳолда ҳозиргача сақланган. (Бобирнинг Юсуфзай қабиласидан бўлган аёли Афғоний оғача (асли номи Биби Муборака) эри қилган васиятига биноан унинг хокини Кобулга кўчиртирган (кўчирилган йили ҳақида мунозарали фикрлар мавжуд). Бизлар собиқ мақбаранин ташландиқ биносини айланиб бўлгач, бизни ўраб олган маҳаллий кишилардан бири билан мақбара томига чиққанмизда бизга ҳамроҳлик қилган ҳинд қуйидаги ҳикояни айтиб берди (таржимонимиз иштирокида): Бобир Мирзо жасади бу ердан олиб кетилгач, унинг мақбарасидан доимо чиқиб турган ажойиб хушбўй ҳид ҳам кўтарилиб кетган ва боғ-у мақбарага ҳеч ким қарамай қўйган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу ҳикоя бизларга кучли таъсир қилди. Биз Қуръон тиловати қилиб кўзда ёш билан томдан тушдик.

ги экин ерни<sup>1</sup> подшоҳ мазорига вақф қилиб берилади. Гулбадан Бегимнинг ёзишларича, унинг (Ҳиндол Мирзонинг ҳам) онаси Дилдор Бегим умрининг охиригача ҳар куни икки маҳал худойи оши қилиб элга тарқатади. Бунинг учун эрта билан бир мол ва еттига қўй-эчки, кечқурун эса бешта эчки сўйдирарди. Бундан маълум бўладики, валиаҳд Ҳумоюн Мирзо онаси Моҳим Бегим ҳам ўз йўлига катта маъракалар уюштирган. Бобир Мирзога эса бир ривоятда айтилишича, Жаннатил-Фирдавс Оллоҳ томонидан абадул-абад яшаш жойи қилиб белгиланди деб умид қилинади.

Бири Шарқий, бири Ғарбий минтақада ўтган ва бир-бирларидан 1500 йиллик давр масофаси билан ажралиб турган бу икки шахснинг қиёсий ҳаётномасини тугатар эканмиз, эътиборни яна бир бор шунга қаратмоқчимизки, эзгу мақсади учун 30 йил курашиб, ниҳоят мақсадига эришгач, бор-йўғи бир йилдан кўпроқ давр сурган Цезар ҳаётининг фожиали тугаши тарих кинояси сифатида ҳамон инсониятни ўйлантиради.

Шунингдек, ўз эзгу мақсадига эришган ва Цезардан фарқли кўп яхши ишларни қилиб улгурган Бобир Мирзонинг мусулмони комил сифатида эътиқодига кўра ихлос билан ўз соғлигини нотоб ўғлига садақа қилиб ўлгани ҳам тарихда бошқа қайтарилмаган ноёб воқеа сифатида барчани ўйлантиради. Умуман олганда бу икки буюк шахснинг ҳаёт йўли, эзгу мақсадлари ва ҳаётларининг ечими тириклар учун ибратлидир.

---

<sup>1</sup> Гулбадан Бегим «беш лак экин ер» деб кўрсатади. Бизнинг ҳисобимизда тўрт минг гектарга тўғри келса керак.

## Х О Т И М А

Биз, Бобир ва Юлий Цезарнинг қиёсий ҳаётномасига нуқта кўяр эканмиз, яна Плутархга мурожаат қиламиз.

Тарихда биринчи марта ушбу услубга қўл урган бу қадимги юнон олими ёзган эдики, инсоннинг яхши фазилати ёки салбий феъллари ҳар доим ҳам ўз ифодасини фақат шонли ҳатти-ҳаракатларидагина топавермайди. Улуғ кишиларнинг фақат минглаб одамлар қурбон берилган жангларда қатнашганидан, ёки катта қўшинларга раҳбарлик қилганидангина эмас, балки кўпинча, бирон-бир «арзимаган» қилиғи, ёки ҳазил гапидан ҳам улар феъли ва ҳақиқий кимлиги яхшироқ ифода қилиб берилиши мумкин. Чунончи, рассом ҳам одам танасининг бошқа қисмларига эътибор қилмай фақат юзи ва кўзини аниқ ифода қилиш орқали унинг руҳиятини очиб беради, зеро инсоннинг юзи ва кўзидан феъл-атворини, яширин мақсадини билса бўлади.

Биз ҳам бу донишманднинг тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилдик ва узоқ мозийда ўтган Гай Юлий Цезар билан ўрта асрда ўтган Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳаётини қиёсий ўрганишда уларнинг шахсий феълларида асосий мақсадлари ифода қилинган томонларига ва одатларига кўпроқ эътибор беришга уриндик.

Қадимгилар ёзганидек, одамнинг бутун куч-қуввати аввало унинг руҳи, маънавиятида ва сўнгра жисмидадир. Инсоннинг маънавияти, руҳи - ҳоким, танаси-жисми эса унга бўйсунган қул бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳаётда шон-шуҳратга фақат куч ишлатиб эмас, балки ақл билан эришмоқ хайрли, қадрли бўлади. Бинобарин, бойлик ва куч билан қўлга киритилган шон-шуҳрат мустаҳкам бўлмайди, аксинча, ақл ва маънавият кучи билан ифода қилинган мардлик ва жасорат абадий қолади. Бироқ тарихда фақат ақлсиз жасорат, куч ишлатиш билангина шуҳрат топган шахслар ҳам бўлган.

Юлий Цезар ҳам, Бобир Мирзо ҳам ўз даврининг жасоратли, ақлли ва мард кишилари, шу билан бирга, қалам аҳли ҳам эдилар. Лекин улардаги ақл, фаросат, маънавият, шу билан бирга, мардлик ва жасорат қандай маънодаги эзгу мақсадлар-

га қаратилган эди? - улар бир-биридан шуниси билан фарқланадилар. Бу икки буюк шахс фаолият кўрсатган тарихий воқеаларни умумий шаклда, қисқача яна бир кўз олдимиздан ўтказайлик.

Қадимги Рим тарихининг э.ав. I аср ўрталари, яъни Цезар фаолияти авжи намоеън бўлган даври сингчовлик билан ўрганилса шу ҳақиқат аниқ намоеън бўладики, Рим Республикаси мясотида инсоният биринчи марта кашф қилган ижтимоий неъматлардан энг муҳими - ДЕМОКРАТИК Республика тузумининг тақдири ҳал бўлаётган эди. Аҳвол шу даражагача бориб етдики, демократик принципларга асосланган сайловлар тартибига ҳам халал етиб, номзодлар олийҳимматлик билан пул сарфлаб ва яхши ваъдалар бериб бир-бирларидан ўзиб кетишга уринарди, ким «сахий» бўлса ва халққа кўп ваъдалар берса иш унинг фойдасига ҳал бўладиган ҳолат юз беради, Римда давлат даражасида суиқасдлар, қотилликлар авж олади (Катилина фитнаси). Азалдан қандай қилиб бўлса ҳам яққа ҳокимликка интилиб шон-шўҳрат қозониш орзусида ўсган Цезар ўшандай шароитда жиддий фаолият кўрсата бошлади.

Бундай тартибсизликларга қарши курашиш ва Римда «тартиб ўрнатиш» баҳонаси билан ўз даврининг учта улуғ ҳарбий қўмондони - Помпей, Красс ва Цезарлар ўзаро иттифоққа бирлашдилар-у (1-триумвират), лекин демократик тартибларни ҳимоя қилиш ўрнига давлат ҳокимиятини ҳарбийчасига ўзаро тақсимлаб олдилар ва шу билан бирга республикачилик ҳокимиятини тамоман йўққа чиқардилар. Ваҳоланки, демократиядек инсоният етишган ижтимоий неъматни ҳимоя қилишлари ва уни ардоқлаб, сақлаб қолишлари керак эди. Учала иттифоқдош ҳам мулк ва ҳокимият таллашиб уч томонда қонли урушлар бошлаб юборди. Шунинг учун Римда уларга қарши сиёсий кучлар ўсиб борди. Уч иттифоқдошнинг бири - Красс Парфияга қарши юришда ҳалок бўлди-ю, энди Цезар ўз мақсади йўлида иттифоқдоши Помпейга қарши қонли кураш бошлади. Оқибатда бу кураш фуқаролар урушига айланиб кетди, неча минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди ва қанчадан-қанча вайронгарчиликларга сабаб бўлди. Ниҳоят, Цезар ҳокимият масаласида жиддий душмани бўлиб қолган Помпей устидан ғалаба қилди ва бошқа ғанимларини ҳам енгиб, чегараланмаган

ҳуқуққа эга бўлган ҳокими мутлақ бўлиб олди. Ваҳоланки, императорликка унинг қонуний ҳуқуқи йўқ эди. Умуман Рим тарихида «император» мансаби ҳали унвон сифатида пайдо бўлмаган, бунга шароит ҳам етилмаган эди.

Юлий Цезар кўп ижобий сифатларга эга бўлган қобилиятли ва доно инсон сифатида тарих майдонига чиқди ва хизматларига арзийдиган шуҳрат қозонди, армия ҳамда оддий халқ хурматига сазовор бўлди. Лекин, айрим мозий тарихчилари ҳам таъкидлаганларидек, унинг тарихий хатоси шундан иборат бўлдики, у табиат ато қилган барча қобилият-истеъдодини шахсий манфаат йўлига, яъни мамлакатда биринчи шахс бўлиб олишга, якка ҳоким бўлишга, бу йўлда ҳеч кимни ўз олдига ўтказмасликка сарф этди. Ниҳоят, бу мақсадига эришди. Бироқ, юқорида ҳам айтилганидек, инсоният кашф қилган ва халқ учун энг зарур бўлган демократик тартибларни барбод қилди - Рим республика тузумини йўқ қилди. «республика - тансиз ва қиёфасиз қуруқ ном» - деган машҳур гапини ўшанда айтган эди. Шунинг учун ҳам сиёсий майдонга чиққанидан бошлаб, хусусан кейинги фаолиятида аввалига айрим нуфузли шахслар орасида, сўнгра эса бутун сенат аъзолари орасида дастлабига хуфя, кейинча ошқора ҳолда ўзига нисбатан норозилик кайфияти пайдо қилди. Бор-бора бу норозилик душманликка айланиб, ниҳоят Цезарнинг фоживий ўлими билан якун топди.

Цезар фаолияти айни авж олган йиллардаёқ Рим жамиятидаги тушқунликка олиб келаётган бундай маънавий парокандалик кайфияти Рим ёзувчилари ва шоирларининг адабий асарларида ҳам намоён бўлаётган эди.<sup>1</sup> Жумладан ўз даврининг энг йирик шоирларидан Гай Валерий Катулл Цезарнинг ҳаётгий камчиликларини ифода қилиб танқидий-ҳажвий шеър ҳам ёзган эди, биз ундан парча келтирамиз:

*Ажойиб дўст бўлишибди шкки разил ва олчоқ,  
Мамурри мушук билан шилқим, беадаб Цезар!*

<sup>1</sup> Қаранг: Философия и общество, Научно-теоретический журнал. Москва, 2000, №2, 145-бет.

<sup>2</sup> Мамурри - Цезарнинг дўсти, шимолий Италияда катта ер-мулкка эга бўлган сиёсатчи.

*Таажжубга ўрин йўқдир: римлик ҳамда фармилик  
Фохшиабоз юзларида айни чиркин, айни доғ.  
Иккаласин манглайида фаҳш тамгаси босилмиш,  
Иккиси ҳам чирик, мараз, чаласавод эрурлар.  
Иккаласи бир тўшакда хуштори-ла ўйнайди,  
Бир аёлни тортқилашиб, кеткизгани қўймайди.  
Бу шковин шилқимлиги давлатга келтирар доғ  
Ажойиб дўст бўлишибди икки разил ва олчоқ.*

(Русчадан Ойбек таржимаси асосида Маҳкам Андижонийнинг таҳрири.)

Савол туғилади: нега Юлий Цезар жаҳон тарихида номи машҳур бўлган шахслар қаторида туради? Мана икки минг йилдирки, бу ном тарихдан-тарихга кўчиб юрибди?

Жавоҳарлал Неру бу саволга холисона шундай жавоб беради: Юлий Цезарнинг машҳурлиги сабабини унинг қобилияти-ю, шахсий фазилатидан қидирмаслик керак. Машҳурлигига сабаб - биринчи бўлиб Рим республика тузумини бекор қилди, якка ҳукмронлик ўрнатиш ва биринчи давлат бошлиғи бўлиш учун курашди. Бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмади ва ниҳоят, ўз ниятига етди.

Бу ниятига етиш учун у қанчадан-қанча ножўя ишларга қўл урди, беҳисоб бойликлар сарфлаб оддий халқ оммаси орасида ёлғондакам обрў қозонди (популизм), қанчадан қанча қурбонлар берди, ўша давр тақозоси билан тез-тез бўлиб турган қонли урушларда қатнашиб Испания, Франция, бутун Италияда, Яқин Шарқ мамлакатларида, Шимолий Африкада беҳисоб шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилди!

Плутархнинг ёзишича, машҳур Рим сиёсий арбоби, демократик тузум тарафдори, Цезар замондоши, Марк Туллий Цицерон (э.ав. 106-43) унинг хуфя мақсадларини биринчилардан бўлиб сеза бошлаганини айтган эдик. Цезарнинг, Плутарх таъбири билан айтган-да, «худди денгиз юзасидек силлиқ» кўринган феъли-ю, юриш-туришини ва хушмуомалалик пардасига ўралган қатъий мақсади сари интилишини Цицерон доим кузатиб юрган. «Аммо (жумланинг ғоят машҳурлиги учун яна қайтарамиз - С.Ж.) унинг сийрак сочлари силлиқ қилиб таралганини ва бир панжаси билан бош қашлашларини кўрганимда бу одам Рим давлати ту-

зумини ағдарышдек жиноятга қўл уришини хаёлимга келтирмаган эдим,» - деб афсусланади Цицерон.<sup>1</sup>

Хукмронликнинг ва барча ҳурмат-эҳтиромнинг энг юқори нуқтасини эгаллаши унинг собиқ душманлари ва республика тарафдорларинигина эмас, ҳатто дўстларини ҳам ундан қўнглини совутди. Оқибатда мантиққа тўғри келмайдиган ҳолат юз берди: тез орада у сиёсий жиҳатдан яккаланиб қолди. Муваффақият билан амалга оширилган суиқасд эса у асос солган тузумнинг таг-замини йўқ - бўш эканини қонуний равишда намоён қилди.<sup>2</sup>

Айни шу муносабат билан Цицероннинг билдирган қуйидаги: «O, tempore, o, mores!» (Оҳ, давр, оҳ, ўлим!) деган чақириққа ўхшаш машҳур нидоси ҳам Рим сиёсий тузумига шикаст етказётган ёвузлик туфайли жамият мафкурасининг тушкунликка учраганидан дарак берарди.<sup>3</sup>

Цезар номи тарихда ўтган диктаторлар, саркардалар қаторида жўнгина қолавериши мумкин эди. Аммо кейинча унинг номи айрим йирик Оврўпо ёзувчиларини ҳам ўзига маҳлиё қилган ва фаолияти улар ижодига махсус мавзу бўлган. Ўрта аср ёзувчиларидан Данте ва Петраркалар ўз бадий асарларида Цезарни ёқлаб, унинг қотили Брутни ёмонлаб ёзишса-да, аммо Петрарка золимона хукмронликка қарши чиққан. Шекспир «Юлий Цезар» трагедиясида Цезарни иродаси кучли ҳокимиятпараст ва сиёсий арбоб деб таърифлайди. Корнел «Помпейнинг ўлими» асарини Цезар ва Клеопатра алоқаларига бағишлаган. Ёзувчи Бодмер эса «Юлий Цезар» асарида (1763) унинг фаолиятига салбий баҳо беради.

Машҳур инглиз ёзувчиси Бернард Шоу «Цезар ва Клеопатра» драмасида (1901) гарчи икковларининг «муҳаббат» саргузаштлари мавзу қилиб олинган бўлса ҳам, аммо драма замирида сиёсий таг-сабаб бор. Чунончи, унинг прологи (муқаддимаси)да қуйидаги саҳна диққатни жалб қилади: Цезар Помпейга қарши урушиб ва унинг кетидан қувиб Мисрга келганида қадимги мисрликларнинг олий маъбуди (яъни Қуёш илоҳи) Ра такаббур цезарчи римликларга қарата шундай хитоб қилади: «Огоҳ бўлинг-

<sup>1</sup> Плутарх, Избранные жизнеописания, II жилд, 486-бет.

<sup>2</sup> С. Л. Утченко. Кўрс. асар, 253-бет.

<sup>3</sup> Философия и общество, ўша жойда.

лар, сизлар ҳозир қуллик асоратига солган заиф халқлардан биронтася, эҳтимолки, келгусида худонинг офати бўлиб бош кўтарар ва сизларнинг мақтанчоқлигингиз, ноҳақ ишларингиз-у, бемаъниликларингиз ва гуноҳларга ботганингиз учун таъзирингизни берар!»<sup>1</sup>. Тарих ўйинини қарангки, Цезар даврдан бир неча аср ўтгач, римликлар илгари писанд қилмаган халқлардан вестготлар, (ғарбий готлар), яъни, аввал, хорланган галлар — Рим империясининг кулини кўкка совурди. Императорларнинг ҳайкалларини шоҳсупаларидан ағдариб ташладилар. Ночор аҳволда қолган римликлар Шарқдан келган жанговар хуннларни ёрдамга чақиришга мажбур бўлдилар. Машҳур собиқ императорлар ва саркардалар энди римликларнинг ўзига ҳам мақтанчоқ ва такаббур бўлиб кўрина бошлади. Рим тарихчилари ҳам уларни мақтамай, қандай бўлса холислик билан ўшандай тасвирладилар - буюк ишлари билан бирга салбий хислатларини ҳам яширмасдан ёзадиган бўлдилар.

XX асрнинг кўзга кўринган ёзувчиларидан Торнтон Уайлдер «Март ойи идалари» романида ва Бертольд Брехт «Жаноб Цезарнинг қилмишлари» романида яна Цезар мавзусини кўтардилар. Улуғ шоиримиз Чўлпон ҳам ҳар томонлама кенг маълумотли бўлгани сабабли бу мавзуга қўл урган. Лекин уни Цезар ва Клеопатранинг сиёсат бобидаги найранглари эмас, балки Клеопатранинг аёл сифатидаги қалб тугёнлари қизиқтирган. Шу маънода шоир Клеопатрага бағишлаб «Кулубатро уйқуси» номли бир шеър (1921) ва «Кулубатро» номли бир ҳикоя ёзган.

Шу тарзда Цезар номи кейинги асрларда жаҳон адабиётига ҳам мавзу бўлди. Аммо жаҳон тарихшунослиги фанига Цезар номи ва унинг диктатурасини мавзу қилиб олиб кирган олим, XIX асрдаги, юқорида номи тилга олинган немис тарихчиси Теодор Моммзен эди.

Германия тарихидан маълумки, XIX аср ўрталаридан бошлаб, бир неча мустақил князликлардан иборат мамлакат Пруссия атрофида бирлашиб ягона давлат сифатида сиёсий майдонга чиқади ва Германия империясига асос солинади - мутлақ монархия ҳокимияти тикланиб ва барча конституциялар, демократик

---

<sup>1</sup> Бернард Шоу. Цезарь и Клеопатра. Пьесы. М., Худ. Лит-ра, 1969, 229-бет.

тартиблар бекор қилиниб, давлатни бошқариш Бисмарк каби империя тузуми тарафдорлари қўлига ўтади. Ҳшандай тарихий шароитда Германиянинг йирик университетларида тарихий тадқиқотлар жонланиб, ҳарбий куч билан ўрнатилган императорлик тузумининг тарихан «тўғри»лигини асослаш учун олимларга гўёки ижтимоий буюртма берилган эди. Моммзен қадимги Рим тарихини ва Цезар фаолиятини чуқур ўрганиш билан худди шу ижтимоий буюртмани бажаради.

Теодор Моммзен (1817-1903) бутун умри давомида Рим тарихига доир 1500 дан ортиқ (дунёда энг кўп) асар ёзди, асосий ўринда эса унинг беш жилдли «Рим тарихи» туради. Унинг уч жилдини Цезар фаолиятига бағишлаб, XIX аср ўртасида Германиянинг ягона монархик давлатга айланишини Юлий Цезар диктатураси тимсолида кўради. Бисмарк каби якка ҳукмронлик тарафдорларининг демократияга, умумхалқ манфаатларига қарши реакцион фаолиятини Цезарнинг якка ҳукмронликка эришиш йўлидаги кураши мисолида тарихан оқлайди. Ўз асарлари орқали Цезарнинг Рим давлатини ҳар қандай йўл билан ўз шахсий ҳукмронлигига бўйсундирганини тарихий зарурат деб исбот қилиш Моммзеннинг асосий ғояси эди. У Римнинг ҳарбий-сиёсий тарихини ёзади, иқтисодий ҳаёт ва маданият эса иккинчи ўринда қолиб кетади. Моммзен Цезарнинг э.ав. 46-йилгача ўтган фаолиятини ўрганиб, шу ерда нуқта қўяди. Агарда кейинги фожиавий воқеаларни ҳам ёзганида эди, Цезар монархияси ва диктатурасининг оқибатда тарихан тўғри эмаслигини эътироф қилган, бинобарин, Германия империяси тузумини ёқламаган бўлар ва олинган ижтимоий буюртма бажарилмаган бўлур эди. Шунинг учун Моммзен Цезарнинг сўнги фожиавий тақдирини қаламга олмайди.

Т. Моммзен асарларининг ғоявий йўналишини «Тарихни буюк кишилар яратади» - деган нотўғри фикр ташкил қилар эди. Ҳеч қандай демократия, халқ ҳаракатлари эътироф қилинмайди. У тарихга Юлий Цезар, македониялик Искандар, Ганнибал каби машҳур шахслар фаолияти орқали баҳо беради. Моммзен жамият тарихининг циклизм назариясига асос солган биринчи тарихчидир, яъни жаҳон тарихий тараққиёти айлана бўйича юз бериб, даврлар ўтиши билан во-

қеалар гўё қайтарилаверади. У ёздики: «буюк ишлар қарору нутқлар билан эмас, темир ирода ва қон тўкишлар билан ҳал бўлади».

Моммзен Германия императорлари мисолида Цезар тимсолини кўради ва уларнинг фаолиятини оқлаб хулоса чиқаради. Унинг бу «хизмати» албатта, Германия ҳукумати томонидан муносиб тақдирланади. Шу сабабдан ҳам Германияда Цезар номидан олинган «Кайзер» калимаси «Император» номига синоним бўлиб қолади.

Русия тарихчиларидан С.Л. Утченко, В.С. Дуров ва Н. Машкин асарларида ҳам мана шу танқидий фикрлар учрайди. Биз ҳам бу масалага қарашимизда Цезарнинг тарихдаги ўта машҳурлиги соясида қолиб кетган шахсий камчиликлари ва ҳаракатларининг мазмунини ташкил қилган бош мақсадига асосланган ҳолда унинг фаолиятини холисона баҳолаб ўргандик.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир Мирзо тақдири ва фаолиятига келсак, аввало ушбу ҳақиқатни айтиш керакки, у ўрта аср Шарқида, умуман барча даврда ўтган султону саркардалар, подшоҳу шохлар орасида Цезарга ҳам, бошқа айрим машҳур арбобларга ҳам хос бўлган иродаси, шижоати, қўрқмас саркардалиги, ҳар томонлама қобилиятли давлат арбоби эканидан ташқари яна кўп қиррали олимлиги, маърифат ва муҳаббатни куйловчи шоирлиги ва одамийлик фазилатлари билан Цезардан ажралиб туради. Бундан ташқари унинг пок эътиқоди, ихлоси, комил мусулмон экани, барча ниятларининг ижобат бўлишида ҳарбий кучга эмас, асосан Яратганга ишониши, инсоний гуноҳлари учун қалбдан тавба қилишлари — булар ҳам Бобир шахсини Цезар шахсидан юқори поғонага қўяди. Биз бу ерда асримизнинг машҳур кишиларидан бўлган Неру жанобларининг Бобир Мирзога берган ва илмий оламга аллақачон маълум бўлган ажойиб таърифларини келтиришимиз мумкин, лекин шартмикан. Биргина бу эмас. Бобир Мирзо ҳам Цезар каби давлат арбоби сифатида ёшлигиданоқ тарих саҳнасида пайдо бўлган экан, олдига қўйган мақсади жиҳатидан ҳам ундан қатъий фарқ қилади. Цезар биринчи шахс бўлишни орзу қилди ва якка

ҳокимлик учун курашди. Бобир Мирзо эса Шайбонийхонга бўйсуниб бирон вилоятда унга муте бўлган ҳоким бўлиб қолишни хоҳламади. Лекин Цезар Римда, таъкидланганидек, республика асосига қурилган давлатни йўқ қилиб, бутун мамлакатни ўз ҳукмронлигига буйсундиришдек мутлақо хусусий манфаат учун курашди ва бор имконияти-ю, қобилияти-ни мана шу мақсад учун сарфлади. Бобир Мирзо эса Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган салтанат, шу юртнигина эмас, балки бутун минтақани ҳар жиҳатдан юксак тараққиёт даражасига кўтарган буюк Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлигини давом эттириш учун курашди. Юлий Цезар жиддижаҳд билан курашиб ўрнатган тузум, яъни зўравонликка асосланган якка ҳокимлик - диктаторлик тартиби Рим жамияти манфаатига ўша даврда мос келмади, натижада унинг ўзи фожиали равишда ҳалок бўлди. Бобир Мирзо эса олдига қўйган улуғ ва эзгу мақсадига етди-узоқ Ҳиндистонда ўша темурийлар сулоласининг давомийлигини таъминлади ва ушбу мамлакат халқлари тақдирида бутун жаҳон тан олган ҳаётбахш ўзгаришларни бошлаб берди. Шунинг учун унинг номи Цезарникидек танқидга учрамади, аксинча, ўчмас номга айланди ва ҳозир ҳам шундай. Шунинг учун ҳам инглиз олимнинг, агар даври ҳисобга олинмаса Бобир Мирзо Юлий Цезарга тенглашадиган инсондир - дегани одилонга гап эди. Бунда албатта, Бобир шижоати ва иродаси кўпроқ назарда тутилган. Бу олимнинг хулосавий гапини давом эттирган ҳолда ва жаҳон тан олган тарихий ҳақиқатга суяниб шуни ҳам дадил айтиш жоизки, XIX асрдангина илмий-адабий оламга машҳур бўла бошлаган Бобир Мирзо шуҳрати ҳам ажойиб давлат арбоби, атоқли саркарда, Марказий Осиёда жаҳон цивилизациясини уйғотган буюк шахс сифатида даврлар ўтиши билан Цезар шуҳрати қаторида бутун жаҳонга тарқалади, балки, орзуга айб йўқ, римлик Цезар шуҳратини босиб ҳам кетар - буни келажак тарих кўрсатади.

Цезар ҳаёт чоғидаёқ унинг шахсий фазилати-ю, феъллари ҳақида айрим танқидий фикрлар билдирилгани ва ёзилганини айтган эдик, (масалан Гранквилл асари ва Валерий Катулл шеър-

лари, Плутарх, Цицерон фикрлари). Бобирнинг эса ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам, мана 5 аср ўтибдики, ёзма асарларда унинг шаънига ҳеч қандай салбий гаплар айтилмаган.

Бобир Мирзо асарларини кўчирган котиб («Мусаввири авроқ») шундай деб ёзади: «Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилининг яхшиликларини айтган билан ва битган билан тугангай. Лекин... (унинг) саккиз сифати асил аниинг зотига муттасил эрди»<sup>1</sup>.

Буни қарангки, Бобир Мирзонинг бу сифатларига шарҳ берган котиб ўз фикрларининг холислигидан, «тамагирлик ҳиди келмасин» дебми, исмини ёзиб қолдирмаган - яширган. Бу ҳам шарқона одоб-ахлоқ белгиларидандир.

Хўш, Бобир Мирзонинг кўп фазилатларидан котиб холисона қаламга олган бу саккиз сифат қайсилар эди?

Биринчиси - «нажҳати баланд эрди» - яъни кўриниши, қаддиқомати барваста, полвон сифат киши эди<sup>2</sup>.

Иккинчиси - «ҳиммати аржуманд эрди» - яъни саховатли, буюк ҳимматли, мардона киши эди.

Учинчиси - вилоятларни бирлаштириш, марказлаштириш сифатига эга эди.

Тўртинчиси - улус, вилоятларни осойишта сақлаш, доимо тинч ҳаёт шароитини таъминлашни ўйларди.

Бешинчиси-маъмурлиғ, яъни доимо ободончилик ишларига катта эътибор берар эди.

Олтинчиси — Тангри-таолонинг бандаларига рафоҳият ниятида, яъни ўз қўли остидаги, умуман барча вилоятлардаги фуқароларга тинчлик ва хотиржамлик ҳаётини таъминлаб бериш хаёлида бўларди.

Еттинчиси - «черик кўнгли (ни) қўлга олмоқ», яъни қўшинни тартибда сақлаш билан бирга ҳар бир аскар ҳақида ғам ер, унинг талаби-эҳтиёжига доимо қулоқ солар эди. (Эътироф қилмоқ керак - мана шу фазилат Цезарда ҳам бор эди).

Ва ниҳоят, саккизинчи сифати, «Адолат қилмоқ» эди.

<sup>1</sup> Бобирнома, Тошкент, 1949 й, 11 қисм, 209-бет.

<sup>2</sup> Шу жиҳатдан кўп қисмли телесериалда Бобир қиёфаси тўғри талқин қилинмаганини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Умуман олганда, Бобир Мирзо фазилатлари улуғ бобоси Соҳибқирон Амир Темур фазилатларига ҳамоҳангдир. Хусусан, адолатли бўлмоқдек фазилати улуғ Соҳибқирон ўғитларининг айни ўзгинасидир. «Куч адолатдадир» - деган ва ҳозирги мустақиллигимиз даврида одилона пиорга айланиб қолган ушбу пурмаъно сўзларга энг кўп амал қилган Амир Темур эдилар.

Бобир қоғозлари - қўлёзмаларини кўчирган котиб яна умуман «фазилат бобида камлиги йўқ эрди» - деб яқунлайди ва туркий ҳамда форс тилида ҳам наср, ҳам назмда бемалол ёзишини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Биз даҳрийлик (шўро ҳокимияти) йиллари Бобир шахсини подшоҳ ва саркарда сифатида мудом ёмонлаб кўрсатиб келдик. Ваҳоланки, унинг хорижий тадқиқотчилари ҳам бундай деб ёзмаган эди. Эрскин ҳалоллик билан шуни таъкидлайдики, Бобир Мирзо подшоҳ сифатида улусга ғамхўр бўлган. Бетоб ётганида тахтни Ҳумоюнга топширар экан, унга ҳалоллик билан сиёсат олиб боришни, шафқатли ва саховатли бўлишни, камбағал ва бечораларни ўз ҳимоясига олишни ҳам васият қилади.

У, бизларнинг ҳозирги ўлчовимизда, нисбатан кўп умр кўрмаган бўлса ҳам ўз давридаги кўп султону, подшолардан кўра кўпроқ яшади, қонидаги ғайрат-шижоати, иродаси ва мардона ҳаракатлари билан машаққатли ҳаёт бўронларидан устун келди ва ўз фаолиятида кўп ишларни қилиб улгурди. У кечирган ҳаётни, жангу жадаллар ва бетакрор саргузаштларни, талатўпларга қарамай доимо қўлидан қамиш қаламни ташламай давом эттирган ижодий фаолиятини тарихда ундан кейин ўтган биронта ҳукмрон такрорлай олмаган.

Президентимиз Ислом Каримов шундай деб ёзади: «тарихда ҳукмронлар кўп ўтган. уларнинг аксарияти ўз маншати ва айширатидан нарига ўтмаганлиги маълум. уларни биров эсламайди. бироқ, миллат ғамда ёнган, унинг истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди».<sup>1</sup> Бобир Мирзо юртбошимиз назарда тутган ана шундай улус ғамини еган беқиёс ҳукмдорлардан эди:

---

<sup>1</sup> И. Каримов, Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, Асарлар, 5-жилд, Тошкент, 1997, 188-бет.

Бобир Мирзонинг 1483 йилда Андижонда туғилганлиги барчага аён. Шунинг учун ҳам унинг хотирасига атаб Республика миқёсида ўтказиладиган барча тадбирлар доимо Андижонда ўтди. Бироқ 500 йиллик юбилей тантанаси манфур тоталитар даврда нишонланмади, афсус. Бобир юртида туғилган фидокор инсон Зокиржон Машрабов Мустақиллигимиз шарофати билан ташаббус кўрсатиб она шаҳрида Бобир номли халқаро жамғарма ташкил қилди.

3. Машрабов раҳбарлигида тарихда биринчи марта Бобир номли халқаро илмий сафар бошланди.<sup>2</sup> Ўшанда улуғ ҳамюртимизнинг Агра шаҳрида илк бор дафн этилган жойни зиёрат қилиб, сўнгра Кобул шаҳрида абадий ором топган муқаддас хокларидан олиб келинди. Андижон шаҳри жанубидаги Боғишамол даҳасида унинг рамзий қабри қўйилди. Минг шукрки, Президентимиз Ислоҳ Каримов Андижонда Бобир Мирзонинг 510 йиллик юбилейини алоҳида нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилди ва бу юбилей тантанаси ҳам Андижонда ўтди. Шу муносабат билан 1993 йили бу ерда «Бобир боғи» яратилиб, алоҳида тарихий-меъморий мажмуаси бунёд қилинди. Ҳозир бу жой зиёратгоҳга айланиб қолган. Зиёратгоҳнинг энг юқори қисмида - баландликда ҳамюртимиз Бобир Мирзонинг рамзий қабри жойлашган. Қабрга кўтарилаётган зиёратчилар нигоҳи дабдурустан мармар тош деворларига ёзиб қўйилган ушбу лавҳага тушади:

*«ЭЙ ИНСОН! ҚАДАМНИ АСТАРОҚ ТАШЛА,  
ДИЛИНГНИ МУҚАДДАС ДУОЛАРГА БУР.  
ЭНГ ПОК НИЯТЛАРНИ ШУ ЕРДАН БОШЛА,  
ШОД БЎЛСИН ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР».*

Ҳа, мана, халқимиз ўз истиқлолини ўз қўлига олганидан буён, иншооллоҳ, Бобир Мирзо руҳи шод. Андижонга келган саёҳатчилар, янги рўзгор кўраётган келин-куёвлар бу ерга келишиб улуғ

---

<sup>1</sup> Кейинги йиллари бу халқаро илмий сафар бир неча марта ташкил қилинди ва экспедиция ўндан ортиқ мамлакатларда бўлиб қайтди.

бобоси қабрини зиёрат қилишиб руҳларига атаб Қуръон тиловат қилишади. Бунга фақат ва фақат мустақиллигимиз шарофати туфайли эришдик.

Яна асрлар ўтар, минг йиллик ҳам ўтади, Бобир Мирзо хотираси халқлар қалбида яна чуқурроқ из қолдиради, номи жаҳон тарихида машҳур бўлган Юлий Цезардан ҳам машҳурлашиб, дунё халқлари хотирасида абадий муҳрланиб қолади. «Бобирнома» таржимаси тадқиқотчиларининг ушбу гапига биз ҳам қўшиламиз: «Замонлар келар, ер юзида Бобир Мирзонинг номини, «Бобирнома»ни эшитмаган ва ўз тилида ҳайратланиб ўқимаган бирон кимса қолмас».

## МУҶДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Муаллифдан .....	9
«Буюк муғуллар» эмас, буюк Бобирийлар салтанати .....	18
Юлий Цезар насаби, туғилиши ва ёшлиги .....	25
Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг дунёга келиши ва болалиги .....	49
Бобир - Фарғона тахтининг вориси. Уйқусиз тунлар .....	62
Юлий Цезарнинг диктаторлик йўли .....	147
Бобир - Кобул подшоҳи .....	172
Бобир дипломатияси .....	198
Ҳиндистон сари .....	220
Юлий Цезар - Рим диктатори. Унинг сўнгги ҳаёти .....	263
Бобирнинг сўнгги кунлари .....	285
Хотима .....	307

---

Адабий-бадий нашр

САЙФИДДИН ҲОЖИ ЖАЛИЛОВ

БОБИР  
ВА ЮЛИЙ ЦЕЗАР

*(Қиёсий ҳаётнома)*

Муҳаррирлар	Н. НАРЗУЛЛАЕВ
	А. САИД
Бадий муҳаррир	Б. БОЗОРОВ
Расмлар муаллифи	В. КАЙДАЛОВ
Мусаввир	С. РАЗЗОҚОВ
Мусаҳҳиҳ	М. ХУДОЁРОВА
Тех. муҳаррир	В. ДЕМЧЕНКО
Компьютер устаси	Е. НАЗАРОВА

ИБ № 3597

Босишга руҳсат этилди 4.10.2001. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоғи 10,0+0,5 вкл. Адади 1000 нуска. Бужуртма № 214.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати  
«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. 700113, Тошкент,  
Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.